**38.**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъруза02сини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа, Т.: “Иқтисодиёт” 2010.-281 б.

**39.**Салимов Б.Т., Мустафакулов Ш.И. Микроиқтисодиёт: масалалар, науналар, топшириқлар, тестлар.- Т.: “Gi Print”, 2010.-244 б.

**40.**Просветов Г.И. Стратегия предприятии. Учеб. практическое пособ. – М.: «Альфа-Пресс», 2010. – 184 с.

**41.**Голубев М.П. Методология создания эффективных вертикально интегрированных холдингов. Учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 521 с.

**42.**Дресвянников В.А. Управление знаниями организации. Учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2010. – 344 с.

**43.**Апалькова Т.Г. Микроэкономика: Учеб. пособие для вузов – М.: Изд-во МГОУ, 2009.- 81 с.

**44.**Маховикова Г.А. Микроэкономика: Учеб. пособие – М.: Эксмо, 2009. – 224 с.

**45.**Ходиев Б.Ю. ва бошқ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 267 б.

**46.**Дорохина Е.Ю. Моделирование микроэкономики: Учебное пособие для вузов / Е.Ю.Дорохина, М.А.Халилов: Под общ ред. Н.П.Тихомирова. – М.:Экзамен, 2003. – 224 с.

**47.**Климов С.М. Микроэкономика: Учебное пособие // С.М.Климов, А.П.Семин, Т.А.Федорова. – СПб.: ИВЭСЭП , Знание, 2003. – 350 с.

**48.**Салимов Б.Т., Ўроқов Н.И., Мустафақулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт: Маърузалар матни . – Т.: Молия иқтисодчи, 2005.- 360б.

**49.**Salimov B.T., Hamdamov Q.S., O’raqov N.I. Mikroiqtisodiyot: Kasb-hunar kollejlari uchun o’quv qo’llanma- T.: “Ijod dunyosi”, 2003.- 256 б.

**50.**Чеканский А.Н., Фролова Н.Л. Микроэкономика-2: Учебное пособие. - М.: ТЕИС, 2003.- 245 с.

## VII. Статистика тўпламлари маълумотлари

**51.**Инвестиции республики Узбекистан 2010. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 148 с

**52.**Промышленность республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 156 с.

**53.**Сельское хозяйство Узбекистана 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009. – 160 с

## VIII. Интернет сайтлари

**54.**Микроэкономика. Курс лекций. Задачник. Опорный конспект. Методические указания. http://www.iet.ru/mipt/2/text/curs_micro_lect.htm

**55.**Курс Микроэкономики 1 в "Микроэкономике промежуточного уровня". Особое внимание уделяется производству, теории фирмы и структурам рынка. - http://www.nes.ru/Acad_year_2011/Micro2-rus.htm

**56.** Учебные материалы по Микроэкономике. On-line http://www.ic.omskreg.ru/econrus/win/library/3/37/371/3713/table.htm

**57.**Игнатьева, Моргунова. Микроэкономика. "http://www.economics.ru"

**58.**Экономики России. "http://www.imce.ru"

**59.**www. norma.uz.

**60.**www.gov.uz

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI**

**SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI**

---

**IQTISODIY TA’LIMDA O‘QITISH TEXNOLOGIYASI**

---


# *B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*


**“MIKROIQTISODIYOT”**
**o‘quv kursi bo‘yicha**

**TA’LIM TEXNOLOGIYASI**


**Samarqand -2013**

**Shakarov A.B. «Mikroiqtisodiyot» fani bo‘yicha ta’lim texnologiyasi / «Iqtisodiy ta’limda o‘qitish texnologiyasi» seriyasidan. -S.: SamISI, 2013. 219 b.**

**Taqrizchilar:** i.f.n., dots. V.Shodiev (SamGU)
i.f.n., dots. J.Oripov(SamISI)
i.f.n., dots. R.Karshiev(SamISI)

Samarqand iqtisodiyot va servis instituti ilmiy-uslubiy kengashi tomonidan tasdiqlangan va chop etishga tavsiya etilgan. ( -son bayonnoma _____.2013 yil)

Ushbu kitobda ta’limni texnologiyalashtirish qoidalari, ya’ni didaktik tamoyillar, ma’ruza, seminar va amaliy mashg‘ulotlarni texnologiyasini ishlab chiqish usullari, uning asosiy xususiyatlari hisobga olingan holda loyihalashtirilgan.

Kitob «Mikroiqtisodiyot» fanini o‘qitadigan oliy o‘quv yurtlari va uzluksiz ta’lim tizimidagi barcha o‘quv muassasalari professor-o‘qituvchilari uchun mo‘ljallangan.

© ***B.A.Salimov, A.B. Shakarov,Sh.Mustofaqulov*** **– S.: SamISI, 2013.**

# K I R I SH

«Mikroiqtisodiyot» fani bo‘yicha ta’lim texnologiyasi ma’ruza, seminar va amaliy mashg‘ulotlarni texnologiyalashtirish qoidalari asosida ishlab chiqilgan.

Tuzilish jihatidan mazkur kitob kirish, ma’ruza, seminar va amaliy mashg‘ulotlari ta’lim va o‘qitish texnologiyalarining konseptual asoslaridan tashkil topgan.

«Konseptual asoslari» bo‘limida «Mikroiqtisodiyot» fanini o‘qitishning dolzarbligi, ahamiyati, uning tuzilmasi, ushbu o‘quv fanining ta’lim mazmuni bayon qilingan, hamda ta’lim jarayonini boshqarish, kommunikatsiyalash, informatsiyalashda o‘qitishning usul va vositalarini tanlashni aniqlovchi konseptual qoidalar asoslab berilgan.

*O‘quv fani bo‘yicha ta’lim texnologiyalari quyidagicha loyihalashtirilgan*:

(1) sakkiz turdagi ma’ruza mashg‘ulotlarida: kirish, tematik, mutaxassislarni taklif etish, muammoli, ko‘rgazmali (vizuallashgan) ma’ruza, konferensiya, munozarali, aniq vaziyatlarni hal etish ma’ruzalari;

(2) egallangan bilimlarni muammoli vazifalarni yechimini topishda qo‘llash malakalarini shakllantirish (muammoli seminar mashg‘ulotlari) va bilim va malakalarini chuqurlashtirish va mustahkamlash, hamda o‘z mustaqil faoliyatlarini tashkil etish malakalarini shakllantirish kabi seminar mashg‘ulotlari.

Ma’ruzaning xususiyatlaridan kelib chiqib har bir mavzu o‘ziga xos ta’lim texnologiyasi asosida tuzilgan. O‘qituvchining bilim va mahoratini oshirishda hamda dars davomida yengilliklar to‘g‘dirishda ushbu qo‘llanma muhim hisoblanadi.

Mazkur ta’lim texnologiyasi har qanday oliy o‘quv yurtida, hamda uzluksiz ta’lim tizimidagi barcha o‘quv muassasalarida «Mikroiqtisodiyot» fani o‘qituvchilari tomonidan qo‘llanilishi mumkin.

Mualliflar mazkur ta’lim texnologiyasini yaratishda o‘zining maslahatlarini darig‘ tutmagan, kitobning yanada mazmunli va sifatli bo‘lishida qimmatli fikrlari bilan o‘rtoqlashganligi, hamda tashkiliy ishlarga yordam berganliklari uchun TDIU rektori, professor B.Yu.Xodiyevga va SamISI rektori G‘.H.Qudratovga, o‘quv ishlar prorektorlari professor A.Sh.Bekmurodov va A.Bektemirovlarga, dotsentlar B.U.Usmonov va R.Q.Qarshiyevga, dotsent L.V.Golishga, katta o‘qituvchi M.S.Yusupovga, TDIU «Tarmoqlar iqtisodi» va SamISI “Kasb – hunar ta’limi” kafedralarining barcha professor-o‘qituvchilariga o‘z minnatdorchiliklarini ishor etadilar.

Ta’lim texnologiyasini bajarishda yo‘l qo‘yilgan xato va kamchiliklar uchun oldindan uzr so‘ragan holda, asosli taklif va tavsiyalarni siz pedogok o‘qituvchilardan kutib qolamiz.

dotsent A.B.Shakarov

# «MIKROIQTISODIYOT» FANI BO‘YICHA

# TA’LIM TEXNOLOGIYASINING

# KONSEPTUAL ASOSLARI

## 1. «MIKROIQTISODIYOT» FANINING DOLZARBLIGI VA O‘QITISH STRUKTURASI

Iqtisodiyotning bozor munosabatlariga o‘tishi bilan jamiyatda bozor iqtisodiyotining amal qilish mexanizmini, turli mulkchilikka asoslangan korxonalarning xo‘jalik yuritish faoliyatini, ularning bozor sharoitdagi harakatini, cheklangan ishlab chiqarish resurslaridan oqilona foydalanish yo‘llarini va shu asosda samarali faoliyat yuritishlarini tadqiqi qilish fanninig dolzarbligini belgilaydi. Demak, yuqorida ta’kidlangan masalalarni hal etishda hamda iqtisodiyotda tarkibiy islohotlar va iqtisodiyotni modernizatsiyalashni yanada chuqurlashtirish, uning ko‘lamini kengaytirish bilan bog‘liq masalalarning nazariy va amaliy tomonlarini o‘rganishda “Mikroiqtisodiyot” fanining ahamiyati beqiyosdir. Bu fan iqtisodiyot fanining tarkibiy qismi bo‘lib, u firmalar, uy xo‘jaliklari va bozor iqtisodiyotining quyi qismida harakat qilayotgan barcha iqtisodiy sub’ektlarning faoliyatini keng miqyosda tahlil etish asosida tegishli xulosalar chiqarib, asosli qarorlar qabul qilish imkonini yaratadi.

“Mikroiqtisodiyot” ayrim firmalar va iste’molchilar faoliyatini o‘rgangan holda, sanoat tarmoqlari va bozorlar qanday faoliyat ko‘rsatishini, bularning faoliyatiga boshqa mamlakatlardagi iqtisodiy sharoit va xukumat siyosati qay yo‘sinda ta’sir etishini ochib beradi. Bozor iqtisodiyoti sub’ektlari faoliyatini tahlil etishda ularning faoliyatiga bevosita ta’sir etuvchi talab va taklif, foydalilik va iste’molchilarning bozordagi narxlarga munosabati, ishlab chiqarish omillari va ulardan oqilona foydalanish yo‘llari, umumiy muvozanat masalalarini o‘rganishni istayotgan talabalar uchun ushbu fan juda ko‘l keladi. Biz bu qo‘llanmani mikroiqtisodiyotning tobora yetakchi o‘rin egallab borayotgan sohalariga talabalarda qiziqish uyg‘otishga ishongan holda yozdik.

Mikroiqtisodiyot rivojlanib boruvchi va o‘rganishga arzigulik fan ekanligini talabalarga ko‘rsata bilish zarur, zero talabalar mikroiqtisodiyot xulosalarini o‘zlashtirib, ularni hayotga tadbiq etishni bilishlari lozim.

Toshkent davlat iqtisodiyot universitetining “Tarmoqlar iqtisodi” kafedrasi professor-o‘qituvchilari bu o‘quv kursining nazariy va amaliy ahamiyatidan kelib chiqqan holda uning dasturini ishlab chiqdilar, ilmiy maqolalar va ilmiy ommabop asarlarni e’lon qildilar. Shuning bilan bir qatorda, to‘plangan tajribalarni umumlashtirib borish asosida dasturni mamlakatimiz taraqqiyoti va o‘quv ishlarni rivojlantirib borish zaruriyatidan kelib chiqqan holda kuchaytirib borish, uni takomillashtirishga ehtiyoj ham ortib bormoqda.

“Ta’lim to‘g‘risida” va “Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi” qonunlarini ta’lim tizimlariga to‘la joriy etishni ta’minlash, zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali mutaxassis kadrlarni tayyorlashda “Mikroiqtisodiyot” fanining ham fundamental fan sifatida o‘rni benazirdir. Prezidentimiz I.A.Karimov ta’kidlaganidek, “Barchamiz yaxshi anglab olishimiz kerakki, hayotimizning boshqa sohalaridagi ahvol amalga oshirilayotgan islohorlarimizning samaradorligi avvalo xalq ma’naviyatining tiklanishi, boy tarixiy merosimizning keng o‘rganilishi, an’analarimizning saqlanishi, madaniyat va san’at, fan va ta’lim rivoji bilan uzviy bog‘liqdir”.

**O‘qitishning maqsad va vazifalari**.

«Mikroiqtisodiyot» fanini o‘qitishdan asosiy *maqsad* – talabalarda iqtisodiy sub’ektlarning bozordagi xatti-harakati va ishlab chiqarish resurslaridan oqilona

foydalanish hamda firma foydasini maksimallashtiruvchi ishlab chiqarish xajmini tanlash bo‘yicha nazariy va amaliy tushunchalarni hosil qilishdan iboratdir. «Mikroiqtisodiyot» kursini o‘rganishning quyidagi asosiy *vazifalari* mavjud:

- bozor iqtisodiyoti qonunlari va bozor sub’ektlarining har- xil bozor tuzilmalaridagi harakat faoliyati hamda ularning faoliyatiga ta’sir qiluvchi omillarni o‘rganish;
- bozordagi talab va taklif to‘g‘risidagi statistik ma’lumotlar asosida bozorni taxlil kilish va xulosalar chikarish;
- davlatning bozor iqtisodiyotiga aralashuvi oqibatlarini tahlil qilish asosida xulosalar chiqarish;
- iste’molchining bozordagi xatti-harakati va ishlab chiqaruvchi firmalarning iqtisodiy resurslardan oqilona foydalanish yo‘llarini;
- Bozor muvozanatining o‘zgarishi va unga ta’sir qiluvchi omillarni tadqiq qilish;
- Elastiklik nazariyasining amalda qo‘llanilishini va soliq yukining taqsimlanishini tahlil qilish;
- Bozor sharoiti o‘zgarishi oqibatlarini prognoz qilish va baholash.

«Mikroiqtisodiyot» o‘quv fanini o‘rgatish natijasida talabalar quyidagi bilim, malaka va ko‘nikmalarga ega bo‘ladilar:

***a) bilishi kerak:***

- Zamonaviy bozor iqtisodiyotining ishlashi va rivojlanishining nazariy asoslarini;
- Talab va taklif modeli asosida taqchil resurslarini taqsimlanish mexanizmini;
- Raqobatlashgan va raqobatlashmagan bozorlarning asosiy xususiyatlarini va firmalarni ushbu bozorda harakat qilish qoidalarini;
- Bozor sharoitida narxlarni qanday shakllanishini;
- Davlatning bozor iqtisodiyotiga aralashish yo‘nalishlarini va ularning oqibatlarini;
- Mehnat, kapital va yer bozorlarining ishlash mexanizmini.

***b) tasavvurga ega bo‘lmog‘i lozim:***

- Bozor iqtisodiyotining ishlashi, rivojlanishi hamda salbiy va ijobiy tomonlari borasida;
- Har-xil bozor strukturalarida firmalarning harakat qilish qoidalari to‘g‘risida;
- Bozorning ishlash samaradorligi va unga ta’sir qiluvchi omillar;
- Taqchil resurslarni taqsimlanish tamoillari tug‘risida;
- Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning turli bozor sharoitlarida va turli oraliqlarda foydani maksimallashtirish shartlari xaqida.

***v) bajarishi lozim:***

- Bozordagi talab va taklif to‘g‘risidagi statistik ma’lumotlar asosida bozorni tahlil qilish va xulosalar chiqarish;
- Statistik ma’lumotlar asosida talab va taklif funksiyalarini tuzish va ular asosida bozordagi holatni tahlil va bashorat qilish;
- Raqobatlashgan va raqobatlashmagan bozorda firmalarni harakatini tahlil qilish asosida xulosalar chiqarish.

**O‘quv rejasidagi boshqa fanlar bilan aloqasi**

«Mikroiqtisodiyot» o‘quv fani bir qator ijtimoiy va iqtisodiy fanlar bilan o‘zaro bog‘liqdir. Ular jumlasiga: «Iqtisodiy nazariya», «Makroiqtisodiyot», «Mehnat iqtisodiyoti», «Korxona iqtisodiyoti», «Statistika», «Menejment» kabilar kiradi.

**O‘quv rejasida fanga ajratilgan soatlar umumiy hajmi va dars soatlari bo‘yicha taqsimoti**

«Mikroiqtisodiyot» fani jami 162 soatdan iborat bo‘lib, shulardan 42 soat ma’ruza, 42 soat seminar (amaliy mashg‘ulot) va 78 soat mustaqil ta’limdan iboratdir.

**Mashg‘ulotlar mavzulari va turlari bo‘yicha o‘quv soatlarining taqsimlanishi**

| № | Mavzularning nomlanishi | Auditoriya soatlari | | | Mustaqil ta’lim | Jami |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Jami | Shu jumladan: | | | |
| | | | Ma’ruza | Amaliy (semenar) | | |
| 1 | Fanning mazmuni, maqsadi va vazifalari | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 2 | Iqtisodiy bazis tushunchalar | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 3 | Talab va taklif tahlili asoslari | 4 | 2 | 2 | 6 | 10 |
| 4 | Bozor muvozanati, maksimal va minimal narxlar | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 5 | Talab va taklif elastikligi | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 6 | Iste’molchi tanlovi nazariyasi | 4 | 2 | 2 | 6 | 10 |
| 7 | Daromad samarasi va almashtirish samarasi | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 8 | Bozor va tavakkalchilik | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 9 | Firma va ularning tashkiliy-iqtisodiy asoslari | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 10 | Ishlab chiqarish nazariyasi | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 11 | Ishlab chiqarish harajatlari | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 12 | Raqobatlashgan bozorda, qisqa muddatli oraliqda firma foydasini maksimallashtirish va uning taklifi | 8 | 4 | 4 | 4 | 8 |
| 13 | Raqobatlashuvchi firma va tarmoqning uzoq muddatli oraliqdagi muvozanati va tarmoqning taklifi | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| 14 | Raqobat va yakka hokimlik | 4 | 2 | 2 | 6 | 10 |
| 15 | Bozor hokimiyati sharoitida narx belgilash tamoyillari | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **16** | Mehnat bozori va korxonalarda mehnat resurslaridan foydalanish | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| **17** | Kapital qo‘yilmalar va kapital bozori | 4 | 2 | 2 | 4 | 8 |
| **18** | Korxonalar faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish | 4 | 2 | 2 | 2 | 6 |
| | **Jami** | **76** | **38** | **38** | **78** | **154** |

## 2 “Mikroiqtisodiyot” o‘quv fani mavzularining qisqacha mazmuni

### 1-mavzu. Fanning mazmuni, maqsadi va vazifalari

Resurslarning cheklanganligi. Cheklangan resurslarni taqsimlash. Resurslarni taqsimlashda narxning ahamiyati. Muvozanat narxning shakllanishi. Bozor va uning vazifasi. Bozor bilan bog‘liq bo‘lmagan faoliyat. Mulkka egalik qilish. Bozor almashuvining asosiy sharti. Operatsiya harajatlari. Fanning mazmuni, vazifalari, predmeti.

### 2-mavzu. Iqtisodiy bazis tushunchalari

Iqtisodiy ehtiyoj tushunchasi. Iqtisodiy ne’matlar va ularning xususiyatlari. O‘rnini bosuvchi ne’matlar. To‘ldiruvchi ne’matlar. Iqtisodiy resurslar va ularning turlari. Tadbirkorlik qobiliyati tushunchasi. Alternativ harajatlar va ularni aniqlash. Qaytarilmaydigan harajatlarning vujudga kelishi. Ishlab chiqarish imkoniyatlari va uning ahamiyati. Ishlab chiqarish imkoniyatlari chizig‘i. Ne’matlarni bir-biri bilan almashtirish (transformatsiya) koeffitsiyenti. Pozitiv va normativ tahlil. Tovarlar oqimi modeli. Buyruqbozlikka asoslangan iqtisodiyot. Bozor iqtisodiyoti.

### 3-mavzu. Talab va taklif tahlili asoslari

Talab tushunchasi. Talab chizig‘i. Talab funksiyasi. Bir omilli va ko‘p omilli talab funksiyalari. Talabga ta’sir qiluvchi omillar. Talab miqdorining o‘zgarishi. Talabning o‘zgarishi. Taklif va taklif miqdori. Taklif chizig‘i. Taklif funksiyasi. Bir omilli va ko‘p omilli taklif funksiyalari. Taklifga ta’sir qiluvchi omillar. Taklif miqdorining o‘zgarishi. Taklifning o‘zgarishi. Talab va taklif qonunlari.

### 4-mavzu. Bozor muvozanati, maksimal va minimal narxlar

Muvozanatlik tushunchasi. Bozor muvozanati. Muvozanat narx. Muvozanat mahsulot miqdori. Muvozanat nuqta. Bozorning muvozanat holatini tiklash xususiyati. Bozor muvozanatining o‘zgarishi va unga ta’sir qiluvchi omillar. Maksimal narx. Davlat tomonidan maksimal narxning o‘rnatilishi. Bozorda tovar tanqisligi. Tanqislik sohasi. Norasmiy bozor va uning vujudga kelishi. Tovarning norasmiy bozordagi narxi. Minimal narx. Bozorda tovar ortiqchaligi va norasmiy

bozor. Iste’molchi yutug‘i va ishlab chiqaruvchi yutug‘i. Tovar tanqisligi sohasi. Ortiqcha mahsulotni ifodalovchi soha.

## 5-mavzu. Talab va taklif elastikligi

Elastiklik tushunchasi. Elastiklik koeffitsiyenti. Talabni narxga ko‘ra elastikligi. Talab funksiyasi uchun elastiklik koeffitsiyentini hisoblash. Yeysimon elastiklik. Elastik va elastik bo‘lmagan talab. Absolyut elastik va Absolyut elastik bo‘lmagan talab. Talab elastikligiga ta’sir qiluvchi omillar. Talabning iste’molchi daromadiga ko‘ra elastikligi. Kesishgan talab elastikligi koeffitsiyentini hisoblash. Normal tovarlar. Past kategoriyali, oliy kategoriyali va birlamchi ehtiyoj tovarlar. Engel chiziqlari. Kesishgan talab elastikligi. Elastiklik nazariyasining amalda qo‘llanilishi. Sotuvchi daromadini talab elastichligiga ko‘ra tahlil qilish. Soliq yukining taqsimlanishini tahlil qilish. Bozor sharoiti o‘zgarishi oqibatlarini prognoz qilish va baholash.

## 6-mavzu. Iste’molchi tanlovi nazariyasi

Iste’mol nazariyasida ne’mat tushunchasi. Iste’molchi tanloviga ta’sir qiluvchi omillar. Naflik tushunchasi. Iste’molchi ehtiyojini qondirish darajasi. Naflik funksiyasi. Umumiy naflik, chekli naflik, chekli naflikning kamayishi qonuni. Befarqlik egri chizig‘i. Befarqlik chiziqlari kartasi va uning xususiyatlari. Chekli almashtirish normasi. Byudjet chegarasi va uning o‘zgarishi. Byudjet tenglamasi. Byudjet chizig‘i. Byudjet chizig‘i yotiqlik burchagi. Iste’molchi tanlovi masalasi. Naflikni maksimallashtirish. Iste’molchi tanlovi masalasi yechilishini grafik usulda tahlil qilish. Iste’molchi muvozanati. Iste’molchilarning muvozanat shartlari.

## 7-mavzu. Daromad samarasi va almashtirish samarasi

«Daromad-iste’mol» chizig‘i. Normativ va past kategoriyali tovarlar uchun Engel chiziklari. «Narx-iste’mol» chizig‘i va normal va Gifen tovarlari uchun talab chizig‘i. Normal tovar uchun daromad samarasi va almashtirish samarasi, umumiy samara. Past kategoriyali tovarlar uchun daromad samarasi va almashtirish samarasi. Almashtirish samarasini va daromad samarasini amalda qo‘llash. Past kategoriyali tovarlar. O‘rnini bosuvchi va to‘ldiruvchi tovarlar.

## 8-mavzu. Bozor va tavakkalchilik

Noaniqlik va tavakkalchilik. Ehtimol tushunchasi. Ehtimolning turlari. Noaniqlik sharoitida tanlash. Tavakkalchilikni vujudga kelishi sabablari. Tavakkalchilik o‘lchovi. Kutiladigan miqdor. Chetlanish. Tavakkalchilikka bo‘lgan munosabat. Tavakkalchilikka moyillik. Tavakkalchilikka moyil bo‘lmagan holat. Tavakkalchilikka befarqlik. Tavakkalchilikni pasaytirish yo‘llari. Korxonalarning faoliyat sohalarini va ishlab chiqaradigan mahsulotlar turini kengaytirish (diversifikatsiyasi). Sug‘urta qilish. Tavakkalchilikni qo‘shish. Tavakkalchilikni taqsimlash. Asimmetrik axborotlashgan bozor. Mahsulot sifati noaniqligi. Ma’naviy tavakkalchilik. Bozordagi asimmetrik axborotlarni yo‘qotish yo‘llari. Bozor signallari. Auksionlar. Olib sotarlik va uni iqtisodiyotdagi o‘rni. Fyucherslar. Opsion va xedjirlashtirish. Investitsiya va tavakkalchilik. Tavakkalchilik aktivlariga bo‘lgan talab. Aktivlar tushunchasi va ulardan olinadigan foyda. Tavakkalchilik va foydaning o‘zaro aloqasi. Mablag‘ egasining o‘z mablag‘ini sarflash yo‘nalishini tanlash muammosi.

## 9-mavzu. Firma va ularning tashkiliy-iqtisodiy asoslari

Firma tushunchasi. Tadbirkorlik firmalarining asosiy shakllari. Xususiy firmalar. Xususiy firmaning ustun va zaif tomonlari. Mas'uliyati cheklangan va cheklanmagan jamiyatlar. Aksionerlik jamiyatlari (korporatsiyalar ochiq va yopiq turdagi aksionerlik jamiyatlari). Jamiyatning javobgarligi. Aksionerlik jamiyatining ustun tomonlari va zaif tolmonlari. Aksiyadorlarning huquqlari. Davlat korxonalari. Foyda olmaydigan tashkilotlar. Kooperativlar. O'zbekiston Respublikasida «Mulk to'g'risidagi» Qonunga ko'ra faoliyat ko'rsatayotgan korxonalar turi.

## 10-mavzu. Ishlab chiqarish nazariyasi

Ishlab chiqarish jarayoni. Ishlab chiqarish texnologiyasi. Ishlab chiqarish omillari va ularning turlari. Ishlab chiqarish funksiyasi tushunchasi. Izokvanta tushunchasi. Izokvantalar kartasi va uning xususiyatlari. Izokvantaning yotpiqligi burchagi. Qisqa va uzoq muddatlardagi ishlab chiqarish. Bir o'zgaruvchan omil (mehnat) asosida ishlab chiqarishni tashkil etish. O'zgaruvchi omilning yalpi o'rtacha, chekli mahsulotlari va ular o'rtasidagi bog'liqlik. Kapitalning chekli mahsuloti. Mehnatning chekli mahsuloti. Ishlab chiqarish omillari chekli mahsuldorligining kamayish qonuni. Ishlab chiqarish omillarining o'zaro almashuvi. Chekli texnologik almashtirish normasi. Izokosta tushunchasi. Izokosta tenglamasi. Ishlab chiqarish omillari sarfini minimallashtirish. Minimallashtirish masalasini grafik usuldagi yechimi va optimallik sharti.

## 11-mavzu. Ishlab chiqarish harajatlari

Korxonaning qisqa muddatli va uzoq muddatli oraliqdagi faoliyati. Harajatlar to'g'risida tushuncha. Boy berilgan imkoniyatlar va alternativ harajatlar. Qaytarilmaydigan harajatlar. Iqtisodiy harajatlar, buxgalteriya harajatlari. Ichki va tashqi harajatlar. Iqtisodiy foyda va normal foyda. Yalpi harajatlar. O'zgaruvchan va o'zgarmas harajatlar. O'rtacha harajatlar. Chekli harajatlar. Ishlab chiqarish harajatlari chiziqlari. Uzoq va qisqa muddatlardagi harajatlar grafiklari. Qisqa va uzoq muddatdagi harajatlarning o'zaro bog'liqligi. Ishlab chiqarish harajatlarini hisoblash, O'rtacha ishlab chiqarish harajatlari grafiklarining o'zaro joylashuvi.

## 12-mavzu. Raqobatlashgan bozorda, qisqa muddatli oraliqda firma foydasini maksimallashtirish va uning taklifi

Raqobatlashgan bozor va uning shartlari. Firmaning, yalpi, o'rtacha va chekli daromadlari. Korxona foydasi. Korxona foydasini maksimallashtirishni nazariy jihatdan asoslash va uni grafik usulda tahlil qilish. Firma foydasini maksimallashtirishning umumiy sharti va mukammal raqobatlashgan bozor uchun sharti. Firmaning bezarar ishlash nuqtasi. Firma harajatlarini minimallashtiradigan holat. Firmaning yopilish nuqtasi. Firmaning chekli mahsulot ishlab chiqarish qoidasiga amal qilishi. Firma taklifi.

## 13-mavzu. Raqobatlashuvchi firma va tarmoqning uzoq muddatli oraliqdagi muvozanati va tarmoqning taklifi

O'rtacha uzoq muddatli harajat va uning xususiyatlari. Uzoq muddatli oraliqda ishlab chiqarish hajmini tanlash. Tarmoqqa qarashli tipik firma muvozanati. Tarmoqning muvozanat holati. Tarmoqning taklifi. Harajatlari o'sayotgan tarmoqning taklif chizig'i, harajatlari o'zgarmas bo'lganda tarmoqning taklif chizig'i. Harajatlari kamayayotgan tarmoqning taklif chizig'i. Tarmoqning kengayish mexanizmi. Firmaning samarali razmeri. Ishlab chiqarish masshtabi. Musbat samarali ishlab chiqarish masshtabi. Manfiy samarali ishlab chiqarish masshtabi.O'zgarmas

samarali ishlab chiqarish masshtabi. Firmaning uzoq muddatli o‘rtacha harajatining kamayishiga va o‘sishiga ta’sir qiluvchi omillar.

## 14-mavzu. Raqobat va yakkahokimlik

Raqobat tushunchasi. Raqobatlashuvchi firmalar. Raqobatlashmagan bozor turlari. Sof monopoliya. Sof monopoliyaga misollar. Monopolistik bozorga kirishdagi to‘siqlar. Tabiiy monopoliyalar. Sof monopoliyada monopol narx va monopol mahsulotni aniqlash. Monopolistik talab va taklif. Monopol hokimiyat va monopol hokimiyat ko‘rsatkichlari. Monopol narx belgilash talab elastikligining ta’siri. Monopol narx va jamiyat farovonligi. Monopol narxga soliqlarning ta’siri. Raqobatlashgan monopol bozor. Raqobatlashgan monopol bozorda tovar narxi va ishlab chiqarish hajmini aniqlash. Raqobatlashgan monopol bozor samaradorligi. Oligopoliya. Kurno modeli. Monopsoniya. Monopoliyaga qarshi qonun.

## 15-mavzu. Bozor hokimiyati sharoitida narx belgilash tamoyillari

Narx tushunchasi, tamoyillari va funksiyalari. Bozor sharoitida amal qiluvchi narx turlari. Narx belgilashda iste’molchi ortiqchaligini egallash. Monopol narx belgilashda «Bosh barmoq» qoidasi. Monopol hokimiyat va jamiyat farovonligi. Iste’molchilar daromadiga ko‘ra narxlarni belgilash. Mahsulotlarni harid qilish uchun qo‘shimcha iste’molchilarni jalb qilish. Turli haridorlar uchun turli narxlar belgilash (narx diversifikatsiyasi). Iste’mol hajmiga ko‘ra narxlar diversifikatsiyasi. Tovarlar kategoriyasiga ko‘ra narx differensiatsiyasi. Mahsulotlarga bo‘lgan yuqori talab davrida narx berish tartibi.

## 16-mavzu. Mehnat bozori va korxonalarda mehnat resurslaridan foydalanish

Bozor munosabatlari va mehnat resurslaridan foydalanish ko‘rsatkichlari. Yollanma ishchilarning optimal sonini aniqlash. Mehnatning chekli mahsuloti. Mehnatning chekli daromadliligi. Mehnat qaytimi. Mehnat sig‘imi. Mehnat samaradorligi. Mehnat unumdorligining kamayish qonuni. Mehnat resurslariga bo‘lgan talab. Mehnat resurslari taklifi. Raqobatlashgan mehnat bozori. Mehnat qilish va dam olish o‘rtasidagi bog‘liqlik. Ish haqi o‘sishining dam olish vaqti bilan ishlash vaqti o‘rtasidagi nisbatga ta’siri. Mehnat bozorida monopsoniya bo‘lgan hol. Ish haqi minimumi. Minimal ish haqi va muvozanat ish haqi o‘rtasidagi farqlar va ularning oqibatlari. Mehnat bozoriga kasaba uyushmalarining ta’siri. Monopoliya shaklidagi mehnat bozori. Mehnat bozorida ikki tomonlama monopoliya. Ish haqi stavkalarining tabaqalashuvi. Iqtisodiy renta. Korxonada mehnatni tashkil etishning ilg‘or shakllari. Ish haqi va mehnat unumdorligi.

## 17-mavzu. Kapital qo‘yilmalar va kapital bozori

Asosiy va aylanma kapital mablag‘lar. Ssuda foizi. Loyiha tushunchasi. Investitsiya va investitsiyalash. Yalpi investitsiyalash. Investitsiyani qoplash. Sof investitsiya tushunchasi. Chekli sof qoplash. Chekli ichki qoplash. Chekli qoplash normasi koeffitsiyenti. Uzoq muddatli oraliqdagi investitsiya. Jamg‘arma va vaqt bo‘yicha chekli tanlash normasi. Qiymatni diskontirlash. Investitsiyani hisoblashdagi diskontirlangan qiymat. Investitsiyaga talab. Investitsiyaga inflyatsiyaning ta’siri. Asosiy fondlarning joriy harajatlarini va istiqboldagi daromadni baholash. Ziyon miqdorini aniqlash. Ichki va tashqi investitsiya. Korxonaning investitsiya sohasidagi qaror qabul qilish mezoni. Investitsiya samaradorligi. Obligatsiya qiymati va undan

keladigan daromad. Muddatsiz obligatsiya. Yer bozori, yer taklifi, yer rentasi. Absolyut renta. Differensial renta. Yer narxi.

**18-mavzu. Korxonalar faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish**

Bozor munosabatining kamchiliklari. Bozor muvozanatining buzilish oqibatlari. Tashqi samara. Manfiy tashqi samara va musbat tashqi samara. Davlatni atrof-muhitni muhofaza qilish siyosati. Ichki bozorni himoya qilish siyosati. Ijtimoiy ne'mat. Asimmetrik axborotlarni tartibga solish. Bozorning davlat tomonidan boshqarilishi va uning zaruriyati. Bozor munosabatlarining davlat tomonidan boshqarilish qurollari. Soliqlar, subsidiyalar, subvensiyalar, imtiyozli kreditlar. Imtiyozli soliqlar. Bozor mexanizmiga davlatning aralashuvi me'yori.

## 3. «MIKROIQTISODIYOT» FANI BO'YICHA MA'RUZA, SEMINAR VA AMALIY MASHG'ULOTLARINING TA'LIM TEXNOLOGIYASINI ISHLAB CHIQISHNING KONSEPTUAL ASOSLARI

O'zbekiston milliy taraqqiyotning eng mas'uliyatli bosqichi – ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy hayotning keskin burilish davrini boshidan kechirmoqda. Jamiyatimiz har bir fuqarosi XXI asri ibtidosida, ortda qolgan yillarni sarhisob qilish va kelajak hayotning turli jabhalari rejasini belgilab olish muammosiga duch kelishi ijtimoiy fan olimlari zimmasiga katta vazifalarni yuklaydi. Bu borada Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti professor-o'qituvchilari o'quv fanlari buyicha yaxlit ta'lim texnologiyalarini loyihalashtirish va amalga oshirish ishlarini keng qamrovli olib bormoqdalar.

Hozirgi davrda ilmiy-texnika taraqqiyoti ta'limni takomillashtirish masalalarini ilgari surmoqda. «Ta'lim xalq ma'naviyatiga yaratuvchilik kayfiyatini baxsh etadi. O'sib kelayotgan yosh avlodning barcha eng yaxshi imkoniyatlari unda namoyon bo'ladi. Kasb-kori, mahorati uzluksiz takomillashadi, kata avlodning dono tajribasi anglab olinadi va yosh avlodga o'tadi», - deya ta'kidlaydi Prezidentimiz I.A.Karimov o'zining «O'zbekiston o'z istiqlol va taraqqiyot yo'lida» nomli asarida. Bugungi kunda oldimizda jahon fani va madaniyatining eng ilg'or yutuqlarini o'zida mujassamlashtirilgan, inson aql-zakovati yaratgan boyliklardan bahramand bo'lgan yangi avlodni shakllantirish vazifasi turibdi. Faqat shu asosdagina millatning taraqqiyot sari intilishini ta'minlovchi intellektual kuchni vujudga keltirish mumkin.

Inson, uning har tomonlama kamol topishi va farovonligi respublikada amalga oshirilayotgan o'zgartirishlarning bosh maqsadi va harakatlantiruvchi kuchidir.

Mamlakatning o'ziga xos mentalitetini hisobga olgan holda O'zbekiston tanlab olgan o'z rivojlanish modeli shunga olib keldiki, ijtimoiy-siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va ma'naviy hayotning taraqqiy etgan mamlakatlarda umume'tirof etilgan tamoyillari hamda me'yorlari xukmron va muqarrar xususiyat kasb etib, ular respublikaning nafaqat hozirgi holatini, balki uning taraqqiyotini belgilaydi.

Zamonaviy iqtisodiyot, fan, texnika va texnologiyalarni rivojlantirish asosida kadrlar tayyorlashning takomillashgan tizimini yaratish mamlakatni taraqqiy ettirishning eng muhim sharti hisoblanadi. Tizimning amal qilinishi kadrlarning istiqbolga mo'ljallangan vazifalarni hisobga olish va hal etish qobiliyatiga, yuksak umumiy va kasbiy madaniyatiga ijodiy va ijtimoiy faollikka, ijtimoiy-siyosiy hayotda mustaqil ravishda yo'nalish ola bilish mahoratiga ega bo'lgan yangi avlodni shakllantirishni ta'minlaydi.

Prezidentimiz tomonidan ilmiy asoslab berilgan ta’lim-tarbiya modelini amaliyotga tatbiq etish o‘quv jarayonini texnologiyalashtirish bilan uzviy bog‘liqdir. Shu boisdan Kadrlar tayyorlash milliy dasturida «O‘quv-tarbiyaviy jarayonni ilg‘or pedagogik texnologiyalar bilan ta’minlash» uning ikkinchi va uchinchi bosqichlarida bajariladigan jiddiy vazifalardan biri sifatida belgilandi.

Kadrlar tayyorlash Milliy dasturining ikkinchi bosqichi ta’lim jarayonidagi sifat ko‘rsatkichlarini yaxshilash, ya’ni jahon andozalariga mos, raqobatbardosh, yuqori saviyaga ega bo‘lgan mutaxassislar tayyorlashdir. Ushbu murakkab muammolarni yechimini topib ularni amalda keng qo‘llash oliy ta’lim tizimi personali oldiga juda katta vazifalar belgilaydi. Bunda aniq vazifalar sifatida bevosita o‘quv jarayonini yaxshilash, o‘quv dasturlarini yanada takomillashtirish, o‘qitishning zamonaviy pedagogik texnologiyalarini amalga joriy qilish, texnik vositalaridan keng foydalanish va shu asosda masofadan o‘qitishni keng joriy qilishdan iboratdir.

Yurtimizda iqtisodiy ta’limda o‘qitish texnologiyalari, avvalo, insonparvarlik tamoyiliga asoslangandir. Falsafa, pedagogika va psixologiyada ta’kidlanganidek, bu yo‘nalishning asosiy farqli tomoni shundaki, bunda butun diqqat-e’tibor talaba shaxsiga qaratiladi. Chunki, talaba – bu iqtisod sohasida bo‘lajak mutaxassis, u – shaxs. Shuning uchun ta’lim jarayonidagi o‘qitish texnologiyalari talabaning o‘ziga xos shaxsiy xususiyatlarini hisobga olgan holda, mustaqil, faol bilish faoliyatini tashkil etishga qaratilgandir. Shundan kelib chiqqan holda, «Mikroiqtisodiyot» o‘quv fani bo‘yicha ta’lim texnologiyalarini loyihalashtirishda quyidagi asosiy konseptual yondashuvlarni ko‘rsatib o‘tamiz:

**Shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim.** Bu ta’lim o‘z mohiyatiga ko‘ra ta’lim jarayonining barcha ishtirokchilarini to‘laqonli rivojlanishlarini ko‘zda tutadi. Bu esa ta’limni loyihalashtirilayotganda, albatta, ma’lum bir ta’lim oluvchining shaxsini emas, avvalo, kelgusidagi mutaxassislik faoliyati bilan bog‘liq o‘qish maqsadlaridan kelib chiqgan holda yondoshishni nazarda tutadi.

**Tizimli yondashuv.** Ta’lim texnologiyasi tizimning barcha belgilarini o‘zida mujassam etmog‘i lozim: jaryonning mantiqiyligi, uning barcha bo‘g‘inlarini o‘zaro bog‘likligi, yaxlitligi.

**Faoliyatga yo‘naltirilgan yondashuv**. Individning jarayonli sifatlarini shakllantirish, ta’lim oluvchining faoliyatini faollashtirish va tezlashtirish, o‘quv jaryonida uning barcha qobiliyati va imkoniyatlari, tashabbuskorligini ochishga yo‘naltirilgan ta’limni ifodalaydi.

**Dialogik yondashuv.** Bu yondashuv o‘quv jarayoni ishtirokchilarining psixologik birligi va o‘zaro munosabatlarini yaratish zaruriyatini bildiradi. Uning natijasida shaxsning o‘z-o‘zini faollashtirishi va o‘z-o‘zini ko‘rsata olishi kabi ijodiy faoliyati kuchayadi.

**Hamkorlikdagi ta’limni tashkil etish**. Ta’lim beruvchi va ta’lim oluvchi o‘rtasida demokratik, tenglik, hamkorlik kabi o‘zaro sub’ektiv munosabatlarga, faoliyat maqsadi va mazmunini birgalikda shakllantirish va erishilgan natijalarni baholashga e’tiborni qaratish zarurligini bildiradi.

**Muammoli ta’lim.** Ta’lim mazmunini muammoli tarzda taqdim qilish asosida ta’lim oluvchilarning o‘zaro faoliyatini tashkil etish usullaridan biridir. Bu jarayon ilmiy bilimlarni ob’ektiv qarama-qarshiligi va uni hal etish usullarini aniqlash, dialektik tafakkurni va ularni amaliy faoliyatda ijodiy qo‘llashni shakllantirishni ta’minlaydi.

**Axborotni taqdim qilishning zamonaviy vositalari va usullarini qo‘llash –** bu yangi kompyuter va axborot texnologiyalarini o‘quv jarayonida qo‘llashdir.

Berilgan konseptual qoidalarga asosan, **«Mikroiqtisodiyot»** fanining maqsadi, tuzilishi, o‘quv ma’lumotining mazmuni va hajmidan kelib chiqqan holda, berilgan sharoitda va o‘quv rejasida belgilangan vaqtda, fan bo‘yicha davlat ta’lim standartlarida belgilangan ta’lim maqsad va natijalariga erishishni ta’minlaydigan kommunikatsiya, ma’lumot, boshqarish va o‘qitishning uslublari hamda vositalari yaxlitlikda tanlab olindi:

**O‘qitish uslublari va texnikalari**. Ma’ruza (kirish, mavzuiy, ma’lumotli, ko‘rgazmali (vizuallashgan), anjuman, aniq vaziyatlarni yechish), munozara, muammoli uslub, pinbord, aqliy hujum, tezkor –so‘rov, savol-javob, amaliy ishlash usullari.

**O‘qitishni tashkil etish shakllari:** dialog, polilog, muloqot, hamkorlik va o‘zaro o‘qitishga asolangan frontal, jamoaviy va guruhlarda o‘qitish.

**O‘qitish vositalari:** o‘qitishning an’anaviy vositalari (darslik, ma’ruza matni) bilan bir qatorda – chizmali organayzerlar, kompyuter va axborot texnologiyalari.

**Kommunikatsiya usullari*:*** talabalar bilan tezkor qaytar aloqaga asoslangan bevosita o‘zaro munosabatlar.

**Qaytar aloqalarning (ma’lumotning) usul va vositalari*:*** joriy, oraliq va yakuniy nazorat natijalarini tahlil qilishga asoslangan kuzatish, tezkor-so‘rov, o‘qitish diagnostikasi.

**Boshqarish usullari va vositalari:** o‘quv mashg‘ulotining bosqichlari, belgilangan maqsadga erishishda ta’lim beruvchi va ta’lim oluvchining faoliyati, nafaqat auditoriya ishini, balki mustaqil va auditoriyadan tashqari ishlarni nazoratini (joriy, oraliq, yakuniy) belgilab beruvchi o‘quv mashg‘ulotlarini texnologik harita ko‘rinishida rejalashtirish.

**Monitoring va baholash:** o‘quv mashg‘ulot jarayonida (o‘quv vazifalari va testlarini bajargani uchun baholash, ta’lim oluvchining har bir o‘quv mashg‘ulotidagi o‘quv faoliyatini reyting baholash), ham butun kurs davomida (har bir ta’lim oluvchining reyting bahosiga asosan joriy, oraliq va yakuniy natijalari) ta’lim natijalarini rejali tarzda kuzatib borish.

## MA’RUZA, SEMINAR VA AMALIY MASHG‘ULOTLARDA TA’LIM TEXNOLOGIYALARI

| | |
|---|---|
| **1-MAVZU** | **“Fanning mazmuni, maqsadi va vazifalari”** |

**1.1 . Ma’ruzani o‘qitish texnologiyasi**

| | | |
|---|---|---|
| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI. **Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:** Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:** 1-Mavzu **Soatlar xajmi: 2 c.** |
| **Talabalar soni**: 30 tagacha | **O‘T mualliflari:** ***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*** | **O‘qituvchi**: Dots. Shakarov A.B., |

**O‘quv mashg‘uloti shakli:** Kirish ma’ruzasi

**Ma’ruza mashg‘uloti tuzilishining rejasi:**

Cheklangan resurslarni taqsimlashning bozor mexanizmi.

Bozor va uning vazifasi.

Bozor bilan bog‘liq bo‘lmagan faoliyat, mulkka egalik qilish bozor almashuvining asosiy sharti.

Fanning predmeti, vazifasi va o‘rganish usullari.

**O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:** O‘tiladigan mavzu tug‘risida yaxlit ma’lumot berish hamda mashg‘ulotlarning tashkiliy va uslubiy ta’minoti bilan tanishtirish.

| **Pedagogik vazifalar:** | **O‘quv faoliyatining natijalari:** |
|---|---|
| Fanning boshqa fanlar tarkibidagi o‘rni va vazifalari bilan tanishtirish; | Predmetning moxiyati va vazifalarini shakllantirish; |
| Fanning tarkibiy tuzilishi va o‘quv uslubiy adabiyotlar bilan tanishtirish; | Predmetning tuzilishi va yo‘nalishlarini izoxlash; |
| | Nazariya va amaliyotdagi yutuqlarni bayon etish; |
| Ilmiy tadqiqotlar ko‘lamini yoritish; | Fan doirasidagi ishlarning uslubiy va tashkiliy |
| Fanni o‘qitishning tashkiliy uslubiy xususiyatlarini bayon etish; | xususiyatlarini yoritish; |
| | Resurslardan oqilona foydalanish va alternativ harajatlar to‘g‘risida umumiy tushuncha hosil qilish; |
| Resurslar cheklanganligi muammosidan kelib chiqib jamiyat oldida | Iste’molchilar, ishlab chiqaruvchilar va davlat |

| | |
|---|---|
| turuvchi iqtisodiy savollarning mazmun va mohiyatini anglatish;<br>Iqtisodiy sub'ektlar faoliyatini muvofiqlashtiruvchi bozor mexanizmini tushuntirish;<br>Reyting nazorati tartibini izoxlash. | o'rtasida sodir buladigan o'zaro ayirbosh jarayonlari to'g'risida tasavvur paydo bo'lishi;<br>Baholash muxlatlari va shakllari bilan tanishtirish. |
| **O'qitish vositasi:** | Ma'ruza matni, qog'ozlar va har-xil rangdagi marker, kompyuter texnologiyasi, grafik organayzer. |
| **O'qitish metodi va shakli:** | • Ma'ruza, aqliy xujum, klaster texnikasi;<br>• Guruxlarga bo'lingan xolda, yalpi, jamoaviy. |
| **O'qitish shartlari:** | Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya. |
| **Monitoring va baxolash:** | Og'zaki nazorat va tezkor so'rov asosida baxolash. |

**"Fanning mazmuni, maqsadi va vazifalari" mavzuida tayyorlangan ma'ruzaning texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O'qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| 1-bosqich O'quv mashg'uloti mavzusiga kirish | 1.1.Fanning nomi e'lon qilinadi. Uning tarkibiy mantiqiy tuzilishi hamda rejalari xaqida umumiy tasavvur hosil bo'lishi uchun ilk tushunchalarni bayon etadi. Ularning o'zaro bog'liqligi tushuntiriladi. | Tinglaydilar. |
| | 1.2. Reyting nazorat tizimi mezoni bilan tanishtiriladi. Joriy, oraliq hamda yakuniy baholash xususiyatlari bayon etiladi (1-Ilova). | Tinglaydilar va yozib boradilar. |
| | 1.3.Asosiy adabiyotlar ro'yxati keltiriladi va izoxlanadi. | Qayd etishadi. |
| | 1.4. "Aqliy xujum" usuli asosida tegishli usul, tushuncha va atamalar yetkaziladi. "Aqliy xujum" qoidasi yodga olinadi (2-Ilova). | Tinglaydilar. |
| 2-bosqich Asosiy bosqich | 2.1. Ma'ruza matni mavzusining matni tarqatiladi. Reja, tayanch tushunchalar bilan tanishish taklif | Tanishib chiqadilar. |

| | | |
|---|---|---|
| | etiladi. | Zaruriy chizma va |
| | 2.2. Slaydlardagi ko‘rgazma va sharxlar asosida qullaniladigan nazariy usullar bilan tanishtiriladi. Fanning boshqa fanlar bilan uzviy aloqasini va chegarasini tushuntiradi hamda fanning oldida turgan muammolar va vazifalar nimadan iborat ekanligini tayyorlab kelingan chizma orqali talabalar xukmiga havola etiladi. Dars davomida talabalarni faollashtiruvchi savollar o‘rtaga tashlanadi. Har bir rejadagi savol bo‘yicha xulosalar qilinadi 3-Ilova. | ma’lumotlarni konspekt qilishadi.<br>Tayanch tushunchalar muxokama qilinadi.<br>Tarkibiy tuzilishi aniqlanadi. |
| | 2.3. Keltirilgan tayanch tushunchalarni chuqurroq izoxlash maqsadida talabalarga Klaster texnikasi qo‘llaniladi. | |
| 3-bosqich Yakuniy bosqich | 3.1. Yakuniy xulosalar qilinadi. Mashg‘ulot natijalari ketma-ket izoxlanadi. Kelgusida o‘rganilgan bilimlar ko‘llanilishi mumkin bo‘lgan soxalar qayd etiladi. | Savollar beriladi. |
| | 3.2. Talabalar faoliyati taxlil etiladi va baxolanadi. Qo‘yilgan maqsadga erishish darajasi ta’kidlanadi. | Tinglaydilar. |
| | 3.3. Mustaqil ishlash uchun topshiriqlar beriladi 4-Ilova. | Topshiriqlar yozib olinadi. |

**1-Ilova(1.1)**

**Baholash mezoni:** *Talaba “Mikroiqtisodiyot” fanidan to‘liq kursni o‘tab bo‘lgach quyidagi reyting ballari asosida boholanadi:*

| | |
|---|---|
| **Joriy baho- 45 ball;** | **86-100 ball-“A’lo”;** |
| **Oraliq baho-40 ball;** | **71-85 ball- “Yaxshi”;** |
| **Yakuniy baho-15 ball.** | **55-70 ball- “O‘rta”.** |

O‘tiladigan har bir ma’ruza mashg‘ulotiga **0.5-1** ballgacha beriladi.
Seminar mashg‘ulotiga beriladigan maksimal ball esa **0.5-2** ballgacha.
Mustaqil tayyorlanib kelingan referat uchun **15** ball berilidi.
Ikkita oraliq nazorat uchun **20** balldan **40** ball beriladi.
Yakuniy nazoratga **15** ball berilishi nazarda tutilgan.

**2-Ilova(1.1)**

**Aqliy xujum qoidalari:**

Bayon etilayotgan fikrlarni inkor etmaslik;

Bildirilayotgan fikrlarga rad javobi bermaslik va tanqidga olmaslik;

So‘zlovchi fikrini to‘liq eshitish va uni bo‘lmaslik;

E’tiroz bildirishdan o‘zni tiyish;

G‘oyalar qayta-qayta bildirilishidan ranjimaslik;

So‘zlovchini ehtiroslarga berilishiga yo‘l qo‘yib berish;

Ko‘rilayotgan masala oddiy yechimdan boshlanadi;

Qanchalik ko‘p fikr va g‘oyalar bildirilsa, shunchalik yaxshi. Yangi va bebaxo fikr va g‘oyaning paydo bo‘lish ehtimoli paydo bo‘ladi;

Bu muammo faqatgina ma’lum usullar yordamidagina hal bo‘lishi mumkin, deb o‘ylamang.

**3-Ilova(1.1)**

***«Mikroiqtisodiyot» fanining boshqa fanlar bilan aloqasi***




**1-Slayd**

***«Микроиқтисодиёт» фанидан ўрганилиши лозим бўлган муаммолар***

- Талаб ва таклиф таҳлили ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар
- Талаб ва таклиф эластиклиги, эластиклик назарияси асосида солиқ юкининг истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида тақсимланиши
- Истеъмолчиларнинг бозордаги хатти харакати ва эхтиёжларини қондириш учун даромадларининг тақсимланиши
- Фирмаларнинг ишлаб чиқариш хажмини максималлаштириш ва фирманинг оптимал размери
- Рақобатлашган бозор шароитида фирма фойдасини максималлаштириш
- Рақобатлашувчи фирма ва тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанати ва тармоқнинг таклифи
- Бозор турлари, рақобат ва яккаҳокимлик
- Бозор ҳокимияти шароитида нарх белгилаш тамойиллари
- Меҳнат бозори ва корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш
- Капитал қўйилмалар ва капитал бозори
- Корхоналар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш

**2-Slayd**

**3-Slayd**

**Bozor turlari**.




**3-Slayd**

Agar ne’mat noyob bo‘ladigan bo‘lsa, u holda cheklangan ne’matlarni qanday qilib iqtisodiy sub’ektlar o‘rtasida ratsional taqsimlashni amalga oshirish muammosi - bu markaziy iqtisodiy muammo hisoblanadi. Bu muammoni yechish uchun har qanday jamiyat quyidagi uchta iqtisodiy savolga javob berishi kerak:

**Nima ishlab chiqarish kerak?**

**Qanday ishlab chiqarish kerak?**

**Kimga ishlab chiqarish kerak?**

Yuqoridagi savollardan ikkitasi, ya’ni nima ishlab chiqarish kerak? va qanday ishlab chiqarish kerak? degan savollar - resurslardan mahsulot ishlab chiqarishda foydalaniladigan va ishlab chiqariladigan mahsulot tarkibining juda ko‘p alternativ variantlari mavjudligini taqozo qiladi.

**4-Slayd**




**Muvofiqlashtirishning bozor mexanizmi**

**4-Ilova(1.1)**

1. Mikroiqtisodiyot fani nimani o‘rgatadi?
2. Makroiqtisodiyot va mikroiqtisodiyot o‘rtasidagi farq nimadan iborat?
3. Alternativ harajatlar deganda nimani tushunasiz?
4. Mikroiqtisodiyot iqtisodiy sub’ektlarni nechaga bo‘lib qaraydi?
5. Jamiyat oldida turgan fundamental savollar nimadan iborat?

*Mustaqil ish uchun vazifa*

**1. Berilgan sxemani fanning strukturasi va boshqa fanlar bilan aloqasini ko‘rsatib, to‘ldiring.**



| 2-MAVZU | “Iqtisodiy bazis tushunchalar” |
|---|---|

## 2.1 . Ma’ruzani o‘qitish texnologiyasi

| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI. **Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:** Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:** 2-Mavzu **Soatlar xajmi:** 2-soat |
|---|---|---|
| **Talabalar soni**: 30 tagacha | **O‘T muallifi:** ***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*** | **O‘qituvchi**: Dots. Shakarov A.B., |

| | |
|---|---|
| **O‘quv mashg‘uloti shakli:** **Ma’ruza mashg‘uloti tuzilishining rejasi:** | **Ma’ruza:** Mavzuiy – ko‘rgazmali ma’ruza<br>Iqtisodiy ehtiyoj va iqtisodiy ne’matlar mazmuni va mohiyati.<br>Ishlab chiqarish imkoniyatlari va ulardan foydalanish.<br>Pozitiv va normativ tahlil.<br>Tovarlar oqimi modeli. Kichik doiraviy aylanish. |
| **O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:** | O‘tiladigan mavzu tug‘risida yaxlit ma’lumot berish hamda bazis tushunchalarning har biriga ta’rif berish. |
| **Pedagogik vazifalar:** | **O‘quv faoliyatining natijalari:** |
| Iqtisodiy kategoriyalarga tuxtalib batafsil ta’riflar berish; | Iqtisodiy kategoriyalar mohiyatini anglab yetadilar; |
| Ishlab chiqarish imkoniyati nazariyasiga misollarni keltirgan holda tushuntirish; | Resurslar cheklanganligidan kelib chiqib ishlab chiqarish imkoniyatini tushunib yetadilar; |
| Ishlab chiqarish imkoniyati chizig‘ini grafikda tasvirini berish; | Jadval va grafik asosida ishlab chiqarish imkoniyatini anglash. |
| **O‘qitish vositasi:** | Ma’ruza matni, qog‘ozlar va har-xil rangdagi marker, kompyuter texnologiyasi, grafik organayzer. |

| | |
|---|---|
| **O‘qitish metodi va shakli:** | • Ma’ruza, o‘zaro muloqot, blits so‘rov;<br>• Guruxlarga bo‘lingan xolda. |
| **O‘qitish shartlari:** | Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya. |
| **Monitoring va baxolash:** | Og‘zaki nazorat, tezkor so‘rov va reyting bali asosida baxolash. |

**“Iqtisodiy bazis tushunchalar” mavzuida tayyorlangan ma’ruzaning texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O‘qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| 1-bosqich O‘quv mashg‘uloti mavzusiga kirish (10 daqiqa) | 1.1.Fanning nomi e’lon qilinadi. Uning tarkibiy mantiqiy tuzilishi hamda umumiy tasavvur hosil bo‘lishi uchun ilk tushunchalarni bayon etadi. Ularning o‘zaro bog‘liqligi tushuntiriladi.<br>1.3.Ushbu o‘tilayotgan mavzu bo‘yicha har bir talabaga ma’ruza matnini tarqatadi.<br>1.4. Mavzuga doir reja va tayanch iboralarning mohiyatini tushuntiradi. | Tinglaydilar.<br>O‘qiydilar.<br>Tinglaydilar. |

| | | |
|---|---|---|
| 2-bosqich Asosiy bosqich (50 daqiqa) | 2.1. Quyidagi iqtisodiy tushunchalarga ta’rif berish taklif etiladi va talabalarni guruxlarga bo‘ladi:<br>• Iqtisodiy ehtiyoj deganda nimani tushunasiz?<br>• Iqtisodiy ne’mat nima?<br>• Bir-birini o‘rnini bosuvchi ne’matlar va o‘zaro bir-birini to‘ldiruvchi ne’matlarning farqi nimada?<br>• Sizning kelajakdagi xayotingiz uchun ushbu masalalarni o‘rganish qanchalik foydali? Blits-so‘rov o‘tqazadi. | Berilgan savollarga gurux liderlari javob beradilar.<br>Zaruriy chizma va ma’lumotlarni konspekt qilishadi. Hamma o‘z qarashlarini bayon etishi mumkin. |
| | 2.2. Slaydlardagi ko‘rgazma va sharxlar asosida qullaniladigan nazariy usullar bilan tanishtiriladi. Ishlab chiqarish imkoniyati nazariyasini jadval va grafiklar asosida hamda amaliy xayotdan misol keltirib tushuntirib beradi. Dars davomida talabalarni faollashtiruvchi savollar o‘rtaga tashlanadi. Har bir rejadagi savol bo‘yicha xulosalar qilinadi 1-Ilova. | Tayanch tushunchalar muxokama qilinadi. Tarkibiy tuzilishi aniqlanadi. Javob beradilar va grafikda ko‘rsatib beradilar. |
| | 2.3. Keltirilgan tayanch tushunchalarni chuqurroq izoxlash maqsadida talabalarga grafik orqali savollar beriladi. 2-Ilova | |
| 3-bosqich Yakuniy bosqich (20 daqiqa) | 3.1. Yakuniy xulosalar qilinadi. Mashg‘ulot natijalari ketma-ket izoxlanadi. Kelgusida o‘rganilgan bilimlar ko‘llanilishi mumkin bo‘lgan soxalar qayd etiladi. | Savollar beriladi. |
| | 3.2. Talabalar faoliyati taxlil etiladi va baxolanadi. Qo‘yilgan maqsadga erishish darajasi ta’kidlanadi. | Tinglaydilar. |
| | 3.3. Mustaqil ishlash uchun topshiriqlar beriladi 3-Ilova. | Topshiriqlar yozib olinadi. |

**1-Ilova(2.1)**

***«Iqtisodiy bazis tushunchalar» mavzusi bo‘yicha ma’ruza mashg‘ulotida talabalar faoliyatini baholash ko‘rsatkichlari va mezonlari.***

***Ma’ruza mashg‘uloti reytingi***

**1,5 - 2 ball - «a’lo»**
**1,0 – 1,4 ball - «yaxshi»**
**0,5 – 0,9 ball - «qoniqarli»**
**0 – 0,4 ball - «qoniqarsiz»**

**1-Slayd**

**Iqtisodiy ehtiyoj** - shaxsni, korxonani yoki jamiyatni faoliyat ko‘rsatishini va rivojlanishini ta’minlab turish uchun zarur bo‘lgan moddiy resurslar. Iqtisodiy ehtiyojni iqtisodiy faoliyatga undaydigan ichki kuch sifatida qarash mumkin.

Iqtisodiy ehtiyojni ikki turga bo‘lish mumkin: birlamchi ehtiyoj (oziq-ovqat, kiyim-kechak, uy-joy); ikkilamchi ehtiyoj (dam olish, sayohat qilish, sport bilan shug‘ullanish, o‘qish va hokazo). Umuman olganda, ehtiyoj real va noreal bo‘lishi mumkin.

**Real ehtiyoj** deganda, ushbu ehtiyojni qondirish uchun shaxsning daromadi yetarli bo‘lishi taqozo qilinadi.

**Noreal ehtiyoj** bo‘lganda,ehtiyojni qondirish uchun daromad yetarli bo‘lmaydi.

**Iqtisodiy ne’mat** - bu ehtiyojni qondirish vositasi.

Ne’matlar chelangan va cheklanmagan bo‘lishi mumkin.

Cheklangan ne’matlarga tovarlar, xizmatlar va resurslar kiradi (avtomobil, kiyim-kechak, non, paxta tolasi va boshqalar). Cheklangan ne’matlar iqtisodiy ne’matlarni tashkil qiladi.

Cheklanmagan ne’matlarga misol tariqasida havo va suv kirishi mumkin.

**Bir-birini o‘rnini bosuvchi ne’matlar** - bu bir xil ehtiyojni qondiruvchi ne’matlardir. Masalan, shaxsning go‘sht mahsulotiga bo‘lgan ehtiyojini mol go‘shti, qo‘y go‘shti yoki parranda go‘shti bilan qondirish mumkin. Odatda, bir-birini bosuvchi tovarlardan biri narxining oshishi, boshqasiga bo‘lgan talabni oshishiga olib keladi.

**O‘zaro bir – birini to‘ldiruvchi ne’matlar** – bu shaxsni yoki ishlab chiqarish ehtiyojini kopmlektlarda qondiradigan ne’matlar. To‘ldiruvchi ne’matlardan biriga talab oshsa, qolganlariga ham talab oshadi.

**Iqtisodiy resurslar (ishlab chiqarish omillari)** – bu iqtisodiy ne’matlarni ishlab chiqarishda qatnashadigan elementlar (yer, mehnat, kapital, tadbirkorlik qobiliyati va axborotlar).

**Tadbirkorlik qobiliyati** deganda, o‘ziga xos bo‘lgan shunday inson resursi tushuniladiki, u o‘zidan boshqa ishlab chiqarish resurslaridan samarali foydalana olish qobiliyatini mujassamlashtiradi.

**Ishlab chiqarish imkoniyati** – berilgan texnologik rivojlanishda barcha mavjud resurslardan to‘liq va samarali foydalangan xolda jamiyatninig iqtisodiy ne’matlar ishlab chiqarish qobiliyatidir.

**Ishlab chiqarish imkoniyatlari**

| Ishlab chiqarish imkoniyatlari | Don, mln. tonna | Traktor, dona |
|---|---|---|
| 1 | 5,0 | 0 |
| 2 | 4,7 | 1 |
| 3 | 4,3 | 2 |
| 4 | 3,8 | 3 |
| 5 | 3,0 | 4 |
| 6 | 2,0 | 5 |
| 7 | 0,9 | 6 |
| 8 | 0,0 | 7 |




**Ishlab chiqarish imkoniyatlari chizig‘i.**

**2-Ilova(2.2)**

**2-Slayd**




**Oilaning ishlab chiqarish imkoniyatlari chizig‘i**



**3-Ilova**

| | |
|---|---|
| o‘rganadi? | Mikroiqtisodiyot fani nimani |
| muammosi. | Iqtisodiyotning markaziy |
| taqsimlashning asosiy tamoyillari. | Noyob resurslarni |
| chizig‘i nimani ifodalaydi? | Ishlab chiqarish imkoniyatlari |
| normasi nimani ifodalaydi? | Chekli transformatsiya |

## 2.2 Seminarni bilimlarni kengaytirish va chuqurlashtirish usulida O‘T

| | | |
|---|---|---|
| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI. **Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:** Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:** 2-Mavzu **Soatlar xajmi:** 2-soat |
| **Talabalar soni**: 30 tagacha | **O‘T muallifi:** ***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov***, | **O‘qituvchi**: dots.Shakarov A.B., |

**O‘quv mashg‘uloti shakli:** Bilimlarni kengaytirish va chuqurlashtirish usulida.

| | |
|---|---|
| **Seminar mashg‘uloti tuzilishining rejasi:** | ‣ Iqtisodiy ehtiyoj va iqtisodiy ne’matlar mazmuni va mohiyati.<br>Ishlab chiqarish imkoniyatlari va ulardan foydalanish.<br>Pozitiv va normativ tahlil.<br>Berilgan topshiriqlarning yechimi.<br>Tovarlar oqimi modeli. Kichik doiraviy aylanish.<br>Natijalar taqdimoti va pirovard qarorlar muxokamasi. |
| **O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:** | O‘tiladigan mavzu tug‘risida yaxlit ma’lumot berish hamda amaliyotga qo‘llash yuzasidan bilimlarga ega bo‘lish. |
| **Pedagogik vazifalar:** | **O‘quv faoliyatining natijalari:** |
| • Nazariy olingan bilimlarini amaliyotga tadbiq etish yo‘llarini o‘rgatish; | Iqtisodiy kategoriyalar mohiyatini anglab yetadilar; |
| • Ishlab chiqarish imkoniyati nazariyasini misollarni keltirgan holda tushuntirishni rivojlantirish; | Resurslar cheklanganligidan kelib chiqib ishlab chiqarish imkoniyatini tushunib yetadilar; |
| • Ishlab chiqarish imkoniyati chizig‘ini jadval va grafikda tasvirini berish hamda u to‘g‘risida tasavvur hosil qilish; | Jadval va grafik asosida ishlab chiqarish imkoniyatini anglash va mustaqil fikrga ega bo‘lish; |
| • Guruxlarda berilgan topshiriqlarni yechimi va tahlili bo‘yicha bildirilayotgan fikrlarni imkon qadar asoslanganligiga e’tibor qaratish. | Berilgan topshiriqlarni mustaqil bajaradilar va natijalarni erkin bayon etishga o‘rganadilar. |
| **O‘qitish vositasi:** | Ma’ruza matni, qog‘ozlar va har-xil rangdagi marker, kompyuter texnologiyasi. |
| **O‘qitish metodi va shakli:** | ‣ Muammoli usul, amaliy topshiriq;<br>‣ Guruxlarga bo‘lingan holda. |
| **O‘qitish shartlari:** | Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya. |
| **Monitoring va baxolash:** | Og‘zaki nazorat, tezkor so‘rov va reyting bali asosida baxolash. |

**“Iqtisodiy bazis tushunchalar” mavzuida tayyorlangan seminar mashg‘ulotining texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O‘qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| 1-bosqich Tayyorlov bosqichi (10 daqiqa) | 1.1.Fanning nomi e’lon qilinadi. Mavzudan hosil bo‘lishi kutilayotgan natijalar qayd etiladi.<br>1.3.Ushbu mavzuga doir topshiriqlarni guruxlarga tarqatadi. 1-Ilova<br>1.4. Guruxlararo qanday ishlash lozimligi to‘g‘risida eslatma bilan tanishtiradi. 2-Ilova | Qayd etadilar.<br>O‘qiydilar.<br>Ko‘z yugurtirib chiqadilar. |
| 2-bosqich O‘quv mashg‘ulotiga kirish bosqichi (10 daqiqa) | 2.1. Belgilangan mavzuning rejasi uning maqsadi, dolzarbligi va o‘rganishdan kutilayotgan natijalar eshittiriladi.<br>2.2.Talabalarning nazariy olgan bilimlarini bir qancha savollarni bergan holda tekshiradi. | Tinglaydilar.<br>Faol qatnashib javob beradilar. |
| 3-bosqich Asosiy bosqich (50 daqiqa) | 3.1. Talabalarni kichik guruxlarga bo‘ladi. Topshiriqlarni har bir guruxga tarqatadi. Topshiriqni yechayotganda qo‘shimcha qanday materiallardan foydalanish lozimligi o‘qtiriladi. 3-Ilova<br>3.2. Guruxlarni tashkil etadi va nazoratchi sifatida guruxlarni tekshiradi. Ularga bir qancha savollar bilan murojaat qiladi. Jumladan, “Nega bunday usulni qo‘llayapsiz?”, “Nega shunday deb o‘ylayapsiz?” 4-Ilova<br>3.3. Talabalarning faoliyatiga sharx beradi va aniq ma’lumotlar bilan ularni qurollantirib boradi.<br>3.4. Olingan natijalarni taqdimot qilishlarini e’lon qiladi. | O‘quv materiali bilan tanishib chiqadilar.<br>Guruxlarga bo‘linadilar.<br>Topshiriqlarni yechishga mustaqil yondoshadilar. Bir-birlari bilan muxokama qiladilar.<br>Tinglaydilar.<br>Natijalarni bayon etishlari uchun gurux ichidan liderlarni tanlaydilar va taqdimotni boshlaydilar. |

| | | |
|---|---|---|
| 4-bosqich Yakunlovchi bosqich (10 daqiqa) | 4.1.Guruxlarda yechilgan natijlarni tahlil qiladi.<br>4.2. Olingan natijalarning sababiy bog‘liqligi va oqibatlarini bayon etadi.<br>4.3. Keying darsda Insert usulidan foydalanib 3-mavzuni o‘rganib kelishlarini eslatib qo‘yadi. | |

**1-ilova (2.2)**

**Baholash ko‘rsatkichlari va mezonlari**

| ***Guruh*** | ***Baho*** | ***Baholash ko‘rsatkichlari va mezonlari*** | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ***Ma’lumot ning to‘laligi*** | ***Guruh ishtirokchi larining faolligi*** | ***Ma’lumot ning taqdim etilishi*** | ***Jami*** |
| | ***Ball*** | ***1,0*** | ***0,5*** | ***0,5*** | ***2*** |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

**Guruh ishlarini umumlashtiruvchi baho**

| ***Guruh*** | ***1*** | ***2*** | ***3*** | ***Jami ball*** | ***Baho*** |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

**1,5 – 2 ball - «a’lo»**
**1,0 – 1,4 ball - «yaxshi»**
**0,5 – 0,9 ball - «qoniqarli»**
**0 - 0,4 ball - «qoniqarsiz»**

**2-Ilova(2.2)**

**Guruxlarda ishlash qoidasi**

Har bir kishi o‘z guruxidagi talabaning fikrini mulozimat bilan eshitishi va uni bo‘lmasligi lozim;

Har bir kishi o‘zi mustaqil berilgan topshiriqqa mas’uliyat bilan yondoshishi kerak;

Bir-birlaringizga kerakli paytda yordam qo‘lingizni chuzing;

So‘rab bilgan olim, orlanib so‘ramagan o‘ziga zolim tamoyiliga amal qiling;
Esdan chiqarmang:

Guruxning olgan bahosi bu sizning bahoyingiz!

Kemaga tushganning joni bir!

**3-ilova (2.2)**

**Ekspert varaґi №1**

***Inson ehtiyojlarinig cheksizligi va mavjud resurslar sharoitida o‘sib borayotgan ehtiyojlarni qondirish muammosi***

1. Jamiyat oldida turgan fundamental savollar.
2. Ratsional insonning tanlovi.

**Ekspert varag‘i №2**

***Boy berilgan imkoniyatlar harajati***

1. Cheklangan resurslar sharoitida alternativ harajatlar.
2. O‘rinbosar va to‘ldiruvchi tovarlar tushunchasi.

**Ekspert varag‘i №3**

***Mikroiqtisodiyotning alohida fan sifatida ajralib chiqishida Avstriya maktabi vakillarining hissasi***

1. Alohida olingan shaxsning xulq atvori va bozordagi harakati.
2. Chekli naflikning kamayish qonuni.

**4-Ilova(2.2)**

***Nazorat uchun savollar (o‘qituvchining varianti):***

1. Mikroiqtisodiyotni makroiqtisodiyot fanidan farqli tomonlari.
2. Iqtisodiy ehtiyoj deganda nimani tushunasiz?
3. Iqtisodiy sub’ektlarga kimlar kiritiladi?.
4. Iqtisodiy ne’mat tushunchasini aytib o‘ting.
5. Ishlab chiqarish imkoniyati chegarasini grafikda izoxlang.
6. Alternativ harajatlar deganda nimani tushunasiz?.
7. Chekli transformatsiya koeffitsiyenti qanday hisoblanadi.
8. Muvofiqlashtiruvchi bozor mexanizmiga ta’sir qiluvchi endogen va ekzogen o‘zgaruvchilar xaqida fikrlaringiz.
9. Transaksion harajatlar o‘z ichiga qanday harajatlarni kiritadi?

***Гуруҳлар учун топшириқлар***

***1-топшириқ.*** Микроиқтисодиёт фанининг олдида турган саволларни изохланг. Иқтисодий неъмат ва эхтиёжларнинг ўсиб боришини асосланг.

***2-топшириқ*** Ноёб ресурсларни тақсимлашнинг асосий тамойиллари ва эҳтиёжни ќондириш манбаларини кўрсатинг. Сизнинг жузъий ёндашувингиз нимадан иборат?

***3-топшириқ.*** Ишлаб чиқариш имконияти чизиғи нимани ифодалайди ва амалиётдан мисол келтириб тушунтиринг.

| **3-MAVZU** | **“Talab va taklif tahlili asoslari”** |
|---|---|

### 3.1. Ma’ruzani o‘qitish texnologiyasi

| | | |
|---|---|---|
| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI. **Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:** Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:** 3-Mavzu **Soatlar xajmi:** 2-soat |
| **Talabalar soni**: 30 tagacha | **O‘T muallifi:** ***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*** | **O‘qituvchi**: Dots. Shakarov A.B., |

| | |
|---|---|
| **O‘quv mashg‘uloti shakli: Ma’ruza mashg‘uloti tuzilishining rejasi:** | **Vizual-ma’ruza (Sharxlovchi ko‘rgazmali)**<br>Talab, talab chizig‘i va ularga ta’sir qiluvchi omillar.<br>Talab funksiyalari va talab qonuni.<br>Taklif, taklif chizig‘i va ularga ta’sir qiluvchi omillar.<br>Taklif funksiyasi va taklif qonuni,. |
| **O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:** | Talab va taklif qonuni va ularga ta’sir qiluvchi omillar tug‘risida yaxlit ma’lumot berish. |
| **Pedagogik vazifalar:** | **O‘quv faoliyatining natijalari:** |
| Talab qonuni, talab chizig‘ining o‘zgarishi to‘g‘risida tushunchalarni berish; | Talab va talab chizig‘ining o‘zgarishi to‘g‘risida umumiy tasavvurga ega bo‘ladlar; |
| Taklif qonuni va unga ta’sir etuvchi omillarni birma-bir tushuntirish; | Taklif qonuning amal qilishi v unga ta’sir etuvchi omillar to‘g‘risida kompleks bilimlar hosil bo‘ladi; |
| Talab va taklifning o‘zgarishi natijasida bozorda vujudga keladigan vaziyat borasida talabalar tasavvurini rivojlantirish; | Talab va taklif qonuning mohiyati, narxlarning ta’siri natijasida sodir bo‘ladigan bozorlardagi holat to‘g‘risida tushunchalarni shakllantiradilar; |
| Talab va taklif funksiyalarini analitik formulalar va garafik usulidagi talqinini tinglovchilar ongiga yetkazish. | Jadval va grafiklar asosida talab va taklif chiziqlarining o‘zgarishi xaqida umumiy tushunchalarni takomillashtiradi. |
| **O‘qitish vositasi:** | Ma’ruza matni, qog‘ozlar va har-xil rangdagi |

| | |
|---|---|
| | marker, kompyuter texnologiyasi, grafik organayzer. |
| **O‘qitish metodi va shakli:** | • Ma’ruza, o‘zaro muloqot;<br>• Guruxlarga bo‘lingan xolda. |
| **O‘qitish shartlari:** | Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya. |
| **Monitoring va baxolash:** | Og‘zaki nazorat(Savol-javob tarzida), tezkor so‘rov, muammoli savollar va reyting bali asosida baxolash. |

**“Talab va taklif tahlili asoslari” mavzuida tayyorlangan ma’ruzaning texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O‘qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| 1-bosqich O‘quv mashg‘uloti mavzusiga kirish | 1.1.Fanning nomi e’lon qilinadi. Uning tarkibiy mantiqiy tuzilishi hamda umumiy tasavvur hosil bo‘lishi uchun ilk tushunchalarni bayon etadi. Ularning o‘zaro bog‘liqligi tushuntiriladi.<br>1.3.Ushbu o‘tilayotgan mavzu bo‘yicha har bir talabaga ma’ruza matnini tarqatadi. Ma’ruza matnidan foydalanish to‘g‘risida qisqacha og‘zaki ma’lumot berib o‘tadi.<br>1.4. Proyektor orqali tayyorlangan slaydlarni birma-bir ekranga chiqarib ularni sharxlab boradi 1-Ilova.<br>1.5. Darsning oxiriga o‘tilgan mavzu doirasida test olishini va baxolashini | Tinglaydilar.<br>O‘qiydilar.<br>Kerakli joylarni kospektga qayd etadilar.<br>Tinglaydilar. |

| | | |
|---|---|---|
| | ogoxlantirib o‘tadi( 1-2 ballgacha). | |
| 2-bosqich Asosiy bosqich | 2.1. Ekranga chiqarish uchun tayyorlab kelgan slaydlarini ketma-ket qo‘yib boradi. Talabalarga muhim bo‘lgan joylarini yozib borishlarini o‘qtiradi. . | Talabalar ko‘rib, kerakli joylarini qayd etadilar. |
| | 2.2. Talab va taklifning o‘zgarishi va ularning grafikda taxlilini ekranga chiqarib, talabalar diqqatini muhim bo‘lgan momentlarini yozib olishlarini, xattoki chizib borishlarini ta’kidlaydi.2-Ilova. | Grafik ko‘rinishidagi chizmalarni o‘z konspektlariga ko‘chirib oladilar. |
| | 2.3. Ma’ruzani o‘qib boradi va keyingi slayddan joy olgan talab va taklif funksiyalarining matematik ko‘rinishlarini taqdim etadi. | Barchchasini yozib oladilar. |
| | 2.4. Talab va taklif xajmiga ta’sir etuvchi omillarni birma-bir talabalarga savol tashagan holda bilimlarini mustaxkamlab boradi. (1.Talab va taklifga ta’sir etuvchi omillarga narxdan tashqari yana qanday omillar o‘z ta’sirini ko‘rsatadi?; 2.Talab funkyiyasi narxga bog‘liq holda o‘suvchimi yoki kamayuvchimi?.) Tayyorlab kelgan slaydi orqali ta’sir etuvchi omillarni yozib olishlarini iltimos qiladi. 3-Ilova | Savollarga javob beradilar, o‘z qarashlarini bayon etadilar. Tushunmagan savollarini o‘qituvchiga berib oydinlik kiritib boradilar. |

| | | |
|---|---|---|
| 3-bosqich Yakuniy bosqich | 3.1. Yakuniy xulosalar qilinadi. Talabalar diqqati eng asosiy narsalarga qaratiladi.<br>3.2. Talabalarni guruxlarga bo‘lib, mavzuni o‘zlashtirganlik darajasini baholash maqsadida test o‘tqazadi.<br>3.3. Mustaqil ishlash uchun topshiriqlar beriladi 3-Ilova. | Tinglaydilar.<br>Javoblarni tanlab kerakli belgini qo‘yishadilar.<br>Tinglaydilar. |

**1-Ilova(3.1)**

**1-Slayd**

## 3.1. Talab va taklifning bozordagi ahamiyati.

Talab va taklif orqali bozor mexanizmini o‘rganish, ularning grafiklarini tahlil qilishdan boshlandi. Ma’lumki, davlatning aralashuvisiz, talab va taklif muvozanat holatga keladi va unga asosan tovarning bozor narxi o‘rnatiladi hamda muvozanatni ta’minlaydigan mahsulotning umumiy hajmi o‘rnatiladi. Lekin, qanday qilib, narx va mahsulot hajmi talab va taklifning ba’zi bir harakteristikalari bilan bog‘langan? +anday qilib ular vaqt bo‘yicha o‘zgaradi va qanday qilib ularga umumiy iqtisodiy faollik, ish haqi harajatlari ta’sir qiladi? Nima uchun talab va taklif bozorlar (raqobatlashgan, monopol, oligopol va boshqa) bo‘yicha farq qiladi? Nima uchun ba’zi bir bozorlarda tovarlar tanqis va hokazo savollarga javob berish uchun talab va taklifning diagrammasini qarashdan boshlaymiz (3.1-rasm).

Ordinata o‘qi bo‘yicha bir birlik mahsulotning narxi $P$ ko‘rsatilgan (so‘mda). Absissa o‘qi bo‘yicha berilgan vaqt oralig‘ida talab qilingan va taklif qilingan mahsulot hajmi $Q$ ko‘rsatilgan. Taklif chizig‘i $S$ (*supply*) qancha miqdorda va qanaqa ishlab chiqarish narxida tovarning bozorda sotilishi mumkinligini ko‘rsatadi. Taklif chizig‘i qancha yuqoriga ko‘tarilsa, shuncha narx yuqori bo‘ladi va shunga ko‘p firmalar mahsulot ishlab chiqarib, sotish imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Yuqori narx, mavjud firmalarni ishlab chiqarishni kengaytirishga da’vat etadi, bozorga yangi firmalarni o‘z mahsuloti bilan kirib kelishini ta’minlaydi, ular ishlab chiqargan yuqori harajatli rentabel bo‘lmagan mahsulotlari yuqori narxda rentabel bo‘ladi. Bunday holda, firmalarda ishlab chiqarishning kengayishi qisqa vaqt oralig‘ida intensiv bo‘lsa, uzoq muddatda esa ekstensiv amalga oshiriladi.



**3.1-rasm. Talab va taklif chiziqlari**.

**2-Ilova(3.2)**

**2-Slayd**

### 3.2. Talab va taklifning o‘zgarishi

Ko‘pgina bozorlarda bir vaqtning o‘zida ham talab, ham taklif egri chiziqlari o‘zgarib turadi. Iqtisodiy o‘sish yuqori bo‘lganda iste’molchilar daromadi yuqori bo‘ladi, aks holda daromadlar ham kamayadi. Ba’zi bir tovarlarga bo‘lgan talab ham vaqt bo‘yicha o‘zgaradi, masalan, mavsumlar bo‘yicha tovarlarga talab; bir-birini o‘rnini bosadigan tovarlardan birining narxini o‘zgarishi; did va modaning o‘zgarishiga qarab talabning o‘zgarishi. Xuddi shunday, vaqt bo‘yicha ish haqi, xom ashyo narxi, kapital mablag‘ qo‘yishlar ham o‘zgaradi, natijada bu o‘zgarishlar taklifga jiddiy ta’sir qiladi.

Taklif va talab egri chiziqlari bunday o‘zgarishlar oqibatini tahlil qilishga yordam beradi. 3.2-rasmda ham talab, ham taklif chiziqlarining o‘ngga siljishlari keltirilgan.




**3.2-rasm. Taklifdagi va talabdagi o‘zgarish natijasidagi yangi muvozanat grafigi**

Bu siljishlar, narxni $P_1$ dan $P_2$ ga oshishiga va tovar ishlab chiqarishni esa, $Q_1$ dan $Q_2$ ga oshishiga olib keladi. Talab va taklifdagi o‘zgarishlarning miqdori va

yo‘nalishlarini oldindan aytib berish uchun, talab bilan taklifning narxdan va boshqa parametrlardan bog‘langanligini miqdoriy jihatdan ifodalamoq kerak.

**(3.3) 3-Ilova**

**4-Slayd**

## 2.3. Talab va taklif funksiyalari

Zamonaviy iqtisodiy nazariyaning aniqroq bo‘lishi, u o‘rganadigan iqtisodiy jarayonlarning miqdoriy munosabatlarini o‘rganish uchun matematik instrumentdan kengroq foydalanishni taqozo qiladi. Hozirgi vaqtda iqtisodchilar iqtisodiy jarayonlarni o‘rganishda model tushunchasidan keng foydalanmoqdalar.

*Model* deganda, iqtisodiy jarayonning sxemasi, loyihasi, matematik formulalar bilan ifodalanishi tushuniladi. Bu yerda kengroq ishlatiladigan modellardan biri iqtisodiy-matematik modellardir. Iqtisodiy matematik modellar, iqtisodiy jarayonlarning miqdoriy munosabatlarini funksiya, tenglama, tengsizliklar orqali ifodalaydi.

*Funksiya* - bu matematik tushuncha bo‘lib, bog‘liq o‘zgaruvchi bilan erkin o‘zgaruvchilar o‘rtasidagi miqdoriy bog‘liqlikni ifodalaydi.

Agar funksiya bitta bog‘liq o‘zgaruvchi bilan, bitta erkin o‘zgaruvchi o‘rtasidagi bog‘liqlikni ifodalasa, unga bir o‘zgaruvchili funksiya deyiladi va u quyidagicha yoziladi:

$$y = f(x).$$

Agar funksiyada erkin o‘zgaruvchilar soni $n$-ta $(n > 1)$ bo‘lsa, $x_1, x_2, ..., x_n$, u holda $n$ o‘zgaruvchili funksiyani olamiz:

$$y = f(x_1, x_2, ..., x_n).$$

Bir o‘zgaruvchili funksiyaga misol sifatida narxga bog‘liq bo‘lgan talab funksiyasini qarash mumkin:

$$Q^D = f(P).$$

bu yerda: $Q^D$ - talab miqdori; $P$ - bir birlik mahsulot narxi.

Talabga narxdan boshqa barcha ta’sir qiluvchi omillarni hisobga oladigan bo‘lsak, ko‘p omilli talab funksiyasi quyidagicha yoziladi;

$$Q^D = f(P, R, Z, W, P_y, P_{\text{ком}}, N, B)$$

bu yerda $Q^D$ - talab; $R$ - daromad; $Z$ - iste’molchi didi; $W$ - kutish; $P_y$ - o‘rnini bosuvchi tovarlar narxi; $P_{\text{ком}}$ - komplektga kiruvchi tovarlar narxi; $N$ - haridorlar soni; $B$ - boshqa omillar.

Shunday qilib, ko‘p omilli talab funksiyasi yordamida, talab miqdorining unga ta’sir qiluvchi omillar (yoki bir qator omillar ta’siri o‘zgarmas bo‘lganda qolgan omillar) ta’siri bo‘yicha o‘zgarish qonuniyatlarini tahlil qilish mumkin.

Talab qonuni bo‘yicha narxdan boshqa omillar ta’siri o‘zgarmaganda, narxning o‘sishi bilan talab miqdori kamayib boradi (ya’ni, o‘smaydi).

Taklifning taklif chizig‘i bo‘yicha o‘zgarishiga, *taklif miqdorining o‘zgarishi* deyiladi. Taklif miqdorining o‘zgarishi, ya’ni taklifning taklif chizig‘i bo‘yicha o‘zgarishi, faqat narx ta’siri ostida bo‘ladi. Narxdan boshqa taklifga ta’sir qiluvchi

omillar taklif chizig‘ini unga pastga yoki chapga-yuqoriga siljitadi. Taklif chizig‘ining o‘zini o‘ngga yoki chapga siljishiga *taklifning o‘zgarishi* deyiladi.

Taklif miqdori narxdan tashqari boshqa omillarga ham bog‘liqdir:

- ishlab chiqarish texnologiyasi, (texnologiya darajasining o‘sishi, taklif chizig‘ini o‘ngga siljitadi, nima uchun deganda, yangi texnologiya ishlab chiqarish harajatlarini kamaytiradi va ishlab chiqaruvchi berilgan narxda ko‘proq mahsulot ishlab chiqarish imkoniyatiga ega bo‘ladi);
- resurslar narxi (resurslar narxi oshganda, ishlab chiqarish harajatlari oshadi, natijada berilgan narxda ishlab chiqaruvchi kamroq mahsulot ishlab chiqarib, taklif qiladi, natijada taklif chizig‘i chapga siljiydi, resurslar narxi kamayganda, yuqoridagi holatning aksi bo‘ladi, ya’ni taklif oshadi, natijada taklif chizig‘i o‘ngga siljiydi);
- ushbu mahsulotni ishlab chiqaruvchilar soni oshganda (ishlab chiqaruvchilar sonining oshishi, umumiy taklif chizig‘ini o‘ngga siljitadi);
- soliqlar va dotatsiyalar (soliqning ortishi natijasida, taklif qilinadigan mahsulot miqdori kamayadi, shu sababli taklif chizig‘i chapga siljiydi; dotatsiya berilganda yuqoridagining aksi bo‘ladi, ya’ni taklif chizig‘i o‘ngga siljiydi).

Ko‘p omilli taklif funksiyasi quyidagi ko‘rinishda bo‘ladi:

$$Q^S = \varphi\left(P, T, P_p, C, D, N, B\right)$$

bu yerda $Q^S$ - taklif miqdori; $P$ - tovar narxi; $T$ - texnologiya darajasi; $P_P$ - resurslar narxi; $C$ - soliq stavkasi; $D$ - dotatsiya miqdori; $N$ - ishlab chiqaruvchilar soni; $B$ - boshqa omillar.

Taklif qonuniga ko‘ra, (narxdan boshqa omillarning ta’siri o‘zgarmasa narxning ($P$) o‘sishi bilan, taklifning ($Q^S$) miqdori o‘sadi, taklif funksiyasi o‘suvchidir.

**Seminarni o‘qitish texnologiyasi**

| | | |
|---|---|---|
| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI.<br>**Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:**<br>Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:**<br>3-Mavzu<br>**Soatlar xajmi:**<br>soat |
| **Talabalar soni**: 30 tagacha | **O‘T muallifi**<br>***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*** | **O‘qituvchi**:<br>Dots. .Shakarov A.B., |

| | |
|---|---|
| **O‘quv mashg‘uloti shakli:** | Bilimlarni kengaytirish va chuqurlashtirish usulida. |
| **Seminar mashg‘uloti tuzilishining rejasi:** | Talab, talab chizig‘i va ularga ta’sir qiluvchi omillar.<br>Talab funksiyalari va talab qonuni.<br>Taklif, taklif chizig‘i va ularga ta’sir qiluvchi omillar.<br>Taklif funksiyasi va taklif qonuni |

| | |
|---|---|
| **O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:** | Talab va taklif tahlili asoslari tug‘risida yaxlit ma’lumot berish hamda amaliyotga qo‘llash yuzasidan bilimlarga ega bo‘lish. |
| **Pedagogik vazifalar:** | **O‘quv faoliyatining natijalari:** |
| • Nazariy olingan bilimlarni amaliyotga tadbiq etish yo‘llarini o‘rgatish; | Talab va taklif qonuni to‘g‘risida umumiy tasavvur hosil bo‘ladi; |
| • Talab qonunining mohiyati uning amal qilish ko‘lami to‘g‘risida olingan bilimlarni konkret misollarni yechish bilan mustaxkamlash; | Amaliy misollarni nazariy olingan bilimlar bilan mustaxkamlashni o‘rganadilar; |
| • Grafikda talab va taklif chizig‘ining joylashuvi va ularga narxdan tashqari boshqa omillar ta’sir Ishlab chiqarish imkoniyati chizig‘ini jadval va grafikda tasvirini berish hamda u to‘g‘risida tasavvur hosil qilish; | Jadval va grafik asosida talab va taklif xajmining o‘zgarishini anglaydilar va mustaqil fikrga ega bo‘ladilar; |
| • Guruxlarda berilgan topshiriqlarni yechimi va tahlili bo‘yicha bildirilayotgan fikrlarni imkon qadar asoslanganligiga e’tibor qaratish. | Berilgan topshiriqlarni mustaqil bajaradilar va natijalarni erkin bayon etishga o‘rganadilar. |
| **O‘qitish vositasi:** | Ma’ruza matni, qog‘ozlar va har-xil rangdagi marker, kompyuter texnologiyasi. |
| **O‘qitish metodi va shakli:** | • Muammoli usul, amaliy topshiriq;<br>• Guruxlarga bo‘lingan holda. |
| **O‘qitish shartlari:** | Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya. |
| **Monitoring va baxolash:** | Yozma nazorat, tezkor so‘rov va reyting bali asosida baxolash. |

**“Talab va taklif tahlili asoslari” mavzuida tayyorlangan seminar mashg‘ulotining texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O‘qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| Tayyorlov bosqichi | 1.1.Fanning nomi e’lon qilinadi. Talabalarni to‘rt guruxga bo‘ladi. Har bir guruxga topshiriqlarni slayd orqali yetkazadi. Guruxlarda ishlash qoidasi to‘g‘risidagi eslatma bilan tanishtiradi va guruhlar ishini baholash mezonlarini e’lon qiladi. 1-Ilova | Qayd etadilar.<br>O‘qiydilar. |
| 1-bosqich O‘quv mashg‘ulotiga kirish bosqichi | 2.1. Belgilangan mavzuning rejasi uning maqsadi, dolzarbligi va o‘rganishdan kutilayotgan natijalar eshittiriladi.<br>2.2.Talabalarning nazariy olgan bilimlarini bir qancha savollarni bergan holda tekshiradi. | Tinglaydilar.<br>Faol qatnashib javob beradilar. |
| 2-bosqich Asosiy bosqich | 3.1. Talabalarni kichik guruxlarga bo‘ladi. Topshiriqlarni har bir guruxga tarqatadi. Topshiriqni yechayotganda qo‘shimcha qanday materiallardan foydalanish lozimligi o‘qtiriladi. 2-Ilova.<br>3.2. Guruxlarni tashkil etadi va nazoratchi sifatida guruxlarni tekshiradi. Ularga nazariya bilan bog‘liq bir qancha savollarni beradi. Jumladan, ehtiyoj bilan talabning qanday farqi bor?, talabning oshishi narxga ta’sir ko‘rsatadimi?, bozoda qanday holatlarda ortiqcha mahsulot va tovar tanqisligi vujudga keladi.<br>3.3. Talabalarning faoliyatiga sharx berib boradi va aniq ma’lumotlar bilan ularni qurollantirib boradi.<br>3.4. Olingan natijalarni taqdim qilishlarini e’lon qiladi. | O‘quv materiali bilan tanishib chiqadilar. Gurux bilan birga iopshiriqni bajarishga kirishadilar.<br>Guruxlarga bo‘linadilar. Berilgan savollarga faol qatnashib javob beradilar.<br>Tinglaydilar.<br>Natijalarni bayon etishlari uchun gurux ichidan liderlarni tanlaydilar va taqdimotni boshlaydilar. |
| 3-bosqich Yakunlovchi bosqich | 4.1.Guruxlarda yechilgan natijlarni tahlil qiladi.<br>4.2. Topshiriqni oson yechish usullarni o‘rgatadi. Guruxlarni rag‘batlantirish maqsadida, to‘g‘ri ishlagan gurux talabalarining hammasiga yuqori ball qo‘yadi.<br>4.3. Keying darsda 4-mavzuni o‘rganib kelishlarini eslatib qo‘yadi. | Talabalar diqqat bilan tinglaydilar, uyga vazifani qayd etib qo‘yadilar. |

**1-ilova (2.2)**

***Baholash ko‘rsatkichlari va mezonlari***

| *Guruh* | *Baho* | *Baholash ko‘rsatkichlari va mezonlari* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *Ma’lumot ning to‘laligi* | *Guruh ishtirokchi larining faolligi* | *Ma’lumot ning taqdim etilishi* | *Jami* |
| | *Ball* | *1,0* | *0,5* | *0,5* | *2* |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

***Guruh ishlarini umumlashtiruvchi baho***

| *Guruh* | *1* | *2* | *3* | *Jami ball* | *Baho* |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

**1,5 – 2 ball - «a’lo»**
**1,0 – 1,4 ball - «yaxshi»**
**0,5 – 0,9 ball - «qoniqarli»**
**0 - 0,4 ball - «qoniqarsiz»**

**1-Ilova(3.2)**

**Guruxlarda ishlash qoidasi**

Har bir kishi o‘z guruxidagi talabaning fikrini mulozimat bilan eshitishi va uni bo‘lmasligi lozim;

Har bir kishi o‘zi mustaqil berilgan topshiriqqa mas’uliyat bilan yondoshishi kerak;

Bir-birlaringizga kerakli paytda yordam qo‘lingizni chuzing;

So‘rab bilgan olim, orlanib so‘ramagan o‘ziga zolim tamoyiliga amal qiling;

Boshqalarga o‘rgatish orqali o‘zimiz o‘rganamiz;

Guruhlar faoliyatining natijalarini baholashda hamma ishtirok etishi shart. Esdan chiqarmang:

Guruxning olgan bahosi bu sizning bahoyingiz!

Kemaga tushganning joni bir!

**2-Ilova(3.2)**

**2-guruxga beriladigan topshiriq.**

Aytaylik, “AVS” firma bankning foiz stavkasi 16% bo‘lganda yangi mashina

mexanizmlarga investitsiya qilishni ma’qul ko‘rmaydi. Agarda bankning foiz stavkasi 14%ga kamaysa 5 mmln so‘m investitsiya qilishi mumkin. 12%ga tushganda esa 10 mln.so‘m ajratadi. Har ikki foizga qisqarganda investitsiya ajratmasi 5 mln.so‘mga ko‘payadi.
A) Agarda bankning foiz stavkasi 13 foiz bo‘lganda investitsiya xajmini aniqlang?
B) Grafikda tasvirlang va funksiyasini keltiring.

**3-guruxga beriladigan topshiriq.**

Karib dengizi orolida 5 kishi istiqomat qiladi. Ular kakos va anonas yig‘imi bilan mashg‘ul Bir kunda har bir kishi 20 ta kakos va 10 ta anonas to‘play oladi. Grafikda besh kishining ishlab chiqarish imkoniyatini ks ettiring. Faraz qilamiz orolga texnika olib kirildi. Bu texnika yordamida har bir kishi endi 28 ta kakos tera olish **imkoniyatiga ega bo‘ldi. Shu o‘zgarishni grafikda aks ettiring.**

**4-guruxga beriladigan topshiriq.**

1. Aytaylik jamiyatda 300 dona soat va 40 dona fotoapparat ishlab chiqariladi. Birdan fotoapparatga talab 20 donaga oshdi. Qancha miqdorda ishlab chiqarilayotgan soatdan voz kechish lozim?

2. Savol. Yangi texnika va texnologiya joriy etilib ishlab chiqarish imkoniyati kengaydi deylik, egri chiziqni qaysi nuqtadan o‘tkazish to‘g‘ri bo‘ladi.




| **4-MAVZU** | **“Bozor muvozanati, maksimal va minimal narxlar”** |
|---|---|

## 4.1. Ma’ruzani o‘qitish texnologiyasi

| | | |
|---|---|---|
| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI. **Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:** Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:** 4-Mavzu **Soatlar xajmi:** soat |
| **Talabalar soni**: 30 tagacha | **O‘T muallifi:** ***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*** | **O‘qituvchi**: dots. Shakarov A.B., |

| | |
|---|---|
| **O‘quv mashg‘uloti shakli:** | Muammoli-ma’ruza |
| **Ma’ruza mashg‘uloti tuzilishining rejasi:** | Bozor muvozanati va muvozanat narx.<br>Bozor muvozanatiga ta’sir qiluvchi omillar.<br>Maksimal va minimal narxlar, «qora bozor»ni vujudga kelishi.<br>Iste’molchi yutug‘i va ishlab chiqaruvchi yutug‘i. |
| **O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:** | Bozor muvozanatining asl mohiyati va xufiya bozorning qanday vujudga kelishi to‘g‘risidagi bilimlarni mustaxkamlash. |
| **Pedagogik vazifalar:** | **O‘quv faoliyatining natijalari:** |
| Bozor muvozanatining mohiyatini ochib berish; | Bozoda muvozanat holat qanday yuz berishi to‘g‘risida tasavvur hosil bo‘ladi; |
| Muvozanatga ta’sir etuvchi omillar xaqida atroflicha tushunchalarni hosil qilish; | Bozor muvozanatining parametrlari va ularni garfikdagi talqini o‘rganiladi; |
| Maksimal va minimal baholarning o‘rnatilishi, “Qora bozorning” vujudga kelishi va uning oqibatlari nimalardan iborat bo‘lishi to‘g‘risida ilk bilimlarni shakllantirish; | Davlat tomonidan bozor iqtisodiyotiga aralashuv natijasida sodir bo‘ladigan o‘zgarishlarni anglab yetadilar; |
| Iste’molchi va ishlab chiqaruvchilarning yutug‘i nimalardan iborat ekanligi va uni hisoblash tartibini o‘rgatishdan iborat. | Bozor bahosining shakllanishi, talab va taklif xajmining o‘zgarishi natijasida iste’molchi ortiqchaligi va ishlab chiqaruvchi ortiqchaligini tushunib yetish . |
| **O‘qitish vositasi:** | Ma’ruza matni, proyektor, grafik organayzer. |
| **O‘qitish metodi va shakli:** | Ma’ruza, savol-javob, suhbat, munozara, 6-6 va |

Delfi texnikalari ;
- Frontal, guruhlarda ishlash.

**O‘qitish shartlari:** Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya.

**Monitoring va baxolash:** Og‘zaki nazorat(Savol-javob tarzida), muammoli savollar va reyting bali asosida baxolash.

**“Bozor muvozanati, maksimal va minimal narxlar” mavzuida tayyorlangan ma’ruzaning texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O‘qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| Tayyorlov bosqichi | Asosiy muammo va yakuniy xulosani ishlab chiqadi.<br>Kichik muammolar va har bir kichik muammo bo‘yicha oraliq xulosalar ishlab chiqadi.<br>Talabalarning faol va ongli ishtirokini, hamda kichik va asosiy muammolarning yechimini topishni ta’minlaydigan yo‘naltiruvchi savollar ro‘yxatini tuzadi.<br>Muammoga kirish usul va vositalarini aniqlaydi. | Mavzu bo‘yicha berilgan ma’ruza matnini o‘qib, o‘rganib chiqadilar. |
| 1. Kirish bosqichi (10 daqiqa) | 1.1. Mavzuning nomi, o‘quv maqsadi, kutilajak o‘quv natijalarini e’lon qiladi. O‘quv mashg‘uloti muammoli shaklda o‘tkazilishini tushuntiradi. | Eshitadilar va yozib oladilar. |
| P. Asosiy bosqich (55 daqiqa) | 2.1. Suhbat shaklida talabalar bilimlarini faollashtiradi. Ularga quyidagi savollarni berib murojaat qiladi: | Suhbatga kirishadi. |
| | -Davlatning narx mexanizmi orqali bozorga aralashishini qanda izoxlaysiz?<br>-Nima sababdan davlat bozorga aralashadi?<br>-Sof bozor iqtisodiyoti qoidalarini tushuntiring .<br>-Agar bozorning o‘zi talab va taklif qonunlari orqali muvozanatlikni ta’minlaydigan bo‘lsa, davlatning aralashuvi shartmi? | Savollarga javob berishadi. Berilgan javoblarni o‘zaro to‘ldirishadi. |

| | |
|---|---|
| -Minimal va maksimal baholar deganda nimani tushunasiz?<br>-Maksimal baholar kimlarni ximoya qilish maqsadida o‘rnatiladi?<br>-Minimal baholarning o‘rnatilishi natijasida tovar ortiqchaligi yuzaga kelishini asoslang?<br>-“Qora bozor”ning tashkil topish shartlarini tushuntiring.<br>Bilimlarni faollashtirish jarayonida talabalarning o‘quv muammosi yechimini topish faoliyatini faollashtirishga yordam beradigan ma’lumotlar ko‘lami darajasi aniqlanadi.<br>2.2. Minimal va maksimal baholarni ijtimoiy-iqtisodiy mohiyatini yorituvchi bir nechta yondashuvlar (variantlar) taklif qiladi.<br>Muammoni ishlab chiqadi va talabalarni muammoga kiritadi (1-ilova).<br>2.3.Muammoning yechimini topish faoliyatini tashkil qiladi. Talabalar bilan birgalikda taklif qilingan muammo yechimlarini muhokama va tahlil qiladi. Yuzaga kelgan qiyinchiliklarni aniqlaydi.<br>2.4. Muammo yechimini topish usullarini aniqlashni uyushtiradi: birinchi kichik muammoni ishlab chiqadi va muammoli savollarni beradi, (1-ilova) hamda o‘tkaziladigan faoliyatning asosiy tamonlarini tushuntiradi (2-ilova).<br>2.5. Talabalarni kichik guruhlarga bo‘ladi (har bir guruhda 6 tadan ko‘p ishtirokchi bo‘lmasligi kerak) va guruh ishlarini tashkil qiladi.<br>2.6.Delfi texnikasi yordamida guruhlar tomonidan taklif qilingan kichik muammo yechimlaridan eng sarasini tanlab olish va baholash ishlarini tashkil qiladi (4-ilova).<br>2.7. Taqdimot boshlanishini e’lon qiladi. Guruhlar faoliyatining | Eshitadilar. Muammoni yozib oladilar.<br>Muammoni dab-durustdan yechimini topish mumkin emasligini anglab yetadilar. Yuzaga kelgan qiyinchiliklarni hal etish bo‘yicha fikrlarini bildiradilar.<br>Guruhlarda ishlaydilar. Muammoli savollar bo‘yicha aniq javoblar tayyorlaydilar (6 daqiqa ichida).<br>Guruhlar ish natijalarini taqdim etadilar, boshqa guruh javoblariga nisbatan fikr bildiradilar, muhokama, munozara, tahlil qiladilar. Kichik muammoning yechimini topishning optimal usullari haqida xulosa yasaydilar. |

| | | |
|---|---|---|
| | natijalarini muhokama qiladi. Talabalar bilan birgalikda javoblar to‘liqligini baholaydi. Agar javob to‘liq bo‘lmasa yoki umuman javob bo‘lmasa qo‘yilgan muammoli savollarga javob beradi.<br>2.8. Berilgan kichik muammoning yechimini topishning aniq, strukturaga soligan, ratsional yo‘llarini taklif qiladi. Birinchi oraliq xulosani hosil qilishga undaydi.<br>2.9. Birinchi kichik muammoning yechimi bo‘yicha oraliq xulosa qiladi. | |
| SH. Yakuniy bosqich (15 daqiqa) | 3.1. Talabalarning kichik muammoni yechimini topish jarayonidagi faoliyatini tahlil qiladi. Munozara va guruhlarda ishlash jarayonida talabalar tayyorgarligi va faolligini baholaydi (3-ilova).<br>3.2. Natijalarni sharhlaydi.<br>3.3. Mustaqil ishlar uchun uyga vazifa beradi: o‘tilgan mavzuni qaytarish hamda umumiy muammoning yechimini topish variantlari haqida o‘ylab ko‘rish kerakligini o‘qtiradi | Eshitadilar.<br><br>Vazifani yozib oladilar. |

**1-ilova. (4.1.)**

***Asosiy muammo /kichik muammolarni, xulosalarni ishlab chiqish, shakllantirish va qaror qabul qilish***

| **Asosiy muammo: Davlatning narx mexanizmiga aralashuvidan kutilayotgan maqsad** | |
|---|---|
| ***Birinchi kichik muammo: Iste’molchilar va ishlab chiqaruvchilarni ximoya qilish sabablari*** | |
| ***Kichik muammoning yechimini topishga yordam beruvchi muammoli savollar:*** | ***Yechimi:*** |
| Muvozanat narx va muvozanat ishlab chiqarish xajmi deganda nimani tushunasiz? | Talab va taklif chiziqlarining o‘zaro bir nuqtada kesishishlariga muvozanat nuqta deyiladi va uning kordinatalari bo‘lib, muvozanat narx va muvozanat xajm hisoblanadi. |
| Talab chizig‘i o‘zgarganda | Albatta talab chizig‘i siljiganda muvozanat nuqta ham o‘zgaradi. |

| | |
|---|---|
| muvozanatlikka ta’sir ko‘rsatadimi? | |
| Bozor taklifi oshganda muvozanat narx qanday o‘zgaradi? | Taklif oshganda (boshqa sharoitlar o‘zgarmas bo‘lganda) mahsulotning muvozanat bahosi pasayadi. |
| Agar talab va taklif chiziqlari bir paytning o‘zida siljiganda muvozanatlik nuqta ham o‘zgaradimi? | Bunday hollarda muvozanat baho muvozanat miqdor har xil o‘zgaradi. |
| Bozorning dinamik modelida bozor narxining o‘zgarishi necha xil variantga olib keladi? | Uch xil variantga olib keladi. |
| ***Qisqacha xulosa.*** Muvozanatlikka erishish uchun bozorga xech qanday tashqi kuchlar ta’sir ko‘rsatmasligi lozim. Talab va taklif qonuni asosida bozor muvozanati ta’minlanadi. Muvozanatlikka ta’sir ko‘rsatuvchi omillarga iste’molchilar daromadi, o‘rin bosar tovarlar narxi, to‘ldiruvchi tovarlar narxi iste’molchilar sonini, moda va didlar, ishlab chiqarish resurslari narxi, texnologik protsesslarning o‘zgarishi va boshqalar kiradi. Bozor narxining o‘zgarishi uch xil variantga olib keladi: vaqt o‘tishi bilan bozor narxining muvozanat narxdan chetlanishi kamayib boradi; bozor narxi muvozanat narxdan uzoqlashib boradi; bozor narxi muvozanat narx atrofida tebranib turadi va bozor muvozanatiga xech vaqt erishilmaydi. | |
| ***Ikkinchi kichik muammo: Bozor muvozanatini ta’minlaydigan shart*** | |
| ***Kichik muammoning yechimini topishga yordam beruvchi muammoli savollar:*** | ***Yechimi:*** Berilgan yo‘naltiruvchi savollarga javob berishadi: |
| Minimal va maksimal baholar o‘rnatilishi kimlar uchun foydali? | Minimal baholar ishlab chiqaruvchilarni ximoya qilish maqsadida va mahalliy sanoatni rivojlantirish uchun davlat tomonidan o‘rnatiladi. Maksimal baho esa, iste’molchilarni ximoya qilish maqsadida o‘rnatiladi. |
| Minimal baho muvozanat bahodan yuqori o‘rnatiladimi yoki past? | Minimal baho muvozanat bahodan yuqori o‘rnatiladi. Davlat tomonidan minimal baholar o‘rnatilganda ishlab chiqarish xajmi ko‘payib taklif xajmi talab xajmidan ko‘p bo‘ladi va bozorda profesit yuzaga keladi. |
| Bozorda qanday hollarda tovar ortiqchaligi paydo bo‘ladi? | Talab xajmi taklif xajmidan oshib ketadi va bozorda tovar tanqisligi yuz beradi. |
| Maksimal baxolar o‘rnatilganda bozorda qanday holat yuz beradi? | Maksimal baho o‘rnatilganda tovar tanqisligi paydo bo‘ladi va davlat o‘z |

| | |
|---|---|
| “Qora bozor”ning vujudga kelishi natijasida baholar qanday o‘zgaradi? | zaxira fondidan yetishmayotgan tovarni bozorga chiqarmasa natijada “Qora bozor” tashkil topadi va tovarning bahosi muvozanat bahodan yuqoriga ko‘tarilib ketadi. |
| “Qora bozor”da mahsulotning bahosi qanday aniqlanadi? | Belgilangan baholarda taklif xajmi topiladi va ushbu taklif miqdori talab funksiyasiga tenglashtirlib “Qora bozor” da mahsulotning bahosi keltirib chiqariladi. |
| ***Qisqacha xulosa.*** Agar bozorga xech qanday tashqi kuch ta’sir ko‘rsatmasa bozorning o‘zi avtomatik ravishda muvozanatlikka erishadi. | |
| ***Muammo bo‘yicha yakuniy xulosalar.*** Demak, davlat tomonidan iqtisodiy sub’ektlarni ximoya qilish maqsadida narxlar o‘rnatiladi. Ijtimoiy ximoya qilish maqsadida mahsulotning bahosini muvozanat bahodan past o‘rnatilishiga maksimal baho deyiladi. Maksimal baholar aholining kam taminlangan qismi uchun ushbu mahsulotni harid qilish imkoniyatini to‘g‘diradi, ammo bu ishlab chiqaruvchilarga salbiy ta’sir ko‘rsatib mahsulot xajmini kamaytirishga olib keladi. Agar yetishmayotgan mahsulotni davlat o‘z zaxira fondidan bozorga chiqarmasa natijada “Qora bozor” tashkil topadi. Minimal baho o‘rnatilganda buni aksi yuzag keladi, ya’ni tovar ortiqchaligi paydo bo‘ladi va davlat ushbu ortiqcha mahsulotni sotib olmasa yana “Qora bozor” tashkil topadi. | |

**2-ilova (4.1)**


6 кишидан иборат бўлган кичик гуруҳ 6 дақиқа ичида кичик муаммо ва умуман асосий муаммони ечимини топишга ёрдам берувчи муаммоли саволларга аниқ жавоблар топишга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир иштирокчи алоҳида қоғоз варағига ўзининг жавобларини ёзади.
***6-6 техникаси*** Қўйилган муаммо юзасидан жамоавий шаклланти-рилган, таклиф қилинган ечимлар вариантларнинг энг сарасини танлаб олиш ва бахолаш, сунгра уларни умумий хусусиятларига қараб қуйидаги алгоритм бўйича гуруҳлаштириш имконини беради.
Кичик гуруҳларда тайёрланган жавоблар муҳокама қилинади: нотўғри фикрлар олиб ташланади, мужмал фикрларга аниқлик киритилади, асосийлари танлаб олинади. Танлаб олинган жавобларни тизимлаштириш учун маълум хусусиятлар аниқланади ва шу асосда кичик муаммо ҳамда асосий муаммо бўйича ечимлар гуруҳ-лаштирилади.
Гуруҳ ишлари натижасининг тақдимоти ва муҳокамаси ўтказилади, таклиф қилинган кичик муаммо ҳамда асосий муаммо бўйича аниқ, структурага солинган, рационал ечимлар ишлаб чиқилади ва таклиф қилинади.

**3-ilova (4.1)**

***“Bozor muvozanati, maksimal va minimal narxlar” mavzusi bo‘yicha muammoli ma’ruza mashg‘ulotida talabalar faoliyatini baholash ko‘rsatkichlari va mezonlari***

**Ma’ruza mashg‘uloti reytingi**

86-100% 2 ball - a’lo
71-85% 1,7 ball - yaxshi
55-70% 1,4 ball – qoniqarli

***Baholash mezoni***

| ***F.I.Sh.*** | ***Baho*** | ***M ye z o n l a r*** | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ***O‘tilgan materiallar-ni bilish*** | ***Faolligi (qo‘shimcha qilish, savollar, javoblar)*** | ***Muammoni yechimi yuzasidan takliflar*** | ***Ballar hajmi*** |
| 1 | Ballar | 0,8 | 0,6 | 0,6 | 2 |
| | % | 40 | 30 | 30 | 100 |

**4-ilova (4.1.)**

***Muammo yechimini eng sarasini tanlash va baholash texnikasi***

***Дельфи техникаси –*** муаммони ечимлари-дан энг сарасини танлаб олиш ва бағолаш имкониятини беради

Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси таклиф қилинган вариантларни муҳимлик даражасидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлайди (1- энг мухими, № - унча муҳим эмас) ва натижаларни ведомостнинг «Д» қаторига ёзиб қўяди.

Хар бир вариант оптималлик/ тежамкорлик /самарадорлик ва бошқа кўрсаткичлар даражаси асосида 10 балли тизим бўйича баҳоланади (1- энг юқори балл, 10- энг паст балл).Натижалар «Б» қаторига ёзилади.

«Д» ва «Б» қаторларининг натижалари умумлаштирилади ва якуний «Х» қаторига ёзилади.

Баҳолаш вараѓи ишлаб чиқилади. Энг кам ҳажмдаги натижа энг оптимал вариантни кўрсатади.

***Alternativ g‘oyalarni (guruhlarda) baholash varag‘i***

| Guruh | Alternativ g‘oyalar | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 1-si | 2-si | 3-si | 4-si |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |
| N | | | | |
| Jami | | | | |

**I –** muhokama ishtirokchisi

**D –** darajali baho (ayni zarur taklifdan – 1-o‘rindan, to zarurati kam, ikkinchi darajali taklifgacha – n - gacha);

**B** – alternativlar bahosi, ballarda (1 – yuqori baldan to 10 – past ballgacha);

**X –** hosil qilish **D x B**

| **5-MAVZU** | **“Talab va taklif elastikligi”** |
|---|---|

## 5.1. Ma’ruzani o‘qitish texnologiyasi

| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI. **Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:** Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:** 5-Mavzu **Soatlar xajmi:** soat |
|---|---|---|
| **Talabalar soni**: 30 tagacha | **O‘T muallifi:** ***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*** | **O‘qituvchi**: dots. Shakarov A.B., |

**O‘quv mashg‘uloti shakli:** Ma’ruza -muloqot

**Ma’ruza mashg‘uloti tuzilishining rejasi:**

Elastiklik va uning turlari.

Nuqtasimon va yoysimon elastikliklar, ularni hisoblash.

Daromadga ko‘ra talab elastikligi va kesishgan talab elstikligi.

Talab elastikligiga ko‘ra sotuvchi daromadini maksimallashtirish.

Soliq yukini iste’molchi va ishlab chiqaruvchi o‘rtasida taqsimlanishini elastiklik nazariyasiga ko‘ra taxlili.

**Pedagogik vazifalar:**

Elastiklik va uning turlari xaqida aniq tushunchalarni berish;

**O‘quv faoliyatining natijalari:**

Elastiklik tushunchasi va narxning o‘zgarishi natijasida talab xajmining qanchaga o‘zgarayotganligi hamda boshqa omillarning ta’siri xaqida tushunchaga ega bo‘linadi.

| | |
|---|---|
| Kesishgan talab elastikligi va amaliyotda qo‘llaniladigan elastistiklik nazariyasi xaqidagi fikrlarni bayon etish; | Elastik lik turlari va kesishgan elastiklik xaqidagi tushunchalar mukammallashtiriladi. |
| Taklif elastikligi va bozor sharoiti o‘zgarishlarning oqibatlarini baholash va prognoz qilishni o‘rgatish; | Chiziqli talab va taklif funksiyalari orqali raqobatlashgan bozor sharoitida elastiklikni hisoblash va grafikda aks ettirilishini anglab oladilar. |
| **O‘qitish vositasi:** | Ma’ruza matni, slaydlarni ko‘rsatib tushuntirish uchun slaydskoplar, ko‘rgazmali qurollar. |
| **O‘qitish metodi va shakli:** | • Ma’ruza, aqliy hujum, namoyish etish, zigzag texnikasi;<br>• Guruxlarga bo‘lingan xolda. |
| **O‘qitish uchun yaratilgan shart-sharoitlari:** | Texnik qurollar bilan jihozlangan auditoriya, guruhlarga bo‘linib ishlash uchun maxsus o‘rindiqlar. |
| **Monitoring va baxolash:** | Og‘zaki nazorat (Savol-javob tarzida), , muammoli savollar va reyting bali asosida baxolash. |

**“Talab va taklif elastikligi” mavzuida tayyorlangan ma’ruzaning texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O‘qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| 1-bosqich O‘quv mashg‘uloti muqaddimasi (5 daqiqa) | 1.1.Mavzuni e’lon qiladi. O‘qib o‘rganishdan maqsad nimada ekanligi va orttirilgan bilimlar orqali hosil bo‘lishi mumkin bo‘lgan natijalar to‘g‘risida fikr yuritadi.<br>1.2. O‘quv mashg‘ulotining shakli, o‘tkazilish tartibini tushuntiradi va baholash mezonlarini e’lon qiladi (1-ilova).<br>1.3. Mavzu bo‘yicha ma’ruza matnlarini tarqatadi (har bir talabaga).<br>1.4. Bugungi o‘tilishi kutilayotgan dars muloqot tarzida bo‘lishi ta’kidlanadi. Muloqotni qanday tashkil qilish to‘g‘risidagi | Tinglaydilar.<br><br><br><br><br><br><br>Eslatmani o‘rganib chiqadilar. Kerakli savollar bilan murojaat qiladilar. |

| | | |
|---|---|---|
| | eslatmani ekranga chiqaradi. 2-Ilova. | |
| 2-bosqich Asosiy bosqich (70 minut) | 2.1. Aqliy hujum metodi orqali talabalarni faollashtiradi. Berilgan savolga o‘ylab javob berishni taklif qiladi (javoblar 1-2 so‘zdan iborat bo‘lishi kerakligini eslatadi):<br>Elastiklik deganda nimani tushunasiz?<br>Bir talabaga javoblarni doskada yozib borishni taklif qiladi. Fikr bildirish to‘xtatiladi va javoblar tahlil qilinadi (15 daqiqa). | Savolni muhokama qilib, ularga javob beradi. |
| | 2.3. Talabalarni to‘rtta kichik guruhlarga bo‘ladi. Mashg‘ulotning o‘tkazilish tartibini yana eslatadi. O‘quv mashg‘uloti «o‘zi o‘rganib, o‘zgaga o‘rgatish», ya’ni hamkorlikda o‘rganish prinsipi asosida o‘tkazilishini aytadi (Zigzag. 3-ilova). | Guruhlar faoliyatni tashkil qiladilar. Matnlarini o‘qib, savollarga javob topadilar. Ma’lumotni muhokama qilib, fikr almashib, tizimalashtiradilar. Format qog‘oziga sxema tarzida tushiradilar. |
| | 2.4. Guruhlarga ekspert varaqlarini, shu bilan birga har bir talabaga geometrik shakl tarqatadi va faoliyatlarini tashkil qiladi (geometrik shakllarni vaqtincha bir joyga qo‘yishlarini, vaqti kelganda undan foydalanishlarini aytadi) (4-ilova).<br>Guruhlarda ishni tashkil qiladi.<br>(matnni o‘rganib, muhokama qilishga 15 daqiqa beradi). | Talabalar belgilan-gan stol atrofiga o‘tirib, bir-biriga javoblarni tushuntiradilar. |
| | 2.5. Doira olgan talabalar 1-stol, uchburchak shaklini olganlar 2-stol va turtburchak olganlar 3-stol atrofiga o‘tirishlarini aytadi. Har xil guruhlardan to‘plangan talabalar o‘z savollarini boshqa talabalarga yoritishini | Dastlabki joylari-ga kelib o‘tiradilar. |

| | | |
|---|---|---|
| | tushuntiradi. O‘zaro o‘rgatish jarayoni boshlanadi (15 daqiqa). Talabalar faoliyatini kuzatadi, ularni yo‘naltiradi, maslahatlar beradi.<br>2.6. Talabalarni uzlarini dastlabki joylariga, stol atrofiga kelib o‘tirishlarini aytadi.<br>2.7. Taqdimot boshlanishini e’lon qiladi. Har bir guruhdan 3 tadan talaba chiqib, faoliyat natijalarini taqdim qilishlarini aytadi. Taqdimot uchun har bir guruhga 8 daqiqadan vaqt ajratadi. Yo‘naltiruvchi, maslahatchi sifatida ishtirok etadi. Javoblarni aniqlashtiradi, to‘ldiradi, izoh beradi va tuzatishlar kiritadi.<br>2.8. Har bir guruh taqdimoti oxirida ekspert savollari bo‘yicha xulosalar qiladi.<br>2.9. Guruhlar o‘zaro bir-birlarini baholashlarini eslatadi. | Tayyor ma’lumotni taqdim etish uchun chizmali organayzerlar ishlab chiqadi.<br>Guruh sardorlari tayyor ma’lumotlar-ni taqdim etadilar.<br>Boshqa guruh a’zolarining bergan savollariga javob beradi.<br>Bir-birlarini baholaydilar. |
| 3-bosqich Yakuniy bosqich (5 daqiqa) | 3.1. Talabalarning bergan javoblari va qarashlarini umumlashtirib qisqacha xulosalar yasaydi. Muhim bo‘lgan yo‘nalishlarni ta’kidlab o‘tadi. Munozara paytida ochiq qolgan masalalarga oydinlik kiritadi.<br>3.2. Mustaqil o‘qib o‘rganishlari uchun talabalarga uyga vazifalarni tarqatadi. Qo‘shimcha yangi adabiyotlar ro‘yxati bilan talabalarni qurollantiradi.<br>3.3. Keyingi darsda tayyorgarlik ko‘rib kelishlari uchun 6-Mavzuni nomini aytadi va Insert usulini qo‘llagan holda o‘qib o‘rganib kelishlarini ta’kidlaydi. | Eshitadilar.<br>Vazifani yozib oladilar. |

**1-Ilova(5.1)**

***« Talab va taklif elastikligi » ma’ruza mashg‘ulotida talabalar faoliyatini baholash ko‘rsatkichlari va mezonlari***

1,5 – 2 ball - «a’lo»
1,0 – 1,4 ball - «yaxshi»
0,5 – 0,9 ball - «qoniqarli»
0 - 0,4 ball - «qoniqarsiz»

***Ekspert guruhlari ish natijalarini baholash mezonlari***

| ***M ye z o n l a r*** | ***Maks. ball*** | ***Guruh faoliyati natijalarini bahosi*** |
|---|---|---|
| Ma’lumotning to‘laligi | 1,0 | |
| Ma’lumotning aniq, chizmali tarzda taqdim etilganligi | 0,5 | |
| Guruh ishtirokchilarining faolligi (to‘ldirish, savollar berish, javoblar berish) | 0,5 | |
| Ballarning maksimal hajmi | 2 | |

**2-Ilova(5.1)**

**Muloqotga ishtirok etuvchilarga eslatma**

Muloqot muammoni yechishga qaratilgan usuldir.

Gapirayotganda o‘zoq so‘ylama, boshqalar ham o‘z fikrlarini bayon etishlarini unutma.

Hissiyotni jilovlagan holda fikringni shunday jamlab aytki, u murod nishoniga tegsin.

Muxolifatingni so‘zlarini xurmat bilan tingla.

Monosabatingni aniq bergin va fikrlar takrorlanishiga yo‘l qo‘yma!

O‘z bilimdonliging, iqtidoring va zakovatingni ko‘rsatish uchun suylama, balki munozara mavzusi doirasida so‘z yuritgin.

Fikringni qabul qilishlari va uni ma’qul topishlari uchun kurashgin!

**3-ilova (5.1)**

***«Zigzag» texnikasi***

***O‘zaro o‘qitish*** yagona tamoyilga asoslangandir: o‘quv guruhi kichik guruhlarga bo‘linadi. Har bir guruh a’zosi o‘rganilayotgan mavzuning ma’lum sohasi bo‘yicha ekspert bo‘ladi va boshqalarga o‘rgatadi.

Har bir guruhning asosiy maqsadi: har bir talaba mavzuni to‘liq o‘zlashtirishi kerak.



***1-босқич: Мустақил иш.*** Мустақил ўрганишлари учун гуруҳ ичида ўқув материалини тақсимлаш.

***2-босқич: Экспертлар учрашуви.*** Эксперт гуруҳларида ўқув материалини ҳамкорликда ўрганиб чиқиш ва ўзгаларни ўргатишга тайёрланиш.

***3-босқич: Ўзаро бир-бирини ўргатиш. Ў***заро ўргатиш, эгалланган билимларни ўзаро назорат қилиш ва баҳолаш

**4-ilova (5.1)**

**Эксперт вароғи №1**

*Эластиклик ва унинг турлари.*

Нархга боғлиқ талаб эластиклиги .
Эластикликни ҳисоблашнинг икки усули.
Кесишга талаб эластиклиги.

**Эксперт вароғи №2**

*Талаб эластиклигига кўра сотувчи даромадини максималлаштириш.*

Даромадга кўра талаб эластиклигини ҳисоблаш ва унинг моҳияти.
Талаб ноэластик бўлганда нархларнинг ўсишини сотувчи даромадига таъсири.
Талаб эластик бўлганда сотувчи даромадини максималлаштириш йўллари.

**Эксперт вароғи №3**

*Солиқ юкини истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимланишини эластиклик назариясига кўра тахлили.*

Истеъмолчи зиммасига тушаётган солиқ миқдори
Ишлаб чиқарувчи зиммасига тушадиган солиқ миқдори
Жамиятнинг соф йўқотиши.

## 5.2 Seminarni o‘qitish texnologiyasi

| | | |
|---|---|---|
| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI. «Iqtisodiyot va statistika». TDIU<br>**Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:**<br>Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:**<br>5-Mavzu<br>**Soatlar xajmi:**<br>soat |
| **Talabalar soni**: 25 tagacha | **O‘T muallifi**<br>.Shakarov A.B., | **O‘qituvchi**:<br>Shakarov A.B |

**O‘quv mashg‘uloti shakli:** Bilimlarni kengaytirish va chuqurlashtirish usulida.

**Seminar mashg‘uloti tuzilishining rejasi:**

- Elastiklik va uning turlari.
- Nuqtasimon va yoysimon elastikliklar, ularni hisoblash.
- Daromadga ko‘ra talab elastikligi va kesishgan

| | |
|---|---|
| | talab elstikligi.<br>• Talab elastikligiga ko‘ra sotuvchi daromadini maksimallashtirish.<br>• Soliq yukini iste’molchi va ishlab chiqaruvchi o‘rtasida taqsimlanishini elastiklik nazariyasiga ko‘ra taxlili. |
| **O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:** | Talab va taklif elastikligi to‘g‘risidagi nazariy bilimlarni amaliyotga qo‘llash ko‘nikmalari bilan boyitish. |
| **Pedagogik vazifalar:** | **O‘quv faoliyatining natijalari:** |
| • Nazariy olingan bilimlarni amaliyotga tadbiq etish yo‘llarini o‘rgatish; | Talab va taklif elastikligi to‘g‘risida umumiy tasavvur hosil bo‘ladi; |
| • Elastiklikni hisoblash turlaridan foydalanib, xayotiy misollarni nazariya bilan bog‘lagan holda talaba ongiga yetkazish ; | Amaliy misollarni nazariy olingan bilimlar bilan mustaxkamlashni o‘rganadilar; |
| • Narxning oshishi oqibatida talab va taklif xajmining o‘zgarishi va kelajakdagi vaziyatni prognoz qilish yo‘llarini ko‘rsatish; | Jadval va grafik asosida narxga bog‘liq talab va taklif elastikligi xajmining o‘zgarishini anglaydilar va mustaqil fikrga ega bo‘ladilar; |
| • Umumiy o‘rtaga tashlangan topshiriqlarni yechimi va tahlili bo‘yicha bildirilayotgan fikrlarni imkon qadar asoslanganligiga e’tibor qaratish. | Berilgan topshiriqlarni mustaqil bajaradilar va natijalarni erkin bayon etishga o‘rganadilar. |
| **O‘qitish vositasi:** | Ma’ruza matni, qog‘ozlar va har-xil rangdagi marker, proyektor. |
| **O‘qitish metodi va shakli:** | • Muammoli usul, amaliy topshiriq;<br>• Guruxlarga bo‘lingan holda. |
| **O‘qitish shartlari:** | Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya. |
| **Monitoring va baxolash:** | Og‘zaki , tezkor so‘rov va reyting bali asosida baxolash. |

**“Talab va taklif elastikligi” mavzuida tayyorlangan seminar mashg‘ulotining texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O‘qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| Tayyorlov bosqichi | 1.1.Fanning nomi e’lon qilinadi. Texnik jixozlangan auditoriyani shay holatda ekanligini tekshiradi. | Tayyorgarlik ko‘rishadi. |
| 1-bosqich O‘quv mashg‘ulotiga kirish bosqichi | 2.1. Belgilangan mavzuning rejasi uning maqsadi, dolzarbligi va o‘rganishdan kutilayotgan natijalar eshittiriladi. | Tinglaydilar. |
| | 2.2.Talabalarning nazariy olgan bilimlarini bir qancha savollarni bergan holda tekshiradi. 1-Ilova. | Faol qatnashib javob beradilar. |
| 2-bosqich Asosiy bosqich | 3.1. Bugungi mavzuga doir topshiriqlarni proyektor orqali ekranga chiqaradi. 2-Ilova | O‘quv materiali bilan tanishib chiqadilar. Topshiriqni bajarishga kirishadilar. |
| | 3.2. Soliq yukini iste’molchilar va ishlab chiqaruvchilar o‘rtasida taqsimlanishini tovar elastikligiga ko‘ra tahlilini grafik ko‘rinishida tushuntiradi. Talabalar savodxonligini tekshirish va ularga ball qo‘yish maqsadida savollar bilan murojaat qiladi. | Tinglaydilar. Berilgan savollarga faollik bilan javob qaytaradilar. |
| | 3.3. Tezkor sur’atda mavzuga doir test savollarini tarqatadi va javoblarini gurux sardorini ishga solgan holda terib oladi. 3-Ilova | Test savollari tarqatilgan varoqqa javoblarni belgilab topshiradilar. |
| | 3.4. Guruxlarni ikkiga ajratib bir-birlari bilan mavzu doirasida savol-javob qilishlarini tashkillashtiradi.. | Tartibni saqlagan holda, mavzudan chetlashmagan tartibda bir-birlariga savollar bilan murojaat qilishadilar. |
| 3-bosqich Yakunlovchi bosqich | 4.1.Berilgan topshiriqlarni tekshiradi va kerakli ma’lumotlarni taqdim etadi. Ishalanish tartibini ekranga chiqaradi. 3-Ilova. | Talabalar diqqat bilan tinglaydilar, uyga vazifani qayd etib qo‘yadilar. Javoblardan qoniqmagan talabalar o‘qituvchiga savollar berib oydinlik kiritishlari mumkin. |
| | 4.2. Talabalar savol-javoblarini umumlashtirib yakun yasaydi. Test natijalarini o‘qib eshittiradi. | |
| | 4.3. Uyda ishlab o‘rganishlari va mavzuni yanada mustaxkamlashlari uchun vazifalar beradi.. | |

**(5.2) 1-Ilova**

## Mavzuga doir savollar

Elastiklik nimani ifodalaydi?

Talab va taklifning narx bo‘yicha elastikligi qanday mazmunga ega?

Talabning elastik, elastik emas va birlik elastikka teng bo‘lish shartlarini ko‘rsatib bering.

Qaysi hollarda tovarlar normal tovarlar bo‘ladi?

Sotuvchi daromadiga talab elastikligini ta’sirini tushuntirib bering.

**(5.2)2-Ilova**

*5.2. Misol*. Apelsinning narx bo‘yicha taklif va talab elastiklik koeffitsiyentlari $E_S$ va $E_D$ berilgan. Apelsinning bozordagi ko‘rsatkichlari quyidagicha:

$$Q^* = 7{,}5 \text{ т/йил}, \quad P^* = 75 \text{ so‘m (1kg)}, \; E_S = 1{,}6; \quad E_D = -0{,}8$$

Ushbu ko‘rsatkichlardan foydalanib talab va taklif funksiyasini hosil qiling?

Faraz qilaylikki apelsinning bahosi 40%ga ko‘tarildi natijada talab xajmi qanchani tashkil etadi va ishlab chiqaruvchilar qaysi narxda ushbu talabni qondishlari mumkinligini aniqlang.

***5.2.1 Misol***. Faraz qilaylik, bug‘doyga bo‘lgan talab funksiyasi quyidagi ko‘rinishda berilgan bo‘lsin:

$Q_D = 4000 - 250 \cdot P$,

bu yerda $P$ - bir pud bug‘doy narxi;

$Q_D$ - bug‘doyga bulgan talab hajmi, mln. pud.

a) sotuvchi daromadini maksimallashtiruvchi sotiladigan bug‘doy hajmi $Q$ aniqlansin.

**(5.2) 3-Ilova**

## Mavzuga doir testlar

**1. Iqtisodiyot nazariyasida omillarning kamayib borish qonuni xukm suradi. Bunday paytda qanday qilib iqtisodiy o‘sishga erishish mumkin:**

A) Juda kam miqdorda ishlab chiqarish resurslari talab qilinadi.

B) Qo‘shimcha resurslarni ishlatilishi yalpi mahulot xajmini oshirmaydi aksincha kamaytiradi.

V) Resurslar xajmini oshirish lozim, bunday holda qo‘shimcha kiritilgan resursning narxi ko‘tariladi.

G) Ko‘plab yana va yana resurslar talab qilinadi.

**2. Agar iqtisodiyotda omillar unumdoriligining kamayib borish qonuni xukm surar ekan uni oshirishni ta’minlash uchun:**

A) Proporsional ravishda barcha ishlab chiqarish omillarini oshirish kerak bo‘ladi.

B) Ishlab chiqarish xajmi o‘zgarmas sharoitida xech bo‘lmasa, bitta resursni oshirish lozim.

V) Boshqa omillar o‘zgarmas sharotida bitta resursni oshirish kerak.

G) Qo‘shimcha ishlab chiqarilgan mahsulotning bahosini kamaytirish evaziga ishlab chiqarish resurslarini proporsional oshirish lozim.

**3.Agar jamiyatda ishlab chiqarish resurslari ko‘paysa:**

A) To-var va xizmatlar xajmi oshadi.

B) Iqtisodiyot tovar va xizmatlarni oshirish imkoniyatiga ega bo‘ladi.

V) Ishlab chiqarish texnologiyasining sifati yaxshilanadi.

G) Insonlarning turmush tarzi yaxshilanadi.

**4. Narxga bog‘liq talab elastikligi yuqori bo‘ladi:**

A) Zeb-ziynatga nisbatan birlamchi ehtiyoj uchun ishlatiladigan tovarlarning.

B) Iste’molchilarga foydali bo‘lgan tovarlarga.

V) Alternativ harajatlari yuqori bo‘lgan tovarlar uchun.

G) Barcha javoblar noto‘g‘ri.

**5. Tovar taklifining kamayishi o‘sishiga olib keladi:**

A) To‘ldiruvchi tovarlarga bo‘lgan talabning

B) Sotuvchi tushumining, agar tovar narxga bog‘liq ravishda elastik bo‘lsa.

V) Sotuvchi tushumining, agar tovar narxga bog‘liq ravishda noelastik bo‘lsa.

G) Ushbu tovarga bo‘lgan talabning.

D) O‘zaro bir-birini o‘rnini bosuvchi tovarlarga bo‘lgan talabning.

**(5.2) 3-Ilova**

*5.2.1 Misolning ishlanish tartibi.*

Birinchi bosqich. Berilganlarni (7) tenglamaga qo‘yib $a_1$ ni topamiz. $1{,}6 = a_1 \cdot \left(\frac{75}{7500}\right) = 0{,}01 \cdot a_1,$

Ikkinchi bosqich. $a_1$ ning qiymatini $P^*$ va $Q^*$ larning qiymati bilan birga (5) tenglamaga qo‘yib, $a_0$ ni aniqlaymiz:

$$7500 = a_0 + 160 \cdot 75 = a_0 + 12000,$$

bundan, $a_0 = 7500 - 12000 = -4500$. Biz aniqlangan $a_0$ va $a_1$ larning qiymatini taklif tenglamasiga qo‘yib, taklifning aniq tenglamasini topamiz:

Taklif: $Q_S = -4500 + 160 \cdot P.$

Xuddi shu yo‘l bilan talab tenglamasini aniqlaymiz:

$$-0{,}8 = -b_1 \cdot \left(\frac{75}{7500}\right) = -0{,}01 \cdot b_1,$$

demak, $b_1 = \frac{0{,}8}{0{,}01} = 80.$ $b_1$, $P^*$, $Q^*$ larning qiymatlarini (6) tenglamaga qo‘yamiz va $b_0$ ni aniqlaymiz:

$$7500 = b_0 - 80 \cdot 75 = b_0 - 6000, \text{ yoki } b_0 = 7500 + 6000 = 13500.$$

Shunday qilib, talab chizig‘i quyidagi ko‘rinishda bo‘ladi:

Talab: $Q_D = 13500 - 80 \cdot P.$

Xatoga yo‘l qo‘yilmaganligini tekshirish uchun talab bilan taklifni tenglashtirib, muvozanat narxni aniqlaymiz:

$$Q_S = Q_D, \; 4500 + 160 \cdot P = 13500 - 80 \cdot P,$$

$$240 \cdot P = 18000, \text{ bundan } P = \frac{18000}{240} = 75, \; P = 75,$$

demak, tenglamalar to‘g‘ri aniqlangan, nima uchun deganda, 75 so‘m berilgan muvozanat narx.

Endi biz bozorda apelsin narxi o‘zgarganda unga bo‘lgan talabni yoki taklifni o‘zgarishini yoki bo‘lmasa unga bo‘lgan talab yoki uni taklifi o‘zgarganda apelsin narxini qanchaga o‘zgarishini prognoz qilishimiz mumkin bo‘ladi.

Masalan, apelsinga bo‘lgan talab 40 foizga oshdi deylik, unda talab miqdori 7800 kg teng bo‘ladi. Ishlab chiqaruvchilar qaysi narxda ushbu talabni qondirishi mumkinligini aniqlaymiz.

Muvozanatlik shartiga ko‘ra quyidagini yozamiz:

7800 = -4500 + 160*P,

P = 76,875.

Demak, bir kilogramm apelsin narxi 76 so‘m 90 tiyin bo‘lsa, talab qondirilishi mumkin.

***Misolni ishlash tartibi***.

Masalani yechish uchun teskari talab funksiyasini aniqlaymiz:

$$P = 16 - Q\frac{1}{250}.$$

Sotuvchining daromad funksiyasini tuzamiz:

$$R = P \cdot Q = \left(16 - Q\frac{1}{250}\right) \cdot Q = 16Q - \frac{Q_2}{250}.$$

Daromad funksiyasidan $Q$ bo‘yicha hosila olib, natijani nolga tenglashtirib yechamiz. $\frac{dR}{dQ} = 16 - \frac{2Q}{250} = 0$

$$Q^* = 4000 : 2 = 2000 \text{ mln. pud.}$$

Demak, sotuvchi daromadini maksimallashtiruvchi sotiladigan bug‘doy hajmi

$Q^* = 2000$ mln. pudga teng ekan. Bir pud bug‘doy narxi:

$P = 16 - 8 = 8$ pul birligiga teng.

Umumiy daromad $R = 2000 \cdot 8 = 16000$ pul birligi.

Faraz qilaylik, sotuvchi sotiladigan bug‘doy hajmini 250 mln. pudga oshirdi deylik. Uning daromadi qanday bo‘lishini hisoblaymiz.

Sotiladigan bug‘doy hajmi 2250 mln. pud. U holda bir pud bug‘doy narxi

$$P = 16 - \frac{2250}{250} = 7$$

pul birligiga teng.

Umumiy daromad

$R = 2250 \cdot 7 = 15750$ pul birligiga teng.

Ko‘rinib turibdiki, sotuvchi sotiladigan bug‘doy hajmini optimal hajmdan oshirsa, uning daromadi maksimal daromaddan past bo‘ladi.

| **6-MAVZU** | **“Iste’molchi tanlovi nazariyasi”** |
|---|---|

## 6.1. Ma’ruzani o‘qitish texnologiyasi

| | | |
|---|---|---|
| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI.<br>**Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:**<br>Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:**<br>6-Mavzu<br>**Soatlar xajmi:**<br>2-soat |
| **Talabalar soni**: 30 tagacha | **O‘T muallifi:**<br>***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*** | **O‘qituvchi**: dots. Shakarov A.B., |

**O‘quv mashg‘uloti shakli:** Muammoli ma’ruza

**Ma’ruza mashg‘uloti tuzilishining rejasi:**

Naflik nazariyasining asosiy qoidalari.

Naflik funksiyasi, umumiy naflilik va chekli naflilik.

Befarqlik chizig‘i va ne’matlarni chekli almashtirish normasi.

Byudjet chizig‘i va byudjet chegarasi.

Iste’molchi tanlovi masalasi va uni grafik usulidagi yechimi tahlili, iste’molchi muvozanati.

**O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:** Iste’molchi tanlovi nazariyasining mohiyati va naflilik funksiyasidan kelib chiqib talabning shakllanishi to‘g‘risidagi keng qamrovli bilimlarni rivojlantirish.

| **Pedagogik vazifalar:** | **O‘quv faoliyatining natijalari:** |
|---|---|
| Iste’mol nazariyasi va uning postulatalari xaqida kerakli ma’lumotlarni berish; | Iste’molchilar nazariyasi va uning ahamiyati to‘g‘risida fikrlar shakllanadi; |
| Bozor iqtisodiyoti sharoitida naflik nazariyasi va funksiyasining ahamiyatini talaba ongiga singdirish; | Naflik nazariyasi oraqali bozorda shakllanadigan talab va narx mexanizmi to‘g‘risida tushunchalar hosil bo‘ladi; |
| Naflikni kamayish qonuni to‘g‘risidagi nazariyani oddiy usulda tushuntirish; | Chekli naflik va naflikni kamayish qonuning grafik usulidagi talqini borasida tasavvur hosil bo‘ladi; |
| Iste’molchi va ishlab chiqaruvchilarning yutug‘i nimalardan iborat ekanligi va uni hisoblash tartibini o‘rgatishdan iborat. | Bozor bahosining shakllanishi, talab va taklif xajmining o‘zgarishi natijasida iste’molchi ortiqchaligi va ishlab chiqaruvchi ortiqchaligini tushunib yetish . |
| Befarqlik egri chizig‘i va iste’molchining | Befarqlik egri chizig‘i va kartasi xaqida ilk tasavvurlar hosil bo‘ladi. |

muvozanatlik sharti to‘g‘risidagi tushunchalarni matematik formulalarni qo‘llagan holda bayon etish.

**O‘qitish vositasi:** Ma’ruza matni, proyektor, grafik organayzer.

**O‘qitish metodi va shakli:**
- Ma’ruza, muloqot, suxbat, Delfi texnikasi;
- Guruxlarga bo‘lingan holda.

**O‘qitish shartlari:** Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya.

**Monitoring va baxolash:** Og‘zaki nazorat(Savol-javob tarzida), muammoli savollar va reyting bali asosida baxolash.

**“Iste’molchi tanlovi nazariyasi” mavzuida tayyorlangan ma’ruzaning texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O‘qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| 1-bosqich O‘quv mashg‘uloti mavzusiga kirish | 1.1.Fanning nomi e’lon qilinadi. Uning rejalari bilan tanishtiradi. Bugungi ma’ruza muammoli tarzida o‘tilishi xabarini yetkazadi. | Tinglaydilar. |
| 2-bosqich Asosiy bosqich | 2.1. Mavzuni nechog‘li dolzarbligini talabalarni suxbatga chorlagan tarzda va ularga quyidagi savollarni berib aniqlik kiritadi:<br>• Iste’molchining tanlovini bozor sharoitida qaysi omillar belgilaydi?<br>• Chekli naflikning mazmunini izoxlang<br>• Chekli naflikni kamayish qonunini xayotga tadbiq etish mumkinmi?<br>• Befarqlik egri chiziqlarining shakli va joylashuvi nima bilan aniqlanadi?<br>• Befarqlik egri chiziqlari nima uchun kesishmaydi? | Talabalar savollarni diqqat bilan tinglab, o‘z qarashlarini bayon etadilar.<br>Grafik ko‘rinishidagi chizmalarni o‘z konspektlariga ko‘chirib oladilar.<br>Barchasini yozib oladilar. |

| | |
|---|---|
| • Iste’molchining tanloviga tovar narxi va iste’molchi daromadini qanday ta’sir qilishini izoxlab bering.<br>2.2. Iste’mol nazariyasi va iste’molchining qaror qabul qilishda mavjud imkoniyat doirasida maksimal darajada o‘z ehtiyojini qondirish darajasi tushuntiriladi. Talabalarning ham iste’molchi sifatida qanda yo‘l tutishlarini bilish uchun muammoli topshiriqni o‘rtaga tashlaydi. 1-Ilova.<br>2.3. Muammoning yechimini va tahlilini talabalar bilan birga muxokama qiladi. Talabalarning bildirayotgan qarashlariga javoban o‘z so‘zini aytadi.<br>2.4. Talabalarni oltitadan ko‘p bo‘lmagan guruxlarga bo‘ladi. Guruxiy ishlash tartibini tashkillashtiradi.<br>2.5. Taqdimotni boshlash zarurligini aytadi va guruxlarning ishlagan natijalari muxokamasini boshlaydi. Talabalar bilan birga berilgan javoblarning qanchalik xaqiqatga yaqin ekanligi va mantiqan to‘g‘riligini o‘rganib chiqadi. Mavxum bo‘lgan qarashlarga va ochiq qolgan muammoning qirralariga oydinlik kiritadi.<br>2.7. Birinchi qo‘yilgan muammo ichidagi masalaga joriy xulosani yasaydi.<br>2.8. Tarqatma materialni tarqatadi va uni diqqat bilan o‘qib chiqib, jadvalni to‘ldirishlarini taklif qiladi. Quyidagi savolga javob berib, FSMU jadvalini to‘ldirishni aytadi. 2-Ilova | Savollarga javob beradilar, o‘z qarashlarini bayon etadilar. Tushunmagan savollarini o‘qituvchiga berib oydinlik kiritib boradilar. |

| | | |
|---|---|---|
| 3-bosqich Yakuniy bosqich | 3.1. Talabalarning muammoni yechish bo‘yicha qilgan xatti harakatlarini taxlil qiladi. Ularning tayyorgarlik darajalariga baxo beradi Yakuniy xulosalar qilinadi. Talabalar diqqati eng asosiy narsalarga qaratiladi. Slayd<br>3.2. Mustaqil ishlash uchun topshiriqlar beriladi 3-Ilova. | Tinglaydilar.<br>Javoblarni tanlab kerakli belgini qo‘yishadilar.<br>Tinglaydilar. |

1-Ilova

**Muammoning qo‘yilishi/ muammo ichidagi masalalar, xulosa va qaror qabul qilish.**

**Muammoning qo‘yilishi**: Iste’molchi ehtiyojini maksimal qondirish yo‘llari va muvozanatlik shartini o‘rnatish.

**Birinchi masalaning shakli va shamoyili**: Iste’molchi xatti harakati va psixologiyasidan kelib chiqib, naflik nazariyasini keng ko‘lamda taxlil qilish.

**Masalani yechishga qaratilgan muammoli savollar:**

Iste’molchilar o‘z nafligini maksimal qondirishlari uchun daromadlarini qanday sarflaydilar?

Daromad va tovar narxi iste’molchilar tanloviga qanday ta’sir ko‘rsatadi?

Tranzitivlik deganda nimani tushunasiz?

Befarqlik egri chiziqlari nima uchun xech qachon kesishmaydi?

Iste’molchilar qaroriga qanday omillar ta’sir ko‘rsatadi?

Umumiy naflik qachon maksimum holatga erishadi?

Nima sababdan bir ne’matni ikkinchi ne’mat bilan almashtirish oshib borgan sari chekli almashtirish normasi kamayib boradi?

**Yechimi:**

Iste’mol nazariyasida iste’molchilar ma’lum didga, xohishga ega va ular bu xohish va didlarini qanoatlantirishda byudjetlari bilan chegaralangan. Bunday holatda ular ne’matlar majmualaridan maksimal naf keltiradigan majmuani tanlashga harakat qiladi. Iste’mol nazariyasida iste’molchining daromadi chegaralangan; iste’molchilar tomonidan sotib olinadigan ne’mat narxi uning miqdoriga bog‘liq emas; iste’molchilar ne’mat nafligini to‘liq biladi, iste’molchi maksimal naf beruvchi ne’matlar majmuasini tanlaydi, deb faraz qilinadi.

Agar iste’molchi A majmuani B ga nisbatan ko‘proq xoxlasa va B majmuani S majmuadan ko‘ra ko‘proq xoxlasa, unda u A majmuani S majmuaga nisbatan ko‘proq xoxlagan bo‘ladi, ya’ni A>B; B>S;→ A>S.

Tovarning narxi iste’molchining daromadi uning qaror qabul qilishiga ta’sir ko‘rsatadi.

Naflik funksiyasi orqali nafaqat umumiy naflikni ifodalash mumkin, balki ketma-ket ne’matdan qo‘shimcha bir-birlik iste’mol qilish natijasida oladigan qo‘shimcha o‘sgan naf miqdorini ifodalovchi, chekli nafni ham aniqlash mumkin. Chekli naflik nolga teng bo‘lganda umumiy naflik maksimal bo‘ladi.

Befarqlik chizig‘i koordinata boshiga nisbatan botiq bo‘lgani uchun chekli almashtirish normasi bir ne’mat bilan boshqa ne’matni almashtirish oshib

borgani sari kamayib boradi.

**5-ilova (4.1.)**

**Tarqatma materialning taxminiy nusxasi**

**FSMU texnologiyasi**

**(F)** – Fikringizni bayon eting.
**(S)** – Fikringiz bayoniga biron sabab ko‘rsating.
**(M)** – Ko‘rsatilgan sababni tushuntiruvchi misol keltiring.
**(U) –** Fikringizni umumlashtiring.

Ushbu texnologiya tinglovchilarni o‘z fikrini himoya qilishga, erkin fikrlash va o‘z fikrini boshqalarga o‘tkazishga, ochiq holda bahslashishga, egallangan bilimlarni tahlil qilishga va qay darajada egallaganliklarini baholashga hamda tinglovchilarni bahslashish madaniyatiga o‘rgatadi.

**Chekli naflikning kamayib borish qonuni xayotga tadbiq etish mumkinmi?**

**F** - Fikringizni bayon eting.

**S** - Fikringizni bayoniga biror sabab ko‘rsating.

**M** - Ko‘rsatilgan sababni tushuntiruvchi misol keltiring.

**U** - Fikringizni umumlashtiring.

**1-Slayd**



**2-Slayd**


$P_1X_1 + P_2X_2 = R$
$X_2$
$R/P_2$
$X_2^0$
$X_2'$
$E$
$A$
$U_3$
$U_2$
$U_1$
Iste'molchining tanlovi.
$X_1$
$X_1'$
$X_1^0$
$R/P_1$

***Истеъмол назариясида ўрганилиши лозим бўлган таъриф ва категориялар ҳамда уларнинг***

Истеъмолчи ўз физиологик эхтиёжини қондиришга харакат қилади. Ушбу эхтиёжни қондириш даражаси ёки турмуш фаровонлиги даражаси

Чекли нафлилик(MU)- бу бирор неъматдан қўшимча бирлик истеъмол қилиш натижасида (бошқа неъматлар истеъмоли ўзгармаганда) истеъмолчи томонидан олинадиган қўшимча наф. Аммо, бирор неъматдан хар бирлик қўшимча истеъмол қилиш олидингисига нисбатан камроқ наф беради ва неъматнинг бундай хусусиятига чекли нафликнинг камайиш қонуни дейилади.

$$MU_i = \frac{\partial U}{\partial X_i}$$

Бефарқлик эгри чизиғи-бу истеъмолчи учун бир хил наф берувчи неъматлар комбинацияларини ифодалайди. Бефарқлик эгри чизиқлари мажмуаси бефарқлик эгри чизиқлари картасини беради. Бефрақлик эгри чизиқлари қанчалик ўнгда ва тепада жойлашган бўлса, унга тўғри келадиган нафлик шунча юқори бўлади.




Неъматларнинг бир-бирини ўрни босиш зонаси деб-бир неъмат билан иккинчи неъматни самарали алмаштириш мумкин бўлган ораликга айтилади.
Бефарқлик эгри чизиғининг пастга томон ётиқлиги бир неъматни иккинчи неъмат билан чекли алмаштириш нормасини ифодалайди.

$$MRS_{X_1,X_2} = \frac{-\Delta X_2}{\Delta X_1} \qquad MRS_{X_1,X_2} = \frac{MU_{X_1}}{MU_{X_2}} = -\frac{\Delta X_2}{\Delta X_1},$$



**6.2 Seminarni o‘qitish texnologiyasi**

| | | |
|---|---|---|
| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI. «Iqtisodiyot va statistika». TDIU<br>**Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. “Tarmoqlar iqtisodiyoti” TDIU | **O‘quv predmeti:** Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:** 5-Mavzu<br>**Soatlar xajmi:** 2 soat |
| **Talabalar soni**: 25 tagacha | **O‘T muallifi:** ***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*** | **O‘qituvchi**: dots. Shakarov A.B., |

| | |
|---|---|
| **O‘quv mashg‘uloti shakli:** | Seminar-anjuman. |
| **Seminar mashg‘uloti tuzilishining rejasi:** | Naflilik nazariyasining asosiy qoidalari.<br>Naflilik funksiyasi, umumiy naflilik va chekli naflilik.<br>Befarqlik chizig‘i va ne’matlarni chekli almashtirish normasi.<br>Byudjet chizig‘i va byudjet chegarasi.<br>Iste’molchi tanlovi masalasi va uni grafik usulidagi yechimi tahlili, iste’molchi muvozanati. |
| **O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:** | Iste’molchi tanlovi to‘g‘risidagi nazariy bilimlarini mustaxkamlash va chuqurlashtirish. |
| **Pedagogik vazifalar:** | **O‘quv faoliyatining natijalari:** |
| • Nazariy olingan bilimlarni amaliyotga tadbiq etish yo‘llarini o‘rgatish; | Talab va taklif elastikligi to‘g‘risida umumiy tasavvur hosil bo‘ladi; |
| • Chekli naflikni hisoblash turlaridan foydalanib, xayotiy misollarni nazariya bilan bog‘lagan holda talaba ongiga yetkazish ; | Amaliy misollarni nazariy olingan bilimlar bilan mustaxkamlashni o‘rganadilar; |
| • Befarqlik egri chiziqlarini grafikda aks ettirish va amaliy misollar bilan talabalarning nazariy bilimlarini | Jadval va grafik asosida narxga bog‘liq talab va taklif elastikligi xajmining o‘zgarishini anglaydilar va mustaqil fikrga ega bo‘ladilar;<br>Berilgan topshiriqlarni mustaqil bajaradilar va |

| | |
|---|---|
| mustaxkamlash;<br>• Iste'molchining muvozanatlik shartini ko'rsatish, grafikda talqinini izoxlash;. | natijalarni erkin bayon etishga o'rganadilar. |

| | |
|---|---|
| **O'qitish vositasi:** | Ma'ruza matni, format qog'ozlari, markerlar, skotch, o'quv tarqatma materiallar, T-sxema. |
| **O'qitish metodi va shakli:** | • amaliyot, savol-javob, munozara, chizmali organayzerlar texnikasi;<br>• Jamoaviy, juftliklarda va guruhlarda ishlash . |
| **O'qitish shartlari:** | Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya. |
| **Monitoring va baxolash:** | Og'zaki , tezkor so'rov va reyting bali asosida baxolash. |

**"Iste'molchi tanlovi nazariyasi" mavzuida tayyorlangan seminar mashg'ulotining texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O'qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| Tayyorgarlik bosqichi | Referat mavzularining ro'yxatini aniqlaydi (1-ilova).<br>Mavzularni dokladchilar tomonidan tanlab olinishini, hamda har bir dokladchiga taqrizchi tayinlanishini tashkil qiladi.<br>Dokladchilarga mavzusi bo'yicha reja tuzish vazifasini beradi.<br>Hamma talabalarga ma'ruza matnini o'rganib chiqishni, rejalar bo'yicha savollar tayyorlash vazifasini beradi va mustaqil tayyorlanishlari uchun adabiyotlar ro'yxatini taqdim qiladi.<br>Dokladchilarga takdimotni ko'rgazmali materiallar asosida o'tkazilishini uqtiradi. | Mavzu tanlab oladilar va mashg'ulotga tayyorlanadilar.<br>Dokladchilar referat rejasini tuzadilar.<br>Har bir mavzu bo'yicha savollar tayyorlaydilar va zarur adabiyotlar ro'yxatini yozib oladilar. |
| I. Kirish bosqichi (15daqiqa) | 1.1. Seminar mashg'ulotining mavzusini eslatadi. Mashg'ulotning shakli va o'tkazilish tartibini tushuntiradi.<br>1.2. Doklad qiluvchilar va taqrizchilar bilan tanishtiradi.<br>1.3.Baholash ko'rsatkichlari va mezonlarini e'lon qiladi (2-ilova).<br>1.4. Taqdimotlar reglamentini | Tinglaydilar |

| | | |
|---|---|---|
| | aniqlaydilar (3-ilova) | |
| II. Asosiy bosqich (55 daqiqa) | 2.1.Birinchi dokladchiga so‘z beradi. Material mazmunining mantiqan bog‘liqligini, bayon etish usuli va talabalar munosabatini kuzatadi. Talabalar tomonidan savol berishni taklif qiladi. Savollar beradi, dokladning asosiy mohiyatini aniqlashtiradi. | Tayyorlangan doklad bo‘yicha so‘zga chiqadi, tayyorlagan ko‘rgazma-li materiallar asosi da taqdimot qiladi, berilgan savollarga javob beradi. |
| | 2.2.Taqrizchilarga so‘z beradi va talabalarga savollar berishni taklif qiladi. Asta-sekin o‘quv mashg‘ulotini munozara shakliga o‘tkazgan holda, doklad mazmunini jamoaviy muhokama qilishni taklif qiladi. | Taqrizchi uz fikrini bildiradi, savollar beradi. Jamoa bo‘lib doklad mazmunini muhokama, munozara qiladilar. |
| | 2.3.Mavzu mazmunining talabalarga qay darajada tushunarliligini (dokladchilarga berilayotgan savollar mazmuni va savollarga berilayotgag javoblardan kelib chiqib) baholaydi. Talabalarga «munozara ishtirokchisi uchun eslatma»ni eslatadi va munozara boshlanishini e’lon qiladi (4-ilova). Bildirilayotgan fikrlarga nisbatan demokratik yondashish va faollik, qiziquvchanlikni namoyish qiladi. Ishonchli muloqot tonini qo‘llaydi. | Munozara qiladilar. |
| | 2.4.Qisqacha umumlashtirib dokladga yakun yasaydi. Dokladning asosiy mohiyatini, munozara, muhokama natijalarini qayd qiladi. | |
| | 2.5. Keyingi dokladlarni ham shu yo‘sinda muhokama qiladilar. | |

| | | |
|---|---|---|
| III.Yakuniy bosqich (10 minut) | 3.1.Anjuman natijalari yuzasidan xulosa qiladi va mavzuga yakun yasaydi:<br>• mavzu bo‘yicha yakuniy xulosani shakllantiradi;<br>• doklad qiluvchilar va mashg‘ulot ishtirokchilarining tayyorgarligini, munozara, muhokama jarayonidagi faolligini baholaydi va baholarni e’lon qiladi;<br>• ma’ruza-anjuman mashg‘uloti natijalariga umumiy baho beradi.<br>3.2. Mustaqil ishlashlari uchun vazifa beradi: (1) nazorat savollariga og‘zaki javob berish (5-ilova); (2) egallangan bilim va tushunchalar asosida BBB jadvalini to‘ldirish kerakligini ta’kidlaydi (6-ilova). | Tinglaydilar.<br>Vazifani yozib oladilar. |

**1-ilova (6.1.)**

***Semenar-anjumanda taqdim etiladigan mavzular:***

Ne’matlar nafliligi, umumiy naflilik va chekli naflilik.
Chekli naflilikning kamayish qonuni.
Umumiy naflilikni maksimallashtirish sharti.
Befarqlik chizig‘i va chekli almashtirish normasi.
Byudjet chizig‘i va byudjet chegarasi.
Iste’molchining optimallik sharti.

**2-ilova (6.1.)**

***Munozara ishtirokchilarini baholash mezonlari***

| ***Baholash mezonlari (ballda)*** | ***Doklad qiluvchilar*** | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1.Doklad mazmuni (1,0):<br>- dolzarbligi;<br>- bayon qilinishining tushunarliligi, izchilligi va mantiqiy bog‘liqligi;<br>- xulosaning aniq shakllantirilishi.<br>2.Foydalanilayotgar ma’lumotning yangiligi (0,5)<br>3.Taqdimotda qo‘llanilgan vositalar (0,4)<br>4. Reglamentga rioya qilish (0,1) | | | | |
| ***Jami:*** | | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ***Taqrizchilar*** | | | |
| 1.Dokladni yangilik bila to‘ldirganligiga (0,5)<br>2. Dokladning kuchli va bo‘sh tomonlarini aniq ko‘rsatganiga (1,5) | | | | |
| ***Jami:*** | | | | |
| | ***Munozara ishtirokchilari*** | | | |
| 1.Savollar:<br>- hajmi (0,1 har bir savol uchun);<br>- mazmuni va mohiyati bo‘yicha (0,3)<br>2. Qo‘shimcha kiritganiga (1,0) | | | | |
| ***Jami:*** | | | | |

**3-ilova (6.1)**

***Anjuman ishtirokchilari uchun belgilangan reglament:***

Dokladchi – 5 daqiqa
Taqrizchi –3 daqiqa
Dokladchilar tomonidan savollarga javob berish – 3 daqiqa
Takrizchilar tomonidan savollarga javob berish -3 daqiqa
Muhokama va munozara uchun – 3 daqiqa

**4-ilova (6.1)**

***Munozara ishtirokchisiga eslatma***

1. Munozara munosabatlarni hal etish emas, balki muammolar yechimini hamkorlikda topish metodidir.
2. Boshqalar ham fikr bildirishlariga imkoniyat yaratish uchun uzoq gapirma.
3. Aqlli fikrlaring maqsadga yetishi uchun so‘zlaringni taroziga sol, o‘ylab, so‘ngra gapir, his-tuyŕularingni nazorat qil.
4. Taqrizchi va opponent fikrini to‘g‘ri tushunishga harakat qil. Uning fikrini hurmat qil.
5. Faqat munozara mavzusi bo‘yichagina, aniq fikr bildir.
6. O‘z taqdimoting bilan kimgadir yoqishga yoki aksincha xafa qilishga urinma.

**5-ilova (6.1)**

***Nazorat savollari:***

1. Iste’molchining tanlovini bozor sharoitida qaysi omillar belgilaydi?
2. Chekli naflikning mazmunini izoxlang?
3. Chekli naflikning kamayish qonuni tushuntiring?
4. Befarqlik egri chiziqlarining shakli va joylashuvi nima bilan aniqlanadi?
5. Befarqlik egri chiziqlari nima uchun kesishmaydi?
6. Iste’molchining tanloviga tovar narxi va iste’molchi daromadi qanday ta’sir qilishini izoxlab bering?
7. Chekli transformatsiya normasi qanday hisoblanadi?
8. Byudjet chegarasi va iste’molchining tanlov sohasi qanday aniqlanadi?
10. Iste’molchi xohishi tranzitivdir deganda nimani tushunasiz?

**6-ILOVA (6.1)**

***BBB jadvalini to‘ldirish uchun tavsiyalar***

1. Tayanch ibora va tushunchalar bilan tanishib chiqing.
2. BBB jadvalini to‘ldirish uchun tayanch ibora va tushunchalarning tartib raqamidan foydalaning.

| Bilaman | Bilishni istayman | Bilib oldim |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| | | |

**Tayanch ibora va tushunchalar**

| | |
|---|---|
| 1. | Ne’mat |
| 2. | Naflik |
| 3. | Naflik funksiyasi |
| 4. | Chekli naflik |
| 5. | Umumiy naflik |
| 6. | Chekli naflikning kamayish qonuni |
| 7. | Befarqlik egri chizig‘i |
| 8 | Befarqlik egri chiziqlari kartasi |
| 9. | Chekli transformatsiya normasi |
| 10. | Ne’matlarning bir-birini o‘rnini bosish zonasi |
| 11. | Byudjet chizig‘i |
| 12. | Daromad |
| 13. | Iste’molchining tanlov soxasi |
| 14. | Byudjet chegarasi |
| 15. | Byudjet chegarasi tenglamasi |
| 16. | Iste’molchi muvozanati |
| 17. | Gossen qonuni |
| 18 | Marjinalizm nazariyasi |
| 19. | Ne’matlar xajmi |
| | |

| | |
|---|---|
| **7-MAVZU** | **“Daromad samarasi va almashtirish samarasi”** |

## 7.1. Ma’ruzani o‘qitish texnologiyasi

| | | |
|---|---|---|
| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI. **Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:** Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:** 7-Mavzu **Soatlar xajmi:** 2-soat |
| **Talabalar soni**: 30 tagacha | **O‘T muallifi:** ***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*** | **O‘qituvchi**: dots. Shakarov A.B., |

**O‘quv mashg‘uloti shakli:** Ko‘rgazmali ma’ruza

**Ma’ruza mashg‘uloti tuzilishining rejasi:**

«Daromad-iste’mol» chizig‘i va uning tahlili.

«Narx-iste’mol» chizig‘i va uning tahlili.

Normal va past kotegoriyali tovarlar uchun daromad va almashtirish samarasi.

O‘rnini bosuvchi va to‘ldiruvchi tovarlar.

**O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:**

Bozor iqtisodiyoti sharoitida iste’molchilar daromadining o‘zgarish yoki harid qilinishi mumkin bo‘lgan tovarlar narxining o‘zgarishi iste’molchilarning qaror qabul qilishlariga qanday qilib ta’sir ko‘rsatishini o‘rgatishdan iborat.

| **Pedagogik vazifalar:** | **O‘quv faoliyatining natijalari:** |
|---|---|
| Daromadning o‘zgarishi natijasida byudjet chizig‘ining siljishini grafik ko‘rinishda aks ettirish orqali tushuntirish; | Iste’molchilar daromadining o‘zgarishi oqibatida byudjet chizig‘ining siljishi va narxlar o‘zgarganda ham iste’molchi byudjetiga qanday ta’sir ko‘rsatishi xaqida tushunchalar hosil bo‘ladi; |
| Tovarlar tarkibining daromadga nisbatan o‘zgarishini ifodalovchi chiziqlar tavsifini izoxlash; | Engel egri chiziqlarining joylashuvi va iste’molchilar daromadini eng avvalo qanday mahsulotlar haridiga sarflashlari xaqidagi to‘liq fikrlarga ega bo‘ladilar; |
| Daromad-iste’mol, narx-iste’mol chiziqlari to‘g‘risida tushuncha hosil qilish; | Turmush darajasi chizig‘i, narx-iste’mol chiziqlarining mohiyati tushunib yetiladi; |
| Past kategoriyali ne’matlarga bo‘lgan talab xajmining narxga ko‘ra o‘zgarishi va daromad hamda almashtirish samarasini hisoblash tartibini Amaliy misollarni keltirgan holda | Tovarlar narxi pasayganda yoki iste’molchilar daromadi oshganda daromad va almashtirish samaralarini hisoblash hamda |

| | |
|---|---|
| talqin etish. | umumiy Samara nechaga teng bo‘lishini topish xususida bilimlarga ega bo‘linadi. |
| **O‘qitish vositasi:** | Ma’ruza matni, proyektor, chizmali organayzerlar |
| **O‘qitish metodi va shakli:** | • Ma’ruza, namoyish etish, tezkor-so‘rov;<br>• Guruxlarga bo‘lingan holda. |
| **O‘qitish shartlari:** | Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya. |
| **Monitoring va baxolash:** | Og‘zaki nazorat(Savol-javob tarzida), muammoli savollar va reyting bali asosida baxolash. |

**“Daromad samarasi va almashtirish samarasi” mavzuida tayyorlangan ma’ruzaning texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O‘qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| 1-bosqich O‘quv mashg‘uloti mavzusiga kirish | 1.1.Ma’ruza mavzusini o‘qib eshittiradi va uning maqsadi, o‘qitish natijalarini talabalar diqqatiga havola etadi. | Tinglaydilar. |
| | 1.2.Tayyorlab kelingan tayanch konspektlarning qisqacha matnini talabalarga tarqatadi. Undan foydalanish tartibini og‘zaki tushuntiradi. | Talabalar ko‘z yugirtirib chiqishadi. |
| | 1.3.Tayanch konspekt materialarining birinchi slaydini proyektor orqali ekranga chiqaradi va uni sharxlaydi. | Tinglaydilar va muxim bo‘lgan holatlarni qayd etishadilar. |
| | 1.4.Darsning oxiriga borib o‘tilgan mavzu yuzasidan test savollari tarqatilishi va uning uchun maksimal 2 ball qo‘yilishini o‘qtiradi. | |

| | | |
|---|---|---|
| 2-bosqich Asosiy bosqich | 2.1. Tayanch konspektda tayyorlab kelingan ma’ruza materiallarini asta-sekinlik bilan ekranga chiqargan holda o‘qiydi va kerakli momentlarni talabalarga tushuntiradi. Ilova. | Diqqat bilan tinglashadilar. |
| | 2.2. O‘z daftarlariga qayd etishlarini so‘rab mavzuning keyingi savoliga o‘tadi. Tayyorlab kelingan materialni ekranga chiqaradi. Talabalar diqqatini grafikdagi chiziqlarga qaratgan holda amaliy misollarni keltirib bayon etadi. Turmush darajasi va Engel chiziqlarining mohiyatini grafikda izoxlaydi. Ehtiyoj uchun birlamchi tovar va xizmatlar iste’mol qilinishi, qolgan mablag‘ga esa standart sifatli sanoat mahsulotlari va nihoyat oliy sifatli tovarlar harid qilinishi Engel egri chiziqlari yordamida tushuntiriladi. | Grafik ko‘rinishidagi chizmalarni o‘z konspektlariga ko‘chirib oladilar.<br>Barchasini yozib oladilar. |
| | 2.3. Mavzuning keyingi savolidan o‘rin olgan masalalarni birma-bir tushuntiradi. Narx-iste’mol chizig‘i orqali iste’molchining tovarlar haridi va optimallik sharti hamda talab egri chizig‘ining qanday hosil bo‘lishi chizmalar orqali talabalarga yetkaziladi. Ilova. | |
| | 2.4. Daromad vqa almashtirish samarasining miqdoriy ko‘rsatkichlarini hisoblash usullarini tayyorlab kelingan chizma orqali talabalarga namoyish etadi. | |
| | 2.5. Aqliy xujum orqali quyidagi savollarga javob berishlarini taklif etadi:<br>• Iste’molchilarning daromadi o‘zgarganda iste’mol xajmi qanday o‘zgaradi?<br>• Past kategoriyali tovarlarga bo‘lgan talab iste’molchining daromadi o‘zgarganda qanday ta’sir ko‘rsatadi? | |
| | 2.6.. “Aqliy xujum” tugagandan so‘ng talabalarni guruxlarga bo‘ladi va ularga har-xil rangdagi qog‘ozlarni tarqatadi. Har bir gurux o‘z qarashlarini jadval tarzida ixchamlashtirgan holda ushbu | |

| | | |
|---|---|---|
| | qog‘ozga tushuntiriladi.<br>2.7. Har bir guruxga qayd qilingan qog‘ozdagi fikr muloxazalarining taqdimotini boshlashlari mumkinligini e’lon qiladi.<br>2.8. Har bir guruxning qrashlarini taxlil qiladi va kerakli ko‘rsatmalarni berib mantiqiy bog‘langan fikrlarni konspektga qayd qilishlarini so‘raydi. | |
| 3-bosqich<br>Yakuniy bosqich | 3.1. Bugungi mavzuga bag‘ishlangan barcha fikr muloxazalarni umumlashtirib xulosa yasaydi.<br>3.2. Guruxning faoliyatiga baxo beradi va fikrlar xilma-xilligini sharxlab tayanch muloxazalarni talabalar e’tiboriga yetkazadi.<br>3.3. Kelgusi darsda o‘tilishi kutilayotgan ma’ruza mavzusini o‘qib eshittiradi va kerakli ma’lumotlarni ta’kidlab o‘tadi. | Tinglaydilar.<br><br>Javoblarni tanlab kerakli belgini qo‘yishadilar.<br><br>Tinglaydilar. |

**(7.1) 1-Ilova**

**1-Slayd**

**2-Slayd**
**«Daromad-iste'mol» chizig'i.**




**3-Slayd**
**Engel egri chiziqlari**




**4-Slayd**

**Narx-iste’mol» va talab chizig‘i**




**Normal tovarlar uchun daromad samarasi**



## Test savollari

***Keltirilgan javoblardan to‘g‘risini tanlang!***

1. Normal tovarlarga bo‘lgan “daromad-samarasi” shuni bildiradiki:

A) X mahsulotning bahosi ko‘tarilganda iste’molchi ushbu va boshqa mahsulotlar haridini pasaytiradi.

B) X mahsulot narxining pasayishi ushbu mahsulot iste’moli xajmining oshishiga olib keladi.

V) Agarda X mahsulotning narxi o‘zgarganda, iste’molchi o‘z haridini qayta taqsimlagan holda quyidagi tenglik ta’minlanishi lozim:

**MUx (Px= MUy/Py=……MUn/Pn)**

G) Hamma javoblar to‘g‘ri.

2. X mahsulotning narxi tushganda:

A) Daromad samarasi iste’molchining ko‘proq mahsulot harid qilishini rag‘batlantiradi, almashtirish samarasi esa kamroq..

B) Daromad samarasi va almashtirish samarasi oqibatida iste’molchi X mahsulotdan ko‘proq sotib olinadi.

V) daromad samarasi oqibatida X mahsulotdan kamroq, almashtirish samarasi oqibatida esa ko‘proq harid qilinadi.

G) daromad samarasi va almashtirish samarasi X mahsulot iste’molchining kamayishiga olib keladi.

3. Agar X mahsulotning narxi pasayganda iste’mol qilish xajmi ham pasaysa :

A) X narmal tovar hisoblanadi.

B) X giffen tovar hisoblanadi.

V) X past kategoriyali tovar hisoblanadi.

G) Bozorda turli vaziyatlar sabab bo‘lgan.

4. Boshqa sharoitlar o‘zgarmas bo‘lganda X mahsulotning ketma-ket iste’moli chekli naflikni sekin asta pasayishiga olib keladi. X mahsulot bunday holda :

A) X tovar sifatsiz hisoblanadi.

B) almashtirish samarasi daromad samarasidan yuqori.

V) X tovarga bo‘lgan talab elastikligi yuqori.

G) O‘rin bosar tovar bilan X tovarning kesishgan talab elastikligi manfiy.

5. Iste’molchining daromadi o‘zgarmas bo‘lgan sharoitda X tovar narxining oshishi Y tovar narxi o‘zgarmaganda olib keladi:

A) Byudjet chizig‘i pastga siljiydi

B) Byudjet chizig‘i parallel o‘ngga ko‘chadi.

V) Byudjet chizig‘i umuman o‘zgarmaydi.

G) X o‘qqa yo‘naltirilgan byudjet chizig‘i yuqoriga siljiydi.

6. Quyida keltirilgan grafikda iste’molchi muvozanati qaysi nuqtada erishiladi?



A) d,f,e nuqtalarda muvozanatlikka erishadi.
B) Byudjet chizig‘ining istagan nuqtasida.
V) g nuqtada
G) s nuqtada.

**7.2 Seminarni o‘qitish texnologiyasi**

| | | |
|---|---|---|
| **Fakultet:** «Bank va moliya xizmatlari». «Servis va turizm», «Iqtisodiyot va menejument» SamISI. **Kafedra:** “Kasb-xunar ta`limi” SamISI. | **O‘quv predmeti:** Mikroiqtisodiyot | **Mavzu raqami:** 7-Mavzu **Soatlar xajmi:** 2- soat |
| **Talabalar soni**: 25 tagacha | **O‘T muallifi:** ***B.A.Salimov, A.B. Shakarov, Sh.Mustofaqulov*** | **O‘qituvchi**: dots. Shakarov A.B., |

| | |
|---|---|
| **O‘quv mashg‘uloti shakli:** | Bilimlarni mustahkamlash va chuqurlashtirish mashg‘uloti. |
| **Seminar mashg‘uloti tuzilishining rejasi:** | Naflilik nazariyasining asosiy qoidalari.<br>Naflilik funksiyasi, umumiy naflilik va chekli naflilik.<br>Befarqlik chizig‘i va ne’matlarni chekli almashtirish normasi.<br>Byudjet chizig‘i va byudjet chegarasi.<br>Iste’molchi tanlovi masalasi va uni grafik usulidagi yechimi tahlili, iste’molchi muvozanati. |
| **O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:** | Iste’molchi tanlovi to‘g‘risidagi nazariy bilimlarini mustaxkamlash va chuqurlashtirish. |

| Pedagogik vazifalar: | O‘quv faoliyatining natijalari: |
|---|---|
| • Nazariy olingan bilimlarni amaliyotga tadbiq etish yo‘llarini o‘rgatish; | Amaliy misollarni nazariy olingan bilimlar bilan mustaxkamlashni o‘rganadilar; |
| • Daromad o‘sishining byudjet chizig‘iga ta’sirini grafikda ko‘rsatish va talabalarni fikrlashga chorlash; | Daromad o‘sganda iste’molchilar talablarining o‘zgarishi xaqida aniq tushunchalar hosil bo‘ladi; |
| • “Daromad-iste’mol” chizig‘ining moxiyatini tushuntirish va J.Xiksning bergan ta’rifini asoslash; | Turmush darajasining ko‘tarilishiga qanday omillar ta’sir ko‘rsatishi mumkinligini anglaydilar; |
| • Engel egri chiziqlarining joylashuvini amaliy xayotdan misol keltirib talabalar diqqatini tortish; | Engel chiziqlarining grafikdagi joylashuvi asosida iste’mol tarkibining turlicha bo‘lishini tushunib yetadilar; |
| • Daromad o‘zgarmas bo‘lganda faqat nematlar narxining tushushi oqibatida real daromadning o‘sishini “narx-iste’mol” chizig‘i orqali talqin etish; | Real daromadning o‘sishi va talab o‘zgarishining qancha qismi narxning pasayishiga bog‘liqligini faxmlaydilar; |
| • Biror misolni keltirgan holda daromad va almashtirish samaralarini hisoblashni o‘rgatish va grafikda interpretatsiyasini asoslash; | Bozor sharotida daromad samarasi va almashtirish samarasining ajratilishi tovarlarga narx belgilash qonuniyatlarini yaxshiroq tushunishga yo‘naltiradi;<br>Normal tovarlar, past kategoriyali tovarlar va oliy sifatli tovarlarga bo‘lgan talabni iste’mochi daromadining o‘zgarishi orqali tahlil qilish; |
| • Giffen paradoksini tushuntirish; | |
| • o‘quv topshirig‘i mazmunini, uni yechimini topish va tahlil qilish jarayonini ketma-ketligini yoritish; | o‘quv torshirig‘ining mazmunini va uni yechimini topish jarayonini tushuntiradi; |
| • Topshiriqlarni mustaqil ravish da yechimini topish, guruh ishlarini umumiy natijalarini hosil | o‘quv topshirig‘ini mustaqil ravishda bajaradi va umumiy natijalarini hosil qiladi. |

qilishga undash.

| | |
|---|---|
| **O‘qitish vositasi:** | Ma’ruza matni, format qog‘ozlari, markerlar, skotch, o‘quv tarqatma materiallar, T-sxema. |
| **O‘qitish metodi va shakli:** | ◗ Muammoli metod<br>◗ Jamoaviy, juftliklarda va guruhlarda ishlash . |
| **O‘qitish shartlari:** | Guruxiy ishlash uchun texnik jixozlangan auditoriya. |
| **Monitoring va baxolash:** | Og‘zaki , tezkor so‘rov va reyting bali asosida baxolash. |

**“Daromad samarasi va almashtirish samarasi” mavzuida tayyorlangan seminar mashg‘ulotining texnologik kartasi.**

| Bosqichlar | O‘qituvchi faoliyatining mazmuni | Talaba faoliyatining mazmuni |
|---|---|---|
| Tayyorgarlik bosqichi | Mavzuni aytadi, ta’lim maqsadlarini qo‘yadi, o‘quv natijalarini rejalashtiradi. Ta’lim maqsadlaridan kelib chiqib, o‘quv aqliy topshiriqlarni (diferensial) ishlab chiqadi (1-ilova).<br>Guruhlar uchun guruh ichidagi faoliyatning samaradorligini ta’minlaydigan yozma ko‘rsatmalar tayyorlaydi (2-ilova). | Tinglaydilar va mashg‘ulotga tayyorgarlik ko‘radilar.<br>Dokladchilar referat rejasini tuzadilar.<br>Har bir mavzu bo‘yicha savollar tayyorlaydilar va zarur adabiyotlar ro‘yxatini yozib oladilar. |
| I. Kirish bosqichi (10 daqiqa) | 1.1.Mavzuning nomi, maqsadi va rejalashtirilgan o‘quv natijalarini e’lon qiladi. Mavzuning ahamiyatliligini va dolzarbligini asoslaydi. | Mavzuni yozib oladilar. |
| | 1.2.Talabalar bilimini faollashtirish maqsadida mazmunli javob talab etadigan savollar bo‘yicha suhbat tashkil qiladi (3-ilova).<br>Bilimlarni faollashtirish jarayonida muammoning yechimini topish faoliyatida zarur bo‘lgan bilimlar yetarliligini aniqlaydi. | Savollarga javob beradilar. |
| II. Asosiy bosqich (55 daqiqa) | 2.1.O‘quv topshiriqlarini beradi, ularni yechimini topish yo‘llari va ketma-ketligini muhokama qiladi. | Topshiriqni muhokama qiladilar. |

| | | |
|---|---|---|
| | O‘quv mashg‘uloti yakunida qanday natijalarga erishishini ma’lum qiladi.<br>Guruhlar ishi natijalarini taqdim etish shakllarini e’lon qiladi. Har bir talaba va umuman guruhlar ishini baholash mezonlarini tushuntiradi (5-ilova). | O‘quv materiali, instruksiya va individual natijalar kartochkalari bilan tanishib chiqadilar. |
| | 2.2.Talabalarni kichik guruhlarga bo‘ladi. Guruhlarga topshiriqlarni tarqatadi. Topshiriqni bajarishda qanday qo‘shimcha materialdan foydalanish mumkinligini tushuntiradi.<br>2.3.Guruhiy topshiriqlarni bajarish instruksiyasini doskaga iladi va talabalar bilan muhokama qiladi.<br>2.4.Individual ish kartochkalarini tarqatadi.<br>2.5.Guruhlarda faoliyatni tashkil qiladi. Talabalar ishini kuzatadi vash u bilan birga:<br>- guruhlarni nazorat qiladi, lekin ularni boshqarmaydi;<br>- aniq topshiriqlarni bajarish uchun zarur bo‘lgan malakalarni shakllantiruvchi individual ishga diqqatini qaratadi. Topshiriqlarni yechimini topish vazifasi qay darajada bajarilganligini aniqlash maqsadida ochiq savollar beradi: «Nima uchun siz bunday o‘ylayapsiz?», «Nima uchun aynan shu metod deb o‘ylayapsiz?».<br>2.6.Taqdimot boshlanishini e’lon qiladi. Hamkorlikda muhokama qilish va baholash natijalarini e’lon qilish uchun guruh ishtirokchilarini tayinlaydi.<br>2.7.Topshiriqni bajarish jarayonida o‘zlashtirganligini aniqlash uchun guruh ishlarining natijalarini o‘zaro nazoratini tashkil qiladi. | Guruhlar ishini rejalashtiradi. Guruh ichida topshiriqlarni taqsimlaydi. Topshiriqlarni indi<br>vidual bajaradilar. Individual ish natijalarini muhokama qiladilar. O‘quv topshirig‘i bo‘yicha guruhlar faoliyatining umumiy natijalarini ishlab chiqadilar va ularni taqdimotga tayyorlaydilar.<br>Guruh ishtirokchilari faoliyat natijalarini e’lon qiladilar.<br>Har bir guruh boshqa guruhga o‘zaro nazorat o‘tkazish uchun savollar tayyorlaydi va bir-biriga beradi. |
| III.Yakuniy bosqich (15 minut) | 3.1.Guruh ishlarini natijalarini tahlil qiladi.<br>3.2.Topshiriqlarni bajarish bo‘yicha | Tinglaydilar. |

| | |
|---|---|
| yakun yasaydi.<br>3.3.Belgilangan maqsadga erishganlik haqida xulosalar qiladi.<br>3.4.Guruh ishlarini bahosini e'lon qiladi. | |
| 3.4.Mustaqil bajarishlari uchun vazifa beradi: rejaning keyingi savollari bo'yicha tayyorlanib kelish. | Vazifani yozib oladilar. |

**1-ilova (7.2)**

## *O'QUV TOPSHIRIQLARI*
### *1-GURUX*

1. Daromad va almashtirish samaralarini iste'molchining turmush darajasiga ta'sirini tushuntirib bering.
2. Ne'matlar narxi tushganda byudjet chizig'ini siljitish zarurmi ? Nima uchun?
Ushbu savol asosida FSMU jadvalini to'ldiring.

**FSMU jadvali**

***Ne'matlar narxi tushganda byudjet chizig'ini siljitish zarurmi?***

| |
|---|
| **F** (Fikringizni bayon eting). |
| **S** (Fikringiz bayoniga biror sabab ko'rsating). |
| **M** (Ko'rsatilgan sababga tushuntiruvchi misol keltiring). |
| **U** (Fikringizni umumlashtiring). |

### *2-GURUX*

1. Iste'molchining individual tanloviga ta'sir ko'rsatadigan ob'ektiv va sub'ektiv sabablar qaysilar ?
Quyidagi jadvalni to'ldiring:

| ***Sub'ektiv sabablarni keltiring*** | ***Ob'ektiv sabablarni izoxlang*** |
|---|---|
| | |

2. Real daromadning o'sishiga olib keladigan omillar nimalar?

3. Narx o‘zgarishining talab qilingan tovar va xizmatlar miqdoriga ta’sirini necha qismga ajratish mumkin?

Venna diagrammasini to‘ldiring.

Ishingizni tushuntiring va izoh bering.




***Венна диаграммаси*** – умумий хусусиятларга эга бўлган 2-3 томонларини солиштириш /қарама-қарши қўйиш /таққослаш учун қўлланилади

изчил тафаккур қилиш, солиштириш, қарама-қарши ќўйиш ва таққослаш малакаларини ривожлантиради;

асосан маъруза машғулотининг якуний босқичида тўлдирилади

Венна диаграммасини тўлдириш қоидаси билан танишади. Индивидуал / жуфтликда Венна диаграммасини ишлаб чиқади, доираларнинг кесишмаган томонларини тўлдиради (х).

Жуфтликлар ҳосил қилиб, ўз диаграммаларини солиштиради ва тўлдиради

Доиралар кесишган жойини ҳодиса ёки предметнинг, 2-3 доиранинг ўхшашлик томонлари, ҳар иккаласига (ёки учаласига) тааллуқли бўлган умумий хусусиятлари қайд этилиб, тўлдирилади

***3-GURUH***

1. Daromad va almashtirish samarasi miqdorini ko‘rsating. Narxlar va iste’molchilarning daromadi o‘zgarganda byudjet chizig‘ining siljishi yoki siljimaslik shartini keltiring. Ushbu savol yuzasidan quyidagi T-sxema jadvalini to‘ldiring

***T-sxema***
***Personalni boshqarish uslublari***

| ***O‘zgarishlar*** | ***Byudjet chizig‘i o‘ngga siljiydi*** | ***Byudjet chizig‘i Chapga siljiydi*** |
**26.** Sapir J. Novke podxodk teorii individualnkx predpochteniy i yee sledstviya.// Gosudarstvennky Universitet vksshaya shkola ekonomike, Moskva, 2005. –150-152 s.

**27.** Vishnevskaya N.T. Politika minimalnoy zarabotnoy platk: seli, ogranicheniye, posledstviya.// Gosudarstvennky Universitet - vksshaya shkola ekonomiki. - Moskva, 2005. - 25-28 s.

**Doktorlik va nomzodlik dissertatsiyalari**

**28.** Boltabayev M.R. O‘zbekiston Respublikasi to‘qimachilik sanoati eksport imkoniyatlarini rivojlantirishda marketing strategiyasi. Doktor. Diss. - TDIU, 2005.- 261 b.

**29.** Mustafakulov Sh.I. Qishloq mehnat resurslaridan foydalanishni istiqbollashtirish. I. f. n. diss. - O‘zbekiston Respublikasi Bozor Islohotlari Ilmiy-Tadqiqot Instituti, 2005.- 138 b.

**30.** Yulchiyeva G.T. Turli mulkchilik shakllariga asoslangan korxonalar faoliyatini modellashtirish. I.f.n.diss. – TDIU, 2005. – 132 b

**Ilmiy-amaliy anjumanlar ma’ruzalari to‘plamlari**

**31.** Salimov B.T., Mustafakulov Sh.I. Bozor munosabatlari sharoitida mehnat samaradorligi ko‘rsatkichining ahamiyati. “Milliy iqtisodiyot sohalarida xalqaro tajribani o‘rganish va uni kichik biznes, xususiy tadbirkorlikni rivojlantirshni tadbiq etish”. Ilmiy amaliy anjuman. Noyabr 2004 . - T.: TDIU, 2004. – 136 – 138 b.

**32.** Salimov B.T. Korxonalarda harajatlarni kamaytirish strategiyasi. Respublika ilmiy-amaliy anjuman 10-11 noyabr 2005.- T.: TDIU. – 63-65 b.

**33**. Seraya S.A., Fedechko K.T. Gosudarstvennoye regulirovaniye deyatelnosti yestestvennkx monopoliy. “Vosemnadsatke Mejdunarodnke Plexanovskiye chteniya” 7 aprelya.- M.:REA im.G.V.Plexanova, 2005.- 401 s.

**34.** Rebrov A.S., Mihenko A.V. Prinyatiye resheniy v usloviyax neopredelennosti. “ Vosemnadsatke Mejdunarodnke Plexanovskiye chteniya” 7 aprelya. – M.: REA im. G.V. Plexanova, 2005.- 401 s.

**Gazeta va jurnallar**

**35.** «APK: ekonomika, upravleniye», №1-5 ,2005y.

**36.** “O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi” №5-12, 2005y.

**37.** “O‘zbekiston iqtisodiy axborotnomasi” №1-12, 2005y.

**Statistik ma’lumotlar to‘plamlari**

**38.** Investitsii respubliki O'zbekistan 2003. Statisticheskiy sbornik. – T.: Goskomitet RUz po statistike, 2004. – 86 s

**39.** Promkshlennost respubliki O'zbekistan 2004. Statisticheskiy sbornik. - T.: Goskomitet RUz po statistike, 2005. – 67 s.

**Internet saytlari**

**40.** Mikroekonomika. Kurs leksiy. Zadachnik. Opornky konspekt. Metodicheskiye ukazaniya. http://www.iet.ru/mipt/2/text/curs_micro_lect.htm

**41**. Kurs Mikroekonomiki 1 v "Mikroekonomike promejutochnogo urovnya". Osoboye vnimaniye udelyayetsya proizvodstvu, teorii firmk i strukturam rknka. http://www.nes.ru/Acad_year_2001/Micro2-rus.htm _

**42.** Uchebnke materialk po Mikroekonomike. On-line http://www.ic.omskreg.ru/econrus/win/library/3/37/371/3713/table.htm

**43.** Programma kursa “Mikroekonomika” http://www.ic.omskreg.ru/econrus/win/library/3/program/4.htm

**44.** Ignateva, Morgunova. Mikroekonomika. "http://www.economics.ru"
GUP Institut Mikroekonomiki pri Ministerstve
Ekonomiki Rossii. "http://www.imce.ru"

**Bitiruv malakaviy ishlar.**

**45.** Xan A.A. Osnovnke napravleniya snijeniya izderjek proizvodstva na predpriyatii (na primere Otkrktogo aksionernogo obhestva «Bekabad sement»). – T.: TGEU, 2004.- 72 s.

**46.** Usmonov Dj. M. Iste’mol buyumlari bozorini davlat tomonidan tartibga solish. – T.: TDIU, 2004. – 75 b.

**47.** Saidjalolov S.Sh. O‘zbekiston iste’mol tovarlari taklifini shakllanishining tashqi manbalari.- T.: TDIU, 2004. – 78 b.

**48.** Nazarov M.T. Bozor iqtisodiyotida soliq tizimini takomillashtirish yo‘llari. – T.:, TDIU, 2005. -74 b.

**49.** Djanaboyev D.K. Privlecheniye inostrannkx investitsii v ekonomike O'zbekistana.- T.: TGEU, 2005. -79 s.

# «MIKROIQTISODIYOT» FANIDAN

# 12. TAYANCH KONSPEKT

**I MAVZU.** Микроиктисодиёт фанининг мазмуни, максади ва вазифалари.
Маъруза хажми 2 соат
Режа:

**Фаннинг предмети ва вазифалари.**

1. **Микроиктисодиёт фанини урганиш усуллари ва услуби.**
2. **Альтернатив харажатлар.**
3. **Ишлаб чикариш имкониятлари**

1. Ресурсларнинг чекланганлиги. Чекланган ресурсларни таксимлаш.

2. Бозор ва унинг иктисодий мохияти ва вазифалари.
3. Бозор тизими ва инфратузилмаси – моддий неъматлар ишлаб чикаришнинг мухим шарти.
4. Фаннинг предмети ва вазифалари.

## 1.1. Бозор хакида тушунча

**Бозор** - бу сотувчилар ва харидорлар уртасидаги махсулот сотиш ва сотиб олиш буйича эркин муносабатлар тизимидир.

**Бозор** - бу сотувчилар ва харидорларни учраштирадиган жой; улар уртасида келишилган нарх буйича товар алмашуви содир булади. Бозорда сотишни амалга ошириш учун маълум харажатлар килинади ва бу харажатлар бозор тугрисида ахборот олиш, шартномалар тузиш, учрашувлар утказиш, сотиб олинадиган товар ёки хизматнинг микдорий ва сифат характеристикаларини аниклаш ва бошка турдаги харажатлар билан боглик. Бундай харажатлар трансакцион харажатлар булгани учун хам, бозорни трансакциялар мажмуаси деб хам караш мумкин. Бозорнинг узига хос хусусияти шундан иборатки, у даромадларни самарали фаолият курсатаётган субъектлар хисобига кайта таксимлайди, яъни замонавий технологиядан, чекланган ресурслардан самарали фойдаланаётган хужалик субъектлари хисобига.

Бозорлар узининг худудий масштабига кура локал, миллий ва халкаро бозорларга булинади. Олди-сотди объекти булиб, истеъмол товарлари, ресурслар, (мехнат, капитал, ер, тадбиркорлик кобилияти, ахборот) ва хизматлар хисобланади. Товарлар бозори билан бир каторда пул бозори (кимматбахо когозлар бозори) хам мавжуд. Бозордаги нархлар олди-сотди жараёнида ёки ундан олдин шаклланиши мумкин.

**Бозорнинг самарали фаолият курсатиши трансакцион харажатлар билан боглик.**

**Трансакцион харажатлар - бу товар алмашиш сохасидаги харажатлардир.**

**Бу тушунча биринчи булиб Р.Коуз томонидан киритилган (1937 й).**

**Трансакцион харажатлар уз ичига куйидаги харажатларни олади: ахборот олиш, узаро келишув ва учрашувлар билан боглик харажатлар, товарлар хусусиятларини аниклаш билан боглик харажатлар, мулк хукукини химоя килиш ва бошкалар.**

## 1. Фаннинг предмети ва вазифалари

Микроиктисодиёт Фани иктисодиётнинг хал килувчи дастлабки бугини булган фирма, корхона ва ундан хам кичик булган корхоналар, микрофирмалар, турли хил халк хужалиги сохаларидаги хизмат ишларини бажарувчи хужалик ва ташкилотларда бозор конунлари таъсирида содир буладига иктисодий жараёнлар, ходисаларни, иктисодий конунлар

харакатини, уларни намаён булиш шарт-шароитларинн окибатларини урганиб, тахлил килиб, хулосалар ясайди.

Бу жараёнда - истеъмолчилар, ишчилар, ер эгалари, сармоя куйувчилар, фермерлар, ишлаб чикариш, турли хилдаги корхоналар, хуллас, иктисодиёт сохасида фаолият курсатишда мухим роль уйнайдиган хар кандай индивидуал, яъни жисмоний шахс еки хужалик субъектлари иштирок этади. Товарларнинг нисбий нархи, алохида бозорлар, максадга эришиш учун аник турдаги ресурсларнинг таксимланиши уларнинг диккдат марказида туради. Микроиктисодиёт харидорлар нима учун шу товарларни харид килишга рози булганлигини, бунга товар бахосини, уз даромадлар таъсирини, корхонада канча ишчи ишлаши кераклигини аник турдаги товарларга нарх кандай куйилишини, электрэнергия учун бахони нима учун давлат белгилайди, канча хажмда махсулот ишлаб чикариш зарурлигини, корхоналар фаолиятига хукумат сиёсати ва бошка давлатдаги шароитлар кандай таъсир этишини тушунтиради.

**Микроиктисодиёт (грекча:** "микро" - "кичик" **дегани) иктисодиётнинг дастлабки, хал килувчи бугинларидаги иктисодий ходисаларни урганади.**

**Унинг иктисодий максадлари куйидагилардир:**

- иктисодий усиш;
- иш билан тулик таъминланиш;
- иктисодий самарадорлик;
- товарлар нархининг бир меъёрда туриши;
- иктисодий эркинлик;
- даромадни тутри таксимлаш;
- иктисодий таъминланиш;
- савдо баланси.

**Иктисодий усиш** иктисодий максад булиб, у ахоли жон боши ижтимоий махсулот микдорининг усиши уларниг турмуш даражасини усганлигини курсатади. Реал микдордаги ялпи миллий махсулот ёки соф миллим махсулотнинг усиши кишиларнинг моддий таъминланиш даражасини усишига олиб келади ва энг кам ишлаб чикариш харажатлари булганлигини курсатади. Бошкача килиб айтганда, ривожланиб бораётган иктисодиёт кишиларнинг янгидан-янги талабларини купрок кондира бориш, мамлакат ичида ва халкаро микёсда ижтимоий-иктисодий муаммоларини хал этиш учун купрок имкониятларга эга булади.

Иктисодий усиш ресурслар чекланганлиги муаммоларининг хал этилишини енгиллаштиради.

Хар кандай давлатнинг иктисодий усиши куйидаги олтита омилга боглик булади:

1) табиий ресурслар микдори ва сифатига;
2) мехнат ресурсларининг микдори ва сифатига;
3) асосий капитал хажмига;
4) технологияга;

5) талабни усишига таъсир этувчи омилларга;
6) ресурсларни окилона таксимлатга.

Шулардан дастлабки турт омил ишлаб чикаршпнинг (таклифнинг) усишига таъсир к.илувчи, охирги иккитаси эса талабнинг усишига таъсир килувчи омиллардир.

Микроиктисодиёт фанининг мохиятини к.уйидаги масалаларни билиш, урганиш ёрдамида ёритиш мумкин:

- хозирги даврдаги бозор иктисоди механизмини урганиш;
- умумий мувозанат ва иктисодий фикрлаш;
- бозор хужалиги шароитида фирмалар, корхоналар, уй хужалиги ва уларнинг тутган урни, турлари, ахамияти, вазифаси самарадорлигини таъминлаш
- талаб ва эхтиёж назарияси асосларини билиш;
- бозор таклифи ва талаби;
- талаб ва таклиф узгарувчанлиги;
- ракобатлашув ва корхоналар самарадорлигини ошириш;
- ишлаб чикариш ва уни ташкил этиш;
- ишлаб чикдриш харажатлари ва фойда;

ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги. Иш хаки, бахо. Хозирги кунда микроиктисодиёт фанининг бошка ижтимоий-иктисодий фанлар билан узвий богликлиги яккол намоён булмокда. Масалан, куйидаги фанлар билан:

- иктисодиёт назарияси;
- макроиктисодиёт;
- макроиктисодий статистика;
- корхона иктисодиёти;
- к;ишлок хужалиги иктисодиёти;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик;
- тармоклар иктисодиёти;
- мехнатни ташкил этиш;
- бухгалтерия хисоби;
- иктисодий тахлил;
- пул, кредит ва банк;
- маркетинг;
- менежмент;
- молия;
- табиий офатлар ва инсон мехнати мухрфазаси;
- табиатшунослик;
- инвестидион лойхаларнинг тахлили;
- лойхаларни молиялаштириш ва уни мониторинги;
- банк иши;
- математика ва бошкалар.

## 2. Микроиктисодиёт фанини урганиш усуллари ва услуби

**Хар кандай фанга ухшаш иктисодиёт хам узи урганадигад конун ва конуниятларни аниклаш учун маълум усуллардм фойдаланади.** Алохида

иктисодий агентларнинг иктисоди харакатини урганишда куйидаги усуллар кулланилади:

- анализ ва синтез усули;
- монографик усул;
- иктисодий-статистика усули;
- хисоблаш-конструктив усули;
- тажрибавий усул;
- абстракт мушохада усули;
- математик моделлаштириш усули;
- индуккия ва дедуккия усули;
- оптималлаштириш усули;
- мувозанатни аншуташ усули;

Ишлаб чикаришнинг барча муаммолари ана шу усуллар ёрдамида урганилади.

**Фанни урганиш услуби (методологияси) деганда,** уни ургани: фаолиятининг шакллари, усуллари ва уларнинг богликлиги тушунилади. Ушбу фан буйича масалани уртага куйиш, тадкик мавзусини ва илмий назариясини шакллантириш, шунингдек аникланган натижани хакикийлиги, яъни урганилаётган объектга мувофикдиги жихатидан текшириш методологияни куллашнинг энг мухим томони хисобланади. Иктисодий ходиса ва жараёнларни урганиш услуби - тадкикот ёки билим, англаш йули, вокеалик: амалий ёки назарий узлаштириш усуллари йигиндисидир.

Корхоналар иктисодиёт фанининг **назарий ва услубий асосий:** иктисодий назария, тарихий материализмнинг диалетик усулларни ташкил этади.

**Хакикий хаётимиз ката микдордаги хилма-хил ходиса ва жараёнлардан ташкил топтан.** Масалан хар бир кишининг буйининг сочининг ранги, огирлиги, куз тузилиши, унинг ранги, турли хил нарсаларга кизикиши, товарларни истеъмол килишдаги урни даромадининг даражаси бор лекин бу хусусиятлар хар кимда хар хил.

**Агар супер маркет дуконига кирган кишиларнинг хатти-харкати урганиладиган булса,** у холда унинг хусусиятларили и булмайди, аксинча хакикдтан шу кишилар кайси товардан канча микдорда харид килишлари мумкинлиги кизикарли. Масалан, бир мисол **фирмаиинг бозордаги хатти-харакати урганиладиган булса,** у холла бош менеджернинг оила аъзолари ёки ни ишга кандай машинада бориши бизни киизиктирмайди. Энг мухими шу фирма (ёки корхона) канча микдорда махсулот ишлаб чикаради, бунда у канча харажат килади ва натижада канча даромад олади деган масаладир.

**Юкоридаги фикрлардан хулоса килинадиган булса,** урганилаетган ходисалар тасодифий, вактинчалик ва хозирча фаолияти булмаган хусусиятлардан (омиллардан) тозаланади, уларни хисобга олмадик. Масаланинг мохиятини ифодаловчи жараёнларни умумлаштириб, тартибга солинди, Бундай урганиш кулини **илмий абстраккия усули деб аталади.** Шу усул ёрдамида юзага чикарилган конуниятларни амалиётда куллаш, факат бир кишини ёки фирманинг хатти-харакатини эмас, балки айрим; бир ароитдаги хар

кандай субтьектларнинг хатти-харакатларини курсатади. Бундай хатти-харакатларни турлича вактларда (кун, ой, и) кузатиш ва турлича натижалар олиш мумкин. Бунда статистик **усуллардан, динамик каторларни тахлил килиш** усулларидан фойдаланилган булади. Бундай усулда олинган (ротлар вакт омилини ифода этади.

Демак иктисодчилар тасодифий кузатишлар, фикрлаш натижасида келинган у мумий хулосалар, маълум маънога эга булган мушохадалар ёки интуикияларга асосланиб, аввал текшириб синаб курилмаган коидалар, принципларни яратадилар ёки шакллантирадилар. Бундай фикрлаш махсули гипотеза деб юритилади. Масалан, улар «Кабинет, идора шароитида фикрлаш» га асосланиб, истеъмолчилар махсулотларни бахоси юкори булганда эмас, бахоси паст булганда куп микдорда харид килишлари максадга мувофикдир, деб тахмин килишлари мумкин.

Масалан, иктисодий назариялар абстракт булганлиги учун хакикий вокеликнинг хамма томонини курсатмаса хам амалий ахамиятга эгадир.

Принкип ва назариялар иктисодий тахлил килишнинг пировард махсулидир. Тамойил ва назариялар эса фактлап туплаш, уларни бир-бирига боглаш хамда якунлаш буйича тар-п коидалардир.

Назария фактларсиз бехуда, фактлар назариясиз маъноси булиши мумкин, лекин фактлар вакт утиши билан узгара, Шунинг учун уларнинг тугрилиги, уз навбатида илгари кабул келинган тамойил ва назарияларнинг иктисодий шароитларининг узгаряшга караб тугрилигини текшириш лозим булади.

Турли хил иктисодий жараёнларни богликлигини юзага чикариш учун **функционал** тахлил **усули ишлатилади.** Корхона махсулотининг бахосини бозорда тушиб кетишини, даромадига, харажатларини коплашига кандай таъсир этишини билиш учун, масалан, бунда корхона уз харажатларини кандай коплайди, деган саволга жавоб топилади ва синтез усуллари кенг ишлатилади. Анализ (тахлил) усулида урганиладиган объектни булакларга булиб, алохида-алохида урганилса, синтез усулида улар хакидаги ахборотларни умумлаштириб, умумий хулосалар чикарилади.

Ходисаларни тахлил килишда **позитив ва норматив тахл усуллари хам ишлатилади.**

**Позитив ёндошув** вокеаларни реал холатини ифода этади.

**Норматив усулда у ёки бу жараёнга бахо берилади.** Масалан, метрополитенда юриш бахоси кейинги икки йилда 50 сумдан 150 сумга ошган булса - бу позитив ёндошув. Агар метрополитенда юриш бахосини 50 сумдан 150 сумга купайис кишилар даромадини камайтириб, турмуш тарзини пасайтиради: булса **бу норматив ёндошув хисобланади.**

**Итисодий моделлаштириш усулини** ишлатиш хар кдн, фикрларни, чизмаларни, жадвалларни ва шунингдек жараёнлау математик тарзда ифодалаш имкониятини беради.

Булардан ташкари индуккия ва дедуккия, оптималлаштир: каби усуллар хдм ишлатилади.

Индукция усулида далиллардан, хакикий маълумотлардан назария томон харакат килинади.

Дидукция (гепотетик) усулида аввал назария яратилиб, улар амалиётда синаб курилади.

Алохида иктисодий агентлар - уй хужалиги, фирмалар, истеъмолчилар ва бошкалар фаолиятини урганишда **оптималлаштириш воситаси** хам **кулланилади.** Шунинг учун барча иш олиб бориладиган тушунчалар пировард характерда булади
(пировард фойдалилик пировард махсулот, пировард харажатлар, пировард тушум ва бошкалар.)

Иктисодий агентларнинг узаро муносабатларини урганишда мувозанатни аниклаш усули ишлатилади. Одатда бир-бирига таъсир этувчи кучлар узаро баланслашган, балансни узгартиришга таъсир этадиган тенденкиялар булмаса, тизим мувозанатда деб кабул килинади.

Шундай килиб, бу усуллар узаро боклик, улар биргаликда иктисодиётни урганишнинг ягона диалектик услубини ташкил этади. Иктисодий вокеалар, ходисалар, жараёнларни маълум даврдаги натижаларини, холатини бахолаш, тахлил килишда, умуман микроиктисодиёт фанини урганишда купрок куйидаги тушунчалар билан иш курилади:

-фойдали хусусиятларга эга булган товарлар (моддий геъматлар ва хизматлар). **Товарлар** - физик табиати, хусусиятлари, фойдаланишга ярокли булган жойлари, вакти, хажми каби томонлари билан фаркланади. Улар ишлаб чикариш фаолиятини бахолашда турличадир:

- товар махсулоти;
- реализакия (сотиш) махсулоти;
- соф махсулот;
- шартли соф махсулот;
- тайёр махсулот;
- оралик махсулот ёки тугалланмаган ишлаб чикдриш ва ярим фабрикатлар.

Хозирги замон иктисодиётида пировард микдорлар тушунчаси куп ишлатилади. Масалан:

- пировард махсулот;
- пировард харажатлар;

-пировард даромад

**Пировард мивдорлар асосида** бир иктисодий кдрорга келиш, яъни бошкача килиб айтилса, кушимча бирлик махсулот ишлаб чикариш билан боглик булган пировард натижаларни пировард харажатлар билан такослаш **маржинал принкип хисобланади.** Бунда самара билан харажат такосланмайди. Бу фикрларнинг фарки катта.

### 3.Альтернатив харажатлар

**Альтернатив харажатлар** бирорта фойдали натижага : учун харажатларни хисоблашнинг бопща усулларидан воз кечиш демакдир.

Альтернатив харажатлар - иктисодиётда барча харажатларни аниклаш усули. Бу йукотилган имкониятлар киймати, альтернатив киймат булиб, ресурсларнинг бахоланиши киймати (кайтими) юкори эканлигини курсатади. Шу билан бир вактда ресурслардан унумли фойдаланиш хам талаб этилади.

Худди гаундай принкиплар ёки кридаларга амал килиб юритиш хрзирги замон иктисодиёт назариясининг узаг хисобланади.

**Хар кандай товар ёки хизмат турларининг альтернатив киймати шу товар ёки хизмат турини олиш учун ундан кечиш мумкин булган товарлар ва хизматларни йукотиш микдори билан топилади.** Масалан, агар коллежда укишга карор килинса кун буйи корхона ёки бошка жойда ишлашнинг альтернатив имкониятлари йуколади.

Агар иктисодиётда ресурслар уйин-кулги, хордик чикариш учун зарур булган ишларга сарфланса, у хакда иктисодиёт озик-овкат махсулотларини истеъмол килиш имкониятларидан кечиши зарур булади, чунки шунга мулжалланган ресурслар йуколади, улар факат хордик; чикариш ишларига сарфлаланган булади. **Истеъмолнинг бирор тури** оширилса **бошка камаяди, талаб кондирилмай колади.** Ресурслардан фойдаланиш самарасиз булиб чикди.

Бошка товар ва хизматларни камайтирмасдан, ресурслардан кандайдир товарларни ишлаб чикдришни ёки хизмат ишларини бажаришни ошириш имконияти булса ресурлар бундай таксимлаш самарасиз хисобланади.

**Бошка неъматларни камайтирмаган холда жамият учун булган биринчи неьматларни ишлаб** чикаришни **таъмин, ресурслардан самарали фойдаланиш, демакдир.**

**Бахо - товарларни пулга аиирбошлаш нормасидир.**

Эркин бозор иктисодиётида бахо факат нимани кандай ишлаб чикариш зарурлигини эмас, балки ким учун ишлаб чика зарурлигини хам аниклаб беради. Товарлар (хизматлар) бахо микдори, киймати аник турдаги алохида товарлар учун операцияларини ифодалайди.

**Иктисодий агентлар** - алохида шахслар, уй хужалиги, корхона давлат, ижтимоий ташкилотлардир.

## 4. Ишлаб чикариш имкониятлари

**Икгисодиёт ихтиёрида турган мавжуд ресурслар ва билимлар хисобига хар кандай икки хил махсулотни наксимал хажмда ишлаб чикариш** мумкинлиги **- бу ишлаб** чикариш **имкониятидир.**

Корхона ёки ишлаб чикаришни маълум вакт оралигида ва - маълум ишлаб чикариш шароитида энг куп махсулот бера олиш - имконияти - унинг ишлаб чикариш куввати. Буни куйидаги (1-чизма) чизма курсатади.

Икки хил ишлаб чикаришни куйидаги комбинациялари берилган булса, улардан кайси бири самарали ёки самарасиз амалга, ошириш мумкин булмаган вариант хисобланади.

1 5 бирлик дон йикиш комбайни ва 20 бирлик чанг юткич;
2 6 бирлик комбайн ва 10 бирлик чанг юткич;
3. 2 бирлик комбайн ва 25 бирлик чанг юткич;
4 30 бирлик чанг юткич ва 6 бирлик комбайн;
5. 4 бирлик комбайн ва 30 бирлик чанг юткич.

Бу мисолда 1, 5 ~ комбинакиялар фойдали ишлаб чикариш хисобланади, чунки нукталар ишлаб чикариш имкониятлари чизирида турибди. Чизикнинг ичкарисида турган **ш** нуктадаги 3 -комбинация самарасиз ва ташкарида турган W нуктадаги 4 -комбинация мумкин булмаган холат хисобланади. Унга эришиш учун фан-техника сохасидаги ихтироларни куллаш, фойдали казилмаларни янги конларини топиб ишга солиш зарур. Фараз килинса, агар жамиятда 25 бирлик чанг юткич ва 4 бирлик комбайн ишлаб чикарилаетган булса, лекин комбайнга талаб 2 бирликга ошса уни кондириш учун чанг юткич ишлаб чикаришни канчага камайтириш зарур? Албатта, чанг юткич ишлаб чикаришни 10 бирликкача камайтириш лозим булади (4=25; 6=х:

$$x = \frac{25 \cdot 6}{4} = \frac{150}{4} = 35 - 25 = 10)$$

Бошкача айтганда, 25 бирлик чанг юткич урнига **10** бирлик ишлаб чикарилади, яъни ишлаб чикариш хажми 15 бирлик **микдорга** камаяди. Демак **2** бирлик комбайн = 15 бирлик **чанг** юткичга тенг келади.

**1-чизма.** Ишлаб чикариш имкониятлари чизиги.

**Ишлаб чикариш имкониятлари:**

а) ресурсларнинг чекланганлиги, камёблиги;

б) иктисодиётнинг самарадорлиги;

в) иктисодий танлов;

г) альтернатив харажатлар тутрисида маълумот беради.

**Бозор** - товарларни ихтиёрий айирбошлаш йули Билан таксимлашнинг ижтимоий мехнизмидир.

**Радцонал (фойдали) харакат** - ресурслар чекланган шароитда энг кам сарф харажат килиб, фойдани максимал даражада ошириш учун килинадиган иктисодий харакатдир.

Рационал харакат, яъни фойдага эришиш учун буладиган харакат харажатларсиз булмайди. Шунинг учун харажат билан фойда, олинган натижалар таккосланади.

Масалан, фойдали харакат килиб ишчи иш хаки *олади,* тадбиркорлар - фойда, истеъмолчилар эса коникиш хосил килади. Олган фойда ёки зарарига караб уларнинг юриш-туришлари хам узгаради.

**Ишлаб чикариш омиллари** - мехнат, ер, машина, асбоб анжомлар, бинолар ва хомашёларни максулот ишлаб чикариш хизматларни бажаришдаги фойдаланиш харажатларидир.

Куриниб турибдики, ходиса **ва** жараёнларни иктисодий тахлил килиш усуллари коидалар бир-бирлари билан богланиб кетади бири иккинчисини тулдиради. Бунда тупланган хакикий маълумотлар тартибга солинади, тушунтирилади ва умумлаштирилади.

Барча фанлар эмпирикдир, яъни уларнинг барчаси фактларга асосланади.

**Иктисодий тамойил** - бу умумумлаштириш булиб, узида бир канча ноаник микдорий тушунчаларни бирлаштиради.

Иктисодий маълумотлар - фактлар одатда хилма-хиллиги билан ажралади: баъзи бир индивидлар (шахслар, хужаликлар институтлар) бундай харкат килса, бошкалари ундай харакат килади. Иктисодий принциплар шунинг учун купинча уртача микдор сифатида ёки статистик эхтимоллар сифатида шаклланади. Масалан, Ўзбекистон енгил саноат корхоналарида уртача мехнат унумдорлиги аник курсатилган булса, иктисодчилар уни умумлаштирган буладилар ёки жамоа хужаликларида уртача дон хосили хар гектардан 45 центнер булган булса, иктисодчилар ундан кам ёки куп хосил олган хужаликларни шу 45 центнер хосил олганлар гурухига кушган буладилар. Лекин бундай умумлаштиришни тугри куллаб, талкин килинса, ундан куп маъно чикади ва фойда булади.

**Асосий иборалар ва тушунчалар**

1. **Товар** - эътиборларни тортиш, харид килиш, фойдаланиш ёки истеъмол килиш максадида бозорга чикарилган ва эхтиёжни, ёки талабни кондира оладиган барча нарсалар, жумладан, жисмоний объектлар хизматлар, шахслар, гоялар, ташкилотлардир ёки товар-мехнат фаолиятининг махсули булиб, сотиш учун мулжалланган иш ва хизматларни хам уз ичига олади.

2 **Бахо** - товарларни пулга айирбошлаш нормасидир.

3 **Иктисодий агентлар** — алохида шахслар, уй~хужалиги, корхона, давлат, ижтимоий ташкилотлар.

4. **Рационал харакат** - ресурлар чекланган шароитда фойдани максимал даражада ошириш учун килинадиган харакат.

5. **Ишлаб чикариш имкониятлари** - иктисодиёт ихтиёрида турган мавжуд ресурслар ва билимлар хисобига хар кандай икки хил махсулотни максимал хажмда ишлаб чикарига мумкинлигидир.

6. **Ишлаб чикариш омиллари** - ер, мехнат, машина, асбоб-анжомлар, бинолар ва хомашёлардан фойдаланиш харакатлари.

7. **Иктисодиёт фани** ~ инсониятнинг нормал хаётий фаолияти тугрисидаги фандир (Алфред Маршалл).

8. **Альтернатива** - (франкузча-иккитадан биттаси) бир-бирини инкор киладиган имкониятлардан биттасини танлаб олиш.

9. **«Ресурс»** сузи франкузча булиб, «Яшаш воситаси» деган маънони билдиради.

10- Иктисодиёт:

а) Тарихан белгиланган ишлаб чикариш шакллари шароитидаги ишлаб чикариш муносабатлари мажмуасидир;

б) Мамлакат халк хужалиги;

в) Иктисодий муносабатларнинг функционал ёки тармокка тегишли томонларини урганувчи, тармок фанидир.

11. "Экономикс"-иктисодиёт фанининг замонавий йуналиши булиб, шунга мувофик иктисодиёт бозор билан талаб ва таклиф конуни оркали бошкарилади, давлат аралашувига мухтож булмайди.

**Назорат саволлари**

**1** Микроиктисодиёт фанининг мохияти нимада, бу фан нимани ургатади?

2. Микроиктисодиёт фанининг асл максадлари нима?

3. Фанни урганишда кандай усуллардан фойдаланиш лозим? Уларнинг мохияти ва узаро богликлигини курсатинг.

*4.* «Ишлаб чикариш имкониятлари»ни кандай тушунасиз? Чизмалар ёрдамида аникланг.

## 2-МАВЗУ: Иктисодий базис тушунчалар.

### 1. Ноёб неъматларни таксимланишининг бозор механизми.

Хар кандай жамиятда ноёб неъматларни таксимлаш мгаммоси туради. Неъмат деганда, биз товарлар, хизматлар ва ресурсларни тушунамиз. Неъматлар ноёблиги деганда - иктисодий субъектлардаги мавжуд неъматлар захирасининг шу неъматларга эхтиёж сезган харидорларнинг талабларини етарли даражада кондира олмаслиги тушунилади. Неъматлар ноёблиги - бу бирор товар ёки ресурс хажмининг маълум вакт оралигида чегараланганлигидир. Шунинг учун хам неъмат ноёблиги, неъматнинг физик нуктаи назардан чегараланганлигидан фарк килиб, у нисбийдир, яъни неъматнинг хажми хозирги вактда унга булган талабни кондириш учун етарли эмас.

Ноёб неъматларни икки турга булиш мумкин: ишлаб чикариш ресурслари ва улар асосида ишлаб чикариладиган истеъмол неъматлар.

Ишлаб чикариш ресурсларини такрор ишлаб чикарилиши буйича хам икки турга булиш мумкин: такрор ишлаб чикариладиган ишлаб чикариш ресурслари (бунга кишлок хужалик махсулотларидан пахта, дон ва бошка махсулотларни мисол сифатида келтириш мумкин, улар хар йили такрор ишлаб чикарилади. Худди шундай мехнат ресурслари хам такрор ишлаб чикарилади), такрор ишлаб чикарилмайдиган, физик нуктаи назардан чегараланган ишлаб чикариш ресурслари (фойдали казилма бойликларни мисол сифатида караш мумкин: темир, кумир, олтин ва хоказо).

Агар неъмат ноёб буладиган булса, у холда чекланган неъматларни кандай килиб иктисодий субъектлар уртасида рационал таксимлашни амалга ошириш мгаммоси - бу марказий иктисодий мгаммо хисобланади. Бу мгаммони ечиш учун хар кандай жамият куйидаги учта иктисодий саволга жавоб бериши керак:

**Нима ишлаб чикариш керак?**

**Кандай ишлаб чикариш керак?**

**Кимга ишлаб чикариш керак?**

Юкоридаги саволлардан иккитаси, яъни нима ишлаб чикариш керак? ва кандай ишлаб чикариш керак? деган саволлар - ресурслардан махсулот ишлаб

чикаришда фойдаланиладиган ва ишлаб чикариладиган махсулот таркибининг жуда куп альтернатив вариантлари мавжудлигини такозо килади.

Маълумки, хар бир вакт оралигида жамиятнинг ишлаб чикариш имкониятлари чегараланган. Бундай чегаралганлик жамиятдаги мавжуд ресурсларнинг чегаралганлиги хамда бу ресурсларни фойдали неъматларга айлантирадиган технологиянинг холати билан, унинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Ишлаб чикариш имкониятларининг чегаралганлиги, ишлаб чикариш вариантларидан бирини танлаб колганларидан воз кечишни такозо килади. Бошка вариантлардан воз кечиш натижасида, биз улардан олиниши мумкин булган фойдадан воз кечамиз, яъни бу фойдаланилмаган имкониятлар булиб, альтернатив харажатларни ташкил этади.

**2. Альтернатив харажатлар** - ресурслардан эну самарали фойдаланишдан воз кечиш натижасида йукотилган имкониятлар билан боглик харажатлар. Альтернатив харажатлар - иктисодий танлов натижасида эну яхши альтернатив вариантдан олинадиган фойдадан воз кечишни акс эттирувчи харажатлардир.

Альтернатив харажатлар ёрдамида ноёб ресурслардан фойдаланиш йуналишлари буйича эну яхши (оптимал) таксимлаш масаласи, яъни мгайян вариант таксимланишдан олинадиган фойда ва харажатларни бошка вариантлар буйича олинадиган фойда ва харажатлар билан солиштириш оркали ечилади (яъни альтернатив харажатларни бир-бири билан солиштириш оркали).

Масалан, Тошкентдан Самаркандга автобусда боришни хохлаган йуловчи билетни 30 минут туриб, кассадан 100 сумга олиши мумкин, ёки 130 сумга навбатсиз хизмат курсатувчи фирма оркали олиши мумкин дейлик. Агар йуловчининг 30 минут вактининг альтернатив харажати 30 сумдан кам булса (у узининг 30 минут вактини 30 сумдан кам бахоласа), у билетни навбатда туриб сотиб олади, агар альтернатив харажати 30 сумдан юкори булса (у узининг 30 минут вактини 30 сумдан юкори бахоласа), у холда йуловчи билетни хизмат курсатувчи фирма оркали сотиб олади. Агарда йуловчи вактининг альтернатив харажати 30 сумга тенг булса, у иккала вариантдан хохлаганини танлаши мумкин. Хакикатдан хам вактини юкори бахолайдиган ва юкори даромад олувчилар купинча навбат кутишни хохламайдилар.

Яна битта мисол. Масалан, завод трактор ва юк автомобили ишлаб чикариши мумкин. Завод узининг барча чекланган ресурсларидан тулик ва самарали фойдаланган холда 5 та танк ёки 10 та трактор ишлаб чикариш мумкин дейлик, яъни, битта танк ишлаб чикаришга кетадиган харажатлар ёрдамида иккита трактор ишлаб чикариш мумкин. Бу ерда 5 та танкнинг альтернатив харажати 10 та тракторга, яъни битта танкнинг альтернатив харажати иккита тракторга тенг булади.

Бозор тизимида ноёб неъматлар мгаммоси куйидаги иккита тамойиллар асосида ечилади:

- оптималлаштириш тамойили - хар бир фаолиятдан ва ресурслардан фойдаланишдан максимал фойда олиш;
- альтернатив харажатлар тамойили - ноёб ресурслардан фойдаланиш йуналишларининг барчасидан олинадиган фойда ва харажатларни солиштириш оркали.

Иктисодий субъектлар рационал харакат килиш тамойилига кура уз максадларига эришиши учун хужалик фаолиятида фаол катнашадилар, бунинг асосий мохияти шундан иборатки, иктисодий субъектлар берилган ресурслардан фойдаланишдан олинадиган натижаларни максималлаштиради ёки маълум натижаларни олиш учун харажатларни камайтиради.

## 3. Базис тушунчалар

**Иктисодий эхтиёж**-шахсни,корхонани ёки жамиятни фаолият курсатишини ва ривожланишини таъминлаб туриш учун зарур булган нарса.Иктисодий эхтиёжни иктисодий фаолиятга ундайдиган ички куч сифатида караш мумкин.

Иктисодий эхтиёжни икки турга булиш мумкин:бирламчи эхтиёж (озик-овкат,кийим-кечак,уй-жой),иккиламчи эхтиёж (дам олиш,саёхат килиш,спорт билан шугулланиш, укиш ва хаказо).Умуман олганда эхтиёж реал ва нореал булиши мумкин.

Реал эхтиёж деганда ушбу эхтиёжни кондириш учун шахснинг даромади етарли булиши такоза килинади.

Нореал эхтиёж булганда,эхтиёжни кондириш учун даромад етарли булмайди.

**Иктисодий неъмат**-бу эхтиёжни кондириш воситаси.

Неъматлар чекланган ва чекланмаган булиши мумкин.

Чекланган неъматларга товарлар, хизматлар ва ресурслар киради(автомобиль,кийим-кечак,нон,пахта толаси ва бошкалар.Чекланган неъматлар иктисодий неъматларни ташкил килади.

Чекланмаган неъматларга мисол тарикасида хаво ва сув кириши мумкин.

**Бир-бирини урнини босувчи неъматлар**-бу бир хил эхтиёжни кондирувчи неъматлардир.Масалан,шахснинг уушт махсулотига булган эхтиёжини мол уушти,куй уушти ёки парранда уушти билан кондириш мумкин.Одатда,бир-бирини урунини босувчи товарлардан бири нархининг ошиши,бошкасига буладиган талабни ошишига олиб келади.

**Узаро бир-бирини тулдирувчи неъматлар**-бу шахсни ёки ишлаб чикариш эхтиёжини комплектларда кондирадиган неъматлар.Тулдирувчи неъматлардан бирига талаб ошса,колганларига хам талаб ошади.Масалан енгил автомобилга талаб ош са,бензинга,гаражларга хам талаб ошади.

**Иктисодий ресурслар**(ишлаб чикариш омиллари)-бу иктисодий неъматларни ишлаб чикаришда катнашадиган элементлар(ер,мехнат,капитал,тадбиркорлар кобилияти ва ахборот).

**Тадбиркорлик кобилияти** деганда,узига хос булган шундай инсон ресурси тушуниладики,у узидан бошка ишлаб чикариш ресурсларидан самарали фойдалана олиш кобилиятини мужассамлаштиради.

**Ишлаб чикариш имконияти**-берилган технологик ривожланишда ва барча мавжуд ресурслардан тулик ва самарали фойдаланган холда жамиятнинг иктисодий неъматлар ишлаб чикариш кобилиятидир.

Ишлаб чикариш имкониятлари чизиги одатда каварик куринишда булади.Бу шуни курсатадики,хар бир кушимча трактopни ишлаб чикариш

олдингисига кура купрок дон ишлаб чикаришни кискартиришни талаб килади.Жадвалдан ва графикдан куриш мумкинки,биринчи тракторни ишлаб чикариш,дон ишлаб чикаришни 0,3млн.тоннага кискартирган булса,иккинчиси-0,4млн.тоннага,учинчиси-0,5тоннага ва хоказо.

**Ишлаб чикариш имконияти чизиги мавжуд ресурслардан тулик ва самарали фойжаланган холда хар хил микдордаги товарлар комбинацияларини ишлаб чикариш вариантларини ифодалайди. Бошка томондан, ишлаб чикариш имкониятлари чизиги фойдаланилаётган технологиянинг ривожланганлик даражасини ва ресурслардан фойдаланиш даражасини ифодалайди. Шунинг учун хам, агар ресурслар купайса ёки технология такомиллашса, *AB* чизиги узига параллел равишда унуга, юкорига силжийди, яъни *A′B′* холатга утади (1.2-расм). Агар ушбу иккита махсулотдан бирини ишлаб чикариш технологияси такомиллашса (масалан, дон ишлаб чикаришни), у холда *AB* чизиги $A_1B$ холатга силжийди. Агарда трактор ишлаб чикариш кенгайса – $AB_1$ холатга силжийди (1.3-расм).**

- L
- K




**1.2 - р а с м.**




**1.3 - р а с м**

**Ишлаб чикариш имкониятлари чизиги махсулотларни ишлаб чикаришнинг хар хил альтернатив вариантлари мавжудлигини курсатади. Бу ишлаб чикарувчиларнинг махсулот таркибини танлаши учун мухим ахборот хисобланади.**

**Ишлаб чикариш имконияти чегаралари ишлаб чикариш эгри чизигини ифодалайди. Ишлаб чикаришда ишлаб чикариш омилидан факат мехнат катнашган холни куриб чикамиз. Фараз килайлик, бир оила узумдан мусаллас ишлаб чикаради ва дарахт шохларидан сават тукийди. Оила уз вактини вино ишлаб чикаришга ёки сават ишлаб чикаришга сарфлайди.**

**Чекли трансформация коэффициенти** оила бир товардан кушимча бир бирлик ишлаб чикариш учун иккинчи товарни канча хажмда ишлаб чикаришдан воз кечиши кераклигини билдиради.

**Таянч иборалар.** Бозор субъектлари, иктисодий модел, иктисодий неъматлар, ноёб неъматлар, ишлаб чикариш имкониятлари, альтернатив харажатлар, иктисодий эхтиёж, трансакцион харажатлар, тадбиркорлик кобилияти, чекли трансформация нормаси.

4. Товарлар айланмаси модели ва унинг ахамияти.

Микроиктисодиёт иктисодий субъектларни иккига булиб карайди - истеъмолчилар (уй хужаликлари) ва ишлаб чикарувчилар (фирмалар). Истеъмолчининг максади - мумкин даражада узининг эхтиёжларини максимал даражада кондириш булса, ишлаб чикарувчиларнинг максади - фойдани ёки бошка бир фаолият курсаткичларини максималлаштиришдан ёки минималлаштиришдан иборатдир.

Жамиятда вужудга келадиган яна бир мгаммо - бу истеъмолчилар ва ишлаб чикарувчилар фаолиятини мувофиклаштиришдир:

1) ишлаб чикарувчилар фаолиятини (ким кайси махсулотдан канча ишлаб чикаради) мувофиклаштириш;

2) истеъмолчилар фаолиятини (ким, кайси махсулотдан, канча истеъмол килади) мувофиклаштириш;

3) ишлаб чикариш ва истеъмол килиш буйича кабул килинган карорларни мувофиклаштириш.

Бу мгаммо товарлар айланмаси модели оркали тахлил килинади (1-расм).




1-расм. Мувофиклаштиришнинг бозор механизми.

Моделдан фойдаланишнинг афзаллиги шундан иборатки, у мгаммонинг иккинчи даражали томонларини эътиборга олмайди. Моделда икки турдаги узгарувчилар ишлатилади: экзоуен ва эндоуен. Экзоуен узгарувчилар ташки узгарувчилар булиб, улар олдиндан берилади ва моделга киритилади. Эндоуен

узгарувчилар модел ичида, хисоб-китоблар асосида шаклланади. Товарлар айланмасида иктисодиёт икки секторга булинади: уй хужаликлари ва фирмалар. Уй хужаликлари уз ресурсларини (ишчи кучи, капитал ва ерни) фирмаларга сотиб даромад оладилар ва бу даромадларини фирмалардан товарлар ва хизматлар олишга ишлатадилар. Фирмалар узларининг товар ва хизматларини сотиб ундан тушган даромадни уй хужаликларидан ресурсларни сотиб олишга ишлатадилар.

Куриниб турибдики, хакикатдан хам нима истеъмол килиш керак, демак, нима ишлаб чикариш керак, деган масалани уй хужаликлари хал килади. Уй хужаликларининг бундай карори, фирмаларнинг ишлаб чикариш режаларини тузиш учун асос булиши керак. Фирмалар, уз навбатида, ноёб ресурслардан фойдаланиш карорларини бир-бири билан мувофиклаштириши лозим. Нихоят, уй хужаликлари истеъмол килиш учун режалаштирган неъматларни олишлари керак, яъни улар истеъмол килиш буйича карорларини бир-бири билан мослаштириши керак булади.

Бозор тизимида мувофиклаштириш масалаларини иккита бозор хал килади: ишлаб чикариш ресурслари бозори ва истеъмол неъматлари бозори.

Талаб ва таклиф модели тадбиркорлар сектори билан уй хужаликлари сектори уртасидаги узаро муносабатларни тушунтиришга хизмат килади. Агар бу икки сектор товарлар бозорида олди-сотди буйича узаро муносабатда булса, талаб ва таклиф модели товар нархини ва сотиладиган товар хажмини аниклайди. Агар улар ресурслар бозорида олди-сотди буйича узаро муносабатда булсалар модел сотиладиган ресурслар нархини ва микдорини аниклайди.

Хар бир бозор узининг иккита карор кабул килувчи субъектига эга: сотувчилар ва харидорлар. Бозорда кабул килинадиган карорларнинг мувофиклиги хар бир неъматнинг мувозанат нархи ва мувозанат микдори билан таъминланади. Нарх талаб ва таклиф муносабатлари натижаси сифатида, уй хужаликлари ва фирмалар томонидан кабул килинадиган карорларни мувофиклаштириш учун мухим ахборот булиб хисобланади. Бундай ахборот бир вактнинг узида жамиятдаги ноёб неъматларни таксимлаш мгаммосини ечиш учун мухим ахамият касб этади. Масалан, нон нархининг ошиши - харидорлар учун нонни истеъмол килишни чеклаш тугрисида сиунал булса, фирмалар учун нонни ишлаб чикаришни ошириш ва нон бозоридаги мувозанатни тиклаш тугрисида мухим ахборот булиб хизмат килади.

Нархлар ноёб ресурсларни рационал таксимлашни таъминлайди, неъматларни рационал истеъмол килишга, харажатларни камайтиришга ундайди. Нарх ер, капитал ва ресурслар эгаларининг даромадини аниклайди. Бозор тизимида мувофиклаштириш масаласини бозор хал килади. Мувофиклаштириш масаласи билан боглик харажатларга трансакцион харажатлар дейилади.

Бозор мувофиклаштиришдан ташкари ишлаб чикарувчилар ва истеъмолчилар карорларини вакт буйича тартиблаштиради. Бу келажакдаги неъматлар (фьючерс) бозорининг вужудга келиши билан богликдир. Келажакдаги неъматларнинг олди-сотдиси, уларнинг нархлари тугрисида тасаввурга эга булишга, уларнинг келажакда нисбатан ноёблиги тугрисида

ахборот беради. Истеъмолчилар ва ишлаб чикарувчилар бундай нарх ахборотларига кура, узларининг жорий хужалик режаларини кайта куриб чикадилар ва узларининг иктисодий харакатларини тартибга соладилар.

## Кискача хулосалар

**Иктисодий эхтиёж**-шахсни,корхонани ёки жамиятни фаолият курсатишини ва ривожланишини таъминлаб туриш учун зарур булган нарса.Иктисодий эхтиёжни иктисодий фаолиятга ундайдиган ички куч сифатида караш мумкин.

Иктисодий эхтиёжни икки турга булиш мумкин:бирламчи эхтиёж (озик-овкат,кийим-кечак,уй-жой),иккиламчи эхтиёж (дам олиш,саёхат килиш,спорт билан шугулланиш, укиш ва хаказо).Умуман олганда эхтиёж реал ва нореал булиши мумкинНархлар ноёб ресурсларни рационал таксимлашни таъминлайди, неъматларни рационал истеъмол килишга, харажатларни камайтиришга ундайди. Нарх ер, капитал ва ресурслар эгаларининг даромадини аниклайди. Бозор тизимида мувофиклаштириш масаласини бозор хал килади. Мувофиклаштириш масаласи билан боглик харажатларга трансакцион харажатлар дейилади.

Бозор мувофиклаштиришдан ташкари ишлаб чикарувчилар ва истеъмолчилар карорларини вакт буйича тартиблаштиради. Бу келажакдаги неъматлар (фьючерс) бозорининг вужудга келиши билан богликдир. Келажакдаги неъматларнинг олди-сотдиси, уларнинг нархлари тугрисида тасаввурга эга булишга, уларнинг келажакда нисбатан ноёблиги тугрисида ахборот беради. Истеъмолчилар ва ишлаб чикарувчилар бундай нарх ахборотларига кура, узларининг жорий хужалик режаларини кайта куриб чикадилар ва узларининг иктисодий харакатларини тартибга солади.

## А. Назорат ва мулохаза саволлари

6. Микроиктисодиёт фани нимани урганади?
7. Иктисодиётнинг марказий мгаммоси?
8. Ноёб ресурсларни таксимлашнинг асосий тамойиллари?
9. Ишлаб чикариш имкониятлари чизиги нимани ифодалайди?
10. Чекли трансформация нормаси нимани ифодалайди?

## III МАВЗУ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Маъруза хажми – соат.**

Режа:

13. Талаб ва таклифнинг бозордаги ахамияти.
14. Талаб ва таклифнинг узгариши.
15. Талаб ва таклиф функциялари.
16. Талаб ва таклиф конунлари.

### 1. Талаб ва таклифнинг бозордаги ахамияти

Таклиф ва талабни иктисодий нуктаи назардан тахлил килиш, жуда куп ва кенг мгаммоларни хал килишда универсал восита булиб хизмат килади. Бундай мгаммоларга куйидагилар кириши мумкин: жахондаги иктисодий шароитлар узгаришининг махсулот ишлаб чикаришга ва унинг самарадорлигига таъсири; нархларни назорат килиш буйича давлат томонидан куриладиган чора-тадбирларни бахолаш; иктисодий рагбатлантириш ва минимал иш хакини белгилаш; соликларнинг, субсидияларнинг, импортга куйиладиган пошлинанинг, ишлаб чикарувчилар ва истеъмолчилар фаолиятининг чегаралашларнинг умумий иктисодиётга таъсири ва хоказо.

Талаб ва таклиф оркали бозор механизмини урганиш, уларнинг графикларини тахлил килишдан бошланди. Маълумки, давлатнинг аралашувисиз, талаб ва таклиф мувозанат холатга келади ва унга асосан товарнинг бозор нархи урнатилади хамда мувозанатни таъминлайдиган махсулотнинг умумий хажми урнатилади. Лекин, кандай килиб, нарх ва махсулот хажми талаб ва таклифнинг баъзи бир характеристикалари билан богланган? Кандай килиб улар вакт буйича узгаради ва кандай килиб уларга умумий иктисодий фаоллик, иш хаки харажатлари таъсир килади? Нима учун талаб ва таклиф бозорлар (ракобатлашган, монопол, олиуопол ва бошка) буйича фарк килади? Нима учун баъзи бир бозорларда товарлар танкис ва хоказо саволларга жавоб бериш учун талаб ва таклифнинг диаураммасини карашдан бошлаймиз (2-расм).

Ордината уки буйича бир бирлик махсулотнинг нархи $P$ курсатилган (сумда). Абцисса уки буйича берилган вакт оралигида талаб килинган ва таклиф килинган махсулот хажми $Q$ курсатилган.

Таклиф чизиги $S$ (*supply*) канча микдорда ва канака ишлаб чикариш нархида товарнинг бозорда сотилиши мумкинлигини курсатади. Таклиф чизиги канча юкорига кутарилса, шунча нарх юкори булади ва шунга куп фирмалар махсулот ишлаб чикариб, сотиш имкониятига эга буладилар.




2-расм. Талаб ва таклиф чизиклари.

Юкори нарх, мавжуд фирмаларни ишлаб чикаришни кенгайтиришга даъват этади, бозорга янги фирмаларни уз махсулоти билан кириб келишини таъминлайди, улар ишлаб чикарган юкори харажатли рентабел булмаган махсулотлари юкори нархда рентабел булади. Бундай холда, фирмалар ишлаб чикаришнинг кенгайиши киска вакт оралигида интенсив булса, узок муддатда эса экстенсив амалга оширилади.

Талаб чизиги $D$ (*Demand*) истеъмолчиларнинг берилган нархларда канча микдорда махсулот сотиб олиш мумкинлигини билдиради. Талаб чизигининг пастга кетиши, истеъмолчиларнинг нарх канча паст булса, улар шунча куп махсулот сотиб олишини анулатади. Паст нархлар, харидорларга янада купрок микдорда товарлар сотиб олишига хамда илгари сотиб олаолмаётган истеъмолчиларга эса хозир у товарни сотиб олишга имкон яратади.

Бу икки эгри чизик талаб ва таклифнинг мувозанат нуктасида кесишади. Мувозанат бозор тизимининг шундай холатини билдирадики, бу холатда талаб ва таклиф бир-бирига тенг булади. Мувозанат нукта мувозанат нархни ва мувозанат махсулот микдорини билдиради. $P_0$ нарх мувозанат нарх булганда, таклиф килинадиган ва талаб килинадиган товар микдори бир-бирига тенг булади $(Q_0)$. Бу нуктада товар танкислиги хам, ортикча товар хам булмайди. Бозор шароитларини узгариши талаб ва таклиф мувозанатини бузилишига олиб келади, лекин бозорда, уз узидан автоматик равишда, мувозанатни тиклаш тенденцияси мавжуд.

Агар бошлангич нарх, масалан $P_2$ мувозанат нарх $P_0$ дан паст булганда, юкоридагига тескари холат юзага келади. $P_2 < P_0$ булганда, товар танкислиги ривожлана бошлайди, нима учун деганда $P_2$ нархда истеъмолчилар канча микдорда товар хохласа, шунча микдорда сотиб олаолмайди. Талаб ва таклиф

графигидан куриниб турибдики, нарх $P_2$ булганда талаб $Q_2$ га тенг булса, таклиф $Q_1$ га тенг, яъни $Q_2 > Q_1$, талаб кондирилмайди. Бундай холат нархнинг усишига олиб келади. Шундай килиб, истеъмолчилар мавжуд товарларни сотиб олиш учун бир-бири билан ракобатлаша бошлайди, ишлаб чикарувчилар бунга нархни ошириш билан ва ишлаб чикаришни кенгайтириш билан жавоб беради. Натижада нарх яна узининг мувозанат холатига $P_0$ га эришади.

Бу ерда биз хар бир нархга маълум микдорда махсулот тугри келади ва сотилади хамда у яуона деб фараз киламиз. Бу фараз, бозор эркин ракобатлашган булгандагина маънога эга булади, качонки бундай бозорда сотувчи ва харидор бозор нархига таъсир кила олмайди. Агар таклиф яуона ишлаб чикарувчи (монополист) томонидан белгиланса, нарх билан, таклиф килинадиган махсулот микдори уртасидаги мослик бир кийматли була олмайди. Нима учун деганда, монополист талабнинг узгаришига караб, нархни уз фойдасига мослаштириб узгартириши мумкин. Шу сабабли биз талаб ва таклиф чизигини чизганимизда, ошкора булмасада, бозор эркин ракобатлашган деб фараз киламиз.

## 2.
## Талаб ва таклифнинг узгариши

Талаб ва таклиф чизиклари, ракобатлашган ишлаб чикарувчиларга берилган нархларда канча микдорда махсулот сотиши мумкинлигини ва истеъмолчиларга эса берилган нархларда канча микдорда махсулот сотиб олишини курсатиб беради. Аммо шуни хам унутмаслик керакки, талаб билан таклиф нархдан ташкари бошка шароитларга хам богликдир. Масалан, ишлаб чикарувчининг канча микдорда махсулот сотиши унинг нархидан ташкари ишлаб чикариш харажатларига (иш хаки, хом ашё нархи) хам богликдир. Товарга булган талаб эса истеъмолчининг бюджетига (даромадига) ва бошка омилларга богликдир. Шу сабабли биз талаб ва таклиф эгри чизикларининг, иш хаки ставкаси, капитал харажатлар ва даромадлар узгарганда кандай узгаришини караб чикамиз (3-расм).

Таклиф чизиги $S$ дан бошлаймиз. 3-расмдан куриниб турибдики? нарх $P_1$ булганда, ишлаб чикариладиган ва сотиладиган махсулот микдори $Q_1$ га тенг. Энди фараз килайлик, хом ашё нархи камайди, демак, бир бирлик махсулот харажати камаяди. Бу таклифга кандай таъсир килиши мумкин?



3-расм. Таклиф эгри чизиклари.

Хом ашё нархининг камайиши, махсулотга булган харажатнинг камайишига олиб келади, харажатнинг камайиши эса, ишлаб чикариш самарасини оширади ва купрок фойда олишга олиб келади. Бу уз навбатида ишлаб чикаришни ривожлантиришни рагбатлантиради ва илгари рентабел булмаган фирмалар учун бозорга уз товарлари билан кириб келишга имконият яратади. Демак, агар бозорда товар нархи узгармаса, яъни $P_1$ сакланиб колса, илгаридагига нисбатан, бозордаги махсулот таклифи ошади, натижада таклиф эгри чизиги унга силжийди. $P_1$ нархга $Q_1$ бирлик эмас $Q_2$ $(Q_2 > Q_1)$ махсулот микдори тугри келади. Махсулот ишлаб чикаришнинг ошиши, бу ерда нархга боглик эмас, шу сабабли таклиф эгри чизиги $S$ бутунлай унуга, $S'$ га силжийди (3-расм). Таклиф эгри чизигининг бундай узгаришига, яъни нархга боглик булмаган холдаги узгаришига *таклиф узгариши* дейилади. Узгармас таклиф эгри чизигидаги бирор нуктадан пастга ёки юкорига караб харакат килишга *таклиф микдорининг узгариши* дейилади.

Хом ашё нархи пасайишининг таклиф эгри чизигига бошкача таъсирини, ишлаб чикарилган махсулот микдори $Q_1$ узгармаганда кузатиш мумкин. Хакикатдан хам, $Q_1$ узгармаганда, уни ишлаб ишлаб чикариш учун кетган харажат камаяди (хом ашё нархи пасайгани учун), демак, товар нархи хам камаяди, яъни унинг нархи $P_1$ дан $P_2$ га узгаради. Бу узгариш *ишлаб чикарилган товар микдорига боглик эмас*. Натижада, таклиф эгри чизиги унуга силжийди. Умуман олганда, хом ашё нархи узгаришининг таклиф чизигига таъсирини урганишда, юкорида келтирилган икки хол хам хусусий холлардан булиб, эну четки холатларни анулатади. Хакикатда эса, хом ашё харажатлари камайганда нарх хам, товар микдори хам узгариши мумкин. Бу узгаришлар янги таклиф эгри чизигининг талаб чизиги билан мувозанатга келиши билан богликдир (4-расм).



4-расм. Таклиф узгаргандаги янги мувозанат холат.

4-расмда таклиф чизиги $S$ дан $S'$ га силжиган, мувозанат нукта $m_1$ дан $m_3$ га тушган, умумий ишлаб чикариш хажми $Q_1$ дан $Q_3$ гача ошган. Махсулот ишлаб чикариш харажатлари канча кам булса, у шунча махсулот нархини пасайтиришга ва махсулотни купрок сотишга олиб келади. Уз-узидан равшанки, фан техника тараккиёти асосида бошкаришни такомиллаштириш натижасида ишлаб чикариш харажатларини камайтириш, иктисодий усишнинг мухим харакатлантирувчи кучидир.

Энди, истеъмолчилар даромадини ошишининг талабга таъсирини урганиш учун, куйидаги 5-расмни караймиз. Маълумки, истеъмолчилар даромади юкори булса, улар товарларни сотиб олиш учун купрок пул ажратади. Агар бозор нархи $P_1$ узгармас булганда истеъмол килинадиган махсулот микдори, масалан $Q_1$ дан $Q_2$ га усишини кузатиш мумкин. Бу силжиш бозор нархи кандай булишидан катъий назар амалга ошади, шунинг учун талаб чизиги унуга караб силжийди. Расмда бу силжиш $D$ дан $D'$ га силжиши каби акслантиради.




5-расм. Талаб эгри чизиклари.

Иккинчи томондан, истеъмолчининг реал даромади ошса, у $Q_1$ микдордаги товарни юкорирок нархда, масалан, $P_2$ нархда хам сотиб олади, яъни даромади ошмаганда $Q_1$ товарни $P_1$ нархда сотиб олса, реал даромади ошса, у шу микдордаги $(Q_1)$ товарни $P_2$ нархда сотиб олади. Бу холатда хам талаб чизиги унуга силжийди.

Умуман олганда, даромад ошганда нарх хам, сотиб олинадиган товар микдори хам узгармай колмайди. Янги нарх ва янги товар микдори натижада талаб ва таклифнинг мувозанатлигига олиб келади (6-расм).




6-расм. Таклиф узгаргандаги янги мувозанат.

Расмдан куриниб турибдики, истеъмолчилар юкори $P_3$ нархни тулаши мумкин, фирмалар эса, даромади ошгани учун купрок, яъни $Q_3$ микдорда махсулот ишлаб чикаришади.

Талабга бир-бирини урнини босадиган товарлар нархларининг узгариши хам таъсир килади. Масалан, мис билан алюминий бир-бири урнини босадиган товарлар хисобланади, нима учун деганда, ишлаб чикаришда улардан бири иккинчисини алмаштириши мумкин. Агар алюминий нархи ошса, мисга булган талаб ошади. Бошка томондан бензин автомобилга нисбатан тулдирувчи товар булади, яъни улар биргаликда ишлатилади. Демак, бензин нархининг камайиши ёки ошиши автомобилга булган талабни оширади ёки камайтиради. Шу сабабли, бир-бирининг урнини босадиган товарлардан бирининг нархини ошиши ёки тулдирувчи товарлардан бирининг нархини камайиши хам талаб чизигини унуга силжишга олиб келади.

Купгина бозорларда бир вактнинг узида хам талаб, хам таклиф эгри чизиклари узгариб туради. Иктисодий усиш юкори булганда истеъмолчилар даромади юкори булади, акс холда даромадлар хам камаяди. Баъзи бир товарларга булган талаб хам вакт буйича узгаради, масалан, мавсумлар буйича товарларга талаб; бир-бирини урнини босадиган товарлардан бирининг нархини узгариши; дид ва моданинг узгаришига караб талабнинг узгариши. Худди шундай, вакт буйича иш хаки, хом ашё нархи, капитал маблаг куйишлар хам узгаради, натижада бу узгаришлар таклифга жиддий таъсир килади.

Таклиф ва талаб эгри чизиклари бундай узгаришлар окибатини тахлил килишга ёрдам беради. 7-расмда хам талаб, хам таклиф чизикларининг унуга силжишлари келтирилган. Бу силжишлар, нархни $P_1$ дан $P_2$ га ошишига ва товар ишлаб чикаришни эса, $Q_1$ дан $Q_2$ га ошишига олиб келади. Талаб ва таклифдаги узгаришларнинг микдори ва йуналишларини олдиндан айтиб бериш учун, талаб

билан таклифнинг нархдан ва бошка параметрлардан богланганлигини микдорий жихатдан ифодаламок керак.




7-расм. Таклифдаги ва талабдаги узгариш натижасидаги янги мувозанат графиги

## 3. Талаб ва таклиф функциялари

Замонавий иктисодий назариянинг аникрок булиши, у урганадиган иктисодий жараёнларнинг микдорий муносабатларини урганиш учун математик инструментдан кенгрок фойдаланишни такозо килади. Хозирги вактда иктисодчилар иктисодий жараёнларни урганишда модел тушунчасидан кенг фойдаланмокдалар.

*Модел* деганда, иктисодий жараённинг схемаси, лойихаси, математик формулалар билан ифодаланиши тушунилади. Бу ерда кенгрок ишлатиладиган моделлардан бири иктисодий-математик моделлардир. Иктисодий математик моделлар, иктисодий жараёнларнинг микдорий муносабатларини функция, тенглама, тенгсизликлар оркали ифодалайди.

*Функция* - бу математик тушунча булиб, боглик узгарувчи билан эркин узгарувчилар уртасидаги микдорий богликликни ифодалайди.

Агар функция битта боглик узгарувчи билан, битта эркин узгарувчи уртасидаги богликликни ифодаласа, унга бир узгарувчили функция дейилади ва у куйидагича ёзилади:

$$y = f(x)$$

Агар функцияда эркин узгарувчилар сони $n$-та $(n>1)$ булса, $x_1, x_2, ..., x_n$, у холда $n$ узгарувчили функцияни оламиз:

$$y = f(x_1, x_2, ..., x_n)$$

Бир узгарувчили функцияга мисол сифатида нархга боглик булган талаб функциясини караш мумкин:

$$Q^D = f(P)$$

бу ерда: $Q^D$ - талаб микдори; $P$ - бир бирлик махсулот нархи.

Чизикли талаб функциясининг графиги куйидаги тартибда аникланади. Нарх $P=0$ булганда, талаб $Q^D = a$ булади . Нарх $P = \frac{a}{b}$ га тенг булганда, талаб $Q^D = 0$ булади. Олинган кийматлар графикда ифодаланиб, талаб чизиги графигини оламиз: талаб функцияси чизикли булгани учун, нарх $P$ нолдан $\frac{a}{b}$ гача узгарганда, талаб $Q^D$ нинг киймати $AB$ тугри чизиги устида ётади (9-расм).




9-расм. Чизикли талаб графиги.

Энди юкорида келтирилган талаб функцияси графигини чизамиз (10-расм).



10-расм. Талаб функциясининг графиги.

$P=0$ булганда, талаб киймати $Q^D=24$ га тенг (графикда у $B$ нукта билан белгиланган). Товар нархи $P=40$ га тенг булганда, талаб микдори $Q^D=0$ га тенг булади (графикда бу $A$ нукта).

$A$ нукта билан $B$ нуктани туташтирувчи тугри чизик берилган функция учун талаб чизигини беради.

Куп узгарувчили талаб функцияси, талаб микдорини унга таъсир килувчи бир неча омиллар асосида аниклайди.

Таклифнинг таклиф чизиги буйича узгаришига, *таклиф микдорининг узгариши* дейилади. Таклиф микдорининг узгариши, яъни таклифнинг таклиф чизиги буйича узгариши, факат нарх таъсири остида булади. Нархдан бошка таклифга таъсир килувчи омиллар таклиф чизигини унга пастга ёки чапга-юкорига силжитади. Таклиф чизигининг узини унуга ёки чапга силжишига *таклифнинг узгариши* дейилади.

Таклиф микдори нархдан ташкари бошка омилларга хам богликдир:

- ишлаб чикариш технологияси, (технология даражасининг усиши, таклиф чизигини унуга силжитади, нима учун деганда, янги технология ишлаб чикариш харажатларини камайтиради ва ишлаб чикарувчи берилган нархда купрок махсулот ишлаб чикариш имкониятига эга булади);
- ресурслар нархи (ресурслар нархи ошганда, ишлаб чикариш харажатлари ошади, натижада берилган нархда ишлаб чикарувчи камрок махсулот ишлаб чикариб, таклиф килади, натижада таклиф чизиги чапга силжийди, ресурслар нархи камайганда, юкоридаги холатнинг акси булади, яъни таклиф ошади, натижада таклиф чизиги унуга силжийди);
- ушбу махсулотни ишлаб чикарувчилар сони ошганда (ишлаб чикарувчилар сонининг ошиши, умумий таклиф чизигини унуга силжитади);
- соликлар ва дотациялар (соликнинг ортиши натижасида, таклиф килинадиган махсулот микдори камаяди, шу сабабли таклиф чизиги чапга силжийди; дотация берилганда юкоридагининг акси булади, яъни таклиф чизиги унуга силжийди).

Куп омилли таклиф функцияси куйидаги куринишда булади:

$$Q^S=\varphi\left(P,T,P_p,C,D,N,B\right)$$

бу ерда $Q^S$ - таклиф микдори; $P$ - товар нархи; $T$ - технология даражаси; $P_P$ - ресурслар нархи; $C$ - солик ставкаси; $D$ - дотация микдори; $N$ - ишлаб чикарувчилар сони; $B$ - бошка омиллар.

**4.Талаб ва таклиф конунлари.**Таклиф конунига кура, (нархдан бошка омилларнинг таъсири узгармаса нархнинг ($P$) усиши билан, таклифнинг ($Q^S$) микдори усади, таклиф функцияси усувчидир.

Мувозанат нарх $P_e$ (11-расм) деб, шундай нархга айтиладики, у бозорда таклиф килинадиган неъмат микдори $Q^S$ ни унга булган бозордаги талаб микдори $Q^D$ га тенглаштирса.




11-расм. Мувозанат нарх ва мувозанат ишлаб чикариш.

11-расмдан куриниб турибдики, бозор мувозанати яуона. Талаб ва таклиф чизигиклари яуона мувозанат $E$ нуктада кесишади. $P_e$ ва $Q_e$ нукталар, мувозанат нукта $E$ нинг координатлари хисобланади.

Бозордаги талаб ва таклифнинг узгариши, бозор мувозанатини узгаришига олиб келади. Масалан, бозордаги талаб ошса, (талаб чизиги унуга силжиганда) мувозанат нарх $P_e$ ва мувозанат товар хажми $Q_e$ усади. Агар бозор талаби камайса (талаб чизиги чапга силжиса), $P_e$ ва $Q_e$ лар хам камаяди. Бозор таклифи ошса (таклиф чизиги унуга силжиса), мувозанат нарх $P_e$ камаяди, мувозанат товар хажми $Q^S$ усади. Агар бозор таклифи камайса (таклиф чизиги $S$ чапга силжиса), мувозанат нарх $P_e$ усади, мувозанат товар хажми $Q^S$ камаяди (12, 13-расмлар).






12-расм. Талаб чизигининг силжиши



13-расм. Таклиф чизигининг силжиши

Агар таклиф ва талаб чизиклари бир вактнинг узида силжишса, мувозанат нарх $P_e$ ва мувозанат микдор $Q_e$ ларнинг узгариши хар хил булиши мумкин.

Юкорида келтирилган бозор модели статик булиб, у маълум вакт оралигини олади (масалан, у бир ойга, бир йилга тенг булиши мумкин). Бундай бозор моделида узгарувчилар вактга боглик эмас.

Моделда талаб, таклиф ва нархларнинг богликликларини вакт узгариши билан богласак, модел динамик моделга айланади. Фараз килайлик, маълум вакт оралигида (масалан, бу оралик бир ой булсин) бир бирлик товарнинг бозор нархи $P(t)$ булсин (яъни, товар нархи бир ой ичида узгармайди). Товарнинг бозор нархи $P(t)$ мувозанат нархга тенг булиши хам, тенг булмаслиги хам мумкин.

Агар биз $T$ вакт оралигини карасак, у холда $t = 1,2,...,T$ кийматларни кабул килади. $P(1), P(2),..., P(T)$ - нарх траекториясини ёки динамик модел траекториясини беради.

Битта махсулот учун бозорнинг динамик моделини караймиз.

Моделда талаб чизигини $D$ ва таклиф чизиги $S$ вакт узгариши билан узгармайди, деб фараз килайлик. Талаб функцияси $Q^D(t)$ ва таклиф функцияси $Q^S(t)$ нарх $P(t)$ га боглик. Бу ерда $P(t)$ $t$ - ораликдаги нарх, $P(t-1)$ - олдинги $P(t-1)$ - ораликдаги нарх. Талаб функцияси:

$$Q^D(t) = a_0 - a_1 \cdot P(t)$$

бу ерда $a_0, a_1$ - узгармас параметрлар.

Таклиф функцияси:

$$Q^S(t) = b_0 + b_1 \cdot P(t-1)$$

бу ерда $b_0, b_1$ - узгармас параметрлар.

Мувозанат нарх куйидаги кайтариладиган боскичлар буйича аникланади:

1. Талаб ва таклиф чизиклари графиги чизилади (уоризонтал ук буйича нарх $P$ куйилади, вертикал ук буйича таклиф ва талаб килинган махсулот микдори $Q$);

2. Бошлангич вакт оралиги $t = 1$ буйича таклиф микдори $Q^S(t)$, бошлангич нарх $P(1)$ га кура аникланади, (бошлангич нарх $P(1)$) олдиндан сотувчи томонидан берилади;

3. $t = 2$ оралик учун нарх $P(2)$ мувозанатлик шартидан аникланади.

$$Q^D(2) = Q^S(2)$$

$$a_0 - a_1 \cdot P(2) = b_0 + b_1 \cdot P(1)$$

Нарх $P(1)$ маълум булгани учун, юкоридаги тенгликдан $P(2)$ аникланади; $t=2$ учун $P(2)$ аникланганидан кейин юкоридаги иккинчи ва учинчи боскичлар такрорланиб, $P(3)$ аникланади ва хоказо.

Хисоб-китобларнинг тухташ шарти $P(t)=P(t-1)$ булиб, бу шарт баржарилса, мувозанат нарх $P_e=P(t)=P(t-1)$ куринишида аникланади.

Такрибий бахолаш: Агар $\lim\limits_{t\to\infty}\left|P(t)-P(t-1)\right|<\varepsilon$ булса, $P(t)=P_e$ деб караш мумкин.

Умуман олганда бозорнинг динамик моделида бозор нархи $P(t)$ нинг узгариши уч хил вариантга олиб келиши мумкин:

1. Вакт утиши билан бозор нархи $P(t)$ нинг мувозанат нархдан четланиши камайиб боради;

2. Бозор нархи мувозанат нархдан узоклашиб боради;

3. Бозор нархи мувозанат нарх атрофида тебраниб туради ва бозор мувозанатига хеч вакт эришилмайди.

Агар таклиф чизиги $S$ талаб чизиги $D$ га нисбатан тикрок булса, биринчи вариант содир булади. (14-расм):




14-расм. $\beta>|\alpha|$ булган хол.

Агар таклиф чизиги $S$ талаб чизиги $D$ га нисбатан ётикрок булса, иккинчи вариант юз беради (15-расм):



15-расм. $\beta < |\alpha|$ булган хол.

Агар таклиф ва талаб чизиклари ётиклиги бир хил булса, учинчи вариант юз беради (16-расм):




16 – р а с м. $\beta к \alpha$ булган хол.

Тугри чизикли талаб ва таклиф функциялари:

$$D = a + A \cdot P(t)$$

$$S = b + B \cdot P(t-1)$$

учун $t \to \infty$ да $P(t) = P(t-1)$ булади, яъни мувозанат нархга бозор нархи якинлашади агар куйидаги шарт бажарилса, яъни $\left|\frac{\alpha}{\beta}\right| < 1$ булса.

Бозорнинг динамик моделида нархлар траекторияси $P(1), P(2)...$ ургимчак уяси турига ухшагани учун хам бу модел турсимон модел деб ном олган.

Турсимон модел сифатида биржа бозорини (масалан, кимматли когозлар бозори, ёки валюта бозорини) караш мумкин.

## 4-МАВЗУ: БОЗОР МУВОЗАНАТИ, МАКСИМАЛ ВА МИНИМАЛ НАРХЛАР

**Режа:**

3. **Бозор мувозанати.**
4. **Товарнинг максимал ва минимал бахоси.**

**Мувозанатлашган бахо деб,-** талаб хажми таклиф хажмига мос келгандаги бахо тушунилади. Бозорда мувозанатлашаган бахода сотиладиган Q

микдордаги товарга мувозанатлашган микдордаги товар дейилади. Е координатасидаги QE=Q=QD булади.
Бунда QE – таклиф хажми, QD – талаб хажми.

Мувозанатлашган холатида бозор баланслашган булиб, сотувчида хам, харидорда хам уни бузиш учун харакат булмайди. Бозор баланслашмаган холатда бозордаги холатни узгартириш хохиши пайдо булади. Фараз килинг, хакикий бозор бахоси мувозанат баходан катта булсин, яъни P> Pe . Бундай бахода талаб хажми QDга, таклиф хажми QS га тенг. Бу холатда ишлаб чикарувчилар товар нархини бирмунча камайтиришни лозим топадилар.

Хакикий бахонинг мувозанатлашган баходан паст булган холатига каралса, унда талаб хажми (QD) таклиф хажми (QS) дан юкори. Айрим харидорлар товарни юкори нархда харид килишни муносиб топади. Натижада талабнинг ортикчалиги (яъни QD>QS) товарнинг бахоси (P) нинг ошишига таъсир килади. Бундай жараён нарх бир жойга бориб тухтамагунча, яъни талаб хажми Билан таклиф хажми тенг келгунча давом этаверади. Мувозанат холатида хар кандай четга чикиш бозорни дастлабки холатига кайтарувчи курсаткичларни харакатга келтиради.

**Товарнинг максимал ва минимал бахоси**. Баъзи вактларда бозор нархи давлат томонидан урнатилади. Нарх максимал дейилади, агар урнатилган нарх $\widetilde{P}$ мувозанат нархдан кичик булса $\widetilde{P} < P_e$ ($P_e$ - мувозанат нарх) ва нархни максимал нарх $\widetilde{P}$ дан юкори белгилаш таъкикланса. Максимал нарх баъзи бир махсулотларга ахолини ушбу махсулот билан маълум даражада таъминлаш максадида давлат томонидан урнатилади. Талаб ва таклиф назариясига кура, максимал нархнинг урнатилиши махсулот танкислигига олиб келади (17-расм).




17-расм. Нарх максимал булганда махсулот танкислиги.

Товар танкислигини давлат уз захирасидан махсулотни бозорга чикариш йули билан ечади, яъни уз захирасидаги $Q^D - Q^S$ микдорда махсулот чикариб талаб ва таклифни тенглаштиради.



18-расм. Нарх минимал булганда махсулот ортикчалиги.

Агар сотувчиларга товарни максимал нарх $\tilde{P}$ дан юкори нархда сотишга рухсат булмаса, таклиф $Q^S$ микдор билан чегаралангани учун, норасмий бозор (хуфиёна бозор) вужудга келади (расмда бу $E_D$ нукта оркали ифодаланган ва бу бозорда товар норасмий бозор нархи $P_н$ да сотилади; $P_н$ мувозанат нархдан анча юкори булиши мумкин).

Махсулотнинг нархи $\breve{P}$ минимал нарх дейилади, агар минимал нарх мувозанат нархдан катта булса, $\breve{P} > P_e$ ($P_е$-мувозанат нарх) (18-расм) ва нарх $\breve{P}$ ни пасайтириш мумкин булмаса.

Бундай минимал нарх давлат томонидан, ушбу махсулотни ишлаб чикарувчиларни химоя килиш учун урнатилади. Минимал нархнинг урнатилиши, ортикча махсулотнинг вужудга келишига олиб келади ёки махсулотлар сотилмасдан омборларда тупланиб колишига олиб келади. Бу вазият 18-расмдаги графикда келтирилган, ортикча махсулот хажми $Q^S - Q^D$ га тенг. Графикдаги $E'$ нукта ортикча махсулотни норасмий равишда мувозанат нархдан паст нархда ($P_н$ нархда) сотилиши мумкин булган вазиятни курсатади. Шундай килиб, талаб ва таклиф модели оркали бозор нархларини узгартиришнинг окибатларини чукур тахлил килиш мумкин.

## Кискача хулосалар

Таклифнинг таклиф чизиги буйича узгаришга, *таклиф микдорининг узгариши* дейилади. Таклиф микдорининг узгариши, яъни таклифнинг таклиф чизиги буйича узгариши, факат нарх таъсири остида булади. Нархдан бошка таклифга таъсир килувчи омиллар таклиф чизигини унга пастга ёки чапга-юкорига силжитади. Таклиф чизигининг узини унга ёки чапга силжишига *таклифнинг узгариши* дейилади.

Таклиф микдори нархдан ташкари бошка омилларга хам богликдир:

- ишлаб чикариш технологияси, (технология даражасининг усиши, таклиф чизигини унуга силжитади, нима учун деганда, янги технология ишлаб чикариш харажатларини камайтиради ва ишлаб чикарувчи берилган нархда купрок махсулот ишлаб чикариш имкониятига эга булади);
- ресурслар нархи (ресурслар нархи ошганда, ишлаб чикариш харажатлари ошади, натижада берилган нархда ишлаб чикарувчи камрок

махсулот ишлаб чикариб, таклиф килади, натижада таклиф чизиги чапга силжийди, ресурслар нархи камайганда, юкоридаги холатнинг акси булади, яъни таклиф ошади, натижада таклиф чизиги унуга силжийди);

- ушбу махсулотни ишлаб чикарувчилар сони ошганда (ишлаб чикарувчилар сонининг ошиши, умумий таклиф чизигини унуга силжитади);

соликлар ва дотациялар (соликнинг ортиши натижасида, таклиф килинадиган махсулот микдори камаяди, шу сабабли таклиф чизиги чапга силжийди; дотация берилганда юкоридагининг акси булади, яъни таклиф чизиги унуга силжийди)

**B.**

## C. Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Талаб ва таклиф чизиклари тушунчаси.
2. Талаб ва таклифга таъсир этувчи омилларни таърифлану.
3. Бозор мувозанати нимани ифодалайди.
4. Минимал ва максимал нархлар урнатилишининг кандай окибатларга олиб келишини таърифлаб берину.
5. Бозорнинг динамик моделини таърифлаб берину.

## 5- МАВЗУ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ЭЛАСТИКЛИГИ

**МАъруза хажми – 2 соат**

**Режа:**

8. Талаб эластиклиги.
9. Таклиф эластиклиги
10. Давлатнинг бахо устидан назорати.
11. Солик юкининг товар эластиклигига кура тахлили.

### 1. Талаб эластиклиги

Маълумки, товарга булган талаб, унинг нархига, истеъмолчи даромадига ва бошка товарлар нархига богликдир. Худди шундай, таклиф товар нархига ва товарни ишлаб чикариш харажатига боглик.

Масалан, лимоннинг нархи ошса, унга талаб камаяди. Лекин, биз шу товарга талабни ёки таклифини микдорий жихатдан усиши ёки камайишини билмокчимиз. Агар лимон нархи 15% га ошса, унга булган талаб канчага узгаради? Ёки даромад 10% га ошгандаги талаб канчага узгаради? Бундай саволга жавоб бериш учун, эластиклик тушунчасидан фойдаланамиз.

Эластиклик - бир узгарувчининг бошка бир узгарувчи таъсири остида узгаришини улчайдиган улчов; аникрок килиб айтганда, бирор узгарувчининг бир фоизга узгаришини натижасида бошка бир узгарувчининг маълум фоиз микдорга узгаришини курсатадиган сондир.

Бунга эну мухим мисоллардан бири булиб, нархга боглик булган талаб эластиклигидир. Бу эластиклик товар нархининг бир фоизга узгариши, унга булган талабнинг неча фоизга узгаришини курсатади.

Бу курсаткични туликрок куриб чикамиз. Нархга боглик талаб эластиклигини куйидагича ёзамиз:

$$E_p^D = \frac{(\Delta Q\%)}{(\Delta P\%)}, \qquad (1)$$

бу ерда $\Delta Q\%$ - $Q$ нинг фоиз буйича узгариши; $\Delta P\%$ - $P$ нинг фоиз узгариши.

Шуни эслатиш лозимки, фоиз узгариш, узгарувчининг абсолют узгаришини, узгарувчининг олдинги даражасига нисбатидир, яъни:

$$\Delta Q\% = \frac{\Delta Q}{Q}\cdot 100\%; \qquad \Delta P\% = \frac{\Delta P}{P}\cdot 100\%.$$

Демак,

$$E_p = \frac{\frac{\Delta Q}{Q}\cdot 100\%}{\frac{\Delta P}{P}\cdot 100\%} = \frac{P}{Q}\cdot\frac{\Delta Q}{\Delta P}. \qquad (2)$$

Агар талаб узлуксиз функция сифатида, яъни $Q^D = f(P)$ куринишида берилган булса, унинг эластиклик коэффициенти куйидаги формула буйича аникланади:

$$E_p == \frac{\Delta Q}{\Delta P}\cdot\frac{P}{Q} = f'(P)\cdot\frac{P}{Q}.$$

Нархга боглик талаб эластиклиги манфийдир, яъни $E_p < 0$. Товар нархи ошганда, унга талаб камаяди, шунинг учун $\frac{\Delta Q}{\Delta P} < 0$. (2) тенгламадан келиб чикадики, нархга боглик талаб эластиклиги, нархнинг товар микдорига нисбатининг $\left(\frac{P}{Q}\right)$ бирлик нархга тугри келадиган товар бирлиги узгаришига $\left(\frac{\Delta Q}{\Delta P}\right)$ купайтиришдан хосил буладиган микдорга тенг. Лекин, талаб эгри чизиги буйича юрганда $\frac{\Delta Q}{\Delta P}$ узгариши ёки узгармаслиги мумкин, нарх ва товар микдори эса хар доим узгариб боради. Демак, нархга боглик талаб эластиклиги талаб чизигининг алохида нуктасида улчанади ва эгри чизик буйича силжиганимизда, у узгариб боради.

Реал статистик маълумотларга кура, нуктавий ва ёйсимон эластиклик коэффициентларини аниклаш мумкин, **нуктавий эластиклик**

$$E_D = \frac{\frac{Q_2^D - Q_1^D}{Q_1^D}}{\frac{P_2 - P_1}{P_1}};$$

Нарх буйича талаб эластиклигиин аниклашда $P_1$ ва $P_2$ нархлардан ва талаб килинадиган товар микдорлари $Q_1$ ва $Q_2$ дан кайси бирларини бошлангич киймат сифатида олиш маълум кийинчилик тугдиради.

**Бир хил нарх ва талаб микдори ораликларида талабни нархга кура эастиклик коэффициентининг хар хил кийматларини оламиз. Ушбу унгайсизликни йукотиш максадида ёйсимон эластиклик формуласидан фойдаланишга утилган. Юкоридаги мисолда келтирилган маълумотлар буйича талабнинг эластиклик коэффициентини ёйсимон эластиклик формуласи ёрдамида иккала хол учун хам аниклаймиз:**

Биринчи хол:

$$E_D = \frac{2000 - 4000}{\frac{4000 + 2000}{2}} \div \frac{1000 - 900}{\frac{900 + 1000}{2}} = -6{,}33$$

Иккинчи хол:

$$E_D = \frac{4000 - 2000}{\frac{2000 + 4000}{2}} \div \frac{900 - 1000}{\frac{1000 + 900}{2}} = -6{,}33$$

**Ёйсимон эластиклик формуласи иккала хол учун хам бир хил натижани беради. Шунинг учун хам амалда ёйсимон эластиклак формуласидан фойдаланиш максадга мувофикдир.**

**Таклифни нархга кура эластиклиги деганда товар архини бир фоизга узгариши таклиф микдории неча фоизга узгаришини билдиради. Аникрок килиб айтадиган булсак, товар нархини бир фоизга ортиши (камайиши) товар таклифи микдорини неча фоизга ортиши (камайишини) билдиради ва у куйидагича аникланади:**

**Таклиф функция куринишида берилган булса, яъни** $Q_S = \varphi(P)$

$$E_S^P = \frac{\Delta Q_5}{Q_4} \div \frac{\Delta P}{P} = \frac{\Delta Q_5}{\Delta P} \cdot \frac{P}{Q_5}$$

**$E_S^P$ - таклиф эластиклиги коэффициенти; P – товар нархи; $Q_S$ – таклиф микдори.**

**Таклиф микдори ва товар нархи статистик маълумотлар куринишида булса,**

$$E_S = \frac{\dfrac{Q_2^S - Q_1^S}{Q_1^S}}{\dfrac{P_2 - P_1}{P_1}}$$

Бу ерда $Q_1$, $P_1$ – таклифни ва нархни бошлангич кийматлари; $Q_2$, $P_2$ – таклифни ва нархни узгарган кийматлари;

**ёйсимон эластиклик**

$$E_D = \frac{\left(\left(Q_2^D - Q_1^D\right) \Big/ \left(Q_1^D + Q_2^D\right)/2\right)}{\left(\left(P_2 - P_1\right) \Big/ \left(P_1 + P_2\right)/2\right)}.$$

Бу ерда $Q_1^D$ ва $P_1$ талабнинг ва товар нархининг бошлангич кийматлари, $Q_2^D$ ва $P_2$ - талабнинг ва товар нархининг узгарган кийматлари.

Ёйсимон эластиклик хисобланганда, $Q^D$ ва $P$ ларнинг базис курсаткичлари сифатида, уларнинг бошлангич ва узгарган кийматларининг уртача кийматлари олинади.

Эластиклик коэффициенти кийматига караб талабни эластик, ноэластик ва бирлик эластикликка эга булган талабларга ажратиш мумкин.

Агар талабнинг нарх буйича эластиклик коэффициенти $|E_D| > 1$ булса, талаб эластик дейилади.

Агар талабнинг нарх буйича эластиклик коэффициенти $|E_D| < 1$ булса, талаб ноэластик дейилади.

Агар талабнинг нарх буйича эластиклик коэффициенти $|E_D| = 1$ булса, талаб бирлик эластикликка эга дейилади.

Мисол тарикасида чизикли талаб функциясини карайлик:

$$Q = a - b \cdot P.$$

Бу чизикли функция учун $\frac{\Delta Q}{\Delta P} = -b$ булиб, у узгармасдир. Лекин бу чизик узгармас эластиклик коэффициентига эга эмас. 1-расмдан куриниб турибдики, агар биз чизик буйича пастга караб юрсак $\frac{P}{Q}$ микдор камайиб боради, натижада эластиклик микдори хам камаяди.







1-расм. Чизикли талаб чизиги.

Чизикли талаб функциясининг эластиклик коэффициенти куйидагига тенг:

$$E_p = -b \cdot \frac{P}{Q}.$$

Талаб чизиги нарх уки билан кесишганда $Q \to 0$ ва $E_p = -\infty$ булади; $Q = \frac{a}{2}$; $P = \frac{a}{2b}$ да $E_p = -b \cdot \left( \frac{\left( a \diagup 2b \right)}{\left( a \diagup 2 \right)} \right) = -1$. Талаб чизиги товар микдори уки билан кесишганда $P = 0$ ва $E_p = 0.$

$\frac{\Delta Q}{\Delta P}$ - чизикнинг тануенс бурчак ётиклигини беради. Шу сабабли, талаб чизиги канча тик булса, талаб эластиклиги шунча кичик булади.

Куйидаги 2-3-расмларда эластикликнинг узига хос алохида куринишлари келтирилган.







2-расм. Эластиклиги чексиз булган талаб функцияси

3-расм. Эластик булмаган талаб функцияси

19-расмда эластиклиги чексиз булган талаб чизиги келтирилган. Бу холда яуона нарх $P^*$ булиб, истеъмолчилар шу нархда махсулот сотиб олишади. Нархни хар кандай кичик ошиши, талабни нолга туширади ва нархнинг $P^*$ даражадан хар кандай камайиши, талабни чексиз ошиб кетишига олиб келади.

20-расмдаги талаб чизиги мутлако эластик эмас. Истеъмолчилар нархдан катъий назар белгиланган микдорда $Q^*$ товар сотиб олишади.

Талаб эластиклиги нархдан ташкари, даромадга хам богликдир. Купгина товарларга талаб, истеъмолчилар даромади ошганда ошади. Даромад буйича эластиклик, бу даромад $R$ (*Revenue*)ни бир фоизга узгариши талаб килинган товар $Q$ ни неча фоизга узгаришини билдиради:

$$E_R^D = \frac{\Delta Q / Q}{\Delta R / R} = \frac{R}{Q} \cdot \frac{\Delta Q}{\Delta R}. \qquad (3)$$

Товарлар даромадга боглик талаб эластиклигига кура куйидагиларга булинади: нормал товарлар, агар $E_R > 0$ булса; юкори катеуорияли товарлар, агар $E_R > 1$ булса; куйи катеуорияли товарлар, агар $E_R < 0$ булса.

Агар $0 < E_R \le 0{,}5$ булса бундай товарлар бирламчи эхтиёжни кондирувчи товарлар хисобланади.

**Кесишган талаб эластиклиги.** Битта товарга булган талабга бошка бир товарнинг нархи таъсир курсатади. Бундай богликликдаги талаб узгаришига нархга боглик кесишган талаб эластиклиги дейилади. Кесишган талаб эластиклиги - бу бошка товарлар нархи бир фоизга узгарганда, талаб килинадиган товарга талабнинг неча фоизга узгаришини билдиради:

$$E_{Q_1/Q_2} = \frac{\Delta Q_1 / Q_1}{\Delta P_2 / P_2} = \frac{P_2}{Q_1} \cdot \frac{\Delta Q_1}{\Delta P_2}, \qquad (4)$$

бу ерда $Q_1$ - биринчи товар микдори;

$P_2$ - иккинчи товар нархи.

Статистик маълумотлар учун:

$$E_{Q_1/Q_2} = \frac{Q_1^2 - Q_1^1}{\frac{Q_1^1 - Q_1^2}{2}} \div \frac{P_2^2 - P_2^1}{\frac{P_2^1 + P_2^2}{2}}.$$

$Q_1^1$, $Q_2^1$ - биринчи товарга булган талабнинг бошлангич ва узгарган кийматлари.

$P_2^1$ , $P_2^2$ - иккинчи товарнинг бошлангич ва узгарган нархлари.

Пивонинг вино нархи $P_в$ буйича кесишган эластиклиги $E_{Q_п/P_в}$ куйидагича:

$$E_{Q_п/P_в} = \frac{\Delta Q_п / Q_п}{\Delta P_в / P_в} = \frac{P_в}{Q_п} \cdot \frac{\Delta Q_п}{\Delta P_в}$$

$Q_п$ - пиво микдори; (вино нархи ошганда пивога талаб ошади, демак пивонинг талаб чизиги унуга силжийди).

Юкорида келтирилган мисолда пиво билан вино узаро бир-бирини урнини босадиган товарлар булгани учун, нарх буйича кесишган эластиклик мусбатдир, яъни биттасининг нархини ошиши иккинчисига талабни оширади. Лекин, хар доим хам шундай булавермайди.

Баъзи бир товарлар, *тулдирувчи* товарлар хисобланади ва улар биргаликда ишлатилади, шу сабабли бирортасининг нархини усиши, иккинчи товар истеъмолини камайтиради. Бунга мисол тарикасида бензин билан автомобиль мотори ёгини олиш мумкин. Агар бензин нархи ошса, бензин истеъмоли камаяди, нима учун деганда, автомобиль хайдовчилар машинада камрок юра бошлайди. Аммо, мотор мойига хам талаб камаяди (Мотор мойига талаб эгри чизиги чап томонга силжийди). Шундай килиб, мотор мойининг бензинга нисбатан эластиклиги манфийдир. Яна бир эслатиб утамиз, бозор талабининг асосий детерминантлари, яъни талаб чизиги холатини узгартирувчи, ёки талабдаги узгаришни келтириб чикарувчи детерминантлар куйидагилар: истеъмолчининг диди ва афзал куриши; бозордаги истеъмолчилар сони; истеъмолчилар даромади; бир-бирини урнини босувчи, тулдирувчи товарлар; келажакда буладиган нарх ва даромадларга нисбатан истеъмолчининг кутиши.

## 2. Таклиф эластиклиги

Таклифнинг нарх буйича эластиклиги - бу нархнинг бир фоиз узгаришига жавобан, таклиф килинадиган товарнинг микдорини фоиз буйича узгаришини билдиради. Бундай эластикликнинг киймати мусбат булади, нима учун деганда, ишлаб чикарувчилар учун юкори нарх, уларни купрок махсулот ишлаб чикаришга0 рагбатлантиради.

$$E_P^T = \frac{\Delta Q^S / Q^S}{\Delta P / P} = \frac{P}{Q^S} \cdot \frac{\Delta Q^S}{\Delta P},$$

бу ерда $Q^S$ - товар таклифи; $P$ - товар нархи.

Статистик маълумотларга кура таклиф эластиклиги куйидагича хисобланади:

$$E_S^P = \frac{Q_2^S - Q_1^S}{Q_1^S} \div \frac{P_2 - P_1}{P_1}.$$

Бу ерда хам, таклиф эластиклиги ишлаб чикаришга таъсир килувчи омиллар буйича каралиши мумкин: фоиз ставкаси; иш хаки; хом ашё, яримфабрикатлар нархи. Масалан, купгина саноат махсулотлари учун хом ашё, ярим фабрикатлар нархига нисбатан таклиф эластиклиги манфийдир. Хом ашё нархининг ошиши фирмалар харажатларининг ошишини билдиради, шу сабабли бошка шарт-шароитлар узгармаганда таклиф килинадиган махсулот микдори камаяди.

Таклиф чизиги холатини силжишига олиб келадиган детерминантлар куйидагилар: ресурслар нархи; ишлаб чикариш технологияси; солик ва дотациялар; бошка товарлар нархи; нарх узгаришини кутиш; бозордаги сотувчилар сони.

## 3. Бозор шароити узгаришларининг окибатларини бахолаш ва проуноз килиш

Бу ерда чизикли таклиф ва талаб чизиклари ёрдамида кандай килиб оддий хисоб-китоблар килинишини караб чикамиз. Бунинг учун, бозор маълумотларига мувофик талаб ва таклифнинг чизикли графикларини чизишни караб чикишимиз керак. (Биз хозир, статистик усуллар оркали куриладиган чизикли реуpессия, тенгламаларни хисоблашни карамаймиз.) Фараз килайлик, бирор товар учун иккита микдор берилган булсин: товар нархи ва унинг микдори, бу курсаткичлар бозорда мухим курсаткичлар хисобланади (бу курсаткичлар бозорда уртача курсаткич булиб, бозордаги мувозанатлик холатида аникланган, ёки бозордаги шарт-шароитлар тургунлашган даврдаги курсаткичлар булсин). Бу курсаткичларни мувозанат курсаткичлар деб караймиз ва куйидагича белгилаймиз: мувозанат нарх $P^*$, мувозанат товар микдори $Q^*$. Берилган товарнинг мувозанат нукта ёки унинг атрофидаги нарх буйича таклиф ва талаб эластиклигини мос равишда $E_S$ ва $E_D$ харфлари билан белгилаймиз.

Бу курсаткичларнинг, яъни $P^*, Q^*, E_S$ ва $E_D$ сон микдори, фараз килайлик, статистик хисоб-китоблар оркали аникланган ва улар асосланган булсин. Берилган маълумотлар асосида таклиф ва талаб чизикларини курамиз. Таклиф ва талаб чизиклари ёрдамида, талаб ва таклиф микдорининг силжишларини, нархнинг узгаришини, берилган товар микдорининг бошка товар нархига нисбатан узгаришини ва хоказоларни хисоблаш мумкин.

Талаб ва таклифнинг графигини чизамиз (-расм).




4-расм. Талаб ва таклифнинг экспериментал йул билан чизилган графиги.

Талаб ва таклиф тенгламалари куйидагича ёзилади:

Талаб: $Q^D = b_0 - b_1 \cdot P$ (5)

Таклиф: $Q^S = a_0 + a_1 \cdot P$ (6)

Асосий мгаммо, берилган тенгламалардаги узгармаслар $a_0, a_1, b_0, b_1$ кийматларини аниклашдан иборат. Бу узгармасларни танлаш икки боскичда амалга оширилади.

*Биринчи боскич*. Талаб ва таклифнинг нарх буйича эластиклигини эслаймиз:

$$E = \frac{P}{Q} \cdot \frac{\Delta Q}{\Delta P},$$

бу ерда $\frac{\Delta Q}{\Delta P}$ - нархнинг бир бирлик узгаришига тугри келадиган талаб ёки таклифнинг микдорий узгариши. Чизикли богланишларда $\frac{\Delta Q}{\Delta P}$ нисбат узгармас микдор булади. (5) ва (6) тенгламалардан куриниб турибдики, таклиф учун бу нисбат $\frac{\Delta Q}{\Delta P} = a_1$, талаб учун эса $\frac{\Delta Q}{\Delta P} = -b_1$. Энди бу кийматларни, яъни $\frac{\Delta Q}{\Delta P}$ ни эластиклик формуласига куямиз:

Таклиф: $E_S = a_1 \cdot \left( \frac{P^*}{Q^*} \right)$ (7)

Талаб: $E_S = -b_1 \cdot \left( \frac{P^*}{Q^*} \right)$. (8)

Бу ерда $P^*$ ва $Q^*$ лар мувозанат нарх ва мувозанат товар микдори булиб, улар берилган. Биз $E_S, E_D, P^*, Q^*$ курсаткичларнинг кийматларига эга булганимиз учун, уларни (7) ва (8) тенгламаларга куйишимиз мумкин. Демак, биз шу йул билан $a_1$ ва $b_1$ ларнинг кийматларини хисоблаймиз.

*Иккинчи боскич*. Энди $a_1$ ва $b_1$ ларнинг кийматларини ва $P^*$ ва $Q^*$ ларни (5) ва (6) тенгламаларга куйиб $a_0$ ва $b_0$ ларнинг кийматини топамиз:

$$a_0 = Q^* - a_1 \cdot P^*; \quad b_0 = Q^* + b_1 \cdot P.$$

## 4. Талабнинг нарх буйича эластиклиги ёрдамида даромадларни тахлил килиш.

Тахлилни чизикли талаб функцияси ёрдамида куриб чикамиз.
Умумий холдаги талаб чизикли функцияси берилган булсин (5-расм).

$$Q^D = a - b \cdot P \quad (1)$$



5-расм. Умумий холдаги талаб чизикли функцияси

Эластикликнинг таърифига кура:

$$E_p = Q_p^{"} \cdot \frac{P}{Q} = -b \cdot \frac{P}{a - b \cdot P} = -\frac{P}{\frac{a}{b} - P} = -\frac{LG}{AF} = -\frac{LC}{AL}.$$

Шундай килиб, $L$ нукта талаб чизиги буйича $A$ нуктадан $C$ нуктага харакат килганда, талаб эластиклиги камаяди. У хар доим манфий, абсолют киймати буйича $LC$ кесманинг $AL$ кесмага нисбатига тенг ва $AC$ чизикнинг уртасида бирга тенг.

22-расмнинг пастки кисмида даромаднинг нархга богликлиги курсатилган.

$$R = Q \cdot P(Q). \qquad (2)$$

Бу функция квадратик функция булиб, у узининг максимумига $[0C]$ кесманинг уртасида эришади:

$Q^D = a - b \cdot P$ функциядан $P$ ни топсак, $P = \frac{a - Q^D}{b}$ булади ва $P$ ни (2) формулага куямиз:

$$R = Q \cdot \frac{a - Q^D}{b} = \frac{Q \cdot a}{b} - \frac{Q^2}{b}.$$

Натижада ишлаб чикариш хажми Q дан боглик даромад функциясини оламиз.

Бу функциянинг критик нуктасини топамиз, яъни даромадни максимал киладиган $Q$ ни топамиз. Бунинг учун даромад функциясидан $Q$ буйича хосила олиб уни нолга тенглаштирамиз ва $Q$га нисбатан ечиб даромадни максималлаштирадиган $Q^*$ни топамиз,

$$\frac{dR}{dQ} = \frac{a}{b} - 2Q \cdot \frac{1}{b} = 0,$$

ёки $Q^* = \frac{a}{2}$ да даромад максимал кийматга эришишга ишонч хосил киламиз.

Хакикатдан хам 22-расмда, талаб $AB$ ораликда эластик $\left(E_D > 0\right)$ ва бу ораликда талаб микдорининг ошиши ва нархнинг камайиши даромадни ошиб

боришига, талаб эластик булмаган $BC$ ораликда даромад микдорининг камайиб боришига олиб келади.

Шундай килиб, агар талаб эластик булмаса, нархнинг усиши даромадни усишига, камайиши, даромадни камайишига олиб келади ва бундай холда сотувчилар факат нархни ошириш оркали даромадни ошириши мумкин. Талаб эластик булганда, даромаднинг узгариши нархнинг узгаришига тескари булади ва сотувчилар бу холда нархни пасайтириш оркали даромадни оширишлари мумкин. Талаб эластик булганда, нархнинг пасайиш суръатидан талабни ошиш суръати юк

ори булади, натижада даромад ошади. Талаб эластик булмаганда $(E_D < 1)$ нархнинг пасайиш суръати, талабнинг усиш суръатидан юкори булади, бу уз навбатида даромадни пасайишига олиб келади.

Худди шундай, бюджет даромадини ошириш максадида, давлат корхоналари махсулотларининг нархи оширилса, агар ушбу махсулотларга талаб эластик булмаса, давлат бюджетига тушадиган маблаг камайиши мумкин. Темир йул транспорти чипталари нархи оширилса, чипталарга булган талабни камайтиради. Темир йул чипталарига булган талаб эластик булса, давлат бюджетига тушадиган тушум камаяди.

**Солик юкини истеъмолчи ва ишлаб чикарувчи уртасида таксимланишини товар эластиклигига кура тахлили.**

Кискача хулосалар

Маълумки, товарга булган талаб, унинг нархига, истеъмолчи даромадига ва бошка товарлар нархига богликдир. Худди шундай, таклиф товар нархига ва товарни ишлаб чикариш харажатига боглик.

Масалан, лимоннинг нархи ошса, унга талаб камаяди. Лекин, биз шу товарга талабни ёки таклифини микдорий жихатдан усиши ёки камайишини билмокчимиз. Агар лимон нархи 15% га ошса, унга булган талаб канчага узгаради? Ёки даромад 10% га ошгандаги талаб канчага узгаради? Бундай саволга жавоб бериш учун, эластиклик тушунчасидан фойдаланамиз.

**Эластиклик - бир узгарувчининг бошка бир узгарувчи таъсири остида узгаришини улчайдиган улчов; аникрок килиб айтганда, бирор узгарувчининг бир фоизга узгаришини натижасида бошка бир узгарувчининг маълум фоиз микдорга узгаришини курсатадиган сондир.**

**Бунга эну мухим мисоллардан бири булиб, нархга боглик булган талаб эластиклигидир. Бу эластиклик товар нархининг бир фоизга узгариши, унга булган талабнинг неча фоизга узгаришини курсатади.**

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. **Эластиклик хакида тушунча бериб утину.**
2. **Талаб эластиклиги нима? Унга таъсир этувчи омиллар.**
3. **Таклиф эластиклиги нима? Унга таъсир этувчи омиллар.**

## 6- МАВЗУ. ИСТЕЪМОЛЧИ ТАНЛОВИ НАЗАРИЯСИ

Режа:

**1. Истеъмолчи танлови, нафлик функцияси.**
**2. Бефарклик эгри чизиги.**
**3.Чекли алмаштириш нормаси. Бюджет чизиги.**

**1. Истеъмолчи танлови**. Бозор талабининг шаклланиши асосида шахсий (индивидгал) талаб ётади, яъни алохида истеъмолчининг талаби, хар бир шахс узининг физиологик эхтиёжларини кондириш учун кандайдир махсулотдан, канчадир сотиб олиши керак, сотиб олиш учун маълум микдорда маблаги булиши керак. Истеъмолчининг маблаги чегараланган. Истеъмолчи хар доим танлов олдида туради: кайси махсулотдан канча олиши керак. Истеъмолчининг карор кабул килиши, мавжуд имконият доирасида максимал даражада уз эхтиёжини кондиришга, турмуш фаровонлигининг даражасини оширишга харакат килади. Ушбу, эхтиёжни кондириш даражаси ёки турмуш фаровонлиги даражаси нафлик (полезность) дейилади.

Неъматнинг нафлиги - неъматнинг инсон эхтиёжини кондира олиш хусусиятидир. Истеъмол назариясида неъмат - бу истеъмолчининг эхтиёжини кондира оладиган хар кандай истеъмол объектидир.

Куп холларда неъматлар якка тартибда эмас, балки мажмуа тартибда ёки «корзина» билан истеъмол килинади.

Истеъмол назариясида истеъмолчилар маълум дидга, хохишга эга ва улар бу хохиш ва дидларини каноатлантиришда бюджетлари (даромадлари) билан чегараланган. Бундай холатда улар неъматлар мажмуаларидан, максимал наф келтирадиган мажмуани танлашга харакат килади.

Истеъмол назариясида истеъмолчининг даромади чегараланган; истеъмолчилар томонидан сотиб олинадиган неъмат нархи унинг микдоридан боглик эмас; истеъмолчилар нафлигини тулик билади, истеъмолчи максимал наф берувчи неъматлар мажмуасини танлайди, деб фараз килинади.

Истеъмол назарияси куйидаги постулатларга асосланади:

1. Истеъмолчилар барча неъматларни классификация килади ва бир-бири билан солиштира олади. Бошкача айтганда, истеъмолчи иккита $A$ ва $B$ неъматлар мажмуаларидан $A$ мажмуани $B$ га нисбатан купрок хохлаши ёки $B$ мажмуани $A$ га нисбатан купрок хохлаши ёки иккаласини хам нафлик даражаси бир хил деб, караши мумкин: агар $A$ мажмуа $B$ мажмуага нисбатан нафлирок булса, $A \succ B$. $B$ мажмуа $A$ га нисбатан нафлирок булса, $B \succ A$. Иккаласи хам бир хил даражадаги нафга эга булса $A = B$.

Шуни таъкидлаш керакки, бу танлаш мажмуалар кийматига боглик эмас. Истеъмолчи апельсинни лимонга нисбатан купрок хохлаши мумкин, лекин лимон арзонрок булгани учун, истеъмолчи лимонни сотиб олади.

2. Истеъмолчи хохиши транзитивдир. Агар истеъмолчи $A$ мажмуани $B$ га нисбатан купрок хохласа ва $B$ мажмуани $C$ мажмуадан кура купрок хохласа, унда у $A$ мажмуани $C$ мажмуага нисбатан купрок хохлаган булади, яъни:

$$A > B; \quad B > C; \Rightarrow A > C.$$

3. Туйинмаслик. Истеъмолчи хар доим хар бир неъматнинг камрок кисмидан кура, купрок кисмини олишни хохлайди (бу шарт хаётда хар доим хам бажарилавермайди).

**Нафлик функцияси.** Австрия иктисодчилар мактаби намоёндалари К.Менуер, Е.Бем-Баверк, Ф.Визерлар биринчилар каторида талаб билан нарх, товар захираси ва унинг микдори уртасидаги богликликни урнатишга уринганлар. Улар асослашича, чегараланган ресурслар шароитида, уларнинг хажми нархга таъсир килувчи мухим омиллардан бири хисобланади. Улар кетма-кет истеъмол килинадиган, бирор-бир неъматнинг нафи камайиш хусусиятига эга эканлиги тугрисидаги конуниятни аниклашди. Масалан, чанкаган инсон бир стакан минерал сувни зур хохиш билан ичади, иккинчи стакан сув унга биринчи стакан сувдай наф бермайди, учинчиси - иккинчисига нисбатан камрок наф беради ва хоказо. Бу охирги стакан сув берадиган наф нолга тенг булуунча давом этади. Бу ерда умумий (йигинди) наф ошиб боради, лекин хар бир кейинги стакан сувдан оладиган наф камайиб боради, натижада умумий нафликнинг камайиши кузатилади.

Истеъмолчи харакатини аникрок тахлил килиш учун нафлик функциясидан фойдаланамиз. Нафлик функцияси - истеъмолчининг истеъмол киладиган неъматлар хажми билан, у ушбу неъматларни истеъмол килиш натижасида оладиган нафлик даражасини ифодалайди.

Бизда канча куп неъмат булса, кушимча бир бирлик неъмат киммати, биз учун шунча паст булади. Демак, неъматнинг нархи, унинг умумий нафлигига эмас, балки чекли нафлилиги билан белгиланади. Демак, нафлик функцияси, нафлик даражасини истеъмол килинган неъматлар хажмига богликлигини ифодалайди:

$$U = f(x_1, x_2, ..., x_n),$$

бу ерда $U$ - нафлик даражаси;

$x_1, x_2, ..., x_n$ - 1, 2, ..., $n$ - неъматлар хажми.

Нафлик функцияси оркали нафакат умумий нафликни ифодалаш мумкин, балки кетма-кет неъматдан кушимча бир бирлик истеъмол килиш натижасида оладиган кушимча усган наф микдорини ифодаловчи, чекли нафни хам аниклаш мумкин.

**Чекли нафлик** - бу нафлик функциясидан бирор бир неъмат узгарувчиси буйича олинган хусусий хосиладир.

$$MU_i = \frac{\partial U}{\partial X_i},$$

бу ерда $X_i$ - $i$ -неъмат микдори;

$MU_i$ - $i$ -неъмат буйича чекли нафлик.

Чекли нафлик $(MU)$ - бу бирор неъматдан кушимча бир бирлик истеъмол килиш натижасида (бошка неъматлар истеъмоли узгармаганда) истеъмолчи томонидан олинадиган кушимча наф.

Одатда, бирор-бир неъматни истеъмол килиш ошганда (бошка неъматлар истеъмоли хажми узгармаганда), умумий нафлик усади. Демак чекли нафлик мусбат.

$$MU > 0.$$

Лекин, шу билан бирга, бирор-бир неъматдан хар бир бирлик кушимча истеъмол (бошка неъматлар истеъмолга хажми узгармаганда) олдингисига нисбатан камрок наф беради ва неъматнинг бу хусусиятига ***чекли нафликнинг камайиш конуни*** дейилади.

Математик тилда бу нафлик функциясининг иккинчи тартибли хосиласи нолдан кичик дегани:

$$(MU)' = \frac{\partial^2 U}{\partial X^2} < 0 .$$

Талабни аниклашнинг асосида чекли нафлигининг камайиш конуни ётади. Маълумки, истеъмолчи учун неъматнинг чекли нафлиги камайиб боради ва ишлаб чикарувчилар кушимча бирлик махсулот сотишлари учун неъмат нархини пасайтиришлари керак булади.

Умумий нафлик билан чекли нафликнинг узгариши куйидаги расмда келтирилган (1-расм).




1-расм. Умумий нафлик ва чекли нафликнинг узгариши.

1-расмдан куриниб турибдики, неъмат микдори $Q$ нинг ошишига, умумий нафлик $U$ нинг ошиши тугри келади (*а*-расм). Неъмат микдори $Q$ ошганда умумий наф ошгани билан, чекли наф ( $MU$ - хар бир кушимча бирлик неъматнинг нафи) камайиб боради (*б*-расм). Максимал нафлик $Q^*$ нуктада эришилганда, бу нуктада чекли нафлик ( $MU$ ) нолга тенг булади.

Истеъмолчининг эну яхши истеъмол неъматлар мажмгини танлашини, неъматлар тури иккита булган хол учун караймиз. Умуман олганда бу тахлилни кескин даражада чекламайди. Хакикатдан хам истеъмолчи танловини берилган неъмат билан бошка колган барча неъматлар уртасида карасак хам булади. Иккита неъмат учун нафлик функцияси куйидаги куринишга эга (2-расм).

Расмда келтирилган нафлик функцияси $U = U(X_1, X_2)$ нинг графигида функциянинг $U_1$ ва $U_2$ кийматларига тугри келувчи чизиклар келтирилган. Масалан, $ABC$ чизиги нафлик функциясининг $U_1$ кийматига мос келади ва шу

$ABC$ чизикнинг хар бир нуктасига мос келувчи $X_1$ ва $X_2$ неъматлар микдори комбинациялари бир хил даражадаги нафлик $U_1$ ни таъминлайди.




2-расм. Икки узгарувчили нафлик функцияси графиги.

Графикдаги $ABC$ чизикнинг $X_1 0 X_2$ текисликдаги проекцияси $A_1 B_1 C_1$ эгри чизик нафлик функциясининг $U_1$ кийматига тугри келувчи бефарк эгри чизиги дейилади. Нафлик функциясининг $U_1$ ва $U_2$ кийматларига мос келувчи бефарк чизиклар куйидаги куринишга эга.




3-расм. Бефарклик эгри чизиклари.

## 2.Бефарклик эгри чизиги

**Бефарклик эгри чизиги** - бу истеъмолчи учун бир хил наф берувчи неъматлар комбинацияларини ифодалайди. Фараз килайлик, $X_1$ - гамма, $X_2$- фанта ичимлиги.



4-расм. Гамма ва фанта ичимлиги учун бефарклик эгри чизиги.

4-расмдаги графикда битта гамма билан учта фанта ичимлиги ( $A$ нукта) берадиган наф, 2 та гамма билан 2 та фанта ичимлиги ( $B$ нукта) берадиган нафга тенг. Демак, бефарклик эгри чизиги бир хил наф берадиган гамма ва фанта ичимликлари комбинациялари нукталаридан иборат. Бефарклик эгри чизиклар мажмуаси бефарклик эгри чизиклари картасини беради (5-расм).




5-расм. Бефарклик эгри чизиклари картаси.

Бефарклик эгри чизиклари бир-бири билан кесишмайди. Бефарклик эгри чизиклари канчалик унуда ва тепада жойлашган булса, унга тугри келадиган нафлик шунча юкори булади: Масалан, 27-расмдаги бефарклик эгри чизиклари жойлашувига кура $U_3 > U_2 > U_1$ деб ёзиш мумкин.

**Неъматларнинг бир-бирини урнини босиши.** Неъматларнинг бир-бирини урнини босиш зонаси деб - бир неъмат билан иккинчи неъматни самарали алмаштириш мумкин булган ораликга айтилади (6-расм).



6-расм. Алмаштириш зонаси.

Расмдаги $0N$ га тенг булган $X_1$ неъматнинг микдори истеъмолчи учун шундай зарурий минимал микдор хисобланадики, у ушбу микдордаги неъматнинг урнига $X_2$ неъматдан канча куп таклиф килинмасин воз кеча олмайди. Худди шундай $0F$ микдорга тенг булган $X_2$ неъматнинг микдори хам истеъмолчи учун зарурий минимал микдор хисобланади. $X_1$ ва $X_2$ неъматларнинг узаро алмашиш сохаси булиб $VW$ оралик хисобланади. Бу ораликда, бу икки неъматнинг бир-бири билан алмаштириш мазмунга эга.

## 3. Чекли алмаштириш нормаси. Бюджет чизиги.

**Чекли алмаштириш нормаси.** Бефарклик эгри чизигининг пастга томон ётиклиги $X_2$ неъматни $X_1$ неъмат билан чекли алмаштириш нормасини ифодалайди. Чекли алмаштириш нормаси одатда $MRS_{X_1,X_2}$ билан белгиланади.

Чекли алмаштириш нормаси $MRS_{X_1,X_2}$ нинг микдори уоризонтал ук буйича ифодаланган $X_1$ неъматнинг бир бирлиги учун, вертикал ук буйича ифодаланган $X_2$ неъматнинг канча микдоридан воз кечиш мумкинлигини курсатади.




7-расм. Чекли алмаштириш нормаси.

Бефарклик эгри чизиги координата бошига нисбатан ботик булгани учун, *MRS* бир неъмат билан бошка неъматни алмаштириш ошиб борган сари

камайиб боради. 7-расмда $X_2$ уки буйича ажратилган $\Delta X_2$ ни $X_1$ уки буйича ажратилган $\Delta X_1$ га нисбатан чекли алмаштириш нормасини беради:

$$MRS_{X_1,X_2} = \frac{-\Delta X_2}{\Delta X_1};$$

$MRS_{X_1,X_2}$ - $X_1$ билан $X_2$ ни чекли алмаштириш нормаси.

$MRS$ бефарклик эгри чизигининг хар кандай нуктасида, шу нуктадан утган чизикнинг тануенс бурчаги ётиклигининг абсолют кийматига тенг.

Бефарклик эгри чизигининг тануенс бурчаги ётиклиги манфий булгани учун $MRS_{X_1,X_2}$ манфий булади. Лекин, $MRS$ мусбат булиб, у бурчак ётиклигининг абсолют киймати буйича олинади.

Агар функция узлуксиз булса,

$$MRS_{X_1,X_2} = -\frac{dX_2}{dX_1}.$$

Масалан, $\Delta X_1 = 1$ китобга ва $\Delta X_2 = 3$ та бананга тенг булса, $MRS_{X_1X_2} = -3$ булади ва истеъмолчи битта китоб учун учта бананни беришга тайёр. Курсатиш мумкинки, бу ерда 3 та банандан олинадиган наф битта китобдан олинадиган нафга тенг.

Бошка томондан нафлик функцияси $U(X_1, X_2)$ дан тулик дифференциал олсак:

$$\Delta\delta = \frac{\partial U}{\partial X_1}\cdot\Delta X_1 + \frac{\partial U}{\partial X_2}\cdot\Delta X_2.$$

$\Delta X_1$ ва $\Delta X_2$ ларни шундай танлаш мумкинки, натижада $\Delta\delta = 0$ булади. У холда куйидагини ёзишимиз мумкин:

$$MRS_{X_1,X_2} = \frac{MU_{X_1}}{MU_{X_2}} = -\frac{\Delta X_2}{\Delta X_1},$$

бу ерда $MU_{X_1} = \frac{\partial U}{\partial X_1}$ ва $MU_{X_2} = \frac{\partial U}{\partial X_2}$.

Демак, иккинчи неъматни биринчи неъмат билан бефарклик эгри чизигининг хар бир нуктасидаги чекли алмаштириш нормаси $MRS$, неъматларнинг шу нуктадаги чекли нафликлари нисбатига тенг.

**Бюджет чизиги.** Бефарклик эгри чизиклари бир неъмат билан иккинчи неъматни алмаштириш мумкинлигини курсатади, холос. Лекин, улар истеъмолчи учун кайси товарлар мажмугаси купрок нафлироклигини курсата олмайди. Бундай масалани бюджет чизиги ёрдамида ечиш мумкин. Бюджет чегараси товарлар нархига ва истеъмолчининг даромадига асосланади ва у мавжуд пул маблагларида кандай истеъмол товарлар мажмуасини сотиб олиш мумкинлигини курсатади. Бюджет чегарасини иккита неъмат мисолида курадиган булсак, агар истеъмолчи даромади $R$ булса, $X_1$ ва $X_2$ лар биринчи ва иккинчи неъматлар микдори, $P_1$ ва $P_2$ лар мос равишда, биринчи ва иккинчи неъматларнинг нархлари булса, бюджет чегараси берилган даромад $R$ хамда $P_1$ ва $P_2$ нархларда истеъмолчи томонидан сотиб олиниши мумкин булган, биринчи ва иккинчи неъматларнинг барча комбинацияларини ифодалайди. Бюджет чегарасини куйидагича ёзиш мумкин:

$$P_1X_1 + P_2X_2 \le R,$$

ва бу тенгсизлик товарларга сарфланадиган харажатлар йигиндиси, истеъмолчи даромадидан ошмаслигини билдиради. $X_1$ ва $X_2$ ларнинг манфий булмаслик ($X_1 \ge 0$ ва $X_2 \ge 0$) шартини киритсак, у холда биз истеъмолчининг товарларни сотиб олиши мумкин
булган сохасини (30-расмда штрихланган кисм) аниклаган буламиз:




8-расм. Истеъмолчининг танлов сохаси.

Бюджет чегараси тенгламаси $P_1X_1 + P_2X_2 = R$ графикда $AB$ чизигини беради, бу чизикга *бюджет чизиги* дейилади.

Бюджет чизиги куйидаги тартибда аникланади ва тенгламасини куйидагича ёзамиз:

$$X_2 = \frac{R}{P_2} - \frac{P_1}{P_2} \cdot X_1,$$

бу ерда - $\frac{P_1}{P_2}$ - бюджет чизигининг бурчак коэффициенти, у бюджет чизигининг $X_1$ укига нисбатан ётиклигини ифодаловчи катталик (графикда $tg\alpha = -\frac{P_1}{P_2}$). Бюджет чегараси тенгламасида $X_1 = 0$ булганда, $X_2 = \frac{R}{P_2}$ булади ва бу холда барча даромад $X_2$ неъматга сарфланади (графикда $A$ нукта булиб, унинг координаталари $\left(X_1 = 0;\ X_2 = \frac{R}{P_2}\right)$ ва у $\frac{R}{P_2}$ микдорда сотиб олинади).

Энди $X_2 = 0$ десак, $X_1 = \frac{R}{P_1}$, бу холда барча даромад $X_1$ неъматни сотиб олишга сарфланади ва у $\frac{R}{P_1}$ микдорда сотиб олинади (графикда $B$ нукта). Демак, бюджет чизиги координаталар укини $X_1 = \frac{R}{P_1}$ ва $X_2 = \frac{R}{P_2}$ нукталарда кесиб утади. Бюджет чизигидаги нукталарда даромад тулик сарфланади. Штрихланган сохадаги нукталарда (масалан, $C$ нуктада) даромад тулик сарфланмайди. Агар танлов нуктаси бюджет чизигидан уну томонда ётса ($D$

нукта) даромад ушбу нуктага тугри келадиган неъматлар комбинациясини сотиб олишга етмайди.

Бюджет чизигининг манфий ётиклиги, абсолют киймати буйича товарлар нисбати $\frac{P_1}{P_2}$ га тенг (бу катталик $tg\alpha$ булиб, $tg\alpha = -\frac{R/P_2}{R/P_1}$ ёки $tg\alpha = -\frac{P_1}{P_2}$).

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Истеъмолчининг танловини бозор шароитида кайси омиллар белгилайди?
2. Чекли нафликнинг мазмунини изохлану.
3. Чекли нафликнинг камайиши конунини хаётга тадбик этиш мумкинми?
4. Бефарклик эгри чизикларининг шакли ва жойлашуви нима билан аникланади? Бефарклик эгри чизиклари нима учун кесишмайди?
5. Истеъмолчининг танловига товар нархини ва истеъмолчи даромадини кандай таъсир килишини изохлаб берину.
6. Бюджет чегараси ва истеъмолчининг танлов сохаси кандай аникланади?

**7-Мавзу: ДАРОМАД ВА АЛМАШТИРИШ САМАРАЛАРИ**
**Маъруза хажми – 2 соат.**
**Режа:**

5. **Даромад-истеъмол чизиги.**
6. **Нарх-истеъмол сизигии.**
7. **Паст категориряли неъмат. Гиффен самараси.**
8. **Бозор талаби.**

Натижада бюджет чизиги унуга-юкорига силжийди. Худди шундай нархларнинг усиши, реал даромадни камайтиради - бюджет чизиги пастга-чапга силжийди.

Реал даромаднинг усиши натижасида бюджет чизиги $A_1, A_2, A_3, ..., A_n$ холатларга кетма-кет силжийди (10-расм).



10-расм. «Даромад-истеъмол» чизиги.

Даромадларнинг узгаришига мос равишда истеъмолчининг янги холатдаги мувозанат нукталари урнатилади: $E_1, E_2, E_3, ..., E_n$. Ушбу мувозанат нукталарини туташтирувчи чизикни америкалик олим Дж.Хикс «даромад-истеъмол» чизиги деб атади ва бу чизик илмий адабиётларда «турмуш даражаси» чизиги деб хам аталади.

Агар «даромад-истеъмол» чизиги координата бошидан $45^0$ бурчак остидаги тугри чизикдан иборат булса, даромаднинг усиши, истеъмолчининг истеъмол киладиган неъматлари бир хил пропорцияда усади. Агар истеъмолчи неъматларни хар хил пропорцияда харид килса, $W$ чизигининг ётиклиги узгаради. 32-расмда товарлар сотиб олиш бошида тез суръатда усади, кейинчалик $X_1$ товарни сотиб олиш, $X_2$ товарга нисбатан ошиб боради.

Немис олими Эрнст Энуель (1821-1896) биринчи булиб даромад узгаришининг истеъмол таркибига таъсирини тадкик килган. Товарлар таркибининг даромадга нисбатан узгаришини ифодаловчи чизиклар, *Энуель эгри чизиклари* дейилади (11-расм).




11-расм. Энуель эгри чизиклари.

Уоризонтал ук буйича истеъмолчи даромади $R$, ордината уки буйича - сотиб олинадиган товарлар микдори $Q$ белгиланган.

Истеъмолчи эхтиёжи биринчи навбатда озик-овкат махсулотлари билан туйинади ($Q_1$ - озик-овкат махсулотлари), кейин стандарт сифатли саноат махсулотлари $(Q_2)$ билан ва нихоят, олий сифатли товарлар ва хизматлар $(Q_3)$ билан. Булардан ташкари, олий сифатли товарлар ва хизматларга утганда хам, стандарт сифатли саноат махсулотларига талабнинг янги сакраш конунияти кузатилган.

**«Нарх-истеъмол» чизиги.** Юкорида «даромад-истеъмол» чизиги каралганда, неъматлар нархи узгармайди, деб кабул килинган эди. Энди даромадни узгармас, деб караймиз ва неъматлардан биттасини, масалан, $X_1$ неъматнинг нархини узгарувчан деб караймиз. Фараз килайлик, $X_1$ неъматнинг нархи $P$ кетма-кет камайиб бормокда, яъни $P > P_1 > P_2 > P_3$ ва хоказо.

Графикда нархнинг бундай узгариши, бюджет чизигининг $AB$ холатдан $AB_1$, $AB_2$ ва $AB_3$ холатларга силжитади (12-расм).

а)







б)

12-расм . «Нарх-истеъмол» (а) ва талаб чизиги (б).

**Агар биз оптимал мажмуа нукталарини (бефарклик эгри чизиклари билан бюджет чизиклари кесишган нукталарни) чизик билан бирлаштирсак, бу чизик «Нарх-истеъмол» чизиги булади (а расмдаги $V$ чизиги). «Нарх-истеъмол» чизигига кура, талаб чизигини аниклаш мумкин (б) расм. Бу холда ордината буйича**

**Даромад ва алмаштириш самаралари**. «Даромад-истеъмол» чизигини тахлил килганимизда, даромад узгаришини ( нархлар узгарганда) истеъмолга таъсирини урганган эдик. «Нарх-истеъмол» чизиги оркали нархларнинг узгаришини бир неъмат билан бошка бир неъматни нисбий алмаштиришга таъсири урганилади. Энди биз $X_1$ неъматга булган талабни узгаришининг канча кисми нарх билан боглик ва канча кисми даромад билан богликлигини куриб чикамиз (13-расм). Нархнинг хар кандай узгариши, биринчидан: реал даромадни оширади, натижада бефарклик эгри чизиги силжийди ва истеъмолчи сотиб олиши мумкин булган неъматлар таркибини узгартиради; иккинчидан - нархлар нисбатини узгартиради ва бир неъмат (Б) билан бошка неъмат (А) алмаштирилади.

Неъматлар мажмуасига (*А* ва *Б* неъматлар) булган талаб узгаришининг канча кисми реал даромад таъсири ва канча кисми нархнинг пасайиши билан боглик эканлигини аникламокчимиз. 35-расмда бюджет чизигининг бошлангич холати *БА* ва *А* неъмат нархи пасайгандан кейинги холати *БА′* келтирилган. Бошлангич бюджет чизигида $U_1$ бефарклик эгри чизигига мос келувчи оптимал мажмуа $E_1$ нукта билан ифодаланган.



13-расм. Нормал товарлар учун даромад самараси.

$E_1$ нуктада истеъмолчи $Б$ неъматдан $Б_1$ микдорда, $А$ неъматдан $A_1$ микдорда сотиб олади. $А$ неъматнинг нархи тушгандан кейин, янги оптимал мажмуа БА′ бюджет чизиги билан $U_2$ бефарклик эгри чизиклари кесишган $E_3$ нуктага утади. $E_3$ нуктада истеъмолчи $Б_3$ микдорда $Б$ неъматдан ва $A_3$ микдорда $А$ товардан сотиб олади.

Демак, $А$ неъмат нархининг пасайиши истеъмолчининг реал даромадини, унинг товар сотиб олиш имкониятини оширади, яъни унинг уз эхтиёжини кондириш даражасини оширади. Бу ерда $А$ неъматни истеъмол килиш хажмининг умумий узгариши (унинг нархи тушиши хисобидан) расмда $A_1A_3$ билан белгиланган. Истеъмолчи бошида $0A_1$ микдорда $А$ неъматдан сотиб олади, нарх узгаргандан кейин сотиб олиш хажми $0A_3$ га узгаради. $Б$ товарни сотиб олиш хажми $0Б_1$ дан $0Б_3$ га кискарди.

$А$ неъмат истеъмолининг умумий узгариши $A_1A_3$ га умумий самара дейилади. Энди умумий самарани даромад самарасига ва алмаштириш самарасига кандай ажралишни курамиз.

Даромад самарасини аниклаш учун БА′ бюджет чизигига параллел килиб Б′А″ бюджет чизигини $U_1$ бефарклик эгри чизигига уринадиган килиб утказамиз ва бу урилган нуктани $E_2$ деб белгилаймиз. $E_2$ нуктага мос келувчи оптимал мажмуадаги $А$ неъмат микдори $A_2$ га тенг ва у $A_1A_3$ умумий самарани икки кисмга ажратади: $A_1A_2$ ва $A_2A_3$. $A_2A_3$ узгаришга *даромад самараси* дейилади ва $A_1A_2$ узгаришга - *алмаштириш самараси* дейилади.

**Даромад самараси** - бу неъмат нархи узгариши (алмашиш самараси хисобга олинмаганда) натижасида реал даромад узгаришининг истеъмолчи талабига таъсиридир. Даромад самараси - бу истеъмолчининг сотиб олиш имкониятини ошганлигини курсатади ва у бир бюджет чизигидан бошка бюджет чизигига истеъмолчининг оптимал товарлар мажмуасини утишини акслантиради.

**Алмашиш самараси** - бу нафлик даражаси узгармаганда, товарлар нархи узгариши муносабати билан истеъмол товарлар талаби таркибининг узгаришидир. Алмашиш самараси $А$ неъмат нархини узгариши натижасида $Б$ неъматни кушимча $А$ неъмат билан алмаштирилишини ифодалайди. Бу алмаштириш бефарклик эгри чизиги $U_1$ буйича булади.

Бозор шароитида даромад самараси ва алмаштириш самарасини ажратилиши, товарларга нарх белгилашдаги конуниятларни яхширок тушунишга ёрдам беради. Биз даромад ва алмаштириш самараларини нормал

товарлар учун куриб чикдик. Паст катеуорияли товарлар учун даромад ва алмаштириш самаралари уз хусусиятларига эга.

## 4. Бозор талаби

Бозор талаби алохида бозордаги истеъмолчиларнинг индивидгал талаблари йигиндиси билан аникланади. Бозор талаби чизиги эса маълум бзордаги истеъмолчиларнинг индивидгал талаблари чизикларини кушиш оркали олиниши мумкин.

Куйидаги 14-расмда ушбу истеъмолчиларнинг талаб чизиклари ва бозор талаб чизиги келтирилган. Бозор талаби чизиги хар бир истеъмолчининг берилган нархлардаги талабларини кушиш оркали хосил килинган.

Бозор талаби чизигининг хар бир нуктаси берилган нархда учта истеъмолчи учун канча озик-овкат бирлиги кераклигини курсатади. Масалан, нарх 3 сум булганда, бозор талаби 12 бирлик булиб, у А, Б ва В истеъмолчиларнинг нарх 3 сум булгандаги талаблари йигиндисига тенг $(2+4+6)=12.$




14-расм. Истеъмолчилар талаб чизиклари ва бозор талаби чизиги.

Истеъмолчиларнинг индивидгал талаблари чизиклари тугри чизиклардан иборат булгани билан бозор талаб чизиги хам тугри чизикдан иборат булиши шарт эмас. Нима учун деганда, юкори нархларда баъзи бир истеъмолчилар товарни сотиб олмаслиги хам мумкин ёки улар хар хил микдорда сотиб олиши мумкин.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, истеъмолчилар талабларига таъсир килувчи барча омиллар бозор талабига хам таъсир килади. Масалан, истеъмолчилар сонининг ошиб бориши бозор талаб чизигини унуга, тепага силжитади ёки булмаса, истеъмолчилар даромадларини ортиши, уларнинг озик-овкатга булган талабини оширади. Бу уз навбатида бозор талаб чизигини унуга-тепага силжишига олиб келади.

Умуман олганда, бозор талабини аниклашда хар хил демографик ууруҳларга карашли истеъмолчилар талабларини йигишга, хар хил худудларда яшовчи истеъмолчилар талабларини йигишга тугри келади. Масалан, музкаймокка булган бозор талаби урганилганда ёш болалар талаби, усмирлар талаби, аёллар талаби, нафакахурлар талаби тугрисидаги ахборотларни олишга ва уларни жамлашга тугри келади. Худди шу масалани худудлар буйича аниклаш хам мумкин.

Бозор талаби чизигини ва шу билан бирга индивидгал талаб чизигини ифодалашда товарларнинг нарх буйича эластиклик коэффициентидан фойдаланиш мумкин. Биз юкорида курган эдикки, агар талаб нарх буйича эластик булса, нархнинг пасайиши истеъмолчини товардан купрок сотиб олишга ундайди. Натижада истеъмолчининг товар сотиб олишга сарфи усади, нарх ошганда истеъмолчи сарфи камаяди.

Агар талаб эластик булмаса, нарх ошганда истеъмолчи сарфи хам ошади, нарх пасайганда камаяди. Бордию талаб бирлик эластикликка эга булса, нарх ошганда хам, ошмаганда хам истеъмолчининг товар сотиб олишга сарфи узгармайди.

нарх, абцисса уки буйича $X_1$ неъмат микдори белгиланади.

## Кискача хулосалар

Бозор талабининг шаклланиши асосида шахсий (индивидгал) талаб ётади, яъни алохида истеъмолчининг талаби, хар бир шахс узининг физиологик эхтиёжларини кондириш учун кандайдир махсулотдан, канчадир сотиб олиши керак, сотиб олиш учун маълум микдорда маблаги булиши керак. Истеъмолчининг маблаги чегараланган. Истеъмолчи хар доим танлов олдида туради: кайси махсулотдан канча олиши керак. Истеъмолчининг карор кабул килиши, мавжуд имконият доирасида максимал даражада уз эхтиёжини кондиришга, турмуш фаровонлигининг даражасини оширишга харакат килади. Ушбу, эхтиёжни кондириш даражаси ёки турмуш фаровонлиги даражаси нафлик (полезность) дейилади.

Неъматнинг нафлиги - неъматнинг инсон эхтиёжини кондира олиш хусусиятидир. Истеъмол назариясида неъмат - бу истеъмолчининг эхтиёжини кондира оладиган хар кандай истеъмол объектидир.

Куп холларда неъматлар якка тартибда эмас, балки мажмуа тартибда ёки «корзина» билан истеъмол килинади.

**Истеъмол назариясида истеъмолчилар маълум дидга, хохишга эга ва улар бу хохиш ва дидларини каноатлантиришда бюджетлари (даромадлари) билан чегараланган. Бундай холатда улар неъматлар мажмуаларидан, максимал наф келтирадиган мажмуани танлашга харакат килади.**

Назорат саволлари

2. Даромад ва алмаштириш самараларини истеъмолчининг турмуш даражасига таъсирини тушунтириб берину.

## 8- МАВЗУ. БОЗОР ВА ТАВАККАЛЧИЛИК

**Маъруза хажми – 2соат.**

**Режа:**

5. Ноаниклик шароитида танлаш.
6. Таваккалчиликка булган муносабат.
7. Таваккалчиликни пасайтириш.
8. Инвестиция ва таваккалчилик.

### 1. Ноаниклик шароитида танлаш

Шу вакт гача биз барча курсаткичлар (нарх, истеъмолчи даромади, ишлаб чикарилган махсулот микдори, олинадиган фойда, харажатлар) аник берилган деб келдик. Лекин, реал хаётда бозор субъектлари томонидан кабул килинадиган карор ноаникликлар билан боглик. Маълумки, тугри карор кабул килишнинг асосий шарти - бу ахборот. Ноаниклик шароитида карор кабул килиш деганда, тулик ахборот булмаганда карор кабул килиш тушунилади. Бирор вокеа ёки ходиса тугрисида ахборот тулик булмаса, кабул килинган карор салбий окибатлар га, яъни маълум йукотишлар га олиб келади. Ушбу йукотишлар таваккалчиликни билдиради.

Ноаниклик шароитида карор кабул килишда таваккалчилик (йукотиш) даражасини билиш, уни олдини олиш учун, таваккалчилик даражасини камайтириш учун, чора тадбирлар куриш га имкон беради.

Ноаникликка мисол тарикасида жамгарилган пулни ишончлирок булган банкка куйиш ёки таваккалчилик (йукотиш эхтимоли купрок булган) юкори булган, лекин шу билан бир га юкори дивиденд олиш мумкин булган тижорат

фондлар га куйиш тугрисида карор кабул килишни келтириш мумкин. Худди шундай ноаниклик шароитида истеъмолчилар томонидан хам, ишлаб чикарувчилар томонидан хам, сотувчи ва харидорлар томонидан карор кабул килиш га тугри келади ва бу кабул килинган карорлар албатта, маълум даражадагитаваккалчилик (йукотишлар) билан боглик булиши мумкин. Ноаниклик чекланган ресурсларни самарасиз таксимланиши га, ортикча сарфлар га, вактни йукотиш га олиб келади.

**Таваккалчиликни улчаш.** Таваккалчиликни улчашнинг асоси эхтимол тушунчаси билан боглик. Америкалик олим Ф.Найт (1885-1974) эхтимолни икки тур га булади: математик, яъни олдиндан аниклаш мумкин булган эхтимол ва статистик эхтимол. Биринчи тур эхтимол га танганинг ракам ёки уерб томонини тушиш эхтимоли $\frac{1}{2}$ га тенулигиёки уйнайдиган олти киррали тошнинг олтита ракамидан биттасини тушиши эхтимолининг $\frac{1}{6}$ га тенулигимисол булиши мумкин.

Иккинчи турдагиэхтимолни эмпирик, яъни фараз килиш йули оркали аниклаш мумкин. Масалан, корхона га хом ашёни вактида етиб келмаслик эхтимоли фараз килинганда, ушбу фараз килинган ракам бахоловчининг билими га тажрибаси га асосланади. Нима учун деганда, ушбу вокеанинг такрорланиши тугрисида статистик маълумотлар йук. Эхтимол субъектив равишда аникланганда, битта ходисани хар хил инсонлар хар хил кийматдагиэхтимол билан бахолайди.

Юкоридагимисолда вокеа га таъсир килувчи тасодифий омиллар куп ва уларни хаммасини бартараф килиш мумкин эмас. Бундан ташкари, бу ерда тену эхтимолли альтернатив вариантларнинг узини йуклигиэхтимолни математик хисоб-китоблар оркали аниклаш га имкон бермайди.

Биринчи турдагиэхтимолни объектив эхтимол десак, у иктисодиётда камрок учрайди, иккинчи турдагиэхтимол субъектив эхтимол булиб, бизнес га хосдир. Хам объектив ва хам субъектив эхтимоллар таваккалчилик даражасини ифодалашда ва танлашда фойдаланилади. Объектив эхтимол уртача кийматни аниклаш га ёрдам берса, субъектив эхтимол олиниши мумкин булган натижаларнинг уз гарувчанлик мезонини аниклаш га ёрдам беради. Таваккалчиликни микдорий аниклаш учун бирор вокеа ёки ходисанинг олиб келиши мумкин булган окибатларини ва бу окибатларнинг эхтимолини билиш керак булади.

Кутиладиган микдор - бу мумкин булган барча натижаларнинг уртача улчанган кийматлари. Бу ерда хар бир натижанинг эхтимоли ушбу мос кийматларнинг такрорланиш частотаси ёки улчови.

$$E(X) = \pi_1 x_1 + \pi_2 x_2 + \ldots + \pi_n x_n = \sum_{i=1}^{n} \pi_i x_i \text{ ,}$$

бу ерда $x_i$ - мумкин булган натижа;

$\pi_i$ - ушбу натижанинг пайдо булиш эхтимоли, $\sum_{i=1}^{n} \pi_i = 1$.

Четланиш - бу хакикий натижа билан кутиладиган натижа уртасидагифарк булиб, у таваккалчиликдан (йукотишдан) дарак беради. Ушбу фарк канча катта булса йукотиш, яъни таваккалчилик хам шунча юкори булади.

**2. Таваккалчиликка булган муносабат**

**Юкоридагимисолда курдикки, иккала иш жойида хам кутиладиган даромад 4500 сумни ташкил килади. Демак, ким таваккалчиликка бориш га мойил булмаса, иккинчи иш жойи га боради, нима учун деганда бу иш жойида кутиладиган даромад камрок таваккалчилак билан боглик. Энди фараз килайлик, биринчи иш жойидагихар бир натижа га 200 сумдан кушайлик. Унда кутиладиган натижа 4500 сумдан 4700 сум га ошади.**

Куйидаги3-жадвалда янгидаромаднинг натижалари келтирилган.

Биринчи иш жойи учун: кутиладиган даромад 4700 сум. Дисперсия 2250000 сум.

Иккинчи иш жойи учун: кутиладиган натижа 4500 сум. Дисперсия 9900 сум.

3-жадвал.

| Иш жойи | 1-натижа | Квадратик четланиш | 2-натижа | Квадратик четланиш |
|---|---|---|---|---|
| Биринчи | 6200 | 2250000 | 3200 | 2250000 |
| Иккинчи | 4510 | 100 | 3510 | 980100 |

**Биринчи иш жойида кутиладиган даромад иккинчи иш жойидагидан юкори, лекин у юкори таваккалчилик (йукотиш) билан боглик. Кайси иш жойи устунрок деганда, бу саволнинг ечими танловчи шахснинг узи га боглик. Тадбиркор шахслар юкори таваккалчилик га э га булса хам кутиладиган даромад юкорирок булган иш жойини танлайди, консервативрок (уз гаришлардан узини олиб кочувчи) шахслар кутиладиган даромад камрок булса хам, камрок таваккалчилик билан боглик ишни, яъни иккинчи иш жойини танлайди.**

Инсонлар таваккалчилик га бориш га тайёрлигибилан бир-биридан фарк килади. Инсонлар таваккалчилик га бориш га тайёрлигибуйича уч тур га булинади: тавакалчилик га бориш га мойил инсонлар, таваккалчилик га бориш га карши, яъни мойил эмас ва таваккалчиликка бефарк карайдиган инсонлар.

Таваккалчилик га карши булган инсон деганда шундай инсон тушуниладики, кутиладиган даромад берилганда, у таваккалчилик билан боглик натижалар га нисбатан, кафолатланган натижани устун куради. агар таваккалчилик га карши инсонни истеъмолчи деб карасак ва у оладиган даромади га истеъмол товарлар мажм гасини сотиб олиб, уни истеъмол килишдан маълум даражада наф олади деб фараз килсак, биз истеъмолчининг таваккалчилик билан боглик даромадининг нафлик даражаси билан кандай боглик эканлигини куришимиз мумкин (1-расм). Таваккалчиликка карши инсон

даромади паст даражадагичекли нафликка э га эканлигини курамиз. Расмдан куриш мумкинки, хар бир бирлик кушимча даромад га тугри келадиган кушимча нафлик даромад ошиши билан камайиб бормокда. Масалан, 20-30 мину сумлик даромад оралигидагихар мину сум даромад га 0,8 бирлик наф тугри келса, 31-мину сумлик даромад га 0,6 наф бирлигитугри келаяпти). Чекли нафликни камайиши инсонларда таваккалчилакка салбий муносабатини кучайтиради. Шунинг учун хам таваккалчилик га бориш га мойилликнинг йуклигикупчилик инсонлар га хосдир. Таваккалчилик улар учун огир синовдек хисобланади ва улар маълум компенсация булгандагина таваккалчиликка бориши мумкин.



1-расм. Таваккалчиликка мойил булмаган холат.

Таваккалчиликка бефарк карайдиган инсон шундай инсон хисобланадики, кутиладиган даромад берилганда, у кафолатланган натижа билан таваккалчилик билан боглик натижаларни танлаш га бефарк карайди. Таваккалчиликка нейтрал карайдиган инсон учун уртача фойда мухим хисобланади. Уртача киймат га нисбатан чекланишлар бир-бири билан кискариб, умумий четланишлар нол га тену булгани учун хам ушбу четланишлар уни кизиктирмайди. Таваккалчиликка бефарклик координата бошидан чикадиган тугри чизик сифатида ифодаланиши мумкин (2-расм).

Даромаднинг бир текисда уз гариши умумий нафликни тугри чизик буйича усиш га олиб келади.

Таваккалчиликка мойил булган инсон, шундай инсон хисобланадики, кутиладиган даромад берилганда у кафолатланган натижа га кура таваккалчилик билан боглик натижани устун куради.




2-расм. Таваккачиликка бефарклик.

Таваккалчиликка кизикадиган инсон ундан бахра олади. Бундай турдагиинсонлар га уз такдирини синаб куришдан бахраманд булиш учун баркарор даромаддан воз кеча оладиган инсонлар киради. Улар ютиш эхтимоли га юкори бахо бериб юборадилар. Таваккалчиликка мойиллик графигикескин суръатда ортиб бораётган парабола графигиоркали ифодаланиши мумкин (3-расм).




3-расм. Таваккалчиликка мойиллик

Хаётда ва умуман барча бозор субъектлари таваккалчиликни эътибор га олади. Кучалардаги, бозорлардагихар хил фириб гарлар таваккалчиликка мойил инсонлар хисобидан бойлик орттирса, сугурта компаниялари таваккалчиликка мойил булмаган инсонларни йукотишларини камайтириш га хизмат киладилар.

### 3. Таваккалчиликни (йукотишларни) пасайтириш

Таваккалчиликни пасайтиришнинг куйидагитурлари мавжуд: диверсификация, сугурталаш, таваккалчиликни таксимлаш, ахборот излаш.

Диверсификация усулида таваккалчилик бир неча товарлар га таксимланади, яъни бирор товарни сотиш (сотиб олиш) юкори таваккалчилик

билан боглик булиши бошка бир товарни сотишдан (сотиб олишдан) буладиган таваккалчиликни камайтириш га олиб келади.

Масалан, бирор фирма икки хил махсулот ишлаб чикаради. Маълумки, бир вактнинг узида иккала махсулот тури га булган талабнинг камайиб кетиш эхтимоли, улардан биттаси га булган талабни камайиб кетиш эхтимолидан юкори. Куп холларда бир турдагимахсулот га булган талаб камайганда иккинчи турдагимахсулот га булган талаб ошади. Куйидаги4-жадвалда икки турдагимахсулотдан олинадиган даромадлар келтирилган.

4-жадвал

Товарларни сотишдан тушган даромад.

| Товарлар тури | Ёз фасли | Киш фасли |
|---|---|---|
| 1-тур (музкаймок) | 6 млн. сум | 1 млн. сум |
| 2-тур (иссик чой) | 1 млн. сум | 6 млн. сум |

Фирма уз ишлаб чикаришини диверсификация килиб ёз ойида иккинчи тур товар хисобидан йукотадиган даромадини биринчи тур товарни купрок сотиш хисобидан коплайди. Худди шундай киш фаслидагийукотишлар иккинчи товар хисобидан копланади. Куриниб турибдики фирма диверсификация йули билан таваккалчиликни камайтирди. Лекин, диверсификация таваккалчиликни тулик йукотмайди, у факат камайтиради холос.

**Таваккалчиликларни кушиш** - ушбу усул тасодифий йукотишларни уз гармас харажатлар га айлантириш оркали таваккалчиликни камайтириш га каратилган. Маълумки, мулкнинг угирланиши, шахснинг касал булиб иш га чикмаслиги, табиий офатларнинг булиши тасодифий булиб улар жуда катта харажатлар га олиб келиши мумкин. Ушбу нохуш ходисаларнинг окибатларини камайтиришда сугуртанинг ахамияти катта.

Узбекистонда хам хозирги вактда купгина инсонлар уз хаётларини, мулкини сугурталайдилар. Сугурта ишларини йул га куйиш учун республикада махсус конунлар ишлаб чикилган ва бир катор давлат ва нодавлат сугурталаш фирмалари фаолият курсатмокда.

Сугурталашда таваккалчиликни кушиш самарадорлигишу билан белгиланадики, сугурталанган шахсларнинг таваккалчилигибир-бири га боглик булмаслигикерак.

**Таваккалчиликни таксимлаш** - ушбу усул га кура йукотиш эхтимоли билан боглик булган таваккалчилик билан катнашувчи субъектлар уртасида шундай таксимланадики, окибатда хар бир субъектнинг кутиладиган йукотиши нисбатан кичик булади.

Ушбу усулдан фойдаланган холда йирик молия компаниялари катта масштабдагилойихаларни ва илмий изланишларни таваккалчиликдан куркмасдан молиялаштирадилар.

Ахборот билан таъминлаш хам таваккалчиликни камайтиради. Нима учун деганда, ахборотнинг етишмаслигинотугри карор кабул килиш га олиб келади. Хозиргивактда ахборот асосий такчил ресурслардан бири булиб, уни олиш учун хак тулаш керак, яъни ахборот олиш харажат билан боглик, баъзи ахборотлар нихоятда киммат туради. Шунинг учун хам керакли булган ахборотдан канча

олиш керак деганда, унинг чекли харажати билан чекли нафини солиштириб куриш керак булади.

**Асимметрик ахборотлашган бозор.** Асимметрик ахборот - бу шундай холатки, бозордагибозор субъектлари уртасида буладиган савдо-сотикда уларнинг бир кисми керакли, мухим ахборот га э га, колган кисми эса э га эмас.

Бозордагитоварларни таксимланиши оптимал булиши товарлар нархи ва товар тугрисида канчалик тугри ахборот бериши билан боглик. Ракобатлашган бозорни караганимизда биз ахборотни симметрик равишда таксимланган, яъни сотувчилар ва сотиб олувчилар ахборот билан тулик таъминланган, деб фараз килган эдик. Бундай холатда нархлар сотиладиган неъматларнинг альтернатив харажатлари тугрисида тулик ахборот беради. Аник ва тулик ахборотнинг булиши бозордагинеъматларнинг оптимал таксимланиши га ёрдам беради. Лекин, бозорда ахвол бутунлай бошкача. Сотувчилар уз товарлари сифатини яхши билсада, ушбу ахборотни харидордан яширади. Худди шундай харидорлар хам узларининг бозордагихатти-харакатларини яшириб, хар хил йул билан савдо-сотикда бир томонлама ютукка эришиш га харакат килади. Бозор нархи узида жуда куп ахбортни мужассамлаштиради. Ушбу ахборотни бозор катнашчилари канча тулик билса, савдо-сотик икки томон учун шунча самарали булади, яъни икки томон хам максимал фойда куради. Юкоридагидан келиб чикиб айтиш мумкинки, бозорда ахборотлар асимметрик (тулик) булмаганлигиучун бозор механизми хам етарли даражада мукаммал эмас.

**Махсулот сифати ноаниклиги. Автомобил ва сугурта бозоридагиасимметрик ахборот.** Фараз килайлик, бозорда фойдаланилган автомобиллар сотилади. Фараз килайлик, машинанинг холати (сифати) уртача холатдан юкори булса яхши автомобил, паст булса - ёмон автимобил (ушбу масалани 1970 йилда биринчи булиб америкалик олим А.Акерлоф урганган). Яхши автомобилларнинг нархи 3000 долл. агар бозорда иккала катеуориядагиавтомобиллар сони бир-бири га тену булса, автомобилнинг уртача нархи 2000 долл. булади. Ушбу холатда яхши автомобилни хам, ёмон автомобилни хам сотиб олиш эхтимоли 50 фоиз га тену.

Бирок сотувчилар узларининг автомобили сифатини яхширок билади, харидорлар бундай ахборот га э га эмаслар. Яхши машина сотувчиларни 2000 долл. нарх каноатлантирмайди. Ёмон машина сотувчиларни эса 2000 долл. нарх каноатлантиради ва бу нарх улар кутган нархдан анча юкори.

Бозорда асимметрик ахборот булган шароитда автомобил бозоридагинарх автомобил сифати тугрисида тулик ахборотни бермайди, натижада бозордагисавдо-сотикларни норационал булиши га олиб келади. Яхши автомобил э галари уз автомобилларини 2000 долл.да сотишдан воз кечадилар. Окибатда яхши автомобиллар таклифи камаяди. Ёмон автомобиллар нархи юкори булган учун, уларнинг таклифи ошади. Бундай холатда яхши автомобил олиш эхтимоли 50 фоиздан нол га тушиб кетади.

**Сугурталаш бозори.** Сугурталаш бозорида хам автомобиллар бозоридагихолатни кузатиш мумкин. Сугурта килинадиган шахс узининг сугурта объекти тугрисида сугурталовчи га караганда купрок ахборот га э га. Шунинг учун хам, бу ерда заифрок, соглиги яхши булмаган шахслар купрок сугурта компанияси хизматидан фойдаланиш га харакат киладилар. Ушбу холат

сугурта компанияларини сугурта нархини ошиши га олиб келади ва юкори сугурта нархи уз навбатида соглигияхши булган шахсларни сугурталаш га бормаслигини кучайтиради.

Маънавий таваккалчилик (йукотиш) - йукотишлар сугурта компанияси томонидан тулик копланиши га ишониб вужуд га келиши мумкин булган йукотишлар эхтимолини онули равишда ошириш га интилувчи шахсларнинг хатти-харакати.

Инсонлар уз хаётини, мулкини сугурталагандан кейин, узининг хаёти га, мулкининг сакланиши га купинча бефарк карай бошлайдилар. Улар сугурталаш гача килинадиган эхтиёт-чораларни бажармай куядилар. Бундай холат таваккалчиликни кучайтиради ва инсон узини сугурта килган вокеа-ходисаларнинг содир булиш эхтимолини ошиши га олиб келади.

Баъзи бир нопок инсонлар юкори сугурта хаки олиш максадида, онули равишда узининг эски уйини ёкади, мулкини яроксиз холат га келтиради ва хатто уз кариндошларини улдириш гача борадилар.

Маънавий йукотишларни куйидагийуллар оркали камайтириш мумкин:

* сугурталанадиган шахсларни яхширок текшириш, мижозларни йукотишлари буйича классификация килиш асосида сугурта бадалини дифференциялаш (яъни, йукотиши юкори булган шахс учун юкори сугурта бадали белгилаш);
* юкори йукотиш га э га буладиган шахслар билан сугурта шартномасини тузмаслик (наркоманлар, спиртли ичимлик ичиб автомобил хайдайдиган шахслар);
* йукотишни кисман коплаш шарти билан сугурталаш.

**Бозордагиасимметрик ахборотларни йукотиш йуллари.**

**Бозор сиуналлари**. Бозорда сотиладиган товар тугрисида, товарни ишлаб чикарувчи фирманинг номи тугрисидагиахборотлар, товар маркаси, фирма белгиси, фирманинг обрги, товар сифати ва кафолати тугрисидагиахборотлар бозор сиуналлари булиб хизмат килади ва бу сиуналлар товар сотиб олишдагитаваккалчиликни камайтиради. Масалан, сиз сотиб олмокчи булган товар сиз билган, сифатли махсулот ишлаб чикарадиган фирманинг махсулоти булса, сиз махсулотни йукотишсиз сотиб оласиз.

**Аукционлар**. Аукционлар хам ахборотлардагиасимметрияни йукотадиган бозор хисобланади. Ноёб санъат намунасига, тез бузиладиган махсулотларга (сабзавот, мева, балик) нархлар сотиш вактида урнатилади. Аукционларнинг асосан икки тури мавжуд: Инглиз ва Голланд аукционлари.

Инглиз аукциони - бу аукционда ставка пастдан юкорига караб ошиб боради ва бу ошиш таклиф килинган максимал нархда товар сотилгунча давом этади. Ушбу аукционда асосан санъат намуналари, зебу-зийнатлар ва хоказолар сотилади.

Голланд аукционида ставкалар юкоридан пастга караб, токи товар минимал мумкин булган нархда сотилгунга кадар тушиб боради. Ушбу аукционда вакт мухим ахамиятга эга, нима учун деганда аукционда асосан тез бузиладиган товарлар сотилади: гуллар, сабзавотлар, мевалар, балик ва хоказолар сотилади.

Голланд аукционида минимал мумкин булган нарх - биринчи эълон килинган нархнинг 20 фоизи хисобланади. Агар товар ушбу нархда хам сотилмаса, у сотувдан олинади.

Ёпик аукцион - бу аукционда катнашувчилар бир-бири га боглик булмаган холда товар учун ставкалар куяди ва товар ким куп ставка куйган булса, унга берилади.

Хозирги вактда истеъмолчи хукукини химоя килувчи конунлар ишлаб чикилган. Бу конунга кура истеъмолчи сотиб олинган товардан фойдаланиши давомида курган жисмоний хамда маънавий йукотишларини коплашни сотувчидан талаб килишга хаки бор. Лекин, истеъмолчи хукукини химоя килишда объектив чегара булиши лозим. Ривожланган давлатларда истеъмолчининг йукотишини коплаш сотиб олинган товар кийматининг уч баробаридан ошмаслиги керак.

Маълумки, истеъмолчи хукукини химоя килиш сотиладиган товар ва курсатиладиган хизмат тугрисида тулик ахборотга эга булишни такозо килади. Лекин, бундай ахборотни олиш мумкинми, деган савол тугилади. Бу ерда истеъмолчилар жамияти ва оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидение), конун чикарувчи ва ижро этувчи хокимият органлари мухим рол уйнайди. Ахборот беришда фирмаларнинг узи хам катта рол уйнайдилар. Лекин, ахборот учун хак тулаш керак.

Маълумки, ахборотларнинг жуда катта кисми реклама шаклида келади. Лекин, рекламалар тугри ахборот берадими ёки йукми уни аниклаш кийин. Шунинг учун хам бу ерда асосий мезон махсулот сифати билан унинг нархи уртасидаги нисбатнинг оптимал булишидадир. Маълумки, махсулот сифатининг ошиши, унинг нархини оширади.

**Олиб сотарлик ва унинг иктисодиётдаги урни.** Олиб сотарлик (савдогарлар) деганда, фойда олиш максадида бирор товарни сотиб олиб, уни юкори нархда сотиш фаолияти тушунилади. Олиб сотарлар бозор шароитида мухим рол уйнайдилар, улар ортикча товарни сотиб олиб, каерда унга талаб куп булса, уша ерга етказиб берадилар. Бу уз навбатида товарга булган нархни бутун фазо буйича маълум даражада текис булишини таъминлайди. Савдогарлар истеъмолни вакт буйича силжишини таъминлайдилар. Улар кишлок хужалик махсулотларини ёз фаслида сотиб олиб, киш фаслида сотади, ёки серхосил йилда сотиб олиб, кургокчилик келган йилда сотадилар. Ушбу холат истеъмолни мул-кулчилик вактдан истеъмол товарлари чекланган вактга кучиради ва шу билан нархларнинг текислашувини таъминлайдилар.

Савдогарлар булмаганда, серхосил йилда талаб $D$ ва таклиф $S_1$ бугганда, мувозанат холат $E_1$ нуктада урнатилган булар эди (4а-расм).



а) б)

4-расм. а) серхосил йил; б) хосилдор булмаган йил.

Хосилдор булмаган йилдаги талаб $D$ таклиф $S_2$ ва мувозанатлик $E_2$ (4б-расм). Савдогарлар серхосил йилда махсулот сотиш хажмини $Q_1$ дан $Q_1^{'}$ га кискартириб, мувозанат нархни $P_1$ дан $P_1^{'}$ га кутаради. Шу билан бирга жамгарилган махсулот захираси хосилдор булмаган йилдаги таклифни $Q_2$ дан $Q_2^{'}$ га ошириб, мувозанат нархни $P_2$ дан $P_2^{'}$ га туширади. Шундай килиб, Савдогарлар истеъмолни серхосил йилдан хосил кам булган йилга силжитиб нархни текислайдилар. Савдогарларгина кишлок хужалигидаги мавсумий тебранишларни текислашга ёрдам берадилар. Савдогарлар таваккалчиликка бормайдиганлардан йукотишларни сотиб олиб, фойда олиш максадида узлари таваккалчиликка борадилар.

Таваккалчиликни пасайтиршда фьючерслар, опцион ва хеджирлаштиришлар хам мухим рол уйнайдилар.

Фьючерслар - бу олдиндан белгиланган нархларда маълум микдордаги товарларни келажакда маълум кунда етказиш учун тузилган муддатли шартнома.

Фьючерс бозори ёрдамида кишлок хужалик махсулотлари, кофе, шакар ва бошка товарлар сотилади. Фьючерс бозори ёрдамида ишбилармон маълум микдордаги товарни бугунги нархда келажакда маълум муддатга куйиш учун шартнома тузади.

Опцион ёки мукофотга кура савдо-сотик - бу фьючерснинг бир тури булиб, унга кура бир томон комиссион тулов асосида бирор товарни келажакда сотиб олиш ёки сотиш хукукини олдиндан келишилган нархда сотиб олади. Шуни айтиш керакки, фьючерс хам, опцион хам товарлар нархини вакт буйича текислашга ёрдам беради.

Хеджирлаштириш - бу операция булиб, унга кура фьючерслар бозори ва опционлар бозори ёрдамида бир таваккалчилик бошка бир таваккалчилик билан копланади. Ушбу операциянинг мохияти шундан иборатки, нархлар узгариши билан боглик таваккалчилик (йукотишлар) Савдогар зиммасига юклатилади.

Шундай килиб, Савдогарчиликнинг ахамияти шундаки, улар ахборотларни ахборот эгаларидан олиб ахборотга мухтож булганларга етказадилар.

## 4. Инвестиция ва таваккалчилик

Маълумки, капиталнинг нархи хизмат килиш даврида ундан олинадиган дисконтирланган даромадларнинг йигиндисига тенг. Агар олинадиган даромадлар аник булса ушбу нархни хисоблаш мумкин. Агар келажакдаги даромадлар ноаник булса, у холда таваккалчилик билан боглик булади.

Активлар - бу маблаг булиб, у уз эгасини тугридан-тугри тулов (фойда, дивидендлар, рента ва бошкалар) ва яширин тулов (фирма кийматининг ошиши, кучмас мулкнинг ошиши, акциялар ва бошкалар) шаклидаги пул тушумлари билан таъминлайди. Шунинг учун хам активларнинг кайтим нормаси (инфляция хисобга олинмаганда) барча пул тушумларининг сотиб олинган актив нархига нисбати билан аникланади:

$$R = \frac{D + \left(K_1 - K_0\right)}{P} = \frac{D + \Delta K}{P}, \qquad (1)$$

бу ерда $R$ - кайтим нормаси;

$D$ - дивиденд;

$\Delta K = K_1 - K_0$ - капитал ортими;

$P$ - сотиб олинган актив нархи.

Активлар икки турга булинади: таваккалчилик билан боглик булган активлар ва таваккалчилик билан боглик булмаган активлар. Биринчисини таваккалчилик активи, иккинчиси таваккалчиликсиз актив деб кабул киламиз. Таваккалчиликсиз активлар деганда киймати олдиндан маълум булган пул тушумларини берувчи активлар тушунилади. Таваккалчилик активлари - бу шундай активларки, улардан тушадиган даромадлар кисман тасодифлар билан боглик. Шунинг учун хам таваккалчилик активлари нархи таваккалчиликсиз активлар нархидан паст булади.

Хар бир капитал куювчи икки вариантдан бирини танлаши керак булади: таваккалчилик операциялари билан боглик булганда юкори фойда олиш (бу ерда нафакат олинадиган фойдадан, балки куйилган капиталдан хам ажралиш хавфи бор), ёки таваккалчиликсиз операциялар билан боглик вариантни танлаб паст фойда олишга рози булиш. Узбекистонда давлат заёмларини сотиб олиш таваккалчиликсиз операция хисобланади.

Акциялар куп холда таваккалчилик билан богликдир. Масалан, фонд биржасига куйилган жамгарма $B$ га тену булсин. Унинг бир кисми, яъни $(b)$ кисми $(0 \le b \le 1)$ жамгарма булсин, яъни фонд биржаси акциясига сарфлансин. $(1-b)$ кисми хазина вексели сотиб олишга ажратилган кисми булсин. У холда барча кимматбахо когозлар суммасидан олинадиган уртача улчанган фойда $\left(R_y\right)$ куйидагига тенг булади:

$$R_y = b \cdot R_{\text{èí}} + (1-b) \cdot R_k, \qquad (2)$$

а $R_{\text{èí}}$ - фонд биржасига куйилган (инвестирланган) куйилмадан олиниши кутиладиган фойда (фонд биржаси акцияларидан олинадиган фойда);

$b$ - фонд биржасига куйилган жамгарманинг бир кисми;

$(1-b)$ - жамгарманинг хазина вексели сотиб олишга сарфланган кисми;

$R_k$ - хазина векселидан олинадиган таваккалчиликсиз фойда.

Фонд биржасида куйилган инвестициядан олинадиган фойда $R_{\text{èí}}$ одатда хазина векселидан олинадиган фойдадан катта булгани учун, яъни $R_{\text{èí}} > R_k$ дан (2)-тенуламани узгартириб ёзамиз:

$$R_y = R_k + b \cdot \left(R_{\text{èí}} - R_k\right). \qquad (3)$$

Фонд биржасига куйилган куйилмадан олинадиган фойданинг дисперсиясини $\sigma^2_{\text{èí}}$ деб, стандарт четланишини $\sigma_{\text{èí}}$ деб белгилаймиз. У холда уртача улчовли кутиладиган фойданинг стандарт четланиши $b \cdot \sigma_{\text{èí}}$ га тенг:

$$\sigma_y = b \cdot \sigma_{\text{èí}} \quad \text{ва} \quad b = \frac{\sigma_y}{\sigma_{\text{èí}}}. \qquad (4)$$

Энди фонд биржасига куйилган жамгарманинг кисми $(b)$ни (3)-тенуламага куйиб куйидагини оламиз:

$$R_y = R_k + \frac{R_{\text{èí}} - R_k}{\sigma_{\text{èí}}} \cdot \sigma_y. \qquad (5)$$

Ушбу тенглама бюджет чегараси булиб, таваккалчилик билан фойда уртасидаги узаро богликликни ифодалайди (5-расм).

Стандарт четланиш $\sigma_y$ ошганда кутиладиган уртача улчовли фойда $R_y$ нинг хам ошишини 5-расмдан куриш мумкин.




**5-расм. Фойда ва таваккалчилик нисбатини танлаш.**

$U_1$, $U_2$ ва $U_3$ оркали маблаг куювчининг эхтиёжини кондириш даражасини курсатувчи бефарклик эури чизикларини шундай белгилаймизки, бу ерда $U_1$ максимал даражада кондиришни ва $U_3$ минимал даражада кондиришни ифодаласин. Бефарклик эури чизиклари тепага караб силжийди, нима учун деганда, таваккалчилик $(\sigma_y)$ ошганда уни коплаш учун керак буладиган ва кутиладиган фойда хам ошади.

Таваккалчилик билан фойда уртасидаги богликликни ифодалайдиган бюджет чегарасини келтирамиз:

$$R_y = R_k + b \cdot \left(R_{\text{èí}} - R_k\right) = R_k + \frac{R_{\text{èí}} - R_k}{\sigma_{\text{èí}}} \cdot \sigma_y.$$

Агар инвестор таваккалчиликка боришни хохламасдан барча жамгармасини давлат хазина векселига сарфласа, у холда $b = 0$ ва $R_y = R_k$ (6-расм).

Агар инвестор тавакклачиликка боришга ута мойил булса, у узининг барча маблагини кимматли когозларни сотиб олишга сарфлайди, бу холда $b = 1$ булади ва $R_y = R_{\text{èí}}$ булиб, таваккалчилик кескин ошиб кетади (5-расм).




**6-расм. Кимматли когозлар пакетини хар хил капитал куювчилар томонидан танланиши.**

Хакикатда эса мувозанат холат $R_k$ билан $R_{\text{èí}}$ уртасида урнатилади (нима учун деганда, жамгарманинг бир кисми акцияга куйилса, иккинчи кисми хазина векселига куйилади). 5-расмда мувозанат нукта $E$ нукта булиб, бунга тугри келадиган мувозанат даромад $R_e$ ва фойда учун стандарт четланиш $\sigma_e$ булади. $R_e$ ва $\sigma_e$ лар $U_2$ бефарклик эури чизиги билан бюджет чизиги кесишган нукта $E$ нинг проекциялари. Мувозанат нукта $E$ бюджет чизиги устида ётади ва унинг холати инвесторнинг таваккалчиликка булган муносабати билан боглик.

Таваккалчиликка хар хил муносабатда булган икки кишининг маблаг куйишини куриб чикайлик. Биринчи кишини $A$ деб, иккинчи кишини $B$ деб белгилайлик. $A$ шахс таваккалчиликка боришга мойил эмас, шунинг учун хам у камрок, лекин баркарор фойда берадиган давлат заёмини сотиб олишга карор килади. $B$ шахс таваккалчиликка мойил булгани учун муваффакиятли ишлаётган компаниянинг акциясини сотиб олади.

Уларнинг олиши мумкин булган фойда ва таваккалчилик 6-расмда келтирилган. $A$ шахс таваккалчиликка мойил булмагани учун, унинг бефарклик эури чизиги $U_A$ бюджет чизигини $E_A$ нуктада кесиб утади. $A$ шахс кичик $\sigma_A$ таваккалчилик билан боглик кутиладиган камрок $R_A$ фойда олиши мумкин. $B$ шахс эса юкори таваккалчилик билан боглик $(\sigma_B)$ кутиладиган юкори $R_B$ фойдани олиши мумкин.

Капитал маблагларни куйишда таваккалчиликни камайтириш усулларидан бири «Портфель диверсификацияси»дир. Бу усулга кура

инвестицияларни таваккалчилик билан боглик бир неча активларга таксимлаш оркали таваккалчиликни пасайтиришга эришилади.

«Портфель диверсификацияси» мгаммоси буйича килган ишлари учун америкалик иктисодчи олим Жеймс Тобин (Йель университети) 1981 йилда Нобель мукофотига сазовор булган. Ундан «Сизга нима учун Нобель мукофоти берилди?» деб сурашганда, у «Барча тухумларни битта саватга куйиш мумкин эмаслигини исботлаганим учун менга ушбу мукофотни беришди», - деб жавоб килган эди.

**Кискача хулосалар**

Олиб сотарлик (Савдогарлар) деганда, фойда олиш максадида бирор товарни сотиб олиб, уни юкори нархда сотиш фаолияти тушунилади. Олиб сотарлар бозор шароитида мухим рол уйнайдилар, улар ортикча товарни сотиб олиб, каерда унга талаб куп булса, уша ерга етказиб берадилар. Бу уз навбатида товарга булган нархни бутун фазо буйича маълум даражада текис булишини таъминлайди. Савдогарлар истеъмолни вакт буйича силжишини таъминлайдилар. Улар кишлок хужалик махсулотларини ёз фаслида сотиб олиб, киш фаслида сотади, ёки серхосил йилда сотиб олиб, кургокчилик келган йилда сотадилар. Ушбу холат истеъмолни мул-кулчилик вактдан истеъмол товарлари чекланган вактга кучиради ва шу билан нархларнинг текислашувини таъминлайдилар. Таваккалчиликни пасайтиршда фьючерслар, опцион ва хеджирлаштиришлар хам мухим рол уйнайдилар.

Фьючерслар - бу олдиндан белгиланган нархларда маълум микдордаги товарларни келажакда маълум кунда етказиш учун тузилган муддатли шартнома.

Фьючерс бозори ёрдамида кишлок хужалик махсулотлари, кофе, шакар ва бошка товарлар сотилади. Фьючерс бозори ёрдамида ишбилармон маълум микдордаги товарни буунги нархда келажакда маълум муддатга куйиш учун шартнома тузади.

Опцион ёки мукофотга кура савдо-сотик - бу фьючерснинг бир тури булиб, унга кура бир томон комиссион тулов асосида бирор товарни келажакда сотиб олиш ёки сотиш хукукини олдиндан келишилган нархда сотиб олади. Шуни айтиш керакки, фьючерс хам, опцион хам товарлар нархини вакт буйича текислашга ёрдам беради.

## D. Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Ноаниклик ва таваккалчилик деганда нималарни тушунасиз?
2. Объектив ва субъектив эхтимоллар ва улар уртасидаги фарк.
3. Таваккалчиликка мойил, таваккалчиликка бефарк карайдиган ва таваккалчиликка бормайдиган шахсларнинг харакатини изохлаб берину.
4. Таваккалчиликни пасайтиришнинг кандай йулларини биласиз?
5. Бозордаги асимметрик ахборот кандай окибатларга олиб келиши мумкин?
6. Инвестиция таваккалчилиги деганда нимани тушунасиз?
7. Даромад ва алмаштириш самараларини истеъмолчининг турмуш даражасига таъсирини тушунтириб беринг.

## 9-МАВЗУ: ФИРМА ВА УЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ – ИКТИСОДИЙ АСОСЛАРИ.

**Маъруза хажми – 2 соат.**

**Режа:**

4. **Бозор тизимида тадбиркорлик.**
5. **Тадбиркорлик шакллари.**
6. **Фирмаларда харажатлар, ишлаб чикариш ва фойда.**

-2-

Бозор иктисодиётининг асосий субъектларидан бири - бу фирма хисобланади.

Фирма деганда, мустакил хужалик юритадиган ишлаб чикариш ва хизмат курсатиш фаолияти билан шугулланувчи иктисодий субъект тушунилади. Мустакил хужалик фаолияти юритади деганда, кандай махсулотлар ишлаб чикариш, канча ишлаб чикариш, каерда, кимга, канча нархда сотиш буйича фирманинг мустакил карор кабул килиши тушунилади.

**Фирма** (корхона) - бу ишлаб чиариш ресурслари эгаларининг карорларини ва манфаатларини мувофиклаштирувчи институционал тузилма хисобланади.

Тадбиркорлик фирмаларининг асосий ташкилий шакллари: хусусий тадбиркорлик фирмаси, масъулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар, корпорация (очик ва ёпик турдаги акционерлик жамиятлари).

**Хусусий тадбиркорлик фирмаси** - бу фирманинг эгаси ишни мустакил, уз манфаатидан келиб чикиб олиб боради, у таваккалчиликни уз зиммасига олади, фирманинг барча мажбуриятлари буйича тулик жавобгарликни буйнига олади (яъни, масъулияти чекланмаган жамият хисобланади), колган даромадни узи узлаштиради.

**Масъулияти чекланмаган жамият** - фирмани биргаликда ташкил килиб, биргаликда эгалик килувчи ва бошкарувчи шахслар уюрухи булиб, улар фирманинг барча мажбуриятлари буйича тулик жавобгарликни чекланмаган равишда узларининг зиммаларига оладилар.

Масъулияти чекланган жамиятда фирма эгалари фирманинг мажбуриятлари буйича жавобгарликни Низом фондига кушган улуши доирасида зиммасига олади, холос.

**Корпорация** - пайчиликка асосланган жамият булиб, хар бир мулк эгасининг масъулияти ушбу корхонага кушган хиссаси билан чекланган. Корхона акцияларини сотиб олган шахслар корхона мулки эгаларига айланадилар. Корпорация фаолиятини акционерлар мажлиси назорат килади. Акциядорлар уз акцияларига даромад (дивиденд) оладилар. Корпорация кредиторлари уз талабларини акциядорларга эмас, корпорацияга куядилар.

Акционерлик жамияти очик турда булса, корхона акциялари очик бозорда, яъни фонд биржаларида эркин сотилади. Акциядорларга корпорация ёкмаса, улар уз акцияларини очик бозорда сотиб корхона билан алокасини умуман узиши мумкин.

**Фойда олмайдиган ташкилотлар**. Бозор шароитида бундай турдаги ташкилотларга фойда олиш максадида харакат килмайдиган касаба

уюшмалари, клублар, мачитлар, касалхона, коллежлар, хайрия жамиятлари ва бошкалар киради.

**Кооперативлар**. Кооперативлар уз аъзоларининг ресурсларини фойда олиш максадида бирлаштириш асосида вужудга келади.

3. **Фирмаларда харажатлар, ишлаб чикариш ва фойда.**

**Ишлаб чикариш** - корхоналарининг асосий фаолияти тури булиб, бу жараён чекланган ресурслардан фойдаланган холда амалга оширилади. Ишлаб чикариладиган махсулот микдори, ушбу товарларни ишлаб чикариш учун сарфланадиган ресурслар хажмидан ва ишлаб чикаришда фойдаланилаётган технологиянинг холати ва даражасига богликдир.

3. Ишлаб чикариш - бу керакли махсулотларни тайёрлаш учун ишчи кучидан, ускуна ва технологиядан, табиий ресурслардан хамда материаллардан маълум микдордаги комбинацияда фойдаланиш жараёнидир. Масалан, уз устахонасига эга булган шахс стол ишлаб чикариш учун ишчи кучидан, хом ашё сифатида тахта, темир, арра ва бошка ускуналарга сарфланган капиталдан фойдаланади.

Ишлаб чикариш омилларини йириклашган уч ууруҳга булиб караш мумкин: мехнат, капитал ва материаллар.

Масалан, мехнат ишлаб чикариш омили сифатида малакали мехнатни (пайвандчи, бухгалтер, электр устаси), малакасиз мехнатни (хар хил ишчилар) ва корхона рахбарларининг тадбиркорлик харакатини уз ичига олади. Бу мехнат турларини умумлаштирувчи курсаткичлар мехнат сигими ва мехнат унумдорлигидир.

Материаллар деганда, ишлаб чикариш жараёнида тайёр махсулотга айланадиган хар кандай моддий нарсани карашимиз мумкин: бутловчи кисмлар, ярим фабрикатлар, темир, пулат, шиша, ёкилги, ёгоч, пахта ва бошка хом ашёлар тушунилади.

Моддий капитал сарфи ишчилар томонидан бинодан, ускунадан, инструментдан ва технологик линиялардан фойдаланишни уз ичига олади.

Ишлаб чикариш муносабатлари биринчи навбатда махсулот ишлаб чикаришдаги технологик муносабатлардир.

Технология - бу товарлар ва хизматларни ишлаб чикариш тугрисидаги амалий билимлардир. Маълумки, технологиянинг такомиллашуви фанда ва техникадаги янги ютукларнинг ишлаб чикариш жараёнига жорий килиш оркали боради. Янги технология янги ишлаб чикариш усулларидан фойдаланишни, янги машина ва механизмлардан янада юкори малакага эга булган мехнатдан фойдаланишни такозо килади. Янги технология янги турдаги махсулотларни яратишга ёрдам беради. Янги технология махсулот сифатини оширишга, иш шароитларини яхшилашга, берилган ресурслар микдори узгармаганда ишлаб чикариладиган махсулот микдорини оширишга, харажатларни камайтиришга олиб келади.

2. **Ишлаб чикариш функцияси**

**Ишлаб чикариш функцияси.** Сарфланадиган ишлаб чикариш омиллари микдори билан, ушбу омиллардан фойдаланган холда максимал ишлаб чикариладиган махсулот микдори уртасидаги богликликни ишлаб чикариш функцияси оркали ифодалаш мумкин.

Ишлаб чикариш функцияси фойдаланиладиган хар бир ишлаб чикариш омиллари сарфи мажмуасидан максимал $Q$ микдорда махсулот ишлаб чикаришни курсатади. Агар омиллар мажмуаси сарфи капитал, мехнат ва материаллардан иборат булса, ишлаб чикариш функцияси куйидаги куринишда булиши мумкин:

$$Q = f(K, L, M), \qquad (1)$$

бу ерда $Q$ - берилган технологияда максимал ишлаб чикариладиган махсулот микдори; $K$ - капитал; $L$ - мехнат; $M$ - материаллар.

Агар ишлаб чикариш функцияси иккита, $K$ (капитал) ва $L$ (мехнат) омилларига боглик булса, ишлаб чикариш функцияси куйидагича ёзилади:

$$Q = f(K, L). \qquad (2)$$

Ушбу функцияда махсулот ишлаб чикариш хажми иккита ишлаб чикариш омилига боглик - капитал ва мехнатга. Масалан, ишлаб чикариш функцияси ёрдамида нон ишлаб чикариш комбинатида мехнат ресурсларидан ва капиталдан фойдаланган холда канча нон махсулотини ишлаб чикариш мумкинлигини ифодалаш мумкин, ёки кишлок хужалик корхонасининг берилган мехнат ресурсларидан ва техникадан (ишчиларнинг фонд билан куролланганлик даражасида) фойдаланган холда маълум вакт оралигида канча махсулот ишлаб чикаришини ифодалаш мумкин.

Махсулот ишлаб чикариш купрок кул мехнатига асосланган булса (масалан, нонни кул мехнати асосида ишлаб чикарилса), у холда ишлаб чикариш функциясини факат сарфланган мехнатга боглик равишда ёзиш мумкин:

$$Q = f(L).$$

Агар махсулот ишлаб чикаришда купрок капитал иштирок этса, яъни махсулот ишлаб чикариш юкори капитал сигимига эга булса, ишлаб чикариш функциясини $Q = F(K)$ куринишида ёзиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, (1) ва (2) тенгламалар ишлаб чикаришнинг маълум технологиясида кулланилиши мумкин. Агар технология узгарса, яъни янги технология кулланса, махсулот ишлаб чикариш хажми ресурслар хажми узгармаганда хам усиши мумкин.

## 2. Фирмаларда харажатлар, ишлаб чикариш ва фойда

Хар кандай фирманинг асосий максади фойдани максималлаштиришдан иборатдир.

Умумий холда фойда ялпи даромаддан умумий харажатларни айириш оркали топилади.

$$\pi = TR - TC, \qquad (1)$$

бу ерда $\pi$ - фойда; $TR$ - умумий даромад; $TC$ - умумий харажат.

Харажатлар фирмага нисбатан ташки ва ички харажатларга булинади. Ташки харажатларга ташки туловлар, яъни ташки мол етказиб берувчиларга (хом-ашё, материаллар, электроэнергия, газ) туловлар киради. Умумий даромаддан ташки харажатларни айириб ташласак, бухгалтерия фойдасини оламиз. Бухгалтерия фойдаси ички (яширин) харажатларни хисобга олмайди

Ички харажатлар сифатида куйидагилар каралади: 1) тадбиркорнинг узига тегишли ресурсларга булган харажати; 2) тадбиркорлик кобилиятига тугри келадиган ва тадбиркорга тегишли булган нормал фойда. Бухгалтерия фойдасидан ички харажатларни айириб ташласак иктисодий фойдани оламиз.

Ташки ва ички харажатларнинг йигиндиси альтернатив ёки иктисодий харажатларни ташкил килади. Альтернатив харажатлар, фирманинг ресурсларидан эну яхши вариантда фойдаланиши билан боглик йукотилган имкониятлардир.

Иктисодий харажатлар фирма фаолиятини бухгалтер ва иктисодчи томонидан бахоланишни фарк килишга имкон беради. Бухгалтерни биринчи навбатда, фирманинг маълум муддат давомидаги (хисобот даврида) фаолияти натижалари кизиктиради. Иктисодчини эса фирманинг келажаги, унинг келажакдаги фаолияти кизиктиради. Шунинг учун хам фирма ихтиёридаги ресурслардан эну яхши альтернатив фойдаланиш вариантларини топишга эътибор беради.

**Кайтарилмайдиган харажатлар.** Кайтарилмайдиган харажатлар олдин килинган харажатлар булиб, уларни кайтадан тиклаш мумкин эмас. Бу харажатлар кайтарилмаслиги учун хам фирманинг карор кабул килишига таъсир килмайди. Масалан, фирма 100 мину сумга махсус ускуна сотиб олди, лекин фирманинг карори узгарди ва бу ускуна умуман керак булмай колди, ундан альтернатив фойдаланиш варианти мавжуд эмас.

Фирма ушубу ускунани 60 мину сумга сотиб, 40 мину сум зарар курди. 40 мину сум кайтарилмайдиган харажат хисобланади ва фирманинг харакатига таъсир килмайди.

**Узгармас харажат** (*FC - fixed cost*) - бу киска муддатли ораликда махсулот ишлаб чикариш хажмига боглик булмаган харажатдир (махсулот ишлаб чикариш хажми ошганда хам, камайганда хам узгармайдиган харажат). Узгармас харажатларга бинодан, техникадан, иншоотлардан, ишлаб чикариш ускуналаридан фойдаланиш билан боглик харажатлар, ижара хаки, капитал таъмирлаш, маъмурий харажатлар киради.

**Уртача узгармас харажат** (*AFC - Average Fixed Cost*) - бир бирлик махсулотга тугри келадиган узгармас харажат булиб, у куйидагича аникланади:

$$AFC(Q) = \frac{FC}{Q}. \qquad (5)$$

Уртача узгармас харажат махсулот хажми ошиши билан камайиб боради.

Узгармас харажат ($FC$) ва уртача узгармас харажатлар ($AFC$) чизиги графикда куйидагича тасвирланади (1-расм).



1-расм. *FC* ва *AFC* чизиклари графиги.

**Узгарувчан харажат** (*VC - Variable Cost*) - махсулот ишлаб чикариш хажмига боглик булган харажат, яъни махсулот хажми ошганда ёки камайганда узгарадиган харажат. Узгарувчан харажат *Q* га боглик функция булиб, *VC*(*Q*) куринишида ёзилиши мумкин.

Узгарувчан харажатларга хом ашёга, электроэнергияга, газга, ёрдамчи материалларга булган харажатлар хамда иш хаки киради.

Уртача харажатлар шундай хусусиятга эгаки, ишлаб чикаришнинг бошлангич кисмида унинг усиш суръати махсулот ишлаб чикариш суръатидан юкори булади, ишлаб чикариш хажми оптимал улчовга эришганда узгарувчан харажатлар камайиб, ундан кейин яна ошади.

**Уртача узгарувчан харажатлар** (*AVC - Average Variable Cost*) - бир бирлик ишлаб чикарилган махсулотга тугри келадиган узгарувчан харажат булиб, у узгарувчан харажат микдорини ишлаб чикарилган махсулот микдорига нисбати билан аникланади. Уртача харажатлар фирма оптимал технологик размерга (оптимал ишлаб чикариш хажмига) эришганда узининг минимал кийматига эришади (2-расм), ишлаб чикариш хажми яна ошса, уртача харажат хам ошиб боради (бу ерда бошкаришнинг мураккаблашуви, самарали булмаган ресурслардан фойдаланиш, узгарувчан харажатларни ошишига сабаб булади).

Уртача узгарувчан харажат фирма фаолиятини тахлил килишда мухим ахамият касб этади. Унинг ёрдамида фирма фаолиятининг самарадорлиги, фирманинг мувозанат холати ва келажакдаги истикболи (ишлаб чикаришни кенгайтириш, кискартириш ёки тармокдан чикиш) белгиланади.




2-расм. $VC$ ва $AVC$ чизиклари графиги.

**Умумий харажатлар** (*TC - Total Cost*) - киска муддатли орликда маълум микдорда махсулот ишлаб чикариш учун сарфланган узгармас ва узгарувчан харажатларнинг йигиндисига тенг:

$$TC = FC + VC(Q). \qquad (6)$$

Бу ерда $FC$ - узгармас харажат, $VC(Q)$ - узгарувчан харажат.

Уртача харажатни баъзи холларда $TC$ урнига $C$ билан хам белгилайди.

График куринишда умумий харажат чизиги узгармас ва узгарувчан харажатлар чизикларини кушиш билан хосил килинади (3-расм).




3-расм. Умумий харажатлар.

Уртача умумий харажатларни умумий харажатни ишлаб чикарилган махсулот микдорига булиш йули билан аниклаш мумкин:

$$ATC = \frac{TC}{Q},$$

ёки уртача узгармас (*AFC*) ва уртача узгарувчан (*AVC*) харажатларни кушиш йули билан аникланади:

$$ATC = AFC + AVC = \frac{(FC + VC)}{Q}. \quad (7)$$

$ATC$, $AFC$ ва $AVC$ чизикларининг графикдаги куриниши куйидаги расмда келтирилган (4-расм).




4-расм. $ATC$, $AFC$ ва $AVC$ чизикларининг графиклари.

Уртача умумий харажатлар фирма фаолиятини тахлил килишда асосий курсаткичлардан бири хисобланади. Уртача умумий харажат билан нарх уртасидаги фарк оркали фирманинг олаётган фойдаси ёки зарари аникланади.

**Чекли харажат** (*MC - Marginal Cost*) - ишлаб чикариш хажмини кичик микдорга (одатда бир бирликка) ошириш билан боглик булган кушимча умумий харажатдир:

$$MC = \frac{\Delta TC}{\Delta Q} = \frac{\Delta(FC + VC)}{\Delta Q} = \frac{\Delta FC}{\Delta Q} + \frac{\Delta VC}{\Delta Q} = \frac{\Delta VC}{\Delta Q} = MVC$$

Бу ерда чекли узгармас харажат $\frac{\Delta(FC)}{\Delta Q} = 0$ булгани учун, чекли харажат чекли узгарувчан харажат $MVC$ га тенг ($MC = MVC$).

$MVC$ - чекли узгарувчан харажат булиб, махсулотни кушимча бир бирликка ($\Delta Q$) оширгандаги узгарувчан харажатнинг усган кисми $\Delta VC$ га тенг.

Юкоридаги формуладан куриниб турибдики, узгармас харажат чекли харажат микдорига таъсир килмайди. Чекли харажат узгарувчан харажат функциясидан олинган хосилага тенг:

$$MC = \frac{d(VC)}{dQ}.$$

Харажатлар функцияси графиклари бир-бирига нисбатан шундай жойлашганки, бошланишда чекли харажатлар камайиб боради (бу ерда асосий сабаб, ишлаб

чикариш масштаби кенгайишининг мусбат самараси ва оптимал технологик ишлаб чикариш хажми га чикиш хамда уз гармас харажатларнинг камайиши). Оптимал хажмдан кейингиишлаб чикариш хажмининг усишида кам самарали ресурсларни ишлаб чикариш га жалб килиш, ишлаб чикариш масштабини ортикча кенгайиши натижасида бошкарув самарадорлигининг камайиши, харажатларнинг ортиши натижасида чекли харажатлар усиб боради.

Умумий, уртача, уз гарувчан ва чекли харажатлар графикларининг типик жойлашуви куйидаги5-расмда келтирилган:




5-расм. $AC$, $AVC$, $AFC$ ва $MC$ графикларининг узаро жойлашуви.

Расмдан куриниб турибдики, агар $MC < AC$ булганда $AC$ чизиги паст га караб тушади ва $MC < AVC$ булганда хам $AVC$ чизиги паст га караб камайиб боради. Бунинг сабаби - хар бир янгикушимча бирлик махсулотни ишлаб чикариш харажати ишлаб чикилган махсулотнинг уртача ва уртача уз гарувчан харажатидан кичик булгани учун, уртача ва уртача уз гарувчан харажатларни камайтиради.

агар $MC > AC$ ва $MC > AVC$ булганида $AC$ ва $AVC$ чизиклари юкори га караб усиб боради. Бу ерда кушимча ишлаб чикарилган бирлик махсулоти харажати $AC$ ва $AVC$ дан катта булгани учун, у ушбу уртача ва уртача уз гарувчан харажатларини оширади.

Юкоридагификрлардан келиб чикадики, уртача харажат ( $AC$ ) ва уртача уз гарувчан харажат ( $AVC$ )лар узларининг минимал кийматларида $MC$ чизигини кесиб утадилар (расмда $A$ ва $B$ нукталар), яъни

$$AC = \min AC(Q) \text{ булганда } MC = AC,$$

ва $AVC = \min AVC(Q)$ булганда $AVC = MC$.

## Кискача хулосалар

Фирма деганда, мустакил хужалик юритадиган ишлаб чикариш ва хизмат курсатиш фаолияти билан шугулланувчи иктисодий субъект тушунилади. Мустакил хужалик фаолияти юритади деганда, кандай махсулотлар ишлаб чикариш, канча ишлаб чикариш, каерда, ким га, канча нархда сотиш буйича фирманинг мустакил карор кабул килиши тушунилади.

Фирма (корхона) - бу ишлаб чиариш ресурслари э галарининг карорларини ва манфаатларини мувофиклаштирувчи институционал тузилма хисобланади.

Тадбиркорлик фирмаларининг асосий ташкилий шакллари: хусусий тадбиркорлик фирмаси, масъулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар, корпорация (очик ва ёпик турдагиакционерлик жамиятлари).

Хусусий тадбиркорлик фирмаси - бу фирманинг э гаси ишни мустакил, уз манфаатидан келиб чикиб олиб боради, у таваккалчиликни уз зиммаси га олади, фирманинг барча мажбуриятлари буйича тулик жавоб гарликни буйни га олади (яъни, масъулияти чекланмаган жамият хисобланади), колган даромадни узи узлаштиради.

Масъулияти чекланмаган жамият - фирмани бир галикда ташкил килиб, бир галикда э галик килувчи ва бошкарувчи шахслар уурухи булиб, улар фирманинг барча мажбуриятлари буйича тулик жавоб гарликни чекланмаган равишда узларининг зиммалари га оладилар.

Масъулияти чекланган жамиятда фирма э галари фирманинг мажбуриятлари буйича жавоб гарликни Низом фонди га кушган улуши доирасида зиммаси га олади, холос.

Корпорация - пайчиликка асосланган жамият булиб, хар бир мулк э гасининг масъулияти ушбу корхона га кушган хиссаси билан чекланган. Корхона акцияларини сотиб олган шахслар корхона мулки э галари га айланадилар. Корпорация фаолиятини акционерлар мажлиси назорат килади. Акциядорлар уз акциялари га даромад (дивиденд) оладилар. Корпорация кредиторлари уз талабларини акциядорлар га эмас, корпорация га куядилар.

**Акционерлик жамияти очик турда булса, корхона акциялари очик бозорда, яъни фонд биржаларида эркин сотилади. Акциядорлар га корпорация ёкмаса, улар уз акцияларини очик бозорда сотиб корхона билан алокасини умуман узиши мумкин.**

## 10-МАВЗУ: ИШЛАБ ЧИКАРИШ НАЗАРИЯСИ

**Маъруза хажми – 2 соат.**

**Режа:**

**4. Ишлаб чикариш тушинчаси ва ишлаб чикариш функцияси.**
5. **Изокванталар**
6. **Изокоста.**

### 1. Ишлаб чикариш .

**Ишлаб чикариш** - корхоналарининг асосий фаолияти тури булиб, бу жараён чекланган ресурслардан фойдаланган холда амалга оширилади. Ишлаб чикариладиган махсулот микдори, ушбу товарларни ишлаб чикариш учун сарфланадиган ресурслар хажмидан ва ишлаб чикаришда фойдаланилаётган технологиянинг холати ва даражасига богликдир.

Ишлаб чикариш - бу керакли махсулотларни тайёрлаш учун ишчи кучидан, ускуна ва технологиядан, табиий ресурслардан хамда материаллардан маълум микдордаги комбинацияда фойдаланиш жараёнидир. Масалан, уз устахонасига эга булган шахс стол ишлаб чикариш учун ишчи кучидан, хом ашё сифатида тахта, темир, арра ва бошка ускуналарга сарфланган капиталдан фойдаланади.

Ишлаб чикариш омилларини йириклашган уч ууруҳга булиб караш мумкин: мехнат, капитал ва материаллар.

Масалан, мехнат ишлаб чикариш омили сифатида малакали мехнатни (пайвандчи, бухгалтер, электр устаси), малакасиз мехнатни (хар хил ишчилар) ва корхона рахбарларининг тадбиркорлик харакатини уз ичига олади. Бу мехнат турларини умумлаштирувчи курсаткичлар мехнат сигими ва мехнат унумдорлигидир.

Материаллар деганда, ишлаб чикариш жараёнида тайёр махсулотга айланадиган хар кандай моддий нарсани карашимиз мумкин: бутловчи кисмлар, ярим фабрикатлар, темир, пулат, шиша, ёкилги, ёгоч, пахта ва бошка хом ашёлар тушунилади.

Моддий капитал сарфи ишчилар томонидан бинодан, ускунадан, инструментдан ва технологик линиялардан фойдаланишни уз ичига олади.

Ишлаб чикариш муносабатлари биринчи навбатда махсулот ишлаб чикаришдаги технологик муносабатлардир.

Технология - бу товарлар ва хизматларни ишлаб чикариш тугрисидаги амалий билимлардир. Маълумки, технологиянинг такомиллашуви фанда ва техникадаги янги ютукларнинг ишлаб чикариш жараёнига жорий килиш оркали боради. Янги технология янги ишлаб чикариш усулларидан фойдаланишни, янги машина ва механизмлардан янада юкори малакага эга булган мехнатдан фойдаланишни такозо килади. Янги технология янги турдаги махсулотларни яратишга ёрдам беради. Янги технология махсулот сифатини оширишга, иш шароитларини яхшилашга, берилган ресурслар микдори узгармаганда ишлаб чикариладиган махсулот микдорини оширишга, харажатларни камайтиришга олиб келади.

2. **Ишлаб чикариш функцияси**

**Ишлаб чикариш функцияси.** Сарфланадиган ишлаб чикариш омиллари микдори билан, ушбу омиллардан фойдаланган холда максимал ишлаб чикариладиган махсулот микдори уртасидаги богликликни ишлаб чикариш функцияси оркали ифодалаш мумкин.

Ишлаб чикариш функцияси фойдаланиладиган хар бир ишлаб чикариш омиллари сарфи мажмуасидан максимал $Q$ микдорда махсулот ишлаб чикаришни курсатади. Агар омиллар мажмуаси сарфи капитал, мехнат ва материаллардан иборат булса, ишлаб чикариш функцияси куйидаги куринишда булиши мумкин:

$$Q = f(K, L, M), \qquad (1)$$

бу ерда $Q$ - берилган технологияда максимал ишлаб чикариладиган махсулот микдори; $K$ - капитал; $L$ - мехнат; $M$ - материаллар.

Агар ишлаб чикариш функцияси иккита, $K$ (капитал) ва $L$ (мехнат) омилларига боглик булса, ишлаб чикариш функцияси куйидагича ёзилади:

$$Q = f(K, L). \qquad (2)$$

Ушбу функцияда махсулот ишлаб чикариш хажми иккита ишлаб чикариш омилига боглик - капитал ва мехнатга. Масалан, ишлаб чикариш функцияси ёрдамида нон ишлаб чикариш комбинатида мехнат ресурсларидан ва капиталдан фойдаланган холда канча нон махсулотини ишлаб чикариш мумкинлигини ифодалаш мумкин, ёки кишлок хужалик корхонасининг берилган мехнат ресурсларидан ва техникадан (ишчиларнинг фонд билан куролланганлик даражасида) фойдаланган холда маълум вакт оралигида канча махсулот ишлаб чикаришини ифодалаш мумкин.

Махсулот ишлаб чикариш купрок кул мехнатига асосланган булса (масалан, нонни кул мехнати асосида ишлаб чикарилса), у холда ишлаб чикариш функциясини факат сарфланган мехнатга боглик равишда ёзиш мумкин:

$$Q = f(L).$$

Агар махсулот ишлаб чикаришда купрок капитал иштирок этса, яъни махсулот ишлаб чикариш юкори капитал сигимига эга булса, ишлаб чикариш функциясини $Q = F(K)$ куринишида ёзиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, (1) ва (2) тенгламалар ишлаб чикаришнинг маълум технологиясида кулланилиши мумкин. Агар технология узгарса, яъни янги технология кулланса, махсулот ишлаб чикариш хажми ресурслар хажми узгармаганда хам усиши мумкин.

**3. Изокванталар.**

**Изокванталар.** Ишлаб чикаришда факат иккита омил - мехнат ва капиталдан фойдаланиладиган ишлаб чикаришни караймиз. Фараз килайлик, мебель ишлаб чикариш цехида мавжуд технология асосида сарфланадиган капитал ва мехнатнинг маълум нисбатлари комбинациясида стул ишлаб чикарилмокда. куйидаги 1-жадвалда хар хил ресурслар сарфлари комбинациясида максимал ишлаб чикариладиган махсулот микдори келтирилган.

1-жадвал.

Омиллар сарфининг хар хил микдорий таркибида ишлаб чикарилган махсулотлар микдори

| Капитал сарфи | Мехнат сарфи, (соатларда) | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | 30 | 50 | 60 | 70 | **80** |
| 2 | 40 | 65 | **80** | 85 | 100 |
| 3 | 60 | **80** | 100 | 110 | 115 |
| 4 | 65 | 85 | 110 | 115 | 120 |
| 5 | **80** | 100 | 120 | 125 | 130 |

1-жадвалга кура икки бирлик мехнат ва бир бирлик капитал сарфлаб 50 бирлик стул ишлаб чикариш мумкин, ёки уч бирлик мехнат ва турт бирлик капитал сарфланса, 110 дона стул ишлаб чикарилади. Жадвалнинг хар бир каторидаги ишлаб чикариш хажмларини карасак шу нарсани кузатишимиз мумкинки, капитал сарфи узгармаганда, мехнат сарфининг ошиши билан бирга умумий ишлаб чикариш хажми ортиб бормокда.

Масалан, капитал сарфи 2 га тенг булганда ва мехнат сарфи бирдан беш бирликгача узгарганда махсулот ишлаб чикариш хажми 40 бирликдан 100 бирликгача узгаради. Худди шундай, жадвалнинг устунларини юкоридан пастга караб кузатганимизда хам, мехнат сарфи узгармай, капитал сарфи ошиб боришига кура стул ишлаб чикариш хажми хам ошиб бораётганлигини курамиз. 1-жадвалда келтирилган махсулот ишлаб чикариш курсаткичларини графикда хам тасвирлаш мумкин (1-расм).



1- расм. Ишлаб чикариш омиллари сарфи узгаришига кура стул ишлаб чикариш графиги.

Расмда келтирилган $Q_1$ эгри чизиги 60 дона стул ишлаб чикаришни таъминлайдиган капитал ва мехнат сарфлари комбинацияларини ифодалайди. $Q_2$ эгри чизиги 80 дона стул ишлаб чикариш учун сарфланадиган капитал ва мехнат сарфлари комбинацияларини, $Q_3$ эгри чизиги эса 100 дона стул ишлаб чикариш учун сарфланадиган ресурслар сарфлари комбинацияларини ифодалайди.

Расмдаги $Q_1$, $Q_2$ ва $Q_3$ эгри чизикларга *изокванталар* дейилади.

**Изокванта** - бу бир хил хажмдаги махсулотни ишлаб чикаришни таъминлайдиган ишлаб чикариш омиллари сарфлари комбинацияларини ифодаловчи эгри чизикдир. Демак, 1-расмда учта изокванта тасвирланган $Q_1$, $Q_2$ ва $Q_3$. Графикнинг уоризонтал уки буйича мехнат сарфи, вертикал ук буйича капитал сарфи курсатилган. Масалан, $Q_1$ изоквантанинг хар бир нуктаси координаталари 60 дона стул ишлаб чикариш учун сарфланадиган мехнат ва капитал сарфларини курсатади. *A* нуктада 60 дона стул ишлаб чикариш учун уч бирлик капитал ва бир бирлик мехнат сарфланган булса, *B* нуктада ушбу 60 дона стул ишлаб чикариш учун бир бирлик капитал ва уч бирлик мехнат сарфланади.

$Q_2$ изокванта нукталари 80 дона стулни мехнат ва капитал сарфларининг хар хил комбинацияларида ишлаб чикариш мумкинлигини ифодалайди. Расмда $Q_2$ изоквантанинг $C, D, E$ ва $F$ нукталарида мехнат ва капитал сарфларининг хар хил комбинацияларида 80 дона стул ишлаб чикарилади. Худдий шундай $Q_3$ изоквантанинг $M, N$ ва $T$ нукталари хам хар хил ишлаб чикариш омиллари сарфида 100 та стул ишлаб чикаришни таъминлайди.

1-расмдан куриниб турибдики $Q_3$ изокванта $Q_2$ изоквантадан унурок ва юкорирокда жойлашгани учун унга тугри келадиган ишлаб чикариш хажми $Q_2$ никидан купрок. $Q_2$ изокванта эса $Q_1$ га нисбатан унурок ва юкорирокда жойлашгани учун унга тугри келадиган ишлаб чикариш хажми $Q_2$ никидан купрок.

Демак, изокванталар чапдан унуга ва юкорига караб жойлашиб борса, уларга тугри келадиган ишлаб чикариш хажми хам мос холда ошиб боради. 1-расмдаги изокванталар учун $Q_1 < Q_2 < Q_3$ деб ёзишимиз мумкин.

Изокванталарни бундай тартибда жойлашишини иккита омилдан, яъни мехнат ва капитал сарфларига боглик ишлаб чикариш функцияси ёрдамида куриб чикамиз.

Куйидаги ишлаб чикариш функцияси берилган булсин:

$$Q = f(L, K) \qquad (1)$$

(1)-функциянинг уч улчовли фазодаги графиги куйидаги куринишда булади (2-расм).




2-расм. Ишлаб чикариш функцияси графиги ва унинг
$Q_1$, $Q_2$ ва $Q_3$ даражадаги чизиклари.

Расмда (1) ишлаб чикариш функцияси графиги берилган, у ярми кесилган козонни эслатади. $Q_1^{'}, Q_2^{'}, Q_3^{'}$ лар функциянинг маълум кийматлари булиб, улар функциянинг даража чизиклари дейилади. Бу ерда функциянинг даража чизикларига тугри келувчи махсулот ишлаб чикариш хажмлари куйидаги тенгсизликни каноатлантиради:

$$Q_1^{'} < Q_2^{'} < Q_3^{'}.$$

Функциянинг даража чизикларининг $0LK$ текислигига проекцияси $Q_1$, $Q_2$ ва $Q_3$ изокванталар хисобланади. Ишлаб чикариш функциясининг юкори даража чизигига тугри келувчи изоквантага юкори махсулот ишлаб чикариш хажми тугри келади. Расмдан куриниб турибдики, изокванталар бир-бири билан кесишмайди.

**Изокванталар картаси** - бу изокванталар мажмуасидан иборат булиб, уларнинг хар бири маълум ишлаб чикариш омиллари сарфлари комбинацияларига тугри келадиган максимал ишлаб чикариш хажмини узида акслантиради.

Изокванталар фирмаларда махсулот ишлаб чикаришнинг вариантлари куплигини курсатади. Бу фирмалар учун мухим ахборот булиб, кейинчалик курамиз, кандай килиб изокванталар махсулот ишлаб чикаришда харажатларни минималлаштирадиган ёки фойдани максималлаштирадиган омиллар сарфи комбинацияларини танлашга имкон яратади.

Маълум вакт оралигида жами ишлаб чикарилган махсулотни умумий махсулот десак, **уртача махсулот** - умумий махсулотни ушбу махсулотни ишлаб чикариш учун сарфланган узгарувчан ишлаб чикариш омиллари сарфига нисбати билан аникланади.

$$AP = \frac{Q}{F},$$

бу ерда: $Q$ - умумий махсулот микдори; $AP$ - уртача махсулот; $F$ -сарфланган ресурслар.

**Чекли махсулот** - бу узгарувчан ресурслар комбинациясини кичик микдорда кушимча сарфи хисобидан умумий махсулотнинг усган кисмига айтилади. Масалан, ишлаб чикаришда битта омил, яъни факат мехнат сафланса чекли махсулот $MP_L$ Куйидагича аникланади:

$$MP_L = \frac{\Delta Q}{\Delta L};$$

$\Delta Q$ - Кушимча бирлик мехнат сарфи ($\Delta L$) хисобига ишлаб чикарилган кушимча махсулот микдори.

Агар ишлаб чикаришда мехнат сарфи узгармас булиб, махсулот ишлаб чикариш факат капиталга боглик булса, чекли махсулот $MP_K$ га тенг:

$$MP_K = \frac{\Delta Q}{\Delta K},$$

бу ерда: $\Delta Q$ - бир бирлик кушимча капитал сарфи хисобидан ишлаб чикарилган кушимча махсулот; $\Delta K$ - бир бирлик кушимча сарфланган капитал.

Куйидаги жадвалда мехнат сарфи узгармас булганда, ишлаб чикариш хажми факат капитал сарфига боглик булгандаги уртача ва чекли махсулотлар микдори курсатилган.

Бир узгарувчи омил катнашгандаги ишлаб чикариш.

| Капитал сарфи, $K$ | Мехнат сарфи, $L$ | Махсулот ишлаб чикариш хажми, Q | Уртача махсулот, $AP = \frac{Q}{L}$ | Чекли махсулот, $MP_L = \frac{\Delta Q}{\Delta L}$ |
|---|---|---|---|---|
| 15 | 0 | 0 | - | - |
| 15 | 1 | 12 | 12 | 12 |
| 15 | 2 | 32 | 16 | 20 |
| 15 | 3 | 60 | 20 | 28 |
| 15 | 4 | 80 | 20 | 20 |
| 15 | 5 | 95 | 19 | 15 |
| 15 | 6 | 108 | 18 | 13 |
| 15 | 7 | 112 | 16 | 4 |
| 15 | 8 | 112 | 14 | 0 |
| 15 | 9 | 108 | 12 | -4 |
| 15 | 10 | 100 | 10 | -8 |

Биринчи устун ишлаб чикаришда катнашган капиталнинг узгармаслигини курсатиб турибди. Иккинчи устунда мехнат сарфи келтирилган. Бир бирлик мехнат сарфига тугри келадиган махсулот уртача махсулот булиб, у туртинчи устунда келтирилган. Уртача махсулот ишлаб чикарилган махсулотни умумий

мехнат сарфига нисбати билан аникланади. Уртача махсулот ишлаб чикариш хажми 84 бирликка етуунча ортиб, ундан кейин кискариб боради. Уртача махсулот максимал булганда мехнат сарфи турт бирликни ташкил килади.

Бешинчи устунда мехнат сарфининг чекли махсулоти $MP_L$ келтирилган. У кушимча бир бирлик мехнат сарфи хисобидан ишлаб чикарилган кушимча махсулот микдори булиб, махсулот ишлаб чикариш хажмини курсатувчи учинчи устундаги хар бир махсулот микдоридан ундан олдинги ишлаб чикарилган махсулот микдорини айриш оркали аникланади. Масалан, капитал сарфи узгармас булганда (15 бирлик) мехнат сарфининг икки бирликдан уч бирликка узгариши махсулот ишлаб чикаришни 32 бирликдан 60 бирликка оширади, демак кушимча бир бирлик мехнат сарфи 60-32к28 бирлик кушимча махсулот яратади. Уртача махсулотдек, чекли махсулот хам бошида усиб, кейинчалик камайиб боради (яъни, у 3 бирлик мехнат сарфигача усиб, мехнат сарфи 3 бирликдан ошганда камайиб боради). Шуни эсдан чикармаслик керакки, чекли махсулот микдори мехнатга ва бошка капитал сарфига хам боглик. Агар мехнат сарфи узгарса капитал сарфи хам узгариши мумкин.

**Омиллар махсулдорлигининг камайиш конуни.** Омиллар махсулдорлигини камайиш конуни шуни курсатадики, бирор бир ишлаб чикариш омилидан фойдаланиш ошиб борганда (бошка омиллардан фойдаланиш узгармаганда), шундай бир нуктага эришиладики, ушбу нуктадан бошлаб кушимча ишлатилган омил ишлаб чикариш хажмини камайтиради. Агар биз узгарувчан омил сифатида мехнат сарфини карасак (капитал сарфи узгармаганда), мехнат сарфи кичик микдорда ошганда махсулот ишлаб чикариш хажмини анчагина оширади, нима учун деганда, бошлангич даврда мехнат сарфининг ошиши капиталдан туликрок фойдаланиш имконини беради. Натижада чекли махсулдорлик, умумий ва уртача махсулдорлик ошади. Лекин пировард натижада ишчилар сонининг ошиши (капиталнинг узгармаганлиги) чекли мехнат унумдорлигини камайишига олиб келади, яъни омил махсулдорлигининг камайиш конуни «ишлай» бошлайди.

Омил махсулдорлигининг (бир бирлик кушимча омил сарфига тугри келадиган кушимча махсулот) камайиш конуни киска муддатли ораликка хосдир, чунки бу ораликда камида битта омил узгармасдир. Узок муддатли ораликда барча омиллар маълум микдордаги комбинацияда ошса ишлаб чикариш хажми хам ошиб боради.

Омил махсулдорлигининг камайиш конуни чекли махсулотнинг камайишини ифодалайди. Махсулдорлик камайиш конуни маълум бир ишлаб чикариш технологиясида уринлидир (3-расм). Юкорида келтирилган жадвал маълумотига кура умумий махсулот микдори, уртача ва чекли махсулот микдорларини караб чикамиз:




3-расм. Бир узгарувчи омил (*L*-мехнат) сарфида ишлаб чикариш графиги.

Расмдан куриш мумкинки, ишлаб чикариш хажми мехнат сарфи 8 бирликка тенг булуунча усиб, узининг максимал кийматига эришади (С нукта). Мехнат сарфи 8 бирликдан ошса ишлаб чикариш хажми кискаради. Ишлаб чикариш хажми максимал булганда чекли махсулот нолга тенг, яъни $MP_L$ чизиги уоризонтал укни $L=8$ да кесиб утади $\left(MP_L=0\right)$. Ишлаб чикариш хажми ошганда (0*C* оралигида) чекли махсулот $MP_L>0$, *C* нуктадан кейин ишлаб чикариш хажми камаяди ва $MP_L<0$. Чекли махсулот махсулот ишлаб чикариш чизигининг маълум нуктасида шу ишлаб чикариш чизигининг ётиклигига, яъни шу нуктадан ишлаб чикариш чизигига утказилган уринманинг тануенс бурчагига тенг:

$$MP_L=tg\alpha=\frac{Q'Q''}{L'L''}.$$

Демак, ишлаб чикариш хажми максимал булганда $tg\alpha=0=MP_L$.

Уртача махсулот ва чекли махсулот чизиклари бир-бири билан богликдир. Агар чекли махсулот уртача махсулотдан катта булса $\left(MP_L>AP\right)$, уртача махсулот усади. Расмда *NA*' ораликда чекли махсулот $MP_L$ уртача махсулот $AP$ дан катта булгани учун, уртача махсулот усади. $A'$ нуктада, чекли

махсулот максимумга эришади. $A'M$ ораликда чекли махсулот камайиб, $M$ нуктада уртача махсулотга тенг булади. $MC'$ ораликда $MP_L < AP$ булгани учун уртача махсулот камайиб боради.

Омиллар махсулдорлигининг камайиш конуни абсолют булмасдан нисбий характерга эгадир ва у маълум ишлаб чикариш технологиясига кулланилади. Вакт утиши билан технологиянинг такомиллашуви, махсулот ишлаб чикариш чизигини юкорирокга кутарилишига олиб келиши мумкин. Масалан, биринчи технологияда узгарувчан мехнат ресурсидан максимал фойдаланиш $L_1$ булса (4-расм), янги, такомиллашган 2-технологияга утилиши, мехнат сарфи хажмини $L_2$ га оширади $\left(L_2 > L_1\right)$, янада такомиллашган 3-технологияга утилиши мехнат сарфини $L_3$ микдоргача оширади $L_3 > L_2 > L_1$.




4-расм. Технология такомиллашувининг ишлаб чикариш хажмига таъсири.

Шуни эслатиб утиш керакки, технологиянинг такомиллашуви омил махсулдорлигининг камайиши конунини умуман ишламаслигини билдирмайди, ушбу конун хар кандай ишлаб чикариш технологиясида хам уз кучини саклаб колади. Расмдаги 1, 2 ва 3-такомиллашган технологияларга мос келувчи ишлаб чикариш чизикларидаги *A, B, C* нукталардан кейинги ишлаб чикариш нукталарида хар бир кушимча сарфланган ишлаб чикариш омили (мехнат сарфи), ишлаб чикариш хажмини камайтиради.

Ишлаб чикариш эгри чизикларининг унуга юкорига силжиши ушбу конунни ишлашини маълум маънода сездирмайди. Худди мана шу холат, яъни махсулдорликнинг камайиш конунини киска муддатли орликдаги ва узок муддатли ораликдаги (технологияларнинг такомиллашуви шароитида) ишлаш мохиятидаги анулашмовчиликлар инулиз иктисодчи олими Томас Мальтусни (1766-1834) ер шарида ахолининг узулуксиз усиши келажакда огир окибатларга олиб келиши мумкинлиги тугрисидаги башоратига сабаб булди. Мальтуснинг ушбу башорати асосида омил махсулдорлигининг камайиш конуни ётади. Мальтус ер шаридаги кишлок хужалигида ишлатиладиган ерларнинг нисбатан

чекланганлиги ва унда мехнат киладиган ахолининг усиб бориши пировардда мехнат унумдорлигини камайишига олиб келади ва чекланган ер ошиб бораётган ахолини озик-овкат билан етарли даражада таъминлай олмайди, деб фараз килади, яъни чекли ва уртача махсулдорликнинг камайиши билан ахолининг усиб бориши умумий очарчиликка олиб келади.

Маълумки, Мальтус хатога йул куяди (лекин, унинг мехнат унумдорлигининг камайиш тугрисидаги фикри тугри булсада). Жахондаги ишлаб чикариш тараккиёти шуни курсатадики, иккинчи жахон урушидан кейинги йилларда озик-овкат ишлаб чикариш хажми жахон буйича ошиб бормокда.

**Ишлаб чикариш омиларини бир-бири билан алмаштириш.** Икки омилга боглик ишлаб чикариш функциясини куриб чикамиз. Масалан, ишлаб чикаришда иккита омилдан - мехнат ва капиталдан фойдаланилади, дейлик. У холда ишлаб чикариш функцияси куйидаги куринишда булади:

$$Q = F(L,K)$$

бу ерда $Q$ - махсулот хажми; $K$ - капитал; $L$ - мехнат.

Фараз килайлик, мехнат ва капитал сарфлаб озик-овкат ишлаб чикарилмокда.

Махсулот ишлаб чикаришнинг куйидаги хажмларидаги изокванталар 5-расмда келтирилган,




5-расм. Изокванталар.

$$Q_1 = 65,\ Q_2 = 85,\ Q_3 = 100,$$

яъни, $Q_1 = f(L,K);\quad Q_2 = f(L,K);\quad Q_3 = f(L,K).$

Маълумки, изокванта - бу эгри чизик булиб, бир хил хажмдаги махсулотни ишлаб чикариш учун сарфланадиган омиллар комбинацияларини ифодалайди. Шунинг учун хам 65 бирлик махсулот купрок капиталдан фойдаланган холда ишлаб чикариш мумкин ($A$ нукта), ёки купрок мехнат сарфидан фойдаланиб ишлаб чикариш мумкин ($B$ нукта). Иккала четки $A$ ва $B$

нукта ораликларидаги вариантлар хам булиши мумкин. Расмдан куриш мумкинки, махсулот ишлаб чикаришда мехнат омили ($L$) сарфининг ошиши, капитал ($K$) омили сарфининг камайиши хисобидан тулдирилади.

**Чекли технологик алмаштириш нормаси**. Изоквантанинг маълум нуктасидаги бурчак коэффициенти бир ишлаб чикариш омили билан (бу ерда капитал) бошка бир омилни (мехнатни) техник алмаштириш кандай булаётганлигини курсатиб беради. Шунинг учун хам ушбу бурчак коэффициентининг абсолют киймати чекли технологик алмаштириш нормаси деб юритилади ва у $MRTS$ куринишида белгиланади.

$MRTS$ уз мохиятига кура истеъмол назариясидаги чекли алмаштириш нормаси $MRS$ га ухшашдир:

$$MRTS = -\frac{\Delta K}{\Delta L}$$

- капитал сарфининг ызгариши

- мещнат сарфининг ызгариши

Бу ерда $\Delta K$ ва $\Delta L$ лар битта изоквантада булгани учун махсулот ишлаб чикариш хажми $Q$ узгармайди ($Q = const$). 4-расмдан куриш мумкинки, ишлаб чикариш хажми 85 бирлик булиб, узгармаганда мехнат сарфи бирдан 2 га узгарганда $-\frac{\Delta K}{\Delta L} = 2$. Мехнат сарфи 2 дан 3 га узгарганда $MRTS = 1$га тенг, яъни у камайиб бормокда.

Мехнат сарфи 3 бирликдан 4 га узгарганда ва 4 бирликдан 5 га узгарганда $MRTS$ мос равишда $\frac{2}{3}$ ва $\frac{1}{3}$ га камайиб боради. Демак, канча куп микдордаги мехнат капитал билан алмаштирилса, шунча мехнат унумдорлиги паст булади ва капиталдан фойдаланиш нисабатан самарали булиб боради (6-расм).




6-расм. Чекли технологик алмаштириш нормаси.

Изокванта чизиги ботик шаклдаги куринишга эга, шунинг учун изокванта чизиги буйича пастга харакат килганимизда $MRTS$ кискариб боради. Чекли технологик алмаштириш нормасининг камайиши хар кандай омилдан

фойдаланиш самарадорлиги чекланганлигини курсатади. Ишлаб чикаришда капитални купрок мехнат билан алмаштириш мехнат унумдорлигини пасайишига олиб келса, худди шундай мехнатни купрок капитал билан алмаштириш капитал кайтимини (бир-бирлик кушимча капитал хисобидан ишлаб чикариладиган кушимча махсулот микдорини) камайтиради. Ишлаб чикариш хажмини ошириш учун баланслашган ресурслар комбинациялари талаб килинади.

$MRTS$ чекли капитал махсулоти $MP_K$ ва чекли мехнат махсулоти $MP_L$ билан богликдир. Бундай богликликни куриш учун капитални мехнат билан алмаштиришда ишлаб чикариш хажми $Q^*$ узгармайди дейлик, яъни алмаштириш $Q^*$ изокванта чизигида амалга оширилади, деб караймиз.

Мехнат сарфининг ошиши натижасида олинган кушимча махсулот $\Delta Q_L^*$ куйидагига тенг:

$$\Delta Q_L^* = MP_L \cdot \Delta L$$

а $MP_L$ - кушимча бир бирлик мехнат сарфи хисобидан олинган кушимча махсулот;

$\Delta L$ - кушимча сарфланган мехнат.

Худди шундай кушимча мехнат сарфи хисобидан кискартирилган капитал $\Delta K$ га тугри келадиган ишлаб чикариш хажмининг кискариши $\Delta Q_K^*$ куйидагича хисобланади:

$$\Delta Q_K^* = MP_K \cdot \Delta K,$$

$Q_K^*$ - капитал сарфининг кискариши хисобидан ишлаб чикариш хажмининг кискариши;

$MP_K$ - чекли капитал махсулоти, кушимча бир бирлик капитал сарфи натижасида олинадиган кушимча махсулот микдори;

$\Delta K$ - капитал сарфининг кискариши.

$\Delta K$ билан $\Delta L$ ни алмаштиришда ишлаб чикариш хажми изокванта чизигида узгармаслигини хисобга олсак:

$$\Delta Q_K{}^* = \Delta Q_L{}^*,$$

тенг ва ишлаб чикариш хажмининг узгариши нолга тенг булади.

Шундай килиб,

$$(MP_L) \cdot \Delta L + (MP_K) \cdot \Delta K = 0.$$

Ушбу муносабатдан куйидагини оламиз:

$$\frac{MP_L}{\Delta P_K} = -\frac{\Delta K}{\Delta L} = MRTS.$$

Юкоридаги муносабат шуни курсатадики, алохида изокванта учун капитални мехнат билан ишлаб чикариш жараёнида узлуксиз алмаштириш чекли капитал махсулдорлигини оширишга ва чекли мехнат махсулдорлигини камайишига олиб келади. Иккала омилнинг узгариши бундай чекли технологик алмаштириш нормасининг камайишига ва изокванта чизигининг тугриланишига олиб келади.

**Ишлаб чикариш функциясининг икки хусусий холи.** Ишлаб чикариш жараёнида бир омил билан иккинчи омилни алмаштиришда икки хусусий хол мавжуд. Биринчи холда (7-расм) омиллар бир-бири билан тулик алмаштирилади. Бу ерда изоквантанинг хар кандай нуктасида $MRTS$ узгармас кийматга эга: K

Капитал

7-расм. Ишлаб чикариш функциясининг омиллари тулик алмаштириладиган холати.

Иккинчи холда, ишлаб чикариш омилларидан белгиланган тартибда фойдаланишни ифодалайдиган ишлаб чикариш функцияси (8-расм).




8-расм. Таркиби белгиланган омиллардан фойдаланишни ифодаловчи ишлаб чикариш функцияси.

Хар бир ишлаб чикариш хажми аник пропорциядаги омиллар комбинациясидан фойдаланишни талаб килади. Масалан $Q_1$ микдорда махсулот

ишлаб чикариш $K_1$ ва $L_1$ микдордаги ресурслар комбинациясини сарфлашни талаб килади; $Q_2$ ва $Q_3$ микдордаги махсулот ишлаб чикаришда - мос холда $(K_2, L_2)$ ва $(K_3, L_3)$ таркибдаги ресурслар комбинацияларини сарфлаш талаб килинади. Берилган таркибдаги ресурслардан бирортасининг микдори оширилган билан махсулот ишлаб чикариш ошмайди.

Шундай килиб тугри бурчакли изоквантанинг уоризонтал ва вертикал кисмларида чекли капитал ва чекли мехнат махсулдорликлари ($MP_K$ ва $MP_L$) нолга тенг. Агар сарфланадиган ресурслар бир вактнинг узида, маълум комбинацияда ошса, махсулот ишлаб чикариш хажми ошади. Масалан, *A* нуктадан *B* нуктага ва *C* нуктага утганда омиллар сарфи комбинацияси мос равишда $(K_1, L_1)$дан $(K_2, L_2)$га ва $(K_3, L_3)$га узгарганда ишлаб чикариш хажми хам мос холда $Q_1$ дан $Q_2$га ва $Q_3$га усади. *A*, *B* ва *C* нукталар техник нуктаи назардан самарали омиллар комбинациялари хисобланади.

## 4. Изокоста

Ишлаб чикариш ресурслари чекланганда максимал махсулот ишлаб чикариш масаласи фирмалар учун асосий масалалардан бири хисобланади. Масалани соддалаштириш учун иккита узгарувчи омилни курамиз: мехнат ва капитал. Мехнат сарфи ($L$) соатбай иш хаки билан, капитал сарфи ($K$) - ускуна, машина ва механизмлардан фойдаланиш вакти (соатларда) улчанади. Фараз килайлик, мехнат ва капитал ракобатлашган бозор шароитида ёлланади ва ижарага олинади. Мехнат хаки бир соатлик иш хаки билан улчанади ва уни $W$ оркали белгилаймиз. Капитал нархи - ускуна, машиналарнинг бир соатлик ижара хакига тенг дейлик ва уни $r$ деб белгилаймиз.

Мехнат ва капитал ракобатлашган бозор шароитида ёлланиши ва ижарага олинишини эътиборга олсак, уларнинг нархи бозорда аникланади ва узгармайди. Демак, мехнат ва капитал нархлари узгармайди. Берилган харажатларда ишлаб чикаришни максималлаштириш масаласини карашда харажатлар чизигидан, яъни изокостадан фойдаланамиз.

**Изокоста** - бу ишлаб чикариш харажатларини ифодаловчи чизик булиб, у умумий киймати бир хил булган иккита ишлаб чикариш омиллари сарфларининг барча комбинацияларини ифодаловчи нукталарни уз ичига олади, яъни умумий киймати бир хил булган мехнат ва капитал сарфлари комбинацияларни ифодаловчи нукталарни уз ичига олади.

Агар фирманинг ишлаб чикариш омилларига сарфланадиган бюджетни *C* деб белгиласак, ишчи кучига сарфини $W \cdot L$ ва капиталга сарфини $r \cdot K$ десак, изокостани ифодаловчи тенгламани куйидагича ёзиш мумкин:

$$C = W \cdot L + r \cdot K \qquad (1)$$

Демак, фирманинг ишчи кучига сарфи билан капиталга сарфи йигиндиси унинг умумий харажати *C* га тенг.

Изокостани графикда куйидагича аниклаймиз:

(1) муносабатдан $K = 0$ булса, яъни фирма маблагини факат ишчи кучига сарфласа, у $L = \frac{C}{W}$ микдорда ишчи кучи ёллаши мумкин. $\frac{C}{W}$ нуктани уоризонтал буйича белгилаймиз. Агар фирма маблагини факат капиталга

сарфласа, яъни $L=0$ булса, $K=\frac{C}{r}$ капитални ижарага олиш мумкин. $\frac{C}{r}$ нуктани вертикал ук буйича жойлаштирамиз.




9-расм. Изокоста.

$\frac{C}{W}$ ва $\frac{C}{r}$ нукталарни туташтирувчи чизик (1) тенгламани ифодаловчи изокостани беради. Изокостанинг хар бир нуктасига мос келувчи ресурслар сарфи комбинациясининг киймати умумий харажат $C$ га тенг. Масалан, $A$ ва $B$ нукталар учун куйидаги тенгликни ёзиш мумкин:

$$C = W \cdot L_A + r \cdot K_A = W \cdot L_B + r \cdot K_B .$$

Агар нукта $0N_1N_2$ учбурчак ичида ётса, шу нуктага мос ресурслар комбинациясини олганда, фирма уз бюджетини тулик сарфламайди. Масалан $M$ нукта учун (1)-тенглама куйидагича ёзилади:

$$W \cdot L_M + r \cdot K_M < C . \qquad (2)$$

(1) тенглама фирманинг хар бир умумий харажати учун графикда алохида изокванта билан ифодаланади. Агар фирманинг умумий харажатлари икки вариантда булса, яъни $C_1$ ва $C_2$ хамда $C_1 < C_2$ булса, ушбу умумий харажатлар учун изокванталар графикда куйидагича жойлашади (10-расм).



10-расм. Изокванталарнинг жойлашуви.

Фирма бюджетининг усиши ёки ресурслар нархининг пасайиши изокостани унуга силжитади, бюджетнинг кискариши ва ресурслар нархининг ошиши изокостани чапга силжитади.

(1)-тенгламани куйидаги куринишда ёзамиз:

$$K = \frac{C}{r} - \left(\frac{W}{r}\right) \cdot L . \qquad (3)$$

(3)-тенгламадан келиб чикадики изокостанинг бурчак коэффициенти куйидагига тенг:

$$\frac{\Delta K}{\Delta L} = -\frac{W}{r} . \qquad (4)$$

Изокостанинг бурчак коэффициенти $\left(-\frac{W}{r}\right)$ шуни курсатадики, агар фирма $r$ нархда $\frac{W}{r}$ бирлик капитал сотиб олиш учун бир бирлик мехнат сарфидан воз кечса ($W$ сум иктисод килади), ишлаб чикаришдаги умумий харажат киймати узгармайди.

Масалан, агар иш хаки 20 сум, капиталга ижара хаки 5 сум булса

$$\frac{\Delta K}{\Delta L} = \frac{W = 20 \text{ сум}}{r = 5 \text{ сум}} = 4,$$

ёки

$$\Delta K = 4 \cdot \Delta L.$$

Демак, фирма умумий харажатни узгартирмасдан бир бирлик мехнатни 4 бирлик капитал билан алмаштириши мумкин.

Энди фирманинг умумий харажатлари чекланганда максимал махсулот ихлаб чикаришга эришиш масаласини график усулда ечилишини куриб чикамиз.



11-расм. Ишлаб чикарувчининг мувозанат нуктаси.

Ишлаб чикарувчи $Q_3$ микдорда ишлаб чикара олмайди, нимага деганда унинг бюджети $Q_3$ микдордаги махсулотни ишлаб чикариш учун керак булган ресурсларни сотиб олишга етмайди. $Q_1$ хам максимал ишлаб чикариш хажми була олмайди, чунки бу холатда ишлаб чикарувчи уз бюджетини тулик сарфламайди, демак у ишлаб чикаришни ошириши мумкин.

$Q_2$ микдордаги махсулот берилган бюджетда эну максимал махсулот ишлаб чикариш хажми хисобланади. $E$ нуктада $Q_2$ изокванта билан изокоста чизиги $C$ кесишади ва ушбу $E$ нукта ишлаб чикарувчининг мувозанат холатини ифодалайди. $E$ нуктада изокванта хам, изокоста хам бир хил ётикликка эга эканлигидан ва изоквантанинг ётиклиги чекли технологик алмаштириш нормаси билан улчаниши, яъни

$$MRTS = -\frac{\Delta K}{\Delta L} = \frac{MP_L}{MP_K} \qquad (5)$$

ва изокостанинг ётиклиги $\frac{\Delta K}{\Delta L} = -\frac{W}{r}$ га тенглигини хисобга олсак, мувозанат $E$ нукта учун куйидаги тенглик уринли булади:

$$\frac{MP_L}{MP_K} = \frac{W}{r}. \qquad (6)$$

(6)-муносабатни куйидагича ёзамиз

$$\frac{MP_L}{W} = \frac{MP_K}{r}. \qquad (7)$$

(7)- тенглик ишлаб чикарувчининг мувозанат холатини белгиловчи шарт булиб хисобланади.

Мувозанат шарт (7) шуни курсатадики, чекланган харажатда максимал ишлаб чикаришга эришилганда ишлаб чикариш омиллари учун сарфланган хар бир кушимча сум бир хил микдордаги кушимча махсулот ишлаб чикаришни таъминлайди.

Агар ишлаб чикариш омилларидан бирининг нархи ошса, масалан ишчи кучи нархи ошса фирма, бундай узгаришга ишлаб чикариш жараёнида ишчи кучини капитал билан алмаштириш билан жавоб беради.

Бундай холат куйидаги графикда келтирилаган (11-расм).

Бошлангич холатдаги $C_1$ изокостада максимал ишлаб чикариш $E$ нуктада эришилади ва $L_1$, $K_1$ микдордаги ресурслар сарфланади. Ишчи кучининг нархи ошганда изокоста $C_2$ холатга утади. $C_2$ изокоста ишчи кучи нархининг ошганлигини ифодалайди.




11-расм. Ишчи кучини нархи ошганда уни капитал билан алмаштириш.

$C_2$ изокостада фирма максимал ишлаб чикариш хажмига $E_2$ нуктада эришади ва ишлаб чикаришга $L_2$ ва $K_2$ микдордаги ресурслар сарфланади. Ишчи кучига нархнинг ошиши, ишчи кучидан фойдаланишни кискартиради ва капиталдан фойдаланишни оширади.

Кискача хулосалар

**1. Ишлаб чикаришда турли омиллар таъсир этади. Булар моддий омиллар, мехнат ресурслари ва капиталдан иборат. Ишлаб чикаришни ана шу омилларга богликлигини акс эттиришда ишлаб чикариш функциясидан фойдаланиш мумкин. Ишлаб чикаришни тугри таксимлашда изокванта усулидан фойдаланилади.**

**2. Агар корхонада ишлаб чикаришни битта омил хисобида ривожлантириш лозим булса, унда бошка омил узгармас холда колади. Ана шу битта омилни купайтира бориб, ишлаб чикаришда зарур булган ва максадга мувофик хажмдаги ресурс микдори аникланади.**

**3. Ишлаб чикаришни самарали ташкил этиш учун корхонани максадга мувофик хажмини белгилаш лозим булади. Корхона хажмини самарадорликка таъсирини уч хилдаги куриниши мажуд. Биринчи куринишдаги таъсир шундан иборатки, унда килинган сарф-харажатлар икки баробар фойда келтиради. Иккинчи куринишда булса, канча харажат килинса, шунча даромад олинади.Учинчи куринишда олинган даромадга кура харажатлар куп булади, яъни корхона хажмини кенгайтиришга килинган харажат зара билан якунланади.**

Назорат ва мулохаза учун саволлар

**1. Ишлаб чикариш функцияси нима?**

**2. Изокванта нима учун керак ?**

**3. Изокоста нимани билдиради?**

**4. Ишлаб чикаришни битта омил хисобида кандай ташкил этилади?**

**5. Ишлаб чикаришни иккита омил хисобида кандай ташкил этилади?**

**6. Корхона хажми деганда нимани тушунасиз?**

7. Корхона хажмининг самарадорликка таъсирини кандай куринишлари бор?

## 11- МАВЗУ. БОЗОР ИКТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ФИРМАЛАРДА ИШЛАБ ЧИКАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

Маъруза хажми – 2 соат.

Режа:

4. Киска ва узок муддатдаги фаолияти.
5. Ресурслар таксимланиши ва ишлаб чикариш имкониятлари.
6. Корхона фойдаси ва провард даромад.

### 1. Фирманинг киска ва узок муддатли ораликдаги фаолияти.

Фирманинг ишлаб чикариши ва харажатлари тугрисида гапирганда уларни икки хил вакт оралигида караш лозим, киска муддатли ва узок муддатли.

**Киска муддатли оралик** - бу шундай вакт оралигики, фирма бу ораликда фаолият курсатганда, у ишлаб чикариш омилларидан камида биттасининг хажмини узгартира олмайди. Бундай омилга узгармас ишлаб чикариш омили дейилади.

Узгармас омил сифатида фирма капитали - ишлаб чикариш куввати хисобланади. Масалан, фирма капиталидан фойдаланиш йуналишини узгартириш учун одатда узок вакт талаб килинади. Янги завод куриш учун, биринчи навбатда унинг лойихаси ишлаб чикилади, ускуна ва технологик линиялар сотиб олинади ва урнатилади. Ушбу ишларни амалга ошириш учун куп вакт талаб килинади (камида бир йил).

**Узок муддатли оралик** - бу ораликда фирма ишлаб чикаришда фойдаланаётган барча ишлаб чикариш омиллари хажмини (ишлаб чикариш кувватини хам) узгартиради. Узок муддатли ораликда барча ишлаб чикариш ресурслари узгаради ва бундай ресурсларга узгарувчан ресурслар дейилади.

Киска муддатли ораликда фирма ишлаб чикариш кувватини узгартира олмайди, лекин ундан фойдаланишни интенсивлаштириши мумкин.

Узок муддатли ораликда ишлаб чикариш куввати хам узгаради. Албатта узок ва киска муддатли ораликлар хар-хил махсулотлар учун турлича булиши мумкин.

### 2. Фирмаларда харажатлар, ишлаб чикариш ва фойда

Хар кандай фирманинг асосий максади фойдани максималлаштиришдан иборатдир.

Умумий холда фойда ялпи даромаддан умумий харажатларни айириш оркали топилади.

$$\pi = TR - TC, \qquad (1)$$

бу ерда $\pi$ - фойда; $TR$ - умумий даромад; $TC$ - умумий харажат.

Харажатлар фирмага нисбатан ташки ва ички харажатларга булинади. Ташки харажатларга ташки туловлар, яъни ташки мол етказиб берувчиларга (хом-ашё, материаллар, электроэнергия, газ) туловлар киради. Умумий

даромаддан ташки харажатларни айириб ташласак, бухгалтерия фойдасини оламиз. Бухгалтерия фойдаси ички (яширин) харажатларни хисобга олмайди

Ички харажатлар сифатида куйидагилар каралади: 1) тадбиркорнинг узига тегишли ресурсларга булган харажати; 2) тадбиркорлик кобилиятига тугри келадиган ва тадбиркорга тегишли булган нормал фойда. Бухгалтерия фойдасидан ички харажатларни айириб ташласак иктисодий фойдани оламиз.

Ташки ва ички харажатларнинг йигиндиси альтернатив ёки иктисодий харажатларни ташкил килади. Альтернатив харажатлар, фирманинг ресурсларидан эну яхши вариантда фойдаланиши билан боглик йукотилган имкониятлардир.

Иктисодий харажатлар фирма фаолиятини бухгалтер ва иктисодчи томонидан бахоланишни фарк килишга имкон беради. Бухгалтерни биринчи навбатда, фирманинг маълум муддат давомидаги (хисобот даврида) фаолияти натижалари кизиктиради. Иктисодчини эса фирманинг келажаги, унинг келажакдаги фаолияти кизиктиради. Шунинг учун хам фирма ихтиёридаги ресурслардан эну яхши альтернатив фойдаланиш вариантларини топишга эътибор беради.

**Кайтарилмайдиган харажатлар.** Кайтарилмайдиган харажатлар олдин килинган харажатлар булиб, уларни кайтадан тиклаш мумкин эмас. Бу харажатлар кайтарилмаслиги учун хам фирманинг карор кабул килишига таъсир килмайди. Масалан, фирма 100 мину сумга махсус ускуна сотиб олди, лекин фирманинг карори узгарди ва бу ускуна умуман керак булмай колди, ундан альтернатив фойдаланиш варианти мавжуд эмас.

Фирма ушубу ускунани 60 мину сумга сотиб, 40 мину сум зарар курди. 40 мину сум кайтарилмайдиган харажат хисобланади ва фирманинг харакатига таъсир килмайди.

**Узгармас харажат** (*FC - fixed cost*) - бу киска муддатли ораликда махсулот ишлаб чикариш хажмига боглик булмаган харажатдир (махсулот ишлаб чикариш хажми ошганда хам, камайганда хам узгармайдиган харажат). Узгармас харажатларга бинодан, техникадан, иншоотлардан, ишлаб чикариш ускуналаридан фойдаланиш билан боглик харажатлар, ижара хаки, капитал таъмирлаш, маъмурий харажатлар киради.

**Уртача узгармас харажат** (*AFC - Average Fixed Cost*) - бир бирлик махсулотга тугри келадиган узгармас харажат булиб, у куйидагича аникланади:

$$AFC(Q) = \frac{FC}{Q}. \qquad (5)$$

Уртача узгармас харажат махсулот хажми ошиши билан камайиб боради.

Узгармас харажат ($FC$) ва уртача узгармас харажатлар ($AFC$) чизиги графикда куйидагича тасвирланади (1-расм).




1-расм. *FC* ва *AFC* чизиклари графиги.

**Узгарувчан харажат** (*VC - Variable Cost*) - махсулот ишлаб чикариш хажмига боглик булган харажат, яъни махсулот хажми ошганда ёки камайганда узгарадиган харажат. Узгарувчан харажат $Q$ га боглик функция булиб, $VC(Q)$ куринишида ёзилиши мумкин.

Узгарувчан харажатларга хом ашёга, электроэнергияга, газга, ёрдамчи материалларга булган харажатлар хамда иш хаки киради.

Уртача харажатлар шундай хусусиятга эгаки, ишлаб чикаришнинг бошлангич кисмида унинг усиш суръати махсулот ишлаб чикариш суръатидан юкори булади, ишлаб чикариш хажми оптимал улчовга эришганда узгарувчан харажатлар камайиб, ундан кейин яна ошади.

**Уртача узгарувчан харажатлар** (*AVC - Average Variable Cost*) - бир бирлик ишлаб чикарилган махсулотга тугри келадиган узгарувчан харажат булиб, у узгарувчан харажат микдорини ишлаб чикарилган махсулот микдорига нисбати билан аникланади. Уртача харажатлар фирма оптимал технологик размерга (оптимал ишлаб чикариш хажмига) эришганда узининг минимал кийматига эришади (2-расм), ишлаб чикариш хажми яна ошса, уртача харажат хам ошиб боради (бу ерда бошкаришнинг мураккаблашуви, самарали булмаган ресурслардан фойдаланиш, узгарувчан харажатларни ошишига сабаб булади).

Уртача узгарувчан харажат фирма фаолиятини тахлил килишда мухим ахамият касб этади. Унинг ёрдамида фирма фаолиятининг самарадорлиги, фирманинг мувозанат холати ва келажакдаги истикболи (ишлаб чикаришни кенгайтириш, кискартириш ёки тармокдан чикиш) белгиланади.




**Оптимал ишлаб чи=ариш**
**шаҳми**

2-расм. $VC$ ва $AVC$ чизиклари графиги.

**Умумий харажатлар** (*TC - Total Cost*) - киска муддатли орликда маълум микдорда махсулот ишлаб чикариш учун сарфланган узгармас ва узгарувчан харажатларнинг йигиндисига тенг:

$$TC = FC + VC(Q). \qquad (6)$$

Бу ерда $FC$ - узгармас харажат, $VC(Q)$ - узгарувчан харажат.

Уртача харажатни баъзи холларда $TC$ урнига $C$ билан хам белгилайди.

График куринишда умумий харажат чизиги узгармас ва узгарувчан харажатлар чизикларини кушиш билан хосил килинади (3-расм).




3-расм. Умумий харажатлар.

Уртача умумий харажатларни умумий харажатни ишлаб чикарилган махсулот микдорига булиш йули билан аниклаш мумкин:

$$ATC = \frac{TC}{Q},$$

ёки уртача узгармас (*AFC*) ва уртача узгарувчан (*AVC*) харажатларни кушиш йули билан аникланади:

$$ATC = AFC + AVC = \frac{(FC + VC)}{Q}. \quad (7)$$

$ATC$, $AFC$ ва $AVC$ чизикларининг графикдаги куриниши куйидаги расмда келтирилган (4-расм).




4-расм. $ATC$, $AFC$ ва $AVC$ чизикларининг графиклари.

Уртача умумий харажатлар фирма фаолиятини тахлил килишда асосий курсаткичлардан бири хисобланади. Уртача умумий харажат билан нарх уртасидаги фарк оркали фирманинг олаётган фойдаси ёки зарари аникланади.

**Чекли харажат** (*MC - Marginal Cost*) - ишлаб чикариш хажмини кичик микдорга (одатда бир бирликка) ошириш билан боглик булган кушимча умумий харажатдир:

$$MC = \frac{\Delta TC}{\Delta Q} = \frac{\Delta(FC + VC)}{\Delta Q} = \frac{\Delta FC}{\Delta Q} + \frac{\Delta VC}{\Delta Q} = \frac{\Delta VC}{\Delta Q} = MVC$$

Бу ерда чекли узгармас харажат $\frac{\Delta(FC)}{\Delta Q} = 0$ булгани учун, чекли харажат чекли узгарувчан харажат $MVC$ га тенг ($MC = MVC$).

$MVC$ - чекли узгарувчан харажат булиб, махсулотни кушимча бир бирликка ($\Delta Q$) оширгандаги узгарувчан харажатнинг усган кисми $\Delta VC$ га тенг.

Юкоридаги формуладан куриниб турибдики, узгармас харажат чекли харажат микдорига таъсир килмайди. Чекли харажат узгарувчан харажат функциясидан олинган хосилага тенг:

$$MC = \frac{d(VC)}{dQ}.$$

Харажатлар функцияси графиклари бир-бирига нисбатан шундай жойлашганки, бошланишда чекли харажатлар камайиб боради (бу ерда асосий сабаб, ишлаб

чикариш масштаби кенгайишининг мусбат самараси ва оптимал технологик ишлаб чикариш хажми га чикиш хамда уз гармас харажатларнинг камайиши). Оптимал хажмдан кейингиишлаб чикариш хажмининг усишида кам самарали ресурсларни ишлаб чикариш га жалб килиш, ишлаб чикариш масштабини ортикча кенгайиши натижасида бошкарув самарадорлигининг камайиши, харажатларнинг ортиши натижасида чекли харажатлар усиб боради.

Умумий, уртача, уз гарувчан ва чекли харажатлар графикларининг типик жойлашуви куйидаги5-расмда келтирилган:




5-расм. $AC$, $AVC$, $AFC$ ва $MC$ графикларининг узаро жойлашуви.

Расмдан куриниб турибдики, агар $MC < AC$ булганда $AC$ чизиги паст га караб тушади ва $MC < AVC$ булганда хам $AVC$ чизиги паст га караб камайиб боради. Бунинг сабаби - хар бир янгикушимча бирлик махсулотни ишлаб чикариш харажати ишлаб чикилган махсулотнинг уртача ва уртача уз гарувчан харажатидан кичик булгани учун, уртача ва уртача уз гарувчан харажатларни камайтиради.

агар $MC > AC$ ва $MC > AVC$ булганида $AC$ ва $AVC$ чизиклари юкори га караб усиб боради. Бу ерда кушимча ишлаб чикарилган бирлик махсулоти харажати $AC$ ва $AVC$ дан катта булгани учун, у ушбу уртача ва уртача уз гарувчан харажатларини оширади.

Юкоридагификрлардан келиб чикадики, уртача харажат ($AC$) ва уртача уз гарувчан харажат ($AVC$)лар узларининг минимал кийматларида $MC$ чизигини кесиб утадилар (расмда $A$ ва $B$ нукталар), яъни

$$AC = \min AC(Q) \text{ булганда } MC = AC,$$

ва $AVC = \min AVC(Q)$ булганда $AVC = MC$.

## Кискача хулосалар

Фирма деганда, мустакил хужалик юритадиган ишлаб чикариш ва хизмат курсатиш фаолияти билан шугулланувчи иктисодий субъект тушунилади. Мустакил хужалик фаолияти юритади деганда, кандай махсулотлар ишлаб чикариш, канча ишлаб чикариш, каерда, ким га, канча нархда сотиш буйича фирманинг мустакил карор кабул килиши тушунилади.

Фирма (корхона) - бу ишлаб чиариш ресурслари э галарининг карорларини ва манфаатларини мувофиклаштирувчи институционал тузилма хисобланади.

Тадбиркорлик фирмаларининг асосий ташкилий шакллари: хусусий тадбиркорлик фирмаси, масъулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар, корпорация (очик ва ёпик турдагиакционерлик жамиятлари).

Хусусий тадбиркорлик фирмаси - бу фирманинг э гаси ишни мустакил, уз манфаатидан келиб чикиб олиб боради, у таваккалчиликни уз зиммаси га олади, фирманинг барча мажбуриятлари буйича тулик жавоб гарликни буйни га олади (яъни, масъулияти чекланмаган жамият хисобланади), колган даромадни узи узлаштиради.

Монополист махсулот хажмини $Q_2$ дан оширса, у хар бир бирлик кушимча ишлаб чикарган махсулоти учун MR-MC га тенг булган кушимча фойда олиши мумкин яъни у узининг умумий даромадини ошириши мумкин. Монополист махсулот хажмини ошириб умумий фойдани ошириши мумкин то махсут хажми Q га тенг булгунга кадар, махсулот хажми Q га тенг булганда кейинги кушимча 1 бирлик ишлаб чикарилган махсулотдан тушудиган даромад ога тенг, нима учун деганда MR-MC булади. Шунинг учун ишлаб чикариш хажми $Q_1$га тенг булганда монополистнинг умумий фойдаси расмдаги шрихланган FKM сохага тенг булган микдорда камаяди. Монополист учун $Q_2$ микдорда махсулот ишлаб чикариш хам унинг умумий фойдасини камайтиради. $Q_2$ хажмда чекли харажатлар, чекли даромадлардан юкори MC > MR. Агар монополист ишлаб чикариш хажмини $Q_2$ га нисбатан камайтирса, у узининг умумий фойдасини MC - MR микдорга оширган буларди. Монополист махсулот хажмини $Q_2$ дан Q га кадар кискартириши натижасида умумий фойдани MEL штирхланган соха микдорида ошириши мумкин. Q хажмдан кейин махсулот хажмини кушимча бирликка кискартирилиши умумий фойдани оширмайди (MC = MRбулади.) расмда Q=0 билан Q ва MC хамда MR чизиклар оралигидаги соха монополистик томондан кам микдорда махсулот ишлаб чикариб ута юкори нархда сотиш муносабати Билан йукотиладиган фойдани ифодаласа, махсулот хажми Qдан катта булгандаги ва MC билан MR оралигидаги соха нихоятда куп махсулот ишлаб чикариб (0>0), паст нархларда сотилиши натижасида йукотиладиган фойдани ифодалайди.

Махсулот ишлаб чикариш хажми Q фойдани максимал киладиган хажм эканлигини математик нуктаи назардан хам курсатиш мумкин. Умумий фойдани $\pi$ билан белгиласак

$$\pi(Q) = R(Q) - C(Q),$$

ва бу муносабатдан Q буйича хосила олиб уни нолга ечамиз.

Демак монгополист махсулот хажмини максимао фойда берадиган хажм 15 бирликдан оширса яъни 16 бирлик ишлаб чикарса унинг фойдаси икки сумга камаяди.

Худи шундай монополист ишлаб чикариш хажмини 15 бирликдан 14 бирликка камайтирса, нарх кутарилиб 46 сум булади ва умумий фойда 370 сумдан 368 сумга камаяди. Демак, бундай холни тушунган монополист махсулот ишлаб чикаришда бу коидага амал килади.

Монопол шароитда нарх белгилаш ва монопол хокимият курсаткичи

Биз курдикки, монопол бозорда нарх чекли даромаддан юкори булади (P>MR).

Чекли даромад MR ва куйидагича узгартириб ёзамиз:

$$MR=\frac{\Delta R}{\Delta Q}=\frac{\Delta(P\cdot Q)}{\Delta Q} \qquad (1)$$

$\frac{\Delta(P\cdot Q)}{\Delta Q}$ бу кушимча бир бирлик махсулот ишлаб чикариш натижасида олинган кушимча даромад булиб, у икки хусусиятга эга. (1) тенгликни куйидагича ёзиш мумкин:

$$MR=\frac{\Delta R}{\Delta Q}=\frac{\Delta(P\cdot Q)}{\Delta Q}+\frac{P\cdot\Delta Q}{\Delta Q}=\frac{\Delta P}{\Delta Q}+P \qquad (2)$$

1) Бир бирлик кушимча махсулот ишлаб чикариб ($\Delta Q=1$), уни Р. (1)= Р нархга тенг булган даромад оламиз;

2) Монопол фирма махсулотига булган талаб чизиги пастга ётик булгани учун кушимча бир бирлик махзсулот ишлаб чикариб, уни сотилиши, нархни кичик микдорга камайтиради ($\frac{\Delta R}{\Delta Q}$ - кушимча бирлик махсулот ишлаб чикариб сотиш натижасида нарх канча микдорга камайишини курсатади) ва бу барча сотилган махсулотдан тушган даромадни камайтиради (яъни $Q\cdot\frac{\Delta P}{\Delta Q}$- даромаднинг узгариши).

Демак $MR=P+Q\cdot\frac{\Delta P}{\Delta Q}$ (3)

ва бу ерда $\frac{\Delta P}{\Delta Q}$ талаб чизиги манфий ётикликка эга булгани учун чекли даромад нарх Р дан кичик булиши керак (нима учун деганда $\Delta P$ манфий).

Энди чекли даромад Билан талаб чизиги ётиклиги уртасидаги богликликни чекли даромад Билан нархга кура талаб эластиклиги коэфициенти уртасидаги богликликка айлантирамиз. Маълумки, талабнинг нарзга кура эластиклик коэфициенти

$$E_P^D=\frac{P}{Q}\cdot\frac{\Delta Q}{\Delta P},$$

бундан

$$\frac{\Delta P}{\Delta}=\frac{P}{Q\cdot E_P^D}$$

бу муносабатни чекли даромад тенгламасига куйсак куйидагиларни оламиз:

(4)

$$MR=P+Q\cdot\frac{P}{Q\cdot E_P^D}=P+P\cdot\frac{1}{E_P^D}$$

$$MR=P+P\cdot\frac{1}{E_P^D}$$

(4) тенглама чекли даромадни хар кандай ишлаб чикариш хажмида товар нархидан ва талабнинг нархга кура эластиклигидан боглик эканлигини курсатади. Фирманинг максади фойдани максималлаштириш булгани учун биз чекли даромадни, чекли харажатга тенглаштириб ёзамиз:

(5)

$$MR=P+P\cdot\frac{1}{E_P^D}=MC$$

ёки

$$\frac{P-MC}{P}=-\frac{1}{E_P^D}$$

Ушбу формула монопол нарх белгилашда «Бош бармок» коидаси номи Билан юритилади. (эсдан чикармаслик керак E<0, демак (5) ифоданинг унг томони хар доим мусбат). (5) тенгламанинг чап томонидаги ифода $\frac{P-MC}{P}$ нархнинг чекли харажатдан канчалик юкори эканлигини, нархга нисбатан % хисобида курсатади ва бу фарк тескари олинган манфий эластиклик коэфицентига тенг.

(5) тенгликни нархга боглик холда хам ёзиш мумкин:

$P=\frac{MC}{1+\frac{1}{-5}}$=37,5 сум булади.

Ракобатлашган бозорда P=MC булганини курган Эдик. Монополист нархни чекли харажатдан юкори белгилайди (P >MC) ва бу фарк микдор буйича талаб эластиклигига тескари пропорционал булади(5). (5) тенгламадан шундай хулоса келиб чикадики, агар талабнинг нарх буйича эластиклиги канча юкори булса, махсулот нархи шунча чекли харажатга (MC) га якинлашади. Нарх канчалик чекли харажатга якин булса, монопол бозор ракобатлашган бозорга шунчалик якин булади. Демак, талаб юкори даражада эластик булса, монополист оладиган кушимча фойда шунча кичик булади.

Монопол хокимият курсаткичи. Ракобатлашган бозорда нарх чекли харажатга тенг булиши, максимал фойда олишнинг зарурий шарти эди. Монопол бозорда нарх чекли харажатдан юкори белгиланади (P >MC) анашу фарк (MC-P), яъни фойдани максималлаштирадиган нарх билан чекли харажат уртасидаги фарк монопол хокимиятни улчаш усули булиши мумкин. Монопол хокимиятни худди Ушбу усулда аниклашни 1934 йилда иктисодчи олим Абба Лернер таклиф килганлиги учун бу курсаткич Лернернинг монопол курсаткичи деган номни олган

$$L=\frac{P_m-MC}{P_m}=-\frac{1}{E_P^D}$$

Бу ерда L - монопол хокимиятнинг Лернер индекси;

P – монопол нарх;

MC – чекли харажат;

$E_P^D$ - талабнинг нархга кура эластиклиги.

Масалан, бензинга талабнинг нарх буйича эластиклиги-5 булса,

$$L=-\frac{1}{E_P^D}=-\frac{1}{-5}=0{,}2$$

Бензин сотувчи фирманинг монопол хокимияти 0,2га тенг.

Шуни таъкилаш керакки, юкори монопол хокимият юкори фойда олишни кафолатламайди. Фойда урта харажатнинг нархга булган нисбатига боклик. Агар икки фирмадан биринчисининг монопол хокимияти, иккинчи фирманинг уртача харажати жуда юкори булса унинг оладиган фойдаси иккинчи фирма фойдасидан кичик булади. Юкоридаги тенглама курсатадики, талаб канчалик эластик булса, шунчалик монопол хокимият юкори. Демак, монопол хокимиятнинг келиб чикиш сабаби, талаб эластиклигидадир.

Амалиётда чекли харажатни хисоблаш кийин булгани учун, уни уртача харажат Билан алмаштиради. Бу холда формула куйидаги куринишни олади:

$$L=\frac{P-AC}{P}$$

Агар биз ифоданинг сурат ва махражнинг Q га купайтирсак, махражда умумий даромадни, суратда фойдани оламиз:

$$L=\frac{(P-AC)\cdot Q}{P\cdot Q}=\frac{\pi}{TR}$$

Шундай килиб Лернер курсаткичи юкори фойда олишни монополиянинг далолати эканлигини курсатади.

Монопол хокимиятни характерлаш учун бозорни мараказлашув даражаси курсаткичидан хам фойдаланилади. Бу курсаткич биринчи булиб Херфиндал-Хиршман индекси деб юритилади. Бу индекс корхоналарнинг бозордаги улушлари йигиндиси сифатида каралади ва кайси фирманинг бозордаги улуши юкори булса, у фирма бозорда монопол хокимиятига эга булиши мумкин ёки шундай имконият мавжуд деб каралади. Фирмалар бозордаги улушига кура тартиблаштирилади.

$$I=S_1^2+S_2^2+S_3^2+...+S_n^2$$

Бу ерда: I- Херфиндал-Хиршман индекси;

$S_1^2$ - бозорда энг катта улушга эга булган фирма;

$S_2^2$ - ундан кейинги катталикдаги улушга эга фирма ва хоказо:

$S_n^2$ - энг кичик улушга эга булган фирма.

Агар тармокда ягона фирма булиб унинг махсулотини ташкил килса $S_1^2$=100% булади ва бундай хол соф монополия булади, яъне Херфендал-Хершман индекси I=10000га тенгдир.

Масалан, АКШда Хершман-Хермендал индекси I=1800дан ошган тармоклар, монопол тармокларда киради. Юкоридаги индексдан монополияга Карши олиб бориладиган фаолиятда фойдаланилади. Бозорнинг ката кисмини бир неча фималар томонидан эгаллаб олиниши холатига бозорнинг марказлашуви (концентрация рынка) дейилади.

## МОНОПОЛ ХОКИМИЯТ ВА ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ

Монопол хокимиятда нарх чекли харажатдан юкори булади. Монопол хокимиятда нарх ошади. Ишлаб чикарши хажми камаяди, натижада бу фирманинг даромадини ошишига ва истеъмолчилар турмуш даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Истеъмолчилар ва ишлаб чикарувчилар ортикчаларини монопол ва ракобатлашган бозор шароитларида караймиз.

Ракобатлашган бозордаги ишлаб чикарувчилар ва монопол ишлаб чикаришнинг чекли харажатлари (МС) бир хил деб фараз килайлик.

Маълумки монополист уз фойдасини МС=MR булишини (В нукта) таъминлайдиган ишлаб чикариш хажмида максималлаштиради. Монополистнинг оптимал ишлаб чикариш хажми $Q_m$ ва у белгилайдиган нарх $P_m$га тенг. Ракобатлашган бозорда Р=МС булгандаги ишлаб чикариш хажми максимал фойдани таъминлайди ва талаб чизиги Билан таклиф чизиги кесишган нукта Е да мувозанат нарх $P_e$ ва мувозанат ишлаб чикариш хажми Q аникланади.

Монопол нархда истеъмолчилар камрок махсулот сотиб оладилар. Махсулотни монопол нархдан сотиб олган харидорлар узларининг истеъмол ортикчасини маълум кисмини юкотади, бу йукотиш 10,3 расмда $P_m$ $P_e$АС тугри туртбурчак юзасига тенг. Махсулотни $P_e$ нарзда сотиб олишни хохлаган, лекин $P_m$ нархда сотиб олаолмаган истеъмолчилар хам, истеъмол ортикчасининг кисмини йукотади, бу йукотиш АЕС учбурчак юзасига тенг. Истеъмолчиларнинг истеъмол ортикчасининг умумий йукотиш $P_e$ $P_m$АС туртбурчак юзи Билан АЕВ учбурчак юзи йигиндисига тенг. Ишлаб чикарувчи эса махсулотни юкори $P_m$ нархга сотиб $P_e$ $P_m$АС туртбурчак юзи Билан ифодаланган фойдани олади, аммо шу Билан бирга у ишлаб чикариш ортикчасининг ВСЕ учбурчак юзасига тенг булган ксмини юкотади, яъни у кушимча ($Q_e$-$Q_m$) ,бирлик махсулот ишлаб чикариб, уни $P_e$ нархда сотиб олиш мумкин булган кушимча фойдасини йукотади.

Шундай килиб, ишлаб чикарувчининг умумий фойдаси $P_e$ $P_m$АС турт бурчак юзидан ВСЕ учбурчак юзасини айирмасига тенг. Энди ишлаб чикарувчининг умумий фойдасидан истеъмол йукотган истеъмол ортикчасини айирсак (АВЕ=АЕС+ВСЕ) АВЕ учбурчак юзасига тенг буоган соф йукотишни оламиз. Бу соф йукотиш монопол хокимиятиданкелиб чикади.

АВЕ учбурчак юзасига тенг соф йукотиш монополиянинг «улик юки» булиб, у жамиятнинг йукотиши ёки жамиятнинг монополиядан курадиган зарарини ифодалайди.

Монопол фирма уз монополиясини саклаб колиш учун бошка фирмаларни тармокка киришига тусиклар яратиш учун Яна харажатлар килса, у бу Билан жамият йукотишларини янада ошириши мумкин.

## МОНОПОЛ НАРХГА СОЛИКНИНГ ТАЪСИРИ

Юкорида курган эдикки, ракобатлашган бозорда бир бирлик махсулотга куйилган солик, махсулотнинг бозор нархини солик микдорига нисбатан

кичикрок микдорга узгартиради ва бу солик юкки хам истеъмолчига хам сотувчига таксимланади. Монопол бозорда солик куйилганда, махсулот нархи солик микдоридан купрок микдорга ошиши мумкин.

Фараз килайлик монопол бозорда хар бир бирлик махсулот стортилади. Солик микдори t сумга тенг ва монополист сотилган хар бирлик махсулот учун давлатга t Сум солик тулайди. Демак, фирманинг уртача ва чекли харажатлари t сумга ошади. Агар фирманинг бошлангич чекли харажати куйидагича булади.

Графикда солик хисобига узгарган чекли харажат чизиги МС бошлангич чекли харажат чизиги t микдорга юкорига силжитиш оркали хосил килинади.

Натижада МС чизиги чекли даромад чизигини, яъни $B_1$ нуктада кесиб утади. Биз соликка тортилгандан кейинги ишлаб чикариш хажми $Q_0$ ва нарх $P_0$ни ва соликка тортиладиган кейиги ишлаб чикариш хажми $Q_1$ ва нарх $P_1$ларни оламиз.

Чекли харажат чизигини юкорига силжиши ишлаб чикариш хажми $Q_0$ дан $Q_1$ гача пасайтиради, нархни $P_0$ дан $P_1$ га кутаради.

Бунинг сабаби, монопл бозорд нархнинг чекли харажатга нисбати талабнинг эластиклигига боглик.

$$E_P^D = P + \frac{P}{MC}$$

Масалан, $E_P^D = -2$ булса, монопол нарх формуласига кура солик t га тенг булганда,

$$P = \frac{MC + t}{1 + \frac{1}{-2}} = 2(MC + t) = 2MC + 2t$$

Нарх солик микдорига нисбатан икки баробар ортади. Таянч иборалар. Соф монополия, олигополия, монопол ракобат бозори, монопсония, бозор хокимияти, монопол нарх, Лернернинг монопол курсаткичи, Херфиндал-Хиршман индекси соф йукотиш.

## 15- МАВЗУ: Бозор хокимияти шароитида нарх белгилаш тамойиллари.

**Маъруза хажми 2 соат.**

**Режа:**

8. **Нарх тушунчаси, тамойиллари ва функциялари.**
9. **Монопол нарх белгилашда «бош бармок» коидаси.**
10. **Истеъмол хажмига кура нархлар диверсификацияси.мехнат ресурсларидаг**

**11. Махсулотларга булган юкори талаб даврида нарх бериш тартиби.**
**12. Олигополик бозор.**
**1. Камалган шахс муаммоси («дилемма заключенного»).**
**2. Камалган шахс муаммоси ёрдамида нарх белгилаш.**

## 1. Олигополик бозор

Юкоридаги бобларда курган эдикки, ракобатлашган бозорда истеъмолчи ва ишлаб чикарувчиларнинг ортикчаликлари Узининг максимал кийматига эришади. Монопол ракобатлашган бозорнинг самарали ёки самарасиз эканлигини тахлил килиш учун ракобатлашган бозорларнинг узок муддаьли ораликдаги мувозанат холатларини таккослаймиз. Ракобатлашган ва монопол ракобатлашган бозорларнинг узок муддатли ораликдаги мувозанат холатлари. (1-расмда келтирилган)




Бу икки бозор уртасидаги фаркларни куйидагиларда куриш мумкин:

1. Ракобатлашган бозорда P*=MC булса, монопол ракобатлашган бозорлардаги нарх чекли харажатдан юкори $P_м$ >MC, демак, истеъмолчи кушимча бир бирлик махсулот учун тулайдиган нарх, бир бирлик махсулотни ишлаб чикариш харажатидан юкори. Агар ишлаб чикариш хажми $Q_м$ дан $Q_E$ микдоргача оширилганда (MC чизиги Билан талаб чизиги ксишган E нукта) истеъмолчи ва ишлаб чикарувчининг умумий ортикчалиги штрихланган майдон микдорига тенг микдорда ошган булар эди.

Бунинг сабаби монопол хокимиятнинг соф юкотишларга олиб келишидир, монопол ракобатлашган бозордаги корхоналар хам нисбатан монопол хокимиятга эга.

2. Ракобатлашган бозорда мувозанат холат N нуктада этишилса, монопол ракобатлашган бозорда M нуктада эришилади. Ракобатлашган бозорда талаб чизиги горизонтал булиб, фирманинг фойдасини 0-га тенг булиш нуктаси уртача харажатнинг минимал кийматига тугри келади. Монопол ракоьатлашган бозорда талаб чизиги пастга томон ётик булади. Шунинг учун хам фирма фойдасиниг 0-га тенг нуктаси уртача хражатнинг минимал нуктасидан чапрок томонга силжиган бУлади ва фирма $\Delta Q = Q_N - Q_M$ микдорга тенг резерв кувватга эга булади. Бу резерв кувватлар самарасиз хисобланади. Нима учун деганда уртача харажатларни ишлаб чикариш хажмини ошириб, камайтириш мумкин. Бундай самарасизлик ахолининг турмуш даражасини пасайтиради. Демак, монопол ракобатлашган бозор самарасиз хисобланади. Лекин шу Билан бирга

монопл ракобатлашагн бозорнинг ижобий томонлари тугрисида хам гапириш мумкин.

Монопол ракобатлашган бозордаги фирмаларнинг монопол хокимияти ката эмас. Бозордаги фирмаларнинг махсулотлари бир-бирини Урнини босади ва шунинг учун хам алохида фирма юкори монопол хокимиятга эга булла олмайди. Демак, айтиш мумкинки монопол хокимиятдан курадиган соф йукотишлар хам унча ката булмайди. Талаб чизигининг ётиклиги, талабнинг эластик эканлигини билдиради, шунинг учун фирмаларнинг резерв куввати хам ката эмас. Бошка томондан, монопол ракобатлашган бозор товарлар ассортиментини кенгайтиради. Бу уз навбатида истеъмолчиларга ракобатлашаган товарлар бозорида танлаш имкониятини оширади. Монопол ракобаташагн розлога мисол сифатига Тиш ювиш пасталари бозори, кийим кечак ва озик овкат бозорларини келитириш мумкин.

**Олигополия** – бу шундай бозор турики, ундаги товар таклифининг хаммаси, ёки деярли хаммаси бир неча ишлаб чикарувчи фирмалар томонидан булиб олинган ва бу бозорга янги фирмаларнинг Кириши ката тусик оркали чекланган булади.

Олигополия сузи грекча булиб (oligos- бир неча poleo-сотаман) сотувчиларнинг кимлигини билдиради. Олигопол тармокларга мисол сифатида АКШнинг автомобил саноати, пулат, алюмин, электро ускуналар ва компютер тармокларни келтириш мумкин. Бу тармокларда ишлаб чикариладиган умумий махсулот хажми бир неча фирмалар хиссасига тугри келади.

Олигополик бозорни унинг куйидаги учта хусусияти ажратиб туради:

биринчидан, тармокда фаолият курсатаётган фирмаларнинг камлиги;

иккинчидан, тармокка кирувчи фирмала учун кучли тусикларнинг мавжудлиги;

учиничидан, олигополик бозордаги фирмаларнинг харакати бири бирига богликлиги.

Олигополик бозоринниг учиничи хусусиятига кура, фирмаларнинг иктисодий харакатлари бир-бирига боглик, яъни хар бир фирма бирор иктисодий стртегияни танлаганда, бошка фирмаларнинг Ушбу стратегиягабулган муносабатини эътиборга олиш керак булади.

Масалан, бир фирма уз махсулотига талабни рагбатлантириш учун махсулотнинг нархини 10%га камайтирса, у асосан ракобатлашувчи фирмалар хисобидан уз махсулотини сотиш хажмини анчага ошириши мумкин.

Лекин фирманинг бу нарх сиёсатига жавобан бошка ракобатлашувчи фирмалар хар хил иктисодий сиёсат олиб бориши мумкин:

Биринчидан, бошка фирмалар эътибор бермаслиги мумкин;

Икиинчидан, улар хам нархни 10%га тушири мумкин, натижада фирмалар оладиган фойда микдори камаяда, хатто 0-га тенг бУлиши хам мумкин;

Учиничидан, бошка фирма бу фирмани синдариш максадида махсулотга булган нархни 10%дан юкорирок пасайтириши мумкин, лекин бундай холатни давом этиши нархлар жангига олиб келиши мумкин. **Нархлар жангги** – бу ракобатлашадиган фирмалар томонидан олигополик бозорда нархларнинг боскичма-боскич тушурушидир.

Умуман олганда олигополик бозорда фирма томонидан кабул килинган хар кандай иктисодий сиёсат нархларни узгартириш, ишлаб чикариш хажмини узгартириш, рекламани кучайтириш-ракобатлашувчи фирмаларнинг ушбу сийсатга булган муносабатини билишни ва уни прогноз килишни талаб килади. Нархлар жанги нарх уртача харажатга тенг булгунга кадар давом этади; яъни P=AC=MC. Бу тенглик олигополик бозор мувозанатини беради. Мувозанат холатда хеч бир фирма нархнини камайтиришдан кушимча фойда олаолмайди. Мувозанат холатда фирмаларнинг иктисодий фойдаси нолга тенг.

**Курно модели.** Икки ракобатлашувчи фирма Уртасидаги муносабатларни дуополия шароитида 1938 йил биринчи булиб урганган француз иктисодчи О.Курно хисобланади. Бу муносабатни урганишда куйидагилар фараз килинади: икала фирма хам бир хил товар ишлаб чикаради ва бу товарларга булган бозор талаби чизиги уларга маълум икала фирма хам бир вактнинг узида мустакил равишда товар ишлаб чикариш буйича карор кабул килади. Ишаб чикариш буйича карор кабул килинганда хар бир фирма шуни билиш керакки, унинг ракобатчиси хам ишлаб чикариш буйича карор кабул килади ва махсулотни пировард нархи икала фирма томонидан ишлаб чикарилган умумий махсулот хажмига боглик булади.

Курно моделида хар бир фирма махсулот ишлаб чикариш буйича карор кабул килганда, ракобатчи фирма томонидан ишлаб чикариладиган махсулот хажмини узгармас деб карайди. Курно моделини мисолда куриб чикамиз.

Фараз килайлик, иккинчифирма махсулот ишлб чикармайди. У холда биринчи фирманинг талаб чизиги биринчи фирма махсулотига талаб бозор талаб чизиги Билан устма-уст тушади.

Биринчи фирманинг талаб чизигига мос келадиган чекли даромад чизиги MR (0) хам расмда келтирилган. Расмдан куриниб турибдики, биринчи фирманинг фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чикариш хажми 60 бирликка тенг (MR (0) билан $MC_1$ чизиклари кесишган нукта). Шунинг учун хам биринчи фирма иккинчи фирма махсулот ишлаб чикармайди, деб фараз килганда, максимал даражада, яъни 60 бирлик махсулот ишлаб чикариши мумкин.

Агар биричи фирма, иккинчи фирма 60 бирлик махсулот ишлаб чикаради, деб фараз килса, у холда биринчи фирманинг талаб чизиги 60 бирлик чапга силжиган бозор чизиги сифатида келади. Расмда бу талаб чизиги $D_1$ (60) билан ифодаланган, бу талаб сизигига мос чекли даромад чизиги $MR_1$ (60) булади. Бундай холда биринчи фирманинг фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чикариш хажми 30 бирликка тенг (бу нукта) $MR_1$ (60) ва $MC_1$ чизиклари кесишган нукта. Агар биринчи фирма иккинчи фирма 90 бирлик махсулот ишлаб чикаради деб фараз килса, биринчи фирманинг янги талаб чизиги олдингисига нисбатан чапга 30 бирлик силжийди. Бу чизик расмда $D_1$ (90). Энди биринчи фирма фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чикарш хажми 15 бирликка тенг. (MR (90)=MC) булган нукта). Ва нихоят, биринчи фирма иккинчи фирмани 120 бирлик махсулот ишлаб чикаради, деб фараз килсин. У холда биринчи фирманинг талаб ва чекли даромад MR чизиклари вертикал ординаата Укини кесиб Утади (бу расмда келтирилмаган) ва биринчи фирма умуман махсулот ишлаб чикармайди. Агар биз биринчи фирманинг махсулот

ишлаб чикаришини икккинчи фирманинг ишлаб чикаришдан боглик холда кандай Узгаришни графикда курадиган булсак, биринчи фирманинг иккинчи фирма ишлаб чикаришдан боглик ишлаб чикаришдан боглик ишлаб чикариш чизигини оламиз, яъни бундай богликликни $Q_1$ ($Q_2$) функция куринишида ифодалашимиз мумкин.




Биринчи фирманинг иккинчи фирма ишлаб чикаришга кура, ишлаб чикариш чизиги $Q_1$ ($Q_2$) расмда АВ чизигини беради.

Худди шундай, иккинчи фирманинг махсулот ишлаб чикариш хажмини биринчи фирма ишлаб чикаришига кура тахлил килиб, натижада иккинчи фирманинг ишлаб чикариш чизиги $Q_1$ ($Q_2$)ни олишимиз мумкин. $Q_1$ ($Q_2$) чизиги иккинчи фирманинг ишлаб чикариш хажмини фараз килгандаги ва шу иккинчи фирманинг ишлаб чикариши биринчи фирманинг ишлаб чикариш хажмидан боглик эканлигини ифодалайди. Агар фирманинг чекли харажатлари бир-биридан фарк килса, яъни $MC_1$=$MC_2$ булса, уларнинг ишлаб чикариш чизиклари $Q_1$ ($Q_2$) ва $Q_2$ ($Q_1$)Лар хам бир-биридан фарк килади.

Биринчи фирманинг ишлаб чикариш чизиги Билан иккинчи фирманинг ишлаб чикариш чизиги кесишган Е нуктага мос келувчи биринчи ва иккинчи фирмалар томонидан ишлаб чикариладиган махсулот хажмлари мувлзанати **Курно мувозанати** дейилади.

Нэш мувозанати холатида хеч бир Уйинчи Узининг харакатини Узгартиришдан манфаатдор эмас. Курно мувозанатида хам хар бир дуополист ракиби танланган ишлаб чикариш хажмида узининг ишлаб чикариш хажмини фойдани максималлаштирадиган даражада белгилайдиган ваш у сабаб дуополистлар Узларининг махсулот ишлаб чикариш хажмларини Узгартиришдан манфаат олмайдилар.

Курно моделига мисол. Фараз килайлик, бозорда иккита фирма ракобатлашмокда, яъни дуополистик холат вужудга келган.

Дуополистларнинг бозор талаби чизиги чизикли функция оркали ифодаланган:

$$Q=40-P$$
$$P=40-Q$$

Бу ерда Q икала фирманинг умумий ишлаб чикариш хажми:

$$Q=Q_1 + Q_2$$

Фараз килайлик, икала фирманинг хам харажатлари 4 га тенг $MC_1=MC_2=4$. Бу холда биринчи фирманинг иккинчи фирма ишлаб чикариш хажмидан боглик ишлаб чикариш чизигини аниклаймиз, яъни $Q_1$ ($Q_2$)ни. Фирма фойдани максималлаштиради, агар у чекли даромадни чекли харажатга тенглаштирадиган хажмда махсулот ишлаб чикарса.

Биринчи фирманинг умумий даромади

$$R=P\ Q=(40-Q)\ Q=40\ Q-(Q+Q)\ Q=40\ Q-Q^2-\ Q\ Q$$
$$1 \quad 1 \quad 1 \quad 1\ 2\ 1 \quad 1\ 1\ 1$$
$$2$$

Чекли даромад MR- бу даромад функциясидан олинган хосила булгани учун $MR_1=\frac{\Delta R_1}{\Delta Q_1}=40-2\cdot Q_1-Q_2$ энди MR ни MCга тенглаштириб биринчи фирманинг фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чикариш хажмини топамиз: MR=MC=4 $40\text{-}2\cdot Q_1-Q_2=4$ дан биринчи фирманинг ишлаб чикариш чизиги $Q_1$ ($Q_2$)ни топамиз:

$$Q_1=18-\frac{1}{2}\cdot Q \qquad (1)$$

Худди шундай хисоб китоблар оркали иккинчи фирманинг ишлаб чикариш чизиги

$$Q2=18-\frac{1}{2}\cdot Q \qquad (2)$$

Ишлаб чикаришнинг мувозанат хажмларини (1) ва (2) тенгламаларни бир-бирига тенглаштириб ечиб топамиз, нима учун деганда мувозанат хажмлар биринчи ва иккинчи фирмаларнинг ишлаб чикариш чизиклари кесишган нуктанинг координаталари $Q_1$ ва $Q_2$ лар хисобланади:

$$18-\frac{1}{2}\cdot Q_2=18-\frac{1}{2}\cdot Q_1$$

$$Q_2=Q_1$$

(1) ифодага $Q_2=Q_1$ни куйсак, $Q_1=18-\frac{1}{2}\cdot Q_1=12$

Демак, биз мувозанат ишлаб чикариш хажмлари куйидагича деб айтишимиз мумкин: $Q_2=Q_1=12$ демак, иккала фирма томонидан ишлаб чикарган махсулот хажми Q =$Q_1=Q_2=24$ бирлик ва махсулот нархи P=40- Q=16.

Иккита фирма бир-бири билан ракобатда эканлигини юкорида фараз килган эдик. Энди фараз килайлик, икала фирма биргаликда келишиб харакат килсин. Улар Узларининг ишлаб чикариш хажмларини умумий фойдани максималлаштирадиган килиб танлайди ва олинган фойдани тенг бУлиб олишсин. Бундай келишиб харакат килишни трестга Карши (кушилиб харакат килишга карши) конун ишламаганда амалга ошириш мумкин. Маълумки, умумий фойдани максималлаштириш мумкин, агарда улар умумий чекли даромад билан умумий чекли харажатни тенглигини таъминлайдиган умумий ишлаб чикариш хажмига эришса, яъни MR=MC=4булса.

Иккала фирманинг умумий даромади R=P Q=(40-Q) Q=40 Q-$Q^2$га тенг.

Чекли даромад MR= $\frac{\Delta R}{\Delta Q} = 40 - 2$ ва MR=MC=4дан 40-2 Q=4 ва бундан умумий фойдани максималлаштирадиган умумий ишлаб чикариш хажми Q=18. энди айтиш мумкинки, икала фирманинг ишлаб чикариш хажмлари йигиндиси 18 бирликни берадиган хар кандай ишлаб чикариш хажмлари умумий фойдани максималлаштиради.

**2.Камалган шахс муаммоси («дилемма заключенного»).**

Ўйинлар назариясида энг оддий Уйинлар турига икки киши катнашадиган Уйинлар киради. Агар Уйинда уч ва ундан ортик Уйинчи катнашса, у холда баъзи Уйинчилар келишиб стратегия тузиши мумкин, бу эса тахлилни мураккблаштиради. ТУлов суммасига кура уйинлар тулов суммаси нолга тенг ва нолдан фаркли бУлиши мумкин. ТУлов суммасинол булган Уйинга антогонистик Уйинлар дейилади: ютилган сумма, бой берилган суммага тенг, яъни умумий ютук нолга тенг. Уйинчиларнинг келишквига кура, Уйинлар коопреатив (бу ерда Уйинчилар келишиб коалиция тузадилар, яъни бир неча Уйинчи келишиб биргаликда харакат килади) ва нокооператив (хар бир Уйинчи Узи учун Уйнайди).

Нокооператив, тУлов суммаси нолга тенг бУлган Уйинга Курно модели мосил бУлса, тУлов суммаси нолга тенг бУлмаган Уйинга «камалган шахс муаммоси» киради. Ушбу муаммонинг ахамияти хам шундаки, олигопол фирмалар Ушбу муаммога купрок дуч келадилар. «Камалган шахс муаммоси» мазмуни шундан иборатки, икки киши биргаликда жиноят килинганликда айбланади. Уларни хар бири алохида хонага камалган ва улар бир-бири билан алока кила олмайди. Уларнинг хар бирини жиноят килганлигини бУйнига олишни талаб килмокда. Хар бирининг олдидаги асосий муаммо килинган, лекин исботланмаган жиноятни бУйнига олиш керакми ёки йукми?

Агар иккаласи хам жиноят килганини бУйнига олишса, уларнинг хар бирига 6 йилдан камок жазоси берилади. Агар улар бУйнига олишмаса, исботловчи материал йуклиги учун жиноятни исбот килиш мумкин булмайди, натижада иккаласи хам 3 йилдан жазо олади. Агар иккаласидан биттаси жиноят килганлигини буйнига олса, 1 йил камок жазосини олади, буйнига олмаган 10 йил жазо олади.

Хар бир камалган шахс олдида муаммо туради. Агар иккаласи келиша олса улар хар бири 3 йилдан камок жазосини олар эди. Лекин, уларнинг бири Билан гаплашиш имконияти йук. Агар келишган такдир хам улар бир-бирига ишониши кийин. Нима учун деганда 3 йил Урнига 1 йил камокда утириш, уларни хар кандай мажбуриятлар кечишга мажбур килиш мумкин. Ечимлар матрицасига карасак, А шахс кайси вариантни куллашидан катъий назар Б шахс буйнига олса у ютиб чикади яъни икала вариантда хам Б шахс А шахсдан куп вактга камалмайди (6 ёки 1 йил). Худи шундай, Б шахс кайси ечимни танламасин, агар А шахс буйнига олса у хам ютиб чикади. Демак, иккласини хам буйнига олиш ечимини танлаши эхтимоли юкорирок.

Олигополик фирмалар хам куп холларда «камалган шахс муаммо»ларига учраймиз бундай холатда фирмалар олдида хам куйидаги вариантлардан бири туради: агриссив ракобат – оркали иккинчи томонга карашли бозор улушининг

маълум кисмини эгаллаш (нарх стратегияси оркали), ёки пассив харакат килиш, ёки иккинчи томон билан келишиш. Лекин у пассив харакат килса, иккинчи томон агрессив харакат килиб, унинг бозордаги улушини бир кисмини эгаллаб олиши мумкин. Шунинг учун хам фирмалар лдида «камалган шахс муаммоси» туради.

Фараз килайлик, дуополик бозорда иккита фирма бир хил махсулот сотади дейлик. Курно мувозанатида хар бир фирма бир-бирлик махсулот нархини 4 сумдан килиб белгилаб 12 минг сумдан хар бири билан келишиб нархни 7 сумга кутаришса, 15 минг сумдан даромад оладилар. Улардан бири нархни 7 сум килиб белгиланган, иккинчи фирма 4 сум килиб белгиласа, 18 минг Сум фойда олади, биринчи фирманинг фойласи 6 минг сумга тушади. Ушбу вазиятнинг вариант ечимлари куйидаги расмда келтирилган.

2-фирма

| | | нарх 4 сум | | нарх 7 сум | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1-фирма | нарх 4 сум | 12000 | 12000 | 18000 | 6000 |
| | нарх 7 сум | 6000 | 18000 | 15000 | 15000 |

**3.Камалган шахс муаммоси ёрдамида нарх белгилаш.**

Каттик нарх сиёсати. Олигополик фирмалар купрок нархларни баркарор бУлишини, ёки нарх каттик Урнатилган бУлса, уни Узгартирмасликка харакат киладилар. Бозор талаби ёки харажатлар пасайганда хам фирмалар нархни Узгартишга (камайтиришга) шошилмайдилар, нима учун деганда нархни бирорта Фима томонидан пасайтирилиши «нархлар жангига» олиб келиши мумкин, яъни бошка фималар хам бозордаги улушини йукотмаслик учун нархларни пасайтиришга харакат килади. Бозор талаби ёки харажатлар ошганда хам фирмалар нархни оширишдан чучийдилар, борди-ю улар нархни оширса бошка фирмалар уз нархларини оширмаслиги мумкин.

Талаб чизигининг синиши каттик нарх Р* нуктасига тугри келади. Фирма Уз махсулотига булган нархни Р* нархдан юкорига кутарса, бошка фирмалар нархини Р* нархдан юкорига кутарса, бошка фималар нархини Узгартирмасдан Р* даражада колдириши мумкин. Фирма нархнинг Р*дан юкори кутармайди, нима учун деганда, талаб чизиги жуда хам эластик булганлиги учун фирма бошка фирмалар нархларини Узгартирмаса бозордаги улушининг бир кисмидан ажрламан деб уйлайди (фойдаси камаяди). Бошка томондан, фирма Уз махсулотига булган нархни Р* нархдан патсга туширмайди, нима учун деганда, бошка фирмалар хам уз нархларини туширади деб уйлайди.

Фирманинг талаб чизиги синик булгани учун, унинг чекли даромад чизиги узилишга эга. Натижада АВ ораликда фирманинг харажатлари (Узгаргани билан у хар доим MRга тенг.) «Синик талаб чизиги» одели олигополик бозорда нарх белгилаш механизмини тушунтира олмайди. У нима учун нарх Р* даражада бУлишини хам очиб бермайди. Ушбу модел шундай каттик нархнинг мавжудлигини ва унинг бУлишини курсатади, холос. Каттик нархнинг бУлиши «камалган шахс муаммоси» билан боглик бУлиб, фирмаларни улар учун зарарли бУлган нархлар жангидан кочишини англатади.

Нарх белгилашда лидерлик. Нарх белгилашда лидерликда лидер-фирма нархни биринчи булиб, белгилайди, колганлар унинг нархига караб Уз

нархларини белгилайдилар. Бундай фирмаларни эргашувчи фирмалар деймиз. Лидер фирманинг нарх белгилаши, лидер нархни белгилаганда эргашувч фирмаларнинг харакатига боГлик, яъни лидер нархни оширса, эргашувчилар ишлаб чикаришни оширадиларми ёки бозордаги олдинги улушини саклайдими? Агар эришувчилар Уз ишлаб чикариш хажмларини чекласалар, лидер фойдаси максималлаштирадиган умумий нархни белгилайди. Ёки, лидер Уз фойдасини максималлаштирадиган нархни Урнатади, эргашувчилар эса Ушбу нархда канча хохласа, шунча ишлаб чикариши мумкин бУлади.

Куйидаги расмда бозорда мавкеи юкори булган фирма лидернинг нарх белгилаши курсатилган.

Расмда D бозор талаби чизиГи $S_Э$ эргашувчиларнинг умумий таклиф (чекли харажатлар чизиклари йиГиндиси) чизиГи. $D_L$ чизиГи бозор талаби чизиГи D дан эргашувчиларнинг тчизиГи $S_Э$ ни айриш оркали аникланган.




Агар нарх $P_E$ га тенг бклса (расмдан Е нукта) эргашувчиларнинг таклифи бозор талабига тенг. Бу нархда лидер махсулоти сотаолмайди. Нарх $P_2$ га тенг бУлганда, эргашувчилар бирор дона хам махсулот сотаолмайди. $P_2$ ва $P_E$ ораликдаги нархларда лидер фирма махсулотига булган талаб $D_L$ чизиГи билан ифодаланган. Лидер фирманинг чекли даромади ($MR_L$), билан ифодаланади. $MC_L$ лидернинг чекли харажати. Демак, лидер Уз фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чикариш хажми $Q_L$ ни $MC_L$ чизиклари кесишган нуктага мос холда белгилайди. Лидер фирманинг нархи $P_L^*$ унинг талаб чизиГи $D_L$ оркали топилади ($E_0$ нукта монополистнинг мувозанат холати.) Эргашувчиларнинг бозорда сотадиган махсулоти микдори нарх $P_L^*$ чизиГининг эргашувчиларнинг таклифи чизиги кесишган нукта F оркали аникланади ва у $Q_Э$ га тенг. Умумий сотиладиган махсулот микдори

$Q_T=Q_Э+Q_L$.

Амалда бозорда харакат килаётган йирик фирма лидер булади, лекин вакт Утиши билан лидерлар хам Узгариб туради.

Лидер фирма Узининг бозордаги улушни анкилаши учун, биринчи навбатда, эргашувчи фирмаларнинг таклиф чизигини, яъни уларнинг таклиф функциясини олдидан билиши керак булади. Куйидаги мисол мисол буни курсатади.

Фараз килайлик, дуопол бозорда фаолият курсатаёрган икки фирмадан бирилидер, иккинчиси эргашувчи фирма сифатида харакат килаётган бУлсин.

Фараз килайлик, биринчи фирма-лидер, иккинчи фирма эргашувчи булсин.

Биринчи лидер фирманинг фойда функциясини куйидагича ёзиш мумкин: $\pi_1 = TR_1. - TC_1$

бу ерда $TR_1 = p \cdot q_1$ ва $TC_1 = h(q_1)$.

Тескари талаб функциясини P=f ($q_1$+$q_2$) десак, лидернинг даромади $TR_1$=f($q_1$+$q_2$) $q_1$ га тенг булади.

Бу ерда $q_1$ ва $q_2$ лар мос холда лидер ва эргашувчи фирмаларнинг ишлаб чикариш хажмлари.

Маълум, дуопол бозорда хар бир фиманинг иккинчи фирма ишлаб чикариш хажмидан боГлик реакция ишлаб чикариш функцияси мухим ахамиятга эга. Бу ерда лидер фирма иккинчи фирманинг реакция функциясидан хабардор, деб фараз килинади, яъни $q_2$=g($q_1$)

У холда лидер фирманинг даромад функцияси куйидагича ёзмлади:

TR=f($q_1$+g($q_1$)) $q_1$=f($q_1$)

Лидер фирмани Уз ракиби булган эргашувчи фирманинг реакция функциясини билиши унга уз даромад функциясини факат узининг ишлаб чикариши хажмига боглик равишда ифодалашга имкон беради. Иккинчи томондан, лидер – фирманинг умумий харажат функцияси хам факат $q_1$ га богГлик булгани учун, лидернинг умумий фойдаси куйидагича аникланади:

$$\pi_1 = \{TR_1 = \int(q_1)\} - \{TC_1 = (q_1)\}$$

ва бунда $\pi_1$ = f*($q_1$) деб ёзишимиз мумкин.

Келишув ечими (Картел ечими). Келишув ечим, дуопол бозордаги иккала фирманинг маълум бир шартнома асосида биргаликда келишиб харкат килишига асосланади. Шартномада фирмаларнинг хар бири канча микдорда товар ишлаб чикариши, уни кандай нархда сотиши ва тушган фойдани кандай килиб уртада булиши келишилган холда курсатилиши мумкин. Фирмалар келишиб харакат килганда умумий фойдани максималлаштирадилар. Иккала фирманинг келишиб харакат килиши дуопол бозорда соф монополияни вужудга келишига олиб келади.

Юкоридаги маълумотларга кура келишув стратегиясини куриб чикамиз.

Мисол дуопол бозорда иккита фирма харакат килияпти. Умумий бозор талаби P-300-0,5$Q_D$. Фирмаларнинг умумий харажатлари функциялари куйидагича берилган:

$TC_1$=0,25 $q_1^2$; $TC_2$=30$q_2$

Иккала фирма картел тузиб харакат килмокчи. Келишувга кура умумий фойданинг 38%ни биринчи фирма , 62%ни иккинчи фирма олмокчи дейлик. Хар бир фирманинг ишлаб чикариш хажмини, бозор нархини ва фирмалар оладиган фойдани хисоблаш зарур.

Ечиш. Бозор талабини куйидагича ёзамиз:

$P=300 - 0,5 (q_1 + q_2)$ бу ерда $Q_D = q_1 + q_2$ (1)

Умумий фойда куйидагига тенг:

$$\pi = \pi_1 + \pi_2 = (TR_1 - TC_1) + (TR_2 - TC_2)$$

Бундан ва берилган маълумотларга кура фойда куйидагига тенг:

$$\pi = P \cdot q_1 - 0,25q_1^2 + P \cdot q_2 - 30q_2 \quad (2)$$

(1)даги кийматни (2)га куйсак

$$\pi = [300 - 0,5(q_1 + q_2)] \cdot (q_1 + q_2) - 0,25q_1^2 - 30q_2 \quad (3)$$

(3) ни ихчамласак куйидагини оламиз:

$$\pi = 300q_1 - q_1 \cdot q_2 - 0,75q_1^2 + 270q_2 - 0,5q_2^2 \quad (4)$$

Умумий фойдани максималлаштирадиган $q_1$ ва $q_2$ ларни топиш учун (4)дан $q_1$ ва $q_2$ буйича хусусий хосила олиб, уларн нолга тенглаштириб, $q_1$ ва $q_2$ларга нисбатан ечамиз.

## 16- МАВЗУ: Мехнат бозори ва корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш.

**Маъруза хажми 2 соат.**

**Режа:**

**1. Мехнат бозори, ракобатлашаган мехнат бозори.**
**2. Мехнат бозорида монопсония булган холл.**
**3. Минимал иш хаки. Иш хаки ставкалари табакалашуви.**
**4. Даромадларни таксимлаш.**

Ишлаб чиқариш омиллари бозори деганда, меҳнат, ҳом-ашё, капитал,, ер ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари бозори тушунилади. Ресурслар бозоридаги талаб ва таклиф истеъмол товарлари бозори таъсирида шаклланади.

Қўшимча ёлланган бита ишчи кучидан олинадиган қўшимча даромад меҳанатнинг чекли даромадлилиги дейилади ва у $MRP_L$ орқали белгиланади.

$$MRP_{L=} MP_{L*} MR$$

**Бу ерда $MRP_L$ - меҳнатнинг чекли даромадлилиги,**
**$MP_L$- меҳнатнинг чекли маҳсулоти.**
**MR-чекли даромад**

**Чек**ли даромаднинг камайиш қонига кўра меҳнатнинг чекли маҳсулоти иш вақти узайиши Билан камайиб боради. Демак, $MRP_L$ чизиғи нарх ўзгармаса ҳам пастга қараб йўналган бўлади. 1- расм

Агар биз монопол хокимиятга эга бўлган фирманинг меҳнатнинг чекли даромадлилигини монопол бўлмаган фирманинг меҳанатнинг чекли даромадлилиги бимлан солиштирсак, қўйидаги ифодага эга бўламиз:

бу ерда $MRP_L^M$ монопол ҳокимиятга эга бўлган фирманинг меҳнатини чекли даромадлилиги;

$MRP_L^M$ - монопол ҳокимиятга эга бўлмаган рақобатлашувчи фирманинг меҳнатини чекли даромадлилиги.

Бундан келиб чиқадики, ҳар қандай иш ҳақида истеъмол бозорида монопол ҳокимиятга эга бўлган фирма, монопол ҳокимиятга бўлмаган фирмага нисбатан камроқ ишчи ёллайди.

Меҳнатни чекли даромадлилиги $MRP_L$ дан ишчиларни ёллашда фойдаланиш мумкин. Агар фирма ўз фойдасини ёллашни меҳнатни чекли даромадлилиги иш ҳақига тенг бўлганга қадар давом эттирди.

$$MRP_L = W,$$

бу ерда W – иш ҳақи.

Агар $MRP_L < W$ бўлса, фирма қўшимча ишчи кучини ёллаб, ўз фойдасини ошириши мумкин.

Ушбу шарт қуйидаги 13.2-расмда ифодаланган.




16.2 – расм. Рақобатлашган меҳнат бозорида меҳнат нархининг унинг миқдоридан боғлиқлиги

Меҳнатга бўлган талаб $D_L$, $MRP_L$ чизиғи билан устма-уст тушади. $D_L$ талаб чизиғига кўра, меҳнат нархи пасайган сари унга бўлган талаб ҳам ортиб боради ва аксинча. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб – бу фирмаларнинг ишчи кучига талабидир. Таклиф ишчилар томонидан бўлади.

Меҳант бозори рақобатлашган бўлгани учун меҳнат нархи бозор томонидан шаклланади ва унга бозор субъектлари таъсир қила олмайди (рақобатлашган истеъмол бозоридаги каби). Бу барча ишчилар қайси фирмада ишлашидан қатъий назар, бир хил иш ҳақи олади ва фирмалар бу нархни олдиндан берилган нарх сифатида қабул қиладилар. Шунинг учун ҳам алоҳида фирма учун меҳнат ресурслари таклиф чизиғи горизантал, яъни у абсолют эластик.

13.2 – расмда рақобатлашган меҳнат бозоридаги мувозанат нуқта Е нуқта билан ифодаланади. Мувозанат иш ҳақи $L^{e}$ га тенг бўлади. Ишчи чекли унумдорлик назариясига кўра, меҳнатнинг тўлиқ маҳсулотни олади. Шунинг учун фирманинг меҳнат учун чекли харажати MRC иш ҳақига тенг:

$$MRC = W^{*} = MRP_L,$$

бу ерда MRC – фирманинг меҳнатга бўлган чекли харажати.

Рақобатлашган меҳнат бозорида ҳар бир ишчининг иш ҳақи $W^{e}$ га тенг бўлганиқ учун, фирманинг ишчиларга берадиган умумий иш ҳақи харажатлари () $L^{e}$ $EW^{e}$ тўртбурчак юзига тўғри келади (13,2-расм). Иш ҳақининг ўзгариши ишчи кучига бўлган талабни ўзгартиради. Агар иш ҳақи $W_0$ дан $W_1$ гача ошса (13.3-расм), ёлланадиган ишчилар сони $L_0$ дан $L_1$ гача қисқаради; агар иш ҳақи $W_2$ гача пасайса, ишдаги ишчилар сони $L_2$ гача ошади.

Меҳнат бозорида фирма фойдасини максималлаштирадиган шарт, яъни меҳнатни чекли даромадлилигининг иш ҳақи ставкасига тенглиги истеъмол бозоридаги MR –MC шартга ўхшашдир.

(1) ва (3) тенгликдан фойдаланиб қуйидаги муносабатни ёзамиз.

$MRP_L = MP_L \cdot MR = W$ тенгликнинг иккала томонини




16.3 – расм. Ишчи кучига талаб билан иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик.

чекли маҳсулот $MR_L$ га бўламиз. Натижада қуйидагини оламиз:

$$MR\frac{W}{VR_L} \qquad (4)$$

(4) – муносабатнинг ўнг томони иш ҳақи ставкасининг бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган меҳнат сарфига кўпайтирилганига тенг, яъни бу ишлаб чиқаришнинг чекли харажатидир.

Тармоқ бўйича меҳнат бозорини кўриб чиқамиз. Умумий бозор талаби тармоқдаги фирмалар талаблари йиғиндиси билан аниқланади (13,4-расм).

$$D_{TL} = MRP_L = \sum (MRP)_t$$




16.4 – расм. Тармоқ меҳнат бозори

Бу ерда $MRC_t = W_t$ t – ишчи учун чарфланадиган қўшимча харажат, яъни, иш ҳақи.

**Меҳнат қилиш ва дам олиш ўртасидаги боғлиқлик**. Ҳар бир ишчи олдидаги масала, бу қанча ишлаб, қанча дам олиш муаммосидир. Агар суткада 24 соат бўладиган бўлса, ишчи 24 соат ишласа, у М сўмга тенг бўлган максимал даромад олиш мумкин. (13.5-расм).

Агар у ишламаса, унинг максимал дам олиши бир суткага, яъни 24 соатга тенг бўлади. Ишчининг «даромад ва бўш вақти» бюджет чизиғини MN чизиғи орқали ифодалаш мумкин. Маълумки, ишчи ҳар доим суткасига 24 соат ишлавермайди. Табиийки, ишчининг



Бир суткадаги иш вақти,

соат /кун

16.5-расм. Иш вақти ва дам олиш ўртасидаги боғлиқлик

иш вақти чегараланган бўлади, у маълум вақт дам олиб, ўзининг ишлаш қобилиятини тиклаш керак бўлади. Бундан ташқари, дам олиш уни маънавий ўсишини таъминлайди. Демак, ишчи маълум вақт ишлаб, маълум миқдорда нафолса (даромад олса), у маълум вақт дам олганда ҳам қандайдир наф олдаи (маънавий ўсиш, завқланиш). Демак, ишчини қанча вақт ишлаб, қанча вақт дам олиши кераклиги тўғрисидаги масалани қуйидагича қуйиш мумкин:

Ишчининг ишлаш вақти ва дам олиш вақтидан боғлиқ нафлик функциясини қуйидагича ёзамиз:

$$U = U(1,T),$$

бу ерда U – нафлик функцияси; t – иш вақти; T – дам олиш вақти.

Демак, ишчи суткадаги 24 соатни иш вақтига ва дам олиш вақтига шундай тақсимлаши керакки, натижада у максимал наф олсин:

$$U = U(1,T), \rightarrow \max.$$

Қуйидаги шарт бажарилган:

$$t + T \leq 24.$$

Ушбу масаланинг оптимал ечимини график орқали аниқлаймиз (13,6-расм).

Расмдан кўриш мумкинки, масаланинг ечими мувозанат нуқта E орқали аниқланиши мумкин. Нафлик функциясининг бефарқлик чизиғи $U_2$ бюджет чизиғини $E_2$ нуқтада кесиб ўтади. Оптимал ечимга кўра, дам олиш вақти $t_E$ соатга тенг, иш вақти $T_E = 24 - t_E$. Ишчининг бир соатлик иш ҳақи W сўмга тенг бўлса, унинг умумий даромади қуйидагича топилади:






163.6-расм. Нафлик функциясининг максималлаштириш

$$R_E = W (24 - t_E). \quad (8)$$

У ҳолда буюджет чизиғи ётиқлиги максимллаштириш

$$\text{tga} = \frac{R_E}{24 - t_E} = W \quad (9)$$

Ишчи нафлик функциясини максималлаштиради, агар бўш вақт билан даромадни чекли алмаштириш нормаси $MRS_{LR}$ иш ҳақи W га тенг бўлса, $MRS_{LR} = W$.

Фараз қилайлик, иш ҳақи ставкаси $W_0$ дан $W_1$ га ошди. Бюджет чизиғи $NM_1$ ҳолатга силжийди (13.7-расм).

Агар биз $M_1$ N бюджет чизиғига параллел бўлган ва $U_2$ бефарқлик чизиғи билан кесишадиган АВ буюджет чизиғини ўтказсак, даромад ва ўрнини босиш самарасини аниқлашимиз мумкин.

Ўрнини босиш самараси бўш вақтни қисқариши ва иш вақтининг ортиши натижасида даромаднинг ўсиши билан ифодаланади, яъни, маълум миқдорлаги бўш вақт иш вақти билан алмаштирилади. 13.7-расмда бу $t_2$ дан $t_0$ га силжишини ифодалайди, яъни, иш вақти $T_1 = 24 - t_2$ ва $T_2 = 24 - t_0$ гача ошади. Лекин, даромаднинг ортиши билан бирга дам олишнинг – шахснинг маънавий ўсиши учун керак бўладиган бўш вақтнинг ҳам қиммати ошади. Даромад самараси (бўш вақтнинг ортиши) тескари йўналишда бўлиб, у $t_0$ $t_1$ оралиқ билан ифодаланади ($t_0$ $t_1$). Натижавий ўзгариш $t_{01}$ $t_2$ оралиққа тенг.






16.7-расм. Ўрнини босиш самараси ва даромад самараси, $0_t$, $0_t$, $0t_2$ лар бўш вақт, $t_0$Nва $t_2$N лар иш вақти.

Иш ҳақининг бундай ўсишида ўрнини босиш самараси даромад самарасидан юқори бўлади. Бундан шу келиб чиқадики, биринчидан, иш ҳақининг ўсиши, иш вақтини ортишига олиб келади, иш ҳақининг ўсиши, иш вақтини ортишига олиб келади; иккинчидан, индивидуал шахснинг меҳнат таклифи мусбат ётиқликка эга (13.8-расм).

Даромаднинг янада ошиб бориши барча шахсларни ҳам дам олиш вақтини қисқартириб, иш вақтини оширишга ундайверади. Дам олиш вақтининг қисқариб бориши, уни шахсс учун бўлган қимматини оширади. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, суткасига 24 соат




16.8-расм. Иш ҳақининг ўсиши натижасида иш вақтининг ўсиши

лаш маъноga эга эмас. Бўш вақтни қимматини ошиб бориши шунга олиб келадики, даромад самараси, ўрнини босиш самарасидан ошиб кетади (13.9-расм). Натижада иш вақти $T_2 = 24 – t_2$ дан $T_1 = 24 – t_1$ гача қисўаради.




16.9-расм. Даромад самараси ўрнини босиш самарасини ортиқ бўлган ҳол, $0t_0$, $0t_1$, 0t лар бўш вақт, $t_0$ N, $t_0$ N $t_2$ ва лар иш вақти.

Шахснинг бўш вақти эса $Ot_2$ дан $Ot_1$ га ўсади. Бўш вақт қимматини ортиши, иш ҳақи ошганда индивидуал шахснинг меҳнат таклифи чизиғи манфий ётиқликка эга бўлади (13.10-расм).

**Иш ҳақи ўсишнинг дам олиш вақти билан ишлаш вақти ўртасидаги нисбатга таъсири.** Одатда иш ҳақи






16.10-расм. Иш ҳақи ошганда иш кунини қисқариш таклиф чизиғи ётиқлиги

ошганда, кўпчилик кўпроқ ишлаб, кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади. Лекин, иш вақти ошган сари бўш вақтнинг ҳам қиммати ошиб боради. Инсон маънаавий ўсишга ҳам интилади. Демак, иш вақтининг ўсиши ўз чеграсига эга. Нима учун деганда, инсонлар, ишлаб топган даромадини кўпроқ завқ олиш учун, дам олишга сарфлайдилар.

Иш вақти маълум вақтгача ўсгандан кейинги иш ҳақининг ўсиши, иш вақтини қисқаришига олиб келади. Иш ҳақи ошганда ўрнини босиш самараси ҳамда даромад самараси мавжуд бўлади. Ўрнини босиш самарасида юқорироқ иш ҳақи, ишчининг реал даромадини оширади. Ишчи кўп даромад олганда, у кўпроқ неъматларни сотиб олади, ушбу неъматлардан бири, яхши дам олишдир.

Агар ишчи дам олишга кўпроқ маблағ сарфласа, даромад самараси (даромаднинг ошиши), уни камроқ ишлашга ундайди. Даромад самараси жуда ҳам катта бўлганда, ишчи иш вақтини қисқартиради ва меҳнат таклифи чизиғи пастга ётиқ бўлади.

Қуйидаги 13-11 – расмда иш ҳақи ўсишнинг уч босқичи кўрсатилган.

Иш ҳақининг биринчи босқичида $W_1$ дан $W_2$ га ўсиши, иш вақтини – дан $t_1$ дан $t_2$ соатга оширади. Бу ерда ўрнини босиш самараси даромад самарасидан юқори бўлади. Иш ҳақининг иккинчи босқичидаги $W_2$ дан $W_3$ га ўсиши, иш вақтига таъсир қилмайди, ишчи $t_2$ соат






16.11-расм. Индивидуал шахснинг меҳнати таклифи чизиғи

ишлайди, ўрнини босиш самараси даромад самарасига тенг. Учинчи босқичдаги иш ҳақининг $W_3$ дан $W_4$ га ўсиши, иш вақтини $t_2$ дан $t_4$ га қисқартиради, ўрнини босиш самараси даромад самарасидан кам бўлади.

Кўриниб турибдики, даромаднинг ўсиши дам олишга бўлган талабни оширади. Ушбу ҳол иш вақтини қисқариши ва дам олиш вақтини ошишида ўз ифодасини топган. Иш ҳақининг ошиши билан бирга дам олишнинг нархи ҳам ошади.

Одатда, ривожланган мамлакатларда аҳолининг ўртача даромади, ривожланаётган мамлакатлардаги аҳолининг ўртача даромадидан анча юқори бўлгани учун, улар кўпроқ дам олишга ҳаракат қилади (Даромад самараси, ўрнини босиш самарасидан юқори). Ривожланаётган давлатларда иш ҳақи паст бўлгани учун, иш ҳақининг ўсиши, ишчиларни кўпроқ вақт ишлаб, кўпроқ даромад қилишга ундайди (ўрнини босиш самараси, даромад самарасидан юқори бўлади).

Меҳант бозорида монопсония бўлган ҳол. Бундай ҳол кўпроқ кичик шаҳарларда учрайди. Шаҳарда ягона ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, у шаҳар аҳолисининг асосий қисмини иш билан таъминлайди.

Шаҳарда бошқа иш жойлари кам бўлгани учун, ушбу вазият монопосоник бозор вазиятга яқин бўлади. Монопол корхона маҳаллий меҳнат бозорида ишчи кучини сотиб олувчи ягона корхона бўлгани учун ҳам у иш ҳақига таъсир қила олади. Корхона ишга ёллайдиган ишчилар сонини қисқартирса, ишга кирувчилар ўртасида рақобат кучаяди ва бу иш ҳақини мувозанат даражасидан пастга туширади (13.13-расм).

Рақобатлашган меҳнат бозорида мувозанат ҳолат E нуқтада ўрнатилади. E нуқтада талаб ва таклиф чизиқлари кесишади. Мувозанат ҳолатида, Le ишчи We миқдордаги иш ҳақи билан таъминланади. Монопсонит ҳар бир бирлик меҳнат учун бир хил иш ҳақи тўлагани учун таклиф чизиғи ўртача харажат AC чизиғидан иборат бўлади. Чекли меҳнат харажатлари чизиғи $MRC_L$ ўртача харажат чизиғидан юқорида ётади. $MRC_L$ ва $MRP_L$ чизиқларини кесишган нуқтаси монопсоник ҳолатда қанча ишчи банд бўлишини аниқайди. Бу ерда $MRC_L = MRP_L$ монопсоник мувозанат ҳолати шарти. Демак, монопсонист ишчилар сонини Le дан Lc қисқартириб, иш ҳақини We дан $W_N$ га қисқартиришга






16.12-расм. Монополистик меҳнат бозори

эришади. Шундай қилиб, монопсонит бир вақтнинг ўзида ҳам ишчилар сонини қисқартириб, ҳам иш ҳақини пасайтириб, ўз фойдасини $MCNW_N$ тўртбурчак юзига тенг бўлган миқдорда оширади.

Минимал иш ҳақи. Минимал иш ҳақи давлат томонидан қонун орқали ўрнатилади. Кўп ҳолларда минимал иш ҳақи мувозанат иш ҳақи даражасидан юқори қилиб ўрнатилади.

Бундай ҳолда умумий ўртача иш ҳақи ошади, лекин ишчиларни ишга ёллаш сони қисқаради. Минимал иш ҳақини ўрнатилишини ва уни оширилишини касаба уюшмалари ҳам кўпинча талаб қилиб чиқадилар. Минимал иш ҳақи қандай оқибатлар билан боғлиқлигини кўриб чиқайлик.

Минимал иш ҳақи кўпроқ малакасиз ишчилар ва иш топа олмаган ишчиларга салбий таъсир кўрсатади. Нима учун деганда, малакали ишчиларга талаб ҳар доим мавжуд бўлади, шу сабабли улар минимал иш ҳақининг ошишидан ютадилар. Умуман, минимал иш ҳақининг ортиши, иш билан банд бўлган аҳолининг юқорироқ даромад олишини таъминлайди. Минимал иш ҳақи ошганда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг барча ставкалари қайтадан кўриб чиқилади ва оширилади.

Қуйидаги 13.13-расмда минимал иш ҳақининг аҳоли бандлигига таъсири кўрсатилган.

Минимал иш ҳақи ўрнатилмаганда ишчиларнинг бандлик даражаси ва иш ҳақи мувозанат ҳолат (Е нуқта) орқали аниқланади. Мувозанат ҳолатда иш билан Le ишчи банд бўлади ва We миқдорда иш ҳақи олади.






16.13-расм. Минимал иш ҳақи бандлик

Минимал иш ҳақини мувозанат иш ҳақидан юқори қилиб белгиланиши (Wmin >We), иш билан банд бўлган ишчилар сонини $L_M$ гача қисқартиради (Нима учун деганда, фирма бундай нархда камроқ ишчи ёллайди).

**Монополистик меҳнат бозори**. Амалда касаба уюшмаларни монополист деб қараш мумкин. Улар ишчиларга ўз таъсирини ўтказиб, меҳнат таклифини қисқартириб, иш ҳақини оширишга ҳаракат қиладилар.

Фараз қилайлик, касаба уюшмалари соф монополист. Ушбу ҳолат 13.14-расмда келтирилган.

Рақобатлашган меҳнат бозорида мувозанат Е нуқтада ўрнатилади ва Le ишчи иш билан таъминланиб,



16.13ва14-расм. Соф монопол меҳнат бозорида монополистнинг иш ҳақига ва бандликка таъсири

We иш ҳақи олади. Меҳнат бозорида касаба уюшмаси монопол ҳокимиятга эга бўлганлиги учун, у банд бўлган ишчилар сонини Le дан $L_M$ га қисқартириб, иш ҳақини We $W_M$ га ошириш мумкин. Ишчилар оладиган альтернатив фойда (иқтисодий рента) $ANMW_M$ тўртбурчак юзига тенг.

Меҳнат бозоридги икки томонлама монополия. Бундай бозорда моноссонист фирмага ишчи кучини таклиф қилувчи монополист (касаба уюшмаси) туради.

Икки томонлама монополистик бозордаги ҳолат қуйидги 13.15-расмда кўрсатилган.




16.15-расм. Меҳнат бозоридаги икки томонлама монополия

Рақобатлашган бозорда мувозанат ҳолат E нуқтада ўрнатилган бўлар эди. Бу нуқтада меҳнатга бўлган талаб $D_L$ ва таклиф $S_L$ чизиқлари кесишади. Мувозанат ҳолатда Le ишчи иш билан банд бўлиб, We иш ҳақи олади. Лекин, монопсонит фирма иш билан банд бўлган ишчилар сонини Le дан $L_M$ гача қисқартириб, иш ҳақини We дан $W_M$ гача қисқартиришга ҳаракат қилади. Касаба уюшмалари (монополист) иш кучи таклифини қисқартириб, ($L_N$ гача), иш ҳақини $W_N$ гача кўтаришга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, иш билан банд бўлган ишчилар сонининг нисбатан кичик ўзгаришга ($L_M$ $L_N$) иш ҳақларининг (ушбу ёндашишда) бир-биридан жуда катта фарқ қилиши тўғри келади ($W_M$ $W_N$). Ушбу вазиятда иш ҳақининг қандай бўлиши, қарама-қарши турган монополистик ва манопсоник кучларга боғлиқ. Кўриниб турибдики, иш ҳақи мувозанат иш ҳақи We га ҳам яқинлашиши мумкин.

**Иш ҳақи ставкалари дифференцияси (табақалашув).** Биз юқоридаги мулоҳазалардан иш ҳақини ўзгармас деб қарадик. Амалда ўртача иш ҳақи мутахассисликлар бўйича ҳам, тармоқлар бўйича ҳам, ҳаттоки бир хил ишни бажарувчи ишчилар бўйича ҳам фарқ қилади. Масалан, автомобилсозлик тармоғида ишлайдиган ишчиларнинг ўртача иш ҳақларидан фарқ қилади, худди шундай Киме тармоғидаги ўртача иш ҳақи ҳам енгил ва озиқ-овқат саноатидаги ўртача иш ҳақидан фарқ қилади. Поликлиникада ишловчи ҳар хил категориядаги врачларнинг иш ҳақи ҳам бир хил эмас. Юқори категорияли врач паст категорияли врачга қараганда кўпроқ маош олади.

Ушбу фарқнинг тагида, инсонлар қобилиятининг хилма-хиллиги, маълумоти, билими, тажрибаси, малакаси ётади. Булардан ташқари, улар бажарадиган ишларнинг тури ҳам, улар оладиган даромаджларга ҳар хил таъсир қилади. Ишнинг мураккаблиги, ишлаб чиқаришнинг инсон ҳаёти учун зарарли бўлиши, ушбу соҳада ишловчиларнинг иш ҳақида ушбу зарарни қоплайдиган қўшимча иш ҳақида ўз ифодасини топади.

Қуйидаги 13.16-расмда ишнинг оғирлиги ва зараплиги учун тўланадиган қўшимча иш ҳақи кўрсатилган.

Бу ерда оғир ишни бажарувчи, қўшимча $\Delta W = W_2 - W_1$ иш ҳақи олади, $W_2 - W_1 = \Delta W$.




16.16-расм. Ҳар хил иш шаротидаги иш ҳақи

Иқтисодий рента. Биз юқорида ресурс қанчалик кўп чекланган бўлса, унинг нархи ҳам шунчалик юқори бўлишини кўрган Эдик. Шунинг учун ҳам юқори малакали мутахассис ҳар доим ортиқча иш ҳақи олади. Ушбу ортиқча иш ҳақи иқтисодий рента бўлиб, у ишчининг қобилияти ёки юқори малакаси учун тўланади.

Тармоқ меҳнат бозорини кўриб чиқайлик (13.17-расм). Мувозанат шароитида (Е нуқта) ишчилар $W_0$ иш ҳақи олиб ишлашга тайёр бўлсалар ҳам $W_e$ иш ҳақи олаяптилар (демак, улар оладиган иқтисодий рента ($W_e$ $W_0$) га тенг бўлади).




16.17-расм. Иқтисодий рента

Минимал иш ҳақи (меҳнат нархи) билан бозорда шаклланган иш ҳақи ўртасидаги фарқ иқтисодий рентани ташкил этади. 13.17-расмда барча ишчилар учун ушбу кўрсаткич $W_0$ EWe учбурчак юзига тенг. Шунинг учун ҳам рақобатлашган бозорда, қисқа муддатли ораликда иқтисодий рентанинг бўлиши, тармоққа янги ишчиларни кириб келишини рағбатлантиради. Рақобатлашувчи тармоқда узоқ муддатли ораликда меҳнат таклифи чизиғи абсолют эластик (горизонтал) бўлгани учун иқтисодий рента бўлмайди. Лекин, ноёб мутахассисларнинг етишмаслиги, иқтисодий рента узоқ муддатда ҳам сақланиб қолади (амалда ишлаб чиқаришда ноёб мутахассисларни жалб қилиш учун, уларга қўшимча иш ҳақи белгиланади). Эстрада юлдузлари, кино юлдузлари, машҳур спортчилар иқтисодий рента оладилар.






16.18-расм. Таклиф чеклангандаги иқтисодий рента

Юқоридаги 13.18-расмда Ушбу ҳолат ифодаланган.

Бошланғич ишчи кучига талаб $D_1$ таклиф эса S. Таклиф эластик бўлмаганда, ишчи кучи нархи фақат талабдан боғлиқ бўлади. Киноактёрнинг обруйи ошиб бориши, унга бўлган талабни $D_1$ $D_2$ га кескин ошади.

Шундай қилиб, унинг нархи $W_0$ We га кўтарилади. Расмда $W_0$ $E_1$ $E_2$ $W_1$ тўртбурчак юзи иқтисодий рентани ифодалайди.

Иқтисодий рента – бу таклифи чегараланган ресурсга тўланадиган нархдир.

## 13.2. Даромадларни тақсимланиши

**Даромад турлари**. Даромадлар иқтисодиёт назариясига кўра ишлаб чиқаришда қатнашган омилларнинг шу ишлаб чиқаришдан олинадиган умумий даромадга қўшган ҳиссаси бўйича тақсимланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан тушадиган даромадни бундай тақсимланиши жамият учун керакли бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаршни рағбатлантиради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар жамиятдаги инсонларнинг турмуш даражасини белгилаб берувчи база ҳисобланади ва бу бойликдан жамиятдаги ҳар бир шахснинг ўз улушини олиши бозор шароитида тенгчиликка асосланмайди. Лекин, бундай тақсимланишнинг тенгликка асосланмаганлиги кўпчиликни қониқтирмайди. Шунинг учун ҳам давлат даромадларидаги нотекисликни юмшатиш учун ўзининг даромад сиёсатини амалга оширади.

Ишлаб чиқариш омиллари эгасининг даромади омиллар бозорида аниқанади. Маълумки, корхона эгалари ишлаб чиқариш омилларининг эгаларига (ишчи кучи, капитал, ерга) ҳар бир омилнинг чекли маҳсулотига кўра ҳақ тўлайди. Ишлаб чиқариш ресурслари харажатларини тўлагандан кейинги қолган даромад корхона ихтиёрида қолади ва унга корхона эгаларининг иқтисодий фойдаси дейилади.

**Иқтисодий = Умумий – Ишлаб чиқариш**
**фойда даромад омиллари харажати**

Мукаммаллашган бозор назариясига кўра, мукаммаллашган бозорда ишлаб чиқариш омиллари эгалари корхонадан, шу корхонада ишлатилган

омиллари учун олган ҳақи, шу омилларнинг чекли маҳсулотига аниқ тенг бўлса, у ҳолда иқтисодий фойда нолга тенг бўлади (агар масштаб самараси ўзгармас бўлса).

Маълумки, корхоналар ўз капиталига эга, шу сабабли улар ўз капиталини ишлатгани учун фойда оладилар.

Шундай қилиб, бозор шароитида қуйидаги даромадлар асосий даромадлар ҳисобланади: ишчи кучи даромади, капитал даромад (фоизларда), кичик фирмалар даромади, рента – ер эгалари даромад, соф фойда.

**Номинал ва реал даромадлар.** Номинал даромад – бу солиқ ва нархларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган даромад даражаси. Реал даромад – бу нархларни ва бошқа тўловларнинг ўзгаришини ҳисобга олгандаги даромад. Реал даромадни аниқлашда умумий даромаддан солиқ ва бошқа тўловларни айириб, уни нархлар ўзгаришига (инфляцияга) кўра қайта ҳисоблайди.

**Иш ҳақи** – ишчи кучидан фойдаланганлиги учун тўланадиган қиймат. Иш ҳақи ставкаси ҳам иш ҳақининг бир тури бўлиб, ишчи кучи меҳнатидан фойдаланган бир бирлик вақт учун тўаланадиган иш ҳақи (бир соатлик, бир кунлик, бир ойлик).

**Иқтисодий рента** – чекланган ресурсдан фойдалангани учун тўланадиган нарх.

**Капиталга даромад** – бу фоиз дейилади. Амалда капиталга даромад икки хил бўлади. Агар капитал пул шаклида бўлса, пул берувчилар ссуда фоизи бўйича даромад олади. Агар капитал буюмлашган шаклда бўлса, у капиталга кўра умумий даромаддан улуш олади.

Реал фоиз ставкаси номинал ставкадан (пулда ифодаланган ставкадан) инфляция даражасини айрилганига тенг.

**Тадбиркорлик даромади** – бу ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланганлиги учун тадбиркор оладиган даромад.

Бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда иқтисодиётнинг ноформал сектор, яъни яширин иқтисодий секторда (рус тилида теневая экономика) яширин даромад мавжуд бўлади.

Яширин даромад ҳам икки хил бўлади. Биринчиси – пора олиш (коррупция), гиёҳванд моддалар сотиш, контрабанда ва бошқа соаҳалардан олинадиган яширин даромад. Иккинчиси – патентсиз ва лицензиясиз сотиш фаолияти билан шуғулланишдан тушадиган даромад ва солиқ хизматидан яширилган даромад.

Давлат ўзининг даромад сиёсатини амалга оширишда аҳолини турмуш даражасини ифодаловчи агрегат кўрсаткичлардан фойдаланади. Ана шундай кўрсаткичлардан бири ялпи ички маҳсулотдир.

ЯИМ ни аҳоли жон бошига ҳисоблангандаги кўрсаткич аҳолини турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у ҳар бир аҳоли жон бошига жами ишлаб чиқарилган (бир йил давомида) маҳсулотнинг қанча қисми тўғри келишини кўрсатади. Лекин, бундай тақсимланиш аҳоли даромадининг дифференциаллашганлигини (ҳар хил бўлишини) ифодалайди.

Аҳолининг таркиби ҳар хил ижтимоий қатламлардан (ишчилар, қишлоқ хўжалигидаги ишловчилар, хизматчилар, тадбиркорлар, ўқитувчилар, медицина хизмати ходимлари ва ҳаказолар) иборта бўлгани учун ушбу гуруҳлардаги

инсонларнинг даромадлари ҳам ҳар хил бўлади. Аҳоли даромадининг тақсимланиш динамикаси истеъмол бюджети орқали ўрганилади. Истеъмол буюджети ҳам турли хил бўлиши мумкин: ўртача оила бюджети, юқори даражада етарли бюджет (бунга энг юқори умумий даромад оладиган оилаларни киритиш мумкин), минимал бюджет. Минимал бюджетли оилага, оила аъзоларининг (бир йиллик ёки бир ойлик) умумий даромадлари минимал бўлган оилалар киритилади.

Аҳолини турмуш даражасини ифодалайдиган кўрсаткичлардан бир бу яшаш минимумини сарфланган ишчи кучини оддий такрор тиклаш учун зарур бўлган даромад деб қараш мумкин. Яшаш минимумини минимал истеъмол корзинаси ҳам деб қаралиши мумкин. Яшаш минимум аҳолини қашшоқлик чизиғи сифатида ҳам қараш мумкин. Яшаш минимумидан паст даромад оладиган аҳолининг қисми қанча кўп бўлса, аҳолининг қашшоқлик даражаси шунча юқори бўлади.

Турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар истеъмол корзинасига кўра ҳисобланади. Ривожланган давлатларда ўртача даромад истеъмол корзинасига қуйидаги товарлар киритилади: уй-жой, автомобил, уйнинг замонавий жиҳозлари, аудио ва ведио техника, саёҳат қилиш имконияти, болаларини кийинтириш, ўқитиш, илмий асосланган озиқ-овқат, кийим-кичик, маълум даражадаги жамғарма. Одатда минимал истеъмол корзинага бошланғич эҳтиёжни қондирадиган товарлар киритилади (кийим-кечак, озиқ-овқат, минимал яшаш шароити).

Жамиятдаги барқарорлик ва аҳолинининг умумий фаровонлиги кўпинча ушбу аҳоли таркибидаги ўртача синфдаги аҳолининг улуши билан ифодаланди деб қаралади. Ўртача синфдаги аҳолининг мамлакатни ҳозирги ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бозор талабини шакллантиришда, ишлаб чиқаришдаги фаолликни таъминлаш ўрта синфга қарашли аҳолига кўпроқ боғлиқ. Ривожланган давлатларга ўрта синфга қарашли аҳоли умумий аҳолиннинг 50 фоизидан 70 фоизигачасини ташкил қилади.

Юқорида ҳам таъкидлаб ўтдикки, бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан жамятдаги даромадларни текис тақсимлашни таъминламайди, шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда ҳар доим ўта қашшоқ, бой ва ўта бой аҳоли гуруҳлари сақланиб қолади. Цивилизациялашган давлатлардаги иқтисодий сиёсат аҳоли даромадларидаги кескин равишда катта бўлган фарқларни қисқартиришга, даромадларни кўпроқ адолатли қайта тақсимлашга қаратилган. Ҳар бир цивилизациялашган давлат ногиронларни, нафақахўрларни, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ўз бўйнига олиши зарур.

Даромадларни дифференциялашуви (хилма-хил бўлиши, табақалашуви). Шахсий даромадларнинг табақалашувининг асосида иш ҳақининг ҳар хил бўлиши ётади. Иш ҳақининг ҳар хил бўлиши эса қуйидаги омилларга боғлиқ: шахслар қобилиятининг ҳар хиллиги, билим даражаси, малакаси, тажрибаси, мулкнинг ва қимматбаҳо қоғозларнинг нотекис тақсимланиши, кўчмас мулкнинг нотекис тақсмланиши, яъни жамғарманинг нотекис тақсимланиши ва ҳаказолар.

Булардан ташқари даромадларнинг нотекис тақсимланишида омад, қимматли ахборотга эга бўлиш, тавакалчилик, шахсий ва оилавий муносабатлар ҳам маълум рол ўйнайди. Ушбу омилларнинг таъсири ҳар хил, баъзи ҳолларда улар даромадларни тақсимлашга қаратилган бўлса, баъзи ҳолларда нотекисликни кучайтиради.

Даромадларнинг нотекис тақсимланиши даражасини, чуқурлигини аниқлашда Лоренц эгри чизиғидан фойдаланилади. Лоренц эгри чизиғни чизиш учун координата системасини чизамиз. Горизонтал ўқ бўйича аҳолининг ёки оилаларнинг фоизлардаги улуши ифоланади. Вертикал ўқ бўйича – даромадлар фоизи ифодаланади (13.19-расм).

Одатда аҳолини беш қисмга бўлади, яъни беш квинтелга. Ҳар бир квинтелга (бешдан бир қисмига) аҳолининг 20 фоизи киради. Аҳолининг қисмлари координата ўқига энг кам даромадга эга бўлган қисмидан бошлаб то энг кўп даромад оладиган қисмигача бўлган кетма-кетликда жойлаштирилади. Агар аҳолининг барча қисмлари оладиган даромад бир хил бўлса, яъни даромад текис тақсимланган бўлса, у ҳолда 20 фоиз аҳолига 20 фоиз даромад тўғри келади, 40 фоиз аҳолига 40 фоиз даромад тўғри келади ва ҳоказо.

Графикдаги OF чизиғи даромадларни абсолют текис (тенг) тақсимланганлигини ифодалайди. OEF чизиғи эса абсолю нотекис тақсимланганлигини ифодалайди.



16.19-расм. Лоренц эгри чизиғи

Лоренц эгри чизиғи OABCDF даромадларини реал, ҳақиқий тақсимланишини ифодалайди.

Амалда аҳолининг энг кам таъминланган қисмига даромадни 5-6 фоизи тўғрии келса, энг бой аҳоли қисмига 40-45 фоизи тўғри келади. Шунинг учун ҳам Лоренц эгри чизиғи даромадларни абсолют текис ва нотекис тақсимланишини ифодаловчи чизиқлар ўртасида жойлашган. Даромадлар тақсимланиши қанча нотекис бўлса, Лоренц эгри чизиғи шунча E нуқтага томон ботиқ бўлади. Даромадлар тақсимланиши қанча текис бўлса, Лоренц эгри чизиғи тўғриланиб OF чизиғига шунча яқинлашади.

Даромаднинг нотекис тақсимланиши даражасини кўрсатувчи Джин коэффициентини Дж деб белгиласак, у OABCDF юзани (13.19-расмда штрихланган юза) OEF учбурчак юзасига нисбати билан аниқланади:

$$Дж = \frac{S_{ABCDF}}{S_{OFE}}.$$

Бу ерда биз номинал даромадни тақсимланишини ифодаладик. Номинал даромадга аҳоли томонидан пул шаклида олинган барча даромадлар киради: иш ҳақи, дивидендлар, фоизлар, барча трансферт тўловлари (қайтариб олинмайдиган пул тўловлари). Лекин, бу ерда аҳолини ўз томорқасидан оладиган даромади, уйидаги чорва молларидан тушадиган даромад, давлат томонидан таълимга, медицина хизматига сарфланадиган маблағлар, хайрия, эҳсонлар ҳисобга олинмаган.

Барча ривожланган мамлакатлар даромадларни қайта таўсимлаш сиёсати давлат томонидан амалга оширилади. Прогрессив, яъни ўсиб борувчи солиқ тизимга кўра, аҳолининг бой қисмидан юқорироқ фоизда солиқ олинса, аҳолининг кам даромадни қисимдан камроқ фоизда солиқ олинади. Солиқ тўловларидан тушган даромаднинг бир қисми кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланди. Деярли барча давлатларда аҳолини ижтимоий суғурталаш ва кам таъминланганлиги аҳолига ёрдам бериш дастурлари мавжуд. Ижтимоий суғурталаш дастурига кўра нафақахўрлар, аҳолининг ишга яроқсиз бўлган қисми, боқувчисини йўқотган оила, ногиронлар ижтимоий суғурталанади. Давлатнинг аҳолини ижтмоий ҳимоя қилиш дастури бўйича кўп болали оилаларга ёрдам берилади, озиқоовқат маҳсулотлари ажратилади ва бошқа ҳар хил имтиёзлар белгиланади.

Давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаш сиёсати натижасида Лоренц эгри чизиғи тўғриланиб OF чизиғи томонга силжийди, яъни Лоренц эгри чизиғи OABCDF ҳолатдан $OA' B' C' D' F$ ҳолатга силжийди (13.20-расм).

Даромадларни қайта тақсмлаш сиёсати истиқболда ўзини самарасини беради. Нима учун деганда, кам таъминланган аҳоли ўқиш, билим олиш имкониятига эга бўлади ва улар келажакда жамият тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Бозор муносабатларига асосланган жамият ўз аъзоларига кенг ва шу билан бирга тенг имкониятлар яратади, лекин бу имкониятдан фойдаланиш ҳар бир шахснинг ўзига боғлиқ.3

**Мисол**. 20 фоиз аҳолининг кам таъминланган қисми жамиятдаги умумий даромаднинг 10 фоизини олади, аҳолининг энг яхши таъминланган 20 фоиз қисми эса жамиятдаги даромаднинг 40 фоизини олади.

Берилган маълумотларга кўра даромадни нотекис тақсимланиш даражасини ифодаловчи Джин коэффициенти топилсин.




16.20-расм. Даромадларнинг қайта тақсимланиши натижасида Лоренц эгри

чизиғининг силжиши

**Ечиш**. Берилган маълумотларга кўра Лоренц эгри чизиғини чизамиз (13.21-расм)




13.21-расм. Лоренц эгри чизиғи

Джин коэффициенти қуйидагича топилади:

$$\text{Дж} = \frac{S_{OACDF}}{S_{OFE}},$$

бу ерда $S_{OBF} = S_{OFE} - S_{OABFE}$ [1],

$$S_{OABF} = 0{,}5 \cdot (10 \cdot 20) + 0{,}5 \cdot (10+60) \cdot 60 + 0{,}5 \cdot (100+60) \cdot 20$$
$$= 100+2100+1600=3800$$

Маълумки,

$S_{OABFE}$ юзи = OBN учбурчак юзи + $S_{NABM}$ трапеция юзи + $S_{MBFE}$ трапеция юзи.

OAN учбурчак юзини топамиз:

$$S_{OFE} = 100 \cdot 100 \cdot 0.5 = 5000.$$

Джин коэффициентиини ҳисоблаймиз

$$Дж = \frac{5000 - 3800}{500} = 24.$$

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, Джин коэффициенти аҳолининг йирик гуруҳлари (камтаъминланган 20 фоизи, ўртача таъминланган 60 фоиз ва яхши таъминланган 20 %) ичидаги нотекисликни ҳисобга олмайди.

Қуйидаги мисолни ечиш тавсия этилади.

**Мисол.** 50 фоиз аҳолининг ўртача таъминланган қисми жамият даромадининг 50 фоизини олади. 20 фоиз энг кам таъминланган қисми 5 фоиз даромадни олади.

Берилган маълумотларга кўра Лоренц эгри чизиғи чизилсин ва Джин коэффициенти аниқлансин.

**17- МАВЗУ: Капитал куйилмалар ва капитал бозори.**
**Маъруза хажми 2 соат.**
**Режа:**

5. **Капитал бозори.**
6. **Инвестиция. .Узок муддатли ораликдаги инвестиция.**
7. **Ер бозори.**
8. **Ер рентаси.**

**Капитал –** бу узоқ муддатли оралиқда ишлатиладиган ишлаб чиқариш ресурси бўлиб, унинг ёрдамида узоқ вақт давомида маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Капиталнинг икки хил тури мавжуд: асосий капитал (узоқ муддатда фойдаланиладиган ускуна, технологик линия, бино, қурилма); айланма капитал (ҳар бир ишлаб чиқариш циклида ўз қийматини тайёр маҳсулот қийматига ўтказадиган ишлаб чиқариш ресурслари, хом Аше, материаллар, ярим фабрикатлар ва ҳаказолар).

Асосий капиталдан узоқ муддатда фойдаланилади ва у ўзини қайта такрор ишлаб чиқаради, яъни у ишлатилиши давомида ўз қийматини маълум қисмини маҳсулот қийматига ўтказади.

Капиталдан фойдаланиш давомида у ҳам маънавий, ҳам жисмоний эскиради. Жисмоний эскириш – бу капиталнинг вақт ўтиши билан ишга яроқсиз бўлиши бўлса, маънавий эскриш унинг унумдорлигининг камайиши, яъни янги ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарга қараганда унумдорлигининг пастлиги ёки умуман барча кўрсаткичлари бўйича (маҳсулот сифати, фойдаланишга қулайлиги) янги ускунадан орқада қолганлигидир.

Асосий капитал эгаси капитал қийматини ундан фойдаланиш вақти давомида қайта тиклайди. Масалан, ускуна 1000000 сўм бўлиб, ўм бўлиб, ундан фойдаланиш муддати 10 йил бўлса, унинг қиймати 10 йил давомида тенг қийматларда маҳсулот қийматига ўтказилади деб қарайдиган бўлсак, ҳар йилги даромаддан 100000 сўмдан амортизацияга ажратиш керак бўлади.

Айланма капитал бир йил давомида ўзининг бутун қийматини маҳсулот қийматига ўтказиб қайта тикланади.

Капиталнинг қиймати ундан фойдаланиб, келажакдан қанча даромад олишга боғлиқдир. Келажакда кўпроқ даромад олиш иштиёқи кўпчиликни бугунги истеъмолининг бир қисмидан воз кечиб, уни жамғаришга ундайди. Жамғарилган маблағ пул кўринишидаги капитал сифатида бирор-бир тадбиркорга маълум муддатга қўшимча қиймат орқали қайтарилиши шарти билан берилиши мумкин. Ушбу олинган қўшимча қийматга капиталга олинган фоиз дейилади.

**Ссуда фоизи** капитал эгасига унинг капиталидан маълум муддат оралиғида фойдаланганлиги учун тўланадиган нархдир.

Капиталдан фойдаланишни таҳлил қилганда бугун сарфланган маблағни келажакда сарфланадиган маблағ билан таққослаш ёки бугун олинадиган даромад билан келажакда олинадиган даромадни таққослаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ерда вақт омилини эътиборга олиш керак бўлади. Бугунги сарфланган бир сўм бир йилдан кейин сарфланадиган бир сўмга тенг эмас.

Буларни бир-бирига тенглаштириш учун, аввал уларни бир вақтга келтириш зарур бўлади. Турли хил йиллардаги харажатларни ёки даромадларни бир йилга келтиришда дисконт кўпайтирувчисидан фойдаланилади.

Харажат ва даромадларни бир хил бошланғич вақтга келтириш ҳисоб-китобларига дисконтирлаш дейилади. Бундай ҳисоб-китоблар инвестиция лойиҳаларини баҳолашда кенг қўлланилади. Инвестицияларни таҳлил қилганда йиллар давомида бўладиган харажатлар билан лойиҳадан олинадиган даромадларни солиштиришга тўғри келади. Келажакда олинадиган даромаднинг нафи бугунги кунда олинадиган даромад нафидан кичик бўлади. Нима учун деганда, жорий даромадга (яъни, бугунги кундаги даромадга) келажакда фоиз бўйича қўшимча даромад олиш мумкин.

Лойиҳаларни таҳлил қилишда лойиҳа қийматини аниқлаш учун бугунги кунда қўйилган капитал маблағлар билан лойиҳа амалга оширилгандан кейин олинадиган даромадларни солиштириш зарур бўлади. Бунинг учун жорий харажатни ва келажакда олинадиган даромадни ҳисоб-китоб қилиш керак.

**Лойиҳа** деганда, маълум мақсадга эришиш учун қилинадиган ресурслар инвестицияси тушунилади.

**Инвестиция** даромад олиш учун қўйиладиган капитал маблағ.

**Инвестициялаш** бу капитални яратиш ёки капитал захирасини тўлдириш жараёнидир. Инвестициялаш деганда, ялпи ва соф инвестициялаш тушунилади.

**Ялпи инвестициялаш** капитал захирасининг умумий ўсишидир.

**Қоплаш –** асосий капиталнинг ишдан чиққан қисмини алмаштириш.

Соф инвестиция – ялпи инвестициядан қоплаш учун сарфланадиган маблағни ажратгандан кейинги қолган қисми.

**Соф инвестиция = Ялпи инвестиция – Қоплаш.**

Агар ялпи инвестиция қоплашдан юқори бўлса, соф инвестиция мусбат бўлади (бу ҳолда капитал кўпаяди ва ишлаб чиқариш кенгаяди). Агар ялпи инвестиция қоплашдан кичик бўлса, соф инвестиция манфий бўлади (мавжуд капитал камайиб боради). Ва ниҳоят, ялпи капитал қоплашга тенг бўлса, капитал ҳажми ўзгармайди (бу ҳолда капитал оддий такрор ишлаб чиқарилади).

Қисқа муддатли лойиҳаларни (қисқа муддатли инвестицияларни) таҳлил қилганда капиталнинг ички ўзини оқлаш коэффициенти r дан ва ссуда фоизи i дан фойдаланилади. Қисқа муддатли оралиқдаги инвестицияларнинг (бир йиллик оралиқдаги) чекли соф оқлаши уларнинг чекли ички оқлаш коэффициентидан ссуда ставкаси фоизини айириш орқали аниқланади:

$\Delta r$ – чекли соф оқлаш;

r – чекли ички оқлаш;

i– ссуда ставкаси фоизи.

Агар r=i, бўлса инвестициядан олинадиган фойда максимал бўлади.

Фараз қилайлик, фирма мандарин сотиш билан шуғулланади, дейлик. Фирма сотиш қуввати турли бўлган дўконларни қурмоқчи. Дўконларни қуриш учун сарфланадиган капитал маблағлар, сотиш учун сарфланадиган харажатлар қуйидаги жадвалда келтирилган (13.1 -жадвал). Ссуда фоизи ставкаси 10 фоиз бўлсин.

17.1. – жадвал

Бир йиллик инвестиция қайтимлари

| Дўконларнинг сотиш қуввати (бир кунлик), кг. | Умумий инвестиция (капитал маблағ сарфи), сўм | Чекли инвестиция, сўм | Капиталга тўланадиган чекли фоиз, (MC) | Чекли сотиш харажатлари | Чекли умумий харажатлар, сўм (MC) | Инвестициядан олинадиган чекли даромад, сўм (MR) | Чекли фойда, сўм |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1000 | 100000 | 100000 | 100000 | 50000 | 115000 | 120000 | 5000 |
| 2000 | 200000 | 100000 | 100000 | 7500 | 117500 | 120000 | 2500 |
| 3000 | 300000 | 100000 | 100000 | 10000 | 120000 | 120000 | 0 |
| 4000 | 400000 | 100000 | 100000 | 12500 | 122500 | 120000 | -2500 |
| 5000 | 500000 | 100000 | 100000 | 15000 | 125000 | 120000 | -5000 |

Бир кунда 1000 кг мандарин сотадиган дўкон қуриш учун 100000 сўм сарфланади, 2000 кг учун эса 200000 сўм сарфланади ва ҳоказо. Сотиш масштаби 1000 кг га ошганда умумий сарфланадиган капитал ҳажми 100000 сўмга ўзгаради. Фоиз ставкаси 10 фоиз бўлгани учун чекли инвестиция 100000 сўмга, тўланадиган маблағ 10000 сўмга тенг. Ҳар бир 100000 сўмлик чекли инвестициядан олинадиган чекли даромад бир хил бўлиб, у 120000 сўмга тенг. Сотиш қуввати 1000 кг бўлганда, чекли умумий харажат (чек5ли инвестиция плюс капиталга тўланадиган чекли фоиз плюс чекли сотиш харажати) 115000 сўм бўлади ва чекли фойда 120000-115000=5000 сўмни ташкил этади. Сотиш қуввати 2000 кг бўлган дўкон учун ушбу кўрсаткичлар мос равишда 117500 ва 2500 сўмга тенг бўлади. Агар чекли харажат MC чекли даромад MR га тенг бўлса (MC = MR), капиталдан олинадиган фойда максимал бўлади. Дўконларнинг бир кунлик сотиш қуввати 3000 кг бўлганда фойда максимал бўлади, яъни 5000+2500 = 7500 сўм. Ушбу ҳолат қуйидаги 13.22-расмда ифодаланган.

,
MC
MC

MR
MR = 12000



Q сотиш
0
3000
қуввати

17.22-расм. Қисқа муддатли оралиқдаги инвестиция

Ишлаб чиқариш масштаби ошиши билан бирга чекли харажат ҳам ошиб боради, шунинг учун ҳам MC чизиғи мусбат ҳам ошиб боради, шунинг учун ҳам MC чизиғи мусбат ётиқликка эга. Чекли даромад 120000 га тенг бўлганлиги учун MR чизиғи 120000 нуқтадан ўтиб абцисса ўқига параллел бўлади. MC чизиғи билан MR чизиғининг кесишган нуқтаси максимал фойдани таъминлайдиган оптимал сотиш қуввати 3000 кг га тенг эканлигини аниқлайди.

Энди чекли оқлаш нормаси коэффициенти r ни ва ссуда фоиз ставкаси i билан таққослаймиз (13.3-жадвал).

$$r = \frac{чекли.фоиз.тулови. + чекли.фойда}{чекли.инвестиция} 100\%$$

17.2-жадвал

Бир йиллик қўйилган инвестициянинг чекли оқлаш нормаси.

| Сотиш қуввати, кг | r – чекли оқлаш нормаси, % | Ссуда фоизи ставкаси t, | Инвестицияни чекли соф оқлаш нормас (Δr, %) |
|---|---|---|---|
| 1000 | 15,0 | 10,0 | 5,0 |
| 2000 | 12,5 | 10,0 | 2,5 |
| 3000 | 10,0 | 10,0 | 0,0 |
| 4000 | 7,5 | 10,0 | -25 |
| 5000 | 5,0 | 10,0 | -5,0 |

Сотиш масштаби ошиши билан ўзини оқлаш нормаси 15 фоиздан 5 фоизга тушади. i = r бўганда, инвестициядан олинадиган даромад максималлашади, яъни сотиш ҳажми 3000 килограммга етади. Ушбу вазият 13.23-расмда келтирилган.




17.23-расм. Чекли оқлаш нормаси ва ссуда фоизи ставкаси динамикаси

Ссуда фоизи ставкаси ўзгармас бўлиб, 10 % га тенг бўлгани учун, унинг чизиғи абцисса ўқига параллел жойлашди. Чекли оқлаш нормаси дўконларларнинг сотиш қувватига қараб ўзгаради, яъни r сотиш масштаби билан пасайиб боради.

Чекли оқлаш нормаси чизиғи инвестицияга бўлган талаб чизиғини ифодалайди. Талаб чизиғидан кўриш мумкинки, фоиз ставкаси қанча юқори бўлса, капиталга бўлган талаб шунча кам ва аксинча, фоиз ставкаси қанча паст бўлиб, капитал маблағга бўлган талаб шунча юқори бўлади. Фойдани максималлаштирадиган сотиш ҳажми i = r бўлганда 3000 килограммга тенг бўлади.

**Узоқ муддатли оралиқдаги инвестиция**. Асосий капиталга қўйилган инвестициялар асосан узоқ муддатли бўлади. Асосий капиталнинг хизмат қилиш, яъни ундан фойдаланиш муддати мавжуд бўлиб, у чегараланган бўлади. Асосий капитал хизмат кўрсатиш муддати давомида фирма учун даромад келтиради.

Узоқ муддатли оралиқдаги капитал қўйилмадан олинадиган фойдани ҳисоблаш учун асосий капиталнинг хизмат кўрсатиш муддатини ва ундан фойдаланиш давомида ҳар йилда олинадиган даромадни билиш керак бўлади.

Фараз қилайлик, I – инвестицияни чекли қиймати, $R_J$ – J – хизмат кўрсатиш йилида асосий капиталдан олинадиган чекли (қўшимча) даромад. У ҳолда биринчи йил учун (J = I) капиталнинг чекли оқлаш нормасини (r) қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$I \cdot (1+r) = R_1.$$

Демак, бугунги бир сўмлик капиталнинг қиймати йилнинг охирига келиб 1 + r сўмга тенг бўлади, агар у бир йил давомида r сўмлик фойда келтирса.

Агар чекли капитал қиймати 1000 сўм ва чекли капиталнинг бир йилдан кейин умумий фойдага қўшадиган чекли ҳиссаси 1300 сўм бўлса, чекли оқлаш нормаси қуйидагига тенг.

(1) формуладан фойдаланиб ёзамиз:

$$r = \frac{R_1 - I}{I} = \frac{1300 - 1000}{1000} \cdot 100\% = 30\%.$$

Бугунги бир сўмлик капитал қиймати йил охирида 1·(1+0,3)=1,3 сўмга тенг бўлади.

Агар ссуда фоизи ставкаси i = 10 % бўлса, соф оқлаш нормаси Δr = (r-i)=(30-10)=20% бўлади.

Агарда I = 1000 сўм ва r = 30% берилган бўлса, $R_1$ни топиш мумкин бўлади:

$$1000 \cdot (1+0,3)=1300$$

Иккинчи йил учун эса

$$R_1 \cdot (1+r) = R_2, \qquad (2)$$

ёки

$$R \cdot (1+r) \cdot (1+r) = R_2,$$
$$I \cdot (1+r)^2 = R_2 \qquad (3)$$

Инвестициянинг йил бошидаги қиймати қуйидагича аниқланди, (1) дан фойдаланиб қуйидагини ёзамиз:

$$I = \frac{R_1}{(1+r)}. \qquad (4)$$

Иккинчи йил учун эса

$$I = \frac{R_2}{(1+r)^2}.$$

Ихтиёрий t йил учун капиталнинг йил бошидаги қиймати қуйидагича аниқланади:

$$I = \frac{R_1}{(1+r)}.$$

**Жамғарма ва вақт бўйича чекли танлаш нормаси**. Инсонлар жорий ва келажакдаги истеъмолни бир-бири билан солиштириб, жамғариш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Одатда шахс келажакда кўпроқ истеъмол қилиш учун бугунги кундаги бир сўмлик истеъмолидан воз кечади. Масалан, шахснинг бир йиллик даромади 100 минг сўм бўлсин. Агар у ушбу даромадини жорий йилда тўлиқ истеъмол қилса, унинг жамғармаси нолга тенг бўлади. Шахс ушбу даромадидан 10 минг сўмини жамғаради (10 минг сўмлик жорий истеъмолдан

воз кечади), агар у келажакда 10 минг сўмдан кўпроқ истеъмол қилиш имкониятига эга бўлса, масалан 15 минг сўмлик. У ҳолда унинг вақт бўйича чекли танлаш нормаси MRTP қуйидагича аниқланади:

$$MRTP = \frac{\Delta C_1}{\Delta C_0} = \frac{15}{10} = 1{,}5.$$

MRTP – вақт бўйича чекли танлаш нормаси, бу шахснинг умумий турмуш даражаси ўзгармаган шароитда бир бирлик жорий истеъмолдан воз кечиш ҳисобига бўладиган келажакдаги қўшимча истеъмол қиймати бўлиб, у шу воз кечилган бирлик истеъмолни қоплаш учун етарлидир.

Вақт бўйича танлаш инвестиция қўйишга жамғарма орқали таъсир қилади. Лекин, жорий истеъмол ҳисобидан жамғармани хоҳлаганча ошириш мумкин эмас. Нега деганда, умумий даромад чекланган. Жамғарма умумий даромаддан истеъмолни айрилганига тенг.

$$S = I\text{-}C,$$

бу ерда S – жамғарма; I – умумий даромад; C – истеъмол.

Маълумки фоиз ставкаси (i) қанча юқори бўлса, жамғаришга мойиллик шунча юқори бўлади ва аксинча.

Қийматни дисконтирлаш. Бир йилдан кейин бериладиган бир сўмнинг бугунги қиймати қанча бўлади? Бу саволга жавоб фоиз ставкасига боғлиқдир. Фараз қилайлик, фоиз стакаси і бўлсин. У ҳолда биз бир сўмни жамғарадиган бўлсак, унинг қиймати бир йилдан кейин I · (1+i) сўмга тенг бўлади (агар фоиз ставкаси I = 50 % бўлса,бугунги бир сўм бир йилдан кейин 1,5 сўмга тенг бўлади). Демак, айтишимиз мумкинки, бир йилдан кейин олинадиган бир сўмнинг бугунги қиймати $\frac{1.сум}{(1+i)}$ сўмга тенг, яъни у бир сўмдан кичик бўлади. Худди шундай икки йилдан кейин тўланадиган бир сўмнинг бугунги қиймати $\frac{1.сум}{(1+i)^2}$ га тенг бўлади. Нима учун деганда, бир сўм і фоиз ставкаси бўйича инвестицияга қўйилса, икки йилдан кейин у (1+i) ·(1+i) = $(1+i)^2$ сўмга тенг бўлади.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, жорий дисконтирлаштирилган қиймат PDV (Present Discount Value), яъни бошланғич йилга келтирилган қиймат – бу маълум муддат ўтгандан кейин тўланадиган бир сўмнинг бугунги қиймати (нархи).

Агар муддат бир йилга тенг бўлса, $PDV = \frac{1}{(1+i)}$ га тенг.

Агар муддат n йилга тенг бўлса, $PDV = \frac{1}{(1+i)^n}$ га тенг бўлади.

Қуидаги жадвалда (13.3-жадвал) бир долларнинг ҳар хил фоиз ставкаларидаги келтирилган қийматлари кўрсатилган.

17.3-жадвал

**1 долларнинг дисконтирланган (келтирилган) қиймати**

| **Фоиз** | **Йиллар** |
|---|---|

| ставкаси | 1 | 5 | 10 | 20 |
|---|---|---|---|---|
| 0,01 | 0,990 | 0,951 | 0,905 | 0,820 |
| 0,05 | 0,952 | 0,784 | 0,614 | 0,377 |
| 0,10 | 0,909 | 0,621 | 0,386 | 0,149 |
| 0,15 | 0,870 | 0,497 | 0,247 | 0,061 |
| 0,20 | 0,833 | 0,402 | 0,162 | 0,026 |

Жадвалдан кўриш мумкинки, фоиз ставкаси қанча юқори бўлса, бир долларнинг жорий дисконтирланган (бошланғич йилга келтирилган) қиймати шунча кичик бўлади. Масалан, фоиз ставкаси 5 % бўлганда, 10 йилдан кейин оладиган долларнинг бугунги қиймати 61,4 центга тенг бўлади, 10 фоизлик ставкада эса ушбу кўрсаткич 38,6 центга ва 20 % бўлганда 16,2 центга тенг бўлади.

Вақт бўйича дисконтирланган (бошланғич вақтга келтирган) даромадни қараймиз. Фараз қилайлик, бизда икки хил даромад бор. Биринчисини «А» деб белгиласак, иккинчи даромадни «В» дейлик. «А» деб белгиласак, иккинчи даромадни «В» дейлик. «А» даромад 400 сўмга тенг бўлиб, унинг 200 сўми ҳозир тўланади, қолган 200 сўми бир йилдан кейин тўланади. «В» даромад 440 сўм бўлиб, унинг 40 сўми бугун тўланади, 200 сўми бир йилдан кейин, қолган 200 сўми икки йилдан кейин тўланади. Ушбу икки вариантдан қайси бири фойдалироқ ҳисобланади.? Жавоб: фоиз ставкасига боғлиқ. Ушбу даромадларни бошланғич вақтга келтирилган қийматини ҳисоблаймиз.

$$PDV(A) = 200 + \frac{200}{1+i'};$$

$$\text{PDV (B)}=40+\frac{200}{(1+i)}+\frac{200}{(1+i)^2}$$

17.4-; жадвал

Дисконтланган даромадлар тури

| Даромадлар тури | Йиллар бўйича келтирилган даромад | | |
|---|---|---|---|
| | жорий йил | 1-йил | 2-йил |
| А | 200 | 200 | 0 |
| В | 40 | 200 | 200 |

Қуйидаги 13.5-жадвалда даромадларнинг иккала тури бўйича фоизлар ставкаси 5, 10, 15, 20 % бўлгандаги келтирилган қийматлари кўрсатилган.

17.5. –жадвал

| Даромад тури | Фоиз ставкаларида дисконтирланган даромад, (сўмда) | | | |
|---|---|---|---|---|
| | i = 0.10 | i = 0.10 | i = 0.15 | i=0.20 |
| А | 390,5 | 381,8 | 373,9 | 366,7 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| B | 411,9 | 387,1 | 365,1 | 345,6 |

Жадвалдаги маълумотлардан кўриш мумкинки, даромадларни танлаш фоиз ставкаларига боғлиқ. Агар фоиз ставкаси 10 % га тенг ва ундан кичик бўлганда, шахс «А» даромад турига қараганда «В» даромад турини танлаш яхшироқ бўларди. Фоиз ставкаси 15 % ва ундан юқори бўлганда, (А) даромад тури (В) даромад турига нисбатан яхшироқ бўлар эди.

Бу ерда аосий сабаб, «А» даромад қиймати «В» даромадга қараганда кам бўлса ҳам, у тезроқ тўланади.

Инвестицияни ҳисоблашдаги дисконтирланганг қиймат. Инвестиция қўйишда келажакда олинадиган даромадларни ва қилинадиган харажатларни солиштириш орқали лойиҳанинг қийматини баҳолаш керак бўлади. Инвестицияни баҳолашда соф келтирилган қиймат мезони (NPV) ишлатилади. Бу мезонга кўра, агар олинадиган даромад инвестицияга сарфланадиган харажатлар юқори бўлса, инвестиция амалга оширилади.

Фараз қилайлик, инвестиция ҳажми бошланғич ишлаб чиқариш йили учун (i=0) I га тенг; $R_1$ $C_1$ – кутиладиган t – йилдаги (t = 1,2,…..,T) даромадлари ва харажатлар. У ҳолда соф келтирилган қиймат қуйидагига тенг.

$$NPV = -I + \frac{R_1 - C_1}{(1+i)} + \frac{R_2 - C_2}{(1+i)^2} + .... + \frac{R_T - C_T}{(1+i)^T},$$

бу ерда t – дисконт нормаси (харажатларни бир вақтга келтириш нормаси). Дисконт нормаси t фоиз ставкаси ёки бошқа бир ставка бўлиши мумкин. Т – лойиҳасини фаолият кўрсатиш муддати.

Баъзи ҳолларда дисконт нормасини асосий капиталга қўйилган алътернатив харажат сифатида қараш мумкин.

Агар NPV > 0 бўлса, инвестиция ўзини оқлайди, яъни келтирилган фойда қўйилган инвестиция қийматидан катта. Агар NPV > 0 бўлганда инвестиция ўзини оқламайди.

Лойиҳанинг ишлаш муддати чексиз бўлганда (t $\infty$), келтирилган қиймат қуйидагича ҳисобланади:

$$NPV = I + \frac{R - C}{i}.$$

Инвестицияга талаб. Соф келтирилган қиймат мезонига кўра, инвестиция ўзини оқлайди, агар NPV =-I+$f$(i) > 0 бўлса. Бу ерда

$$f\ (\text{i}) = \sum_{i=1}^{T} \frac{R_1 - C_1}{(1+i)^1}.$$

Демак, I = $f$ (i) инвестицияга талаб функцияси. Ушбу функциянинг графиги камаювчи бўлиб, инвестиция «нархи» яъни фоиз ставкаси билан инвестицияга қилинадиган харажатлар ўртасидаги тескари алоқани ифодалайди (13.24 - расм).



$f$ (i) < I

$f$ (i) > I

I = $f$ (i)

I

17.24-расм. Инвестицияга талаб функцияси графиги

Инвестицияга талаб функцияси берилган лойиҳа инвесторлар томонидан капитал маблағ қўйиши мумкин бўлган максимал фоиз ставкасини ифодалайди. Юқори фоиз ставкасида юқори фойда бериши мумкин бўлган лойиҳалар амалга оширилади. Фоиз ставкаси камайганда, капитал маблағ қўйиш масштаби кенгаяди, яъни кам фойда берадиган лойиҳалар ҳам маблағ билан таъминланади.

**Инфляциянинг таъсири**. Инфляция ёки нархларнинг умумий даражасининг ўсиши жорий ва келажакда олинадиган маблағлар нисбатини ўзгартиради. Шунинг учун ҳам инфляция дражаси лойиҳаларни баҳолашда эътиборга олиниши зарур.

Агар барча товарларга, хизматларга ва ишлаб чиқариш ресурсларига (иш ҳақига ҳам) бўлган нархларнинг даражаси ўсганда, улар ўртасидаги нисбат ўзгармаса, бундай ўзгаришга баланслашган инфляция дейилади.

Бундай ҳолда, яъни нархларнинг ўсиш суръати бир хил бўлганда лойиҳани таҳлил қилишда инфляцияни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Номинал нархлардан, номинал фоиз ставкасидан фойдаланиб даромадлар ва харажатларни ҳисоблаб, уларни солиштириш мумкин. Фойда ва харажатларни белгиланган (солиштирма) нархларда ҳам ҳисоблаш мумкин, лекин бундай ҳолда реал фоиз ставкасидан фойдаланиш керак бўлади.

Агар ҳар бир товар, хизмат ва ресурс ўзининг нарх ўсиш сураътига эга бўлса, инфляция баланслашмаган бўлади. Баланслашмаган инфляция лойиҳа бўйича ҳисоб-китобларни мураккаблаштириб юборади.

**Номинал фоиз ставкаси** – бу жорий пул бирликларида ифодаланган жамғармага ёки ссудага бўлган даромад нормаси.

**Реал фоиз ставкаси** – бу ўзгармас (яъни, инфляция даражасига кўра ўзгартирилган) пул бирликларида ифодаланган жамғарма ёки ссудага бўлган даромад нормаси.

Фараз қилайлик, і – номинал, Е – реал фоиз ставкаси бўлсин. п – инфляция даражаси суръати, яъни

$$\pi = \frac{P_1 - P_0}{P_0},$$

бу ерда $P_0$ – жорий нарх даражаси;

$P_1$ – маълум вақт ўтгандан кейинги (бир йилдан кейинги) нарх даражаси;

Фараз қилайлик, қандайдир жорий қиймат $M_0$ берилган бўлиб, у бир йилдан кейин $M_1$ бўлсин. У ҳолда $M_1 = M_0 \cdot (1+i)$.

Пулнинг сотиб олиш кучини аниқлаймиз. Бу ерда $\frac{M_0}{P_0}$ ҳозирги сотиб олиш кучи; $\frac{M_1}{P_1}$ - келажакда сотиб олиш кучи.

У ҳолда

$$\frac{M_1}{P_1} = \frac{M_0 \cdot (1+i)}{P_0 \cdot (1+\pi)} = \frac{M_0}{P_0} \cdot (1+\varepsilon).$$

Бундан реал фоиз ставкаси $\varepsilon$ қуйидагига тенг.

$$\varepsilon \frac{\frac{M_1}{P_1} - \frac{M_0}{P_0}}{\frac{M_0}{P_0}} = \frac{1+i}{1+\pi} - 1,$$

яъни, $(1+\varepsilon)\cdot(1+\pi) = 1+i, ёки \varepsilon = \frac{i-\pi}{1+\pi}$

Инфляция даражаси (суръати) кичик бўлганда реал фоиз ставкаси қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$\varepsilon = i = \pi.$$

Умуман олганда, фирмаларнинг талаби моддий капитал неъматга (ускуна, техноогик линия) эмас, балки вақтинча бўш бўлган пул маблағигадир. Ушбу пул маблағини моддий капиталга сарфлаб, улардан фойдаланиш натижасида келажакда оладиган фойданинг бир қисмини пул эгасига қайтариш керак бўлади. Шунинг учун ҳам инвестицияга талаб, бу пул жамғармасига бўлган талаб, фоиз тўлови эса қарзга олинган пулнинг нархидир.

Мисол. Номинал ставка i = 60%; $\varepsilon$-реал ставка; $\pi$ - инфляция давражаси; $\pi$=90%.

Формулага кўра қуйидагини ёзамиз:

$$(1+\varepsilon)\cdot(1+0{,}9) = 1+0{,}6$$

ёки реал фоиз ставкаси $\varepsilon$ = 15,8 %.

**Заёмларнинг қийматини дисконтирлаш**. Заёмлар тўлов мажбурияти бўлиб, уларнинг моҳияти шундан иборатки, заём берувчи заём олувчига (кредиторга) маълум муддат ўтиши билан маълум суммада пул тўлайди. Фараз қилайлик, давлат ёки бирор корхонанинг заёми яқин 10 йил ишлаб чиқаришда ҳар йилда 100 сўмдан даромад келтиради, 10 йил ўтгандан кейин пировард дивиденд 1000 сўм бўлсин. Ушбу заёмга заём олувчи қанча тўлашини кўриб

чиқамиз. Бунинг учун даромадларнинг дисконтирланган суммасини ҳисоблаб чиқамиз.

$$PDV = \frac{100}{(1+i)} + \frac{100}{(1+i)^2} + .... + \frac{100}{(1+i)^{10}} + \frac{1000}{(1+i)^{10}}. \qquad (1)$$

Бу ерда ҳам заём қиймати фоиз ставкасига боғлиқ. 13.25-расмда заёмнинг ҳар хил фоиз ставкаларида дисконтирланган қиймати келтирган. фоиз ставкаси қанча кўп бўлса, заёмнинг қиймати шунча паст бўлади. Масалан, 5 фоизли ставкада заём нархи 1386 сўмни ташкил қилса, 15 фоизда у 747 сўмга тенг бўлади.

Заёмлар муддатсиз бўлганда заём олган шахс чекланмаган муддатда ҳар йили маълум ўзгармас сумма олиб туради. 1000 сўмлик дивиденд берадиган чексиз муддатли заёмнинг нархи қуйидагига тенг:




17.25-расм. Заём қийматидан олинадиган дисконтирланган даромадлар йиғиндиси

$$PDV = \frac{100}{(1+i)} + \frac{100}{(1+i)^2} + .... + \frac{100}{(1+i)^3} + .....$$

Бундай ҳолда PDV қуйидагича ҳисобланади:

$$PDV = \frac{100}{i}.$$

Шундай қилиб, агар фоиз ставкаси 5 % бўлса, муддатсиз заёмнинг қиймати $\frac{1000}{0,05}$ 20000. сўм бўлади. Агар фоиз ставкаси 20 % бўлса, заёмнинг қиймати 5000 сўмга тенг бўлади.

## 13.4. Ер бозори

Иқтисодий назарияда ер деганда, унинг табиий ресурслари тушунилади, яъни: ернинг ҳосилдорлиги, ундаги фойдали қазилма бойликлар ва ҳоказолар. Бунда биз ернинг устки қатламини қараймиз, яъни унинг устки қатламидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ёки қурилишда (уй-жой, мактаб, корхона ва ҳоказо) фойдаланиш мумкин.

Ернинг ўзига хос хусусиятларидан бири, у ҳар доим чекланган ва уни у жойдан бошқа жойга, яъни капитални кўчиргандай кўчириб бўлмайди.

Ер таклифи. Ер таклифига таъсир этувчи аосий омиллар – бу унинг ҳосилдорлиги ва қулай жойлаш-

## 18- МАВЗУ: Корхоналар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш. Маъруза хажми 2 соат.

**Режа:**

5. **Ташки Самара.**
6. **Ижобий ва салбий ташки самарага таъсир килиш.**
7. **Ижтимоий неъмат.**
8. **Бозор иктисодиётига давлатнинг роли.**

### 1. Трансакцион харажатлар

Трансакцион ёки операциялар харажати бу товарлар алмашуви соҳасидаги харажатлардир. Ушбу харажат Рональд Коуз томонидан 1930 йилларнинг бошларида киритилган.

Трансакцион харажатлар қуйидаги беш кўринишда бўлади:

1. Ахборот қидириш харажати;
2. Музокара олиб бори шва шартнома тузиш харажати;
3. Ўлчаш харажатлари;
4. Мулк эгаси ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва спецификация харажатлари;
5. Оппортунистлик ҳаракат харажатлари.

Ахборот қидириш харажати бозордаги ахборотнинг асимметрик ҳолати билан боғлиқ. Харидорларни, сотувчиларни қидириб топиш маълум харажат билан боқлиқ. Ахборотларни аниқ ва тўлиқ бўлмаслиги ортиқча харажатларга олиб келади, яъни товар мувозанат нархидан юқори ёки паст нархда сотиб олинади.

Музокара олиб бори шва шартнома тузиш харажатлари, ушбу шартномаларни тузиш учун кетган вақт, ресурслар, савдо-сотиқни ҳуқуқий расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар.

Ўлчаш билан боғлиқ харажатлар, асосан ўлчаш асбоблари учун ҳамда ўлчаш учун сарфланган харажатлар билан боғлиқ. Кўп ҳолларда ўлчаш жараёни қийин кечади. Масалан, товар сифатини баҳолаш, ишга қабул қилинадиган ишчининг малакасини баҳолаш.

Мулк эгасини ҳимоя қилиш ва спецификация харажатлари кўпинча ишончли ҳуқуқий ҳимоя яхши йўлга қўйилмаган жойларда вужудга келади. Бундай жойларда иқтисодий субъектлар ҳуқуқининг бузилиши кучаяди. Ҳуқуқларни жойига қўйиш учун вақт, маблағ сарфланади.

Оппортунистик ҳаракатлари харажатлари ҳам ахборотнинг асимметриклиги билан боғлиқ. Оппортунистик харажат деб, шерик ҳисобидан фойда олиш мақсадида шартномада кўрсатилган шартлари бажаришдан воз кечадиган шахслар ҳаракатига айтилади.

Шундай қилиб, трансацион харажатлар товарлар алмашиши жараёнигача, алмашиши жараёнида ва алмашишдан кейинги даврда вужудга келади.

## 15.2. Коуз теоремаси

Ташқи самаралар ёки экстерналилар (externalites) – бозордаги олди-соттидан олинадиган, лекин нархда ўз ифодасини топмаган харажат ёки фойда. Улар муайян операцияда қатнашадиган бозор субъектлари билан бир қаторида учинчи томон билан боғлиқ бўлгани учун ҳам «ташқи» деб қабул қилинади. Ушбу харажатлар ёки ютуқлар (фойда) товарлар ва хизматларни ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам истеъмол қилишда вужудга келади.

Ташқи Самара мусбат (ижобий) ва манфий (салбий) самараларга бўлинади. Манфий Самара харажатлар билан боғлиқ бўлса, мусбат самара учунчи томоннинг ютуғи билан боғлиқдир. Шундай қилиб, ташқи самара ижтимоий харажатлар (ютуқлар) ва хусусий хражатлар (ютуқлар) ўртасидаги фарқни кўрсатади.

$$MSC = MPC + MEC,$$

бу ерда MSC – ижтимоий чекли харажат;

MPC – хусусий чекли харажат;

MEC – тушқи чекли харажат (Marginal External Cost).

Агар бир иқтисодий субъектнинг фаолияти бошқа иқтисодий субъектлар фаолиятида харажатларга олиб келса, салбий ташқи Самара вужудга келади. Масалан, химия заводи фойдаланилган сувни етарли даражада тозаламасдан дарёга оқизмоқда, дейлик. Чиқинди сув ҳажми завод ишлаб чиқариш пропорционал бўлса, завод қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарса, уатроф муҳитни шунча кўп ифлослантиради. Химия заводи махсус сув тозалаш иншооти қурмаганлиги учун, чиқинди сув тўлиқ тозаланмайди, демак заводнинг хусусий чекли харажати ижтимоий чекли харажатидан паст бўлади, нима учун деганда унинг харажати сувни тозалаш билан боғлиқ харажатдан холи. Завод харажатларни тежаш асосида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми самарали ҳажмдан кўп бўлади. (15,1,-расм).






18.1- расм. Манфий (салбий) ташқи самара

Сувни тозалашга харажат қилмаганда заводнинг ишлаб чиқариш ҳажми $Q_1$ га, унинг нархи $P_1$ га тенг ва $E_1$ нуқтада бозор мувозанти ўрнатилади. $E_1$ нуқтада кесишадиган талаб чизиғи чекли ижтимоий ютуқ MSBни ифлосланса, таклиф чизиғи хусусий чекли харажат MPC ни ифодалайди. $E_1$ нуқтада бозор мувозанати ўрнатилганда чекли хусусий харажат чекли ижтимоий ютуқга тенг бўлади:

$$MPC = MSB$$

Лекин, чекли ижтимоий харажат чекли хусусий харажат билан чекли ташқи харажат йиғиндисига тенг:

$$MSC = MPC + MEC,$$

Агар ташқи харажат заводининг ички харажатига айлантирилса, самарали ишлаб чиқариш ҳажми $Q_1$ дан $Q_2$ га қисқарган бўлади. Маҳсулот нархи $P_1$ дан $P_2$ га кўтарилади ва $E_2$ нуқтада чекли ижтимоий ютуқ чекли ижтимоий харажат билан тенглашарди, яъни

$$MSB = MSC$$

Шуни эътиборига олиш керакки, $E_2$ нуқтада ташқи муҳитни ифлослантиришнинг оқибатлари тўлиқ йўқотилмайди, нима учун деганда, химия завод $Q_2$ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттиради ва шу ишлаб чиқариш ҳажмига пропорционал чиқинди ҳам атроф-муҳитга чиқаради. Лекин, атроф-муҳитни ифлослантиришдан бўладиган зарар анча камаяди. 15.1-расмдаги $E_1$ $E_2$ E учбурчакнинг юзи хусусий чекли харажатни ижтимоий чекли харажатдан паст бўлиши билан боғлиқ бўлгандаги йўқотилган самарани кўрсатади.

Шундай қилиб, салбий ташқи Самара мавжуд бўлганда иқтисодий неъмат самарали ҳажмдан кўпроқ ҳажмда сотилади ва сотиб солинади, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматлар керагидан ортиқча ишлаб чиқарилади.

Мусбат (ижобий) ташқи самара бирор иқтисодий субъектнинг фаолияти бошқа субъектларга ютуқ келтирганда вужудга келади.

$$MSB = MPB + MEB$$

Бу ерда MSB – ижтимоий чекли ютуқ
MPB – хусусий чекли ютуқ
MEB – ташқи чекли ютуқ

Ижобий ташқи самарага маорифни ва илмий изланишларни келтириш мумкин. Маориф яхши йўлга қўйилса, бундан жамиятнинг ҳар бир аъзоси ютади. Худди шундай илмий изланишлардаги кашфиётлардан ҳам жамият ва унинг аъзолари ютади. Ҳар бир шахс таълим олаётганда ўзи оладиган ютуқни уйлаши мумкин, лекин, бундан жамият қандай ютуқ олиш мумкинлигини ўйламайди, яъни ўзи қандай ютуқ олиш мумкинлигини ўйламайди, яъни ўзи оладиган ютуқни ҳисобга олади, холос. Шахс таълим олишга қарор қилишидан олдин таълимга кетадиган харажат билан таълимдан оладиган ютуқни бир-бири билан таққослаб кўради. Инсон капиталига қилинган инвестициялар жамият учун оптимал бўлган миқдордан паст бўлади (15.2-расм).

Бозор мувозанати $У_1$ хусусий чекли ютуқ билан ижтимоий чекли харажат чизиқлари кесишган нуқтада ўрнатилади.

$$MPB = MSC$$

Яъни (6) тенгликда жамият оладиган чекли ютуқ ҳисобга олинмаган. Умуман олганда ижтимоий чекли ютуқ хусусий чекли ютуқдан ташқи чекли ютуқ миқдорига катта.

Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш ҳажмини умумий чекли ютуқ, яъни ижтимоий чекли ютуқ ижтимоий чекли харажатга тенг бўлганга қадар ошириш мумкин. Демак, жамият учун самарали бўлган мувозанат,



18.2 – расм. Ижобий ташқи самара

ижтимоий чекли ютуқ чизиғи билан ижтимоий чекли харажат чизиғи кесишган $E_2$ нуқтада эришилиши мумкин. Натижада, самарадорлик $FE_2E_1$ учбурчак юзига тенг миқдорга ошади.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, ижобий ташқи самара бўлганда иқтисодий неъматлар самарали ҳажмдан кам миқдорда сотилади ва сотиб олинади, яъни ижобий ташқи самарали товарлар ва хизматлар камроқ ишлаб чиқилади.

## 18.3. Ижобий ва салбий ташқи самарага таъсир қилиш

Салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматларни кўп ишлаб чиқарилишини камайтириш ва ижобий ташқи самарали товарлар ва хизматларни оптимал ҳажмгача ошириш учун ташқи самараларни ички самарага айлантириш (трансформация қилиш) керак.

Ташқи самараларни ички самарага айлантириш учун хусусий чекли харажататларни (вам ос ҳолда чекли ютуқни) ижтимоий чекли харажатларга (чекли ютуқларга) яқинлаштириш лозим.

Ушбу муаммони ечиш учун солиқлардан ва субсидиялардан фойдаланиш А.С. Пигу томонидан таклиф қилинган.

**Тартиблаштирадиган солиқ** – бу салбий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган ва хусусий чекли харажатни ижтимоий чекли харажатгача кўтарадиган солиқ.

Демак, юқоридаги мисолда солиқ Т ташқи чекли харажатга тенг бўлса, яъни Т МЕС бўлса, бозор мувозанатини самарали мувозанатга яқинлаштиради:

MCB = MSC

Тартиблаштирувчи субсидия – бу ижобий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмол қилувчиларга бериладиган субсидия бўлиб, у хусусий чекли ютуқни ижтимоий чекли ютуққа яқинлаштиради.

Агар ташқи чекли ютуқга тенг бўлган субсидия (S= MEB) талабаларга ёки илмий ходимларга берилганда эди, у талабаларнинг таълим хизматига талабини ва илмий изланувчиларни илмий изланишга талабини ва илмий изланувчиларни

илмий изланишга талабини MCB = MSC тенгликни таъминлайдиган даражагача оширган бўлар эди. Лекин, тартиблаштирувчи солиқлар ва субсидиялар ташқи самара билан боғлиқ муаммоларни тўлиқ ечишга ёрдам Бер олмайди, нима учун деганда, амалиётда чекли ютуқ ва чекли харажатларни аниқ ҳисоблаш жуда қийин бўлса, иккинчидан, улар етказадиган зарар миқдорини ҳам ҳисоблашда жуда катта қийинчиликлар мавжуд.

Ташқи самара муаммосини ечишнинг нги йўли Р. Коузнинг фикрича, ушбу муаммо томонлар учун умумий муаммо бўлиб, унинг ечилиши иккала томоннинг биргаликда маъсулиятли ҳаракат қилиш билан боқлиқ. Бу ерда эътибор икки томондан қайси бири кўпроқ, қайси бири камроқ йўқотишга берилмасдан, иккала томондан мумкин бўлган жиддий йўқотишни олдини олишга берилиши лозимлиги кўрсатилган.

А.С.Пигу томонидантаклиф қилинган ечимда альтернатив харажатлар принципидан фойдаланилмаган ва ҳуқуқий омилга эътибор берилмаган.

Коузнинг ижтимоий харажатлар билан боғлиқ ишларини умумлаштириб уни Дж. Стиглер деган олим «Коуз теоремаси» деб атади. Коуз теоремасига кўра, агар барча томонларнинг мулкий ҳуқуқлари яхши аниқланган бўлса, трансакцион харажатлар нолга тенг бўлса, пировард натижа (ишлаб чиқариш қийматини максималлаштирувчи) мулкчилик ҳуқуқини тақсимлашдаги ўзгаришларга боғлиқ эмас (агар даромад самараси эътиборга олинмаганда). Теоремадаги асосий мазмун Дж. Стиглер фикрига кўра қуйидагича «Мукаммалашган рақобат бозорда хусусий ва ижтимоий харажатлар бир-бирига тенг».

Коуз ташқи самара билан боғлиқ йўқотишларни ҳисобга олиш масъулиятини ўз ичига олувчи нарх белгилаш тизими билан ушбу маъсулиятни эътиборга олмайдиган нарх белгилаш тизимини бир-бири билан таққослаб, қуйидаги фикрга келади, яъни, агар қатнашувчилар ташқи самара муаммосини харажатларсиз биргаликда келишиб олса (келишиш билан боғлиқ трансакцион харажатлар нолга тенг бўлса), у ҳолда рақобатлашган бозор шароитида ишлаб чиқариш қийматини максималлаштирадиган мумкин бўлган максимал натижага эришиш мумкин.

Коуз қуйидаги мисолни келтиради. Бир-бири билан қўшни буғдой етиштирувчи ва қорамолларни боқувчи фермерлар жойлашган. Мол боқувчи фермер вақтиқвақти билан молларни қўшни фермер ерларига қўйиб юбориб, унинг буғдойларини пайҳон қилиб туради. Кўриниб турибдики, бу ерда ташқи самара (экстернал самара) мавжуд. Коуз кўрсатганки, бу муаммо давлатнинг аралашувисиз иккала фермернинг келишуви асосида ечилиши мумкин.

Агар мол боқувчи иккинчи фермерга келтирган зарари учун маъсулиятини ҳис қилса, у икки вариантда йўл тутиши мумкин: ё мол боқувчи етказган зарарини қоплайди, ёки у ушбу ерни фермердан ижарага олади (ижара ҳақи ьўлаб, агар буғдой экувчи фермер ҳам ерни ижарага олган бўлса, унда юқорироқ иажара ҳақи тўлаб) пировард натижа иккала ҳолда ҳам бир хил бўлиб, ишлаб чиқариш қийматини максималлаштиришга олиб келади. Агар етказилган зарар учун маъсулият сезилмаса ташқи вужудга келади.

Трансакцион харажатлар нол бўлганда фермерларда ўзаро келишиш учун иқтисодий рағбатлантириш мавжуд бўлади, нима учун деганда, иккала томон

ҳам ўз даромадларининг ўсишидан манфаатдор ва ишлаб чиқариш қийматини максималлаштиришдан манфаатдор. Лекин, транакцион харажатлар ҳисобга олинса, юқоридагидай самарали натижага эришмаслиги мумкин. Бу ерда трансакцион харажатлар, яъни ахборот олишни қимматлиги, суд иши харажатлари, келишув харажатлари, келишув билан боғлиқ ютуқдан ошиб кетиш мумкин. Бунга яраша етказилган зарарни ҳисоблашда ҳам қийинчиликлар туғилади (биттаси етказилган зарарни бошқа томонга қараганда катта баҳолаши мумкин). Ушбу фарқларни ҳисобга олиб, Коуз теоремасига даромад самараси деган сўз киритилган. Битта томон етказилган зарарни иккинчи томонга нисбатан юқори баҳоласа келишиш қийин.

Эксперементал изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, Коуз теоремас келишиладиган томонлар чекланган иккита ва учта бўлгандагина ўринли. Томонлар сони ошган сари трансакцион харажатлар ошиб боради ва ушбу харажатларни нолга тенглиги тўғрисида фараз ўз кучини йўқотади.

Коуз теоремаси амалий иқтисодий ҳаётда муҳим роль ўйнамоқда, ундан атроф-муҳитни ифлослантиришга қарши давлат сиёсатини ва стратегиясини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилмоқда.

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати.** Ушбу сиёсат ёрдамида назорат қилишдан олинадиган ижтимоий чекли ютуқ назоратни амалга тадбиқ этиш учун сарфланадиган ижтимоий чекли харажат билан баланслаштирилади.

Ижтимоий чекли ютуқ MSB назоратни амалга тадбиқ этиш учун сарфланадиган ижтимоий чекли харажат билан баланслаштирилади. Ижтимоий чекли ютуқ MSB чизиғи билан ижтимоий чекли харажат MSC чизиғи кесишган нуқта зарарли чиқиндиларни чиқаришнинг жамият учун самарали бўлган даражасини аниқлашга ёрдам беради (15.3. - расм).

MSC чизиғи атроф-муҳитни ифлослантирадиган чиқиндиларнинг фоиз бўйича камайиб бориши натижасида ижтимоий чекли харажатларни ошиб боришини ифодалайди. Шунинг учун ҳам чиқиндиларни ҳар бир қўшимча фоиз камайтирилиши янада кўпроқ харажат билан боғлиқ. Зарарли чиқиндиларни атроф-муҳитга чиқарилишини камайтиришнинг учта варианти мавжуд: зарарли чиқиндиларни атроф-муҳитга чиқарилишда норма ва стандартларни ўрнатилиши; чиқиндилар учун тўлов ўрнатиш, чиқиндиларни вақтинча чиқариш учун рухсатнома сотиш.

**Чиқиндиларга норма ва стандартлар ўрнатиш.**



Q–чиқиндиларни камайиш даражаси, (%)




18.3 – расм. Чиқиндиларнинг оптимал даражасини аниқлаш

Бу ерда саноат чиқиндилари таркибидаги зарарли моддалар концентрациясига қўйиладиган миқдорий чек қонун томонидан ўрнатилади. Бундай стандартлар барча ривожланган давлатларда ўрнатилган.

Масалан, автомобилларнинг бензинни ёқишни натижасида чиқадиган газда карбонат ангидрид газининг миқдори чекланган. Чиқинди газ таркибида ушбу модданинг нормадан юқори даражада бўлса, автомобилб эгасига жарима солинади.

Стандартларни ўрнатишдан амалиётда фойдаланишнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам мавжуд. Биринчидан, чиқиндиларни маълум нормагача бепул чиқариш мумкинлиги; иккинчидан, барча иқтисодий субъектлар учун бир хил стандартни белгилашни регионларда экологик ҳолатнинг ҳар хил даражада долзарблигини эътиборга олмайди; учинчидан, стандартлар ишлаб чиқарувчиларни зарарли чиқиндиларни камайтиришга ундамайди.

**Зарарли чиқиндилар учун тўлов**. Бу усулга кўра атроф-муҳитга чиқарадиган ҳар бирлик зарарли чиқиндиси учун фирмирларга тўлов белгиланади. Ушбу усул, тажриба кўрсатаяптики, атроф-муҳитга чиқариладиган умумий чиқинди ҳажмини камайтиришга олиб келади. Лекин, бу тизимни аниқ ишлашни тўлиқ кафолатлаш қийин.

**Табиий муҳитни зарарлаш ҳуқуқини сотиш**. Давлат маълум соҳа бўйича зарарли чиқиндилар чиқаришнинг мумкин бўлган ҳажмини аниқлаб, уни рухсатнома (лицензия) шаклида аукцион орқали сотади.

Фараз қилайлик, давлат чиқиндиларни 2000 кг дан 1000 кг гача туширмоқчи. Бу ҳолда давлат бир килограммдан чиқинди чиқаришга рухсат берадиган 1000 та рухсатнома сотади (15.4 - расм). Рухсатнома таклифи эластик бўлмаганлиги учун мувозанат ҳолат $E_1$ нуқтада ўрнатилади.






18.4 – расм. Атроф-муҳитни ифлослашга ҳуқуқни сотилиши

$E_1$ нуқтада бир килограмм чиқинди чиқариш рухсатномаси нархи 500 сўм. Агар атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи маҳаллий «яшиллар» ҳаракати партияси маҳаллий жойда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 100 та рухсатномани сотиб олиб уни сотувдан чиқарса, битта рухсатнома нархи кўтарилиб 600 сўмга тенг бўлади. Бу ушбу усулнинг эгилувчан эканлигини кўрсатади.

## ИЖТИМОИЙ НЕЪМАТ

### 18.1 Бозор иқтисодиётида давлатнинг роли

**Соф ижтимоий неъмат** – бу барча фуқаролар томонидан, жамоа томонидан истеъмол қилинадиган неъмат бўлиб, ушбу истеъмол алоҳида инсоннинг ушбу неъмат учун пул тўлаши ёки тўламаслигига боғлиқ эмас.

Соф ижтимоий маҳсулот икки хил хусусиятга эга: истеъмол қилишда танламаслик ва истеъмолдан ажратилмаслик. Шундай хусусиятга. эга бўлган ижтимоий неъматга армия ва милиция хизмати киради. Истеъмолда танланмаслиги хусусияти шуни билдирадики, соф ижтимоий неъматни бир киши томонидан истеъмол қилиниши бошқа бир кишининг ушбу неъмат истеъмолини камайтирмайди. Бундай неъматлар рақобатдан ҳоли, нима учун деганда, қўшимча истеъмолнинг чекли харажати нолга тенг.

Истеъмолдан ажратилмаслик хусусияти шундан иборатки, ҳеч бир кишига истеъмол қилиш (ҳатто у ушбу истеъмол учун тўлашдан воз кечса ҳам) манн қилинмайди.

Соф хусусий неъмат – бу шундай неъматки, унинг ҳар бирлиги маълум тўловга сотилади. Соф ижтимоий неъматнинг соф хусусий неъматдан асосий фарқи – у бўлакларга бўлинмайди ва бўлакларга бўлиниб ҳам сотилмайди. Соф ижтимоий маҳсулотнинг бўлакларига нарх белгилаш ҳам мумкин эмас. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талабни аниқлаш ҳам ўзига хосдир. Соф ижтимоий маҳсулотнинг бўлакларига нарх белгилаш ҳам мумкин эмас. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талабни аниқлаш ҳам ўзига хосдир. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган талаб чизиғи жами маҳсулотнинг чекли нафлилигини ифодалайди (16.1. - расм).

Истеъмолчилар сони қанча бўлишидан қатъий назар, улар барча соф ижтимоий неъматни истеъмол қилади. Лекин, ҳар бир шахс соф ижтимоий

неъматни истеъмол қилишдан ҳар хил наф олади. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талаб шахслар оладиган чекли ютуқларни (мавжуд ҳажмдан оладиган) вертикал бўйича қўшиш орқали аниқланади (16.1.-расм).

Соф хусусий неъматга бўлган умумий талаб шахсларнинг талаб чизиқларини горизонтал бўйича қўшиш орқали аниқланади (16.2-расм).




16.1 – расм. Соф ижтимоий маҳсулотга талаб




18.2 – расм. Соф хусусий неъматга бўлган умумий талаб

Соф ижтимоий маҳсулотни жамоа бўлиб истеъмол қилади, лекин биз юқорида айтганимиздай ҳар бир шахс бундай истеъмолдан ҳар хил наф кўради. Б шахс А шахсга нисбатан кўпроқ наф кўради, С шахс Б шахсга кўра кўп наф

олади. Амалда ҳар бир шахснинг қанча наф олганлигини ҳисоблаш қийин. Бундай ахборотни олиш ҳам мураккаб.

Агар истеъмол қилинган соф ижтимоий неъматга ҳар бир шахс ўзи олган чекли ютуғига кўра пул тўлаганда эди. олинган наф тўғрисидаги ахборотни яширишга ундайдиган кучли рағбатлантириш пайдо бўлар эди, ҳамда олинадиган нафни даражасини кўпчилик пасайтиришга ҳаракат қилар эди.

Ҳақиқатда эса, истеъмолчилар истеъмол қилинган соф ижтимоий маҳсулот учун пул тўлайдими, йўқми ундан наф олганлиги учун айрим ҳолларда ортиқча тўловларсиз, бепул ушбу неъматларни олишга ҳаракат қилади. Ушбу вазият билетсиз муаммосини, яъни «қуён» муаммоси номини олди. Бу ерда иқтисодий субъектларнинг бозорининг бозор механизми ишламайдиган жойларидан фойдаланиб, бошқалар ҳисобидан кўпроқ ютуққа эришишга ҳаракат қилиши назарда тутилди. Билетсиз юрувчи муаммоси кўпроқ катта истеъмолчи жамоа гуруҳларида юзага келади, нима учун деганда, бундай гуруҳларда керакли, тўлиқ ахборотни олиш қийин. Билетсизлар муаммосини мавжудлиги соф ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини унинг самарали ҳажмидан кам бўлишига олиб келади. Бозор механизми бу муаммони ечишга ожиз. Ушбу хатони тузатишда давлатнинг аҳамиятга ниҳоятда катта.

## 18.2. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли

**Бозор ожизлиги** – бу шундай ҳодисаки, бунда бозор ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлай олмайди.

Бозор ожизлигини кўрсатувчи тўртта турдаги вазият мавжуд ва бу вазиятлар самарасиз вазият ҳисобланади:

1. Монополия.
2. Асимметрик ахборот.
3. Ташқи Самара.
4. Ижтимоий неъмат.

Ушбу вазиятларда бозорга давлатнинг аралашуви мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Бу муаммоларни давлат монополияга қарши сиёсат юритиш, ижтимоий суғурталаш, салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни чеклаш ва ижобий ташқи самарага эга бўлган ишлаб чиқариш ва истеъмолни рағбатлантириш орқали ечишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда давлатнинг иқтисодий функциялари кенгайиб бормоқда. Буларга қуйидагилар киради: инфратузилмани ривожлантириш; маорифни ривожлантириш; ишсизлиги нафақа ажратиш, ҳар хил нафақалар ва кам таъминланган оиалаларга моддий ёрдам бери шва ҳоказолар. Булардан бир қисминигина соф ижтимоий неъматга киритиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги жамоа ва шахслар томонидан истеъмол қилинади.

Ҳозирги вақтда жами ялпи маҳсулот таркибида давлатнинг харажатлари улуши барча ривожланган давлатларда ошиб бориш тенденциясига эга. Юқоридагилардан қарши сиёсат олиб бормоқда, барқарор иқтисодий ўсишни

таъминлашга эътибор бермоқда, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни мувофиқлаштириш, илмий-техник тадққиқотларни қўллаб-қувватламоқда.

Давлат иқтисодиётда асосан иккита масалани ечишга ҳаракат қилиб келмоқда: бозорни нормал ишлашини таъминлаш ва долзарб бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш.

Шуни ҳам айтиш керакки, давлатнинг бозор механизмига асосланган иқтисодиётга аралашуви ўзининг чегарасига эга бўлиши керак. Биринчи навбатда, давлатнинг бозор механизмига аралашуви бозор механизмини бузилишига олиб келмаслиги керак. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бозор механизмаларини маъмурий бошқарув билан алмаштирмаслиги лозим. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кўпроқ бозор механизмини кучайтиришга олиб келиши мақсадга мувофиқ.

**Таянч иборалар**: Соф ижтимоий неъмат, соф хусусий неъмат, бозор ожизлиги.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Соф ижтимоий неъмат ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Соф хусусий неъматнинг соф ижтимоий неъматдан фарқи нималардан иборат?
3. Давлат бозорни тартибга солиш учун қандай ҳолларда у бозор фаолиятига аралашади?
4. Ўзбектистонда иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг роли нималардан иборат?

## МАВЗУ. ДАВЛАТНИНГ БОЗОРГА ТАЪСИРИНИ БАХОЛАШ ВА РАКОБАТЛАШГАН БОЗОР САМАРАДОРЛИГИ

### 18.1. Истеъмолчи ва ишлаб чикарувчи ортикчалиги

Товарга нарх бозор томонидан урнатиладиган ракобатлашган бозорда товарни ишлаб чикарувчилар бозор нархида (мувозанат нархида) сотади, шу бозор нархида истеъмолчилар товарни сотиб олади.

Лекин, айрим истеъмолчилар учун товарнинг киймати унинг бозор нархидан кура юкорирок. Шунинг учун хам у товарни бозор нархидан юкорирок нархда хам сотиб олиши мумкин.

**Истеъмолчи ортикчалиги** - истеъмолчи томонидан товарга тулаши мумкин булган максимал нарх билан товарнинг хакикий нархи уртасидаги фаркни билдиради. Аникрок килиб айтадиган булсак, истеъмолчининг товар учун бериши мумкин булган максимал нархдан товарни сотиб олишда туланадиган хакикий нархнинг айирмасига тенг.

Истеъмолчи ортикчалиги (кушимча наф) алохида инсоннинг канчалик уртача яхши яшаётганлигини курсатади.

Истеъмолчининг умумий ортикчалиги бу талаб чизиги билан бозор нархи чизиги уртасида жойлашган соха (1-расмда штрихланган соха).

1-расм. Истеъмолчи ортикчалиги.

Истеъмолчи ортикчалиги барча истеъмолчиларнинг умумий соф нафини улчашга ёрдам беради ва у ёрдамида биз бозорни давлат томонидан мувофиклаштирилиши самарадорлигини, истеъмолчи ортикчалигини умумий натижасининг узгаришини улчаш асосида аниклашимиз мумкин.

Мисол. Фараз килайлик бир дона апельсиннинг бозор нархи 5 сум дейлик, лекин истеъмолчи ушбу бир дона апельсин учун 10 сум беришга тайёр, яъни апельсиннинг истеъмолчи учун киймати 10 сумга тенг.

Истеъмолчи ушбу бир дона апельсинни бозор нархида, яъни 5 сумга олади ва у иктисод килган 10-5к5 сум истеъмолчи ортикчалигини билдиради, истеъмолчи кушимча 5 сумлик наф олади (2-расм).




2-расм. Умумий истеъмолчи ортикчалигини графикда аниклаш.

Истеъмолчи иккинчи апелсинни хам сотиб олади, нима учун деганда, у иккинчи апельсин учун бериши мумкин булган максимал нарх 9 сум, истеъмолчи ортикчалиги 4 сумга тенг. Худди шундай давом этсак 4-апельсин учун истеъмолчи ортикчалиги 1 сумга тенг, бешинчи апельсинни сотиб олишга истеъмолчи бефарк карайди, нима учун деганда у истеъмолчининг умумий ортикчалигини оширмайди.

Шундай килиб, истеъмолчининг истеъмолчи орикчалиги 5К4К3К2К1к15 сумга тенг. Истеъмолчининг сарфи 25 га тенг.

**Ишлаб чикарувчи ортикчалиги** ишлаб чикарувчи томонидан олинган умумий манфаатни билдиради.

Бир хил ишлаб чикарувчилар учун бир бирлик махсулот харажатлари бозор нархига тенг булса, бошка ишлаб чикарувчи учун ушбу харажатлар бозор нархидан кичикдир. Демак, ишлаб чикарувчилар ушбу товарни сотишдан фойда, яъни ортикча манфаат оладилар. Хар бир товар учун ушбу ортикча манфаат товарнинг бозор нархи билан уни ишлаб чикаришдаги чекли харажати уртасидаги фаркга тенг булиб, уни ишлаб чикарувчи олади.

Бу фарк бир бирлик махсулотдан оладиган фойда билан ишлаб чикаришдаги хар кандай рентани кушилганига тенг.

Умуман ишлаб чикарувчи ортикчалиги бу барча ишлаб чикарувчилар томонидан олинадиган фойдаларнинг умумий йигиндисидир.

Бозор учун умумий ишлаб чикарувчи ортикчалиги таклиф чизигидан тортиб то бозор нархи чизигигача булган ораликдаги юзага тенг (3-расм).



3-расм. Ишлаб чикарувчи ортикчалигининг графикдаги тасвири.

Расмдаги штирхланган учбурчак истеъмолчи ортикчалигини ифодалайди. Истеъмолчи ортикчалиги ишлаб чикарувчиларнинг умумий соф фойдасини улчашга ёрдам беришини эътиборга олсак, биз бу кусаткич ёрдамида давлатнинг бозорга аралашувидан олинадиган кушимча фойда ёки зарарни истеъмолчи ортикчалигининг натижавий узгаришни улчаш ёрдамида аниклашимиз мумкин.

## 18.2. Истеъмолчи ва ишлаб чикарувчи ортикчалигидан фойдаланиш

Истеъмолчи ва ишлаб чикарувчи ортикчалиги ёрдамида давлатнинг иктисодий сиёсатини бахолаш мумкин. Биз олдинги бобларнинг бирида нархларни давлат томонидан назорат килиниши, яъни давлат томонидан урнатиладиган максимал ва минимал нархлар ва бу сиёсатнинг иктисодий окибатлари тугрисида гапирган эдик.

Фараз килайлик, товарга давлат томонидан максимал нарх $P*$ урнатилди дейлик, яъни $P^* < P_e$ ($P_e$ муозанат нарх) (4-расм).




4-расм. Нарх давлат томонидан назорат килинганда истеъмолчи ва ишлаб чикарувчи ортикчалигининг графикдаги тасвири.

Максимал нарх урнатилганда бир катор ишлаб чикарувчилар (харажатларини максимал нархда коплай олмагани учун) бозордан сикиб чикарилади ва ишлаб чикариладиган ва сотиладиган махсулот хажми $Q_e$ дан $Q_1$ гача камаяди. Товарни сотиб олишни давом эттираётган истеъмолчилар товарни паст нархда сотиб оладилар ва уларнинг истеъмол ортикчалиги ошади. Ушбу ошган ортикчалик графикда кушштрихланган $A$ туртбурчак юзи билан ифодаланган. Лекин бир катор истеъмолчилар товар хажми кискаргани учун уни сотиб ололмайдилар. Уларнинг истеъмол ортикчалигининг кискарганлиги штрихланган $B$ учбурчак юзига тенг. Демак, истеъмолчи ортикчалигининг соф узгаришини куйидагича аниклаш мумкин.

$$\Delta\text{ист.} = A - B, \qquad (1)$$

бу ерда, $\Delta$ист. - истеъмолчи ортикчалигининг соф узгариши.

Расмдан куриниб турибдики, $A > B$ булгани учун соф истеъмолчи ортикчалиги мусбат $\Delta\text{ист.} > 0.$

Энди ишлаб чикарувчи ортикчалигини караймиз. Бозорда колиб ишлаб чикаришни давом эттираётган ишлаб чикарувчилар бозор нархидан паст нархда $Q_1$ хажмда махсулот ишлаб чикаради. Ишлаб чикарувчилар графикда курсатилган $A$ туртбурчак юзига тенг булган истеъмолчи ортикчалигини йукотадилар.

Бозордан сикиб чикарилган ишлаб чикарувчилар томонидан йукотилган ишлаб чикарувчи ортикчалиги эса $C$ учбурчак юзи билан ифодаланган. Демак, ишлаб чикарувчи ортикчалигининг умумий узгариши тенг:

$$\Delta\text{и/ч} = -A - C, \qquad (2)$$

бу ерда, Δи/ч - ишлаб чикарувчи ортикчалигининг соф узгариши.

Максимал нарх урнатилганда асосий йукотишлар ишлаб чикарувчилар зиммасига тугри келади.

Расмдан куриниб турибдики, нархни назорат килиш умумий ялпи ортикчаликнинг маълум кисмини йукотишга олиб келади ва ушбу йукотишга тулик йукотиш дейилади.

Ортикчаликларнинг умумий узгаришини аниклаш учун биз истеъмочи ортикчалиги узгариши Δист. ва ишлаб чикарувчи ортикчалиги узгариши Δи/ч ни кушамиз.

$$\Delta = \Delta\text{ист.} + \Delta\text{и/ч} = A - B + (-A - C) = A - B - A - C = -B - C. \qquad (3)$$

Шундай килиб, биз $B$ ва $C$ учбурчакларнинг юзига тенг булган тулик йукотишни оламиз. Бу тулик йукотиш нархларни назорат килиш билан боглик давлатнинг иктисодий сиёсатининг самарасиз эканлигини курсатади. Бу ерда ишлаб чикарувчилар томонидан йукотилган ортикчаликнинг истеъмолчилар ютиб олган ортикчаликдан катта эканлигини куриш мумкин.

Агар талаб чизиги жуда хам эластик булмаганда нархларни назорат килиш хам жуда катта йукотишга олиб келиши мумкин (5-расм).

Расмдан куриниб турибдики, В учбурчак юзи бозордан сикиб чикарилган истеъмолчиларнинг йукотишлари булиб, бу бозорда колиб товарни сотиб олиш хукукига эга булган истеъмолчиларнинг ютугини ифодаловчи А туртбурчак

юзасидан катта. Бу ерда бозордан сикиб чикарилган истеъмолчилар катта йукотишга эга.




5-расм. Нарх давлат томонидан назорат килинганда эластик булмаган талабдаги йукотишлар.

Энди фараз килайлик давлат томонидан минимал нарх $P'$ урнатилди дейлик ($P_{\min} > P_e$, $P_e$- мувозанат нарх), яъни давлат нархни мувозанат нархидан юкори килиб белгиланади (6-расм).

Расмдан куриш мумкинки ишлаб чикарувчилар нарх ошганда $Q_e$ нисбатан купрок $Q_1$ махсулотни ишлаб чикаришга харакат килади. Истеъмолчилар камрок ($Q_e$ урнига $Q_2$ микдорда) махсулот сотиб олишга харакат килади.



6-расм. Нарх мувозанат нархидан юкори белгилангандаги ишлаб чикарувчилар ва истеъмолчиларнинг йукотишлари.

Агар биз ишлаб чикарувчилар бозорда канча махсулот сотилса шунча махсулот ишлаб чикаради, деб фараз килсак, бозорга ишлаб чикарилган махсулот микдори $Q_2$ га тенг булади ва бу ерда хам ишлаб чикарувчилар ва истеъмолчилар ортикчалиги йукотилади. Бу ерда $A$ туртбурчакнинг юзи ишлаб чикарувчиларнинг олган кушимча ортикчалигини ифодалайди. Лекин, минимал ($P_{\min}$) нархда махсулотни хажми $Q_e$ микдордан $Q_2$ га кискаргани учун ишлаб чикарувчи ортикчалигининг бир кисми йукотилади. Натижада ишлаб чикарувчи ортикчалигининг узгарган кисми куйидагига тенг:

$$\Delta\text{и/ч.} = A - C. \qquad (4)$$

Истеъмолчилар минимал ($P_{\min}$) нархда хар бир махсулот учун мувозанат нархдан юкори нарх тулайди ва натижада уларнинг истеъмол ортикчалигига расмдаги $A$ туртбурчак юзига тенг булган микдорда камаяди. Нарх ошганлиги муносабати билан баъзи бир истеъмолчилар ушбу бозордан чикиб кетади ва товарни сотиб ололмайдилар ва бунга мос булган ортикчаликни йукотади. Бу йукотиш расмда $B$ учбурчак билан ифодаланган. Демак, истеъмолчиларнинг ортикчалигининг умумий узгариши куйидагини ташкил килади:

$$\Delta\text{ист.} = -A - B. \qquad (5)$$

Куриниб турибдики, бундай сиёсат истеъмолчиларнинг турмуш даражасини тушуриб юборади.

(4)- ва (5)- ифодаларни кушиб умумий ортикчаликдаги узгаришни аниклаймиз:

$$\Delta = \Delta\text{и/ч} + \Delta\text{ист.} = \Delta\text{к}\Delta\text{и/ч.К}\Delta\text{ист.кА-СК(-А-В)к-С-В} \qquad (6)$$

Демак, давлат томонидан минимал нарх урнатилганда умумий тулик йукотиш вужудга келади ва у иккита $C$ ва $B$ учбурчаклар юзаларининг йигиндиси билан ифодаланади.

Энди биз ишлаб чикарувчилар ортикчалигини ишлаб чикариш $Q_e$ микдордан $Q_1$ микдорга кенгайтирилганда караб чикамиз. Хакикатдан хам минимал нарх мувозанат нархдан юкори булганда у ишлаб чикарувчиларни $Q_1$ микдорга махсулот ишлаб чикаришга ундайди. Лекин, улар бозорда факат $Q_2$ хажмдаги махсулотни сотиш мумкин холос. Улар $\Delta 0 = Q_1 - Q_2$ микдордаги махсулотни ишлаб чикаришга кетган харажатларни коплайдиган даромадни олаолмайди (7-расм). Расмда ушбу харажатлар штрихланган $D$ трапеция юзи билан ифодаланган.




7-расм. Минимал нарх урнатилиши натижасидаги йукотишлар графиги.

Натижада ишлаб чикарувчиларнинг ортикчалиги узгариши куйидагига тенг:

$$\Delta \text{и/ч.} = A - C - D.$$

Бундай холда хар бир ишлаб чикарувчи уз махсулотининг хаммасининг юкори нархда сотаман деб уйлайди. Пировардда давлат томонидан урнатилган минимал нарх сиёсати ортикча махсулот ишлаб чикариш харажатлари хисобидан ишлаб чикарувчиларнинг фойдасини анча кискартириб юбориш мумкин.

Яна битта мисол тарикасида мехнат (ишчи кучи) бозорини карайлик.

Маълум мехнат бозорида ишчи кучи бахоси бу иш хаки. Давлат томонидан минимал иш хаки ($W_{min}$) белгиланди дейлик.

8-расмда таклиф чизиги ишчи кучи таклифини, талаб чизиги - ишчи кучига талабни ифодалайди. Давлат томонидан урнатилган минимал иш хаки $W_{min}$ мехнат ресурслари бозоридаги мувозанат иш хаки $W_e$ дан катта, яъни $W_{min} > W_e$.



8-расм. Минимал иш хаки графиги.

Ушбу сиёсат натижасида иш жойи топган ишчилар (расмда $L_1$ ишчи) юкори иш хаки олади. Лекин, $\Delta L = L_2 - L_1$ ìèкдоридаги ишчилар иш топа олмайдилар ва ишсиз коладилар. Демак, бундай сиёсат ишсизликка олиб келиши мумкин.

**Баркарор нархни таъминлаш ва ишлаб чикариш хажмини чеклаш сиёсати**. АКШ ва Европа давлатларида минимал нархни урнатишдан ташкари, нархларни баркарорлаштиришда ишлаб чикариш хажмини кискартиришни ёки ишлаб чикаришни чекли рагбатлантириш сиёсатларини кушиб олиб боради. Айникса, бундай сиёсат АКШда кишлок хужалиги тизими кулланади.

**Баркарор нархларни ушлаб туриш**. Ривожланган давлатларда баркарор нарх купинча сутга, тамаки ва донга кулланилади, бундан максад, ушбу товарларни ишлаб чикарувчиларнинг даромадларини етарли даражада булишини таъминлаш.

Бундай сиёсатда давлат махсулотга нархни *P** даражада белгилаб, уни шу даражада булишини таьминлаш учун керакли хажмдаги махсулотни сотиб олади. Ушбу холат 9-расмда курсатилган. Бу холатда давлатнинг, истеъмолчиларнинг ва ишлаб чикарувчиларнинг ютук ва йукотишларни тахлил килиб чикамиз.



9-расм. Нархни баркарор булишини таъминлаш.

Нарх $P_*$ даражада урнатиладигандан кейин истеъмол талаби $Q_0$ дан $Q_1$ га пасаяди, таклиф эса $Q_2$ га кадар ошади. $P_*$ нархни ушлаб туриш учун ва омборларда товар захираларни тупланишини олдини олиш учун давлат ортикча $\Delta Q = Q_2 - Q_1$ микдордаги товарни сотиб олиши керак. Истеъмол талаби давлат талаби $\Delta Q$ кушилади ва ишлаб чикарувчилар барча махсулотни $P_*$ нархда сотиш мумкин булади.

Товарни сотиб олувчи истеъмолчилар товарни $P_0$ га нисбатан кимматрок $P_*$ нархда сотиб оладилар ва улар узларининг истеъмолчи ортикчалигини $A$ туртбурчак юзига тенг булган кисмини йукотадилар (9-расм). Истеъмолчиларнинг бошка бир кисми товарни сотиб олаолмайдилар ва уларнинг йукотиши $B$ учбурчак юзи билан ифодаланади, натижада истеъмолчиларнинг умумий йукотиши $\Delta$ист. куйидагига тенг булади:

$$\Delta\text{ист.} = -A - B$$

Бошка томондан караганда, ишлаб чикарувчилар ютиб чикади. Сиёсатнинг максади хам шундан иборат эди. Ишлаб чикарувчилар $Q_0$ га нисбатан купрок, яъни $Q_2$ микдордаги махсулотни юкорирок булган $P_*$ нархда сотадилар. Ишлаб чикарувчиларнинг ортикчалиги ($\Delta$и/ч) куйидаги микдорга ошади:

$$\Delta\text{и/ч} = A + B + E\,.$$

Энди давлатнинг харажатлари $(Q_2 - Q_1)\cdot P_*$ га тенг, яъни бу давлат томонидан сотиб олинган товар суммаси. Бу харажат хам пировардида истеъмолчи йукотишига кушилади, нима учун деганда у соликлар хисобидан туланади. 9-расмда давлатнинг харажати $Q_0Q_2F_2F_1$ катта туртбурчак билан ифодаланган. Давлатнинг ушбу харажатлари камайиши мумкин, агар у сотиб олган махсулотининг бир кисмини четга (одатда паст нархда) сотса. Лекин, бу давлат ичидаги ишлаб чикарувчиларнинг уз махсулотини четга чикариб сотиш имкониятини чеклайди.

Бундай сиёсатнинг ахоли турмуш даражасига таъсирини бахолаш учун биз истеъмолчи ортикчалигидаги ва ишлаб чикарувчи ортикчалигидаги натижавий узгаришларни кушиб, ундан давлат харажатини айирамиз:

$$\Delta\text{ист} + \Delta\text{и/ч} - (Q_2 - Q_1)\cdot P_* = -A - B + A + B + E - (Q_2 - Q_1)\cdot P_* = E - (Q_2 - Q_1)\cdot P_*,$$

ёки

$$E - S_{Q_1Q_2F_2F_1}\,.$$

Демак, бундай сиёсатда жамият уз фаравонлигининг бир кисмини йукотади. 9-расмда ушбу йукотиш штрихланган соха юзаси билан ифодаланади. Куриниб турибдики, бундай сиёсат жуда катта жамият йукотишлари билан боглик.

Сиёсатнинг асосий максади фермерлар даромадини ошириш булса, бундан самаралирок йул борми, деган саволни куядиган булсак, унга бор, деб жавоб бериш мумкин.

Фермерланинг даромадини $A$К$B$К$E$ микдорга оширишни жамиятни камрок йукотши оркали амалга ошириш йули бу ушбу $A$К$B$К$E$ пулни тугридан-тугри фермерларнинг узига беришдир. Истеъмолчиларнинг нархни

баркарорлаштиришдаги йукотиши бари бир *АКВ* га тенг булгани учун, фермерларга ушбу пул бевосита берилса, жамият 9-расмда штрихланган юзага тенг булган маблагни иктисод килиши мумкин.

**Ишлаб чикаришни чеклаш (ишлаб чикариш квотаси).** Давлатнинг бозор нархига таъсир килиш сиёсатидан бири бу - махсулот ишлаб чикариш хажмини чеклаш оркали махсулот нархини керакли даражагача кутариш мумкин. Давлат хар бир фирманинг махсулот ишлаб чикариш хажмини конун чикариш оркали белгилаши (квоталаши) мумкин. Бирор махсулотни ишлаб чикариш ёки сотиш буйича лицензиянинг давлат томонидан берилиши, шундай сиёсатни юритишга мисол булиши мумкин. Масалан, спиртли ичимликларни сотишга бериладиган лицензияларни купайтириш ёки камайтириш оркали спиртли ичимликни сотиш хажмини ошириш ёки кискартириш мумкин. Сотиш хажмининг кискариши товар нархини керакли даражага ошириш имконини беради.

Яна АКШ давлатининг кишлок хужалиги сиёсати караймиз. АКШ давлатининг кишлок хужалиги сиёсати купрок махсулот ишлаб чикаришни кискартиришни рагбатлантиришга каратилган. Фермерлар экин экиш майдонининг кискатирсалар, яъни экин майдонларининг бир кисми экилмасдан колдирилса, шунга яраша пул компенсациясини оладилар. Экин майдонларини кискартириш хисобидан нархни ошириш механизмини куйидаги 10-расмда келтирилган.




10-расм. Экин майдонлари чекланганда таклиф чизиги (таклиф чизиги $S_1$ эластик эмас булгани учун у уоризотал куринишда).

Шуни таъкидлаш мумкинки экин майдонлари чекланганда таклиф чизиги абсолют эластик булмай колади, яъни таклиф $Q_1$ га тенг булиб, у узгармайди, махсулотнинг бозор нархи эса $P_e$ дан $P_*$ га кутарилади.

Бундай сиёсатда истеъмолчи ортикчалигининг узгариши куйидагича тенг.

$$\Delta\text{ист.} = -A - B.$$

Фермерлар $Q_1$ микдорда махсулот ишлаб чикариб, уни юкори $P_*$ нархда сотади. Натижада фермерлар ортикчалиги $A$ туртбурчак юзига тенг микдорда ошади. Лекин, ишлаб чикариш хажми $Q_e$ дан $Q_1$ га кискаргани учун фермерлар $C$ учбурчак юзига тенг булган ортикчаликни йукотади. Булардан ташкари, фермерлар экин майдонини (ишлаб чикари хажмини $Q_1$ га) кискаргани учун давлатдан пул компенсацияси олади. Шундай килиб, ишлаб чикарувчилар ортикчалигининг умумий узгаришини куйидагича аниклаш мумкин:

Δи/чк*A* - С К пул компенсацияси

Давлат харажатлари, яъни фемерларга туланадиган рагбатлантириш (копенсация) пули камида *B*К*C*К*E* га тенг булиш керак. Бу ерда *B*К*C*К*E* фермерлар экин ерларини кискартирмаганда кушимча махсулот ишлаб чикариб, уни юкори $P_*$ нархда сотиши натижасида олиш мумкин булган кушимча фойдага тенг. Шунинг учун хам давлат харажатлари камида *B*К*C*К*E* ни ташкил килади ва у фермерларга пул компенсацияси тарикасида берилгани учун ишлаб чикарувчилар ортикчалиги куйидагича булади:

$$\Delta\text{и/ч} = -A - C + B + C + E = A + B + E.$$

Ушбу ишлаб чикарувчи ортикчалигининг узгариши давлатнинг нархларни махсулотнинг бир кисмини сотиб олиш хисобидан баркарор булишини таъминлаш сиёсатидаги ортикчалик узгаришининг узи. Фермерларга давлат юкоридаги сиёсатларидан кайси бирини куллаши фарк килмайди, иккаласи хам фермерларга бир хил фойда олишга олиб келади.

Истеъмолчилрга хам буни фарки йук, нима учун деганда, улар иккала сиёсатда хам бир хил йукотишга эга. У иккала сиёсатдан кайси бири давлат учун кимматрок булишига караймиз. Бу ерда 10-расмдаги учбурчаклар юзалари йигиндиси *B*К*C*К*E* 9-расмдаги $[(Q_2 - Q_1)\cdot P_* - E]$ юзадан кичик булгани учун хам давлатнинг экин экиладиган ерларни чеклаш сиёсати, ортикча махсулот сотиб олиш асосида нархлар баркарорлигини таъмирлаш сиёсатидан эканлиги келиб чикади. Аммо давлатнинг экин экиладиган ерларни чеклаш сиёсати жамият учун фермерларга пул компенсациясини бериш сиёсатига кура кимматрокка тушади.

Экиладиун ерларни чеклаш сиёсатидаги жамият фаровонлигининг узгариши куйидагига тенг:

Δ жамият фаровонлигининг узгаришик Δ истК Δ и/ч - давлат харажатларик-*A*-*B*К*A*К*B*К*E*-*B*-*C*-*E*к-*B*-*C*,

бу ерда давлат харажатик*B*К*C*К*E*.

Агар давлат фермерларга *A*К*B*К*E* пулни бевосита бериб нарх ва ишлаб чикариш хажмига таъсир килмаса, жамият бундай сиёсатдан аник ютади. Бундай холатда фермерлар *A*К*B*К*E* фойдани олади, давлат *A*К*B*К*E* микдорда йукотади ва жамиятнинг умумий фаровонлиги узгариши нолга тенг булади. Лекин, баъзи холларда сиёсат иктисодиётдан устун келади.

## 18.3. Соликни узок ва киска муддатли таъсири

Соликни алохида фирма фаолиятига таъсирини караймиз. Фараз килайлик, солик фирманинг ишлаб чикариш хажмидан олинади ва у махсулот нархига таъсир килмайди.

Биз курамизки, ишлаб чикариш хажмига куйилган солик фирмани ишлаб чикариш хажмини кискартиришга ундайди (11-расм).




11-расм. Ракобатлашувчи фирманинг ишлаб чикариш хажмига соликнинг таъсири.

Расмдан куриш мумкинки, киска муддатли ораликда мусбат иктисодий фойда билан ишлаётган фирма $q_1$ хажмда махсулот ишлаб чикариб $P_1$ бозор нархида сотади. Солик хар бир ишлаб чикарилган махсулот бирлигига куйилганлиги учун, у фирманинг чекли харажатини $MC_1$ дан $MC_2 = MC_1 + t$ ($t$ - бир бирлик махсулотга куйилган солик) холатга силжитади. Солик худди шундай уртача узгарувчан харажатни хам $t$ микдорга юкорига силжитади.

Энди фараз килайлик, тармокдаги барча фирмалар соликка тортилган. Мажуд бозор нархида хар бир фирма уз ишлаб чикариш хажмини кискартиргани учун тармокнинг хам ялпи махсулоти кискаради ва бу бозор нархининг ошишга сабаб булади (12-расм).



12-расм. Соликни тармок ишлаб чикариш хажмига таъсири.

Расмдан куриш мумкинки, тармокнинг умумий таклифини $S_1$ äàí $S_2 = S_1 + t$ холатга силжиши бозор нархини $P_1$ дан $P_2$ га устиради. Нархнинг ошиши, фирмаларни ишлаб чикариш хажмини нарх узгармагандагига нисбатан камрок кискартиришга ундайди.

Узок муддатли ораликни карайдиган булсак, ишлаб чикариш хажмига куйилган солик баъзи бир фирмаларни бизнесдан чикишга мажбур килади.

13-расмда соликни узок муддатли ораликдаги таъсири акс эттирилган.




13-расм. Тармок ишлаб чикариш хажмига соликнинг узок муддатли таъсири.

а) расмдан куриш мумкинки, солик хар бир фирманинг узок муддатли ораликдаги уртача харажатини силжишга олиб келади. Бу уз навбатида баъзи бир харажатлари юкори булган фирмалар фойдасини кискартириб нолга тенглаштиради. Улар бу тармокдан чикиб бошка, купрок фойда оладиган тармокларга ута бошлайди. Натижада бу бозор таклифи чизигини чапга (б расм) юкорига силжитади ($S_1$ дан $S_2$ холатга) ва харажатлр ошганинин курсатади. Бозор нархи $P_1$ дан $P_2$ га усади, бозор таклифи эса $Q_1$ дан $Q_2$ га камаяди. Солик таъсири тугагандан кейин, яъни тармокда янги узок муддатли мувозанат ($E_2$ нукта) вужудга келганда тармокда камрок махсулот ишлаб чикарувчи камрок фирма колади.

## 9.4. Ракобатлашган бозор самарадорлиги

Биз курдикки давлатнинг бозор механизмига аралашуви жамиятда тулик йукотишга олиб келади. Шунинг учун хам давлат узининг иктисодий сиёсатини шлаб чикганда тулик йукотишларни хисоб-китобдан четда колдирмаслиги керак. Лекин, бундан давлатнинг ракобатлашган бозорга аралашуви хар доим хам йукотишларга олиб келаверади, деб булмайди. Куйидаги икки холда давлатнинг аралашуви ракобатлашган бозорда истеъмолчилар ва ишлаб чикарувчиларнинг турмуш даражасини усишга олиб келади.

Биринчидан, истеъмолчилар ва ишлаб чикарувчиларнинг харакати натижасида вужудга келадиган ютук ёки йукотиш бозор нархида уз ифодасини топмаса. Бундай йукотиш ёки ютуклар бозорга нисбатн ташки самара дейилади, нима учун деганда, улар бозорга нисбатан ташкарида руй беради. Бозорга нисбатан ташки самарага мисол килиб ишлаб чикарувчилар томонидан атроф-мухитни захарлаш натижасида вужудга келадиган жамият харажатларини келтириш мумкин. Ушбу харажатларни факат давлатнинг аралашуви оркали бартараф килиш мумкин (бу масалага кейинги бобларнинг бирида батафсил тухтаймиз).

Иккинчидан «бозор кийинчилиги»- бу ерда махсулотнинг сифати, ким томонидан, качон ишлаб чикарилганлиги тугрисида ахборотнинг тулик булмаслиги, истеъмолчиларни ортикча йукотишларга олиб келиши мумкин, яъни истеъмолчи нафликни максималлаштирадиган товарларни сотиб олиш буйича тугри карор килолмаслиги мумкин. Бундай холда давлатнинг аралашувини (товарлар ёрлигида товар тугрисида тулик ахборот булишни давлат томонидан талаб килиниши) самарали деб караш мумкин.

Ракобатлашган бозорнинг мувозанат холатда ишлаши истеъмолчи ва ишлаб чикарувчи ортикчалигини максимал булишини таъминлайди, демак, мувозанат холатда истеъмолчилр уз талабини мавжуд ишлаб чикариш харажатларида мумкин булган эну паст нархда кондиради. Ракобатлашган бозор самарадорлиги ишлаб чикаришни таъминлайди.

Узок муддатли ораликда ракобатлашган бозорнинг мувозанат холати шари куйидагича тенглик билан ифодаланади:

$$MR = MC = AC = P.$$ (13-расм)

Маълумки киска муддатли ораликда, ракобатлашган бозор шароитида фирма ортикча фойда олиши ёки зарар куриши мумкин. Лекин, узок муддатли ораликда бундай холат истисно килинади, нима учун деганда, тармокга кириш, ундан чикиш эркин булганда, тармокдаги юкори фойда бошка фирмаларни узига жалб килади, тармокдаги зарар билан ишлайдиган фирмалар бошка тармокка утадилар.

13-расм. Ракобатлашган фирманинг узок муддатли ораликдаги мувозанат холати.

Ракобатлашган бозор чекланган ресурсларни оптимал таксимлашга ёрдам беради ва натижада истеъмолчиларнинг эхтиёжларини максимал даражада кондиришга эришилади. Бундай таксимланиш $P = MC$ шартида таъминланади. Фирмалар ушбу шартга кура ишлаб чикаришни нарх чекли харажатга тенг булганча кадар мумкин даражада максималлаштирадилар. Ушбу шарт бажарилганда нафакат ресурсларни самарали таксимлашга эришилади, балки максимал ишлаб чикариш самарадорлигига хам эришилади. Ракобатлашган бозор фирмаларни минимал харажатларда махсулот ишлаб чикаришга ва уни ушбу харажатларга мос булган нархда сотишга мажбур килади. Мувозанат холат графигида уртача харажат графиги талаб чизигига уринади холос. Агар $AC > P$ булса, фирма зарар куради ва тармокдан кетишга мажбур булади. Агар $AC < P$ булса, бозорда киска муддатли ораликда ортикча фойда олиш иконияти тугилади. Лекин, бу ортикча фойда тармокка бошка фирмаларни кириб келишига сабаб булади. Бошка фирмаларнинг кириб келиши ортикча фойдани нолга туширади. Бу уз навбатида мувозанат холатни узок муддатгача тургун сакланишидан далолат беради.

Ракобатлашган бозорда ва мувозанат холат шароитида ракобатлашвчи тармокка карашли фирмалар харажатлари бир хил деб каралади. Лекин, биз биламизки баъзи бир фирмалар сифатли хом ашёда ишлайди, бошкалари замонавийрок ва самаралирок ускунада ва технологияда ишлайди, яна бошкаси юкори малакали кадрлар билан ишлайди. Умуман олганда иккита бир хил фирманинг узи булмайди. Уз узидан равшанки, сифатли ресурслар билан ишлайдиган фирмаларнинг харажатлари бошкаларникига караганда кам булади.

Бу холатни ракобатлашган бозордаги фирмаларнинг уртача харажатлари бир хил булади, деган шарт билан мос келишини иктисодда куйидагича тушунтиради: яъни сифатли ресурс эгалари уз ресурслари учун купрок иш хаки олади, мукаммаллашган самарали ускуналарнинг ижара хаки хам юкори булади. Самарали ресурс эгалари олинадиган кушимча фойдага *иктисодий рента* дейилади. Иктисодий рента - бу ракобатлашган бозорда керакли ресурс

учун фирма тулаши мумкин булган нарх билан ушбу ресурснинг минимал нархи уртасидаги фарк. Масалан, уртача хом ашёдан фойдаланиб ишлаб чикарилган хар бир махсулот 10 сум келтирсин, чекланган сифатли хом ашёдан фойдаланиб ушбу махсулотни ишлаб чикарганда (харажатларнинг камайиши ва махсулот сифатини ошиши хисобига) хар бир махсулотдан оладиган фойда 20 сумни ташкил килсин, дейлик. Сифатли ресурсни хамма фирмалар хам сотиб олишга харакат килади. Лекин, сифатли ресурс чекланган булгани учун хамма фирмалар сотиб ола олмайди. Агар сифатли хом ашё ракобатлашган бозорда сотилса, унинг нархи уртача хом ашё нархидан албатта юкори булади. Агар уртача хом ашё нархи $P_1$ ва сифатли хом ашё нархи $P_2$ ($P_2 > P_1$) булса. Сифатли хом ашё эгаси $\Delta P = P_2 - P_1$ га тенг булган иктисодий рента олади. Натижада махсулот ишлаб чикарувчи фирмаларнинг уртача харажати бир-бирига тенг булади.

Шундай килиб, самарали ресурслардан фойдаланиб олинган барча фойда ушбу ресурсларни сотиб олишга сарфланади. Ушбу холат ракобатлашган бозордаги фирмаларнинг уртача харажатлари тенглашиш тенденциясига эга эканлигини курсатади.

## Кискача хулосалар

Ракобатлашган бозор чекланган ресурсларни оптимал таксимлашга ёрдам беради ва натижада истеъмолчиларнинг эхтиёжларини максимал даражада кондиришга эришилади. Бундай таксимланиш $P = MC$ шартида таъминланади. Фирмалар ушбу шартга кура ишлаб чикаришни нарх чекли харажатга тенг булганча кадар мумкин даражада максималлаштирадилар. Ушбу шарт бажарилганда нафакат ресурсларни самарали таксимлашга эришилади, балки максимал ишлаб чикариш самарадорлигига хам эришилади. Ракобатлашган бозор фирмаларни минимал харажатларда махсулот ишлаб чикаришга ва уни ушбу харажатларга мос булган нархда сотишга мажбур килади. Мувозанат холат графигида уртача харажат графиги талаб чизигига уринади холос. Агар $AC > P$ булса, фирма зарар куради ва тармокдан кетишга мажбур булади. Агар $AC < P$ булса, бозорда киска муддатли ораликда ортикча фойда олиш иконияти тугилади. Лекин, бу ортикча фойда тармокка бошка фирмаларни кириб келишига сабаб булади. Бошка фирмаларнинг кириб келиши ортикча фойдани нолга туширади. Бу уз навбатида мувозанат холатни узок муддатгача тургун сакланишидан далолат беради.

E. Ракобатлашган бозорда ва мувозанат холат шароитида ракобатлашвчи тармокка карашли фирмалар харажатлари бир хил деб каралади. Лекин, биз биламизки баъзи бир фирмалар сифатли хом ашёда ишлайди, бошкалари замонавийрок ва самаралирок ускунада ва технологияда ишлайди, яна бошкаси юкори малакали кадрлар билан ишлайди. Умуман олганда иккита бир хил фирманинг узи булмайди. Уз узидан равшанки, сифатли ресурслар билан ишлайдиган фирмаларнинг харажатлари бошкаларникига караганда кам булади.

F.

## G. Назорат ва мулохаза учун саволлар

**Таян иборалар.** Ташқи самаралар, трансакцион харажатлар, манфий Самара, ижобий Самара, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати.

1. Трансакцион харажатларва уларнинг тарикибига қандай харажатлар киради?
2. Ташқи самарага ҳаётдан аниқ бир мисол келтириб, изоғлаб беринг.
3. Давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати нималардан иборат?

1. Давлатнинг иктисодий сиёсати деганда нимани тушунасиз?
2. Давлатнинг иктисодий сиёсатини бахолашда истеъмолчи ва ишлаб чикарувчи ортикчалигидан кандай фойдаланиш мумкин?
3. Ишлаб чикариш хажмини чеклаш кандай окибатларга олиб келади?
4. Ишлаб чикаришга соликни узок ва киска муддатли таъсирини изохлаб берину.
5. Бозор кайси холатда самарали фаолият курсатади?

# «MIKROIQTISODIYOT» FANIDAN

# 13. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

# МИКРОИҚТИСОДИЁТ

фанидан

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

## 1-МАВЗУ. МИКРОИҚТИСОДИЁТ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. ИҚТИСОДИЙ БАЗИС ТУШУНЧАЛАРИ

**Дарс мақсади:** Микроиқтисодиёт фанининг предмети, ўрганиш усуллари, бозор иқтисодиёти, иқтисодий базис тушунчалар, альтернатив ҳаражатлар ва ишлаб чиқариш имкониятларининг бозор иқтисодиёти шароитидаги моҳиятини талабаларга тушунтириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** Микроиқтисодиёт, бозор, ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғи, альтернатив ҳаражатлар, товар, позитив ёндошиш, норматив ёндошиш, иқтисодий ресурслар. ноёб неъматлар, бир-бирини ўрнини босувчи неъматлар, ўзаро бир-бирини тулдирувчи неъматлар, чекли трансформация нормаси.

**Асосий саволлар:**

1. Микроиқтисодиёт фанининг предмети, вазифалари ва ўрганиш усуллари.
2. Бозор, унинг иқтисодий моҳияти ва вазифалари. Ноёб неъматлар тушунчаси.
3. Иқтисодий базис тушунчалари.
4. Товарлар айланмаси модели ва унинг аҳамияти.

### 1. Микроиқтисодиёт фанининг предмети, вазифалари ва ўрганиш усуллари

**Микроиқтисодиёт фани** - иқтисодиётнинг ҳал қилувчи дастлабки буғини бўлган фирма, корхона ва ундан хам кичик бўлган корхоналар, микрофирмалар, турли хил ҳалқ хўжалиги соҳаларидаги хизмат ишларини бажарувчи хўжалик ва ташкилотларда бозор қонунлари таъсирида содир бўладиган иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларни, иқтисодий қонунлар ҳаракатини, уларни намоён булиш шарт-шароитларинн, оқибатларини ўрганиб, таҳлил қилиб, хулосалар чиқаради.

Бу жараёнда - истеъмолчилар, ишчилар, ер эгалари, сармоя қўювчилар, фермерлар, ишлаб чиқариш, турли корхоналар, хуллас, иқтисодиёт соҳасида фаолият кўрсатишда мухим рол ўйнайдиган ҳар қандай индивидуал, яъни жисмоний шахс ёки хўжалик субъектлари иштирок этади. Товарларнинг нисбий нархи, алоҳида бозорлар, мақсадга эришиш учун аниқ турдаги ресурсларнинг тақсимланиши уларнинг диққат марказида туради. Микроиқтисодиёт харидорлар нима учун шу товарларни харид қилишга рози бўлганлигини, бунга товар баҳосини, ўз даромадлар таъсирини, корхонада қанча ишчи ишлаши кераклигини, аниқ турдаги товарларга нарх қандай қуйилишини, қанча ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш зарурлигини, корхоналар фаолиятига давлат сиёсати ва бошқа давлатлардаги шароитлар қандай таъсир этишини тушунтиради.

**Микроиқтисодиёт** (грекча:"микро" -"кичик" дегани) **иқтисодиётнинг дастлабки, ҳал қилувчи бўғинларидаги иқтисодий ҳодисаларни ўрганади.**

Унинг **иқтисодий мақсадлари** қуйидагилардир:

- иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- иш билан бандлик даражасини ошириш;
- иқтисодий самарадорликка эришиш;
- иқтисодий эркинлик;
- даромадни тўғри тақсимлаш;
- савдо баланси ва б.

**Иқтисодий ўсиш – иқтисодий фаолиятдаги асосий мақсадлардан булиб, у аҳоли жон бошига ижтимоий маҳсулот миқдорининг ўсиши, уларниг турмуш даражасини ўсганлигини кўрсатади.** Реал миқдордаги ялпи миллий

маҳсулот ёки соф миллий маҳсулотнинг ўсиши кишиларнинг моддий таъминланиш даражасини ўсишига олиб келади ва энг кам ишлаб чиқариш ҳаражатлари бўлганлигини кўрсатади.

Иқтисодий ўсиш ресурслар чекланганлиги муаммоларининг ҳал этилишини енгиллаштиради.

Хар қандай давлатнинг иқтисодий ўсиши қўйидаги олтита омилга боғлиқ бўлади:

**6) табиий ресурслар миқдори ва сифатига;**
**7) мехнат ресурсларининг миқдори ва сифатига;**
**8) асосий капитал хажмига;**
**9) ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техника-технология даражасига;**
**10) талабни ўсишига таъсир этувчи омилларга;**
**6) ресурсларни оқилона тақсимлашга.**

Шулардан дастлабки тўрт омил ишлаб чиқаришнинг (таклифнинг) ўсишига таъсир қилувчи, охирги иккитаси эса талабнинг ўсишига таъсир қилувчи омиллардир.

Микроиқтисодиёт фанининг моҳиятини қўйидаги масалаларни билиш, ўрганиш ёрдамида ёритиш мумкин:

- ҳозирги даврдаги бозор иқтисоди механизмини ўрганиш;
- умумий мувозанат ва иқтисодий фикрлаш;
- бозор хўжалиги шароитида фирмалар, корхоналар, уй хўжалиги ва уларнинг тутган ўрни, турлари, аҳамияти, вазифаси, самарадорлигини таъминлаш
- талаб ва эҳтиёж назарияси асосларини билиш;
- бозор таклифи ва талаби;
- талаб ва таклиф ўзгарувчанлиги;
- рақобатлашув ва корхоналар самарадорлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш ва уни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва фойда;
- ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги. Иш хаки, баҳо.

Ҳозирги кунда микроиқтисодиёт фанининг бошқа ижтимоий-иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқлиги яққол намоён бўлмокда. Масалан, қўйидаги фанлар билан:

- иқтисодиёт назарияси;
- макроиқтисодиёт;
- макроиқтисодий статистика;
- корхона иқтисодиёти;
- қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик;
- тармоқлар иқтисодиёти;
- мехнатни ташкил этиш;
- бухгалтерия хисоби;
- иқтисодий таҳлил;
- пул, кредит ва банк;
- маркетинг;
- менежмент;
- молия;
- табиий офатлар ва инсон мехнати мухофазаси;
- табиатшунослик;
- инвестицион лойҳаларнинг таҳлили;
- лойҳаларни молиялаштириш ва уни мониторинги;
- банк иши;
- математика ва бошқалар.

**Микроиқтисодиёт фанининг ўрганиш усуллари ва услуби**

Хар қандай фанга ўхшаш иқтисодиёт хам ўзи ўрганадиган қонун ва қонуниятларни аниқлаш учун маълум усуллардан фойдаланади. Алохида иқтисодий агентларнинг иқтисодий ҳаракатини ўрганишда қўйидаги **усуллар** қўлланилади:

- **анализ ва синтез усули;**
- **монографик усул;**
- **иқтисодий-статистика усули;**
- **хисоблаш-конструктив усули;**
- **тажрибавий усул;**
- **абстракт мушоҳада усули;**
- **математик моделлаштириш усули;**
- **индукция ва дедукция усули;**
- **оптималлаштириш усули;**
- **мувозанатни аниқлаш усули;**

Ишлаб чиқаришнинг барча муаммолари ана шу усуллар ёрдамида ўрганилади.

**Фанни ўрганиш услуби (методологияси) деганда, уни ўрганиш фаолиятининг шакллари, усуллари ва уларнинг боғлиқлиги тушунилади.** Ушбу фан буйича масалани ўртага қўйиш, тадқиқ мавзусини ва илмий назариясини шакллантириш, шунингдек аниқланган натижани хақиқийлиги, яъни ўрганилаётган объектга мувофиқлиги жиҳатидан текшириш методологияни қўллашнинг энг мухим томони хисобланади. Иқтисодий ходиса ва жараёнларни ўрганиш услуби - тадқиқот ёки билим, англаш йўли, воқеалик: амалий ёки назарий ўзлаштириш усуллари йигиндисидир.

Демак иқтисодчилар тасодифий кузатишлар, фикрлаш натижасида келинган умумий хулосалар, маълум маънога эга бўлган мушоҳадалар ёки интуицияларга асосланиб, аввал текшириб синаб кўрилмаган қоидалар, принципларни яратадилар ёки шакллантирадилар. Бундай фикрлаш махсули гипотеза деб юритилади. Масалан, улар кабинет, идора шароитида фикрлашга асосланиб, истеъмолчилар маҳсулотларни баҳоси юқори бўлганда эмас, баҳоси паст бўлганда кўп миқдорда харид қилишлари мақсадга мувофиқдир, деб тахмин қилишлари мумкин.

Ҳозирги замон иқтисодиётида пировард миқдорлар тушунчаси кўп ишлатилади. Масалан:

- пировард маҳсулот;
- пировард ҳаражатлар;
- пировард даромад

**Пировард миқдорлар асосида** бир иқтисодий қарорга келиш, яъни бошқача қилиб айтилса, қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган пировард натижаларни пировард ҳаражатлар билан таққослаш **маржинал принцип хисобланади.** Бунда самара билан ҳаражат таққосланмайди.

## 2. Бозор, унинг иқтисодий моҳияти ва вазифалари. Ноёб неъматлар тушунчаси

**Бозор - бу сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги маҳсулот сотиш ва сотиб олиш буйича эркин муносабатлар тизимидир.**

**Бозор** - бу сотувчилар ва харидорларни учраштирадиган жой; улар ўртасида келишилган нарх буйича товар алмашуви содир бўлади. Бозорда сотишни амалга ошириш учун маълум ҳаражатлар қилинади ва бу ҳаражатлар бозор тўғрисида ахборот олиш, шартномалар тузиш, учрашувлар ўтказиш, сотиб олинадиган товар ёки хизматнинг миқдорий ва сифат характеристикаларини аниқлаш ва бошқа турдаги ҳаражатлар билан боғлиқ. Бундай ҳаражатлар трансакцион ҳаражатлар бўлгани учун ҳам, бозорни **трансакциялар мажмуаси** деб хам қараш мумкин. Бозорнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у даромадларни самарали фаолият кўрсатаётган субъектлар ҳисобига қайта тақсимлайди, яъни замонавий технологиядан, чекланган ресурслардан самарали фойдаланаётган хўжалик субъектлари хисобига тақсимлайди.

Бозорлар ўзининг худудий масштабига кура локал, миллий ва ҳалкаро бозорларга бўлинади. Олди-сотди объекти булиб, истеъмол товарлари, ресурслар, (мехнат, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти, ахборот) ва хизматлар ҳисобланади. Товарлар бозори билан бир қаторда пул бозори (қимматбаҳо қоғозлар бозори) хам мавжуд. Бозордаги нархлар олди-сотди жараёнида ёки ундан олдин шаклланиши мумкин.

## Бозорнинг самарали фаолият кўрсатиши трансакцион ҳаражатлар билан боғлиқ.

Трансакцион ҳаражатлар - бу товар алмашиш сохасидаги ҳаражатлардир.

**Бу тушунча биринчи булиб Р.Коуз томонидан киритилган (1937 й).**

**Трансакцион ҳаражатлар ўз ичига қуйидаги ҳаражатларни олади:** ***ахборот олиш, ўзаро келишув ва учрашувлар билан боғлиқ ҳаражатлар, товарлар хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ ҳаражатлар, мулк хуқуқини химоя қилиш*** **ва бошқалар.**

### Ноёб неъматлар тушунчаси

Ҳар қандай жамиятда ноёб неъматларни тақсимлаш муаммоси туради. **Неъмат деганда**, биз товарлар, хизматлар ва ресурсларни тушунамиз. **Неъматлар ноёблиги деганда** - иқтисодий субъектлардаги мавжуд неъматлар захирасининг шу неъматларга эҳтиёж сезган харидорларнинг талабларини етарли даражада қондира олмаслиги тушунилади. **Неъматлар ноёблиги - бу бирор товар ёки ресурс хажмининг маълум вақт оралигида чегараланганлигидир.** Шунинг учун хам неъмат ноёблиги, неъматнинг физик нуқтаи назардан чегараланганлигидан фарқ қилиб, у нисбийдир, яъни неъматнинг ҳажми ҳозирги вақтда унга бўлган талабни қондириш учун етарли эмас.

Ноёб неъматларни икки турга булиш мумкин:

а) ишлаб чиқариш ресурслари

б) улар асосида ишлаб чикариладиган истеъмол неъматлар.

Ишлаб чиқариш ресурсларини такрор ишлаб чикарилиши буйича хам икки турга булиш мумкин:

а) такрор ишлаб чиқариладиган ишлаб чиқариш ресурслари (бунга қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан пахта, дон ва бошқа маҳсулотларни мисол сифатида келтириш мумкин, улар хар йили такрор ишлаб чикарилади. Худди шундай мехнат ресурслари хам такрор ишлаб чикарилади).

б) такрор ишлаб чиқарилмайдиган, физик нуқтаи назардан чегараланган ишлаб чиқариш ресурслари (қазилма бойликларни мисол сифатида қараш мумкин: темир, кумир, олтин ва ҳоказо).

Агар неъмат ноёб бўладиган бўлса, у ҳолда чекланган неъматларни қандай қилиб иқтисодий субъектлар ўртасида рационал тақсимлашни амалга ошириш муаммоси - бу марказий иқтисодий муаммо хисобланади. Бу муаммони ечиш учун хар қандай жамият қуйидаги учта иқтисодий саволга жавоб бериши керак:

**Нима ишлаб чиқариш керак?**

**Қандай ишлаб чиқариш керак?**

**Кимга ишлаб чиқариш керак?**

Юқоридаги саволлардан иккитаси, яъни нима ишлаб чиқариш? ва қандай ишлаб чиқариш? деган саволлар - ресурслардан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва ишлаб чикариладиган маҳсулот таркибининг жуда кўп альтернатив вариантлари мавжудлигини такозо қилади.

Маълумки, хар бир вақт оралиғида жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чегараланган. Бундай чегараланганлик жамиятдаги мавжуд ресурсларнинг чегараланганлиги хамда бу ресурсларни фойдали неъматларга айлантирадиган технологиянинг холати билан, унинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш имкониятларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш вариантларидан бирини танлаб қолганларидан воз кечишни тақозо қилади. Бошқа вариантлардан воз кечиш

натижасида, биз улардан олиниши мумкин бўлган фойдадан воз кечамиз, яъни бу фойдаланилмаган имкониятлар бўлиб, альтернатив ҳаражатларни ташкил этади.

Бозор тизимида ноёб неъматлар муаммоси қўйидаги иккита тамойиллар асосида ечилади:

- **оптималлаштириш тамойили** - ҳар бир фаолиятдан ва ресурслардан фойдаланишдан максимал фойда олиш;

- **альтернатив ҳаражатлар тамойили** - ноёб ресурслардан фойдаланиш йуналишларининг барчасидан олинадиган фойда ва ҳаражатларни солиштириш орқали.

Иқтисодий субъектлар рационал ҳаракат қилиш тамойилига кура ўз мақсадларига эришиши учун хўжалик фаолиятида фаол қатнашадилар, бунинг асосий моҳияти шундан иборатки, иқтисодий субъектлар берилган ресурслардан фойдаланишдан олинадиган натижаларни максималлаштиради ёки маълум натижаларни олиш учун ҳаражатларни камайтиради.

## 3. Иқтисодий базис тушунчалари

**Иқтисодий базис тушунчалар деб, микроиқтисодий жараёнларда қатнашадиган иқтисодий тушунчаларга айтилади.** Қўйида асосий иқтисодий базис тушунчаларни кўриб чиқамиз.

**Иқтисодий эҳтиёж** - шахсни, корхонани ёки жамиятни фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаб туришга ундовчи зарурият, иқтисодий фаолиятга ундайдиган ички куч тушунилади.

Иқтисодий эҳтиёжни икки турга булиш мумкин: **бирламчи эҳтиёж** (озик-овкат, кийим-кечак, уй-жой), **иккиламчи эҳтиёж** (дам олиш, саёхат қилиш, спорт билан шуғулланиш, ўқиш ва ҳоказо). Умуман олганда эҳтиёж реал ва нореал булиши мумкин.

**Реал эҳтиёж** деганда ушбу эҳтиёжни қондириш учун шахснинг даромади етарли бўлиши тақозо қилинади.

Нореал эҳтиёж бўлганда, эҳтиёжни қондириш учун даромад етарли бўлмайди.

**Иқтисодий неъмат**-бу эҳтиёжни қондириш воситаси.

Неъматлар чекланган ва чекланмаган бўлиши мумкин.

Чекланган неъматларга товарлар, хизматлар ва ресурслар киради (автомобиль, кийим-кечак, нон, пахта толаси ва бошқалар). Чекланган неъматлар иқтисодий неъматларни ташкил қилади.

Чекланмаган неъматларга мисол тариқасида хаво ва сув кириши мумкин.

**Бир-бирини ўрнини босувчи неъматлар** - бу бир хил эҳтиёжни кондирувчи неъматлардир. Масалан, шахснинг гўшт маҳсулотига бўлган эҳтиёжини мол гўшти, қўй гўшти ёки парранда гўшти билан қондириш мумкин. Одатда, бир-бирини ўрнини босувчи товарлардан бири нархининг ошиши, бошқасига бўладиган талабни ошишига олиб келади.

**Ўзаро бир-бирини тўлдирувчи неъматлар** - бу шахсни ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжини комплектларда кондирадиган неъматлар. Тўлдирувчи неъматлардан бирига талаб ошса, қолганларига хам талаб ошади. Масалан енгил автомобилга талаб ошса, бензинга, гаражларга ҳам талаб ошади.

**Иқтисодий ресурслар** (ишлаб чиқариш омиллари) - бу иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришда қатнашадиган элементлари (табиий ресурслар, мехнат, капитал, тадбиркорлар қобилияти ва ахборот).

**Тадбиркорлик қобилияти** деганда, ўзига хос бўлган шундай инсон ресурси тушуниладики, у ўзидан бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдалана олиш қобилиятини мужассамлаштиради.

**Ишлаб чиқариш имконияти**-берилган технологик ривожланишда ва барча мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг иқтисодий неъматлар ишлаб чиқариш қобилиятидир. Корхона ёки ишлаб чиқаришни маълум вақт оралиғида ва маълум ишлаб чиқариш шароитида энг кўп маҳсулот ишлаб чиқара олиш имконияти - унинг ишлаб чиқариш қувватидир.

**Ишлаб чиқариш имкониятлари**

а) ресурсларнинг чекланганлиги, камёблиги;

б) иқтисодиётнинг самарадорлиги;

в) иқтисодий танлов;

г) альтернатив ҳаражатлар тўғрисида маълумот беради.

Ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғи одатда қаварик кўринишда бўлади.




**1.1 - р а с м.**




**1.2 - р а с м**

**Ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғи маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг хар хил альтернатив вариантлари мавжудлигини кўрсатади. Бу ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот таркибини танлаши учун мухим ахборот хисобланади.**

**Ишлаб чиқариш имконияти чегаралари ишлаб чиқариш эгри чизиғини ифодалайди.**

**Чекли трансформация коэффициенти** товардан қўшимча бир бирлик ишлаб чиқариш учун иккинчи товарни қанча хажмда ишлаб чиқаришдан воз кечиши кераклигини билдиради.

**Альтернатив ҳаражатлар** - ресурслардан энг самарали фойдаланишдан воз кечиш натижасида йуқотилган имкониятлар билан боғлиқ ҳаражатлар. Альтернатив ҳаражатлар - иқтисодий танлов натижасида энг яхши альтернатив вариантдан олинадиган фойдадан воз кечишни акс эттирувчи ҳаражатлардир.

Альтернатив ҳаражатлар ёрдамида ноёб ресурслардан фойдаланиш йуналишлари буйича энг яхши (оптимал) тақсимлаш масаласи, яъни муайян вариант тақсимланишдан олинадиган фойда ва ҳаражатларни бошқа вариантлар буйича олинадиган фойда ва ҳаражатлар билан солиштириш орқали ечилади (яъни альтернатив ҳаражатларни бир-бири билан солиштириш оркали). Масалан, агар коллежда ўқишга қарор қилинса кун буйи корхона ёки бошқа жойда ишлашнинг альтернатив имкониятлари йўқолади.

Бошқа неъматларни камайтирмаган ҳолда жамият учун бўлган биринчи неъматларни ишлаб чиқаришни таъминлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш, демакдир.

**Баҳо - товарларни пулга айирбошлаш нормасидир.**

Эркин бозор иқтисодиётида баҳо фақат нимани қандай ишлаб чиқариш зарурлигини эмас, балки ким учун ишлаб чикариш зарурлигини хам аниқлаб беради. Товарлар (хизматлар) баҳо миқдори, қиймати аниқ турдаги алохида товарлар учун операцияларини ифодалайди.

**Иқтисодий агентлар** - алохида шахслар, уй хўжалиги, корхона давлат, ижтимоий ташкилотлардир.

**Рационал (фойдали) ҳаракат** - ресурслар чекланган шароитда энг кам сарф ҳаражат қилиб, фойдани максимал даражада ошириш учун қилинадиган иқтисодий ҳаракатдир.

Рационал ҳаракат, яъни фойдага эришиш учун бўладиган ҳаракат ҳаражатларсиз бўлмайди. Шунинг учун ҳаражат билан фойда, олинган натижалар таққосланади.

Масалан, фойдали ҳаракат қилиб ишчи иш ҳақи олади, тадбиркорлар - фойда, истеъмолчилар эса қониқиш хосил қилади. Олган фойда ёки зарарига қараб уларнинг юриш-туришлари хам ўзгаради.

## 4. Товарлар айланмаси модели ва унинг аҳамияти

Микроиқтисодиёт иқтисодий субъектларни иккига бўлиб ўрганади - истеъмолчилар (уй хўжаликлари) ва ишлаб чиқарувчилар (фирмалар). Истеъмолчининг мақсади - мумкин даражада ўзининг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш бўлса, ишлаб чиқарувчиларнинг мақсади - фойдани ёки бошқа бир фаолият кўрсаткичларини максималлаштиришдан ёки минималлаштиришдан иборатдир.

Жамиятда вужудга келадиган яна бир муаммо - бу истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятини мувофиқлаштиришдир:

4) ишлаб чиқарувчилар фаолиятини (ким кайси маҳсулотдан қанча ишлаб чиқаради) мувофиқлаштириш;

5) истеъмолчилар фаолиятини (ким, кайси маҳсулотдан, қанча истеъмол қилади) мувофиқлаштириш;

6) ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бўйича қабул қилинган қарорларни мувофиқлаштириш.

Бу муаммо товарлар айланмаси модели оркали таҳлил қилинади (1-расм).

Моделдан фойдаланишнинг афзаллиги шундан иборатки, у муаммонинг иккинчи даражали томонларини эътиборга олмайди. Моделда икки турдаги ўзгарувчилар ишлатилади: экзоген ва эндоген. Экзоген ўзгарувчилар ташқи ўзгарувчилар булиб, улар олдиндан берилади ва моделга киритилади. Эндоген ўзгарувчилар модел ичида, хисоб-китоблар асосида шаклланади. Товарлар айланмасида иқтисодиёт икки секторга бўлинади: уй хўжаликлари ва фирмалар. Уй хўжаликлари ўз ресурсларини (ишчи кучи, капитал ва ерни) фирмаларга сотиб даромад оладилар ва бу даромадларини фирмалардан товарлар ва хизматлар олишга ишлатадилар. Фирмалар ўзларининг товар ва хизматларини сотиб ундан тушган даромадни уй хўжаликларидан ресурсларни сотиб олишга ишлатадилар.

Кўриниб турибдики, хақиқатдан ҳам нима истеъмол қилиш керак, демак, нима ишлаб чиқариш керак, деган масалани уй хўжаликлари ҳал қилади. Уй хўжаликларининг бундай қарори, фирмаларнинг ишлаб чиқариш режаларини тузиш учун асос бўлиши керак. Фирмалар, ўз навбатида, ноёб ресурслардан фойдаланиш қарорларини бир-бири билан мувофиқлаштириши лозим. Нихоят, уй хўжаликлари истеъмол қилиш учун режалаштирган неъматларни олишлари керак, яъни улар истеъмол қилиш буйича қарорларини бир-бири билан мослаштириши керак бўлади.




1-расм. Мувофиқлаштиришнинг бозор механизми.

Бозор тизимида мувофиқлаштириш масалаларини иккита бозор ҳал қилади: ишлаб чиқариш ресурслари бозори ва истеъмол неъматлари бозори.

Талаб ва таклиф модели тадбиркорлар сектори билан уй хўжаликлари сектори ўртасидаги ўзаро муносабатларни тушунтиришга хизмат қилади. Агар бу икки сектор товарлар бозорида олди-сотди буйича ўзаро муносабатда бўлса, талаб ва таклиф модели товар нархини ва сотиладиган товар хажмини аниқлайди. Агар улар ресурслар бозорида олди-сотди буйича ўзаро муносабатда бўлсалар модел сотиладиган ресурслар нархини ва миқдорини аниқлайди.

Хар бир бозор ўзининг иккита қарор қабул қилувчи субъектига эга: сотувчилар ва харидорлар. Бозорда қабул қилинадиганларнинг мувофиқлиги хар бир неъматнинг мувозанат нархи ва мувозанат миқдори билан таъминланади. Нарх талаб ва таклиф муносабатлари натижаси сифатида, уй хўжаликлари ва фирмалар томонидан қабул қилинадиган қарорларни мувофиқлаштириш учун мухим ахборот булиб хисобланади. Бундай ахборот бир вақтнинг ўзида жамиятдаги ноёб неъматларни тақсимлаш муаммосини ечиш учун мухим аҳамият касб этади. Масалан, нон нархининг ошиши - харидорлар учун нонни истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида сигнал бўлса, фирмалар учун нонни ишлаб чиқаришни ошириш ва нон бозоридаги мувозанатни тиклаш тўғрисида мухим ахборот булиб хизмат қилади.

Нархлар ноёб ресурсларни рационал тақсимлашни таъминлайди, неъматларни рационал истеъмол қилишга, ҳаражатларни камайтиришга ундайди. Нарх ер, капитал ва ресурслар эгаларининг даромадини аниқлайди. Бозор тизимида мувофиқлаштириш масаласини бозор ҳал қилади. Мувофиқлаштириш масаласи билан боғлиқ ҳаражатларга трансакцион ҳаражатлар дейилади.

Бозор мувофиқлаштиришдан ташқари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар қарорларини вақт буйича тартиблаштиради. Бу келажакдаги неъматлар (фьючерс) бозорининг вужудга келиши билан боғлиқдир. Келажакдаги неъматларнинг олди-сотдиси, уларнинг нархлари тўғрисида тасаввурга эга бўлишга, уларнинг келажакда нисбатан ноёблиги тўғрисида ахборот беради. Истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар бундай нарх ахборотларига кўра, ўзларининг жорий хўжалик режаларини қайта кўриб чиқадилар ва ўзларининг иқтисодий ҳаракатларини тартибга соладилар.

## H. Назорат саволлари

**1** Микроиқтисодиёт фанининг моҳияти нимада, бу фан нимани урганади?
2. Микроиқтисодиёт фанининг асл мақсадлари нима?
3. Фанни ўрганишда қандай усуллардан фойдаланиш лозим? Уларнинг моҳияти ва ўзаро боғлиқлигини кўрсатинг.
*4.* «Ишлаб чиқариш имкониятлари»ни қандай тушунасиз? Чизмалар ёрдамида аниқланг.
5. Ноёб ресурсларни тақсимлашнинг асосий тамойиллари?
6. Ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғи нимани ифодалайди?
7. Чекли трансформация нормаси нимани ифодалайди?

## 2-МАВЗУ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ, МАКСИМАЛ ВА МИНИМАЛ НАРХЛАР

**Дарс мақсади:** Талаб ва таклифнинг назарий асослари, талаб ва таклифнинг ўзгариши, талаб ва таклиф функцияларини, бозор мувозанати ва унга таъсир этувчи омиллар, максимал ва минимал нархлар ва уларнинг иқтисодий моҳиятини талабаларга тушунтириб бериш.

**Таянч сўз ва иборалар:** талаб, таклиф, талаб ва таклиф функциялари, талаб ва таклиф қонунлари, максимал ва минимал нархлар. Бозор мувозанати, мувозанатли нарх, максимал нарх, минимал нарх, товар танқислиги, ортиқча маҳсулот, истеъмолчи ютуғи, ишлаб чиқарувчи ютуғи.

**Асосий саволлар:**

17. Талаб ва таклифнинг бозордаги аҳамияти.
18. Талаб ва таклифгнинг ўзгариши ва унга таъсир этувчи омиллар.
19. Талаб ва таклиф функциялари. Бозор мувозанати.
**20.** Товарнинг максимал ва минимал баҳоси**.**

### 1. Талаб ва таклифнинг бозордаги аҳамияти

Талаб ва таклифни иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, жуда кўп ва кенг муаммоларни ҳал қилишда универсал восита булиб хизмат қилади. Бундай муаммоларга қўйидагилар кириши мумкин: жахондаги иқтисодий шароитлар ўзгаришининг маҳсулот ишлаб чиқаришга ва унинг самарадорлигига таъсири; нархларни назорат қилиш буйича давлат томонидан кўриладиган чора-тадбирларни баҳолаш; иқтисодий рагбатлантириш ва минимал иш ҳақини белгилаш; солиқларнинг, субсидияларнинг, импортга қўйиладиган бож тўловларнинг, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар фаолиятининг чегаралашларнинг умумий иқтисодиётга таъсири ва ҳ.

Талаб ва таклиф орқали бозор механизмини ўрганиш, уларнинг графикларини таҳлил қилишдан бошланади. Маълумки, давлатнинг аралашувисиз, талаб ва таклиф мувозанат ҳолатга келади ва унга асосан товарнинг бозор нархи ўрнатилади ҳамда мувозанатни таъминлайдиган маҳсулотнинг умумий ҳажми ўрнатилади. Лекин, қандай қилиб, нарх ва маҳсулот хажми талаб ва таклифнинг баъзи бир характеристикалари билан боғланган? Қандай қилиб улар вақт бўйича ўзгаради ва қандай қилиб уларга умумий иқтисодий фаоллик, иш ҳақи ҳаражатлари таъсир қилади? Нима учун талаб ва таклиф бозорлар (рақобатлашган, монопол, олигопол ва бошқа) бўйича фарҳ қилади? Нима учун баъзи бир бозорларда товарлар танқис? каби саволларга жавоб бериш учун талаб ва таклифнинг диаграммасини қарашдан бошлаймиз (1-расм).

Ордината ўқи бўйича бир бирлик маҳсулотнинг нархи $P$ кўрсатилган (сумда). Абцисса ўқи бўйича берилган вақт оралиғида талаб қилинган ва таклиф қилинган маҳсулот хажми $Q$ кўрсатилган.

**Таклиф чизиғи** $S$ **(*supply*)** қанча миқдорда ва қанақа ишлаб чиқариш нархида товарнинг бозорда сотилиши мумкинлигини кўрсатади. Таклиф чизиғи қанча юқорига кўтарилса, шунча нарх юқори бўлади ва шунга кўп фирмалар маҳсулот ишлаб чиқариб, сотиш имкониятига эга бўладилар.

Юқори нарх, мавжуд фирмаларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга даъват этади, бозорга янги фирмаларни ўз маҳсулоти билан кириб келишини таъминлайди, улар ишлаб чиқарган юқори ҳаражатли рентабел бўлмаган маҳсулотлари юқори нархда рентабел бўлади. Бундай ҳолда, фирмалар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши қисқа вақт оралиғида интенсив бўлса, узоқ муддатда эса экстенсив амалга оширилади.




1-расм. Талаб ва таклиф чизиқлари.

**Талаб чизиғи** $D$ **(*Demand*)** истеъмолчиларнинг берилган нархларда қанча миқдорда маҳсулот сотиб олиш мумкинлигини билдиради. Талаб чизиғининг пастга кетиши, истеъмолчиларнинг нарх қанча паст бўлса, улар шунча кўп маҳсулот сотиб олишини англатади. Паст нархлар, харидорларга янада кўпроқ миқдорда товарлар сотиб олишига ҳамда илгари сотиб олаолмаётган истеъмолчиларга эса ҳозир у товарни сотиб олишга имкон яратади.

Бу икки эгри чизиқ талаб ва таклифнинг мувозанат нуқтасида кесишади. Мувозанат бозор тизимининг шундай холатини билдирадики, бу ҳолатда талаб ва таклиф бир-бирига тенг бўлади. Мувозанат нуқта мувозанат нархни ва мувозанат маҳсулот миқдорини билдиради. $P_0$ нарх мувозанат нарх бўлганда, таклиф қилинадиган ва талаб қилинадиган товар миқдори бир-бирига тенг бўлади $(Q_0)$. Бу нуқтада товар танқислиги ҳам, ортиқча товар хам бўлмайди. Бозор шароитларини ўзгариши талаб ва таклиф мувозанатини бузилишига олиб келади, лекин бозорда, ўз ўзидан автоматик равишда, мувозанатни тиклаш тенденцияси мавжуд.

Биз талаб ва таклиф чизиғини чизганимизда, бозор эркин рақобатлашган деб фараз қиламиз.

### 2. Талаб ва таклифгнинг ўзгариши ва унга таъсир этувчи омиллар

Талаб ва таклиф чизиқлари, рақобатлашган ишлаб чиқарувчиларга берилган нархларда қанча миқдорда маҳсулот сотиши мумкинлигини ва истеъмолчиларга эса берилган нархларда қанча миқдорда маҳсулот сотиб олишини кўрсатиб беради. Аммо шуни хам унутмаслик керакки, талаб билан таклиф нархдан ташқари бошқа шароитларга хам

боғлиқдир. Масалан, ишлаб чиқарувчининг қанча миқдорда маҳсулот сотиши унинг нархидан ташқари ишлаб чиқариш ҳаражатларига (иш хаки, хом ашё нархи) хам боғлиқдир. Товарга бўлган талаб эса истеъмолчининг бюджетига (даромадига) ва бошқа омилларга боғлиқдир. Шу сабабли биз талаб ва таклиф эгри чизикларининг, иш хаки ставкаси, капитал ҳаражатлар ва даромадлар ўзгарганда қандай ўзгаришини қараб чиқамиз (2-расм).




2-расм. Таклиф эгри чизиклари.

Таклиф чизиғи - $S$ дан бошлаймиз. 2-расмдан кўриниб турибдики, нарх $P_1$ бўлганда, ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот миқдори $Q_1$ га тенг. Энди фараз қилайлик, хом ашё нархи камайди, демак, бир бирлик маҳсулот ҳаражати камаяди. Бу таклифга қандай таъсир қилиши мумкин?

Хом ашё нархининг камайиши, маҳсулотга бўлган ҳаражатнинг камайишига олиб келади, ҳаражатнинг камайиши эса, ишлаб чиқариш самарасини оширади ва кўпрок фойда олишга олиб келади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантиради ва илгари рентабел бўлмаган фирмалар учун бозорга ўз товарлари билан кириб келишга имконият яратади. Демак, агар бозорда товар нархи ўзгармаса, яъни $P_1$ сақланиб қолса, илгаридагига нисбатан, бозордаги маҳсулот таклифи ошади, натижада таклиф эгри чизиғи ўнга силжийди. $P_1$ нархга $Q_1$ бирлик эмас $Q_2$ $(Q_2 > Q_1)$ маҳсулот миқдори тўғри келади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ошиши, бу ерда нархга боғлиқ эмас, шу сабабли таклиф эгри чизиғи $S$ бутунлай ўнга, $S'$ га силжийди (2-расм). Таклиф эгри чизиғининг бундай ўзгаришига, яъни нархга боғлиқ бўлмаган ҳолдаги ўзгаришига *таклиф ўзгариши* дейилади. Ўзгармас таклиф эгри чизиғидаги бирор нуктадан пастга ёки юқорига караб ҳаракат қилишга *таклиф миқдорининг ўзгариши* дейилади.

Хом ашё нархи пасайишининг таклиф эгри чизиғига бошқача таъсирини, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори $Q_1$ ўзгармаганда кузатиш мумкин. Хақиқатдан хам, $Q_1$ ўзгармаганда, уни ишлаб ишлаб чиқариш учун кетган ҳаражат камаяди (хом ашё нархи пасайгани учун), демак, товар нархи хам камаяди, яъни унинг нархи $P_1$ дан $P_2$ га ўзгаради. Бу ўзгариш *ишлаб чикарилган товар миқдорига боғлиқ эмас*. Натижада, таклиф эгри чизиғи ўнга силжийди. Умуман олганда, хом ашё нархи ўзгаришининг таклиф чизиғига таъсирини ўрганишда, юқорида келтирилган икки ҳол ҳам хусусий ҳоллардан бўлиб, энг четки ҳолатларни англатади. Хақиқатда эса, хом ашё ҳаражатлари камайганда нарх ҳам, товар миқдори ҳам ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар янги таклиф эгри чизиғининг талаб чизиғи билан мувозанатга келиши билан боғлиқдир (3-расм).



3-расм. Таклиф ўзгаргандаги янги мувозанат холат.

3-расмда таклиф чизиғи $S$ дан $S'$ га силжиган, мувозанат нукта $m_1$ дан $m_3$ га тушган, умумий ишлаб чиқариш хажми $Q_1$ дан $Q_3$ гача ошган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари қанча кам бўлса, у шунча маҳсулот нархини пасайтиришга ва маҳсулотни кўпрок сотишга олиб келади. Ўз-ўзидан равшанки, фан техника тараккиёти асосида бошқаришни такомиллаштириш натижасида ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, иқтисодий ўсишнинг мухим ҳаракатлантирувчи кучидир.

Энди, истеъмолчилар даромадини ошишининг талабга таъсирини ўрганиш учун, қўйидаги 4-расмни қараймиз.




4-расм. Талаб эгри чизиқлари.

Маълумки, истеъмолчилар даромади юқори бўлса, улар товарларни сотиб олиш учун кўпрок пул ажратади. Агар бозор нархи $P_1$ ўзгармас бўлганда истеъмол қилинадиган маҳсулот миқдори, масалан $Q_1$ дан $Q_2$ га ўсишини кузатиш мумкин. Бу силжиш бозор нархи қандай бўлишидан қатъий назар амалга ошади, шунинг учун талаб чизиғи ўнга қараб силжийди. Расмда бу силжиш $D$ дан $D'$ га силжиши каби акслантиради.

Иккинчи томондан, истеъмолчининг реал даромади ошса, у $Q_1$ миқдордаги товарни юқорирок нархда, масалан, $P_2$ нархда хам сотиб олади, яъни даромади ошмаганда $Q_1$ товарни $P_1$ нархда сотиб олса, реал даромади ошса, у шу миқдордаги $(Q_1)$ товарни $P_2$ нархда сотиб олади. Бу холатда ҳам талаб чизиғи ўнга силжийди.

Умуман олганда, даромад ошганда нарх ҳам, сотиб олинадиган товар миқдори ҳам ўзгармай қолмайди. Янги нарх ва янги товар миқдори натижада талаб ва таклифнинг мувозанатлигига олиб келади (5-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, истеъмолчилар юқори $P_3$ нархни тўлаши мумкин, фирмалар эса, даромади ошгани учун кўпрок, яъни $Q_3$ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришади.

Талабга бир-бирини ўрнини босадиган товарлар нархларининг ўзгариши ҳам таъсир қилади. Масалан, мис билан алюминий бир-бири ўрнини босадиган товарлар хисобланади, нима учун деганда, ишлаб чиқаришда улардан бири иккинчисини алмаштириши мумкин.




5-расм. Таклиф ўзгарандаги янги мувозанат.

Агар алюминий нархи ошса, мисга бўлган талаб ошади. Бошқа томондан бензин автомобилга нисбатан тўлдирувчи товар бўлади, яъни улар биргаликда ишлатилади. Демак, бензин нархининг камайиши ёки ошиши автомобилга бўлган талабни оширади ёки камайтиради. Шу сабабли, бир-бирининг ўрнини босадиган товарлардан бирининг нархини ошиши ёки тўлдирувчи товарлардан бирининг нархини камайиши хам талаб чизиғини ўнга силжишга олиб келади.

Кўпгина бозорларда бир вақтнинг ўзида ҳам талаб, ҳам таклиф эгри чизиклари ўзгариб туради. Иқтисодий ўсиш юқори бўлганда истеъмолчилар даромади юқори бўлади, акс ҳолда даромадлар ҳам камаяди. Баъзи бир товарларга бўлган талаб ҳам вақт бўйича ўзгаради, масалан, мавсумлар бўйича товарларга талаб; бир-бирини ўрнини босадиган товарлардан бирининг нархини ўзгариши; дид ва моданинг ўзгаришига караб талабнинг ўзгариши. Худди шундай, вақт бўйича иш хаки, хом ашё нархи, капитал маблаг қўйишлар хам ўзгаради, натижада бу ўзгаришлар таклифга жиддий таъсир қилади.




6-расм. Таклиф ва талабдаги ўзгариш натижасидаги янги мувозанат графиги.

Таклиф ва талаб эгри чизиклари бундай ўзгаришлар окибатини таҳлил қилишга ёрдам беради. 6-расмда ҳам талаб, хам таклиф чизикларининг ўнга силжишлари келтирилган. Бу силжишлар, нархни $P_1$ дан $P_2$ га ошишига ва товар ишлаб чиқаришни эса, $Q_1$ дан $Q_2$ га ошишига олиб келади. Талаб ва таклифдаги ўзгаришларнинг миқдори ва йуналишларини

олдиндан айтиб бериш учун, талаб билан таклифнинг нархдан ва бошқа параметрлардан боғланганлигини миқдорий жиҳатдан ифодаламоқ керак.

### 3. Талаб ва таклиф функциялари. Бозор мувозанати

Замонавий иқтисодиёт назариясини ва у ўрганадиган иқтисодий жараёнларнинг миқдорий муносабатларини ўрганиш учун математик инструментдан кенгрок фойдаланишни такозо қилади. Ҳозирги вақтда иқтисодчилар иқтисодий жараёнларни ўрганишда модел тушунчасидан кенг фойдаланмокдалар.

***Модел*** деганда, иқтисодий жараённинг схемаси, лойихаси, математик формулалар билан ифодаланиши тушунилади. Бу ерда кенгрок ишлатиладиган моделлардан бири иқтисодий-математик моделлардир. Иқтисодий математик моделлар, иқтисодий жараёнларнинг миқдорий муносабатларини функция, тенглама, тенгсизликлар оркали ифодалайди.

***Функция*** - бу математик тушунча булиб, боғлиқ ўзгарувчи билан эркин ўзгарувчилар ўртасидаги миқдорий боғлиқликни ифодалайди.

Агар функция битта боғлиқ ўзгарувчи билан, битта эркин ўзгарувчи ўртасидаги боғлиқликни ифодаласа, унга бир ўзгарувчили функция дейилади ва у қўйидагича ёзилади:

$$y = f(x)$$

Агар функцияда эркин ўзгарувчилар сони $n$-та $(n>1)$ бўлса, $x_1, x_2, ..., x_n$, у ҳолда $n$ ўзгарувчили функцияни оламиз:

$$y = f(x_1, x_2, ..., x_n)$$

Бир ўзгарувчили функцияга мисол сифатида нархга боғлиқ бўлган талаб функциясини карашимиз мумкин:

$$Q^D = f(P)$$

бу ерда: $Q^D$ - талаб миқдори; $P$ - бир бирлик маҳсулот нархи.




7-расм. Чизикли талаб графиги.

Чизиқли талаб функциясининг графиги қуйидаги тартибда аниқланади. Нарх $P=0$ бўлганда, талаб $Q^D = a$ бўлади . Нарх $P = \frac{a}{b}$ га тенг бўлганда, талаб $Q^D = 0$ бўлади.

Олинган қийматлар графикда ифодаланиб, талаб чизиғи графигини оламиз: талаб функцияси чизикли бўлгани учун, нарх $P$ нолдан $\frac{a}{b}$ гача ўзгарганда, талаб $Q^D$ нинг қиймати $AB$ тўғри чизиғи устида ётади (7-расм).

Энди юқорида келтирилган талаб функцияси графигини чизамиз (8-расм).

$P = 0$ бўлганда, талаб қиймати $Q^D = 24$ га тенг (графикда у $B$ нукта билан белгиланган). Товар нархи $P = 40$ га тенг бўлганда, талаб миқдори $Q^D = 0$ га тенг бўлади (графикда бу $A$ нукта).

$A$ нукта билан $B$ нуктани туташтирувчи тўғри чизик берилган функция учун **талаб чизиғини** беради.




8-расм. Талаб функциясининг графиги.

Кўп ўзгарувчи талаб функцияси, талаб миқдорини унга таъсир қилувчи бир неча омиллар асосида аниқлайди.

Таклифнинг таклиф чизиғи буйича ўзгаришига, *таклиф миқдорининг ўзгариши* дейилади. Таклиф миқдорининг ўзгариши, яъни таклифнинг таклиф чизиғи буйича ўзгариши, фақат нарх таъсири остида бўлади. Нархдан бошқа таклифга таъсир қилувчи омиллар таклиф чизиғини унга пастга ёки чапга-юқорига силжитади. Таклиф чизиғининг ўнга ёки чапга силжишига *таклифнинг ўзгариши* дейилади.

Таклиф миқдори нархдан ташқари бошқа омилларга хам боғлиқдир:

- ишлаб чиқариш технологияси, (технология даражасининг ўсиши, таклиф чизиғини ўнга силжитади, нима учун деганда, янги технология ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиради ва ишлаб чиқарувчи берилган нархда кўпрок маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади);
- ресурслар нархи (ресурслар нархи ошганда, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ошади, натижада берилган нархда ишлаб чиқарувчи камрок маҳсулот ишлаб чикариб, таклиф қилади, натижада таклиф чизиғи чапга силжийди, ресурслар нархи камайганда, юқоридаги холатнинг акси бўлади, яъни таклиф ошади, натижада таклиф чизиғи ўнга силжийди);
- ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар сони ошганда (ишлаб чиқарувчилар сонининг ошиши, умумий таклиф чизиғини ўнга силжитади);
- соликлар ва дотациялар (соликнинг ортиши натижасида, таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори камаяди, шу сабабли таклиф чизиғи чапга силжийди; дотация берилганда юқоридагининг акси бўлади, яъни таклиф чизиғи ўнга силжийди).

Кўп омилли таклиф функцияси қуйидаги куринишда бўлади:

$$Q^S = \varphi\left(P, T, P_p, C, D, N, B\right)$$

бу ерда $Q^S$ - таклиф миқдори; $P$ - товар нархи; $T$ - технология даражаси; $P_P$ - ресурслар нархи; $C$ - солик ставкаси; $D$ - дотация миқдори; $N$ - ишлаб чиқарувчилар сони; $B$ - бошқа омиллар.

**Талаб ва таклиф қонунлари.** Таклиф қонунига кўра, нархдан бошқа омилларнинг таъсири ўзгармаса нархнинг ($P$) ўсиши билан, таклифнинг ($Q^S$) миқдори ўсади, таклиф функцияси ўсувчидир.

**Мувозанат нарх** $P_e$ (9-расм) деб, шундай нархга айтиладики, у бозорда таклиф қилинадиган неъмат миқдори $Q^S$ ни унга бўлган бозордаги талаб миқдори $Q^D$ га тенглаштирса.




9-расм. Мувозанат нарх ва мувозанат ишлаб чиқариш.

9-расмдан кўриниб турибдики, бозор мувозанати ягона. Талаб ва таклиф чизиғиклари ягона мувозанат $E$ нуқтада кесишади. $P_e$ ва $Q_e$ нукталар, мувозанат нукта $E$ нинг координаталари хисобланади.

Бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгариши, бозор мувозанатини ўзгаришига олиб келади. Масалан, бозордаги талаб ошса, (талаб чизиғи ўнга силжиганда) мувозанат нарх $P_e$ ва мувозанат товар хажми $Q_e$ ўсади. Агар бозор талаби камайса (талаб чизиғи чапга силжиса), $P_e$ ва $Q_e$ лар хам камаяди. Бозор таклифи ошса (таклиф чизиғи ўнга силжиса), мувозанат нарх $P_e$ камаяди, мувозанат товар хажми $Q^S$ ўсади. Агар бозор таклифи камайса (таклиф чизиғи $S$ чапга силжиса), мувозанат нарх $P_e$ ўсади, мувозанат товар хажми $Q^S$ камаяди (10, 11-расмлар).

Агар таклиф ва талаб чизиклари бир вақтнинг ўзида силжишса, мувозанат нарх $P_e$ ва мувозанат миқдор $Q_e$ ларнинг ўзгариши хар хил бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган бозор модели статик бўлиб, у маълум вақт оралиғини олади (масалан, у бир ойга, бир йилга тенг бўлиши мумкин). Бундай бозор моделида ўзгарувчилар вақтга боғлиқ эмас.



10-расм. Талаб чизиғининг силжиши 11-расм. Таклиф чизиғининг силжиши

Моделда талаб, таклиф ва нархларнинг боғлиқликларини вақт ўзгариши билан боғласак, модел динамик моделга айланади. Фараз қилайлик, маълум вақт оралиғида (масалан, бу оралиқ бир ой булсин) бир бирлик товарнинг бозор нархи $P(t)$ бўлсин (яъни, товар нархи бир ой ичида ўзгармайди). Товарнинг бозор нархи $P(t)$ мувозанат нархга тенг булиши ҳам, тенг бўлмаслиги ҳам мумкин.

Агар биз $T$ вақт оралиғини карасак, у ҳолда $t = 1,2,...,T$ қийматларни қабул қилади. $P(1), P(2),..., P(T)$ - нарх траекториясини ёки динамик модел траекториясини беради.

Битта маҳсулот учун бозорнинг динамик моделини караймиз.

Моделда талаб чизиғини $D$ ва таклиф чизиғи $S$ вақт ўзгариши билан ўзгармайди, деб фараз қилайлик Талаб функцияси $Q^D(t)$ ва таклиф функцияси $Q^S(t)$ нарх $P(t)$ га боғлиқ. Бу ерда $P(t)$ $t$ - ораликдаги нарх, $P(t-1)$ - олдинги $P(t-1)$ - ораликдаги нарх. Талаб функцияси:

$$Q^D(t) = a_0 - a_1 \cdot P(t)$$

бу ерда $a_0, a_1$ - ўзгармас параметрлар.

Таклиф функцияси:

$$Q^S(t) = b_0 + b_1 \cdot P(t-1)$$

бу ерда $b_0, b_1$ - ўзгармас параметрлар.

Мувозанат нарх қуйидаги кайтариладиган боскичлар бўйича аниқланади:

1. Талаб ва таклиф чизиқлари графиги чизилади (у горизонтал ўқ бўйича нарх $P$ қўйилади, вертикал ўқ бўйича таклиф ва талаб қилинган маҳсулот миқдори $Q$);

2. Бошланғич вақт оралиғи $t = 1$ бўйича таклиф миқдори $Q^S(t)$, бошлангич нарх $P(1)$ га кўра аниқланади, (бошланғич нарх $P(1)$) олдиндан сотувчи томонидан берилади;

3. $t = 2$ оралиқ учун нарх $P(2)$ мувозанатлик шартидан аниқланади.

$$Q^D(2) = Q^S(2)$$
$$a_0 - a_1 \cdot P(2) = b_0 + b_1 \cdot P(1)$$

Нарх $P(1)$ маълум бўлгани учун, юқоридаги тенгликдан $P(2)$ аниқланади; $t = 2$ учун $P(2)$ аниқланганидан кейин юқоридаги иккинчи ва учинчи боскичлар такрорланиб, $P(3)$ аниқланади ва хоказо.

Хисоб-китобларнинг тўхташ шарти $P(t) = P(t-1)$ бўлиб, бу шарт баржарилса, мувозанат нарх $P_e = P(t) = P(t-1)$ кўринишида аниқланади.

Такрибий баҳолаш: Агар $\lim_{t\to\infty} |P(t) - P(t-1)| < \varepsilon$ бўлса, $P(t) = P_e$ деб караш мумкин.

Умуман олганда бозорнинг динамик моделида бозор нархи $P(t)$ нинг ўзгариши уч хил вариантга олиб келиши мумкин:

1. Вақт ўтиши билан бозор нархи $P(t)$ нинг мувозанат нархдан четланиши камайиб боради;

2. Бозор нархи мувозанат нархдан узоқлашиб боради;

3. Бозор нархи мувозанат нарх атрофида тебраниб туради ва бозор мувозанатига хеч вақт эришилмайди.

**Мувозанатлашган баҳо деб** - талаб хажми таклиф хажмига мос келгандаги баҳо тушунилади. Бозорда мувозанатлашаган баҳода сотиладиган Q миқдордаги товарга мувозанатлашган миқдордаги товар дейилади. Е координатасидаги QE=Q=QD бўлади.
Бунда QE – таклиф хажми, QD – талаб хажми.

Мувозанатлашган ҳолатида бозор баланслашган бўлиб, сотувчида ҳам, харидорда ҳам уни бузиш учун ҳаракат бўлмайди. Бозор баланслашмаган холатда бозордаги холатни ўзгартириш хохиши пайдо бўлади. Фараз қилинг, хакикий бозор баҳоси мувозанат баҳодан катта булсин, яъни Р> Ре . Бундай баҳода талаб хажми QDга, таклиф хажми QS га тенг. Бу холатда ишлаб чиқарувчилар товар нархини бирмунча камайтиришни лозим топадилар.

Хакикий баҳонинг мувозанатлашган баҳодан паст бўлган холатига каралса, унда талаб хажми (QD) таклиф хажми (QS) дан юқори. Айрим харидорлар товарни юқори нархда харид қилишни муносиб топади. Натижада талабнинг ортикчалиги (яъни QD>QS) товарнинг баҳоси (Р) нинг ошишига таъсир қилади. Бундай жараён нарх бир жойга бориб тўхтамагунча, яъни талаб хажми билан таклиф хажми тенг келгунча давом этаверади. Мувозанат холатида хар қандай четга чикиш бозорни дастлабки холатига кайтарувчи кўрсаткичларни ҳаракатга келтиради.

### 4. Товарнинг максимал ва минимал баҳоси

Баъзи вақтларда бозор нархи давлат томонидан ўрнатилади. **Нарх максимал дейилади**, агар ўрнатилган нарх $\widetilde{P}$ мувозанат нархдан кичик бўлса $\widetilde{P} < P_e$ ($P_e$ - мувозанат нарх) ва нархни максимал нарх $\widetilde{P}$ дан юқори белгилаш таъқиқланса. Максимал нарх баъзи бир маҳсулотларга аҳолини ушбу маҳсулот билан маълум даражада таъминлаш мақсадида давлат томонидан ўрнатилади. Талаб ва таклиф назариясига кура, максимал нархнинг ўрнатилиши маҳсулот танқислигига олиб келади (12-расм).




12-расм. Нарх максимал бўлганда маҳсулот танқислиги.

Товар танқислигини давлат ўз захирасидан маҳсулотни бозорга чиқариш йули билан ечади, яъни ўз захирасидаги $Q^D - Q^S$ миқдорда маҳсулот чикариб талаб ва таклифни тенглаштиради.



13-расм. Нарх минимал бўлганда маҳсулот ортикчалиги.

Агар сотувчиларга товарни максимал нарх $\widetilde{P}$ дан юқори нархда сотишга рухсат булмаса, таклиф $Q^S$ миқдор билан чегаралангани учун, норасмий бозор (хуфёна бозор) вужудга келади (расмда бу $E_D$ нукта оркали ифодаланган ва бу бозорда товар норасмий бозор нархи $P_{\text{н}}$ да сотилади; $P_{\text{н}}$ мувозанат нархдан анча юқори булиши мумкин).

Маҳсулотнинг нархи $\breve{P}$ **минимал нарх дейилади,** агар минимал нарх мувозанат нархдан катта бўлса, $\breve{P} > P_e$ ($P_{\text{е}}$-мувозанат нарх) (13-расм) ва нарх $\breve{P}$ ни пасайтириш мумкин булмаса.

Бундай минимал нарх давлат томонидан, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарувчиларни химоя қилиш учун ўрнатилади. Минимал нархнинг ўрнатилиши, ортикча маҳсулотнинг вужудга келишига олиб келади ёки маҳсулотлар сотилмасдан омборларда тўпланиб қолишига олиб келади. Бу вазият 13-расмдаги графикда келтирилган, ортикча маҳсулот хажми $Q^S - Q^D$ га тенг. Графикдаги $E'$ нукта ортикча маҳсулотни норасмий равишда мувозанат нархдан паст нархда ($P_{\text{н}}$ нархда) сотилиши мумкин бўлган вазиятни кўрсатади. Шундай қилиб, талаб ва таклиф модели оркали бозор нархларини ўзгартиришнинг окибатларини чукур таҳлил қилиш мумкин.

## I.
## J. Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Талаб ва таклиф чизиқлари тушунчаси.
2. Талаб ва таклифга таъсир этувчи омилларни таърифланг.
3. Бозор мувозанати нимани ифодалайди.
4. Минимал ва максимал нархлар ўрнатилишининг қандай окибатларга олиб келишини таърифлаб беринг.
5. Бозорнинг динамик моделини таърифлаб беринг.

## 3- МАВЗУ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ЭЛАСТИКЛИГИ

**Дарс мақсади:** Талаб ва таклиф эластиклиги ва унинг истеъмолчи ва солиққа таъсирини талабаларга тушунтириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** эластиклик, ёйсимон эластиклик, кесишган талаб эластиклиги, Энгель чизиқлари, солиқ юки.

**Асосий саволлар:**

12. Эластиклик тушунчаси, нархга боғлиқ талаб эластиклиги.

13. Нуқтавий, ёйсимон ва кесишган талаб эластиклиги.
14. Таклиф эластиклиги.

## 1. Эластиклик тушунчаси, нархга боғлиқ талаб эластиклиги.

Маълумки, товарга бўлган талаб, унинг нархига, истеъмолчи даромадига ва бошқа товарлар нархига боғлиқдир. Худди шундай, таклиф товар нархига ва товарни ишлаб чиқариш ҳаражатига боғлиқ.

Масалан, лимоннинг нархи ошса, унга талаб камаяди. Лекин, биз шу товарга талабни ёки таклифни миқдорий жихатдан ўсиши ёки камайишини билмокчимиз. Агар лимон нархи 15% га ошса, унга бўлган талаб қанчага ўзгаради? Ёки даромад 10% га ошгандаги талаб қанчага ўзгаради? Бундай саволга жавоб бериш учун, эластиклик тушунчасидан фойдаланамиз.

**Эластиклик - бир ўзгарувчининг бошқа бир ўзгарувчи таъсири остида ўзгаришини ўлчайдиган ўлчов**; аниқрок қилиб айтганда, бирор ўзгарувчининг бир фоизга ўзгариши натижасида бошқа бир ўзгарувчининг маълум фоиз миқдорга ўзгаришини кўрсатадиган сондир.

Бунга энг мухим мисоллардан бири булиб, **нархга боғлиқ бўлган талаб эластиклиги**дир. Бу эластиклик товар нархининг бир фоизга ўзгариши, унга бўлган талабнинг неча фоизга ўзгаришини кўрсатади.

Бу кўрсаткични туликрок кўриб чикамиз. Нархга боғлиқ талаб эластиклигини қуйидагича ёзамиз:

$$E_p^D = \frac{(\Delta Q\%)}{(\Delta P\%)}, \qquad (1)$$

бу ерда $\Delta Q\%$ - $Q$ нинг фоиз буйича ўзгариши; $\Delta P\%$ - $P$ нинг фоиз ўзгариши.

Шуни эслатиш лозимки, фоиздаги ўзгариш, ўзгарувчининг абсолют ўзгариши, яъни ўзгарувчининг олдинги даражасига нисбатидир, яъни:

$$\Delta Q\% = \frac{\Delta Q}{Q}\cdot 100\%; \qquad \Delta P\% = \frac{\Delta P}{P}\cdot 100\%.$$

Демак,

$$E_p = \frac{\frac{\Delta Q}{Q}\cdot 100\%}{\frac{\Delta P}{P}\cdot 100\%} = \frac{P}{Q}\cdot\frac{\Delta Q}{\Delta P}. \qquad (2)$$

Агар талаб ўзлуксиз функция сифатида, яъни $Q^D = f(P)$ куринишида берилган бўлса, унинг эластиклик коэффициенти қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$E_p == \frac{\Delta Q}{\Delta P}\cdot\frac{P}{Q} = f'(P)\cdot\frac{P}{Q}.$$

Нархга боғлиқ талаб эластиклиги манфийдир, яъни $E_p < 0$. Товар нархи ошганда, унга талаб камаяди, шунинг учун $\frac{\Delta Q}{\Delta P} < 0$. (2) тенгламадан келиб чиқадики, нархга боғлиқ талаб эластиклиги, нархнинг товар миқдорига нисбатининг $\left(\frac{P}{Q}\right)$ бирлик нархга тўғри

келадиган товар бирлиги ўзгаришига $\left(\frac{\Delta Q}{\Delta P}\right)$ кўпайтиришдан хосил бўладиган миқдорга тенг. Лекин, талаб эгри чизиғи буйича юрганда $\frac{\Delta Q}{\Delta P}$ ўзгариши ёки ўзгармаслиги мумкин, нарх ва товар миқдори эса хар доим ўзгариб боради. Демак, нархга боғлиқ талаб эластиклиги талаб чизиғининг алохида нуктасида ўлчанади ва эгри чизик бўйича силжиганимизда, у ўзгариб боради.

### 2. Нуқтавий, ёйсимон ва кесишган талаб эластиклиги

Реал статистик маълумотларга кура, нуктавий ва ёйсимон эластиклик коэффициентларини аниқлаш мумкин, **нуқтавий эластиклик**

$$E_D = \frac{\frac{Q_2^D - Q_1^D}{Q_1^D}}{\frac{P_2 - P_1}{P_1}};$$

Нарх буйича талаб эластиклигиин аниқлашда $P_1$ ва $P_2$ нархлардан ва талаб қилинадиган товар миқдорлари $Q_1$ ва $Q_2$ дан кайси бирларини бошланғич қиймат сифатида олиш маълум кийинчилик туғдиради.

**Бир хил нарх ва талаб миқдори оралиқларида талабни нархга кўра эастиклик коэффициентининг хар хил қийматларини оламиз. Ушбу қулайсизликни йукотиш мақсадида ёйсимон эластиклик формуласидан фойдаланишга ўтилган. Юқоридаги мисолда келтирилган маълумотлар буйича талабнинг эластиклик коэффициентини** ёйсимон эластиклик **формуласи ёрдамида иккала хол учун хам аниқлаймиз:**

Биринчи хол:

$$E_D = \frac{2000-4000}{\frac{4000+2000}{2}} \div \frac{1000-900}{\frac{900+1000}{2}} = -6{,}33$$

Иккинчи хол:

$$E_D = \frac{4000-2000}{\frac{2000+4000}{2}} \div \frac{900-1000}{\frac{1000+900}{2}} = -6{,}33$$

**Ёйсимон эластиклик формуласи иккала хол учун хам бир хил натижани беради. Шунинг учун хам амалда ёйсимон эластиклак формуласидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.**

Таклифни нархга кЎра эластиклиги **деганда товар нархини бир фоизга ўзгариши таклиф миқдории неча фоизга ўзгаришини билдиради. Аниқрок қилиб айтадиган бўлсак, товар нархини бир фоизга ортиши (камайиши) товар таклифи миқдорини неча фоизга ортиши (камайишини) билдиради ва у қуйидагича аниқланади:**

**Таклиф функция куринишида берилган бўлса, яъни** $Q_S = \varphi(P)$

$$E_S^P = \frac{\Delta Q_5}{Q_4} \div \frac{\Delta P}{P} = \frac{\Delta Q_5}{\Delta P} \cdot \frac{P}{Q_5}$$

**$E_S^P$- таклиф эластиклиги коэффициенти; P – товар нархи; $Q_S$ – таклиф миқдори.**

**Таклиф миқдори ва товар нархи статистик маълумотлар куринишида бўлса,**

$$E_S = \frac{\frac{Q_2^S - Q_1^S}{Q_1^S}}{\frac{P_2 - P_1}{P_1}}$$

Бу ерда $Q_1$, $P_1$ – таклифни ва нархни бошланғич қийматлари; $Q_2$, $P_2$ – таклифни ва нархни ўзгарган қийматлари;

**ёйсимон эластиклик**

$$E_D = \frac{\left(\left(Q_2^D - Q_1^D\right) \Big/ \left(Q_1^D + Q_2^D\right)/2\right)}{\left(\left(P_2 - P_1\right) \Big/ \left(P_1 + P_2\right)/2\right)}.$$

Бу ерда $Q_1^D$ ва $P_1$ талабнинг ва товар нархининг бошланғич қийматлари, $Q_2^D$ ва $P_2$ - талабнинг ва товар нархининг ўзгарган қийматлари.

Ёйсимон эластиклик хисобланганда, $Q^D$ ва $P$ ларнинг базис кўрсаткичлари сифатида, уларнинг бошланғич ва ўзгарган қийматларининг ўртача қийматлари олинади.

Эластиклик коэффициенти қийматига караб талабни эластик, ноэластик ва бирлик эластикликка эга бўлган талабларга ажратиш мумкин.

Агар талабнинг нарх буйича эластиклик коэффициенти $|E_D| > 1$ **бўлса, талаб эластик дейилади.**

Агар талабнинг нарх буйича эластиклик коэффициенти $|E_D| < 1$ **бўлса, талаб ноэластик дейилади.**

Агар талабнинг нарх буйича эластиклик коэффициенти $|E_D| = 1$ **бўлса, талаб бирлик эластикликка эга дейилади.**

Мисол тарикасида чизикли талаб функциясини карайлик:

$$Q = a - b \cdot P.$$

Бу чизикли функция учун $\frac{\Delta Q}{\Delta P} = -b$ булиб, у ўзгармасдир. Лекин бу чизик ўзгармас эластиклик коэффициентига эга эмас. 1-расмдан кўриниб турибдики, агар биз чизиқ бўйича пастга караб юрсак $\frac{P}{Q}$ миқдор камайиб боради, натижада эластиклик миқдори хам камаяди.





1-расм. Чизиқли талаб чизиғи.

Чизикли талаб функциясининг эластиклик коэффициенти қуйидагига тенг:

$$E_p = -b \cdot \frac{P}{Q}.$$

Талаб чизиғи нарх ўқи билан кесишганда $Q \to 0$ ва $E_p = -\infty$ бўлади; $Q = \frac{a}{2}$; $P = \frac{a}{2b}$ да $E_p = -b \cdot \left( \frac{\left( a \diagup 2b \right)}{\left( a \diagup 2 \right)} \right) = -1$. Талаб чизиғи товар миқдори ўқи билан кесишганда $P = 0$ ва $E_p = 0.$

$\frac{\Delta Q}{\Delta P}$ - чизикнинг тангенс бурчак ётиклигини беради. Шу сабабли, талаб чизиғи қанча тик бўлса, талаб эластиклиги шунча кичик бўлади.

Қуйидаги 2-3-расмларда эластикликнинг ўзига хос алохида куринишлари келтирилган.

2-расмда эластиклиги чексиз бўлган талаб чизиғи келтирилган. Бу ҳолда ягона нарх $P^*$ булиб, истеъмолчилар шу нархда маҳсулот сотиб олишади. Нархни хар қандай кичик ошиши, талабни нолга туширади ва нархнинг $P^*$ даражадан хар қандай камайиши, талабни чексиз ошиб кетишига олиб келади.

3-расмдаги талаб чизиғи мутлако эластик эмас. Истеъмолчилар нархдан катъий назар белгиланган миқдорда $Q^*$ товар сотиб олишади.




2-расм. Эластиклиги чексиз бўлган талаб функцияси




3-расм. Эластик бўлмаган талаб функцияси

Талаб эластиклиги нархдан ташқари, даромадга хам боғлиқдир. Кўпгина товарларга талаб, истеъмолчилар даромади ошганда ошади. Даромад буйича эластиклик, бу даромад $R$ (*Revenue*)ни бир фоизга ўзгариши талаб қилинган товар $Q$ ни неча фоизга ўзгаришини билдиради:

$$E_R^D = \frac{\Delta Q / Q}{\Delta R / R} = \frac{R}{Q} \cdot \frac{\Delta Q}{\Delta R}. \qquad (3)$$

Товарлар даромадга боғлиқ талаб эластиклигига кура қуйидагиларга булинади: **нормал товарлар, агар** $E_R > 0$ **бўлса; юқори категорияли товарлар, агар** $E_R > 1$ **бўлса; қўйи категорияли товарлар, агар** $E_R < 0$ **бўлса.**

Агар $0 < E_R \le 0{,}5$ бўлса бундай товарлар бирламчи эҳтиёжни кондирувчи товарлар хисобланади.

**Кесишган талаб эластиклиги.** Битта товарга бўлган талабга бошқа бир товарнинг нархи таъсир кўрсатади. Бундай боғлиқликдаги талаб ўзгаришига **нархга боғлиқ кесишган талаб эластиклиги дейилади. Кесишган талаб эластиклиги** - бу бошқа товарлар нархи бир фоизга ўзгарганда, талаб қилинадиган товарга талабнинг неча фоизга ўзгаришини билдиради:

$$E_{Q_1 / Q_2} = \frac{\Delta Q_1 / Q_1}{\Delta P_2 / P_2} = \frac{P_2}{Q_1} \cdot \frac{\Delta Q_1}{\Delta P_2}, \qquad (4)$$

бу ерда $Q_1$ - биринчи товар миқдори;

$P_2$ - иккинчи товар нархи.

Статистик маълумотлар учун:

$$E_{Q_1 / Q_2} = \frac{Q_1^2 - Q_1^1}{\frac{Q_1^1 - Q_1^2}{2}} \div \frac{P_2^2 - P_2^1}{\frac{P_2^1 + P_2^2}{2}}.$$

$Q_1^1$, $Q_2^1$ - биринчи товарга бўлган талабнинг бошлангич ва ўзгарган қийматлари.

$P_2^1$ , $P_2^2$ - иккинчи товарнинг бошлангич ва ўзгарган нархлари.

Нархи $P_в$ буйича кесишган эластиклиги $E_{Q_п / P_в}$ қуйидагича:

$$E_{Q_п / P_в} = \frac{\Delta Q_п / Q_п}{\Delta P_в / P_в} = \frac{P_в}{Q_п} \cdot \frac{\Delta Q_п}{\Delta P_в}$$

Баъзи бир товарлар, ***тўлдирувчи*** товарлар хисобланади ва улар биргаликда ишлатилади, шу сабабли бирортаси нархининг ўсиши, иккинчи товар истеъмолини камайтиради. Бунга мисол тарикасида бензин билан автомобиль мотори ёғини олиш мумкин. Агар бензин нархи ошса, бензин истеъмоли камаяди, нима учун деганда, автомобиль хайдовчилар машинада камроқ юра бошлайди. Аммо, мотор мойига хам талаб

камаяди (Мотор мойига талаб эгри чизиғи чап томонга силжийди). Шундай қилиб, мотор мойининг бензинга нисбатан эластиклиги манфийдир. Яна бир эслатиб ўтамиз, бозор талабининг асосий детерминантлари, яъни талаб чизиғи холатини ўзгартирувчи, ёки талабдаги ўзгаришни келтириб чиқарувчи детерминантлар қуйидагилар: истеъмолчининг диди ва афзал куриши; бозордаги истеъмолчилар сони; истеъмолчилар даромади; бир-бирини ўрнини босувчи, тўлдирувчи товарлар; келажакда бўладиган нарх ва даромадларга нисбатан истеъмолчининг кутиши.

### 3. Таклиф эластиклиги

**Таклифнинг нарх буйича эластиклиги** - бу нархнинг бир фоиз ўзгаришига жавобан, таклиф қилинадиган товарнинг миқдорини фоиз буйича ўзгаришини билдиради. Бундай эластикликнинг қиймати мусбат бўлади, нима учун деганда, ишлаб чиқарувчилар учун юқори нарх, уларни кўпрок маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантиради.

$$E_P^T = \frac{\Delta Q^S / Q^S}{\Delta P / P} = \frac{P}{Q^S} \cdot \frac{\Delta Q^S}{\Delta P},$$

бу ерда $Q^S$ - товар таклифи; $P$ - товар нархи.

Статистик маълумотларга кўра таклиф эластиклиги қуйидагича хисобланади:

$$E_S^P = \frac{Q_2^S - Q_1^S}{Q_1^S} \div \frac{P_2 - P_1}{P_1}.$$

Бу ерда хам, таклиф эластиклиги ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи омиллар бўйича каралиши мумкин: фоиз ставкаси; иш хаки; хом ашё, яримфабрикатлар нархи. Масалан, кўпгина саноат маҳсулотлари учун хом ашё, ярим фабрикатлар нархига нисбатан таклиф эластиклиги манфийдир. Хом ашё нархининг ошиши фирмалар ҳаражатларининг ошишини билдиради, шу сабабли бошқа шарт-шароитлар ўзгармаганда таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори камаяди.

Таклиф чизиғи холатини силжишига олиб келадиган детерминантлар қуйидагилар: ресурслар нархи; ишлаб чиқариш технологияси; солик ва дотациялар; бошқа товарлар нархи; нарх ўзгаришини кутиш; бозордаги сотувчилар сони.

Шундай қилиб, агар талаб эластик булмаса, нархнинг ўсиши даромадни ўсишига, камайиши, даромадни камайишига олиб келади ва бундай ҳолда сотувчилар фақат нархни ошириш оркали даромадни ошириши мумкин. Талаб эластик бўлганда, даромаднинг ўзгариши нархнинг ўзгаришига тескари бўлади ва сотувчилар бу ҳолда нархни пасайтириш оркали даромадни оширишлари мумкин. Талаб эластик бўлганда, нархнинг пасайиш суръатидан талабни ошиш суръати юкори бўлади, натижада даромад ошади. Талаб эластик бўлмаганда $\left(E_D < 1\right)$ нархнинг пасайиш суръати, талабнинг ўсиш суръатидан юқори бўлади, бу ўз навбатида даромадни пасайишига олиб келади.

Худди шундай, бюджет даромадини ошириш мақсадида, давлат корхоналари маҳсулотларининг нархи оширилса, агар ушбу маҳсулотларга талаб эластик булмаса, давлат бюджетига тушадиган маблаг камайиши мумкин. Темир йул транспорти чипталари нархи оширилса, чипталарга бўлган талабни камайтиради. Темир йул чипталарига бўлган талаб эластик бўлса, давлат бюджетига тушадиган тушум камаяди.

Назорат учун саволлар

4. **Эластиклик хакида тушунча бериб ўтинг.**
5. **Талаб эластиклиги нима? Унга таъсир этувчи омиллар.**

6. **Таклиф эластиклиги нима? Унга таъсир этувчи омиллар.**
7. **Солиқ юкини тушунтириб беринг.**

## 4- МАВЗУ. ИСТЕЪМОЛЧИ ТАНЛОВИ НАЗАРИЯСИ. ДАРОМАД ВА АЛМАШТИРИШ САМАРАСИ

**Дарс мақсади:** Истеъмолчи танлови назарияси моҳиятини, истеъмолчи танловига таъсир қилувчи омилларни талабаларга тушунтириш. Даромад самараси ва алмаштириш самараси мавзу моҳиятини очиб бериш. Даромад-истеъмол чизиғи, Гиффен самараси, паст категорияли товарлар ҳақида тушунча бериш, график мисолида ёритиш.

**Таянч сўз ва иборалар:** истеъмолчи танлови, нафлик, бефарқлик эгри чизиғи, чекли алмаштириш нормаси, бюджет чизиғи, истеъмолчи мувозанати.

**Асосий саволлар:**

1. Истеъмолчи танлови назарияси, нафлик функцияси.
2. Бефарклик эгри чизиғи. Бюджет чизиғи.
3. “Даромад-истеъмол” ва «Нарх-истеъмол» чизиқлари.
4. Даромад ва алмаштириш самараси.

### 1. Истеъмолчи танлови назарияси, нафлик функцияси

**Истеъмолчи танлови**. Бозор талабининг шаклланиши асосида шахсий (индивидуал) талаб ётади, яъни алохида истеъмолчининг талаби, хар бир шахс ўзининг физиологик эҳтиёжларини қондириш учун қандайдир маҳсулотдан, қанчадир сотиб олиши керак, сотиб олиш учун маълум миқдорда маблаги бўлиши керак. Бироқ, истеъмолчининг маблаги чегараланган. Истеъмолчи хар доим танлов олдида туради: кайси маҳсулотдан қанча олиши керак? Истеъмолчининг қарор қабул қилиши, мавжуд имконият доирасида максимал даражада ўз эҳтиёжини қондиришга, турмуш фаровонлиги даражасини оширишга ҳаракат қилади. Эҳтиёжларни қондириш даражаси ёки турмуш фаровонлиги даражаси **нафлик дейилади**.

**Неъматнинг нафлиги** - неъматнинг инсон эҳтиёжини кондира олиш хусусиятидир. Истеъмол назариясида неъмат - бу истеъмолчининг эҳтиёжини кондира оладиган хар қандай истеъмол объектидир.

Кўп холларда неъматлар якка тартибда эмас, балки мажмуа тартибда ёки «корзина» билан истеъмол қилинади.

Истеъмол назариясида истеъмолчилар маълум дидга, хохишга эга ва улар бу хохиш ва дидларини қаноатлантиришда бюджетлари (даромадлари) билан чегараланган. Бундай ҳолатда улар неъматлар мажмуаларидан, максимал наф келтирадиган мажмуани танлашга ҳаракат қилади.

Истеъмол назариясида истеъмолчининг даромади чегараланган; истеъмолчилар томонидан сотиб олинадиган неъмат нархи унинг миқдоридан боғлиқ эмас; истеъмолчилар нафлигини тўлик билади, истеъмолчи максимал наф берувчи неъматлар мажмуасини танлайди, деб фараз қилинади.

Истеъмол назарияси қуйидаги постулатларга асосланади:

1. **Истеъмолчилар барча неъматларни классификация қилади ва бир-бири билан солиштира олади.** Бошқача айтганда, истеъмолчи иккита $A$ ва $B$ неъматлар мажмуаларидан $A$ мажмуани $B$ га нисбатан кўпрок хохлаши ёки $B$ мажмуани $A$ га нисбатан кўпрок хохлаши ёки иккаласини хам нафлик даражаси бир хил деб, караши мумкин: агар $A$ мажмуа $B$ мажмуага нисбатан нафлирок бўлса, $A \succ B$. $B$ мажмуа $A$ га нисбатан нафлирок бўлса, $B \succ A$. Иккаласи хам бир хил даражадаги нафга эга бўлса $A = B$.

Шуни таъкидлаш керакки, бу танлаш мажмуалар қийматига боғлиқ эмас. Истеъмолчи апельсинни мандаринга нисбатан кўпрок хохлаши мумкин, лекин мандарин арзонрок бўлгани учун, истеъмолчи мандаринни сотиб олади.

2. **Истеъмолчи хохиши транзитивдир.** Агар истеъмолчи $A$ мажмуани $B$ га нисбатан кўпрок хохласа ва $B$ мажмуани $C$ мажмуадан кура кўпрок хохласа, унда у $A$ мажмуани $C$ мажмуага нисбатан кўпрок хохлаган бўлади, яъни:

$$A > B; \quad B > C; \Rightarrow A > C.$$

3. **Тўйинмаслик омили.** Истеъмолчи хар доим хар бир неъматнинг камрок кисмидан кўра, кўпрок кисмини олишни хохлайди (бу шарт ҳаётда хар доим хам бажарилавермайди).

**Нафлик функцияси.** Австрия иқтисодчилар мактаби намоёндалари К.Менгер, Е.Бём-Баверк, Ф.Визерлар биринчилар каторида талаб билан нарх, товар захираси ва унинг миқдори ўртасидаги боғлиқликни ўрнатишга уринганлар. Улар асослашича, чегараланган ресурслар шароитида, уларнинг хажми нархга таъсир қилувчи мухим омиллардан бири хисобланади. Улар кетма-кет истеъмол қилинадиган, бирор-бир неъматнинг нафи камайиш хусусиятига эга эканлиги тўғрисидаги қонуниятни аниқлашди. Масалан, чанкаган инсон бир стакан минерал сувни зўр хохиш билан ичади, иккинчи стакан сув унга биринчи стакан сувдай наф бермайди, учинчиси - иккинчисига нисбатан камрок наф беради ва хоказо. Бу охирги стакан сув берадиган наф нолга тенг бўлгунча давом этади. Бу ерда умумий (йигинди) наф ошиб боради, лекин хар бир кейинги стакан сувдан оладиган хусусий наф камайиб боради, натижада умумий нафликнинг камайиши кузатилади.

Истеъмолчи ҳаракатини аниқрок таҳлил қилиш учун нафлик функциясидан фойдаланамиз. **Нафлик функцияси** - истеъмолчининг истеъмол қиладиган неъматлар хажми билан, у ушбу неъматларни истеъмол қилиш натижасида оладиган нафлик даражасини ифодалайди.

Бизда қанча кўп неъмат бўлса, қўшимча бир бирлик неъмат киммати, биз учун шунча паст бўлади. Демак, неъматнинг нархи, унинг умумий нафлигига эмас, балки чекли нафлилиги билан белгиланади. Демак, нафлик функцияси, нафлик даражасини истеъмол қилинган неъматлар хажмига боғлиқлигини ифодалайди:

$$U = f(x_1, x_2, ..., x_n),$$

бу ерда $U$ - нафлик даражаси;

$x_1, x_2, ..., x_n$ - 1, 2, ..., $n$ - неъматлар хажми.

Нафлик функцияси оркали нафақат умумий нафликни ифодалаш мумкин, балки кетма-кет неъматдан қўшимча бир бирлик истеъмол қилиш натижасида оладиган қўшимча ўсган наф миқдорини ифодаловчи, чекли нафни хам аниқлаш мумкин.

**Чекли нафлик** - бу нафлик функциясидан бирор бир неъмат ўзгарувчиси буйича олинган хусусий хосиладир.

$$MU_i = \frac{\partial U}{\partial X_i},$$

бу ерда $X_i$ - $i$ -неъмат миқдори;

$MU_i$ - $i$ -неъмат буйича чекли нафлиқ

**Чекли нафлик** ($MU$) - бу бирор неъматдан қўшимча бир бирлик истеъмол қилиш натижасида (бошқа неъматлар истеъмоли ўзгармаганда) истеъмолчи томонидан олинадиган қўшимча наф.

Одатда, бирор-бир неъматни истеъмол қилиш ошганда (бошқа неъматлар истеъмоли хажми ўзгармаганда), умумий нафлик ўсади. Демак чекли нафлик мусбат.

$$MU > 0.$$

Лекин, шу билан бирга, бирор-бир неъматдан хар бир бирлик қўшимча истеъмол (бошқа неъматлар истеъмолга хажми ўзгармаганда) олдингисига нисбатан камрок наф беради ва неъматнинг бу хусусиятига ***чекли нафликнинг камайиш қонуни*** дейилади.

Математик тилда бу нафлик функциясининг иккинчи тартибли хосиласи нолдан кичик дегани:

$$\left(MU\right)' = \frac{\partial^2 U}{\partial X^2} < 0 .$$

Талабни аниқлашнинг асосида чекли нафлигининг камайиш қонуни ётади. Маълумки, истеъмолчи учун неъматнинг чекли нафлиги камайиб боради ва ишлаб чиқарувчилар қўшимча бирлик маҳсулот сотишлари учун неъмат нархини пасайтиришлари керак бўлади. Умумий нафлик билан чекли нафликнинг ўзгариши қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).




1-расм. Умумий нафлик ва чекли нафликнинг ўзгариши.

1-расмдан кўриниб турибдики, неъмат миқдори $Q$ нинг ошишига, умумий нафлик $U$ нинг ошиши тўғри келади (*а*-расм). Неъмат миқдори $Q$ ошганда умумий наф ошгани билан, чекли наф ( $MU$ - хар бир қўшимча бирлик неъматнинг нафи) камайиб боради (*б*-расм). Максимал нафлик $Q^*$ нуктада эришилганда, бу нуктада чекли нафлик ( $MU$ ) нолга тенг бўлади.

Истеъмолчининг энг яхши истеъмол неъматлар мажмуини танлашини, неъматлар тури иккита бўлган хол учун караймиз. Умуман олганда бу таҳлилни кескин даражада чекламайди. Хақиқатдан хам истеъмолчи танловини берилган неъмат билан бошқа колган барча неъматлар ўртасида карасак хам бўлади. Иккита неъмат учун нафлик функцияси қуйидаги куринишга эга (2-расм).

Расмда келтирилган нафлик функцияси $U = U(X_1, X_2)$ нинг графигида функциянинг $U_1$ ва $U_2$ қийматларига тўғри келувчи чизиклар келтирилган. Масалан, $ABC$ чизиғи нафлик функциясининг $U_1$ қийматига мос келади ва шу $ABC$ чизикнинг хар бир нуктасига мос келувчи $X_1$ ва $X_2$ неъматлар миқдори комбинациялари бир хил даражадаги нафлик $U_1$ ни таъминлайди.




$U = U(X_1, X_2)$

2-расм. Икки ўзгарувчили нафлик функцияси графиги.




3-расм. Бефарклик эгри чизиклари.

Графикдаги $ABC$ чизикнинг $X_1 0 X_2$ текисликдаги проекцияси $A_1B_1C_1$ эгри чизик нафлик функциясининг $U_1$ қийматига тўғри келувчи бефарк эгри чизиғи дейилади. Нафлик функциясининг $U_1$ ва $U_2$ қийматларига мос келувчи бефарқ чизиқлар қуйидаги кўринишга эга (3-расм).

## 2. Бефарклик эгри чизиғи. Бюджет чизиғи

**Бефарклик эгри чизиғи** - бу истеъмолчи учун бир хил наф берувчи неъматлар комбинацияларини ифодалайди. Фараз қилайлик, $X_1$ - кока-кола, $X_2$ - фанта ичимлиги.

4-расмдаги графикда битта кока-кола билан учта фанта ичимлиги ($A$ нукта) берадиган наф, 2 та кола билан 2 та фанта ичимлиги ($B$ нукта) берадиган нафга тенг. Демак, бефарклик эгри чизиғи бир хил наф берадиган гамма ва фанта ичимликлари комбинациялари нукталаридан иборат. Бефарклик эгри чизиклар мажмуаси бефарклик эгри чизиклари картасини беради (5-расм).




4-расм. Кока-кола ва фанта ичимлиги учун бефарклик эгри чизиғи.




5-расм. Бефарклик эгри чизиклари картаси.

Бефарклик эгри чизиклари бир-бири билан кесишмайди. Бефарклик эгри чизиклари қанчалик ўнгда ва тепада жойлашган бўлса, унга тўғри келадиган нафлик шунча юқори бўлади: Масалан, 5-расмдаги бефарклик эгри чизиклари жойлашувига кура $U_3 > U_2 > U_1$ деб ёзиш мумкин.

**Неъматларнинг бир-бирини ўрнини босиши.** Неъматларнинг бир-бирини ўрнини босиш зонаси деб - бир неъмат билан иккинчи неъматни самарали алмаштириш мумкин бўлган ораликқа айтилади (6-расм).




6-расм. Алмаштириш зонаси.

Расмдаги $0N$ га тенг бўлган $X_1$ неъматнинг миқдори истеъмолчи учун шундай зарурий минимал миқдор хисобланадики, у ушбу миқдордаги неъматнинг ўрнига $X_2$ неъматдан қанча кўп таклиф қилинмасин воз кеча олмайди. Худди шундай $0F$ миқдорга тенг бўлган $X_2$ неъматнинг миқдори хам истеъмолчи учун зарурий минимал миқдор хисобланади. $X_1$ ва $X_2$ неъматларнинг ўзаро алмашиш сохаси булиб $VW$ оралиқ хисобланади. Бу ораликда, бу икки неъматнинг бир-бири билан алмаштириш мазмунга эга.

**Чекли алмаштириш нормаси.** Бефарклик эгри чизиғининг пастга томон ётиклиги $X_2$ неъматни $X_1$ неъмат билан чекли алмаштириш нормасини ифодалайди. Чекли алмаштириш нормаси одатда $MRS_{X_1,X_2}$ билан белгиланади.

Чекли алмаштириш нормаси $MRS_{X_1,X_2}$ нинг миқдори горизонтал ўқ бўйича ифодаланган $X_1$ неъматнинг бир бирлиги учун, вертикал ўқ буйича ифодаланган $X_2$ неъматнинг қанча миқдоридан воз кечиш мумкинлигини кўрсатади.



7-расм. Чекли алмаштириш нормаси.

Бефарклик эгри чизиғи координата бошига нисбатан ботик бўлгани учун, *MRS* бир неъмат билан бошқа неъматни алмаштириш ошиб борган сари камайиб боради. 7-расмда $X_2$ уки буйича ажратилган $\Delta X_2$ ни $X_1$ уки буйича ажратилган $\Delta X_1$ га нисбатан чекли алмаштириш нормасини беради:

$$MRS_{X_1,X_2} = \frac{-\Delta X_2}{\Delta X_1};$$

$MRS_{X_1,X_2}$ - $X_1$ билан $X_2$ ни чекли алмаштириш нормаси.

*MRS* бефарклик эгри чизиғининг хар қандай нуктасида, шу нуктадан утган чизикнинг тангенс бурчаги ётиклигининг абсолют қийматига тенг. Бефарклик эгри чизиғининг тангенс бурчаги ётиклиги манфий бўлгани учун $MRS_{X_1,X_2}$ манфий бўлади. Лекин, *MRS* мусбат булиб, у бурчак ётиклигининг абсолют қиймати бўйича олинади.

Агар функция узлуксиз бўлса,

$$MRS_{X_1,X_2} = -\frac{dX_2}{dX_1}.$$

Масалан, $\Delta X_1 = 1$ китобга ва $\Delta X_2 = 3$ та журналга тенг бўлса, $MRS_{X_1X_2} = -3$ бўлади ва истеъмолчи битта китоб учун учта журнални беришга тайёр. Кўрсатиш мумкинки, бу ерда 3 та журналдан олинадиган наф битта китобдан олинадиган нафга тенг.




8-расм. Истеъмолчининг танлов сохаси.

Бефарклик эгри чизиклари бир неъмат билан иккинчи неъматни алмаштириш мумкинлигини кўрсатади, холос. Лекин, улар истеъмолчи учун кайси товарлар мажмуаси кўпрок нафлироклигини кўрсата олмайди. Бундай масалани бюджет чизиғи ёрдамида ечиш мумкин. Бюджет чегараси товарлар нархига ва истеъмолчининг даромадига асосланади ва у мавжуд пул маблагларида қандай истеъмол товарлар мажмуасини сотиб олиш мумкинлигини кўрсатади. Бюджет чегарасини иккита неъмат мисолида кўрадиган бўлсак, агар истеъмолчи даромади $R$ бўлса, $X_1$ ва $X_2$ лар биринчи ва иккинчи неъматлар миқдори, $P_1$ ва $P_2$ лар мос равишда, биринчи ва иккинчи неъматларнинг нархлари бўлса, бюджет чегараси берилган даромад $R$ хамда $P_1$ ва $P_2$ нархларда истеъмолчи томонидан сотиб

олиниши мумкин бўлган, биринчи ва иккинчи неъматларнинг барча комбинацияларини ифодалайди.

Бюджет чегарасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$P_1X_1 + P_2X_2 \le R,$$

ва бу тенгсизлик товарларга сарфланадиган ҳаражатлар йигиндиси, истеъмолчи даромадидан ошмаслигини билдиради. $X_1$ ва $X_2$ ларнинг манфий булмаслик ( $X_1 \ge 0$ ва $X_2 \ge 0$) шартини киритсак, у ҳолда биз истеъмолчининг товарларни сотиб олиши мумкин бўлган сохасини (8-расмда штрихланган кисм) аниқлаган бўламиз:

Бюджет чегараси тенгламаси $P_1X_1 + P_2X_2 = R$ графикда $AB$ чизиғини беради, бу чизиққа ***бюджет чизиғи*** дейилади.

Бюджет чизиғи қуйидаги тартибда аниқланади ва тенгламасини қуйидагича ёзамиз:

$$X_2 = \frac{R}{P_2} - \frac{P_1}{P_2} \cdot X_1,$$

бу ерда - $\frac{P_1}{P_2}$ - бюджет чизиғининг бурчак коэффициенти, у бюджет чизиғининг $X_1$ ўқига нисбатан ётиклигини ифодаловчи катталик (графикда $tg\alpha = -\frac{P_1}{P_2}$). Бюджет чегараси тенгламасида $X_1 = 0$ бўлганда, $X_2 = \frac{R}{P_2}$ бўлади ва бу ҳолда барча даромад $X_2$ неъматга сарфланади (графикда $A$ нукта бўлиб, унинг координаталари $\left( X_1 = 0;\ X_2 = \frac{R}{P_2} \right)$ ва у $\frac{R}{P_2}$ миқдорда сотиб олинади).

Энди $X_2 = 0$ десак, $X_1 = \frac{R}{P_1}$, бу ҳолда барча даромад $X_1$ неъматни сотиб олишга сарфланади ва у $\frac{R}{P_1}$ миқдорда сотиб олинади (графикда $B$ нукта). Демак, бюджет чизиғи координаталар ўқини $X_1 = \frac{R}{P_1}$ ва $X_2 = \frac{R}{P_2}$ нуқталарда кесиб ўтади. Бюджет чизиғидаги нуқталарда даромад тўлиқ сарфланади. Штрихланган соҳадаги нуқталарда (масалан, $C$ нуқтада) даромад тўлиқ сарфланмайди. Агар танлов нуқтаси бюджет чизиғидан ўнг томонда ётса ( $D$ нукта) даромад ушбу нуқтага тўғри келадиган неъматлар комбинациясини сотиб олишга етмайди.

Бюджет чизиғининг манфий ётиқлиги, абсолют қиймати буйича товарлар нисбати $\frac{P_1}{P_2}$ га тенг (бу катталик $tg\alpha$ булиб, $tg\alpha = -\frac{R/P_2}{R/P_1}$ ёки $tg\alpha = -\frac{P_1}{P_2}$).

Натижада бюджет чизиғи ўнга-юқорига силжийди. Худди шундай нархларнинг ўсиши, реал даромадни камайтиради - бюджет чизиғи пастга-чапга силжийди.

### 3. “Даромад-истеъмол” ва «нарх-истеъмол» чизиқлари

Реал даромаднинг ўсиши натижасида бюджет чизиғи $A_1, A_2, A_3, ..., A_n$ холатларга кетма-кет силжийди (9-расм).

Даромадларнинг ўзгаришига мос равишда истеъмолчининг янги холатдаги мувозанат нукталари ўрнатилади: $E_1, E_2, E_3, ..., E_n$. Ушбу мувозанат нукталарини туташтирувчи чизиқни америкалик олим Дж.Хикс **«даромад-истеъмол» чизиғи** деб атади ва бу чизиқ илмий адабиётларда **«турмуш даражаси» чизиғи** деб хам аталади.

Агар «даромад-истеъмол» чизиғи координата бошидан $45^0$ бурчак остидаги тўғри чизикдан иборат бўлса, даромаднинг ўсиши, истеъмолчининг истеъмол қиладиган неъматлари бир хил пропорцияда ўсади. Агар истеъмолчи неъматларни хар хил пропорцияда харид қилса, $W$ чизиғининг ётиклиги ўзгаради. 9-расмда товарлар сотиб олиш бошида тез суръатда ўсади, кейинчалик $X_1$ товарни сотиб олиш, $X_2$ товарга нисбатан ошиб боради.




9-расм. «Даромад-истеъмол» чизиғи.

Немис олими Эрнст Энгель (1821-1896) биринчи бўлиб даромад ўзгаришининг истеъмол таркибига таъсирини тадкик қилган. Товарлар таркибининг даромадга нисбатан ўзгаришини ифодаловчи чизиқлар ***Энгель эгри чизиклари*** дейилади (10-расм).

Горизонтал ўқ бўйича истеъмолчи даромади $R$, ордината ўқи буйича - сотиб олинадиган товарлар миқдори $Q$ белгиланган.

Истеъмолчи эҳтиёжи биринчи навбатда озик-овкат маҳсулотлари билан тўйинади ($Q_1$ - озик-овкат маҳсулотлари), кейин стандарт сифатли саноат маҳсулотлари $(Q_2)$ билан ва нихоят, олий сифатли товарлар ва хизматлар $(Q_3)$ билан.




10-расм. Энгель эгри чизиқлари.

Булардан ташқари, олий сифатли товарлар ва хизматларга ўтганда хам, стандарт сифатли саноат маҳсулотларига талабнинг янги сакраш қонунияти кўзатилган.

**«Нарх-истеъмол» чизиғи.** Юқорида «даромад-истеъмол» чизиғи каралганда, неъматлар нархи ўзгармайди, деб қабул қилинган эди.

Энди даромадни ўзгармас, деб караймиз ва неъматлардан биттасини, масалан, $X_1$ неъматнинг нархини ўзгарувчан деб караймиз. Фараз қилайлик, $X_1$ неъматнинг нархи $P$ кетма-кет камайиб бормокда, яъни $P > P_1 > P_2 > P_3$ ва хоказо.

Графикда нархнинг бундай ўзгариши, бюджет чизиғининг $AB$ холатдан $AB_1$, $AB_2$ ва $AB_3$ холатларга силжитади (11-расм).

**Агар биз оптимал мажмуа нукталарини (бефарклик эгри чизиклари билан бюджет чизиклари кесишган нукталарни) чизик билан бирлаштирсак, бу чизик** «Нарх-истеъмол» чизиғи **бўлади (а расмдаги** $V$ **чизиғи). «Нарх-истеъмол» чизиғига кура, талаб чизиғини аниқлаш мумкин (б) расм.**




11-расм . «Нарх-истеъмол» (а) ва талаб чизиғи (б).

## 4. Даромад ва алмаштириш самараси

«Даромад-истеъмол» чизиғини таҳлил қилганимизда, даромад ўзгаришини (нархлар ўзгарганда) истеъмолга таъсирини ўрганган эдиқ «Нарх-истеъмол» чизиғи оркали нархларнинг ўзгаришини бир неъмат билан бошқа бир неъматни нисбий алмаштиришга таъсири ўрганилади. Энди биз $X_1$ неъматга бўлган талабни ўзгаришининг қанча кисми нарх билан боғлиқ ва қанча кисми даромад билан боғлиқлигини куриб чикамиз (12-расм). Нархнинг хар қандай ижобий ўзгариши, биринчидан: реал даромадни оширади, натижада бефарклик эгри чизиғи силжийди ва истеъмолчи сотиб олиши мумкин бўлган неъматлар таркибини ўзгартиради; иккинчидан - нархлар нисбатини ўзгартиради ва бир неъмат (Б) билан бошқа неъмат (А) алмаштирилади.

Неъматлар мажмуасига (*А* ва *Б* неъматлар) бўлган талаб ўзгаришининг қанча кисми реал даромад таъсири ва қанча кисми нархнинг пасайиши билан боғлиқ эканлигини аниқламокчимиз. 12-расмда бюджет чизиғининг бошлангич холати *БА* ва *А* неъмат нархи пасайгандан кейинги холати *БА′* келтирилган.




12-расм. Нормал товарлар учун даромад самараси.

Бошланғич бюджет чизиғида $U_1$ бефарклик эгри чизиғига мос келувчи оптимал мажмуа $E_1$ нукта билан ифодаланган.

$E_1$ нуктада истеъмолчи *Б* неъматдан $Б_1$ миқдорда, *А* неъматдан $A_1$ миқдорда сотиб олади. *А* неъматнинг нархи тушгандан кейин, янги оптимал мажмга БА′ бюджет чизиғи билан $U_2$ бефарклик эгри чизиклари кесишган $E_3$ нуктага утади. $E_3$ нуктада истеъмолчи $Б_3$ миқдорда *Б* неъматдан ва $A_3$ миқдорда *А* товардан сотиб олади.

Демак, *А* неъмат нархининг пасайиши истеъмолчининг реал даромадини, унинг товар сотиб олиш имкониятини оширади, яъни унинг ўз эҳтиёжини қондириш даражасини оширади. Бу ерда *А* неъматни истеъмол қилиш хажмининг умумий ўзгариши (унинг нархи тушиши хисобидан) расмда $A_1A_3$ билан белгиланган. Истеъмолчи бошида $0A_1$ миқдорда *А* неъматдан сотиб олади, нарх ўзгаргандан кейин сотиб олиш хажми $0A_3$ га ўзгаради. *Б* товарни сотиб олиш хажми $0Б_1$ дан $0Б_3$ га қисқарди.

*А* неъмат истеъмолининг умумий ўзгариши $A_1A_3$ га умумий самара дейилади. Энди умумий самарани даромад самарасига ва алмаштириш самарасига қандай ажралишни кўрамиз.

Даромад самарасини аниқлаш учун БА′ бюджет чизиғига параллел қилиб Б′А″ бюджет чизиғини $U_1$ бефарқлик эгри чизиғига уринадиган қилиб ўтказамиз ва бу урилган нуктани $E_2$ деб белгилаймиз. $E_2$ нуктага мос келувчи оптимал мажмуадаги $A$ неъмат миқдори $A_2$ га тенг ва у $A_1A_3$ умумий самарани икки кисмга ажратади: $A_1A_2$ ва $A_2A_3$. $A_2A_3$ ўзгаришга ***даромад самараси*** **дейилади** ва $A_1A_2$ ўзгаришга - ***алмаштириш самараси*** **дейилади.**

**Даромад самараси** - бу неъмат нархи ўзгариши (алмашиш самараси хисобга олинмаганда) натижасида реал даромад ўзгаришининг истеъмолчи талабига таъсиридир. Даромад самараси - бу истеъмолчининг сотиб олиш имкониятини ошганлигини кўрсатади ва у бир бюджет чизиғидан бошқа бюджет чизиғига истеъмолчининг оптимал товарлар мажмуаси ўтишини акслантиради.

**Алмашиш самараси** - бу нафлик даражаси ўзгармаганда, товарлар нархи ўзгариши муносабати билан истеъмол товарлар талаби таркибининг ўзгаришидир. Алмашиш самараси $A$ неъмат нархини ўзгариши натижасида $Б$ неъматни қўшимча $A$ неъмат билан алмаштирилишини ифодалайди. Бу алмаштириш бефарқлик эгри чизиғи $U_1$ буйича бўлади.

Бозор шароитида даромад самараси ва алмаштириш самарасини ажратилиши, товарларга нарх белгилашдаги қонуниятларни яхширок тушунишга ёрдам беради. Биз даромад ва алмаштириш самараларини нормал товарлар учун куриб чикдиқ Паст категорияли товарлар учун даромад ва алмаштириш самаралари ўз хусусиятларига эга.

**Бозор талаби.** Бозор талаби алохида бозордаги истеъмолчиларнинг индивидуал талаблари йигиндиси билан аниқланади. Бозор талаби чизиғи эса маълум бозордаги истеъмолчиларнинг индивидуал талаблари чизикларини қўшиш оркали олиниши мумкин.

Қуйидаги 13-расмда ушбу истеъмолчиларнинг талаб чизиклари ва бозор талаб чизиғи келтирилган. Бозор талаби чизиғи хар бир истеъмолчининг берилган нархлардаги талабларини қўшиш оркали хосил қилинган.




13-расм. Истеъмолчилар талаб чизиклари ва бозор талаби чизиғи.

Бозор талаби чизиғининг хар бир нуктаси берилган нархда учта истеъмолчи учун қанча озик-овкат бирлиги кераклигини кўрсатади. Масалан, нарх 3 сум бўлганда, бозор талаби 12 бирлик булиб, у А, Б ва В истеъмолчиларнинг нарх 3 сум бўлгандаги талаблари йигиндисига тенг $(2+4+6)=12.$

Истеъмолчиларнинг индивидгал талаблари чизиклари тўғри чизиклардан иборат бўлгани билан бозор талаб чизиғи хам тўғри чизикдан иборат булиши шарт эмас. Нима учун

деганда, юқори нархларда баъзи бир истеъмолчилар товарни сотиб олмаслиги хам мумкин ёки улар хар хил миқдорда сотиб олиши мумкин.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, истеъмолчилар талабларига таъсир қилувчи барча омиллар бозор талабига хам таъсир қилади. Масалан, истеъмолчилар сонининг ошиб бориши бозор талаб чизиғини ўнга, тепага силжитади ёки бўлмаса, истеъмолчилар даромадларини ортиши, уларнинг озик-овкатга бўлган талабини оширади. Бу ўз навбатида бозор талаб чизиғини ўнга-тепага силжишига олиб келади.

Умуман олганда, бозор талабини аниқлашда хар хил демографик гуруҳларга карашли истеъмолчилар талабларини йигишга, хар хил худудларда яшовчи истеъмолчилар талабларини йигишга тўғри келади. Масалан, музқаймоққа бўлган бозор талаби ўрганилганда ёш болалар талаби, ўсмирлар талаби, аёллар талаби, нафакахурлар талаби тўғрисидаги ахборотларни олишга ва уларни жамлашга тўғри келади. Худди шу масалани худудлар буйича аниқлаш хам мумкин.

Бозор талаби чизиғини ва шу билан бирга индивидуал талаб чизиғини ифодалашда товарларнинг нарх бўйича эластиклик коэффициентидан фойдаланиш мумкин. Биз юқорида кўрган эдикки, агар талаб нарх буйича эластик бўлса, нархнинг пасайиши истеъмолчини товардан кўпрок сотиб олишга ундайди. Натижада истеъмолчининг товар сотиб олишга сарфи ўсади, нарх ошганда истеъмолчи сарфи камаяди.

Агар талаб эластик бўлмаса, нарх ошганда истеъмолчи сарфи хам ошади, нарх пасайганда камаяди. Бордию талаб бирлик эластикликка эга бўлса, нарх ошганда хам, ошмаганда хам истеъмолчининг товар сотиб олишга сарфи ўзгармайди.

## Назорат учун саволлар

7. Истеъмолчининг танловини бозор шароитида кайси омиллар белгилайди?
8. Чекли нафликнинг мазмунини изохланг.
9. Чекли нафликнинг камайиши қонунини ҳаётга тадбиқ этиш мумкинми?
10. Бефарклик эгри чизикларининг шакли ва жойлашуви нима билан аниқланади? Бефарклик эгри чизиклари нима учун кесишмайди?
11. Истеъмолчининг танловига товар нархини ва истеъмолчи даромадини қандай таъсир қилишини изохлаб беринг.
12. Бюджет чегараси ва истеъмолчининг танлов сохаси қандай аниқланади?
13. Даромад ва алмаштириш самараларини истеъмолчининг турмуш даражасига таъсирини тушунтириб беринг.
14. Гиффен товари нима?
15. Паст категорияли товарлар учун даромад самараси ва алмаштириш самарасини тушунтириб беринг.
16. Ўрнини босувчи ва тўлдирувчи товарларни тушунтириб беринг.

## 5- МАВЗУ. БОЗОР ВА ТАВАККАЛЧИЛИК

**Дарс мақсади:** Бозор ва таваккалчилик, эҳтимоллик, таваккалчиликнинг ўлчови ва таваккалчиликни пасайтириш йулларини талабаларга тушунтириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** Таваккалчилик, эҳтимол, четланиш, аукцион, фьючерс, инвестиция.

**Асосий саволлар:**

9. Ноаниқлик шароитида танлаш.
10. Таваккалчиликка бўлган муносабат.
11. Таваккалчиликни пасайтириш йўллари.

## 1. Ноаниқлик шароитида танлаш

Шу вақтгача биз барча кўрсаткичлар (нарх, истеъмолчи даромади, ишлаб чикарилган маҳсулот миқдори, олинадиган фойда, ҳаражатлар) аниқ берилган деб келдик. Лекин, реал ҳаётда бозор субъектлари томонидан қабул қилинадиган қарор ноаниқликлар билан боғлиқ. Маълумки, тўғри қарор қабул қилишнинг асосий шарти - бу ахборот. **Ноаниқлик шароитида** қарор қабул қилиш деганда, тулик ахборот бўлмаганда қарор қабул қилиш тушунилади. Бирор воқеа ёки ходиса тўғрисида ахборот тулик бўлмаса, қабул қилинган қарор салбий окибатларга, яъни маълум йукотишларга олиб келади. Ушбу йукотишлар **таваккалчиликни билдиради.**

Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилишда таваккалчилик (йукотиш) даражасини билиш, уни олдини олиш учун, таваккалчилик даражасини камайтириш учун, чора тадбирлар кўришга имкон беради.

Ноаниқликка мисол тарикасида жамғарилган пулни ишончлирок бўлган банкка қўйиш ёки таваккалчилик (йукотиш эхтимоли кўпрок бўлган) юқори бўлган, лекин шу билан бирга юқори дивиденд олиш мумкин бўлган тижорат фондларга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишни келтириш мумкин. Худди шундай ноаниқлик шароитида истеъмолчилар томонидан хам, ишлаб чиқарувчилар томонидан хам, сотувчи ва харидорлар томонидан қарор қабул қилишга тўғри келади ва бу қабул қилинган қарорлар албатта, маълум даражадаги таваккалчилик (йуқотишлар) билан боғлиқ булиши мумкин. Ноаниқлик чекланган ресурсларни самарасиз таксимланишига, ортикча сарфларга, вақтни йукотишга олиб келади.

**Таваккалчиликни ўлчаш.** Таваккалчиликни ўлчашнинг асоси эхтимол тушунчаси билан боғлиқ. Америкалик олим Ф.Найт (1885-1974) эхтимолни икки турга бўлади: математик, яъни олдиндан аниқлаш мумкин бўлган эхтимол ва статистик эхтимол. Биринчи тур эхтимолга танганинг ракам ёки герб томонини тушиш эхтимоли $\frac{1}{2}$ га тенглиги ёки ўйнайдиган олти қиррали тошнинг олтита ракамидан биттасини тушиши эхтимолининг $\frac{1}{6}$ га тенглиги мисол бўлиши мумкин.

Иккинчи турдаги эхтимолни эмпирик, яъни фараз қилиш йули оркали аниқлаш мумкин. Масалан, корхонага хом ашёни вақтида етиб келмаслик эхтимоли фараз қилинганда, ушбу фараз қилинган ракам баҳоловчининг билими, тажрибасига асосланади. Нима учун деганда, ушбу воқеанинг такрорланиши тўғрисида статистик маълумотлар йуқ Эхтимол субъектив равишда аниқланганда, битта ходисани хар хил инсонлар хар хил қийматдаги эхтимол билан баҳолайди.

Юқоридаги мисолда воқеага таъсир қилувчи тасодифий омиллар кўп ва улар хаммасини бартараф қилиш мумкин эмас. Бундан ташқари, бу ерда тенг эхтимолли альтернатив вариантларнинг ўзини йуклиги эхтимолни математик хисоб-китоблар оркали аниқлашга имкон бермайди.

Биринчи турдаги эхтимолни объектив эхтимол десак, у иқтисодиётда камрок учрайди, иккинчи турдаги эхтимол субъектив эхтимол булиб, бизнесга хосдир. Хам объектив ва хам субъектив эхтимоллар таваккалчилик даражасини ифодалашда ва танлашда фойдаланилади. Объектив эхтимол ўртача қийматни аниқлашга ёрдам берса, субъектив эхтимол олиниши мумкин бўлган натижаларнинг ўзгарувчанлик мезонини аниқлашга ёрдам беради. Таваккалчиликни миқдорий аниқлаш учун бирор воқеа ёки ходисанинг олиб келиши мумкин бўлган окибатларини ва бу окибатларнинг эхтимолини билиш керак бўлади.

Кутиладиган миқдор - бу мумкин бўлган барча натижаларнинг ўртача улчанган қийматлари. Бу ерда хар бир натижанинг эхтимоли ушбу мос қийматларнинг такрорланиш частотаси ёки улчови.

$$E(X) = \pi_1 x_1 + \pi_2 x_2 + \ldots + \pi_n x_n = \sum_{i=1}^{n} \pi_i x_i \ ,$$

бу ерда $x_i$ - мумкин бўлган натижа;

$\pi_i$ - ушбу натижанинг пайдо булиш эхтимоли, $\sum_{i=1}^{n} \pi_i = 1$.

**Четланиш** - бу хакикий натижа билан кутиладиган натижа ўртасидаги фарк булиб, у таваккалчиликдан (йукотишдан) дарак беради. Ушбу фарк қанча катта бўлса йукотиш, яъни таваккалчилик хам шунча юқори бўлади.

### 2. Таваккалчиликка бўлган муносабат

Инсонлар таваккалчиликга боришга тайёрлиги билан бир-биридан фарк қилади. Инсонлар таваккалчиликга боришга тайёрлиги бўйича уч турга бўлинади: тавакалчиликка боришга мойил инсонлар, таваккалчиликка боришга карши, яъни мойил эмас ва таваккалчиликка бефарк карайдиган инсонлар.

**Таваккалчиликка карши бўлган инсон деганда** шундай инсон тушуниладики, кутиладиган даромад берилганда, у таваккалчилик билан боғлиқ натижаларга нисбатан, кафолатланган натижани устун куради. Агар таваккалчиликга карши инсонни истеъмолчи деб карасак ва у оладиган даромадига истеъмол товарлар мажмуасини сотиб олиб, уни истеъмол қилишдан маълум даражада наф олади деб фараз қилсак, биз истеъмолчининг таваккалчилик билан боғлиқ даромадининг нафлик даражаси билан қандай боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин (1-расм). Таваккалчиликка карши инсон даромади паст даражадаги чекли нафликка эга эканлигини кўрамиз. Расмдан куриш мумкинки, хар бир бирлик қўшимча даромадга тўғри келадиган қўшимча нафлик даромад ошиши билан камайиб бормокда. Масалан, 20-30 минг сўмлик даромад оралиғидаги ҳар минг сўм даромадга 0,8 бирлик наф тўғри келса, 31-минг сўмлик даромадга 0,6 наф бирлиги тўғри келаяпти). Чекли нафликни камайиши инсонларда таваккалчилакка салбий муносабатини кучайтиради. Шунинг учун хам таваккалчиликка боришга мойилликнинг йўқлиги кўпчилик инсонларга хосдир. Таваккалчилик улар учун оғир синовдек хисобланади ва улар маълум компенсация бўлгандагина таваккалчиликка бориши мумкин.




1-расм. Таваккалчиликка мойил бўлмаган холат.

**Таваккалчиликка бефарк қарайдиган инсон** шундай инсон ҳисобланадики, кутиладиган даромад берилганда, у кафолатланган натижа билан таваккалчилик билан боғлиқ натижаларни танлашга бефарқ қарайди. Таваккалчиликка нейтрал карайдиган инсон учун ўртача фойда мухим хисобланади. Ўртача қийматга нисбатан чекланишлар бир-бири билан қисқариб, умумий четланишлар нолга тенг бўлгани учун хам ушбу четланишлар уни қизиқтирмайди.

2-расм. Таваккачиликка бефарқлиқ

Таваккалчиликка бефарклик координата бошидан чиқадиган тўғри чизик сифатида ифодаланиши мумкин (2-расм).

**Таваккалчиликка мойил бўлган инсон**, шундай инсон хисобланадики, кутиладиган даромад берилганда у кафолатланган натижага кўра таваккалчилик билан боғлиқ натижани устун кўради.

Таваккалчиликка қизиқадиган инсон ундан бахра олади. Бундай турдаги инсонларга ўз такдирини синаб кўришдан бахраманд бўлиш учун барқарор даромаддан воз кеча оладиган инсонлар киради. Улар ютиш эхтимолига юқори баҳо бериб юборадилар. Таваккалчиликка мойиллик графиги кескин суръатда ортиб бораётган парабола графиги орқали ифодаланиши мумкин (3-расм).




3-расм. Таваккалчиликка мойиллик

Ҳаётда ва умуман барча бозор субъектлари таваккалчиликни эътиборга олади. Бозорлардаги ҳар хил фирибгарлар таваккалчиликка мойил инсонлар хисобидан бойлик орттирса, сугурта компаниялари таваккалчиликка мойил бўлмаган инсонларни йукотишларини камайтиришга хизмат қиладилар.

### 3. Таваккалчиликни (йукотишларни) пасайтириш

Таваккалчиликни пасайтиришнинг қуйидаги турлари мавжуд: диверсификация, суғурталаш, таваккалчиликни тақсимлаш, ахборот излаш.

**Диверсификация усулида** таваккалчилик бир неча товарларга таксимланади, яъни бирор товарни сотиш (сотиб олиш) юқори таваккалчилик билан боғлиқ булиши бошқа бир товарни сотишдан (сотиб олишдан) бўладиган таваккалчиликни камайтиришга олиб келади.

Масалан, бирор фирма икки хил маҳсулот ишлаб чикаради. Маълумки, бир вақтнинг ўзида иккала маҳсулот турига бўлган талабнинг камайиб кетиш эхтимоли, улардан биттасига бўлган талабни камайиб кетиш эхтимолидан юқори. Кўп холларда бир турдаги маҳсулотга

бўлган талаб камайганда иккинчи турдаги маҳсулотга бўлган талаб ошади. Қуйидаги 1-жадвалда икки турдаги маҳсулотдан олинадиган даромадлар келтирилган.

1-жадвал

Товарларни сотишдан тушган даромад.

| Товарлар тури | Ёз фасли | Киш фасли |
|---|---|---|
| 1-тур (мўзкаймок) | 6 млн. сум | 1 млн. сум |
| 2-тур (кофе) | 1 млн. сум | 6 млн. сум |

Фирма ўз ишлаб чиқаришини диверсификация қилиб ёз ойида иккинчи тур товар хисобидан йукотадиган даромадини биринчи тур товарни кўпрок сотиш хисобидан коплайди. Худди шундай киш фаслидаги йукотишлар иккинчи товар хисобидан копланади. Куриниб турибдики фирма диверсификация йули билан таваккалчиликни камайтирди. Лекин, диверсификация таваккалчиликни тулик йукотмайди, у фақат камайтиради холос.

**Таваккалчиликларни қўшиш** - ушбу усул тасодифий йуқотишларни ўзгармас ҳаражатларга айлантириш оркали таваккалчиликни камайтиришга қаратилган. Маълумки, мулкнинг ўғирланиши, шахснинг касал булиб ишга чиқмаслиги, табиий офатларнинг бўлиши тасодифий бўлиб, улар жуда катта ҳаражатларга олиб келиши мумкин. Ушбу нохуш ходисаларнинг окибатларини камайтиришда суғуртанинг аҳамияти катта.

Ўзбекистонда хам ҳозирги вақтда кўпгина инсонлар ўз ҳаётларини, мулкини суғурталайдилар. Суғурта ишларини йўлга қўйиш учун республикада махсус қонунлар ишлаб чиқилган ва бир катор давлат ва нодавлат суғурталаш фирмалари фаолият кўрсатмокда.

**Суғурталашда таваккалчиликни қўшиш** самарадорлиги шу билан белгиланадики, суғурталанган шахсларнинг таваккалчилиги бир-бирига боғлиқ бўлмаслиги керак.

**Таваккалчиликни тақсимлаш** - ушбу усулга кўра йўқотиш эхтимоли билан боғлиқ бўлган таваккалчилик билан қатнашувчи субъектлар ўртасида шундай тақсимланадики, оқибатда хар бир субъектнинг кутиладиган йўқотиши нисбатан кичик бўлади.

Ушбу усулдан фойдаланган ҳолда йирик молия компаниялари катта масштабдаги лойиҳаларни ва илмий изланишларни таваккалчиликдан қўрқмасдан молиялаштирадилар.

**Ахборот билан таъминлаш** хам таваккалчиликни камайтиради. Нима учун деганда, ахборотнинг етишмаслиги нотўғри қарор қабул қилишга олиб келади. Ҳозирги вақтда ахборот асосий тақчил ресурслардан бири бўлиб, уни олиш учун ҳақ тўлаш керак, яъни ахборот олиш ҳаражат билан боғлиқ, баъзи ахборотлар ниҳоятда қиммат туради. Шунинг учун ҳам керакли бўлган ахборотдан қанча олиш керак деганда, унинг чекли ҳаражати билан чекли нафини солиштириб кўриш керак бўлади.

**Маҳсулот сифати ноаниқлиги. Автомобил ва суғўрта бозоридаги асимметрик ахборот.** Фараз қилайлик, бозорда фойдаланилган автомобиллар сотилади. Фараз қилайлик, машинанинг ҳолати (сифати) ўртача ҳолатдан юқори бўлса яхши автомобил, паст бўлса - ёмон автимобил (ушбу масалани 1970 йилда биринчи бўлиб америкалик олим А.Акерлоф ўрганган). Яхши автомобилларнинг нархи 3000 долл. Агар бозорда иккала категориядаги автомобиллар сони бир-бирига тенг бўлса, автомобилнинг ўртача нархи 2000 долл. бўлади. Ушбу холатда яхши автомобилни ҳам, ёмон автомобилни хам сотиб олиш эхтимоли 50 фоизга тенг.

Бироқ сотувчилар ўзларининг автомобили сифатини яхширок билади, харидорлар бундай ахборотга эга эмаслар. Яхши машина сотувчиларни 2000 долл. нарх каноатлантирмайди. Ёмон машина сотувчиларни эса 2000 долл. нарх каноатлантиради ва бу нарх улар кутган нархдан анча юқори.

Бозорда асимметрик ахборот бўлган шароитда автомобил бозоридаги нарх автомобил сифати тўғрисида тўлиқ ахборотни бермайди, натижада бозордаги савдо-сотиқларни норационал бўлишига олиб келади. Яхши автомобил эгалари ўз автомобилларини 2000 долл.да сотишдан воз кечадилар. Окибатда яхши автомобиллар таклифи камаяди. Ёмон автомобиллар нархи юқори бўлгани учун, уларнинг таклифи ошади. Бундай холатда яхши автомобил олиш эхтимоли 50 фоиздан нолга тушиб кетади.

**Бозордаги асимметрик ахборотларни йўқотиш йуллари.**

**Бозор сигналлари**. Бозорда сотиладиган товар тўғрисида, товарни ишлаб чиқарувчи фирманинг номи тўғрисидаги ахборотлар, товар маркаси, фирма белгиси, фирманинг обрўи, товар сифати ва кафолати тўғрисидаги ахборотлар бозор сигналлари бўлиб хизмат қилади ва бу сигналлар товар сотиб олишдаги таваккалчиликни камайтиради. Масалан, сиз сотиб олмокчи бўлган товар сиз билган, сифатли маҳсулот ишлаб чикарадиган фирманинг маҳсулоти бўлса, сиз маҳсулотни йўқотишсиз сотиб оласиз.

**Аукционлар**. Аукционлар хам ахборотлардаги асимметрияни йўқотадиган бозор хисобланади. Ноёб санъат намунасига, тез бузиладиган маҳсулотларга (сабзавот, мева, балик) нархлар сотиш вақтида ўрнатилади. Аукционларнинг асосан икки тури мавжуд: Инглиз ва Голланд аукционлари.

Инглиз аукциони - бу аукционда ставка пастдан юқорига караб ошиб боради ва бу ошиш таклиф қилинган максимал нархда товар сотилгунча давом этади. Ушбу аукционда асосан санъат намуналари, зебу-зийнатлар ва хоказолар сотилади.

Голланд аукционида ставкалар юқоридан пастга караб, токи товар минимал мумкин бўлган нархда сотилгунга кадар тушиб боради. Ушбу аукционда вақт мухим аҳамиятга эга, нима учун деганда аукционда асосан тез бузиладиган товарлар сотилади: гуллар, сабзавотлар, мевалар, балиқ ва хоказолар сотилади.

Голланд аукционида минимал мумкин бўлган нарх - биринчи эълон қилинган нархнинг 20 фоизи хисобланади. Агар товар ушбу нархда хам сотилмаса, у сотувдан олинади.

**Олиб сотарлик ва унинг иқтисодиётдаги ўрни.** Олиб сотарлик (савдогарлар) деганда, фойда олиш мақсадида бирор товарни сотиб олиб, уни юқори нархда сотиш фаолияти тушунилади. Олиб сотарлар бозор шароитида мухим рол уйнайдилар, улар ортикча товарни сотиб олиб, каерда унга талаб кўп бўлса, уша ерга етказиб берадилар. Бу ўз навбатида товарга бўлган нархни бутун фазо буйича маълум даражада текис бўлишини таъминлайди. Савдогарлар истеъмолни вақт буйича силжишини таъминлайдилар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ёз фаслида сотиб олиб, киш фаслида сотади, ёки серхосил йилда сотиб олиб, курғокчилик келган йилда сотадилар. Ушбу холат истеъмолни мўл-кўлчилик вақтдан истеъмол товарлари чекланган вақтга кўчиради ва шу билан нархларнинг текислашувини таъминлайдилар.

Савдогарлар бўлмаганда, серхосил йилда талаб $D$ ва таклиф $S_1$ бўлганда, мувозанат холат $E_1$ нуктада ўрнатилган бўлар эди (4а-расм).




4-расм. а) серхосил йил; б) хосилдор бўлмаган йил.

Хосилдор бўлмаган йилдаги талаб $D$ таклиф $S_2$ ва мувозанатлик $E_2$ (4б-расм). Савдогарлар серхосил йилда маҳсулот сотиш хажмини $Q_1$ дан $Q_1^{'}$ га қисқартириб, мувозанат нархни $P_1$ дан $P_1^{'}$ га кўтаради. Шу билан бирга жамғарилган маҳсулот захираси хосилдор бўлмаган йилдаги таклифни $Q_2$ дан $Q_2^{'}$ га ошириб, мувозанат нархни $P_2$ дан $P_2^{'}$ га туширади. Шундай қилиб, савдогарлар истеъмолни серхосил йилдан хосил кам бўлган йилга силжитиб нархни текислайдилар. Савдогарларгина қишлоқ хўжалигидаги мавсумий тебранишларни текислашга ёрдам берадилар. Савдогарлар таваккалчиликка бормайдиганлардан йукотишларни сотиб олиб, фойда олиш мақсадида ўзлари таваккалчиликка борадилар.

Таваккалчиликни пасайтиршда фьючерслар, опцион ва хеджирлаштиришлар хам мухим рол уйнайди.

**Фьючерслар** - бу олдиндан белгиланган нархларда маълум миқдордаги товарларни келажакда маълум кунда етказиш учун тузилган муддатли шартнома.

Фьючерс бозори ёрдамида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кофе, шакар ва бошқа товарлар сотилади. Фьючерс бозори ёрдамида ишбилармон маълум миқдордаги товарни бугунги нархда келажакда маълум муддатга қўйиш учун шартнома тузади.

**Опцион ёки мукофотга кўра савдо-сотиқ** - бу фьючерснинг бир тури булиб, унга кўра бир томон комиссион тўлов асосида бирор товарни келажакда сотиб олиш ёки сотиш хукукини олдиндан келишилган нархда сотиб олади. Шуни айтиш керакки, фьючерс хам, опцион хам товарлар нархини вақт бўйича текислашга ёрдам беради.

**Хеджирлаштириш** - бу операция бўлиб, унга кўра фьючерслар бозори ва опционлар бозори ёрдамида бир таваккалчилик бошқа бир таваккалчилик билан копланади. Ушбу операциянинг моҳияти шундан иборатки, нархлар ўзгариши билан боғлиқ таваккалчилик (йукотишлар) савдогар зиммасига юклатилади.

Шундай қилиб, савдогарчиликнинг аҳамияти шундаки, улар ахборотларни ахборот эгаларидан олиб ахборотга мухтож бўлганларга етказадилар.

## K. Назорат учун саволлар:

2. Ноаниқлик ва таваккалчилик деганда нималарни тушунасиз?
3. Объектив ва субъектив эхтимоллар ва улар ўртасидаги фарқ.
4. Таваккалчиликка мойил, таваккалчиликка бефарк карайдиган ва таваккалчиликка бормайдиган шахсларнинг ҳаракатини изохлаб беринг.
5. Таваккалчиликни пасайтиришнинг қандай йўлларини биласиз?
6. Бозордаги асимметрик ахборот қандай окибатларга олиб келиши мумкин?

## 6-МАВЗУ: ФИРМА ВА УЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ – ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

**Дарс мақсади:** Фирма тушунчаси, тадбиркорлик фирмаларининг асосий шакллари, акционерлик жамиятлари, давлат корхонлари, Ўзбекистон Республикасида «Мулк тўғрисида»ги қонунга кўра фаолият кўрсатаётган корхона турларини талабаларга тушунтириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** Фирма, маъсулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар, акционерлик жамиятлари, давлат корхонаси, кооперативлар.

**Асосий саволлар:**

1. Фирмалар ҳақида умумий тушунча.
2. Фирмалар ва унинг ташкилий шакллари.

## 1. Фирмалар ҳақида умумий тушунча

Бозор иқтисодиётининг асосий субъектларидан бири - бу фирма хисобланади.

**Фирма деганда**, мустақил хўжалик юритадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи иқтисодий субъект тушунилади. Мустақил хўжалик фаолияти юритади деганда, қандай маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қанча ишлаб чиқариш, каерда, кимга, қанча нархда сотиш бўйича фирманинг мустақил қарор қабул қилиши тушунилади.

**Фирма** (корхона) - бу ишлаб чиқариш ресурслари эгаларининг қарорларини ва манфаатларини мувофиқлаштирувчи институционал тузилма хисобланади.

Тадбиркорлик фирмаларининг асосий ташкилий шакллари: хусусий тадбиркорлик фирмаси, масъулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар, корпорация (очик ва ёпик турдаги акционерлик жамиятлари).

## 2. Фирмалар ва унинг ташкилий шакллари

**Хусусий тадбиркорлик фирмаси** - бундай фирманинг эгаси ишни мустақил, ўз манфаатидан келиб чикиб олиб боради, у таваккалчиликни ўз зиммасига олади, фирманинг барча мажбуриятлари бўйича тўлиқ жавобгарликни бўйнига олади (яъни, масъулияти чекланмаган жамият хисобланади), колган даромадни ўзи ўзлаштиради.

**Масъулияти чекланмаган жамият** - фирмани биргаликда ташкил қилиб, биргаликда эгалик қилувчи ва бошқарувчи шахслар гурухи бўлиб, улар фирманинг барча мажбуриятлари бўйича тўлиқ жавобгарликни чекланмаган равишда ўзларининг зиммаларига оладилар.

**Масъулияти чекланган жамиятда** фирма эгалари фирманинг мажбуриятлари буйича жавобгарликни Низом фондига қўшган улуши доирасида зиммасига олади, холос.

**Корпорация** - пайчиликка асосланган жамият булиб, хар бир мулк эгасининг масъулияти ушбу корхонага қўшган хиссаси билан чекланган. Корхона акцияларини сотиб олган шахслар корхона мулки эгаларига айланадилар. Корпорация фаолиятини акционерлар мажлиси назорат қилади. Акциядорлар ўз акцияларига даромад (дивиденд) оладилар. Корпорация кредиторлари ўз талабларини акциядорларга эмас, корпорацияга қўядилар.

Акционерлик жамияти очик турда бўлса, корхона акциялари очиқ бозорда, яъни фонд биржаларида эркин сотилади. Акциядорларга корпорация ёкмаса, улар ўз акцияларини очик бозорда сотиб корхона билан алоқасини умуман узиши мумкин.

**Фойда олмайдиган ташкилотлар**. Бозор шароитида бундай турдаги ташкилотларга фойда олиш мақсадида ҳаракат қилмайдиган касаба уюшмалари, клублар, масчитлар, касалхона, коллежлар, хайрия жамиятлари ва бошқалар киради.

**Кооперативлар**. Кооперативлар ўз аъзоларининг ресурсларини фойда олиш мақсадида бирлаштириш асосида вужудга келади.

**<u>Назорат учун саволлар</u>**:

1. Фирманинг моҳиятини тушунтириб беринг.
2. Тадбиркорлик фирмаларининг асосий шаклларини тушунтириб беринг.
3. Акционерлик жамиятларини тушунтириб беринг.
4. Давлат корхонлари нима.
5. Кооперативлар нима?

## 7-МАВЗУ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НАЗАРИЯСИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИ

**Дарс мақсади:** Ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиариш омиллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини талабаларга тушунтириш. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонада ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва уларнинг моҳиятини талабаларга ёритиб бериш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш.

**Таянч сўз ва иборалар:** ишлаб чиқариш, изокванта, чекли маҳсулот, изокоста, оптималлик шарти. қисқа ва ўзоқ муддатли оралиқ, ҳаражатлар, қайтарилмайдиган ҳаражатлар, иқтисодий ҳаражатлар, ялпи ҳаражатлар.

**Асосий саволлар:**

7. Ишлаб чиқариш тушунчаси ва ишлаб чиқариш функцияси.
8. Изокванталар. Изокоста.
9. Фирманинг қисқа ва узоқ муддатли оралиқдаги фаолияти.
10. Фирмаларда ҳаражатлар, ишлаб чиқариш ва фойда.

## 1. Ишлаб чиқариш тушунчаси ва ишлаб чиқариш функцияси

**Ишлаб чиқариш** - корхоналарнинг асосий фаолият тури бўлиб, бу жараён чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ишлаб чикариладиган маҳсулот миқдори, ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ресурслар хажмидан ва ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган технологиянинг холати ва даражасига боғлиқдир.

**Ишлаб чиқариш** - бу керакли маҳсулотларни тайёрлаш учун ишчи кучидан, ускуна ва технологиядан, табиий ресурслардан хамда материаллардан маълум миқдордаги комбинацияда фойдаланиш жараёнидир. Масалан, ўз устахонасига эга бўлган шахс стол ишлаб чиқариш учун ишчи кучидан, хом ашё сифатида тахта, темир, арра ва бошқа ускуналарга сарфланган капиталдан фойдаланади.

Ишлаб чиқариш омилларини йириклашган уч гурухга бўлиб караш мумкин: мехнат, капитал ва материаллар.

Масалан, мехнат ишлаб чиқариш омили сифатида малакали мехнатни (пайвандчи, бухгалтер, электр устаси), малакасиз мехнатни (хар хил ишчилар) ва корхона рахбарларининг тадбиркорлик ҳаракатини ўз ичига олади. Бу мехнат турларини умумлаштирувчи кўрсаткичлар мехнат сиғими ва мехнат унумдорлигидир.

**Материаллар деганда**, ишлаб чиқариш жараёнида тайёр маҳсулотга айланадиган хар қандай моддий нарсани карашимиз мумкин: бутловчи кисмлар, ярим фабрикатлар, темир, пўлат, шиша, ёқилги, ёғоч, пахта ва бошқа хом ашёлар тушунилади.

**Моддий капитал сарфи** ишчилар томонидан бинодан, ускунадан, инструментдан ва технологик линиялардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш муносабатлари биринчи навбатда маҳсулот ишлаб чиқаришдаги технологик муносабатлардир.

**Технология** - бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги амалий билимлардир. Маълумки, технологиянинг такомиллашуви фанда ва техникадаги янги ютукларнинг ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш оркали боради. Янги технология янги ишлаб чиқариш усулларидан фойдаланишни, янги машина ва механизмлардан янада юқори малакага эга бўлган мехнатдан фойдаланишни такозо қилади. Янги технология янги турдаги маҳсулотларни яратишга ёрдам беради. Янги технология маҳсулот сифатини оширишга, иш шароитларини яхшилашга, берилган ресурслар миқдори ўзгармаганда ишлаб чикариладиган маҳсулот миқдорини оширишга, ҳаражатларни камайтиришга олиб келади.

**Ишлаб чиқариш функцияси.** Сарфланадиган ишлаб чиқариш омиллари миқдори билан, ушбу омиллардан фойдаланган ҳолда максимал ишлаб чикариладиган маҳсулот миқдори ўртасидаги боғлиқликни ишлаб чиқариш функцияси оркали ифодалаш мумкин.

Ишлаб чиқариш функцияси фойдаланиладиган хар бир ишлаб чиқариш омиллари сарфи мажмуасидан максимал $Q$ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўрсатади. Агар омиллар мажмуаси сарфи капитал, мехнат ва материаллардан иборат бўлса, ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишда булиши мумкин:

$$Q = f(K, L, M), \qquad (1)$$

бу ерда $Q$ - берилган технологияда максимал ишлаб чикариладиган маҳсулот миқдори; $K$ - капитал; $L$ - мехнат; $M$ - материаллар.

Агар ишлаб чиқариш функцияси иккита, $K$ (капитал) ва $L$ (мехнат) омилларига боғлиқ бўлса, ишлаб чиқариш функцияси қуйидагича ёзилади:

$$Q = f(K, L). \qquad (2)$$

Ушбу функцияда маҳсулот ишлаб чиқариш хажми иккита ишлаб чиқариш омилига боғлиқ - капитал ва мехнатга. Масалан, ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида нон ишлаб чиқариш комбинатида мехнат ресурсларидан ва капиталдан фойдаланган ҳолда қанча нон маҳсулотини ишлаб чиқариш мумкинлигини ифодалаш мумкин, ёки қишлоқ хўжалик корхонасининг берилган мехнат ресурсларидан ва техникадан (ишчиларнинг фонд билан қуролланганлик даражасида) фойдаланган ҳолда маълум вақт оралигида қанча маҳсулот ишлаб чиқаришини ифодалаш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпрок кул мехнатига асосланган бўлса (масалан, нонни кул мехнати асосида ишлаб чикарилса), у ҳолда ишлаб чиқариш функциясини фақат сарфланган мехнатга боғлиқ равишда ёзиш мумкин:

$$Q = f(L)$$

Агар маҳсулот ишлаб чиқаришда кўпрок капитал иштирок этса, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш юқори капитал сиғимига эга бўлса, ишлаб чиқариш функциясини $Q = F(K)$ куринишида ёзиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, (1) ва (2) тенгламалар ишлаб чиқаришнинг маълум технологиясида қўлланилиши мумкин. Агар технология ўзгарса, яъни янги технология қўлланса, маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ресурслар хажми ўзгармаганда хам ўсиши мумкин.

## 2. Изоквантлар. Изокоста

Ишлаб чиқаришда фақат иккита омил - мехнат ва капиталдан фойдаланиладиган ишлаб чиқаришни караймиз. Фараз қилайлик, мебель ишлаб чиқариш цехида мавжуд технология асосида сарфланадиган капитал ва мехнатнинг маълум нисбатлари комбинациясида стул ишлаб чикарилмокда.

Масалан, икки бирлик мехнат ва бир бирлик капитал сарфлаб 50 бирлик стул ишлаб чиқариш мумкин, ёки уч бирлик мехнат ва турт бирлик капитал сарфланса, 110 дона стул ишлаб чикарилади. Жадвалнинг хар бир каторидаги ишлаб чиқариш хажмларини карасак шу нарсани кузатишимиз мумкинки, капитал сарфи ўзгармаганда, мехнат сарфининг ошиши билан бирга умумий ишлаб чиқариш хажми ортиб бормокда.

Масалан, капитал сарфи 2 га тенг бўлганда ва мехнат сарфи бирдан беш бирликгача ўзгарганда маҳсулот ишлаб чиқариш хажми 40 бирликдан 100 бирликгача ўзгаради. Худди шундай, жадвалнинг устунларини юқоридан пастга караб кўзатганимизда хам, мехнат сарфи ўзгармай, капитал сарфи ошиб боришига кура стул ишлаб чиқариш хажми хам ошиб бораётганлигини кўрамиз. 1-жадвалда келтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини графикда хам тасвирлаш мумкин (1-расм).



1- расм. Ишлаб чиқариш омиллари сарфи ўзгаришига кура стул ишлаб чиқариш графиги.

Расмда келтирилган $Q_1$ эгри чизиғи 60 дона стул ишлаб чиқаришни таъминлайдиган капитал ва мехнат сарфлари комбинацияларини ифодалайди. $Q_2$ эгри чизиғи 80 дона стул ишлаб чиқариш учун сарфланадиган капитал ва мехнат сарфлари комбинацияларини, $Q_3$ эгри чизиғи эса 100 дона стул ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ресурслар сарфлари комбинацияларини ифодалайди.

Расмдаги $Q_1$, $Q_2$ ва $Q_3$ эгри чизикларга ***изокванталар*** дейилади.

**Изокванта** - бу бир хил хажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш омиллари сарфлари комбинацияларини ифодаловчи эгри чизикдир. Демак, 1-расмда учта изокванта тасвирланган $Q_1$, $Q_2$ ва $Q_3$. Графикнинг горизонтал ўқи бўйича мехнат сарфи, вертикал ўқ бўйича капитал сарфи кўрсатилган. Масалан, $Q_1$ изоквантанинг хар бир нуктаси координаталари 60 дона стул ишлаб чиқариш учун сарфланадиган мехнат ва капитал сарфларини кўрсатади. $A$ нуктада 60 дона стул ишлаб чиқариш учун уч бирлик капитал ва бир бирлик мехнат сарфланган бўлса, $B$ нуктада ушбу 60 дона стул ишлаб чиқариш учун бир бирлик капитал ва уч бирлик мехнат сарфланади.

$Q_2$ изокванта нукталари 80 дона стулни мехнат ва капитал сарфларининг хар хил комбинацияларида ишлаб чиқариш мумкинлигини ифодалайди. Расмда $Q_2$ изоквантанинг $C, D, E$ ва $F$ нукталарида мехнат ва капитал сарфларининг хар хил комбинацияларида 80 дона стул ишлаб чикарилади. Худдий шундай $Q_3$ изоквантанинг $M, N$ ва $T$ нукталари хам хар хил ишлаб чиқариш омиллари сарфида 100 та стул ишлаб чиқаришни таъминлайди.

1-расмдан кўриниб турибдики $Q_3$ изокванта $Q_2$ изоквантадан ўнгрок ва юқорирокда жойлашгани учун унга тўғри келадиган ишлаб чиқариш хажми $Q_2$ никидан кўпроқ $Q_2$ изокванта эса $Q_1$ га нисбатан ўнгрок ва юқорирокда жойлашгани учун унга тўғри келадиган ишлаб чиқариш хажми $Q_2$ никидан кўпроқ

Демак, изокванталар чапдан ўнга ва юқорига караб жойлашиб борса, уларга тўғри келадиган ишлаб чиқариш хажми хам мос ҳолда ошиб боради. 1-расмдаги изокванталар учун $Q_1 < Q_2 < Q_3$ деб ёзишимиз мумкин.

Расмдан куриниб турибдики, изокванталар бир-бири билан кесишмайди.

**Изокванталар картаси** - бу изокванталар мажмуасидан иборат бўлиб, уларнинг хар бири маълум ишлаб чиқариш омиллари сарфлари комбинацияларига тўғри келадиган максимал ишлаб чиқариш хажмини ўзида акслантиради.

Изокванталар фирмаларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг вариантлари кўплигини кўрсатади. Бу фирмалар учун мухим ахборот бўлиб, кейинчалик кўрамиз, қандай қилиб изокванталар маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаражатларни минималлаштирадиган ёки фойдани максималлаштирадиган омиллар сарфи комбинацияларини танлашга имкон яратади.

Маълум вақт оралиғида жами ишлаб чикарилган маҳсулотни умумий маҳсулот десак, **ўртача маҳсулот** - умумий маҳсулотни ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгарувчан ишлаб чиқариш омиллари сарфига нисбати билан аниқланади.

$$AP = \frac{Q}{F},$$

бу ерда: $Q$ - умумий маҳсулот миқдори; $AP$ - ўртача маҳсулот; $F$ -сарфланган ресурслар.

**Чекли маҳсулот** - бу ўзгарувчан ресурслар комбинациясини кичик миқдорда қўшимча сарфи хисобидан умумий маҳсулотнинг ўсган кисмига айтилади. Масалан, ишлаб чиқаришда битта омил, яъни фақат мехнат сафланса чекли маҳсулот $MP_L$ Қуйидагича аниқланади:

$$MP_L = \frac{\Delta Q}{\Delta L};$$

$\Delta Q$ - қўшимча бирлик мехнат сарфи ($\Delta L$) хисобига ишлаб чикарилган қўшимча маҳсулот миқдори.

Агар ишлаб чиқаришда мехнат сарфи ўзгармас булиб, маҳсулот ишлаб чиқариш фақат капиталга боғлиқ бўлса, чекли маҳсулот $MP_K$ га тенг:

$$MP_K = \frac{\Delta Q}{\Delta K},$$

бу ерда: $\Delta Q$ - бир бирлик қўшимча капитал сарфи хисобидан ишлаб чикарилган қўшимча маҳсулот; $\Delta K$ - бир бирлик қўшимча сарфланган капитал.

Ўртача маҳсулот ишлаб чикарилган маҳсулотни умумий мехнат сарфига нисбати билан аниқланади. Ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш хажми 84 бирликка етгунча ортиб, ундан кейин қисқариб боради. Ўртача маҳсулот максимал бўлганда мехнат сарфи турт бирликни ташкил қилади.

Масалан, капитал сарфи ўзгармас бўлганда (15 бирлик) мехнат сарфининг икки бирликдан уч бирликка ўзгариши маҳсулот ишлаб чиқаришни 32 бирликдан 60 бирликка оширади, демак қўшимча бир бирлик мехнат сарфи 60-32к28 бирлик қўшимча маҳсулот яратади. Ўртача маҳсулотдек, чекли маҳсулот хам бошида ўсиб, кейинчалик камайиб боради (яъни, у 3 бирлик мехнат сарфигача усиб, мехнат сарфи 3 бирликдан ошганда камайиб боради). Шуни эсдан чикармаслик керакки, чекли маҳсулот миқдори мехнатга ва бошқа капитал сарфига хам боғлиқ. Агар мехнат сарфи ўзгарса капитал сарфи хам ўзгариши мумкин.

**Омиллар махсулдорлигининг камайиш қонуни.** Омиллар махсулдорлигини камайиш қонуни шуни кўрсатадики, бирор бир ишлаб чиқариш омилидан фойдаланиш ошиб борганда (бошқа омиллардан фойдаланиш ўзгармаганда), шундай бир нуктага эришиладики, ушбу нуктадан бошлаб қўшимча ишлатилган омил ишлаб чиқариш хажмини камайтиради. Агар биз ўзгарувчан омил сифатида мехнат сарфини карасак (капитал сарфи ўзгармаганда), мехнат сарфи кичик миқдорда ошганда маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини анчагина оширади, нима учун деганда, бошланғич даврда мехнат сарфининг ошиши капиталдан тўликроқ фойдаланиш имконини беради. Натижада чекли махсулдорлик, умумий ва ўртача махсулдорлик ошади. Лекин пировард натижада ишчилар сонининг ошиши (капиталнинг

ўзгармаганлиги) чекли мехнат унумдорлигини камайишига олиб келади, яъни омил махсулдорлигининг камайиш қонуни «ишлай» бошлайди.

Омил махсулдорлигининг (бир бирлик қўшимча омил сарфига тўғри келадиган қўшимча маҳсулот) камайиш қонуни қисқа муддатли оралиққа хосдир, чунки бу ораликда камида битта омил ўзгармасдир. Узоқ муддатли ораликда барча омиллар маълум миқдордаги комбинацияда ошса ишлаб чиқариш хажми хам ошиб боради.

Омил махсулдорлигининг камайиш қонуни чекли маҳсулотнинг камайишини ифодалайди. Махсулдорлик камайиш қонуни маълум бир ишлаб чиқариш технологиясида ўринлидир (3-расм). Юқорида келтирилган жадвал маълумотига кўра умумий маҳсулот миқдори, ўртача ва чекли маҳсулот миқдорларини караб чикамиз.




2-расм. Бир ўзгарувчи омил (*L*-мехнат) сарфида ишлаб чиқариш графиги.

Расмдан куриш мумкинки, ишлаб чиқариш хажми мехнат сарфи 8 бирликка тенг бўлгунча ўсиб, ўзининг максимал қийматига эришади (С нукта). Мехнат сарфи 8 бирликдан ошса ишлаб чиқариш хажми қисқаради. Ишлаб чиқариш хажми максимал бўлганда чекли маҳсулот нолга тенг, яъни $MP_L$ чизиғи горизонтал ўқни $L=8$ да кесиб утади $\left(MP_L=0\right)$. Ишлаб чиқариш хажми ошганда (0*C* оралигида) чекли маҳсулот $MP_L>0$, *C* нуктадан кейин ишлаб чиқариш хажми камаяди ва $MP_L<0$. Чекли маҳсулот маҳсулот ишлаб чиқариш

чизиғининг маълум нуктасида шу ишлаб чиқариш чизиғининг ётиклигига, яъни шу нуктадан ишлаб чиқариш чизиғига ўтказилган уринманинг тангенс бурчагига тенг:

$$MP_L = tg\alpha = \frac{Q'Q''}{L'L''}.$$

Демак, ишлаб чиқариш хажми максимал бўлганда $tg\alpha = 0 = MP_L$.

Ўртача маҳсулот ва чекли маҳсулот чизиклари бир-бири билан боғликдир. Агар чекли маҳсулот ўртача маҳсулотдан катта бўлса $\left(MP_L > AP\right)$, ўртача маҳсулот усади. Расмда $NA'$ ораликда чекли маҳсулот $MP_L$ ўртача маҳсулот $AP$ дан катта бўлгани учун, ўртача маҳсулот усади. $A'$ нуктада, чекли маҳсулот максимумга эришади. $A'M$ ораликда чекли маҳсулот камайиб, $M$ нуктада ўртача маҳсулотга тенг бўлади. $MC'$ ораликда $MP_L < AP$ бўлгани учун ўртача маҳсулот камайиб боради.

Омиллар махсулдорлигининг камайиш қонуни абсолют булмасдан нисбий характерга эгадир ва у маълум ишлаб чиқариш технологиясига қўлланилади. Вақт утиши билан технологиянинг такомиллашуви, маҳсулот ишлаб чиқариш чизиғини юқорирокга кўтарилишига олиб келиши мумкин. Масалан, биринчи технологияда ўзгарувчан мехнат ресурсидан максимал фойдаланиш $L_1$ бўлса (3-расм), янги, такомиллашган 2-технологияга ўтилиши, мехнат сарфи хажмини $L_2$ га оширади $\left(L_2 > L_1\right)$, янада такомиллашган 3-технологияга ўтилиши мехнат сарфини $L_3$ миқдоргача оширади $L_3 > L_2 > L_1$.




3-расм. Технология такомиллашувининг ишлаб чиқариш хажмига таъсири.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, технологиянинг такомиллашуви омил махсулдорлигининг камайиши қонунини умуман ишламаслигини билдирмайди, ушбу қонун хар қандай ишлаб чиқариш технологиясида хам ўз кучини саклаб колади. Расмдаги 1, 2 ва 3-такомиллашган технологияларга мос келувчи ишлаб чиқариш чизикларидаги *A, B, C* нукталардан кейинги ишлаб чиқариш нукталарида хар бир қўшимча сарфланган ишлаб чиқариш омили (мехнат сарфи), ишлаб чиқариш хажмини камайтиради.

Ишлаб чиқариш эгри чизикларининг ўнга юқорига силжиши ушбу қонунни ишлашини маълум маънода сездирмайди. Худди мана шу холат, яъни махсулдорликнинг камайиш қонунини қисқа муддатли орликдаги ва узоқ муддатли ораликдаги (технологияларнинг такомиллашуви шароитида) ишлаш моҳиятидаги англашмовчиликлар инглиз иқтисодчи олими Томас Мальтусни (1766-1834) ер шарида аҳолининг ўзулуксиз ўсиши келажакда оғир окибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги башоратига сабаб булди. Мальтуснинг ушбу башорати асосида омил махсулдорлигининг камайиш қонуни

ётади. Мальтус ер шаридаги қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ерларнинг нисбатан чекланганлиги ва унда мехнат қиладиган аҳолининг ўсиб бориши пировардда мехнат унумдорлигини камайишига олиб келади ва чекланган ер ошиб бораётган аҳолини озик-овкат билан етарли даражада таъминлай олмайди, деб фараз қилади, яъни чекли ва ўртача махсулдорликнинг камайиши билан аҳолининг усиб бориши умумий очарчиликка олиб келади.

Маълумки, Мальтус хатога йул куяди (лекин, унинг мехнат унумдорлигининг камайиш тўғрисидаги фикри тўғри бўлсада). Жахондаги ишлаб чиқариш тараккиёти шуни кўрсатадики, иккинчи жахон урушидан кейинги йилларда озик-овкат ишлаб чиқариш хажми жахон бўйича ошиб бормокда.

**Ишлаб чиқариш омиларини бир-бири билан алмаштириш.** Икки омилга боғлиқ ишлаб чиқариш функциясини кўриб чикамиз. Масалан, ишлаб чиқаришда иккита омилдан - мехнат ва капиталдан фойдаланилади, дейлик. У ҳолда ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Q = F(L,K)$$

бу ерда $Q$ - маҳсулот хажми; $K$ - капитал; $L$ - мехнат.

Фараз қилайлик, мехнат ва капитал сарфлаб озик-овкат ишлаб чикарилмокда.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қуйидаги хажмларидаги изокванталар 4-расмда келтирилган.

яъни, $Q_1 = f(L,K)$; $Q_2 = f(L,K)$; $Q_3 = f(L,K)$.

Маълумки, изокванта - бу эгри чизик булиб, бир хил хажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган омиллар комбинацияларини ифодалайди. Шунинг учун хам 65 бирлик маҳсулот кўпрок капиталдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин (*A* нукта), ёки кўпрок мехнат сарфидан фойдаланиб ишлаб чиқариш мумкин (*B* нукта). Иккала четки *A* ва *B* нукта оралиқларидаги вариантлар хам булиши мумкин. Расмдан куриш мумкинки, маҳсулот ишлаб чиқаришда мехнат омили (*L*) сарфининг ошиши, капитал (*K*) омили сарфининг камайиши хисобидан тўлдирилади.




4-расм. Изокванталар. $Q_1 = 65$, $Q_2 = 85$, $Q_3 = 100$

**Изокоста.** Ишлаб чиқариш ресурслари чекланганда максимал маҳсулот ишлаб чиқариш масаласи фирмалар учун асосий масалалардан бири хисобланади. Масалани соддалаштириш учун иккита ўзгарувчи омилни кўрамиз: мехнат ва капитал. Мехнат сарфи ($L$) соатбай иш хаки билан, капитал сарфи ($K$) - ускуна, машина ва механизмлардан

фойдаланиш вақти (соатларда) билан ўлчанади. Фараз қилайлик, мехнат ва капитал рақобатлашган бозор шароитида ёлланади ва ижарага олинади. Мехнат хаки бир соатлик иш хаки билан ўлчанади ва уни $W$ оркали белгилаймиз. Капитал нархи - ускуна, машиналарнинг бир соатлик ижара хакига тенг дейлик ва уни $r$ деб белгилаймиз.

Мехнат ва капитал рақобатлашган бозор шароитида ёлланиши ва ижарага олинишини эътиборга олсак, уларнинг нархи бозорда аниқланади ва ўзгармайди. Демак, мехнат ва капитал нархлари ўзгармайди. Берилган ҳаражатларда ишлаб чиқаришни максималлаштириш масаласини карашда ҳаражатлар чизиғидан, яъни изокостадан фойдаланамиз.

**Изокоста** - бу ишлаб чиқариш ҳаражатларини ифодаловчи чизик бўлиб, у умумий қиймати бир хил бўлган иккита ишлаб чиқариш омиллари сарфларининг барча комбинацияларини ифодаловчи нукталарни ўз ичига олади, яъни умумий қиймати бир хил бўлган мехнат ва капитал сарфлари комбинацияларни ифодаловчи нукталарни ўз ичига олади.

Агар фирманинг ишлаб чиқариш омилларига сарфланадиган бюджетни $C$ деб белгиласак, ишчи кучига сарфини $W \cdot L$ ва капиталга сарфини $r \cdot K$ десак, изокостани ифодаловчи тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$C = W \cdot L + r \cdot K \qquad (1)$$

Демак, фирманинг ишчи кучига сарфи билан капиталга сарфи йигиндиси унинг умумий ҳаражати $C$ га тенг.

Изокостани графикда қуйидагича аниқлаймиз:

(2) муносабатдан $K = 0$ бўлса, яъни фирма маблагини фақат ишчи кучига сарфласа, у $L = \frac{C}{W}$ миқдорда ишчи кучи ёллаши мумкин. $\frac{C}{W}$ нуктани горизонтал буйича белгилаймиз. Агар фирма маблагини фақат капиталга сарфласа, яъни $L = 0$ бўлса, $K = \frac{C}{r}$ капитални ижарага олиш мумкин. $\frac{C}{r}$ нуктани вертикал ўқ буйича жойлаштирамиз.

$\frac{C}{W}$ ва $\frac{C}{r}$ нукталарни туташтирувчи чизик (1) тенгламани ифодаловчи изокостани беради. Изокостанинг хар бир нуктасига мос келувчи ресурслар сарфи комбинациясининг қиймати умумий ҳаражат $C$ га тенг. Масалан, $A$ ва $B$ нукталар учун қуйидаги тенгликни ёзиш мумкин:

$$C = W \cdot L_A + r \cdot K_A = W \cdot L_B + r \cdot K_B .$$



5-расм. Изокоста.

Агар нукта $0N_1N_2$ учбурчак ичида ётса, шу нуктага мос ресурслар комбинациясини олганда, фирма ўз бюджетини тўлик сарфламайди. Масалан $M$ нукта учун (1)-тенглама қуйидагича ёзилади:

$$W \cdot L_M + r \cdot K_M < C. \qquad (2)$$

(2) тенглама фирманинг хар бир умумий ҳаражати учун графикда алохида изокванта билан ифодаланади. Агар фирманинг умумий ҳаражатлари икки вариантда бўлса, яъни $C_1$ ва $C_2$ хамда $C_1 < C_2$ бўлса, ушбу умумий ҳаражатлар учун изокванталар графикда қуйидагича жойлашади (6-расм).




6-расм. Изокванталарнинг жойлашуви.

Фирма бюджетининг ўсиши ёки ресурслар нархининг пасайиши изокостани ўнга силжитади, бюджетнинг қисқариши ва ресурслар нархининг ошиши изокостани чапга силжитади. (1)-тенгламани қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$K = \frac{C}{r} - \left(\frac{W}{r}\right) \cdot L. \qquad (3)$$

(3)-тенгламадан келиб чиқадики изокостанинг бурчак коэффициенти қуйидагига тенг:

$$\frac{\Delta K}{\Delta L} = -\frac{W}{r}. \qquad (4)$$

Изокостанинг бурчак коэффициенти $\left(-\frac{W}{r}\right)$ шуни кўрсатадики, агар фирма $r$ нархда $\frac{W}{r}$ бирлик капитал сотиб олиш учун бир бирлик мехнат сарфидан воз кечса ($W$ сум иқтисод қилади), ишлаб чиқаришдаги умумий ҳаражат қиймати ўзгармайди.

Масалан, агар иш хаки 20 сум, капиталга ижара хаки 5 сум бўлса

$$\frac{\Delta K}{\Delta L} = \frac{W = 20 \text{ сум}}{r = 5 \text{ сум}} = 4, \text{ ёки } \quad \Delta K = 4 \cdot \Delta L.$$

Демак, фирма умумий ҳаражатни ўзгартирмасдан бир бирлик мехнатни 4 бирлик капитал билан алмаштириши мумкин.

Энди фирманинг умумий ҳаражатлари чекланганда максимал маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш масаласини график усулда ечилишини кўриб чикамиз.

Ишлаб чиқарувчи $Q_3$ миқдорда ишлаб чикара олмайди, нимага деганда унинг бюджети $Q_3$ миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун керак бўлган ресурсларни сотиб олишга етмайди. $Q_1$ хам максимал ишлаб чиқариш хажми бўла олмайди, чунки бу холатда ишлаб чиқарувчи ўз бюджетини тўлик сарфламайди, демак у ишлаб чиқаришни ошириши мумкин.




7-расм. Ишлаб чиқарувчининг мувозанат нуктаси.

$Q_2$ миқдордаги маҳсулот берилган бюджетда энг максимал маҳсулот ишлаб чиқариш хажми хисобланади. *E* нуктада $Q_2$ изокванта билан изокоста чизиғи *C* кесишади ва ушбу *E* нукта ишлаб чиқарувчининг мувозанат холатини ифодалайди. *E* нуктада изокванта хам, изокоста хам бир хил ётикликка эга эканлигидан ва изоквантанинг ётиклиги чекли технологик алмаштириш нормаси билан улчаниши, яъни

$$MRTS = -\frac{\Delta K}{\Delta L} = \frac{MP_L}{MP_K} \qquad (5)$$

ва изокостанинг ётиклиги $\frac{\Delta K}{\Delta L} = -\frac{W}{r}$ га тенглигини хисобга олсак, мувозанат *E* нукта учун қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$\frac{MP_L}{MP_K} = \frac{W}{r}. \qquad (6)$$

(6)-муносабатни қуйидагича ёзамиз

$$\frac{MP_L}{W} = \frac{MP_K}{r}. \qquad (7)$$

(7)- тенглик ишлаб чиқарувчининг мувозанат холатини белгиловчи шарт бўлиб хисобланади. Мувозанат шарт (7) шуни кўрсатадики, чекланган ҳаражатда максимал ишлаб чиқаришга эришилганда ишлаб чиқариш омиллари учун сарфланган хар бир қўшимча сум бир хил миқдордаги қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Агар ишлаб чиқариш омилларидан бирининг нархи ошса, масалан ишчи кучи нархи ошса фирма, бундай ўзгаришга ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучини капитал билан алмаштириш билан жавоб беради.

Бундай холат қуйидаги графикда келтирилаган (8-расм).




8-расм. Ишчи кучини нархи ошганда уни капитал билан алмаштириш.

Бошлангич холатдаги $C_1$ изокостада максимал ишлаб чиқариш $E$ нуктада эришилади ва $L_1$, $K_1$ миқдордаги ресурслар сарфланади. Ишчи кучининг нархи ошганда изокоста $C_2$ холатга утади. $C_2$ изокоста ишчи кучи нархининг ошганлигини ифодалайди.

$C_2$ изокостада фирма максимал ишлаб чиқариш хажмига $E_2$ нуктада эришади ва ишлаб чиқаришга $L_2$ ва $K_2$ миқдордаги ресурслар сарфланади. Ишчи кучига нархнинг ошиши, ишчи кучидан фойдаланишни қисқартиради ва капиталдан фойдаланишни оширади.

### 3. Фирманинг қисқа ва узоқ муддатли оралиқдаги фаолияти

Фирманинг ишлаб чиқариши ва ҳаражатлари тўғрисида гапирганда уларни икки хил вақт оралигида караш лозим, қисқа муддатли ва узоқ муддатли.

**Қисқа муддатли оралиқ** - бу шундай вақт оралиғики, фирма бу оралиқда фаолият кўрсатганда, у ишлаб чиқариш омилларидан камида биттасининг хажмини ўзгартира олмайди. Бундай омилга ўзгармас ишлаб чиқариш омили дейилади.

Ўзгармас омил сифатида фирма капитали - ишлаб чиқариш куввати хисобланади. Масалан, фирма капиталидан фойдаланиш йуналишини ўзгартириш учун одатда узоқ вақт талаб қилинади. Янги завод куриш учун, биринчи навбатда унинг лойихаси ишлаб чиқилади, ускуна ва технологик линиялар сотиб олинади ва урнатилади. Ушбу ишларни амалга ошириш учун кўп вақт талаб қилинади (камида бир йил).

**Узоқ муддатли оралиқ** - бу оралиқда фирма ишлаб чиқаришда фойдаланаётган барча ишлаб чиқариш омиллари хажмини (ишлаб чиқариш кувватини хам) ўзгартиради. Узоқ муддатли оралиқда барча ишлаб чиқариш ресурслари ўзгаради ва бундай ресурсларга ўзгарувчан ресурслар дейилади.

Қисқа муддатли оралиқда фирма ишлаб чиқариш кувватини ўзгартира олмайди, лекин ундан фойдаланишни интенсивлаштириши мумкин.

Узоқ муддатли оралиқда ишлаб чиқариш куввати хам ўзгаради. Албатта узоқ ва қисқа муддатли оралиқлар хар-хил маҳсулотлар учун турлича бўлиши мумкин.

### 4. Фирмаларда ҳаражатлар, ишлаб чиқариш ва фойда

Хар қандай фирманинг асосий мақсади фойдани максималлаштиришдан иборатдир.

Умумий ҳолда **фойда** ялпи даромаддан умумий ҳаражатларни айириш оркали топилади.

$$\pi = TR - TC, \qquad (1)$$

бу ерда $\pi$ - фойда; $TR$ - умумий даромад; $TC$ - умумий ҳаражат.

Ҳаражатлар фирмага нисбатан ташки ва ички ҳаражатларга бўлинади. **Ташки ҳаражатларга** ташки тўловлар, яъни ташки мол етказиб берувчиларга (хом-ашё, материаллар, электроэнергия, газ) тўловлар киради. Умумий даромаддан ташки ҳаражатларни айириб ташласак, бухгалтерия фойдасини оламиз. Бухгалтерия фойдаси ички (яширин) ҳаражатларни хисобга олмайди

**Ички ҳаражатлар сифатида** қуйидагилар каралади: 1) тадбиркорнинг ўзига тегишли ресурсларга бўлган ҳаражати; 2) тадбиркорлик қобилиятига тўғри келадиган ва тадбиркорга тегишли бўлган нормал фойда. Бухгалтерия фойдасидан ички ҳаражатларни айириб ташласак иқтисодий фойдани оламиз.

Ташки ва ички ҳаражатларнинг йиғиндиси **альтернатив ёки иқтисодий ҳаражатларни** ташкил қилади. Альтернатив ҳаражатлар, фирманинг ресурсларидан энг яхши вариантда фойдаланиши билан боғлиқ йўқотилган имкониятлардир.

Иқтисодий ҳаражатлар фирма фаолиятини бухгалтер ва иқтисодчи томонидан баҳоланишни фарк қилишга имкон беради. Бухгалтерни биринчи навбатда, фирманинг маълум муддат давомидаги (хисобот даврида) фаолияти натижалари қизиқтиради. Иқтисодчини эса фирманинг келажаги, унинг келажакдаги фаолияти қизиқтиради. Шунинг учун хам фирма ихтиёридаги ресурслардан энг яхши альтернатив фойдаланиш вариантларини топишга эътибор беради.

**Кайтарилмайдиган ҳаражатлар.** Кайтарилмайдиган ҳаражатлар олдин қилинган ҳаражатлар бўлиб, уларни кайтадан тиклаш мумкин эмас. Бу ҳаражатлар кайтарилмаслиги учун хам фирманинг қарор қабул қилишига таъсир қилмайди. Масалан, фирма 100 минг сўмга махсус ускуна сотиб олди, лекин фирманинг қарори ўзгарди ва бу ускуна умуман керак бўлмай колди, ундан альтернатив фойдаланиш варианти мавжуд эмас.

Фирма ушбу ускунани 60 минг сўмга сотиб, 40 минг сўм зарар кўрди. 40 минг сўм кайтарилмайдиган ҳаражат хисобланади ва фирманинг ҳаракатига таъсир қилмайди.

**Ўзгармас ҳаражат** (*FC - fixed cost*) - бу қисқа муддатли ораликда маҳсулот ишлаб чиқариш хажмига боғлиқ бўлмаган ҳаражатдир (маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ошганда хам, камайганда хам ўзгармайдиган ҳаражат). Ўзгармас ҳаражатларга бинодан, техникадан, иншоотлардан, ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланиш билан боғлиқ ҳаражатлар, ижара хаки, капитал таъмирлаш, маъмурий ҳаражатлар киради.

**Ўртача ўзгармас ҳаражат** (*AFC - Average Fixed Cost*) - бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгармас ҳаражат булиб, у қуйидагича аниқланади:

$$AFC(Q) = \frac{FC}{Q}. \qquad (5)$$

Ўртача ўзгармас ҳаражат маҳсулот хажми ошиши билан камайиб боради.



9-расм. $FC$ ва $AFC$ чизиқлари графиги.

Ўзгармас ҳаражат ($FC$) ва ўртача ўзгармас ҳаражатлар ($AFC$) чизиғи графикда қуйидагича тасвирланади (9-расм).

**Ўзгарувчан ҳаражат** (*VC - Variable Cost*) - маҳсулот ишлаб чиқариш хажмига боғлиқ бўлган ҳаражат, яъни маҳсулот хажми ошганда ёки камайганда ўзгарадиган ҳаражат. Ўзгарувчан ҳаражат $Q$ га боғлиқ функция булиб, $VC(Q)$ кўринишида ёзилиши мумкин.

Ўзгарувчан ҳаражатларга хом ашёга, электроэнергияга, газга, ёрдамчи материалларга бўлган ҳаражатлар хамда иш хаки киради.

Ўртача ҳаражатлар шундай хусусиятга эгаки, ишлаб чиқаришнинг бошланғич кисмида унинг ўсиш суръати маҳсулот ишлаб чиқариш суръатидан юқори бўлади, ишлаб чиқариш хажми оптимал ўлчовга эришганда ўзгарувчан ҳаражатлар камайиб, ундан кейин яна ошади.

**Ўртача ўзгарувчан ҳаражатлар** (*AVC - Average Variable Cost*) - бир бирлик ишлаб чикарилган маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан ҳаражат бўлиб, у ўзгарувчан ҳаражат миқдорини ишлаб чикарилган маҳсулот миқдорига нисбати билан аниқланади. Ўртача ҳаражатлар фирма оптимал технологик размерга (оптимал ишлаб чиқариш хажмига) эришганда ўзининг минимал қийматига эришади (10-расм), ишлаб чиқариш хажми яна ошса, ўртача ҳаражат хам ошиб боради (бу ерда бошқаришнинг мураккаблашуви, самарали бўлмаган ресурслардан фойдаланиш, ўзгарувчан ҳаражатларни ошишига сабаб бўлади).

Ўртача ўзгарувчан ҳаражат фирма фаолиятини таҳлил қилишда мухим аҳамият касб этади. Унинг ёрдамида фирма фаолиятининг самарадорлиги, фирманинг мувозанат холати ва келажакдаги истикболи (ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қисқартириш ёки тармоқдан чикиш) белгиланади.




10-расм. $VC$ ва $AVC$ чизиклари графиги.

**Умумий ҳаражатлар** (*TC - Total Cost*) - қисқа муддатли орликда маълум миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгармас ва ўзгарувчан ҳаражатларнинг йиғиндисига тенг:

$$TC = FC + VC(Q). \qquad (6)$$

Бу ерда $FC$ - ўзгармас ҳаражат, $VC(Q)$ - ўзгарувчан ҳаражат.

Ўртача ҳаражатни баъзи холларда $TC$ ўрнига $C$ билан хам белгилайди.

График кўринишда умумий ҳаражат чизиғи ўзгармас ва ўзгарувчан ҳаражатлар чизикларини кўшиш билан хосил қилинади (11 расм).

Ўртача умумий ҳаражатларни умумий ҳаражатни ишлаб чикарилган маҳсулот миқдорига булиш йули билан аниқлаш мумкин:

$$ATC = \frac{TC}{Q},$$

ёки ўртача ўзгармас ($AFC$) ва ўртача ўзгарувчан ($AVC$) ҳаражатларни кўшиш йўли билан аниқланади:

$$ATC = AFC + AVC = \frac{(FC + VC)}{Q}. \quad (7)$$




11 расм. Умумий ҳаражатлар.




12-расм. $ATC$, $AFC$ ва $AVC$ чизикларининг графиклари.

$ATC$, $AFC$ ва $AVC$ чизикларининг графикдаги кўриниши қуйидаги расмда келтирилган (12-расм).

Ўртача умумий ҳаражатлар фирма фаолиятини таҳлил қилишда асосий кўрсаткичлардан бири хисобланади. Ўртача умумий ҳаражат билан нарх ўртасидаги фарк оркали фирманинг олаётган фойдаси ёки зарари аниқланади.

**Чекли ҳаражат** (*MC - Marginal Cost*) - ишлаб чиқариш хажмини кичик миқдорга (одатда бир бирликка) ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча умумий ҳаражатдир:

$$MC = \frac{\Delta TC}{\Delta Q} = \frac{\Delta(FC + VC)}{\Delta Q} = \frac{\Delta FC}{\Delta Q} + \frac{\Delta VC}{\Delta Q} = \frac{\Delta VC}{\Delta Q} = MVC$$

Бу ерда чекли ўзгармас ҳаражат $\frac{\Delta(FC)}{\Delta Q} = 0$ бўлгани учун, чекли ҳаражат чекли ўзгарувчан ҳаражат $MVC$ га тенг ($MC = MVC$).

$MVC$ - чекли ўзгарувчан ҳаражат булиб, маҳсулотни қўшимча бир бирликка ($\Delta Q$) оширгандаги ўзгарувчан ҳаражатнинг ўсган кисми $\Delta VC$ га тенг.

Юқоридаги формуладан кўриниб турибдики, ўзгармас ҳаражат чекли ҳаражат миқдорига таъсир қилмайди. Чекли ҳаражат ўзгарувчан ҳаражат функциясидан олинган хосилага тенг:

$$MC = \frac{d(VC)}{dQ}.$$

Харажатлар функцияси графиклари бир-бирига нисбатан шундай жойлашганки, бошланишда чекли ҳаражатлар камайиб боради (бу ерда асосий сабаб, ишлаб чиқариш масштаби кенгайишининг мусбат самараси ва оптимал технологик ишлаб чиқариш хажмига чикиш хамда ўзгармас ҳаражатларнинг камайиши). Оптимал хажмдан кейинги ишлаб чиқариш хажмининг ўсишида кам самарали ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, ишлаб чиқариш масштабини ортикча кенгайиши натижасида бошқарув самарадорлигининг камайиши, ҳаражатларнинг ортиши натижасида чекли ҳаражатлар ўсиб боради.

Умумий, ўртача, ўзгарувчан ва чекли ҳаражатлар графикларининг типик жойлашуви қуйидаги 13-расмда келтирилган.




13-расм. *AC*, *AVC*, *AFC* ва *MC* графикларининг ўзаро жойлашуви.

Расмдан кўриниб турибдики, агар $MC < AC$ бўлганда $AC$ чизиғи пастга караб тушади ва $MC < AVC$ бўлганда хам $AVC$ чизиғи пастга караб камайиб боради. Бунинг сабаби - хар бир янги қўшимча бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражати ишлаб чиқилган маҳсулотнинг ўртача ва ўртача ўзгарувчан ҳаражатидан кичик бўлгани учун, ўртача ва ўртача ўзгарувчан ҳаражатларни камайтиради.

Агар $MC > AC$ ва $MC > AVC$ бўлганида $AC$ ва $AVC$ чизиклари юқорига караб ўсиб боради. Бу ерда қўшимча ишлаб чикарилган бирлик маҳсулоти ҳаражати $AC$ ва $AVC$ дан катта бўлгани учун, у ушбу ўртача ва ўртача ўзгарувчан ҳаражатларини оширади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, ўртача ҳаражат ( $AC$ ) ва ўртача ўзгарувчан ҳаражат ( $AVC$ )лар ўзларининг минимал қийматларида $MC$ чизиғини кесиб ўтадилар (расмда $A$ ва $B$ нукталар), яъни

$$AC = \min AC(Q) \text{ бўлганда } MC = AC,$$

ва $AVC = \min AVC(Q)$ бўлганда $AVC = MC$.

Назарот ва мулохаза учун саволлар

**1. Ишлаб чиқариш функцияси нима?**

**2. Изокванта нима учун керак?**

**3. Изокоста нимани билдиради?**

**4. Ишлаб чиқаришни битта омил хисобида қандай ташкил этилади?**

**5. Ишлаб чиқаришни иккита омил хисобида қандай ташкил этилади?**

**6. Корхона хажми деганда нимани тушунасиз?**

7. Корхона хажмининг самарадорликка таъсирини қандай кўринишлари бор?

8. Ишлаб чиқариш ҳаражати нима?

**9. Умумий ҳаражат нима ва у нималарни ўз ичига олади?**

**10. Умумий, доимий ва ўзгарувчан ҳаражатлар нима?**

**11. Ўртача, доимий ва ўзгарувчи ҳаражатлар нима?**

**12. Қўшимча ҳаражат кўзда тутиладими?**

**13. "Бой берилган" имконият ҳаражатлари нима?**

**14. Корхонанинг қисқа муддатдаги фаолиятида ҳаражатлар қандай ўзгаради?**

15. Корхонанинг узоқ муддатдаги фаолияти қандай ўзгаради?

**8- МАВЗУ. РАҚОБАТЛАШАГАН БОЗОРДА, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОРАЛИҚДА ФИРМА ФОЙДАСИНИ МАКСИМАЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ТАКЛИФИ. РАҚОБАТЛАШУВЧИ ФИРМА ВА ТАРМОҚНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ ОРАЛИҚЛАГИ МУВОЗАНАТИ ВА ТАРМОҚНИНГ ТАКЛИФИ**.

**Дарс мақсади:** Рақобатлашаган бозорда, қисқа муддатли оралиқда фирма фойдасини максималлаштириш ва унинг таклифи, рақобатлашувчи фирма ва тармоқнинг узоқ муддатли оралиқлаги мувозанати ва тармоқнинг таклифи мавзусини талабларга тушунтириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** корхона фойдаси, фойдани максималлаштириш шарти, фирманинг безарар ишлаш нуқтаси, фирманинг ёпилиш нуқтаси, фирма таклифи, тармоқнинг мувозанат ҳолати, тармоқнинг таклифи, ишлаб чиқариш масштаби, фирманинг самарали ишлаб чиқариш ҳажми, масштаб самараси.

**Асосий саволлар:**

7. Рақобатлашган бозорда қисқа муддатли оралиқда фирма фойдасини максималлаштириш ва унинг таклиф чизиғи.
8. Қисқа муддатли оралиқда ишлаб чиқариш хажмини аниқлаш ва фойдани максималлаштириш.
9. Рақобатлашувчи фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанати.
10. Тармоқнинг мувозанати ва тармоқ таклифи. Фирманинг самарали ишлаб чиқариш ҳажми.

## 1. Рақобатлашган бозорда қисқа муддатли оралиқда фирма фойдасини максималлаштириш ва унинг таклиф чизиғи

Бозор **мукаммал рақобатлашган** ёки **рақобатлашган** бозор бўлади, агар унда қуйидаги шартлар бажарилса:

- сотувчи ва харидорлар бозорда маҳсулот нархи қандай бўлса, шундай қабул қиладилар ва улар нархга таъсир қила олмайдилар;
- бозорга янги сотувчиларни кириши чекланмаган;
- сотувчилар биргаликда ҳаракат қилиш стратегиясини ишлаб чикмайди.
- Бундай шартлар бажариладиган бозор мукаммал рақобатлашган бозор, соф рақобатлашган ёки рақобатлашган бозор деб каралади. Рақобатлашган бозорда ҳаракат қилаётган фирманинг рақобатлашувчи фирма деб каралади. Бундан кейин рақобатлашувчи фирма тўғрисида гапирилганда, биз рақобатлашган бозорда ҳаракат қилаётган фирмани назарда тутамиз.

Демак, рақобатлашган бозорда товар нархи бозорда талаб ва таклиф асосида шаклланади ва унга сотувчи хам харидор хам таъсир қила олмайди:

$$P = const.$$

Рақобатлашган бозорда хар бир алохида сотувчи томонидан сотиладиган товарнинг бозорда сотиладиган умумий товар миқдоридаги улуши жуда оз бўлгани учун хам у товар нархини ўзгартира олмайди.

Рақобатлашган бозорни таҳлил қилганимизда бозордаги товарларни бир хил деб, яъни уларнинг сифати бир хил деб караймиз. (Амалда товарнинг сифатига караб, уларнинг нархи хар хил бўлади, сифатли товарнинг нархи сифати пастрок товарнинг нархига кўра юқори бўлади).

**Умумий даромад** (*TR*) Рақобатлашган бозорда фирма томонидан маълум миқдордаги неъматни сотишдан олган даромадига тенг

Яъни умумий даромад сотилган маҳсулот миқдорини ($Q$) унинг нархи ($P$) кўпайтмасига тенг:

$$TR = P \cdot Q, \qquad (2)$$

бу ерда $TR$ ёки $R$ - умумий даромад; $P$ - нарх; $Q$ - сотилган неъмат миқдори.

Умуман олганда, даромад сотилган маҳсулот миқдорига боғлиқ бўлганлиги учун, у $R(Q)$ кўринишида ёзилади.

**Ўртача даромад** ($AR$) - сотилган бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган даромаддир, яъни:

$$AR = \frac{TR}{Q} = \frac{P \cdot Q}{Q} = P. \qquad (3)$$

**Чекли даромад** ( $MR$) - бу қўшимча бир бирлик неъматни сотиш натижасида умумий даромаднинг ўсган кисми $\Delta R(Q)$, яъни:

$$MR = \frac{\Delta R(Q)}{\Delta Q} = \frac{d(P \cdot Q)}{\Delta Q} = P \cdot \frac{\Delta Q}{\Delta Q} = P. \qquad (4)$$




1-расм. Рақобатлашган бозорда нарх, ўртача ва чекли даромад.

Агар абцисса ўқи бўйича маҳсулот миқдори $Q$ ни ва ордината ўқи буйича товар нархини жойлаштирсак, улар ўртасидаги боғлиқлик горизонтал ўққа нисабатан параллел чизик билан ифодаланади ва бу чизик рақобатлашган бозордаги маҳсулотга бўлган талаб чизиғини беради (1-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, рақобатлашган бозордаги талабнинг нарх буйича эластиклиги чексиздир $E_P^D = \infty$, яъни абсолют эластик. Бу дегани, рақобатлашган бозорда бирор сотувчи ўз товари нархини кичик миқдорга оширса, у ўзининг барча харидорларидан ажралади, агар нархни кичик миқдорга камайтирса, у ўзига бозордаги барча харидорларни тортади.

## 2. Қисқа муддатли ораликда ишлаб чиқариш хажмини аниқлаш ва фойдани максималлаштириш

**Рақобатлашувчи фирманинг ишлаб чиқариш омиллари нархининг ошишига акс таъсири.** Рақобатлашган бозорда ҳаракат қилаётган фирма ишлаб чиқариш омилларидан бирининг нархи ошганда қандай қарор қабул қилишини кўриб чикамиз.

Бозордаги нарх $P'$ ва фирманинг бошланғич (ишлаб чиқариш омиллари нархи ўзгармагандаги) чекли ҳаражати $MC_1$ ва фирма фойдасини максималлаштирувчи ишлаб чиқариш хажми $Q_1$ бўлсин дейлик (2-расм).




2-расм. Чекли ҳаражатнинг ишлаб чиқариш хажмига боғлиқлиги.

Фараз қилайлик, ишлаб чиқариш омилларидан бирининг нархи ошди дейлик. Омил нархининг ошиши чекли ҳаражат $MC_1$ ни юқорига чапга $MC_2$ га силжитади. Нима учун деганда, хар бир ишлаб чикариладиган маҳсулот ҳаражати ошади. Фойдани янги чекли ҳаражатда максималлаштирадиган ишлаб чиқариш хажми $Q_2$ ни ташкил қилади, яъни $Q_2$ хажмда $P' = MC_2$.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш омили нархининг ошиши фирмани маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини қисқартиришга мажбур қилади. агар фирма ишлаб чиқаришни $Q_1$ хажмда давом эттирганида штрихланган сохага тенг бўлган зарарни кўрган булар эди. Штрихланган соха фирма фойдасининг йўкотилиши мумкин бўлган кисмини ифодалайди.

Қисқа муддатли ораликда фирма капитали размери ўзгармайди, шунинг учун у фойдани максималлаштирадиган ўзгарувчан ишлаб чиқариш омиллари хажмини танлаши лозим бўлади. Маълумки, фойдани максималлаштириш бу умумий даромад билан умумий ҳаражатлар айирмасини максималлаштириш демакдир, яъни

$$\pi(Q) = TR(Q) - TC(Q). \qquad (1)$$

Агар абцисса ўқи бўйича ишлаб чикариладиган маҳсулот хажмини, ордината ўқи бўйича - умумий даромадни жойлаштирсак, даромаднинг махсулот хажмига боғлиқлиги $(R(Q) = P \cdot Q)$ координата бошидан чикувчи нур билан ифодаланади. Умумий ҳаражатлар эса ўзгармас ва ўзгарувчан ҳаражатлар йигиндисидан хосил бўлади (3-расм).




а)

3-расм. Қисқа муддатли ораликда фойдани максималлаштириш графиги.

3-расмдаги графикдан кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш хажми кичик бўлганда, фирма фойдаси манфий бўлади, фирма зарар билан ишлайди, фирманинг даромади ўзгармас ва ўзгарувчан харажатларни қоплаш учун етарли эмас.

Ишлаб чиқариш хажми ошиб бориши билан фирманинг фойдаси мусбат булиб ошиб боради ва ишлаб чиқариш хажми $Q_2$ га тенг бўлганда даромад $TR(Q)$ билан умумий харажат $TC(Q)$ ўртасидаги фарк максимал бўлади (3-расм бу $MN$). Демак, фойда ишлаб чиқариш хажми $Q = Q_2^*$ бўлганда максималлашади (3-б -расм). Ишлаб чиқариш хажми $Q_2^*$ дан ошганда $\left(Q > Q_2^*\right)$ умумий харажатларнинг ўсиши даромад ўсишига нисбатан устунрок бўлгани учун фойда камайиб боради. Расмдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш хажми $Q_1$ гача бўлганда фирма зарар билан ишлайди, нима учун деганда $\left(TC > R(Q)\right)$. Фирма $Q_1$ ва $Q_2^*$ ораликда фойда олади ва бу фойда $Q_2^*$ га кадар ошиб, ишлаб чиқариш хажми $Q_2^*$ га тенг бўлганда максимал қийматга эришади. $N$ нуктада даромад чизиғининг бурчак коэффициенти (чекли даромад $MR = \frac{\Delta R}{\Delta Q} = tg\alpha$) умумий харажат чизиғининг бурчак коэффициенти га (чекли харажати га $MC = \frac{\Delta TC}{\Delta Q} = tg\alpha$) тенг $MC = MR$.

Шундай қилиб, фирманинг чекли даромади билан чекли харажати бир-бирига тенг бўлганда фойда максимал қийматга эришади. $MC = MR$ фойдани максималлаштириш шарти бўлиб, фирма кайси бозорда (рақобатлашган, монопол, олигопол) фаолият кўрсатмасин, у ўз кучини саклаб колади.

Юқоридаги мулохазалардан шу келиб чиқадики, агар $MR(Q) > MC(Q)$ бўлганда, фирма маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини ошириши керак (хар бир қўшимча ишлаб чикарилган маҳсулот умумий фойдани ошириб боради), агар $MR(Q) < MC(Q)$ бўлса - ишлаб чиқариш хажмини қисқартириш керак бўлади.

Максималлик шартини математик томондан келтириб чиқариш мумкин:

$$\pi(Q) = R(Q) - TC(Q). \qquad (2)$$

(2)-функция максимал қийматга эришади, качонки ишлаб чиқариш хажмини кичик $\Delta Q$ миқдорга оширганимизда фойда ўзгармаса, яъни

$$\frac{\Delta\pi(Q)}{\Delta Q}=0\text{, бундан}$$

$$\frac{\Delta\pi(Q)}{\Delta Q}=\frac{\Delta R(Q)}{\Delta Q}-\frac{\Delta TC}{\Delta Q}=0. \qquad (3)$$

(3)- муносабатда

$$\frac{\Delta R(Q)}{\Delta Q}=MR \text{ ва } \frac{\Delta TC}{\Delta Q}=MC,$$

бўлгани учун фойдани максималлаштириш шартини қуйидагича ёзамиз:

$$MR(Q)=MC(Q). \qquad (4)$$

**Рақобатлашувчи фирманинг мувозанат холати.** Биз кўрган эдикки, рақобатлашган бозорда нарх бозор томонидан белгиланади ва унга фирма таъсир қила олмайди. Бундай бозорда ҳаракат қилаётган фирманинг талаб чизиғи горизонтал чизикдан иборат булиб, унинг чекли даромади нархга тенг, яъни $MR=P$. Демак, рақобатлашувчи фирма фойдасини максималлаштириш шарти (қоидаси) шундан иборатки, фирма ишлаб чиқариш хажмини шундай танлаши керакки, бу хажмда нарх чекли ҳаражатга тенг булсин:

$$P=MC \qquad (5)$$

(5)-шарт рақобатлашган бозорда фаолият кўрсатаётган фирма фойдасини максималлаштириш (мувозанат холати) шарти дейилади, яъни рақобатлашувчи фирманинг чекли маҳсулот қоидасини ифодалайди. Ушбу қоидага кўра фирма маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини чекли ҳаражат нархга тенг бўлгунга кадар ошириши мумкин. Демак, $MC<P$ бўлса, ишлаб чиқаришни ошириш мумкин ва бу ошириш $MC=P$ бўлгунча давом этиши керақ

Расмда $E$ нукта рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли ораликдаги мувозанат холатини ифодалайди. Бу нуктада $P=MC$ булиб, ушбу нуктада фирма фойдани максималлаштирадиган ишлаб чиқариш хажми $Q^*$ га эришади.

Расмда умумий даромад $(TR-TC)$ $0P_eEQ^*$ туртбурчак юзасига, умумий ҳаражат $0ABQ^*$ туртбурчак юзасига тенг. Умумий максимал фойда $(\max\pi(Q)=TR-TC)$ $AP_eEB$ юза билан ифодаланади ва бу юза қуйидаги формула буйича хисобланади:

$$\pi=(P-ATC)\cdot Q. \qquad (6)$$

Ишлаб чиқариш хажми $Q^*$ дан кичик бўлганда $Q_0<Q^*$ чекли даромад чекли ҳаражатдан кўп демак, ишлаб чиқариш хажмини ошириб қўшимча фойда олиш имконияти бор. Расмда икки карра штирхланган $SFE$ юза ишлаб чиқариш хажми $Q_0$ га камайгандаги йукотилган фойдани ифодалайди.

Ишлаб чиқариш хажми $Q^*$ дан юқори бўлганда, яъни $Q_1>Q^*$ да чекли ҳаражатлар чекли даромаддан юқори. Бу ҳолда, ишлаб чиқариш хажмини қисқартириш умумий ҳаражатларни қисқартиришга олиб келади. Расмдаги $ESK$ учбурчак юзаси $Q_1$ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида йукотилган фойдани ифодалайди.

(6)-ифодадан келиб чикиб хулоса қилиш мумкинки, нарх ўртача умумий ҳаражатдан қанча юқори бўлса, фирманинг фойдаси шунча кўп бўлади. Буни қуйидаги графикда куриш мумкин (4-расм).

Расмда, бошлангич нарх $P_0$ бўлганда умумий фойда $P_0A_0B_0E_0$ туртбурчак юзи билан ифодаланса, нарх ошиб $P_1$ бўлганда умумий фойда қиймати хам ошади ва $P_1A_1B_1E_1$ туртбурчак юзи билан ифодаланади.




4-расм. Рақобатлашувчи фирма фойдаси.

Шуни хам эслатиш ўринлики, фирма қисқа муддатли оралиқда хар доим хам фойдани максималлаштиравермайди. Кўп холларда ўзгармас ҳаражатнинг ошиб кетиши умумий ўртача ҳаражатни ошириб юборади (5-расм).

Натижада, фойдани максималлаштирадиган ишлаб чиқариш хажми $Q^*$ да нарх $P$ ўртача умумий ҳаражатдан кичик бўлади, яъни $P < ATC(Q)$ ва шунинг учун $BE$ ишлаб чиқаришнинг ўртача йукотишига (зарарига) тенг. Штрихланган $PEBM$ туртбурчак юзи фирманинг умумий йукотишини билдиради. Лекин, фирма қисқа муддатли оралиқда зарар курса хам келажакда нарх ошиши ёки ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириши эвази га фойда олиш мақсадида ишни давом эттиради.




5-расм. Рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли оралиқдаги йуқотишлари.

Умуман олганда, рақобатлашувчи фирма қисқа муддатли оралиқда ишлаб чиқаришни давом эттириши ёки давом эттирмасдан ишлаб чиқаришни тўхтатиши тўғрисидаги қарорни қабул қилишда фирма ўз даромадини умумий ўртача ҳаражат билан эмас, балки фақат ўртача ўзгарувчан ҳаражат билан таккослайди. Нима учун деганда, ўзгармас ҳаражатлар сарфланиб

бўлинган ва уларни фирмани ёпганда хам камайтириб бўлмайди. Шунинг учун хам нарх ўртача ўзгарувчан ҳаражатдан юқори булиб, ўртача умумий ҳаражатдан паст бўлганда фирма келажакда фойдага чикиш мақсадида ишлаб чиқариш зарар ишласа хам ўз фаолиятини давом эттиради ва шу билан бирга умумий зарарни минималлаштиришга ҳаракат қилади. Нима учун деганда, бу нарх ўртача умумий ҳаражатдан кичик $(P < AC)$ бўлгани билан, у фирманинг ўзгарувчан ҳаражатларини (хом ашё сарфи, иш хакини) коплайди, бундан ташқари ўзгармас ҳаражатнинг хам маълум кисмини коплайди.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, рақобатлашган бозорда ҳаракат қилаётган фирма қисқа муддатли ораликда ҳаражатлари билан даромадларини таккослаган ҳолда фойдани максималлаштиришда чекли маҳсулот ва ишлаб чиқаришни тўхтатиш қоидасига амал қилади.

Чекли маҳсулот қоидасига кўра фирма маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини чекли даромад билан чекли ҳаражатни тенглигини таъминлайдиган даражада ушлаб туришга ҳаракат қилади $(MC = MR)$.

Ишлаб чиқаришни тухтатиш қоидасига кўра фирманинг иқтисодий фойдаси хар қандай ишлаб чиқариш хажмида нолдан кичик бўлса, яъни рақобатлашган бозордаги нарх ўртача ўзгарувчан ҳаражатдан кичик бўлса $P < AVC(Q)$ (6-расмда $B$ нукта), фирма ёпилади (ушбу бозордан кетади, фаолиятини тугатади). $B$ нукта фирманинг ёпилиш нуктаси хисобланади.




6-расм. Рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли ораликдаги ҳаракат қилиш қоидалари.

Юқоридаги қоидалар фирма учун умумий характерга эга. Фирма кайси бозорда фаолият кўрсатишидан катъий назар ушбу қоидалар ўз кучини саклайди.

6-расмда $A$ нукта фирманинг зарарсиз ишлаш нуктаси дейилади, бу нуктада $P_e = ATC(Q)$ булиб, фирма зарар хам кўрмасдан, фойда хам олмасдан ишлашини ифодалайди.

**Рақобатлашган фирманинг қисқа муддатли ораликдаги таклифи**

Фирманинг таклиф чизиғи хар бир мумкин бўлган нархларда фирма қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чикариб таклиф қилишини ифодалайди. Юқорида кўрдикки, фирма маҳсулот ишлаб чиқаришни нарх чекли ҳаражатга тенг бўлгунга кадар оширади ва нарх ўртача ўзгарувчан ҳаражатдан кичик бўлса, ишлаб чиқаришни тўхтатади (фирма ёпилади). Демак, фирманинг нолдан юқори хажмдаги ишлаб чиқариш $(Q > 0)$ таклиф чизиғи чекли ҳаражатнинг $(MC)$ ўртача ўзгарувчан ҳаражатнинг минимумидан юқорида ётган кисми

билан устма-уст тушади (7-расм, чекли ҳаражат чизиғининг $A$ нуктадан юқори кисми). $AVC$ минимумидан юқори бўлган хар қандай нарх $P'$ да фойдани максималлаштирадиган ишлаб чиқариш хажми $Q'$ ни график оркали аниқлашимиз мумкин) (7-расм).




7-расм. Рақобатлашувчи фирманинг қисқа муддатли ораликдаги таклиф чизиғи.

**Рақобатлашган бозорда нархнинг ошиши бозордаги фирмаларни ишлаб чиқариш хажмини оширишга ундайди, шунинг учун хам рақобатлашган фирманинг қисқа муддатли ораликдаги таклиф чизиғи ўсувчи бўлади.**

Энди рақобатлашган бозорда қисқа муддатли ораликдаги тармоқ мувозанатини караймиз. Маълумки, бир турдаги (бир хил эҳтиёжни кондирадиган) товарларни ишлаб чикарадиган фирмалар биргаликда тармоқни ташкил қилади. У ҳолда тармоқ таклифи тармоқни ташкил қилувчи фирмаларнинг таклифлари йигиндисидан иборат бўлади.

$$S = S_1 + S_2 + ... + S_n,$$

бу ерда $S_1, S_2, ... S_n$ - фирмалар таклифи чизиклари;

$S$ - тармоқ таклифи чизиғи.

Агар тармоқ маҳсулотига талабни $D$ билан белгиласак, $D$ билан $S$ чизиклари кесишган $E$ нуктаси тармоқнинг мувозанат нуктасини беради ва кесишган нукта $E$ га мос келувчи нарх $P_e$ тармоқ мувозанат нархи, $Q_e$ эса тармоқ мувозанат товар хажми дейилади.

**Фирманинг тармоқдаги улуши унинг чекли ҳаражатини, мувозанат нарх билан тенг бўлишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш хажми билан аниқланади, яъни $MC = P_e$.**



8-расм. Рақобатлашган бозорда, қисқа муддатли ораликда тармоқ мувозанати.

Шундай қилиб, рақобатлашган бозорда қисқа муддатли ораликда фаолият кўрсатаётган фирма (нарх бозор томонидан белгиланиб ўзгармаганда, талаб чизиғи горизонтал бўлганда) мувозанат нарх $P_e$ ишлаб чиқариш хажмининг барча қийматларида қуйидаги шартни қаноатлантирса:

$$P_e > AC(Q), \qquad (6)$$

фирма ўз фойдасини максималлаштиради (9-расм)

$$R(Q^*) = P_e Q^* > Q \cdot AC(Q^*) = C(Q^*)$$

Агар бозордаги мувозанат нарх $P_e$ умумий ўртача ҳаражатдан юқори бўлса, фирма нормал фойдадан ташқари ортикча фойда хам олади.




9-расм. Фирма фойдасини максималлаштириш шарти (*E* мувозанат нукта),

Агар бозор мувозанати нархи $P_e$ бўлганда ва талаб чизиғи таклиф чизиғини $AC$ ва $AVC$ чизиклари ўртасида кесиб утса, яъни (10-расм)

$$\min AVC(Q_e) < P_e < \min AC(Q_e),$$

бўлса, фирма ўз йуқотишларини (зарарини) минималлаштиради.



10-расм. Фирма зарарини минималлаштирадиган холат.

Бундай ҳолда фирма ишчи кучидан, капиталдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади ва бошқа ҳаражатларни хам имкон борича қисқартиради.

Борди-ю мувозанат нарх $P_e$ фирманинг ўртача ўзгарувчан ҳаражатидан, хар қандай ишлаб чиқариш хажмида паст бўлса, яъни $P_e < AVC(Q)$, фирма ўз фаолиятини тухтатади.

### 3. Рақобатлашувчи фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанати

**Узоқ муддатли оралиқда ишлаб чиқариш хажмини танлаш.** Узоқ муддатли оралиқда фирма фойдаланадиган барча омилларини ўзгартиради, шу жумладан ишлаб чиқариш кувватларини хам. Узоқ муддатли оралиқда фирма ўз капитали хажмини ўзгартириши, яъни ишлаб чиқариш кувватини ўзгартириши мумкинлиги фирмага ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга имкон беради. Фирма ишлаб чиқариш ҳаражатларининг қандай ўзгариши ишлаб чиқариш масштаби самарадорлигининг ўсиши, ўзгармаслиги ва камайиши билан аниқланади. Яна шуни эслатиб утиш керакки, фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги фаолиятини таҳлил қилганимизда унинг ўртача ҳаражатлари мухим аҳамият касб этади. Фараз қилайлик, фирманинг ишлаб чиқариш жараёнида барча ишлаб чиқариш хажмлари учун ўзгармас масштаб самарасига эга. Бунда ишлаб чиқариш омиллари сарфи икки баробар ошганда ишлаб чиқариш хажми хам икки баробарга усади. Демак, ишлаб чиқариш хажми ошгани билан ўртача ишлаб чиқариш ҳаражатлари ўзгармайди.

Энди фараз қилайлик, масштаб самараси ўсувчи бўлсин. Ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни икки баробар оширганимизда, ишлаб чиқариш хажми икки баробардан кўпрокка ошади (масалан, уч баробарга ошириши мумкин). Бундай ҳолда ўртача ишлаб чиқариш ҳаражатлари қисқаради, нима учун деганда, ишлаб чиқариш хажмининг ўсиш суръати, омиллар сарфи суръатидан кўп. Худди шундай, масштаб самараси пасайганда, яъни ишлаб чиқариш омиллари сарфини ўсиши суръатидан ишлаб чиқариш хажмининг ўсиш суръати кичик бўлганда $AC$ ортиб боради.

Одатда, ишлаб чиқаришнинг бошида масштаб самарасининг ошиши, ундан кейин ўзгармас ва кейинчалик камайиши кўпгина фирмаларга хосдир. Шунинг учун хам узоқ муддатли оралиқда умумий ўртача ҳаражатлар чизиғи ботиқ кўринишга эга бўлади (11-расм).



11-расм. Узоқ муддатли оралиқда ўртача ҳаражатлар $LAC$ графиги

Графикда $Q^*$ дан чап томонда ётган кисмида масштаб самараси мусбат (ўсувчи), $Q^*$ дан ўнг томонда ётган кисмида масштаб самараси манфий ва нихоят $Q^*$ нинг кичик атрофида у ўзгармасдир ($Q_1 - Q_2$ оралиқда). Ишлаб чиқариш хажми $Q^*$ фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги самарали кувватини ифодалайди.

Узоқ муддатли ўртача ҳаражатлар ($LAC$) билан қисқа муддатли ўртача ҳаражатлар ($SAC$) ўртасидаги муносабатни қуйидаги 12-расмдан кўриш мумкин.

Фараз қилайлик, фирма кувватини танлаш буйича беш хил вариант мавжуд. Хар кайси размердаги фирма учун қисқа муддатли ўртача ҳаражатлар қуйидагича $SAC_1$, $SAC_2$, $SAC_3$, $SAC_4$, $SAC_5$ (12-расм).

Узоқ муддатли оралиқда барча ресурслар ўзгарувчан бўлгани учун, барча ҳаражатлар хам ўзгарувчан бўлади. Фирма хар қандай берилган ишлаб чиқариш кувватидан умумий ва ўртача ҳаражатларни минималлаштиради. Шунинг учун хам узоқ муддатли ўртача ҳаражатлар ($LAC$) графиги қисқа муддатли оралиқдаги ўртача ҳаражатлар графикларини бир-бирига туташтириш оркали хосил қилинади. 12-расмда бешта қисқа муддатли оралиқдаги ўртача ҳаражатлар графиклари оркали узоқ муддатли оралиқдаги ўртача ҳаражатлар графиги келтирилган (12-расмда калин чизик билан ифодаланган).




12-расм. Узоқ ва қисқа муддатли оралиқлардаги ўртача ҳаражатлар графиги.

Агар биз фирма кувватларини янада кичик ўзгаришлар оркали ўзгартирсак (қисқа муддатли оралиқларни янада кичиклаштирсак) $LAC$ чизиғи силлик ботик чизикка якинлашиб боради.

Узоқ муддатли ўртача ҳаражатлар ишлаб чиқариш хажмининг мумкин бўлган барча қийматлари учун чексиз қисқа муддатли оралиқдаги ўратча ҳаражатлар графикларини узлуксиз силлик бирлаштирувчи чизик оркали ифодаланади. Агар ишлаб чиқариш масштаби самараси ўзгармас бўлса, узоқ муддатли ўртача ҳаражат графиги тўғри чизикдан иборат бўлади (13-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш куввати $Q_1$ ва $Q_3$ га ўзгарганда $LAC$ ўзгармаяпти.



13-расм. Ишлаб чиқариш масштаби ўзгармас бўлганда узоқ муддатли ва қисқа муддатли оралиқдаги ҳаражатлар графиги.

Узоқ муддатли оралиқда тармоқ таркибидаги фирманинг мувозанат холати бозорда шаклланган нарх $P_e$ нинг ушбу фирманинг ўртача ҳаражатлари минимумига тенглиги билан белгиланади:

$$P_0 = \min LAC(Q_e). \qquad (1)$$




14-расм. Рақобатлашувчи фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанат холати ($E$ -мувозанат нукта).

Рақобатлашувчи фирма тармоққа карашли бўлгани учун (1) шарт тармоқнинг хам узоқ муддатли оралиқдаги (рақобатлашган бозорда) мувозанат холатини ифодалайди.

14-расмдан кўриш мумкинки, фирманинг иқтисодий фойдаси узоқ муддатли оралиқдаги мувозанат холатида нолга тенг. Лекин, бу фирма умуман фойда олмайди дегани эмас, аслида фирма ўзининг кўйган (қўшган) капиталига кўра реал нормал фойда олади. Иқтисодий фойда альтернатив ҳаражатни хам хисобга олади, яъни фирма эгасининг ўз капиталини бошқа бир сохага қўйиш натижасида оладиган фойда. Шунинг учун хам айтиш мумкинки, рақобатлашувчи фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги ўртача ҳаражатлари ўз ичига нормал фойдани (тармоқ буйича ўртача фойдани) олади. Фирма эгасининг иқтисодий фойдаси ноль дегани, у ўз капиталини бошқа сохага куйганда хам шу миқдорга тенг нормал фойдани олар эди, демак унинг альтернатив ҳаражати нолга тенг. Агар фирма эгасининг альтернатив ҳаражати нолдан юқори, яъни мусбат бўлса, у ўз капиталини ушбу тармоқдан олиб, бошқа иқтисодий фойда берадиган тармоққа кўйган бўлар эди.

Шундай қилиб, рақобатлашувчи фирманинг узоқ муддатли ўртача ҳаражати нархга тенг бўлса хам (нолга тенг иқтисодий фойда олса хам), у ўз ишини (нормал фойда олгани учун) тўхтатмайди.

Рақобатлашган бозорда тармоққа кириш ва ундан чикиш эркин бўлгани учун ва тармоқнинг ўзи хам рақобатлашувчи бўлгани учун фирмаларнинг иқтисодий фойдаси нолга якинлашиш тенденциясига эга.

### 4. Тармоқнинг мувозанат холати ва тармоқ таклифи

Узоқ муддатли ораликда тармоқнинг типик вакили бўлган фирма ўз фойдасини шундай ишлаб чиқариш хажмида максималлаштирадики, бу хажмда узоқ муддатли чекли ҳаражат маҳсулот нархига тенг бўлса (15-расм).

$$LMC = P_e = MR.$$




15-расм. Узоқ муддатли ораликда рақобатлашувчи фирманинг ишлаб чиқариш хажмини танлаши.

Фирманинг фойдаси ишлб чиқариш хажми $Q_e$ га тенг бўлганда максимал бўлади ва у $P_eCFE$ туртбурчак юзига тенг. Ишлаб чиқариш хажмиин $Q_e$ дан ошириш ёки камайтириш фирманинг умумий фойдасини қисқартирди. Нима учун деганда, агар ишлаб чиқариш хажми $Q_e$ дан кичик бўлса, ($Q < Q_e$) қўшимча ишлаб чикарилган маҳсулотнинг чекли даромади чекли ҳаражатдан кўп, демак ишлаб чиқаришни ошириш мақсадга мувофиқдир. Аммо ишлаб чиқариш хажмининг $Q_e$ дан юқори бўлган хар қандай хажмида чекли ҳаражат чекли даромаддан юқори, шунинг учун қўшимча ишлаб чикарилган маҳсулот фойдани қисқартиради.

Умуман олганда кўриш мумкинки, бозор нархи қанча юқори бўлса, фирма шунча кўп фойда олади. Худди шундай бозор нархи $P_0$ бўлганда, фирма фойдасини максималлаштирадиган ишлаб чиқариш хажми $Q_0$ нукта, яъни узоқ муддатли ўртача ҳаражатларнинг минимуми билан аниқланади. Бундай ҳолда фирманинг иқтисодий фойдаси нолга тенг. Лекин, фирма, биз юқорида айтганимиздек, иқтисодий фойда нол бўлганда хам инвестиция қилган капиталига нормал фойда олади.

Узоқ муддатли ораликда, рақобатлашган бозорда нафақат фирма рақобатлашувчи бўлади, балки тармоқнинг ўзи хам рақобатлашувчи бўлади. Тармоқдан чикиш ёки тармоққа кириш, фирмалар учун эркин бўлганлиги учун, фирмаларнинг иқтисодий фойдаси нолга якинлашиш тенденциясига эга.

Шунинг учун хам, тармоқда узоқ муддатли мувозанат холатига эришилади, качонки маҳсулот нархи $P_0$ тармоқнинг типик вакили бўлган фирманинг узоқ муддатли уртача ҳаражати минимумига тенг бўлса (16-расм).

$$P_0 = \min(AC(Q)). \qquad (1)$$




16-расм. Рақобатлашувчи фирманинг узоқ муддатли ораликдаги мувозанати, тармоқ мувозанати (*E* мувозанат нукта).

Фирма нолга тенг иқтисодий фойда олганда, унда тармоқдан чикиб кетишга хожат колмайди, бошқа фирмаларнинг хам тармоққа кириб келишидан манфаатдор эмас. Узоқ муддатли мувозанат холат қуйидаги ўртача шарт бажарилганда содир бўлади. Биринчидан, тармоқдаги барча фирмалар ўз фойдаларини максималлаштиради. Иккинчидан, хамма фирмалар нолга тенг иқтисодий фойда олгани учун хар бир фирма тармоққа киришдан ва ундан чикишдан манфаатдор эмас. Учинчидан, маҳсулотнинг нархи шундайки, бу нархда умумий таклиф (тармоқ таклифи) умумий истеъмол талабига тенг.

Энди фараз қилайлик, узоқ муддатли мувозанат холатга эришилди дейлик:

$$P = P_0 = AC(Q_0) = \min AC(Q) = MC(Q_0) \qquad (2)$$

ва тармоқнинг типик фирмасининг ишлаб чиқариш хажми $Q_0$ га тенг (17-а-расм).




17-расм. Типик фирманинг узоқ муддатли мувозанати (а), узоқ муддатли ораликда тармоқ мувозанатининг ўзгариши (б).

Мувозанат холатда типик фирманинг иқтисодий фойдаси нолга тенг. Бозор нархи $P_0$ мувозанат нарх сифатида тармоқ бўйича (умумий талаб умумий таклифга тенг бўлади) ўрнатилади (17-расм б). Бу ерда алохида фирмаларнинг қисқа муддатли таклиф чизикларининг йиғиндиси умумий бозор таклиф чизиғи $S_0$ ни беради. Бозор таклиф чизиғи $S_0$ билан бозор таклиф чизиғи $D_0$ тармоқ бозорини мувозанат нархини аниқлайди. Бу нархга

хар бир фирма мослашади ва $P = MC$ ни таъминлайдиган ва максимал фойда берадиган ишлаб чиқариш хажмини ўрнатади.

Фараз қилайлик, истеъмолчиларнинг диди ўзгариши билан тармоқ маҳсулотига бўлган талаб ошди ва талаб чизиғи $D_0$ холатдан $D_1$ холатга ўзгаради. Натижада янги мувозанат нарх $P_1$ урнатилди. Янги мувозанат нархда фирманинг маҳсулотига бўлган талаб чизиғи $MR_0$ холатдан $MR_1$ холатга силжийди (эсдан чикармаслик керакки, рақобатлашган бозорда талаб чизиғи горизонтал кўринишга эга, яъни чексиз эластик).

Янги мувозанат нархда фирма нолдан фаркли, мусбат иқтисодий фойда ола бошлайди ва у фойдани максималлаштириш учун ишлаб чиқариш хажмини $Q_0$ дан $Q_1$ га оширди. Лекин, ишлаб чиқариш хажмининг бундай ошиши қисқа муддатли ораликдагина содир бўлади. Натижада тармоқ бўйича ишлаб чиқариш хам $Q_0'$ дан $Q_1'$ га ошади. Ўртача фирма фойдасининг ошиши маблаг қўювчиларни ўз ресурсларини бошқа тармоқдан ушбу тармоққа қўйишга ундайди, яъни тармоққа янги фирмалар кириб кела бошлайди. Янги фирмаларнинг тармоққа кириши бозор таклифини $S_0$ холатдан $S_1$ холатга ўтиб, янги мувозанат нарх $P_1$ ни олдинги даражаси $P_0$ га тенг бўлгунга кадар давом этади.

Натижада тармоқ ўртача фирмасининг оптимал ишлаб чиқариш хажми $Q_0$ га тенг бўлиб, унинг иқтисодий фойдаси яна нолга тенг бўлади ва тармоққа янги фирмаларнинг кириб келиши тўхтайди. Тармоқ ишлаб чиқариш хажмининг $Q_0'$ да $Q_2$ ўсиши тармоқда $\frac{Q_2 - Q_0'}{Q_0'}$ та янги фирмаларнинг пайдо бўлганини англатади.

Тармоққа фирмаларнинг кириши ва ундан чикишни тармоқда узоқ муддатли мувозанатни таъминловчи механизм деб караш мумкин.

**Тармоққа фирмалар кириб келади, агар улар ушбу тармоқда иқтисодий фойда олишини сезса.**

**Тармоқдан фирма чиқади, агар у узоқ муддатли ораликда ўртача харажтларини коплай олмаса.**

**Тармоқдан чикиш ва унга кириш фирма нолга тенг иқтисодий фойдага эришгунча кадар давом этади.**

Умуман олганда узоқ муддатли мувозанат холатга эришиш жуда кўп вақт талаб қилади, лекин қисқа муддатли ораликда фирма катта фойда олиши хам мумкин ёки катта зарар кўриши хам мумкин. Бирор бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришда биринчи бўлган фирма ундан кейин шу иш билан шуғулланган фирмага кўра кўпрок қисқа муддатли фойда олиши мумкин. Худди шундай зарар билан ишлаётган тармоқдан биринчи бўлиб чиккан фирма инвестицияларининг анча маблагини иқтисод қилиб колиши мумкин. Узоқ муддатли мувозанатлик концепцияси фирмани қандай ва кайси томонга қараб ҳаракат қилишини кўрсатиб беради. Узоқ муддатли ораликда айрим фирмалар хакикий мусбат фойда олиши мумкин. Масалан, бирор фирма бошқа фирмаларга нисбатан камрок ҳаражат сарфлаб маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган патентга ёки янги ғояга эга дейлиқ Бундай ҳолда бу фирма узоқ муддатли ораликда мусбат хакикий фойда олиши мумкин. Бошқа фирмалар ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришни таъминлайдиган ушбу патентни ёки ғояни олмагунча маҳсулотни ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди (тармоққа кирмайди).

Агар фирмалар ушбу патентдан фойдаланиш хукукини сотиб олишса, фирмаларнинг иқтисодий фойдаси нолга тенг бўлади.

Мусбат хакикий фойда тармоқда ҳаракат қилаётган фирманинг кимматбаҳо активга, янги технологияга ёки яхши тажрибага эга эканлигидан далолат беради. Бундай ҳолда бошқа фирмалар тармоққа киришга журъат қилолмайди.

Мусбат иқтисодий фойда инвестицияларни тармоққа киришга имконият яратади ва уларни рағбатлантиради.

**Тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги умумий таклифи.** Қисқа муддатли оралиқда бозор таклифи фирма таклиф чизиклари йиғиндиси оркали топиларди. Узоқ муддатли оралиқдаги таклифни фирма таклифларини кушиш оркали аниқлаб бўлмайди. Нима учун деганда, узоқ муддатли оралиқда бозор нархининг ўзгаришига кўра фирмалар бозорга киради ёки ундан чиқади. Бу ўз навбатида фирмалар таклиф чизикларини кўшиб бўлмаслигини кўрсатади (кайси фирмалар бозорда колаётганлигини биз билмаймиз).

Узоқ муддатли оралиқдаги таклифни аниқлашда ишлаб чиқариш хажмининг кенгайишини фақат ресурслардан фойдаланишнинг кенгайиши хисобидан бўлади, деб фараз қилинади. Ихтиро ва технологиянинг ишлаб чиқаришга таъсири ўзгармас деб қабул қилинади.

Узоқ муддатли оралиқдаги умумий таклифнинг шакли тармоқда ишлаб чиқариш хажми ўсишининг ёки камайишининг фойдаланиладиган ишлаб чиқариш омиллари нархига таъсири даражасига боғлиқдир. Шунинг учун хам уч турдаги тармоқ хўжалиги каралади: ҳаражатлари ўзгармас, ўсувчи ва камаювчи тармоқлар.

**Ҳаражатлари ўзгармас бўлган тармоқ** Тармоқда ишлаб чиқариш хажмининг ўсиши фойдаланиладиган ресурсларнинг нархига таъсир қилмаса, биз юқорида кўрдикки (расм) тармоқнинг кенгайиши ва қисқариши мувозанат нарх $P_0$ га таъсир қилмайди. Бирор сабаб билан (масалан, истеъмолчи дидининг ўзгариши) талаб ошганда маҳсулот нархи ошади ва типик фирма мусбат иқтисодий фойда ола бошлайди. Бу фойда бошқа фирмаларни ушбу тармоққа кириб келишига сабаб бўлади. Бошқа фирмаларнинг кириб келиши таклифни оширади, натижада ошган нарх ўзининг олдинги мувозанат холати $P_0$ га кайтади. Бундан келиб чиқадики, ҳаражатлари ўзгармас бўлган тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги таклиф чизиғи нарх узоқ муддатли ўртача ишлаб чиқариш ҳаражатларини минимумига тенг бўлганда горизонтал чизикдан иборат бўлади (18-расм).

Нарх мувозанат нарх $P_0$ дан юқори бўлса иқтисодий фойда мусбат бўлади ва бозорга янги фирмалар кириб қисқа муддатли таклифни оширади ва бу нархни олдинги мувозанат холатига кайтаради. Ўзгармас ҳаражатга эга тармоқнинг узоқ муддатли ўртача ҳаражатлар чизиғи горизантал бўлади.




18-расм. Ўзгармас ҳаражатли тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги таклиф чизиғи.

Масалан малакасиз ишчи кучига талаб ошгани билан унинг нархи одатда ўзгармайди.

**Ҳаражатлари ўсаётган тармоқ. Х**аражатлари ўсувчи тармоқда, тармоқ кенгайиши билан бирга бир катор ёки барча омилларга талаб ошди ва бу омилларнинг нархи хам ошади.

Бу ерда мисол тарикасида малакали ишчи кучини келтириш мумкин. Ёки ерга солинадиган ўғитлар нархи ошса, ерга ўғитнинг солиниши бир томондан маҳсулот ишлаб чиқаришни оширади ва шу билан бирга ернинг қиймати хам ошади.

Фараз қилайлик, тармоқ узоқ муддатли мувозанат холатда бўлсин (*E* нукта) (19-расм, б). Таклиф чизиғи $D_1$ дан $D_2$ холатга силжиганда (қисқа муддатли оралиқда) маҳсулот нархи $P_1$ дан $P_2$ га усади, ишлаб чиқариш хажми эса $Q_1$ дан $Q_2$ га.

Типик фирма (19-расм, а) нарх $P_2$ га ўсганда фойдани максималлаштириш учун ишлаб чиқариш хажмини $q_1$ дан $q_2$ га оширади. Бу силжиш қисқа муддатли чекли ҳаражат $SMC_1$ чизиғи бўйича бўлади. Кўриниб турибдики, юқори фойда тармоққа янги фирмаларнинг кириб келишига сабаб бўлади.




19-расм. Ҳаражатлари ўсувчи тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги таклифи

Тармоққа янги фирмаларнинг кириб келиши, ишлаб чиқариш хажмининг ошиши, ишлаб чиқариш омилларига бўлган талабни оширади ва бу ўз навбатида баъзи бир ёки барча фойдаланиладиган омиллар нархини ошишига олиб келади. Янги фирмаларнинг кириб келиши бозор таклифи чизиғи $S_1$ ни $S_2$ холатга (илгаридай бошланғич мувозанат нархигача эмас, балки ундан юқорирок бўлган мувозанат холатга) силжитади ва натижада янги мувозанат холат $E_2$ вужудга келади, бу холатга янги мувозанат нарх $P_3$ тўғри келади ва $P_1$ дан юқори. Янги мувозанат нарх $P_3$ нинг олдинги $P_1$ дан юқори бўлиши фирмаларни ўсган ҳаражатларини коплайди ва уларга узоқ муддатли оралиқдаги мувозанатда нолга тенг фойдани олишни таъминлайди. Нима учун деганда, ишлаб чиқариш омилларига бўлган нархнинг ошиши фирманинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли харжатларини ўсишига олиб келади. Ушбу вазият (19-расм, а)да ўз ифодасини топган. Бу ерда узоқ муддатли ўртача ҳаражатлар юқорига яъни $LAC_1$ дан $LAC_2$ га силжийди, чекли қисқа муддатли ҳаражатлар чапга, $SMC_1$ холатдан $SMC_2$ холатга силжийди. Янги узоқ муддатли ўртача ҳаражатлар минимуми янги мувозанат нарх $P_3$ га тенг бўлади. Бу ерда хам ўзгармас ҳаражатли тармоқ каби бошланғич талаб ошиши хисобидан олинган қисқа муддатли юқори фойда узоқ муддатли оралиқда фирма ишлаб чиқариш хажмини ошириб борган сари йуқолиб боради, ишлаб чиқариш омилларига бўлган ҳаражат эса ортиб боради.

Демак, тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги таклиф чизиғи узоқ муддатли мувозанат нуктадан, яъни $E_2$ нуктадан ўтади (19-расм б, $S_L$ чизиғи).

Ҳаражатлари ўсаётган тармоқнинг узоқ муддатли таклиф чизиғи ўнга юқорига томон ётик бўлади, нима учун деганда, тармоқдаги фирмалар сонини ошиши билан бир каторда барча фирмалар учун ресурслар нархи хам ўсиб боради.

Ҳаражатлари камайиб борадиган тармоқда тармоқ ишлаб чиқариши ортиб борганда, ресурсларга бўлган нарх пасайиб боради. Натижада тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги таклиф чизиғи ўнга пастга томон ётик бўлади (20-расм).



20-расм. Ҳаражатлари камаювчи тармоқнинг узоқ муддатли таклиф чизиғи ($S_L$)

Тармоқ кенгайганда, унинг ҳаражатларни камайтириш имконияти хам кенг бўлади. Масалан, йирик тармоқда транспорт тизимини самарали ташкил қилиш эвазига ҳаражатлар камайиши мумкин, йирик тармоқда ресурслардан хам оптимал фойдаланиш имконияти туғилади (масштаб самараси) бу хам пировардда маҳсулот нархини пасайтиришга олиб келиши мумкин. Ўртача ҳаражатнинг ва товар нархининг пасайиши кенгаяётган тармоқни янги мувозанат нуктага олиб келади (20-расмда $E_2$ нукта).

Умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, алохида фирманинг узоқ муддатли ораликдаги мувозанат холати ўртача ҳаражати минимал булиб, нолга тенг бўлган иқтисодий фойда олиш билан тавсифланади. Бу, яъни $P_E = \min(AC)$ бўлиши яна шундан дарак берадики, истеъмолчи ўзи талаб қилган хажмдаги маҳсулотни мавжуд ҳаражатлар имкони даражасидаги энг минимал нархда сотиб олади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақобатлашган бозор самарали ишлаб чиқаришни таъминлайди.

**Масштаб самараси**

Ҳаражатларнинг пропорционал ўзгаришга ишлаб чиқариш масштабининг ўзгариши дейилади. Ишлаб чиқаришда фақат иккита омилдан - ишчи кучи ($L$) ва капиталдан ($K$) фойдаланилганда, улардан фойдаланиш икки баробар ошса $2L$ ва $2K$ бўлса, ишлаб чиқариш масштаби икки баробар кенгайди дейилади.

Худди шундай мехнат ва капиталдан фойдаланиш икки марта қисқартирилса ( $0{,}5L$ ва $0{,}5K$ ) ишлаб чиқариш масштаби икки марта қисқарганлигини билдиради. Ишлаб чиқаришда омиллардан фойдаланишнинг пропорционал ошиши, яъни ишлаб чиқариш масштабининг кенгайиши маҳсулот ишлаб чиқариш хажмига хар хил таъсир қилади, у маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини ошириши, камайтириши ва ўзгартирмаслиги мумкин.

Агар ишлаб чиқариш масштаби кенгайганда омиллар сарфи суръатидан маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг ўсиш суърати юқори бўлса, бундай ишлаб чиқариш хажмининг ўсишига **мусбат масштаб самараси дейилади**. Мусбат масштаб самарасида узоқ муддатли ўртача ҳаражатлар камаяди.

Агар, ишлаб чиқариш масштаби кенгайганда, омиллар сарфи суръатидан ишлаб чиқариш хажмининг ўсиш суръати паст бўлса, бундай ўсишга **манфий масштаб дейилади.** Манфий масштаб самарасида (кейинчалик кўрамиз) узоқ муддатли ораликда фирма маҳсулот ишлаб чиқаришни оширганда ўртача ҳаражатлар ошиб боради.

Ишлаб чиқариш масштаби кенгайганда омиллар сарфи суръати ишлаб чиқариш хажмининг ўсиш суъратига тенг бўлса, бундай ўсишга **ўзгармас масштаб самараси дейилади.**

Назорат ва мулохаза учун саволлар:

1. Рақобатлашган бозор ва унинг шартларни тушунтириб беринг
2. Корхона фойдаси нима. Корхона фойдасини қандай максималлаштиради?
3. Фирманинг безарар ишлаш нуқтасини топинг.
4. Фирма ҳаражатларини қандай минималлаштиради?
5. Фирманинг чекли маҳсулот ишлаб чиқариш қоидасини тушунтириб беринг.
6. Фирма таклифи нима?
7. Умумий даромад қандай аниқланади?
8. Ўртача даромад нима?
9. Қандай шароитда фойда энг юқори даражага етади?
10. Қисқа муддатда фойдани энг юқори даражага етказиш учун ишлаб чиқариш хажми қандай бўлиши керак?
11. Қисқа муддатда фойдани энг юқори даражага етказиш учун талаб ва таклиф хажми қандай бўлиши керак?
12. Масштаб самарасини тушунтириб беринг.

## 9- МАВЗУ: РАҚОБАТ ВА ЯККА ХОКИМЛИК. БОЗОР ХОКИМИЯТИ ШАРОИТИДА НАРХ БЕЛГИЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Дарс мақсади:** Рақобат тушунчаси, рақобатлашувчи фирмалар, рақобатлашган бозор турлари, монополиялар, бозор хокимияти шароитида нарх белгилаш тамойиллари мавзусини талабаларга тушунтириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** рақобатлашувчи фирмалар, рақобатлашган бозор турлари, соф монополия, табиий монополиялар, монопол нарх, олигополия, монопсония, Курно модели. монопол нарх, нарх диверсификацияси, қамалган шахс муаммоси.

**Асосий саволлар:**

15. Соф монополия ва бозор турлари.
16. Олигополия. Нархлар жанги.
17. Қамалган шахс муаммоси («дилемма заключенного»).
18. Камалган шахс муаммоси ёрдамида нарх белгилаш.

### 1. Соф монополия ва бозор турлари

**Соф монополия**- бу битта сотувчи ва кўп харидорлар катнашган бозор, ёки ўрнини босадиган товар бўлмаган товарни сотадиган ягона сотувчи бўлган бозор вазияти, ёки тармоқда ягона хукмрон фирма булиб, фирманинг ишлаб чиқариш ва сотиш чегараси тармоқ чегарасига тенг бўлган бозор. Соф монополия ва рақобатлашган бозор бир-бирига тескари бозорлар хисобланади.

**Олигополия –** бу бозор тизимида бирор бир товарни сотишда чекланган фирмалар хукмронлик қилади.

**Монопол рақобат бозори**- тулик рақобатлашмаган бўлиб, унда катнашадиган фирмалар сони кўп бўлиб, уларнинг хар бири ўз товарлари нархини маълум чегарада назорат қилади, яъни улар кичик бўлса хам монопол хокимиятга эга.

**Монопсония**- харидор битта бўлиб сотувчилар кўп бўлган бозор.

Агар бозорда монополист- сотувчи билан монополист харидор учрашса, бундай ҳолда икки томонлама монополия бўлади.

Агар тармоқда фақат иккита фирма фаолият кўрсатса, бундай олигополик хусусий холга дуополия дейилади. Агар биз бозор таклифи ва талабнинг хар хил шакллдаги вариантлар комбинациясини карасак, бозор тизимлари сони янада кўпаяди.

**Соф монополия ва бозор хокимияти**

Рақобатлашган бозорда жуда кўп сотувчилар ва харидорлар катнашади, шу сабабли улардан бирортаси хам товар нархига таъсир қилаолмайди, нархни бозорнинг ўзи талаб ва таклифга кўра шакллантиради. Сотувчилар ва харидорлар бу нархни қабул қиладилар ва шу нархга кўра қанча маҳсулот сотиш керак ёки қанча маҳсулот сотиб олиш кераклиги бўйича қарор қабул қиладилар. Соф монополия рақобатлашган бозорнинг акси булиб, бу ерда битта сотувчи ва кўплаб харидорлар катнашади. Соф монополистнинг рақобатчиси йуқ.

**Соф монополия маҳсулот ўрнини босадиган бошқа маҳсулот бўлмаган худудларга вужудга келади.** Умуман олганда жахон ва миллий бозорларда битта маҳсулотни битта сотувчи томонидан сотилиши камдан-кам учрайди. Соф монополия кўпрок маҳаллий бозорларга хос бўлади. Масалан, тумандаги ягона китоб магазини, ягона телефон станцияси, ягона тиш доктори, ягона жаррох ёки булмаса маҳалий коммунал хўжалиги хизмати. Юқорида келтирилган субъектлар бозор шароитида нархга таъсир қилиш учун реал хокимиятга эга.

**Соф монополиянинг вужуга келишига таъсир қилувчи яна бир омил бу – тармоққа кириш тўсикларининг кучлилигидир.** Бирор маҳсулотни сотишдан тушадиган иқтисодий фойда юқори бўлса, бу рақобатлашган бозор шароитида бошқа фирмаларни хам шу бозорга кириб келиши учун сигнал бўлар эди. Агар монопол фирма иқтисодий фойда ола бошласа, бу бошқа фирмаларни хам ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ундайди. Демак, соф монополияни саклаб колиш учун, бошқа рақобатлашмокчи бўлган фирмалар учун махсус тўсиклар булишини такозо қилади. Тармоққа кириш тусиклари – бу монопол фирма бозорига бошқа сотувчиларни кириб келишини тўхтатувчи чекланишлар.

**Тармоққа кириш тўсикларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.**

4. Давлат томонидан берилган махсус хукуқ. Масалан, маҳаллий хокимиятларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, почта хизмати кўрсатиш, коммунал хизматни кўрсатиш ва алока хизмати кўрсатиш буйича монопол хукуклар бериб, расмий тўсиклар яратади.
5. Патентлар ва муаллифлик хукуки. Янги технология яратганлар учун патент ва муаллифлик хукуки берилиши, уларга ушбу янгиликни сотишда, ундан фойдаланиш учун лицензия беришда монопол хукук берилади. Лекин бундай хукук маълум муддатгача кучга эга бўлади. АКШда патент қонунига кура ихтирочи ўз ихтиросига 17 йил эгалик қилади.
6. Бирор бир ишлаб чиқариш ресурси таклифига эгалик қилиш. Масалан, Американинг «Де Бирс» компанияси жахонда сотиладиган, кайта ишланмаган олмоснинг бозорида монопол хокимиятга эга. Юқоридагилардан ташқари инсоннинг ноеб қобилияти ва билими хам монополияни вужудга келтиради.

Ишлаб чиқариш масштаби кенгайишининг мусбат самараси хам тармоққа кириш учун тўсик бўлиши мумкин. Масалан, автомобил заводи маълум миқдорда автомобил ишлаб чиқаришга эришгандагина, унинг умумий ҳаражатлари минимал бўлади.

**Монопол хокимият. Фирма монопол хокимиятга эга бўлади, качонки у ўзининг сотадиган товари нархига таъсир қилаолса яъни ўзгартира олса.** Монопол хокимият даражаси ушбу товар ўрнини босувчи товарнинг мавжудлиги ва товарнинг бозордаги улуши билан белгиланади. Монопол хокимиятга эга булиш учун фирманинг соф монополист бўлиши шарт эмас. Фирма маҳсулотига бўлган талаб чизиғи рақобатлатлашган бозордагидай горизонтал бўлмасдан, пастга ётик бўлиши кифоядир. Агар талаб чизиғи пастга ётик бўлса, фирма таклиф хажмини ошириб ёки камайтириб, маҳсулот нархини ўзгартириши мумкин.

**Умуман олганда монополист нархни назорат қилишидан ютукка эга бўлади. Монополистнинг таклифи рақобатлашган бозор таклифига кўра кам бўлади, товар нархи эса, рақобатлашган** нархга нисбатан юқори бўлади (монопол нарх чекли ҳаражатдан юқори).

Товарларни монопол нархда сотилиши жамият ҳаражатини кўпайтиради, аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Нима учун деганда, ушбу товарни сотиб олувчилар кўпрок пул сарфлайди, шу товарни сотиб олувчилар сони хам камаяди. Шунинг учун хам монополияга карши қонун бозорларни монополияга айлантиришга йул куймайди.

Монополист маҳсулотига талаб. Рақобатлашган бозорда фирма максимал фойда олади, агар у чекли даромад чекли ҳаражатга тенг холатни таъминлайдиган хажмда маҳсулот ишлаб чикарса, MR=MC.

Бундай маҳсулот хажми оптимал бўлади. Монополист хам шу оптимал ишлаб чиқариш шароитига амал қилиши керак бўлади. Соф монополистик товарига бўлган талаб хам бозор талаби хисобланади. Монополист ўз товари нархини оширса унга талаб камаяди ва аксинча, монополист товар нархини туширса унга талаб ортади.

Худди шундай соф монополист таклифи хам бозор таклифи хисобланади. Масалан товар ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан ҳаражатлари ошса, монополист максимал фойда олиш учун товар хажмини қисқартиради. Таклиф хажмининг қисқариши ва харидорлар ўртасида рақобатнинг мавжудлиги товар нархини оширади.

**Рақобатлашган бозорда фирманинг чекли даромади маҳсулот нархига тенг MR=P ва талаб чизиғи горизонтал бўлса, монопол бозорда монополист маҳсулотига бўлган талаб чизиғи пастга ётикрок ва монополистнинг чекли даромади хар доим нархдан кичик бўлади.**

$$MR<P \qquad (1)$$

Талаб чизиғининг эластик кисмида чекли даромад MR>0 бўлгани учун монополист махсулот хажмини 0-дан, Q миқдоргача оширганда унинг умумий даромади TR ошади. Талаб чизиғининг эластик бўлмаган кисмида чекли даромад манфий, яъни MR<0 бўлгани учун, талаб чизиғининг ушбу кисмида ишлаб чикарилган маҳсулот умумий даромадни камайтиради. Шунинг учун хам монополист талаб чизиғининг эластик бўлмаган кисмидан кочишга ҳаракат қилади.

Монопол бозорда талабнинг ўзгариши нархнинг ва таклифнинг рақобатлашган бозордагидай пропорционал ўзгаришига олиб келмайди. Монополист талаб ўзгарганда маҳсулот хажмини ўзгартирмасдан нархни ўзгартириши ёки нархни ўзгартирмасдан хажмини ўзгартириши ёки бир вақтнинг ўзида нархни хамда маҳсулот миқдорини ўзгартириш мумкин.

Монополистнинг мақсади максимал фойда олиш бўлса, у товар нархини хохлаганча ошира олмайди. Нарх ошиши билан маҳсулотга талаб камайиб боради, нарх ошиши маълум даражага етганда умумий даромад умумий ҳаражатни копламади. Монополист қандай нарх стратегиясини тутишини билиш учун даромаднинг нархга кўра талаб эластиклиги билан қандай боғлиқлигини эслаш зарур бўлади. Талаб чизиғининг эластик бўлган кисмида ($E_p$>1) нархнинг пасайиши умумий даромадни ўсишига олиб келади. (MR>0) эластиклик бирга тенг бўлганда ($E_p$=1) умумий даромад максимумга эришади. (MR=0) эластик бўлмаган кисмида нархнинг пасайиши умумий даромаднинг пасайишига олиб келади. (MR<0) Шуни тушунган монополист талаб чизиғининг эластик бўлмаган кисмида ҳаракат қилмайди.

Монополист хам рақобатлашган бозордаги фирма каби чекли ҳаражат Билан чекли даромадни тенглигини таъминлайдиган хажмда маҳсулот ишлаб чикарсагина максимал фойда олиши мумкин.

Рақобатлашган бозорда P=MC бўлганини кўрган эдик. Монополист нархни чекли ҳаражатдан юқори белгилайди (P >MC) ва бу фарк миқдор буйича талаб эластиклигига тескари пропорционал бўлади.

$$\mathbf{MR=MC} \qquad \mathbf{(2)}$$

(2) тенгламадан шундай хулоса келиб чиқадики, агар талабнинг нарх бўйича эластиклиги қанча юқори бўлса, маҳсулот нархи шунча чекли ҳаражатга (MC) га якинлашади. Нарх қанчалик чекли ҳаражатга якин бўлса, монопол бозор рақобатлашган бозорга шунчалик якин бўлади. Демак, талаб юқори даражада эластик бўлса, монополист оладиган қўшимча фойда шунча кичик бўлади.

Монопол хокимият кўрсаткичи. Рақобатлашган бозорда нарх чекли ҳаражатга тенг булиши, максимал фойда олишнинг зарурий шарти эди. Монопол бозорда нарх чекли ҳаражатдан юқори белгиланади (P>MC) анна шу фарк (MC-P), яъни фойдани максималлаштирадиган нарх билан чекли ҳаражат ўртасидаги фарк монопол хокимиятни улчаш усули бўлиши мумкин. Монопол хокимиятни худди ушбу усулда аниқлашни 1934 йилда иқтисодчи олим Абба Лернер таклиф қилганлиги учун бу кўрсаткич Лернернинг монопол кўрсаткичи деган номни олган

$$L=\frac{P_m - MC}{P_m} = -\frac{1}{E_P^D}$$

Бу ерда L - монопол хокимиятнинг Лернер индекси;

P – монопол нарх;

MC – чекли ҳаражат;

$E_P^D$ - талабнинг нархга кўра эластиклиги.

Масалан, бензинга талабнинг нарх бўйича эластиклиги-5 бўлса,

$$L=-\frac{1}{E_P^D} = -\frac{1}{-5} = 0{,}2$$

Бензин сотувчи фирманинг монопол хокимияти 0,2га тенг.

Шуни таъкидлаш керакки, юқори монопол хокимият юқори фойда олишни кафолатламайди. Фойда ўрта ҳаражатнинг нархга бўлган нисбатига боклиқ.бАгар икки фирмадан биринчисининг монопол хокимияти, иккинчи фирманинг ўртача ҳаражати жуда юқори бўлса унинг оладиган фойдаси иккинчи фирма фойдасидан кичик бўлади. Юқоридаги тенглама кўрсатадики, талаб қанчалик эластик бўлса, шунчалик монопол хокимият юқори. Демак, монопол хокимиятнинг келиб чикиш сабаби, талаб эластиклигидадир.

Амалиётда чекли ҳаражатни хисоблаш кийин бўлгани учун, уни ўртача ҳаражат билан алмаштиради. Бу ҳолда формула қуйидаги куринишни олади:

$$L=\frac{P - AC}{P}$$

Агар биз ифоданинг сурат ва махражнинг Q га кўпайтирсак, махражда умумий даромадни, суратда фойдани оламиз:

$$L=\frac{(P - AC)\cdot Q}{P \cdot Q} = \frac{\pi}{TR}$$

Шундай қилиб Лернер кўрсаткичи юқори фойда олишни монополиянинг далолати эканлигини кўрсатади.

Монопол хокимиятни характерлаш учун бозорни мараказлашув даражаси кўрсаткичидан хам фойдаланилади. Бу кўрсаткич биринчи булиб Херфиндал-Хиршман индекси деб юритилади. Бу индекс корхоналарнинг бозордаги улушлари йиғиндиси сифатида каралади ва кайси фирманинг бозордаги улуши юқори бўлса, у фирма бозорда монопол хокимиятига эга булиши мумкин ёки шундай имконият мавжуд деб каралади. Фирмалар бозордаги улушига кура тартиблаштирилади.

$$I=S_1^2+S_2^2+S_3^2+...+S_n^2$$

Бу ерда: I- Херфиндал-Хиршман индекси;

$S_1^2$ - бозорда энг катта улушга эга бўлган фирма;

$S_2^2$ - ундан кейинги катталикдаги улушга эга фирма ва хоказо:

$S_n^2$ - энг кичик улушга эга бўлган фирма.

Агар тармоқда ягона фирма бўлиб унинг маҳсулоти $S_1^2$=100% ташкил қилса унда бундай хол соф монополия бўлади, яъне Херфендал-Хершман индекси I=10000га тенгдир.

Масалан, АКШда Хершман-Хермендал индекси I=1800дан ошган тармоқлар, монопол тармоқларда киради. Юқоридаги индексдан монополияга қарши олиб бориладиган фаолиятда фойдаланилади. Бозорнинг катта кисмини бир неча фималар томонидан эгаллаб олиниши холатига бозорнинг марказлашуви дейилади.

**МОНОПОЛ НАРХГА СОЛИҚНИНГ ТАЪСИРИ.** Юқорида кўрган эдикки, рақобатлашган бозорда бир бирлик маҳсулотга қўйилган солик, маҳсулотнинг бозор нархини солик миқдорига нисбатан кичикрок миқдорга ўзгартиради ва бу солик юкки хам истеъмолчига хам сотувчига таксимланади. Монопол бозорда солик қўйилганда, маҳсулот нархи солик миқдоридан кўпрок миқдорга ошиши мумкин.

Фараз қилайлик монопол бозорда хар бир бирлик маҳсулот солиққа тортилади. Солик миқдори t сумга тенг ва монополист сотилган хар бирлик маҳсулот учун давлатга t сўм солик тўлайди. Демак, фирманинг ўртача ва чекли ҳаражатлари t сўмга ошади. Унда фирманинг бошланғич чекли ҳаражати қуйидагича бўлади.

Чекли ҳаражат чизиғини юқорига силжиши ишлаб чиқариш хажми $Q_0$ дан $Q_1$ гача пасайтиради, нархни $P_0$ дан $P_1$ га кўтаради.

Бунинг сабаби, монопол бозорда нархнинг чекли ҳаражатга нисбати талабнинг эластиклигига боғлиқ.

$$E_P^D = P + \frac{P}{MC}$$

Масалан, $E_P^D = -2$ бўлса, монопол нарх формуласига кўра солик t га тенг бўлганда,

$$P = \frac{MC + t}{1 + \frac{1}{-2}} = 2(MC + t) = 2MC + 2t$$

Нарх солик миқдорига нисбатан икки баробар ортади.

## 2. Олигополия. Нархлар жанги

Юқоридаги бобларда кўрган эдикки, рақобатлашган бозорда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчиларнинг ортикчаликлари ўзининг максимал қийматига эришади. Монопол рақобатлашган бозорнинг самарали ёки самарасиз эканлигини таҳлил қилиш учун рақобатлашган бозорларнинг узоқ муддатли ораликдаги мувозанат холатларини таккослаймиз. Рақобатлашган ва монопол рақобатлашган бозорларнинг узоқ муддатли ораликдаги мувозанат холатлари 1-расмда келтирилган.



Бу икки бозор ўртасидаги фаркларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Рақобатлашган бозорда Р*=МС бўлса, монопол рақобатлашган бозорлардаги нарх чекли ҳаражатдан юқори $Р_м$ >МС, демак, истеъмолчи қўшимча бир бирлик маҳсулот учун тўлайдиган нарх, бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражатидан юқори. Агар ишлаб чиқариш хажми $Q_м$ дан $Q_E$ миқдоргача оширилганда (МС чизиғи билан талаб чизиғи кесишган Е нукта) истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчининг умумий ортикчалиги штрихланган майдон миқдорига тенг миқдорда ошган бўлар эди.

Бунинг сабаби монопол хокимиятнинг соф юкотишларга олиб келишидир, монопол рақобатлашган бозордаги корхоналар хам нисбатан монопол хокимиятга эга.

2. Рақобатлашган бозорда мувозанат холат N нуктада эришилса, монопол рақобатлашган бозорда М нуктада эришилади. Рақобатлашган бозорда талаб чизиғи горизонтал булиб, фирманинг фойдасини 0-га тенг бўлиш нуктаси ўртача ҳаражатнинг минимал қийматига тўғри келади. Монопол ракобатлашган бозорда талаб чизиғи пастга томон ётик бўлади. Шунинг учун хам фирма фойдасиниг 0-га тенг нуктаси ўртача хражатнинг минимал нуктасидан чапрок томонга силжиган бўлади ва фирма $\Delta Q = Q_N - Q_M$ миқдорга тенг резерв кувватга эга бўлади. Бу резерв кувватлар самарасиз хисобланади. Нима учун деганда ўртача ҳаражатларни ишлаб чиқариш хажмини ошириб, камайтириш мумкин. Бундай самарасизлик аҳолининг турмуш даражасини пасайтиради. Демак, монопол рақобатлашган бозор самарасиз хисобланади. Лекин шу билан бирга монопол рақобатлашган бозорнинг ижобий томонлари тўғрисида хам гапириш мумкин.

Монопол рақобатлашган бозордаги фирмаларнинг монопол хокимияти катта эмас. Бозордаги фирмаларнинг маҳсулотлари бир-бирини ўрнини босади ва шунинг учун хам алохида фирма юқори монопол хокимиятга эга бўла олмайди. Демак, айтиш мумкинки монопол хокимиятдан кўрадиган соф йуқотишлар хам унча катта бўлмайди. Талаб чизиғининг ётиклиги, талабнинг эластик эканлигини билдиради, шунинг учун фирмаларнинг резерв куввати хам катта эмас. Бошқа томондан, монопол рақобатлашган бозор товарлар ассортиментини кенгайтиради. Бу ўз навбатида истеъмолчиларга рақобатлашаган товарлар бозорида танлаш имкониятини оширади. Монопол рақобатлашган бозорга мисол сифатига тиш ювиш пасталари бозори, кийим кечак ва озик-овкат бозорларини келтириш мумкин.

**Олигополия** – бу шундай бозор турики, ундаги товар таклифининг хаммаси, ёки деярли хаммаси бир неча ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан бўлиб олинган ва бу бозорга янги фирмаларнинг кириши катта тўсик оркали чекланган бўлади.

Олигополия сўзи грекча булиб (oligos- бир неча poleo-сотаман) сотувчиларнинг кимлигини билдиради. Олигопол тармоқларга мисол сифатида АКШнинг автомобил саноати, пулат, алюмин, электроускуналар ва компьютер тармоқларни келтириш мумкин. Бу тармоқларда ишлаб чикариладиган умумий маҳсулот хажми бир неча фирмалар хиссасига тўғри келади.

Олигополик бозорни унинг қуйидаги учта хусусияти ажратиб туради:

биринчидан, тармоқда фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг камлиги;

иккинчидан, тармоққа кирувчи фирмалар учун кучли тўсикларнинг мавжудлиги;

учинчидан, олигополик бозордаги фирмаларнинг ҳаракати бир-бирига боғлиқлиги.

Олигополик бозориннг учинчи хусусиятига кўра, фирмаларнинг иқтисодий ҳаракатлари бир-бирига боғлиқ, яъни хар бир фирма бирор иқтисодий стратегияни танлаганда, бошқа фирмаларнинг ушбу стратегияга бўлган муносабатини эътиборга олиш керак бўлади.

Масалан, бир фирма ўз маҳсулотига талабни рағбатлантириш учун маҳсулотнинг нархини 10%га камайтирса, у асосан рақобатлашувчи фирмалар хисобидан ўз маҳсулотини сотиш хажмини анчага ошириши мумкин.

Лекин фирманинг бу нарх сиёсатига жавобан бошқа рақобатлашувчи фирмалар хар хил иқтисодий сиёсат олиб бориши мумкин:

Биринчидан, бошқа фирмалар эътибор бермаслиги мумкин;

Иккинчидан, улар хам нархни 10%га тушириши мумкин, натижада фирмалар оладиган фойда миқдори камаяда, хатто 0-га тенг бўлиши хам мумкин;

Учинчидан, бошқа фирма бу фирмани синдириш мақсадида маҳсулотга бўлган нархни 10%дан юқорирок пасайтириши мумкин, лекин бундай холатни давом этиши нархлар жангига олиб келиши мумкин. **Нархлар жанги** – бу рақобатлашадиган фирмалар томонидан олигополик бозорда нархларнинг боскичма-боскич тушурушидир.

Умуман олганда олигополик бозорда фирма томонидан қабул қилинган хар қандай иқтисодий сиёсат нархларни ўзгартириш, ишлаб чиқариш хажмини ўзгартириш, рекламани кучайтириш-рақобатлашувчи фирмаларнинг ушбу сиёсатга бўлган муносабатини билишни ва уни прогноз қилишни талаб қилади. Нархлар жанги нарх ўртача ҳаражатга тенг бўлгунга кадар давом этади; яъни **P=AC=MC.** Бу тенглик олигополик бозор мувозанатини беради. Мувозанат холатда хеч бир фирма нархнини камайтиришдан қўшимча фойда олаолмайди. Мувозанат холатда фирмаларнинг иқтисодий фойдаси нолга тенг.

### 3.Қамалган шахс муаммоси («дилемма заключенного»)

Ўйинлар назариясида энг оддий ўйинлар турига икки киши катнашадиган ўйинлар киради. Агар ўйинда уч ва ундан ортик ўйинчи катнашса, у ҳолда баъзи ўйинчилар келишиб стратегия тузиши мумкин, бу эса таҳлилни мураккблаштиради. Тўлов суммасига кўра уйинлар тўлов суммаси нолга тенг ва нолдан фаркли бўлиши мумкин. Тўлов суммаси нол бўлган ўйинга антогонистик ўйинлар дейилади: ютилган сумма, бой берилган суммага тенг, яъни умумий ютук нолга тенг. Ўйинчиларнинг келишувига кўра, ўйинлар кооператив (бу ерда ўйинчилар келишиб коалиция тузадилар, яъни бир неча ўйинчи келишиб биргаликда ҳаракат қилади) ва нокооператив (хар бир ўйинчи ўзи учун ўйнайди).

Нокооператив, тўлов суммаси нолга тенг бўлган ўйинга Курно модели мисол бўлса, тўлов суммаси нолга тенг бўлмаган ўйинга «камалган шахс муаммоси» киради. Ушбу муаммонинг аҳамияти хам шундаки, олигопол фирмалар ушбу муаммога кўпрок дуч келадилар. «Камалган шахс муаммоси» мазмуни шундан иборатки, икки киши биргаликда жиноят қилинганликда айбланади. Уларни хар бири алохида хонага камалган ва улар бир-бири билан алока қила олмайди. Уларнинг хар бирини жиноят қилганлигини бўйнига олишни талаб қилмокда. Хар бирининг олдидаги асосий муаммо қилинган, лекин исботланмаган жиноятни бўйнига олиш керакми ёки йўқми?

Агар иккаласи хам жиноят қилганини бўйнига олишса, уларнинг хар бирига 6 йилдан камоқ жазоси берилади. Агар улар бўйнига олишмаса, исботловчи материал йўқлиги учун жиноятни исбот қилиш мумкин бўлмайди, натижада иккаласи хам 3 йилдан жазо олади. Агар иккаласидан биттаси жиноят қилганлигини бўйнига олса, 1 йил камок жазосини олади, бўйнига олмаган 10 йил жазо олади.

Хар бир камалган шахс олдида муаммо туради. Агар иккаласи келиша олса улар хар бири 3 йилдан камок жазосини олар эди. Лекин, уларнинг бир бири билан гаплашиш имконияти йуқ. Агар келишган такдир хам улар бир-бирига ишониши кийин. Нима учун деганда 3 йил ўрнига 1 йил камокда ўтириш, уларни хар қандай мажбуриятдан кечишга мажбур қилиши мумкин. Ечимлар матрицасига карасак, А шахс кайси вариантни кўллашидан катъий назар Б шахс бўйнига олса у ютиб чиқади яъни икала вариантда хам Б шахс А шахсдан кўп вақтга камалмайди (6 ёки 1 йил). Худи шундай, Б шахс кайси ечимни танламасин, агар А шахс бўйнига олса у хам ютиб чиқади. Демак, иккаласини хам бўйнига олиш ечимини танлаши эхтимоли юқорироқ.

Олигополик фирмалар хам кўп холларда «камалган шахс муаммо»сига учрайди, бундай холатда фирмалар олдида хам қуйидаги вариантлардан бири туради: агрессив рақобат – оркали иккинчи томонга карашли бозор улушининг маълум кисмини эгаллаш (нарх стратегияси оркали), ёки пассив ҳаракат қилиш, ёки иккинчи томон билан келишиш. Лекин у пассив ҳаракат қилса, иккинчи томон агрессив ҳаракат қилиб, унинг бозордаги улушини бир кисмини эгаллаб олиши мумкин. Шунинг учун хам фирмалар олдида «камалган шахс муаммоси» туради.

Фараз қилайлик, дуополик бозорда иккита фирма бир хил маҳсулот сотади дейлик. Курно мувозанатида хар бир фирма бир-бирлик маҳсулот нархини 4 сўмдан қилиб белгилаб 12 минг сўмдан хар бири билан келишиб нархни 7 сўмга кўтаришса, 15 минг сўмдан даромад оладилар. Улардан бири нархни 7 сўм қилиб белгиланган, иккинчи фирма 4 сўм қилиб белгиласа, 18 минг сўм фойда олади, биринчи фирманинг фойдаси 6 минг сўмга тушади. Ушбу вазиятнинг вариант ечимлари қуйидаги расмда келтирилган.

| | 2-фирма | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | нарх 4 сум | | нарх 7 сум | |
| 1-фирма | нарх 4 сум | 12000 | 12000 | 18000 | 6000 |
| | нарх 7 сум | 6000 | 18000 | 15000 | 15000 |

## 4.Камалган шахс муаммоси ёрдамида нарх белгилаш

**Каттик нарх сиёсати.** Олигополик фирмалар кўпрок нархларни барқарор бўлишини, ёки нарх каттик ўрнатилган бўлса, уни ўзгартирмасликка ҳаракат қиладилар. Бозор талаби ёки ҳаражатлар пасайганда хам фирмалар нархни ўзгартишга (камайтиришга) шошилмайдилар, нима учун деганда нархни бирорта Фирма томонидан пасайтирилиши «нархлар жангига» олиб келиши мумкин, яъни бошқа фирмалар хам бозордаги улушини йукотмаслик учун нархларни пасайтиришга ҳаракат қилади. Бозор талаби ёки ҳаражатлар ошганда хам фирмалар нархни оширишдан чўчийдилар, борди-ю улар нархни оширса бошқа фирмалар ўз нархларини оширмаслиги мумкин.

Талаб чизиғининг синиши каттик нарх P* нуктасига тўғри келади. Фирма ўз маҳсулотига бўлган нархни P* нархдан юқорига кўтарса, бошқа фирмалар нархни P* нархдан юқорига кўтарса, бошқа фирмалар нархини ўзгартирмасдан P* даражада колдириши мумкин. Фирма нархини P*дан юқори кўтармайди, нима учун деганда, талаб чизиғи жуда хам эластик бўлганлиги учун фирма бошқа фирмалар нархларини ўзгартирмаса бозордаги улушининг бир кисмидан ажраламан деб уйлайди (фойдаси камаяди). Бошқа томондан, фирма ўз маҳсулотига бўлган нархни P* нархдан патсга туширмайди, нима учун деганда, бошқа фирмалар хам ўз нархларини туширади деб ўйлайди.

**Нарх белгилашда лидерлик.** Нарх белгилашда **лидер-фирма** нархни биринчи булиб, белгилайди, колганлар унинг нархига караб ўз нархларини белгилайди. Бундай фирмаларни эргашувчи фирмалар деймиз. Лидер фирманинг нарх белгилаши, лидер нархни белгилаганда **эргашувчи фирмаларнинг** ҳаракатига боғлиқ, яъни лидер нархни оширса, эргашувчилар ишлаб чиқаришни оширадиларми ёки бозордаги олдинги улушини саклайдими? Агар эргашувчилар ўз ишлаб чиқариш хажмларини чекласалар, лидер фойдаси максималлаштирадиган умумий нархни белгилайди. Ёки, лидер ўз фойдасини максималлаштирадиган нархни ўрнатади, эргашувчилар эса ушбу нархда қанча хохласа, шунча ишлаб чиқариши мумкин бўлади.

Умумий сотиладиган маҳсулот миқдори

$$\mathbf{Q_T=Q_Э+Q_L}$$ тенглашиб қолади.

Амалда бозорда ҳаракат қилаётган йирик фирма лидер бўлади, лекин вақт ўтиши билан лидерлар хам ўзгариб туради.

Лидер фирма ўзининг бозордаги улушини аниқлаши учун, биринчи навбатда, эргашувчи фирмаларнинг таклиф чизиғини, яъни уларнинг таклиф функциясини олдидан билиши керак бўлади. Қуйидаги мисол буни кўрсатади.

Фараз қилайлик, дуопол бозорда фаолият кўрсатаётган икки фирмадан бири лидер, иккинчиси эргашувчи фирма сифатида ҳаракат қилаётган бўлсин.

Фараз қилайлик, биринчи фирма-лидер, иккинчи фирма эргашувчи бўлсин.

Биринчи лидер фирманинг фойда функциясини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\pi_1 = TR_1. - TC_1$$

бу ерда $TR_1 = p \cdot q_1$ ва $TC_1 = h(q_1)$.

Тескари талаб функциясини P=f ($q_1$+$q_2$) десак, лидернинг даромади $TR_1$=f($q_1$+$q_2$) $q_1$ га тенг бўлади.

Бу ерда $q_1$ ва $q_2$ лар мос ҳолда лидер ва эргашувчи фирмаларнинг ишлаб чиқариш хажмлари.

Маълум, дуопол бозорда хар бир фирманинг иккинчи фирма ишлаб чиқариш хажмидан боғлиқ реакция ишлаб чиқариш функцияси мухим аҳамиятга эга. Бу ерда лидер фирма иккинчи фирманинг реакция функциясидан хабардор, деб фараз қилинади, яъни $q_2$=g($q_1$)

У ҳолда лидер фирманинг даромад функцияси қуйидагича ёзилади:

$$TR=f(q_1+g(q_1))\ q_1=f(q_1)$$

Лидер фирмани ўз рақиби бўлган эргашувчи фирманинг реакция функциясини билиши унга ўз даромад функциясини фақат ўзининг ишлаб чиқариши хажмига боғлиқ равишда ифодалашга имкон беради. Иккинчи томондан, лидер – фирманинг умумий ҳаражат функцияси хам фақат $q_1$ га боғлиқ бўлгани учун, лидернинг умумий фойдаси қуйидагича аниқланади:

$$\pi_1 = \{TR_1 = \int(q_1)\ \} - \{TC_1 = (q_1)\}$$

ва бунда $\pi_1 = f^*(q_1)$ деб ёзишимиз мумкин.

Келишув ечими (Картел ечими). Келишув ечим, дуопол бозордаги иккала фирманинг маълум бир шартнома асосида биргаликда келишиб харкат қилишига асосланади. Шартномада фирмаларнинг хар бири қанча миқдорда товар ишлаб чиқариши, уни қандай нархда сотиши ва тушган фойдани қандай қилиб ўртада булиши келишилган ҳолда кўрсатилиши мумкин. Фирмалар келишиб ҳаракат қилганда умумий фойдани максималлаштирадилар. Иккала фирманинг келишиб ҳаракат қилиши дуопол бозорда соф монополияни вужудга келишига олиб келади.

Юқоридаги маълумотларга кура келишув стратегиясини куриб чикамиз.

Мисол дуопол бозорда иккита фирма ҳаракат қилияпти. Умумий бозор талаби P-300-0,5$Q_D$. Фирмаларнинг умумий ҳаражатлари функциялари қуйидагича берилган:

$$TC_1=0{,}25\ q_1^2; \qquad TC_2=30q_2$$

Иккала фирма картел тузиб ҳаракат қилмокчи. Келишувга кўра умумий фойданинг 38%ни биринчи фирма, 62%ни иккинчи фирма олмокчи дейлик. Хар бир фирманинг ишлаб чиқариш хажмини, бозор нархини ва фирмалар оладиган фойдани хисоблаш зарур.

Ечиш. Бозор талабини қуйидагича ёзамиз:

$$P=300 - 0{,}5\ (q_1 + q_2) \text{ бу ерда } Q_D = q_1 + q_2 \qquad (1)$$

Умумий фойда қуйидагига тенг:

$$\pi = \pi_1 + \pi_2 = (TR_1 - TC_1) + (TR_2 - TC_2)$$

Бундан ва берилган маълумотларга кура фойда қуйидагига тенг:

$$\pi = P \cdot q_1 - 0{,}25q_1^2 + P \cdot q_2 - 30q_2 \qquad (2)$$

(1)даги қийматни (2)га кўйсак

$$\pi = [300 - 0{,}5(q_1 + q_2)] \cdot (q_1 + q_2) - 0{,}25q_1^2 - 30q_2 \qquad (3)$$

(3) ни ихчамласак қуйидагини оламиз:

$$\pi = 300q_1 - q_1 \cdot q_2 - 0{,}75q_1^2 + 270q_2 - 0{,}5q_2^2 \qquad (4)$$

Умумий фойдани максималлаштирадиган $q_1$ ва $q_2$ ларни топиш учун (4)дан $q_1$ ва $q_2$ буйича хусусий хосила олиб, уларни нолга тенглаштириб, $q_1$ ва $q_2$ларга нисбатан ечамиз.

**Назорат учун саволлар:**

1. Қандай фирмалар рақобатлаша оладилар?
2. Соф монополия нима?
3. Табиий монополиялар нима?
4. Монопол хокимият ва монопол хокимият кўрсаткичларини тушунтириб беринг.
5. Монопол нарх нима?
6. Бозор шароитида қандай нархлар амал қилади?

## 10- МАВЗУ: МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА КОРХОНАЛАРДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Дарс мақсади:** Меҳнат бозорИ ва корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг моҳиятини талабаларга тушунтириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** Меҳнатнинг чекли маҳсулоти, меҳнат ресурслари таклифи, меҳнат бозори, иш ҳақи, минимал иш ҳақи, капиталга даромад, иқтисодий рента, тадбиркорлик даромади.

**Асосий саволлар:**

5. Мехнат бозори, рақобатлашган мехнат бозори.
6. Мехнат бозорида монопсония бўлган холат.
7. Минимал иш хаки. Иш хаки ставкалари табакалашуви.
8. Даромадларни тақсимлаш.

### 1. Меҳнат бозори, рақобатлашган меҳнат бозори

Ишлаб чиқариш омиллари бозори деганда, меҳнат, ҳом-ашё, капитал, ер ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари бозори тушунилади. Ресурслар бозоридаги талаб ва таклиф истеъмол товарлари бозори таъсирида шаклланади.

Қўшимча ёлланган битта ишчи кучидан олинадиган қўшимча даромад меҳнатнинг чекли даромадлилиги дейилади ва у $MRP_L$ орқали белгиланади.

$$MRP_{L=} MP_{L*} MR$$

Бу ерда $MRP_L$ - меҳнатнинг чекли даромадлилиги,
$MP_L$- меҳнатнинг чекли маҳсулоти.
MR-чекли даромад

Чекли даромаднинг камайиш қонунига кўра меҳнатнинг чекли маҳсулоти иш вақти узайиши билан камайиб боради. Демак, $MRP_L$ чизиғи нарх ўзгармаса ҳам пастга қараб йўналган бўлади.

Меҳнатни чекли даромадлилиги $MRP_L$ дан ишчиларни ёллашда фойдаланиш мумкин. Агар фирма ўз фойдасини максималлаштирмоқчи бўлса у ёллашни меҳнатни чекли даромадлилиги иш ҳақига тенг бўлганга қадар давом эттиради.

$$MRP_L = W,$$

бу ерда W – иш ҳақи.

Агар $MRP_L < W$ бўлса, фирма қўшимча ишчи кучини ёллаб, ўз фойдасини ошириши мумкин.

Ушбу шарт қуйидаги 1-расмда ифодаланган.




1– расм. Рақобатлашган меҳнат бозорида меҳнат нархининг унинг миқдоридан боғлиқлиги

Меҳнатга бўлган талаб $D_L$, $MRP_L$ чизиғи билан устма-уст тушади. $D_L$ талаб чизиғига кўра, меҳнат нархи пасайган сари унга бўлган талаб ҳам ортиб боради ва аксинча. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб – бу фирмаларнинг ишчи кучига талабидир. Таклиф ишчилар томонидан бўлади.

Меҳнат бозори рақобатлашган бўлгани учун меҳнат нархи бозор томонидан шаклланади ва унга бозор субъектлари таъсир қила олмайди (рақобатлашган истеъмол бозоридаги каби). Бу барча ишчилар қайси фирмада ишлашидан қатъий назар, бир хил иш ҳақи олади ва фирмалар бу нархни олдиндан берилган нарх сифатида қабул қиладилар. Шунинг учун ҳам алохида фирма учун меҳнат ресурслари таклиф чизиғи горизантал, яъни у абсолют эластик.

Шунинг учун фирманинг меҳнат учун чекли ҳаражати MRC иш ҳақига тенг:

$$MRC = W^* = MRP_L,$$

бу ерда MRC – фирманинг меҳнатга бўлган чекли ҳаражати.

Иш ҳақининг ўзгариши ишчи кучига бўлган талабни ўзгартиради. Агар иш ҳақи $W_0$ дан $W_1$ гача ошса (2расм), ёлланадиган ишчилар сони $L_0$ дан $L_1$ гача қисқаради; агар иш ҳақи $W_2$ гача пасайса, ишдаги ишчилар сони $L_2$ гача ошади.

Меҳнат бозорида фирма фойдасини максималлаштирадиган шарт, яъни меҳнатни чекли даромадлилигининг иш ҳақи ставкасига тенглиги истеъмол бозоридаги MR –MC шартга ўхшашдир.

(2) ва (3) тенгликдан фойдаланиб қуйидаги муносабатни ёзамиз.

$MRP_L = MP_L \cdot MR = W$ тенгликнинг иккала томонини




2– расм. Ишчи кучига талаб билан иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик.

чекли маҳсулот $MR_L$ га бўламиз. Натижада қуйидагини оламиз:

$$MR \frac{W}{VR_L} \qquad (4)$$

(4) – муносабатнинг ўнг томони иш ҳақи ставкасининг бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган меҳнат сарфига кўпайтирилганига тенг, яъни бу ишлаб чиқаришнинг чекли ҳаражатидир.

Тармоқ бўйича меҳнат бозорини кўриб чиқамиз. Умумий бозор талаби тармоқдаги фирмалар талаблари йиғиндиси билан аниқланади (3-расм).

$$D_{TL} = MRP_L = \sum (MRP)_t$$



3– расм. Тармоқ меҳнат бозори

Бу ерда $MRC_t = W_t t$ – ишчи учун сарфланадиган қўшимча ҳаражат, яъни, иш ҳақи.

**Меҳнат қилиш ва дам олиш ўртасидаги боғлиқлик.** Ҳар бир ишчи олдидаги масала, бу қанча ишлаб, қанча дам олиш муаммосидир. Агар суткада 24 соат бўладиган бўлса, ишчи 24 соат ишласа, у М сўмга тенг бўлган максимал даромад олиши мумкин. (4-расм).




4-расм. Иш вақти ва дам олиш ўртасидаги боғлиқлик

Агар у ишламаса, унинг максимал дам олиши бир суткага, яъни 24 соатга тенг бўлади. Ишчининг «даромад ва бўш вақти» бюджет чизиғини MN чизиғи орқали ифодалаш мумкин. Маълумки, ишчи ҳар доим суткасига 24 соат ишлавермайди. Табиийки, ишчининг иш вақти чегараланган бўлади, у маълум вақт дам олиб, ўзининг
ишлаш қобилиятини тиклаш керак бўлади. Бундан ташқари, дам олиш унинг маънавий ўсишини таъминлайди. Демак, ишчи маълум вақт ишлаб, маълум миқдорда наф олса (даромад олса), у маълум вақт дам олганда ҳам қандайдир наф олади (маънавий ўсиш, завқланиш). Демак, ишчини қанча вақт ишлаб, қанча вақт дам олиши кераклиги тўғрисидаги масалани қуйидагича қўйиш мумкин:

Ишчининг ишлаш вақти ва дам олиш вақтидан боғлиқ нафлик функциясини қуйидагича ёзамиз:

$$U = U(t,T)$$

бу ерда U – нафлик функцияси; t – иш вақти; T – дам олиш вақти.

Демак, ишчи суткадаги 24 соатни иш вақтига ва дам олиш вақтига шундай тақсимлаши керакки, натижада у максимал наф олсин:

$$U = U(t,T) = \max.$$

Қуйидаги шарт бажарилган:

$$t + T \leq 24.$$

Оптимал ечимга кўра, дам олиш вақти $t_E$ соатга тенг бўлса, иш вақти $T_E = 24 - t_E$ га тенг. Ишчининг бир соатлик иш ҳақи W сўмга тенг бўлса, унинг умумий даромади қуйидагича топилади:

$$R_E = W(24 - t_E). \qquad (8)$$

Ишчи нафлик функциясини максималлаштиради, агар бўш вақт билан даромадни чекли алмаштириш нормаси $MRS_{LR}$ иш ҳақи W га тенг бўлса, $MRS_{LR} = W$.

Фараз қилайлик, иш ҳақи ставкаси $W_0$ дан $W_1$ га ошди. Бюджет чизиғи $NM_1$ ҳолатга силжийди (5-расм).

Агар биз $M_1$ N бюджет чизиғига параллел бўлган ва $U_2$ бефарқлик чизиғи билан кесишадиган AB бюджет чизиғини ўтказсак, даромад ва ўрнини босиш самарасини аниқлашимиз мумкин.

Ўрнини босиш самараси бўш вақтни қисқариши ва иш вақтининг ортиши натижасида даромаднинг ўсиши билан ифодаланади, яъни, маълум миқдорлаги бўш вақт иш вақти билан алмаштирилади. 5-расмда бу $t_2$ дан $t_0$ га силжишини ифодалайди, яъни, иш вақти $T_1 = 24 - t_2$ ва $T_2 = 24 - t_0$ гача ошади. Лекин, даромаднинг ортиши билан бирга дам олишнинг – шахснинг маънавий ўсиши учун керак бўладиган бўш вақтнинг ҳам қиммати ошади. Даромад самараси (бўш вақтнинг ортиши) тескари йўналишда бўлиб, у $t_0$ $t_1$ оралиқ билан ифодаланади ($t_0$ $t_1$). Натижавий ўзгариш $t_0$ $t_2$ ораликка тенг.




5-расм. Ўрнини босиш самараси ва даромад самараси.






6-расм. Иш ҳақининг ўсиши натижасида иш вақтининг ўсиши

Иш ҳақининг бундай ўсишида ўрнини босиш самараси даромад самарасидан юқори бўлади. Бундан шу келиб чиқадики, биринчидан, иш ҳақининг ўсиши, иш вақтини ортишига олиб келади; иккинчидан, индивидуал шахснинг меҳнат таклифи мусбат ётиқликка эга (6-расм).

Даромаднинг янада ошиб бориши барча шахсларни ҳам дам олиш вақтини қисқартириб, иш вақтини оширишга ундайверади. Дам олиш вақтининг қисқариб бориши, унинг шахс учун бўлган қимматини оширади. Бўш вақтни қимматини ошиб бориши шунга олиб келадики, даромад самараси, ўрнини босиш самарасидан ошиб кетади (7-расм). Натижада иш вақти $T_2 = 24 – t_2$ дан $T_1 = 24 – t_1$ гача қисқаради.




7-расм. Даромад самараси ўрнини босиш самарасидан ортиқ бўлган ҳолат.

Шахснинг бўш вақти эса $Ot_2$ дан $Ot_1$ га ўсади. Бўш вақт қимматини ортиши, иш ҳақи ошганда индивидуал шахснинг меҳнат таклифи чизиғи манфий ётиқликка эга бўлади (8-расм).

**Иш ҳақи ўсишнинг дам олиш вақти билан ишлаш вақти ўртасидаги нисбатга таъсири.** Одатда иш ҳақи ошганда, кўпчилик кўпроқ ишлаб, кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади. Лекин, иш вақти ошган сари бўш вақтнинг ҳам қиммати ошиб боради. Инсон маънавий ўсишга ҳам интилади. Демак, иш вақтининг ўсиши ўз чегарасига эга. Нима учун деганда, инсонлар, ишлаб топган даромадини кўпроқ завқ олиш учун, дам олишга сарфлайдилар.




8-расм. Иш ҳақи ошганда иш кунини қисқариш таклиф чизиғи ётиқлиги

Иш вақти маълум вақтгача ўсгандан кейинги иш ҳақининг ўсиши, иш вақтини қисқаришига олиб келади. Иш ҳақи ошганда ўрнини босиш самараси ҳамда даромад самараси мавжуд бўлади. Ўрнини босиш самарасида юқорироқ иш ҳақи, ишчининг реал даромадини оширади. Ишчи кўп даромад олганда, у кўпроқ неъматларни сотиб олади, ушбу неъматлардан бири, яхши дам олишдир.

Агар ишчи дам олишга кўпроқ маблағ сарфласа, даромад самараси (даромаднинг ошиши), уни камроқ ишлашга ундайди. Даромад самараси жуда ҳам катта бўлганда, ишчи иш вақтини қисқартиради ва меҳнат таклифи чизиғи пастга ётиқ бўлади.

Қуйидаги 9 – расмда иш ҳақи ўсишнинг уч босқичи кўрсатилган.

Иш ҳақининг биринчи босқичида $W_1$ дан $W_2$ га ўсиши, иш вақтини – дан $t_1$ дан $t_2$ соатга оширади. Бу ерда ўрнини босиш самараси даромад самарасидан юқори бўлади. Иш ҳақининг иккинчи босқичидаги $W_2$ дан $W_3$ га ўсиши, иш вақтига таъсир қилмайди, ишчи $t_2$ соат ишлайди, ўрнини босиш самараси даромад самарасига тенг. Учинчи босқичдаги иш ҳақининг $W_3$ дан $W_4$ га ўсиши, иш вақтини $t_2$ дан $t_4$ га қисқартиради, ўрнини босиш самараси даромад самарасидан кам бўлади.

Кўриниб турибдики, даромаднинг ўсиши дам олишга бўлган талабни оширади. Ушбу ҳол иш вақтини қисқариши ва дам олиш вақтини ошишида ўз ифодасини топган. Иш ҳақининг ошиши билан бирга дам олишнинг нархи ҳам ошади.

Одатда, ривожланган мамлакатларда аҳолининг ўртача даромади, ривожланаётган мамлакатлардаги аҳолининг ўртача даромадидан анча юқори бўлгани учун, улар кўпроқ дам олишга ҳаракат қилади (Даромад самараси, ўрнини босиш самарасидан юқори).






9-расм. Индивидуал шахснинг меҳнати таклифи чизиғи

Ривожланаётган давлатларда иш ҳақи паст бўлгани учун, иш ҳақининг ўсиши, ишчиларни кўпроқ вақт ишлаб, кўпроқ даромад қилишга ундайди (ўрнини босиш самараси, даромад самарасидан юқори бўлади).

**2. Мехнат бозорида монопсония бўлган холат**

Бундай ҳол кўпроқ кичик шаҳарларда учрайди. Шаҳарда ягона ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, у шаҳар аҳолисининг асосий қисмини иш билан таъминлайди.

Шаҳарда бошқа иш жойлари кам бўлгани учун, ушбу вазият монопосоник бозор вазиятга яқин бўлади. Монопол корхона маҳаллий меҳнат бозорида ишчи кучини сотиб олувчи ягона корхона бўлгани учун ҳам у иш ҳақига таъсир қила олади. Корхона ишга ёллайдиган ишчилар сонини қисқартирса, ишга кирувчилар ўртасида рақобат кучаяди ва бу иш ҳақини мувозанат даражасидан пастга туширади (10-расм).

Рақобатлашган меҳнат бозорида мувозанат ҳолат Е нуқтада ўрнатилади. Е нуқтада талаб ва таклиф чизиқлари кесишади. Мувозанат ҳолатида, Le ишчи We миқдордаги иш ҳақи билан таъминланади. Монопсонист ҳар бир бирлик меҳнат учун бир хил иш ҳақи тўлагани учун таклиф чизиғи ўртача ҳаражат АС чизиғидан иборат бўлади. Чекли меҳнат ҳаражатлари чизиғи $MRC_L$ ўртача ҳаражат чизиғидан юқорида ётади. $MRC_L$ ва $MRP_L$ чизиқларини кесишган нуқтаси монопсоник ҳолатда қанча ишчи банд бўлишини аниқлайди. Бу ерда $MRC_L = MRP_L$ монопсоник мувозанат ҳолати шарти. Демак, монопсонист ишчилар сонини Le дан Lc қисқартириб, иш ҳақини We дан $W_N$ га қисқартиришга эришади. Шундай қилиб, монопсонист бир вақтнинг ўзида ҳам ишчилар сонини қисқартириб, ҳам иш ҳақини пасайтириб, ўз фойдасини $MCNW_N$ тўртбурчак юзига тенг бўлган миқдорда оширади.



10-расм. Монополистик меҳнат бозори

### 3.Минимал иш хаки. Иш хаки ставкалари табакалашуви

Минимал иш ҳақи давлат томонидан қонун орқали ўрнатилади. Кўп ҳолларда минимал иш ҳақи мувозанат иш ҳақи даражасидан юқори қилиб ўрнатилади.

Бундай ҳолда умумий ўртача иш ҳақи ошади, лекин ишчиларни ишга ёллаш сони қисқаради. Минимал иш ҳақини ўрнатилишини ва уни оширилишини касаба уюшмалари ҳам кўпинча талаб қилиб чиқадилар. Минимал иш ҳақи қандай оқибатлар билан боғлиқлигини кўриб чиқайлик.

Минимал иш ҳақи кўпроқ малакасиз ишчилар ва иш топа олмаган ишчиларга салбий таъсир кўрсатади. Нима учун деганда, малакали ишчиларга талаб ҳар доим мавжуд бўлади, шу сабабли улар минимал иш ҳақининг ошишидан ютадилар. Умуман, минимал иш ҳақининг ортиши, иш билан банд бўлган аҳолининг юқорироқ даромад олишини таъминлайди. Минимал иш ҳақи ошганда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг барча ставкалари қайтадан кўриб чиқилади ва оширилади.

Қуйидаги 11-расмда минимал иш ҳақининг аҳоли бандлигига таъсири кўрсатилган. Минимал иш ҳақи ўрнатилмаганда ишчиларнинг бандлик даражаси ва иш ҳақи мувозанат ҳолат (Е нуқта) орқали аниқланади. Мувозанат ҳолатда иш билан Le ишчи банд бўлади ва We миқдорда иш ҳақи олади.




11-расм. Минимал иш ҳақи ва аҳоли бандлиги

Минимал иш ҳақини мувозанат иш ҳақидан юқори қилиб белгиланиши (Wmin >We), иш билан банд бўлган ишчилар сонини $L_M$ гача қисқартиради.

**Монополистик меҳнат бозори**. Амалда касаба уюшмаларни монополист деб қараш мумкин.






12-расм. Соф монопол меҳнат бозорида монополистнинг иш ҳақи ва бандликка таъсири

Улар ишчиларга ўз таъсирини ўтказиб, меҳнат таклифини қисқартириб, иш ҳақини оширишга ҳаракат қиладилар.

Фараз қилайлик, касаба уюшмалари соф монополист. Ушбу ҳолат 12-расмда келтирилган.

Рақобатлашган меҳнат бозорида мувозанат E нуқтада ўрнатилади ва Le ишчи иш билан таъминланиб, We иш ҳақи олади. Меҳнат бозорида касаба уюшмаси монопол ҳокимиятга эга бўлганлиги учун, у банд бўлган ишчилар сонини Le дан $L_M$ га қисқартириб, иш ҳақини We $W_M$ га ошириш мумкин. Ишчилар оладиган альтернатив фойда (иқтисодий рента) $ANMW_M$ тўртбурчак юзига тенг.

**Меҳнат бозоридги икки томонлама монополия**. Бундай бозорда монопсонист фирмага ишчи кучини таклиф қилувчи монополист (касаба уюшмаси) туради.

Икки томонлама монополистик бозордаги ҳолат қуйидги 13-расмда кўрсатилган.




13-расм. Меҳнат бозоридаги икки томонлама монополия

Рақобатлашган бозорда мувозанат ҳолат E нуқтада ўрнатилган бўлар эди. Бу нуқтада меҳнатга бўлган талаб $D_L$ ва таклиф $S_L$ чизиқлари кесишади. Мувозанат ҳолатда Le ишчи иш

билан банд бўлиб, We иш ҳақи олади. Лекин, монопсонист фирма иш билан банд бўлган ишчилар сонини Le дан $L_M$ гача қисқартириб, иш ҳақини We дан $W_M$ гача қисқартиришга ҳаракат қилади. Касаба уюшмалари (монополист) иш кучи таклифини қисқартириб, ($L_N$ гача), иш ҳақини $W_N$ гача кўтаришга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, иш билан банд бўлган ишчилар сонининг нисбатан кичик ўзгаришга ($L_M$ $L_N$) иш ҳақларининг (ушбу ёндашишда) бир-биридан жуда катта фарқ қилиши тўғри келади ($W_M$ $W_N$). Ушбу вазиятда иш ҳақининг қандай бўлиши, қарама-қарши тўрган монополистик ва монопсоник кучларга боғлиқ. Кўриниб турибдики, иш ҳақи мувозанат иш ҳақи We га ҳам яқинлашиши мумкин.

**Иш ҳақи ставкалари табақалашуви.** Биз юқоридаги мулоҳазалардан иш ҳақини ўзгармас деб қарадик. Амалда ўртача иш ҳақи мутахассисликлар бўйича ҳам, тармоқлар бўйича ҳам, ҳаттоки бир хил ишни бажарувчи ишчилар бўйича ҳам фарқ қилади. Масалан, автомобилсозлик тармоғида ишлайдиган ишчиларнинг ўртача иш ҳақларидан фарқ қилади, худди шундай киме тармоғидаги ўртача иш ҳақи ҳам енгил ва озиқ-овқат саноатидаги ўртача иш ҳақидан фарқ қилади. Поликлиникада ишловчи ҳар хил категориядаги врачларнинг иш ҳақи ҳам бир хил эмас. Юқори категорияли врач паст категорияли врачга қараганда кўпроқ маош олади.

Ушбу фарқнинг тагида, инсонлар қобилиятининг хилма-хиллиги, маълумоти, билими, тажрибаси, малакаси ётади. Булардан ташқари, улар бажарадиган ишларнинг тури ҳам, улар оладиган даромадга ҳар хил таъсир қилади. Ишнинг мураккаблиги, ишлаб чиқаришнинг инсон ҳаёти учун зарарли бўлиши, ушбу соҳада ишловчиларнинг иш ҳақида ушбу зарарни қоплайдиган қўшимча иш ҳақида ўз ифодасини топади.

Қуйидаги 14-расмда ишнинг оғирлиги ва зараплиги учун тўланадиган қўшимча иш ҳақи кўрсатилган.

Бу ерда оғир ишни бажарувчи, қўшимча $\Delta W = W_2 - W_1$ иш ҳақи олади, $W_2 - W_1 = \Delta W$.




14-расм. Ҳар хил иш шаротидаги иш ҳақи

**Иқтисодий рента**. Биз юқорида ресурс қанчалик кўп чекланган бўлса, унинг нархи ҳам шунчалик юқори бўлишини кўрган эдик. Шунинг учун ҳам юқори малакали мутахассис ҳар доим ортиқча иш ҳақи олади. Ушбу ортиқча иш ҳақи иқтисодий рента бўлиб, у ишчининг қобилияти ёки юқори малакаси учун тўланади.

Тармоқ меҳнат бозорини кўриб чиқайлик (15-расм). Мувозанат шароитида (Е нуқта) ишчилар $W_0$ иш ҳақи олиб ишлашга тайёр бўлсалар ҳам $W_e$ иш ҳақи олаяптилар (демак, улар оладиган иқтисодий рента ($W_e$ $W_0$) га тенг бўлади).

Минимал иш ҳақи (меҳнат нархи) билан бозорда шаклланган иш ҳақи ўртасидаги фарқ иқтисодий рентани ташкил этади. 15-расмда барча ишчилар учун ушбу кўрсаткич $W_0$ EWe учбурчак юзига тенг. Шунинг учун ҳам рақобатлашган бозорда, қисқа муддатли оралиқда иқтисодий рентанинг бўлиши, тармоққа янги ишчиларни кириб келишини рағбатлантиради. Рақобатлашувчи тармоқда ўзоқ муддатли оралиқда меҳнат таклифи чизиғи абсолют эластик (горизонтал) бўлгани учун иқтисодий рента бўлмайди.




15-расм. Иқтисодий рента

Ноёб мутахассисларнинг етишмаслиги сабаб иқтисодий рента ўзоқ муддатда ҳам сақланиб қолади (амалда ишлаб чиқаришда ноёб мутахассисларни жалб қилиш учун, уларга қўшимча иш ҳақи белгиланади). Эстрада юлдўзлари, кино юлдўзлари, машҳур спортчилар иқтисодий рента оладилар.

Қўйидаги 16-расмда ушбу ҳолат ифодаланган.

Бошланғич ишчи кучига талаб $D_1$ таклиф эса S. Таклиф эластик бўлмаганда, ишчи кучи нархи фақат талабдан боғлиқ бўлади. Киноактёрнинг обруйи ошиб бориши, унга бўлган талабни $D_1$ $D_2$ га кескин ошади.

Шундай қилиб, унинг нархи $W_0$ We га кўтарилади. Расмда $W_0$ $E_1$ $E_2$ $W_1$ тўртбурчак юзи иқтисодий рентани ифодалайди.



L

16-расм. Таклиф чеклангандаги иқтисодий рента

## 4. Даромадларни тақсимланиши

**Даромад турлари**. Даромадлар иқтисодиёт назариясига кўра ишлаб чиқаришда қатнашган омилларнинг шу ишлаб чиқаришдан олинадиган умумий даромадга қўшган ҳиссаси бўйича тақсимланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан тушадиган даромадни бундай тақсимланиши жамият учун керакли бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаршни рағбатлантиради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар жамиятдаги инсонларнинг турмуш даражасини белгилаб берувчи база ҳисобланади ва бу бойликдан жамиятдаги ҳар бир шахснинг ўз улушини олиши бозор шароитида тенгчиликка асосланмайди. Лекин, бундай тақсимланишнинг тенгликка асосланмаганлиги кўпчиликни қониқтирмайди. Шунинг учун ҳам давлат даромадларидаги нотекисликни юмшатиш учун ўзининг даромад сиёсатини амалга оширади.

Ишлаб чиқариш омиллари эгасининг даромади омиллар бозорида аниқланади. Маълумки, корхона эгалари ишлаб чиқариш омилларининг эгаларига (ишчи кучи, капитал, ерга) ҳар бир омилнинг чекли маҳсулотига кўра ҳақ тўлайди. Ишлаб чиқариш ресурслари ҳаражатларини тўлагандан кейинги қолган даромад корхона ихтиёрида қолади ва унга корхона эгаларининг иқтисодий фойдаси дейилади.

**Иқтисодий = Умумий – Ишлаб чиқариш**
**фойда даромад омиллари ҳаражати**

Мукаммаллашган бозор назариясига кўра, мукаммаллашган бозорда ишлаб чиқариш омиллари эгалари корхонадан, шу корхонада ишлатилган омиллари учун олган ҳақи, шу омилларнинг чекли маҳсулотига аниқ тенг бўлса, у ҳолда иқтисодий фойда нолга тенг бўлади (агар масштаб самараси ўзгармас бўлса).

Маълумки, корхоналар ўз капиталига эга, шу сабабли улар ўз капиталини ишлатгани учун фойда оладилар.

Шундай қилиб, бозор шароитида қуйидаги даромадлар асосий даромадлар ҳисобланади: ишчи кучи даромади, капитал даромад (фоизларда), кичик фирмалар даромади, рента – ер эгалари даромади, соф фойда.

**Номинал ва реал даромадлар.** Номинал даромад – бу солиқ ва нархларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган даромад даражаси. Реал даромад – бу нархларни ва бошқа тўловларнинг ўзгаришини ҳисобга олгандаги даромад. Реал даромадни аниқлашда умумий даромаддан солиқ ва бошқа тўловларни айириб, уни нархлар ўзгаришига (инфляцияга) кўра қайта ҳисоблайди.

**Иш ҳақи** – ишчи кучидан фойдаланганлиги учун тўланадиган қиймат. Иш ҳақи ставкаси ҳам иш ҳақининг бир тури бўлиб, ишчи кучи меҳнатидан фойдаланган бир бирлик вақт учун тўланадиган иш ҳақи (бир соатлик, бир кунлик, бир ойлик).

**Иқтисодий рента** – чекланган ресурсдан фойдалангани учун тўланадиган нарх.

**Капиталга даромад** – бу фоиз дейилади. Амалда капиталга даромад икки хил бўлади. Агар капитал пул шаклида бўлса, пул берувчилар ссуда фоизи бўйича даромад олади. Агар капитал буюмлашган шаклда бўлса, у капиталга кўра умумий даромаддан улуш олади.

Реал фоиз ставкаси номинал ставкадан (пулда ифодаланган ставкадан) инфляция даражасини айрилганига тенг.

**Тадбиркорлик даромади** – бу ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланганлиги учун тадбиркор оладиган даромад.

Бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда иқтисодиётнинг ноформал сектор, яъни яширин иқтисодий секторда яширин даромад мавжуд бўлади.

Яширин даромад ҳам икки хил бўлади. Биринчиси – пора олиш (коррупция), гиёҳванд моддалар сотиш, контрабанда ва бошқа соҳалардан олинадиган яширин даромад. Иккинчиси – патентсиз ва лицензиясиз сотиш фаолияти билан шуғулланишдан тушадиган даромад ва солиқ хизматидан яширилган даромад.

Давлат ўзининг даромад сиёсатини амалга оширишда аҳолини турмуш даражасини ифодаловчи агрегат кўрсаткичлардан фойдаланади. Ана шундай кўрсаткичлардан бири ялпи ички маҳсулотдир.

ЯИМни аҳоли жон бошига ҳисоблангандаги кўрсаткич аҳолини турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у ҳар бир аҳоли жон бошига жами ишлаб чиқарилган (бир йил давомида) маҳсулотнинг қанча қисми тўғри келишини кўрсатади. Лекин, бундай тақсимланиш аҳоли даромадининг дифференциаллашганлигини (ҳар хил бўлишини) ифодалайди.

Аҳолининг таркиби ҳар хил ижтимоий қатламлардан (ишчилар, қишлоқ хўжалигидаги ишловчилар, хизматчилар, тадбиркорлар, ўқитувчилар, медицина хизмати ходимлари ва ҳаказолар) иборат бўлгани учун ушбу гуруҳлардаги инсонларнинг даромадлари ҳам ҳар хил бўлади. Аҳоли даромадининг тақсимланиш динамикаси истеъмол бюджети орқали ўрганилади. Истеъмол бюджети ҳам турли хил бўлиши мумкин: ўртача оила бюджети, юқори даражада етарли бюджет (бунга энг юқори умумий даромад оладиган оилаларни киритиш мумкин), минимал бюджет. Минимал бюджетли оилага, оила аъзоларининг (бир йиллик ёки бир ойлик) умумий даромадлари минимал бўлган оилалар киритилади.

Аҳолини турмуш даражасини ифодалайдиган кўрсаткичлардан бир бу **яшаш минимумини** сарфланган ишчи кучини оддий такрор тиклаш учун зарур бўлган даромад деб қараш мумкин. Яшаш минимумини минимал истеъмол корзинаси ҳам деб қаралиши мумкин. Яшаш минимум аҳолини қашшоқлик чизиғи сифатида ҳам қараш мумкин. Яшаш минимумидан паст даромад оладиган аҳолининг қисми қанча кўп бўлса, аҳолининг қашшоқлик даражаси шунча юқори бўлади.

Турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар истеъмол саватига кўра ҳисобланади. Ривожланган давлатларда ўртача даромад истеъмол саватига қуйидаги товарлар киритилади: уй-жой, автомобил, уйнинг замонавий жиҳозлари, аудио ва видео техника, саёҳат қилиш имконияти, болаларини кийинтириш, ўқитиш, илмий асосланган озиқ-овқат, кийим-кичик, маълум даражадаги жамғарма. Одатда минимал истеъмол саватга бошланғич эҳтиёжни қондирадиган товарлар киритилади (кийим-кечак, озиқ-овқат, минимал яшаш шароити).

Жамиятдаги барқарорлик ва аҳолининнинг умумий фаровонлиги кўпинча ушбу аҳоли таркибидаги ўртача синфдаги аҳолининг улуши билан ифодаланди деб қаралади. Ўртача синфдаги аҳолининг мамлакатни ҳозирги ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бозор талабини шакллантиришда, ишлаб чиқаришдаги фаолликни таъминлаш ўрта синфга қарашли аҳолига кўпроқ боғлиқ. Ривожланган давлатларга ўрта синфга қарашли аҳоли умумий аҳолиннинг 50 фоизидан 70 фоизигачасини ташкил қилади.

Юқорида ҳам таъкидлаб ўтдикки, бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан жамиятдаги даромадларни текис тақсимлашни таъминламайди, шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда ҳар доим ўта қашшоқ, бой ва ўта бой аҳоли гуруҳлари сақланиб қолади. Цивилизациялашган давлатлардаги иқтисодий сиёсат аҳоли даромадларидаги кескин равишда катта бўлган фарқларни қисқартиришга, даромадларни кўпроқ адолатли қайта тақсимлашга қаратилган. Ҳар бир цивилизациялашган давлат ноғиронларни, нафақахўрларни, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ўз бўйнига олиши зарур.

Даромадларни дифференциялашуви. Шахсий даромадларнинг табақалашувининг асосида иш ҳақининг ҳар хил бўлиши ётади. Иш ҳақининг ҳар хил бўлиши эса қуйидаги омилларга боғлиқ: шахслар қобилиятининг ҳар хиллиги, билим даражаси, малакаси, тажрибаси, мулкнинг ва қимматбаҳо қоғозларнинг нотекис тақсимланиши, кўчмас мулкнинг нотекис тақсмланиши, яъни жамғарманинг нотекис тақсимланиши ва ҳоказо.

Булардан ташқари даромадларнинг нотекис тақсимланишида омад, қимматли ахборотга эга бўлиш, тавакалчилик, шахсий ва оилавий муносабатлар ҳам маълум рол

ўйнайди. Ушбу омилларнинг таъсири ҳар хил, баъзи ҳолларда улар даромадларни тақсимлашга қаратилган бўлса, баъзи ҳолларда нотекисликни кучайтиради.

Даромадларнинг нотекис тақсимланиши даражасини, чуқурлигини аниқлашда Лоренц эгри чизиғидан фойдаланилади. Лоренц эгри чизиғини чизиш учун координата системасини чизамиз. Горизонтал ўқ бўйича аҳолининг ёки оилаларнинг фоизлардаги улуши ифоланади. Вертикал ўқ бўйича – даромадлар фоизи ифодаланади (17-расм).

Одатда аҳолини беш қисмга бўлади, яъни беш квинтелга. Ҳар бир квинтелга (бешдан бир қисмига) аҳолининг 20 фоизи киради. Аҳолининг қисмлари координата ўқига энг кам даромадга эга бўлган қисмидан бошлаб то энг кўп даромад оладиган қисмигача бўлган кетма-кетликда жойлаштирилади. Агар аҳолининг барча қисмлари оладиган даромад бир хил бўлса, яъни даромад текис тақсимланган бўлса, у ҳолда 20 фоиз аҳолига 20 фоиз даромад тўғри келади, 40 фоиз аҳолига 40 фоиз даромад тўғри келади ва ҳоказо.

Графикдаги OF чизиғи даромадларни абсолют текис (тенг) тақсимланганлигини ифодалайди. OEF чизиғи эса абсолют нотекис тақсимланганлигини ифодалайди. Лоренц эгри чизиғи OABCDF даромадларини реал, ҳақиқий тақсимланишини ифодалайди.

Амалда аҳолининг энг кам таъминланган қисмига даромадни 5-6 фоизи тўғри келса, энг бой аҳоли қисмига 40-45 фоизи тўғри келади.




17-расм. Лоренц эгри чизиғи

Шунинг учун ҳам Лоренц эгри чизиғи даромадларни абсолют текис ва нотекис тақсимланишини ифодаловчи чизиқлар ўртасида жойлашган. Даромадлар тақсимланиши қанча нотекис бўлса, Лоренц эгри чизиғи шунча E нуқтага томон ботиқ бўлади. Даромадлар тақсимланиши қанча текис бўлса, Лоренц эгри чизиғи тўғриланиб OF чизиғига шунча яқинлашади.

Даромаднинг нотекис тақсимланиши даражасини кўрсатувчи Джин коэффициентини Дж деб белгиласак, у OABCDF юзани OEF учбурчак юзасига нисбати билан аниқланади:

$$Дж = \frac{S_{ABCDF}}{S_{OFE}}.$$

Бу ерда биз номинал даромадни тақсимланишини ифодаладик. Номинал даромадга аҳоли томонидан пул шаклида олинган барча даромадлар киради: иш ҳақи, дивидендлар, фоизлар, барча трансферт тўловлари (қайтариб олинмайдиган пул тўловлари). Лекин, бу ерда аҳолини ўз томорқасидан оладиган даромади, уйидаги чорва молларидан тушадиган даромад, давлат томонидан таълимга, медицина хизматига сарфланадиган маблағлар, хайрия, эҳсонлар ҳисобга олинмаган.




18-расм. Даромадларнинг қайта тақсимланиши натижасида Лоренц эгри чизиғининг силжиши

Барча ривожланган мамлакатлар даромадларни қайта тақсимлаш сиёсати давлат томонидан амалга оширилади. Прогрессив, яъни ўсиб борувчи солиқ тизимига кўра, аҳолининг бой қисмидан юқорироқ фоизда солиқ олинса, аҳолининг кам даромадли қисмидан камроқ фоизда солиқ олинади. Солиқ тўловларидан тушган даромаднинг бир қисми кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланади. Деярли барча давлатларда аҳолини ижтимоий суғурталаш ва кам таъминланган аҳолига ёрдам бериш дастурлари мавжуд. Ижтимоий суғурталаш дастурига кўра нафақахўрлар, аҳолининг ишга яроқсиз бўлган қисми, боқувчисини йўқотган оила, ноғиронлар ижтимоий суғурталанади. Давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастури бўйича кўп болали оилаларга ёрдам берилади, озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилади ва бошқа ҳар хил имтиёзлар белгиланади.

Давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаш сиёсати натижасида Лоренц эгри чизиғи тўғриланиб OF чизиғи томон силжийди, яъни Лоренц эгри чизиғи OABCDF ҳолатдан $OA' B' C' D' F$ ҳолатга силжийди (18-расм).

Даромадларни қайта тақсмлаш сиёсати истиқболда ўзини самарасини беради. Нима учун деганда, кам таъминланган аҳоли ўқиш, билим олиш имкониятига эга бўлади ва улар келажакда жамият тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бозор муносабатларига асосланган жамият ўз аъзоларига кенг ва шу билан бирга тенг имкониятлар яратади, лекин бу имкониятдан фойдаланиш ҳар бир шахснинг ўзига боғлиқ.

**Мисол**. 20 фоиз аҳолининг кам таъминланган қисми жамиятдаги умумий даромаднинг 10 фоизини олади, аҳолининг энг яхши таъминланган 20 фоиз қисми эса жамиятдаги даромаднинг 40 фоизини олади. Берилган маълумотларга кўра даромадни нотекис тақсимланиш даражасини ифодаловчи Джин коэффициенти топилсин.

**Ечиш**. Берилган маълумотларга кўра Лоренц эгри чизиғини чизамиз (19-расм).

Джин коэффициенти қуйидагича топилади:

$$\text{Дж} = \frac{S_{OACDF}}{S_{OFE}},$$

бу ерда $S_{OBF} = S_{OFE} - S_{OABFE}$ [1],

$$S_{OABF} = 0{,}5 \cdot (10 \cdot 20) + 0{,}5 \cdot (10+60) \cdot 60 + 0{,}5 \cdot (100+60) \cdot 20$$
$$= 100+2100+1600=3800$$

Маълумки,
$S_{OABFE}$ юзи = OBN учбурчак юзи + $S_{NABM}$ трапеция юзи + $S_{MBFE}$ трапеция юзи.
OAN учбурчак юзини топамиз:

$$S_{OFE} = 100 \cdot 100 \cdot 0.5 = 5000.$$

Джин коэффициентиини ҳисоблаймиз

$$\text{Дж} = \frac{5000 - 3800}{500} = 24.$$






19-расм. Лоренц эгри чизиғи

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, Джин коэффициенти аҳолининг йирик гуруҳлари (кам таъминланган 20 фоизи, ўртача таъминланган 60 фоиз ва яхши таъминланган 20 %) ичидаги нотекисликни ҳисобга олмайди.

Қуйидаги мисолни ечиш тавсия этилади.

**Мисол.** 50 фоиз аҳолининг ўртача таъминланган қисми жамият даромадининг 50 фоизини олади. 20 фоиз энг кам таъминланган қисми 5 фоиз даромадни олади.

Берилган маълумотларга кўра Лоренц эгри чизиғи чизилсин ва Джин коэффиценти аниқлансин.

**Назорат учун саволлар:**

1. Меҳнат бозорини тушунтириб беринг.
2. Иш ҳақининг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг.
3. Минимал иш ҳақи қандай белгиланади.
4. Рақобатлашган меҳнат бозори нима?
5. Монополия шаклидаги меҳнат бозори нима?
6. Капиталдан келадиган даромад нима? Тадбиркорлик даромади нима?

## 11- МАВЗУ: КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ВА КАПИТАЛ БОЗОРИ

**Дарс мақсади:** Капитал қўйилмалар ва капитал бозори мавзусининг моҳиятини талабларга тушунтириш.

**Таянч сўз ва иборалар:** Асосий ва айланма капитал, ссуда фоизи, инвестиция, инвестициялаш, инвестицияларни қоплаш, қийматни дисконтирлаш, облигация, ер бозори.

**Асосий саволлар:**

9. Капитал бозори.
10. Инвестиция тушунчаси. Узоқ муддатли ораликдаги инвестиция.
11. Қийматни дисконтирлаш. Заёмларнинг қийматини дисконтирлаш.

### 1. Капитал бозори

**Капитал –** бу ўзоқ муддатли ораликда ишлатиладиган ишлаб чиқариш ресурси бўлиб, унинг ёрдамида ўзоқ вақт давомида маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Капиталнинг икки хил тури мавжуд: **асосий капитал** (узоқ муддатда фойдаланиладиган ускуна, технологик линия, бино, қурилма); **айланма капитал** (ҳар бир ишлаб чиқариш циклида ўз қийматини тайёр маҳсулот қийматига ўтказадиган ишлаб чиқариш ресурслари, хом аше, материаллар, ярим фабрикатлар ва ҳоказолар).

Асосий капиталдан ўзоқ муддатда фойдаланилади ва у ўзини қайта такрор ишлаб чиқаради, яъни у ишлатилиши давомида ўз қийматини маълум қисмини маҳсулот қийматига ўтказади.

Капиталдан фойдаланиш давомида у ҳам маънавий, ҳам жисмоний эскиради. **Жисмоний эскириш** – бу капиталнинг вақт ўтиши билан ишга яроқсиз бўлиши бўлса, **маънавий эскириш** унинг унумдорлигининг камайиши, яъни янги ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарга қараганда унумдорлигининг пастлиги ёки умуман барча кўрсаткичлари бўйича (маҳсулот сифати, фойдаланишга қулайлиги) янги ускунадан орқада қолганлигидир.

Асосий капитал эгаси капитал қийматини ундан фойдаланиш вақти давомида қайта тиклайди. Масалан, ускуна 1000000 сўм бўлиб, ундан фойдаланиш муддати 10 йил бўлса, унинг қиймати 10 йил давомида тенг қийматларда маҳсулот қийматига ўтказилади деб қарайдиган бўлсак, ҳар йилги даромаддан 100000 сўмдан амортизацияга ажратиш керак бўлади (табиий инфляция шароитида).

Айланма капитал бир йил давомида ўзининг бутун қийматини маҳсулот қийматига ўтказиб қайта тикланади.

Капиталнинг қиймати ундан фойдаланиб, келажакдан қанча даромад олишга боғлиқдир. Келажакда кўпроқ даромад олиш иштиёқи кўпчиликни бугунги истеъмолининг бир қисмидан воз кечиб, уни жамғаришга ундайди. Жамғарилган маблағ пул кўринишидаги капитал сифатида бирор-бир тадбиркорга маълум муддатга қўшимча қиймат орқали қайтарилиши шарти билан берилиши мумкин. Ушбу олинган қўшимча қийматга капиталга олинган фоиз дейилади.

**Ссуда фоизи** капитал эгасига унинг капиталидан маълум муддат оралиғида фойдаланганлиги учун тўланадиган нархдир.

Капиталдан фойдаланишни таҳлил қилганда бугун сарфланган маблағни келажакда сарфланадиган маблағ билан таққослаш ёки бугун олинадиган даромад билан келажакда олинадиган даромадни таққослаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ерда вақт омилини эътиборга олиш керак бўлади. Бугунги сарфланган бир сўм бир йилдан кейин сарфланадиган бир сўмга тенг эмас. Буларни бир-бирига тенглаштириш учун, аввал уларни бир вақтга келтириш зарур бўлади. Турли хил йиллардаги ҳаражатларни ёки даромадларни бир йилга келтиришда дисконт кўпайтирувчисидан фойдаланилади.

Ҳаражат ва даромадларни бир хил бошланғич вақтга келтириш ҳисоб-китобларига **дисконтирлаш дейилади.** Бундай ҳисоб-китоблар инвестиция лойиҳаларини баҳолашда кенг қўлланилади. Инвестицияларни таҳлил қилганда йиллар давомида бўладиган ҳаражатлар билан лойиҳадан олинадиган даромадларни солиштиришга тўғри келади. Келажакда олинадиган даромаднинг нафи бугунги кунда олинадиган даромад нафидан кичик бўлади. Нима учун деганда, жорий даромадга (яъни, бугунги кундаги даромадга) келажакда фоиз бўйича қўшимча даромад олиш мумкин.

Лойиҳаларни таҳлил қилишда лойиҳа қийматини аниқлаш учун бугунги кунда қўйилган капитал маблағлар билан лойиҳа амалга оширилгандан кейин олинадиган даромадларни солиштириш зарур бўлади. Бунинг учун жорий ҳаражатни ва келажакда олинадиган даромадни ҳисоб-китоб қилиш керак

## 2. Инвестиция тушунчаси. Узоқ муддатли ораликдаги инвестиция

**Инвестиция** даромад олиш учун қўйиладиган капитал маблағ.

**Инвестициялаш** бу капитални яратиш ёки капитал захирасини тўлдириш жараёнидир. Инвестициялаш деганда, ялпи ва соф инвестициялаш тушунилади.

**Ялпи инвестициялаш** капитал захирасининг умумий ўсишидир.

**Қоплаш –** асосий капиталнинг ишдан чиққан қисмини алмаштириш.

Соф инвестиция – ялпи инвестициядан қоплаш учун сарфланадиган маблағни ажратгандан кейинги қолган қисми.

**Соф инвестиция = Ялпи инвестиция – Амортизация ажратмаси (қоплаши).**

Агар ялпи инвестиция қоплашдан юқори бўлса, **соф инвестиция мусбат бўлади** (бу ҳолда капитал кўпаяди ва ишлаб чиқариш кенгаяди). Агар ялпи инвестиция қоплашдан кичик бўлса, **соф инвестиция манфий бўлади** (мавжуд капитал камайиб боради). Ва ниҳоят, ялпи капитал қоплашга тенг бўлса, капитал ҳажми ўзгармайди (бу ҳолда капитал оддий такрор ишлаб чиқарилади).

Қисқа муддатли лойиҳаларни (қисқа муддатли инвестицияларни) таҳлил қилганда капиталнинг ички ўзини оқлаш коэффициенти r дан ва ссуда фоизи i дан фойдаланилади. Қисқа муддатли ораликдаги инвестицияларнинг (бир йиллик ораликдаги) чекли соф оқлаши уларнинг чекли ички оқлаш коэффициентидан ссуда ставкаси фоизини айириш орқали аниқланади:

$$\Delta r = r - i$$

Δr – чекли соф оқлаш;

r – чекли ички оқлаш;

i– ссуда ставкаси фоизи.

Агар r=i, бўлса инвестициядан олинадиган фойда максимал бўлади.

Фараз қилайлик, фирма мандарин сотиш билан шуғулланади, дейлик фирма сотиш қуввати турли бўлган дўконларни қўрмоқчи. Дўконларни қўриш учун сарфланадиган капитал маблағлар, сотиш учун сарфланадиган ҳаражатлар қуйидаги жадвалда келтирилган (1 -жадвал). Ссуда фоизи ставкаси 10 фоиз бўлсин.

1 – жадвал

Бир йиллик инвестиция қайтимлари

| Дўконлар сотиш қуввати (бир кунлик), кг. | Умумий инвестиция (капитал маблағ сарфи), сўм | Чекли инвестиция, сўм | Капиталга тўланадиган чекли фоиз, (MC) | Сотиш ҳаражатлари | Чекли умумий ҳаражат, сўм (MC) | Инвестициядан олинадиган чекли даромад, сўм (MR) | Чекли фойда, сўм |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1000 | 100000 | 100000 | 100000 | 5000 | 115000 | 120000 | 5000 |
| 2000 | 200000 | 100000 | 100000 | 7500 | 117500 | 120000 | 2500 |
| 3000 | 300000 | 100000 | 100000 | 10000 | 120000 | 120000 | 0 |
| 4000 | 400000 | 100000 | 100000 | 12500 | 122500 | 120000 | -2500 |
| 5000 | 500000 | 100000 | 100000 | 15000 | 125000 | 120000 | -5000 |

Бир кунда 1000 кг мандарин сотадиган дўкон қуриш учун 100000 сўм сарфланади, 2000 кг учун эса 200000 сўм сарфланади ва ҳоказо. Сотиш масштаби 1000 кг га ошганда умумий сарфланадиган капитал ҳажми 100000 сўмга ўзгаради. Фоиз ставкаси 10 фоиз бўлгани учун чекли инвестиция 100000 сўмга, тўланадиган маблағ 10000 сўмга тенг. Ҳар бир 100000 сўмлик чекли инвестициядан олинадиган чекли даромад бир хил бўлиб, у 120000 сўмга тенг. Сотиш қуввати 1000 кг бўлганда, чекли умумий ҳаражат (чекли инвестиция плюс капиталга тўланадиган чекли фоиз плюс чекли сотиш ҳаражати) 115000 сўм бўлади ва чекли

фойда 120000-115000=5000 сўмни ташкил этади. Сотиш қуввати 2000 кг бўлган дўкон учун ушбу кўрсаткичлар мос равишда 117500 ва 2500 сўмга тенг бўлади. Агар чекли ҳаражат МС чекли даромад MR га тенг бўлса (МС = MR), капиталдан олинадиган фойда максимал бўлади. Дўконларнинг бир кунлик сотиш қуввати 3000 кг бўлганда фойда максимал бўлади, яъни 5000+2500 = 7500 сўм. Ушбу ҳолат қуйидаги 1-расмда ифодаланган.




1-расм. Қисқа муддатли оралиқдаги инвестиция

Ишлаб чиқариш масштаби ошиши билан бирга чекли ҳаражат ҳам ошиб боради, шунинг учун ҳам МС чизиғи мусбат ошиб боради, шунинг учун ҳам МС чизиғи мусбат ётиқликка эга. Чекли даромад 120000 га тенг бўлганлиги учун MR чизиғи 120000 нуқтадан ўтиб абцисса ўқига параллел бўлади. МС чизиғи билан MR чизиғининг кесишган нуқтаси максимал фойдани таъминлайдиган оптимал сотиш қуввати 3000 кг га тенг эканлигини аниқлайди.

Энди чекли оқлаш нормаси коэффициенти r ни ссуда фоиз ставкаси i билан таққослаймиз (2-жадвал).

$$r = \frac{чекли.фоиз.тулови. + чекли.фойда}{чекли.инвестиция} 100\%$$

2-жадвал

Бир йиллик қўйилган инвестициянинг чекли оқлаш нормаси.

| Сотиш қуввати, кг | r – чекли оқлаш нормаси, % | Ссуда фоизи ставкаси i, | Инвестицияни чекли соф оқлаш нормаси (Δr, %) |
|---|---|---|---|
| 1000 | 15,0 | 10,0 | 5,0 |
| 2000 | 12,5 | 10,0 | 2,5 |
| 3000 | 10,0 | 10,0 | 0,0 |
| 4000 | 7,5 | 10,0 | -25 |
| 5000 | 5,0 | 10,0 | -5,0 |

Сотиш масштаби ошиши билан ўзини оқлаш нормаси 15 фоиздан 5 фоизга тушади. i = r бўганда, инвестициядан олинадиган даромад максималлашади, яъни сотиш ҳажми 3000 килограммга етади. Ушбу вазият 2-расмда келтирилган.




2-расм. Чекли оқлаш нормаси ва ссуда фоизи ставкаси динамикаси

Ссуда фоизи ставкаси ўзгармас бўлиб, 10 % га тенг бўлгани учун, унинг чизиғи абцисса ўқига параллел жойлашди. Чекли оқлаш нормаси дўконларларнинг сотиш қувватига қараб ўзгаради, яъни r сотиш масштаби билан пасайиб боради.

Чекли оқлаш нормаси чизиғи инвестицияга бўлган талаб чизиғини ифодалайди. Талаб чизиғидан кўриш мумкинки, фоиз ставкаси қанча юқори бўлса, капиталга бўлган талаб шунча кам ва аксинча, фоиз ставкаси қанча паст бўлиб, капитал маблағга бўлган талаб шунча юқори бўлади. Фойдани максималлаштирадиган сотиш ҳажми i = r бўлганда 3000 килограммга тенг бўлади.

**Ўзоқ муддатли оралиқдаги инвестиция**. Асосий капиталга қўйилган инвестициялар асосан ўзоқ муддатли бўлади. Асосий капиталнинг хизмат қилиш, яъни ундан фойдаланиш муддати мавжуд бўлиб, у чегараланган бўлади. Асосий капитал хизмат кўрсатиш муддати давомида фирма учун даромад келтиради.

Ўзоқ муддатли оралиқдаги капитал қўйилмадан олинадиган фойдани ҳисоблаш учун асосий капиталнинг хизмат кўрсатиш муддатини ва ундан фойдаланиш давомида ҳар йилда олинадиган даромадни билиш керак бўлади.

Фараз қилайлик, I – инвестицияни чекли қиймати, $R_J$ – J – хизмат кўрсатиш йилида асосий капиталдан олинадиган чекли (қўшимча) даромад. У ҳолда биринчи йил учун (J = I) капиталнинг чекли оқлаш нормасини (r) қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\mathbf{I \cdot (1+r) = R_1}$$

Демак, бугунги бир сўмлик капиталнинг қиймати йилнинг охирига келиб 1 + r сўмга тенг бўлади, агар у бир йил давомида r сўмлик фойда келтирса.

Агар чекли капитал қиймати 1000 сўм ва чекли капиталнинг бир йилдан кейин умумий фойдага қўшадиган чекли ҳиссаси 1300 сўм бўлса, чекли оқлаш нормаси қуйидагига тенг.

(2) формуладан фойдаланиб ёзамиз:

$$r = \frac{R_1 - I}{I} = \frac{1300 - 1000}{1000} \cdot 100\% = 30\%.$$

Бугунги бир сўмлик капитал қиймати йил охирида 1·(1+0,3)=1,3 сўмга тенг бўлади.

Агар ссуда фоизи ставкаси i = 10 % бўлса, соф оқлаш нормаси Δr = (r-i)=(30-10)=20% бўлади.

Агарда I = 1000 сўм ва r = 30% берилган бўлса, $R_1$ни топиш мумкин бўлади:

$$1000\cdot(1+0,3)=1300$$

Иккинчи йил учун эса

$$R_1\cdot(1+r) = R_2, \qquad (2)$$

ёки

$$R\cdot(1+r)\cdot(1+r)=R_2,$$

$$I\cdot(1+r)^2=R_2 \qquad (3)$$

Инвестициянинг йил бошидаги қиймати қуйидагича аниқланди, (1) дан фойдаланиб қуйидагини ёзамиз:

$$I = \frac{R_1}{(1+r)}. \qquad (4)$$

Иккинчи йил учун эса

$$I = \frac{R_2}{(1+r)^2}.$$

Ихтиёрий t йил учун капиталнинг йил бошидаги қиймати қуйидагича аниқланади:

$$I = \frac{R_1}{(1+r)}.$$

**Жамғарма ва вақт бўйича чекли танлаш нормаси**. Инсонлар жорий ва келажакдаги истеъмолни бир-бири билан солиштириб, жамғариш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Одатда шахс келажакда кўпроқ истеъмол қилиш учун бугунги кундаги бир сўмлик истеъмолидан воз кечади. Масалан, шахснинг бир йиллик даромади 100 минг сўм бўлсин. Агар у ушбу даромадини жорий йилда тўлиқ истеъмол қилса, унинг жамғармаси нолга тенг бўлади. Шахс ушбу даромадидан 10 минг сўмини жамғаради (10 минг сўмлик жорий истеъмолдан воз кечади), агар у келажакда 10 минг сўмдан кўпроқ истеъмол қилиш имкониятига эга бўлса, масалан 15 минг сўмлик. У ҳолда унинг вақт бўйича чекли танлаш нормаси MRTP қуйидагича аниқланади:

$$MRTP = \frac{\Delta C_1}{\Delta C_0} = \frac{15}{10} = 1,5.$$

MRTP – вақт бўйича чекли танлаш нормаси, бу шахснинг умумий турмуш даражаси ўзгармаган шароитда бир бирлик жорий истеъмолдан воз кечиш ҳисобига бўладиган келажакдаги қўшимча истеъмол қиймати бўлиб, у шу воз кечилган бирлик истеъмолни қоплаш учун етарлидир.

Вақт бўйича танлаш инвестиция қўйишга жамғарма орқали таъсир қилади. Лекин, жорий истеъмол ҳисобидан жамғармани хоҳлаганча ошириш мумкин эмас. Нега деганда, умумий даромад чекланган. Жамғарма умумий даромаддан истеъмолни айрилганига тенг.

$$S = I-C$$

бу ерда S – жамғарма; I – умумий даромад; C – истеъмол.

Маълумки фоиз ставкаси (i) қанча юқори бўлса, жамғаришга мойиллик шунча юқори бўлади ва аксинча.

### 3. Қийматни дисконтирлаш

Бир йилдан кейин бериладиган бир сўмнинг бугунги қиймати қанча бўлади? Бу саволга жавоб фоиз ставкасига боғликдир. Фараз қилайлик, фоиз стакаси і бўлсин. У ҳолда биз бир сўмни жамғарадиган бўлсак, унинг қиймати бир йилдан кейин I · (1+i) сўмга тенг бўлади (агар фоиз ставкаси I = 50 % бўлса, бугунги бир сўм бир йилдан кейин 1,5 сўмга тенг бўлади). Демак, айтишимиз мумкинки, бир йилдан кейин олинадиган бир сўмнинг бугунги қиймати $\frac{1.сум}{(1+i)}$ сўмга тенг, яъни у бир сўмдан кичик бўлади. Худди шундай икки йилдан кейин тўланадиган бир сўмнинг бугунги қиймати $\frac{1.сум}{(1+i)^2}$ га тенг бўлади. Нима учун деганда, бир сўм і фоиз ставкаси бўйича инвестицияга қўйилса, икки йилдан кейин у (1+i) ·(1+i) = $(1+i)^2$ сўмга тенг бўлади.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, жорий дисконтирлаштирилган қиймат PDV (Present Discount Value), яъни бошланғич йилга келтирилган қиймат – бу маълум муддат ўтгандан кейин тўланадиган бир сўмнинг бугунги қиймати (нархи).

Агар муддат бир йилга тенг бўлса, $PDV = \frac{1}{(1+i)}$ га тенг.

Агар муддат n йилга тенг бўлса, $PDV = \frac{1}{(1+i)^n}$ га тенг бўлади.

Қуидаги жадвалда (3-жадвал) бир долларнинг ҳар хил фоиз ставкаларидаги келтирилган қийматлари кўрсатилган.

3-жадвал

**1 долларнинг дисконтирланган (келтирилган) қиймати**

| **Фоиз** | **Йиллар** | | | |
|---|---|---|---|---|
| **ставкаси** | 1 | 5 | 10 | 20 |
| 0,01 | 0,990 | 0,951 | 0,905 | 0,820 |
| 0,05 | 0,952 | 0,784 | 0,614 | 0,377 |
| 0,10 | 0,909 | 0,621 | 0,386 | 0,162 |
| 0,15 | 0,870 | 0,497 | 0,247 | 0,061 |
| 0,20 | 0,833 | 0,402 | 0,162 | 0,026 |

Жадвалдан кўриш мумкинки, фоиз ставкаси қанча юқори бўлса, бир долларнинг жорий дисконтирланган (бошланғич йилга келтирилган) қиймати шунча кичик бўлади. Масалан, фоиз ставкаси 5 % бўлганда, 10 йилдан кейин оладиган долларнинг бугунги қиймати 61,4 центга тенг бўлади, 10 фоизлик ставкада эса ушбу кўрсаткич 38,6 центга ва 20 % бўлганда 16,2 центга тенг бўлади.

Вақт бўйича дисконтирланган (бошланғич вақтга келтирган) даромадни қараймиз. Фараз қилайлик, бизда икки хил даромад бор. Биринчисини «А» деб белгиласак, иккинчи даромадни «В» дейлик. «А» даромад 400 сўмга тенг бўлиб, унинг 200 сўми ҳозир тўланади, қолган 200 сўми бир йилдан кейин тўланади. «В» даромад 440 сўм бўлиб, унинг 40 сўми бугун тўланади, 200 сўми бир йилдан кейин, қолган 200 сўми икки йилдан кейин тўланади. Ушбу икки вариантдан қайси бири фойдалироқ ҳисобланади.? Жавоб: фоиз ставкасига боғлиқ. Ушбу даромадларни бошланғич вақтга келтирилган қийматини ҳисоблаймиз.

$$PDV(A) = 200 + \frac{200}{1+i};$$

$$\text{PDV (B)} = 40 + \frac{200}{(1+i)} + \frac{200}{(1+i)^2}$$

4-жадвал

Дисконтланган даромадлар тури

| **Даромадлар тури** | **Йиллар бўйича келтирилган даромад** | | |
|---|---|---|---|
| | **жорий йил** | **1-йил** | **2-йил** |
| A | 200 | 200 | 0 |
| B | 40 | 200 | 200 |

Қуйидаги 5-жадвалда даромадларнинг иккала тури бўйича фоизлар ставкаси 5, 10, 15, 20 % бўлгандаги келтирилган қийматлари кўрсатилган.

5 –жадвал

| **Даромад тури** | **Фоиз ставкаларида дисконтирланган даромад, (сўмда)** | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **i = 0.10** | **i = 0.10** | **i = 0.15** | **i=0.20** |
| A | 390,5 | 381,8 | 373,9 | 366,7 |
| B | 411,9 | 387,1 | 365,1 | 345,6 |

Жадвалдаги маълумотлардан кўриш мумкинки, даромадларни танлаш фоиз ставкаларига боғлиқ. Агар фоиз ставкаси 10 % га тенг ва ундан кичик бўлганда, шахс «А» даромад турига қараганда «В» даромад турини танлаш яхшироқ бўларди. Фоиз ставкаси 15 % ва ундан юқори бўлганда, (А) даромад тури (В) даромад турига нисбатан яхшироқ бўлар эди.

Бу ерда аосий сабаб, «А» даромад қиймати «В» даромадга қараганда кам бўлса ҳам, у тезроқ тўланади. Демак, **I = *f* (i) инвестицияга талаб функцияси.** Ушбу функциянинг графиги камаювчи бўлиб,




3-расм. Инвестицияга талаб функцияси графиги

инвестиция «нархи» яъни фоиз ставкаси билан инвестицияга қилинадиган ҳаражатлар ўртасидаги тескари алоқани ифодалайди (3 - расм).

Инвестицияга талаб функцияси берилган лойиҳа инвесторлар томонидан капитал маблағ қўйиши мумкин бўлган максимал фоиз ставкасини ифодалайди. Юқори фоиз ставкасида юқори фойда бериши мумкин бўлган лойиҳалар амалга оширилади. Фоиз ставкаси камайганда, капитал маблағ қўйиш масштаби кенгаяди, яъни кам фойда берадиган лойиҳалар ҳам маблағ билан таъминланади.

**Инфляциянинг таъсири**. Инфляция ёки нархларнинг умумий даражасининг ўсиши жорий ва келажакда олинадиган маблағлар нисбатини ўзгартиради. Шунинг учун ҳам инфляция дражаси лойиҳаларни баҳолашда эътиборга олиниши зарур.

Агар барча товарларга, хизматларга ва ишлаб чиқариш ресурсларига (иш ҳақига ҳам) бўлган нархларнинг даражаси ўсганда, улар ўртасидаги нисбат ўзгармаса, бундай ўзгаришга баланслашган инфляция дейилади.

Бундай ҳолда, яъни нархларнинг ўсиш суръати бир хил бўлганда лойиҳани таҳлил қилишда инфляцияни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Номинал нархлардан, номинал фоиз ставкасидан фойдаланиб даромадлар ва ҳаражатларни ҳисоблаб, уларни солиштириш мумкин. Фойда ва ҳаражатларни белгиланган (солиштирма) нархларда ҳам ҳисоблаш мумкин, лекин бундай ҳолда реал фоиз ставкасидан фойдаланиш керак бўлади.

Агар ҳар бир товар, хизмат ва ресурс ўзининг нарх ўсиш сураътига эга бўлса, инфляция баланслашмаган бўлади. Баланслашмаган инфляция лойиҳа бўйича ҳисоб-китобларни мураккаблаштириб юборади.

**Номинал фоиз ставкаси** – бу жорий пул бирликларида ифодаланган жамғармага ёки ссудага бўлган даромад нормаси.

**Реал фоиз ставкаси** – бу ўзгармас (яъни, инфляция даражасига кўра ўзгартирилган) пул бирликларида ифодаланган жамғарма ёки ссудага бўлган даромад нормаси.

Фараз қилайлик, i – номинал, E – реал фоиз ставкаси бўлсин. п – инфляция даражаси суръати, яъни

$$\pi = \frac{P_1 - P_0}{P_0},$$

бу ерда $P_0$ – жорий нарх даражаси;

$P_1$ – маълум вақт ўтгандан кейинги (бир йилдан кейинги) нарх даражаси;

Фараз қилайлик, қандайдир жорий қиймат $M_0$ берилган бўлиб, у бир йилдан кейин $M_1$ бўлсин. У ҳолда $M_1 = M_0 \cdot (1+i)$.

Пулнинг сотиб олиш кучини аниқлаймиз. Бу ерда $\frac{M_0}{P_0}$ ҳозирги сотиб олиш кучи; $\frac{M_1}{P_1}$ - келажакда сотиб олиш кучи.

У ҳолда

$$\frac{M_1}{P_1} = \frac{M_0 \cdot (1+i)}{P_0 \cdot (1+\pi)} = \frac{M_0}{P_0} \cdot (1+\varepsilon).$$

Бундан реал фоиз ставкаси $\varepsilon$ қуйидагига тенг.

$$\varepsilon \frac{\frac{M_1}{P_1} - \frac{M_0}{P_0}}{\frac{M_0}{P_0}} = \frac{1+i}{1+\pi} - 1,$$

яъни, $(1+\varepsilon) \cdot (1+\pi) = 1+i, ёки \varepsilon = \frac{i-\pi}{1+\pi}$

Инфляция даражаси (суръати) кичик бўлганда реал фоиз ставкаси қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$\varepsilon = i = \pi.$$

Умуман олганда, фирмаларнинг талаби моддий капитал неъматга (ускуна, технологик линия) эмас, балки вақтинча бўш бўлган пул маблағигадир. Ушбу пул маблағини моддий капиталга сарфлаб, улардан фойдаланиш натижасида келажакда оладиган фойданинг бир қисмини пул эгасига қайтариш керак бўлади. Шунинг учун ҳам инвестицияга талаб, бу пул жамғармасига бўлган талаб, фоиз тўлови эса қарзга олинган пулнинг нархидир.

Мисол. Номинал ставка i = 60%; $\varepsilon$ -реал ставка; $\pi$ - инфляция давражаси; $\pi$ =90%.

Формулага кўра қуйидагини ёзамиз:

$$(1+\varepsilon)\cdot(1+0{,}9) = 1+0{,}6$$

ёки реал фоиз ставкаси $\varepsilon$ = 15,8 %.

**Заёмларнинг қийматини дисконтирлаш**. Заёмлар тўлов мажбурияти бўлиб, уларнинг моҳияти шундан иборатки, заём берувчи заём олувчига (кредиторга) маълум муддат ўтиши билан маълум суммада пул тўлайди. Фараз қилайлик, давлат ёки бирор корхонанинг заёми яқин 10 йил ишлаб чиқаришда ҳар йилда 100 сўмдан даромад келтиради, 10 йил ўтгандан кейин пировард дивиденд 1000 сўм бўлсин. Ушбу заёмга заём олувчи қанча тўлашини кўриб чиқамиз. Бунинг учун даромадларнинг дисконтирланган суммасини ҳисоблаб чиқамиз.

$$PDV = \frac{100}{(1+i)} + \frac{100}{(1+i)^2} + .... + \frac{100}{(1+i)^{10}} + \frac{1000}{(1+i)^{10}}. \qquad (1)$$

Бу ерда ҳам заём қиймати фоиз ставкасига боғлиқ. Фоиз ставкаси қанча кўп бўлса, заёмнинг қиймати шунча паст бўлади. Масалан, 5 фоизли ставкада заём нархи 1386 сўмни ташкил қилса, 15 фоизда у 747 сўмга тенг бўлади.

Заёмлар муддатсиз бўлганда заём олган шахс чекланмаган муддатда ҳар йили маълум ўзгармас сумма олиб туради. 1000 сўмлик дивиденд берадиган чексиз муддатли заёмнинг нархи қуйидагига тенг:

$$PDV = \frac{100}{(1+i)} + \frac{100}{(1+i)^2} + .... + \frac{100}{(1+i)^3} + .....$$

Бундай ҳолда PDV қуйидагича ҳисобланади:

$$PDV = \frac{100}{i}.$$

Шундай қилиб, агар фоиз ставкаси 5% бўлса, муддатсиз заёмнинг қиймати $\frac{1000}{0{,}05}$ 20000. сўм бўлади. Агар фоиз ставкаси 20 % бўлса, заёмнинг қиймати 5000 сўмга тенг бўлади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Асосий ва айланма капитал нима?
2. Инвестиция ва инвестициялашни тушунтириб беринг.
3. Лойиҳа нима?
4. Инвестицияни қоплаш нима?
5. Қийматни дисконтирлаш нима?

## 12- МАВЗУ: КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

**Дарс мақсади:** Корхоналар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг моҳиятини талабаларга тушунтириб бериш.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ташқи самара, ижтимоий неъмат, ассиметрик ахборот, солиқлар, субсидия, субвенция, трансакцион ҳаражатлар, манфий самара, ижобий самара, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соф ижтимоий неъмат, соф хусусий неъмат, бозор ожизлиги.

**Асосий саволлар:**

9. Трансакцион ҳаражатлар тушунчаси.
10. Коуз теоремаси. Ижобий ва салбий ташки самарага таъсир қилиш.
11. Ижтимоий неъмат.
12. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли.

### 1. Трансакцион ҳаражатлар

**Трансакцион ёки операциялар ҳаражати** бу товарлар алмашуви соҳасидаги ҳаражатлардир. Ушбу ҳаражат Рональд Коуз томонидан 1930 йилларнинг бошларида киритилган.

Трансакцион ҳаражатлар қуйидаги беш кўринишда бўлади:

6. Ахборот қидириш ҳаражати;
7. Музокара олиб бориш ва шартнома тузиш ҳаражати;
8. Ўлчаш ҳаражатлари;
9. Мулк эгаси ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва спецификация ҳаражатлари;
10. Оппортунистик ҳаракат ҳаражатлари.

**Ахборот қидириш ҳаражати** бозордаги ахборотнинг асимметрик ҳолати билан боғлиқ. Харидорларни, сотувчиларни қидириб топиш маълум ҳаражат билан боғлиқ. Ахборотларни аниқ ва тўлиқ бўлмаслиги ортиқча ҳаражатларга олиб келади, яъни товар мувозанат нархидан юқори ёки паст нархда сотиб олинади.

**Музокара олиб бориш ва шартнома тўзиш ҳаражатлари -** шартномаларни тузиш учун кетган вақт, ресурслар, савдо-сотиқни ҳуқуқий расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаражатлар.

**Ўлчаш билан боғлиқ ҳаражатлар**, асосан ўлчаш асбоблари учун ҳамда ўлчаш учун сарфланган ҳаражатлар билан боғлиқ. Кўп ҳолларда ўлчаш жараёни қийин кечади. Масалан, товар сифатини баҳолаш, ишга қабул қилинадиган ишчининг малакасини баҳолаш.

**Мулк эгасини ҳимоя қилиш ва спецификация ҳаражатлари** кўпинча ишончли ҳуқуқий ҳимоя яхши йулга қўйилмаган жойларда вужудга келади. Бундай жойларда иқтисодий субъектлар ҳуқуқининг бузилиши кучаяди. Ҳуқуқларни жойига қўйиш учун вақт, маблағ сарфланади.

**Оппортунистик ҳаракатлари ҳаражатлари** ҳам ахборотнинг асимметриклиги билан боғлиқ. Оппортунистик ҳаражат деб, шерик ҳисобидан фойда олиш мақсадида шартномада кўрсатилган шартлари бажаришдан воз кечадиган шахслар ҳаракатига айтилади.

Шундай қилиб, трансакцион ҳаражатлар товарлар алмашиши жараёнигача, алмашиши жараёнида ва алмашишдан кейинги даврда вужудга келади.

### 2. Коуз теоремаси. Ижобий ва салбий ташки самарага таъсир қилиш.

**Ташқи самаралар ёки экстерналилар (externalites)** – бозордаги олди-сотдидан олинадиган, лекин нархда ўз ифодасини топмаган ҳаражат ёки фойда. Улар муайян операцияда қатнашадиган бозор субъектлари билан бир қаторда учинчи томон билан боғлиқ бўлгани учун ҳам «ташқи» деб қабул қилинади. Ушбу ҳаражатлар ёки ютуқлар (фойда) товарлар ва хизматларни ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам истеъмол қилишда вужудга келади.

Ташқи самара мусбат (ижобий) ва манфий (салбий) самараларга бўлинади. **Манфий самара** ҳаражатлар билан боғлиқ бўлса, **мусбат самара** учунчи томоннинг ютуғи билан боғлиқдир. Шундай қилиб, ташқи самара ижтимоий ҳаражатлар (ютуқлар) ва хусусий хражатлар (ютуқлар) ўртасидаги фарқни кўрсатади.

$$\mathbf{MSC = MPC + MEC,}$$

бу ерда MSC – ижтимоий чекли ҳаражат;

MPC – хусусий чекли ҳаражат;

MEC – тушқи чекли ҳаражат (Marginal External Cost).

Агар бир иқтисодий субъектнинг фаолияти бошқа иқтисодий субъектлар фаолиятида ҳаражатларга олиб келса, салбий ташқи самара вужудга келади. Масалан, химия заводи фойдаланилган сувни етарли даражада тозаламасдан дарёга оқизмоқда, дейлик. Чиқинди сув ҳажми завод ишлаб чиқаришига пропорционал бўлса, завод қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарса, у атроф муҳитни шунча кўп ифлослантиради. Химия заводи махсус сув тозалаш иншооти қурмаганлиги учун, чиқинди сув тўлиқ тозаланмайди, демак заводнинг хусусий чекли ҳаражати ижтимоий чекли ҳаражатидан паст бўлади, нима учун деганда унинг ҳаражати сувни тозалаш билан боғлиқ ҳаражатдан холи. Завод ҳаражатларни тежаш асосида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми самарали ҳажмдан кўп бўлади. (1-расм).




1- расм. Манфий (салбий) ташқи самара

Сувни тозалашга ҳаражат қилмаганда заводнинг ишлаб чиқариш ҳажми $Q_1$ га, унинг нархи $P_1$ га тенг ва $E_1$ нуқтада бозор мувозанти ўрнатилади. $E_1$ нуқтада кесишадиган талаб чизиғи чекли ижтимоий ютуқ MSBни ифлосланса, таклиф чизиғи хусусий чекли ҳаражат MPC ни ифодалайди. $E_1$ нуқтада бозор мувозанати ўрнатилганда чекли хусусий ҳаражат чекли ижтимоий ютуққа тенг бўлади:

**MPC = MSB**

Лекин, чекли ижтимоий ҳаражат чекли хусусий ҳаражат билан чекли ташқи ҳаражат йиғиндисига тенг:

**MSC = MPC + MEC,**

Агар ташқи ҳаражат заводининг ички ҳаражатига айлантирилса, самарали ишлаб чиқариш ҳажми $Q_1$ дан $Q_2$ га қисқарган бўлади. Маҳсулот нархи $P_1$ дан $P_2$ га кўтарилади ва $E_2$ нуқтада чекли ижтимоий ютуқ чекли ижтимоий ҳаражат билан тенглашарди, яъни

**MSB = MSC**

Шуни эътиборига олиш керакки, $E_2$ нуқтада ташқи муҳитни ифлослантиришнинг оқибатлари тўлиқ йўқотилмайди, нима учун деганда, химия завод $Q_2$ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттиради ва шу ишлаб чиқариш ҳажмига пропорционал чиқинди ҳам атроф-муҳитга чиқаради. Лекин, атроф-муҳитни ифлослантиришдан бўладиган зарар анча камаяди. 1-расмдаги $E_1$ $E_2$ E учбурчакнинг юзи хусусий чекли ҳаражатни ижтимоий чекли ҳаражатдан паст бўлиши билан боғлиқ бўлгандаги йўқотилган самарани кўрсатади.

Шундай қилиб, салбий ташқи самара мавжуд бўлганда иқтисодий неъмат самарали ҳажмдан кўпроқ ҳажмда сотилади ва сотиб олинади, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматлар керагидан ортиқча ишлаб чиқарилади.

Мусбат (ижобий) ташқи самара бирор иқтисодий субъектнинг фаолияти бошқа субъектларга ютуқ келтирганда вужудга келади.

**MSB = MPB + MEB**

Бу ерда MSB – ижтимоий чекли ютуқ
MPB – хусусий чекли ютуқ
MEB – ташқи чекли ютуқ

Ижобий ташқи самарага маорифни ва илмий изланишларни келтириш мумкин. Маориф яхши йулга қўйилса, бундан жамиятнинг ҳар бир аъзоси ютади. Худди шундай илмий изланишлардаги кашфиётлардан ҳам жамият ва унинг аъзолари ютади. Ҳар бир шахс таълим олаётганда ўзи оладиган ютуқни уйлаши мумкин, лекин, бундан жамият қандай ютуқ олиш мумкинлигини ўйламайди, яъни ўзи оладиган ютуқни ҳисобга олади, холос. Шахс таълим олишга қарор қилишидан олдин таълимга кетадиган ҳаражат билан таълимдан оладиган ютуқни бир-бири билан таққослаб кўради. Инсон капиталига қилинган инвестициялар жамият учун оптимал бўлган миқдордан паст бўлади (2-расм).

Бозор мувозанати $У_1$ хусусий чекли ютуқ билан ижтимоий чекли ҳаражат чизиқлари кесишган нуқтада ўрнатилади.

**MPB = MSC**

Яъни тенгликда жамият оладиган чекли ютуқ ҳисобга олинмаган. Умуман олганда ижтимоий чекли ютуқ хусусий чекли ютуқдан ташқи чекли ютуқ миқдорига катта.

Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш ҳажмини умумий чекли ютуқ, яъни ижтимоий чекли ютуқ ижтимоий чекли ҳаражатга тенг бўлганга қадар ошириш мумкин. Демак, жамият учун самарали бўлган мувозанат, ижтимоий чекли ютуқ чизиғи билан ижтимоий чекли ҳаражат чизиғи кесишган $E_2$ нуқтада эришилиши мумкин. Натижада, самарадорлик $FE_2E_1$ учбурчак юзига тенг миқдорга ошади.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, ижобий ташқи самара бўлганда иқтисодий неъматлар самарали ҳажмдан кам миқдорда сотилади ва сотиб олинади, яъни ижобий ташқи самарали товарлар ва хизматлар камроқ ишлаб чиқилади.




2 – расм. Ижобий ташқи самара

**Ижобий ва салбий ташки самарага таъсир қилиш.** Салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматларни кўп ишлаб чиқарилишини камайтириш ва ижобий ташқи самарали товарлар ва хизматларни оптимал ҳажмгача ошириш учун ташқи самараларни ички самарага айлантириш (трансформация қилиш) керак.

Ташқи самараларни ички самарага айлантириш учун хусусий чекли ҳаражататларни (ва мос ҳолда чекли ютуқни) ижтимоий чекли ҳаражатларга (чекли ютуқларга) яқинлаштириш лозим.

Ушбу муаммони ечиш учун солиқлардан ва субсидиялардан фойдаланиш А.С. Пигу томонидан таклиф қилинган.

**Тартиблаштирадиган солиқ** – бу салбий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган ва хусусий чекли ҳаражатни ижтимоий чекли ҳаражатгача кўтарадиган солиқ.

Демак, юқоридаги мисолда солиқ Т ташқи чекли ҳаражатга тенг бўлса, яъни Т МЕС бўлса, бозор мувозанатини самарали мувозанатга яқинлаштиради:

$$MCB = MSC$$

**Тартиблаштирувчи субсидия** – бу ижобий ташқи самарага эга бўлган иқтисодий неъматларни ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмол қилувчиларга бериладиган субсидия бўлиб, у хусусий чекли ютуқни ижтимоий чекли ютуққа яқинлаштиради.

Агар ташқи чекли ютуқга тенг бўлган субсидия (S= МЕВ) талабаларга ёки илмий ходимларга берилганда эди, у талабаларнинг таълим хизматига талабини ва илмий изланувчиларни илмий изланишга талабини ва илмий изланувчиларни илмий изланишга талабини MCB = MSC тенгликни таъминлайдиган даражагача оширган бўлар эди. Лекин, тартиблаштирувчи солиқлар ва субсидиялар ташқи самара билан боғлиқ муаммоларни тўлиқ ечишга ёрдам беролмайди, нима учун деганда, амалиётда чекли ютуқ ва чекли ҳаражатларни аниқ ҳисоблаш жуда қийин бўлса, иккинчидан, улар етказадиган зарар миқдорини ҳам ҳисоблашда жуда катта қийинчиликлар мавжуд.

Ташқи самара муаммосини ечишнинг янги йули Р. Коузнинг фикрича, ушбу муаммо томонлар учун умумий муаммо бўлиб, унинг ечилиши иккала томоннинг биргаликда маъсулиятли ҳаракат қилиш билан боқлиқ. Бу ерда эътибор икки томондан қайси бири

кўпроқ, қайси бири камроқ йўқотишга берилмасдан, иккала томондан мумкин бўлган жиддий йўқотишни олдини олишга берилиши лозимлиги кўрсатилган.

А.С.Пигу томонидан таклиф қилинган ечимда альтернатив ҳаражатлар принципидан фойдаланилмаган ва ҳуқуқий омилга эътибор берилмаган.

Коузнинг ижтимоий ҳаражатлар билан боғлиқ ишларини умумлаштириб уни Дж. Стиглер деган олим «Коуз теоремаси» деб атади. Коуз теоремасига кўра, агар барча томонларнинг мулкий ҳуқуқлари яхши аниқланган бўлса, трансакцион ҳаражатлар нолга тенг бўлса, пировард натижа (ишлаб чиқариш қийматини максималлаштирувчи) мулкчилик ҳуқуқини тақсимлашдаги ўзгаришларга боғлиқ эмас (агар даромад самараси эътиборга олинмаганда). Теоремадаги асосий мазмун Дж. Стиглер фикрига кўра қуйидагича «Мукаммалашган рақобат бозорда хусусий ва ижтимоий ҳаражатлар бир-бирига тенг».

Коуз ташқи самара билан боғлиқ йўқотишларни ҳисобга олиш масъулиятини ўз ичига олувчи нарх белгилаш тизими билан ушбу маъсулиятни эътиборга олмайдиган нарх белгилаш тизимини бир-бири билан таққослаб, қуйидаги фикрга келади, яъни, агар қатнашувчилар ташқи самара муаммосини ҳаражатларсиз биргаликда келишиб олса (келишиш билан боғлиқ трансакцион ҳаражатлар нолга тенг бўлса), у ҳолда рақобатлашган бозор шароитида ишлаб чиқариш қийматини максималлаштирадиган мумкин бўлган максимал натижага эришиш мумкин.

Коуз қуйидаги мисолни келтиради. Бир-бири билан қўшни буғдой етиштирувчи ва қорамолларни боқувчи фермерлар жойлашган. Мол боқувчи фермер вақти-вақти билан молларни қўшни фермер ерларига қўйиб юбориб, унинг буғдойларини пайҳон қилиб туради. Кўриниб турибдики, бу ерда ташқи самара (экстернал самара) мавжуд. Коуз кўрсатганки, бу муаммо давлатнинг аралашувисиз иккала фермернинг келишуви асосида ечилиши мумкин.

Агар мол боқувчи иккинчи фермерга келтирган зарари учун масъулиятини ҳис қилса, у икки вариантда йул тутиши мумкин: ё мол боқувчи етказган зарарини қоплайди, ёки у ушбу ерни фермердан ижарага олади. Пировард натижа иккала ҳолда ҳам бир хил бўлиб, ишлаб чиқариш қийматини максималлаштиришга олиб келади. Агар етказилган зарар учун масъулият сезилмаса ташқи аралашув вужудга келади.

Трансакцион ҳаражатлар нол бўлганда фермерларда ўзаро келишиш учун иқтисодий рағбатлантириш мавжуд бўлади, нима учун деганда, иккала томон ҳам ўз даромадларининг ўсишидан манфаатдор ва ишлаб чиқариш қийматини максималлаштиришга интилади. Лекин, транакцион ҳаражатлар ҳисобга олинса, юқоридагидай самарали натижага эришмаслиги мумкин. Бу ерда трансакцион ҳаражатлар, яъни ахборот олишни қимматлиги, суд иши ҳаражатлари, келишув ҳаражатлари, келишув билан боғлиқ ютуқдан ошиб кетиш мумкин. Бунга яраша етказилган зарарни ҳисоблашда ҳам қийинчиликлар туғилади (биттаси етказилган зарарни бошқа томонга қараганда катта баҳолаши мумкин). Ушбу фарқларни ҳисобга олиб, Коуз теоремасига даромад самараси деган сўз киритилган. Битта томон етказилган зарарни иккинчи томонга нисбатан юқори баҳоласа келишиш қийин.

Эксперимантал изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, Коуз теоремаси келишиладиган томонлар чекланган иккита ва учта бўлгандагина ўринли. Томонлар сони ошган сари трансакцион ҳаражатлар ошиб боради ва ушбу ҳаражатларни нолга тенглиги тўғрисида фараз ўз кучини йўқотади.

Коуз теоремаси амалий иқтисодий ҳаётда муҳим роль ўйнамоқда, ундан атроф-муҳитни ифлослантиришга қарши давлат сиёсатини ва стратегиясини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилмоқда.

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати.** Ушбу сиёсат ёрдамида назорат қилишдан олинадиган ижтимоий чекли ютуқ назоратни амалга тадбиқ этиш учун сарфланадиган ижтимоий чекли ҳаражат билан баланслаштирилади.

Ижтимоий чекли ютуқ MSB назоратни амалга тадбиқ этиш учун сарфланадиган ижтимоий чекли ҳаражат билан баланслаштирилади. Ижтимоий чекли ютуқ MSB чизиғи билан ижтимоий чекли ҳаражат MSC чизиғи кесишган нуқта зарарли чиқиндиларни чиқаришнинг жамият учун самарали бўлган даражасини аниқлашга ёрдам беради (3- расм).

MSC чизиғи атроф-муҳитни ифлослантирадиган чиқиндиларнинг фоиз бўйича камайиб бориши натижасида ижтимоий чекли ҳаражатларни ошиб боришини ифодалайди. Шунинг учун ҳам чиқиндиларни ҳар бир қўшимча фоиз камайтирилиши янада кўпроқ ҳаражат билан боғлиқ. Зарарли чиқиндиларни атроф-муҳитга чиқарилишини камайтиришнинг учта варианти мавжуд: зарарли чиқиндиларни атроф-муҳитга чиқарилишда норма ва стандартларни ўрнатилиши; чиқиндилар учун тўлов ўрнатиш, чиқиндиларни вақтинча чиқариш учун рухсатнома сотиш.

**Чиқиндиларга норма ва стандартлар ўрнатиш.**

3 – расм. Чиқиндиларнинг оптимал даражасини аниқлаш

Бу ерда саноат чиқиндилари таркибидаги зарарли моддалар концентрациясига қўйиладиган миқдорий чек қонун томонидан ўрнатилади. Бундай стандартлар барча ривожланган давлатларда ўрнатилган.

Масалан, автомобилларнинг бензинни ёқиши натижасида чиқадиган газда карбонат ангидрид газининг миқдори чекланган. Чиқинди газ таркибида ушбу модданинг нормадан юқори даражада бўлса, автомобил эгасига жарима солинади.

Стандартларни ўрнатишдан амалиётда фойдаланишнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам мавжуд. Биринчидан, чиқиндиларни маълум нормагача бепул чиқариш мумкинлиги; иккинчидан, барча иқтисодий субъектлар учун бир хил стандартни белгилашни регионларда экологик ҳолатнинг ҳар хил даражада долзарблигини эътиборга олмайди; учинчидан, стандартлар ишлаб чиқарувчиларни зарарли чиқиндиларни камайтиришга ундамайди.

**Зарарли чиқиндилар учун тўлов**. Бу усулга кўра атроф-муҳитга чиқарадиган ҳар бирлик зарарли чиқиндиси учун фирмирларга тўлов белгиланади. Ушбу усул, тажриба кўрсатаяптики, атроф-муҳитга чиқариладиган умумий чиқинди ҳажмини камайтиришга олиб келади. Лекин, бу тизимни аниқ ишлашни тўлиқ кафолатлаш қийин.

**Табиий муҳитни зараралаш ҳуқуқини сотиш**. Давлат маълум соҳа бўйича зарарли чиқиндилар чиқаришнинг мумкин бўлган ҳажмини аниқлаб, уни рухсатнома (лицензия) шаклида аукцион орқали сотади.

Фараз қилайлик, давлат чиқиндиларни 2000 кг дан 1000 кг гача тушурмоқчи. Бу ҳолда давлат бир қилограммдан чиқинди чиқаришга рухсат берадиган 1000 та рухсатнома сотади (4 - расм). Рухсатнома таклифи эластик бўлмаганлиги учун мувозанат ҳолат $E_1$ нуқтада ўрнатилади.




4– расм. Атроф-муҳитни ифлослашга ҳуқуқни сотилиши

$E_1$ нуқтада бир қилограмм чиқинди чиқариш рухсатномаси нархи 500 сўм. Агар атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи маҳаллий «яшиллар» ҳаракати партияси маҳаллий жойда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 100 та рухсатномани сотиб олиб уни сотувдан чиқарса, битта рухсатнома нархи кўтарилиб 600 сўмга тенг бўлади. Бу ушбу усулнинг эгилувчан эканлигини кўрсатади.

## 3. ИЖТИМОИЙ НЕЪМАТ

**Соф ижтимоий неъмат** – бу барча фуқаролар томонидан, жамоа томонидан истеъмол қилинадиган неъмат бўлиб, ушбу истеъмол алохида инсоннинг ушбу неъмат учун пул тўлаши ёки тўламаслигига боғлиқ эмас.

Соф ижтимоий маҳсулот икки хил хусусиятга эга: истеъмол қилишда танламаслик ва истеъмолдан ажратилмаслик. Шундай хусусиятга эга бўлган ижтимоий неъматга армия ва милиция хизмати киради. Истеъмолда танланмаслиги хусусияти шуни билдирадики, соф ижтимоий неъматни бир киши томонидан истеъмол қилиниши бошқа бир кишининг ушбу неъмат истеъмолини камайтирмайди. Бундай неъматлар рақобатдан ҳоли, нима учун деганда, қўшимча истеъмолнинг чекли ҳаражати нолга тенг.

Истеъмолдан ажратилмаслик хусусияти шундан иборатки, ҳеч бир кишига истеъмол қилиш (ҳатто у ушбу истеъмол учун тўлашдан воз кечса ҳам) ман қилинмайди.

**Соф хусусий неъмат** – бу шундай неъматки, унинг ҳар бирлиги маълум тўловга сотилади. Соф ижтимоий неъматнинг соф хусусий неъматдан асосий фарқи – у бўлакларга бўлинмайди ва бўлакларга бўлиниб ҳам сотилмайди. Соф ижтимоий маҳсулотнинг бўлакларига нарх белгилаш ҳам мумкин эмас. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талабни аниқлаш ҳам ўзига хосдир. Соф ижтимоий маҳсулотнинг бўлакларига нарх белгилаш ҳам мумкин эмас. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талабни аниқлаш ҳам ўзига хосдир. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган талаб чизиғи жами маҳсулотнинг чекли нафлилигини ифодалайди (5 - расм).






5 – расм. Соф ижтимоий маҳсулотга талаб

Истеъмолчилар сони қанча бўлишидан қатъий назар, улар барча соф ижтимоий неъматни истеъмол қилади. Лекин, ҳар бир шахс соф ижтимоий неъматни истеъмол қилишдан ҳар хил наф олади. Соф ижтимоий маҳсулотга бўлган умумий талаб шахслар оладиган чекли ютуқларни (мавжуд ҳажмдан оладиган) вертикал бўйича қўшиш орқали аниқланади (5-расм).

Соф хусусий неъматга бўлган умумий талаб шахсларнинг талаб чизиқларини горизонтал бўйича қўшиш орқали аниқланади (6-расм).

Соф ижтимоий маҳсулотни жамоа бўлиб истеъмол қилади, лекин биз юқорида айтганимиздай ҳар бир шахс бундай истеъмолдан ҳар хил наф кўради. Б шахс А шахсга нисбатан кўпроқ наф кўради, С шахс Б шахсга кўра кўп наф олади. Амалда ҳар бир шахснинг қанча наф олганлигини ҳисоблаш қийин. Бундай ахборотни олиш ҳам мураккаб.

Агар истеъмол қилинган соф ижтимоий неъматга ҳар бир шахс ўзи олган чекли ютуғига кўра пул тўлаганда эди, олинган наф тўғрисидаги ахборотни яширишга ундайдиган кучли рағбатлантириш пайдо бўлар эди, ҳамда олинадиган нафни даражасини кўпчилик пасайтиришга ҳаракат қилар эди.




6 – расм. Соф хусусий неъматга бўлган умумий талаб

Ҳақиқатда эса, истеъмолчилар истеъмол қилинган соф ижтимоий маҳсулот учун пул тўлайдими, йўқми ундан наф олганлиги учун айрим ҳолларда ортиқча тўловларсиз, бепул ушбу неъматларни олишга ҳаракат қилади. Ушбу вазият билетсиз муаммосини, яъни «қуён» муаммоси номини олди. Бу ерда иқтисодий субъектлар бозор механизми ишламайдиган жойларидан фойдаланиб, бошқалар ҳисобидан кўпроқ ютуққа эришишга ҳаракат қилиши назарда тутилади. Билетсиз юрувчи муаммоси кўпроқ катта истеъмолчи жамоа гуруҳларида юзага келади, нима учун деганда, бундай гуруҳларда керакли, тўлиқ ахборотни олиш қийин. Билетсизлар муаммосини мавжудлиги соф ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини унинг самарали ҳажмидан кам бўлишига олиб келади. Бозор механизми бу муаммони ечишга ожиз. Ушбу хатони тузатишда давлатнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

### 4. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли

**Бозор ожизлиги** – бу шундай ҳодисаки, бунда бозор ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлай олмайди.

Бозор ожизлигини кўрсатувчи тўртта турдаги вазият мавжуд ва бу вазиятлар самарасиз вазият ҳисобланади:

5. Монополия.
6. Асимметрик ахборот.
7. Ташқи самара.
8. Ижтимоий неъмат.

Ушбу вазиятларда бозорга давлатнинг аралашуви мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Бу муаммоларни давлат монополияга қарши сиёсат юритиш, ижтимоий суғурталаш, салбий ташқи самарага эга бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни чеклаш ва ижобий ташқи самарага эга бўлган ишлаб чиқариш ва истеъмолни рағбатлантириш орқали ечишга ҳаракат қилиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда давлатнинг иқтисодий функциялари кенгайиб бормоқда. Буларга қуйидагилар киради: инфратузилмани ривожлантириш; маорифни ривожлантириш; ишсизлик бўйича нафақа ажратиш, кам таъминланган оиалаларга моддий ёрдам бериш ва ҳоказолар. Булардан бир қисминигина соф ижтимоий неъматга киритиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги жамоа ва шахслар томонидан истеъмол қилинади.

Ҳозирги вақтда жами ялпи маҳсулот таркибида давлатнинг ҳаражатлари улуши барча ривожланган давлатларда ошиб бориш тенденциясига эга. Юқоридагилардан қарши сиёсат олиб бормоқда, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга эътибор бермоқда, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни мувофиқлаштириш, илмий-техник тадқиқотларни қўллаб-қувватламоқда.

Давлат иқтисодиётда асосан иккита масалани ечишга ҳаракат қилиб келмоқда: бозорни нормал ишлашини таъминлаш ва долзарб бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш.

Шуни ҳам айтиш керакки, давлатнинг бозор механизмига асосланган иқтисодиётга аралашуви ўзининг чегарасига эга бўлиши керак. Биринчи навбатда, давлатнинг бозор механизмига аралашуви бозор механизмини бузилишига олиб келмаслиги керак. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кўпроқ бозор механизмини кучайтиришга олиб келиши мақсадга мувофиқ.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Трансакцион ҳаражатлар ва уларнинг таркибига қандай ҳаражатлар киради?
2. Ташқи самарага ҳаётдан аниқ бир мисол келтириб, изоҳлаб беринг.
3. Давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати нималардан иборат?
4. Соф ижтимоий неъмат ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?
5. Соф хусусий неъматнинг соф ижтимоий неъматдан фарқи нималардан иборат?
6. Давлат бозорни тартибга солиш учун қандай ҳолларда у бозор фаолиятига аралашади?

7. Ўзбектистонда иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг роли нималардан иборат?

## 13 МАВЗУ. ДАВЛАТНИНГ БОЗОРГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА РАҚОБАТЛАШГАН БОЗОР САМАРАДОРЛИГИ

### 1. Истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ортикчалиги

Товарга нарх бозор томонидан ўрнатиладиган рақобатлашган бозорда товарни ишлаб чиқарувчилар бозор нархида (мувозанат нархида) сотади, шу бозор нархида истеъмолчилар товарни сотиб олади.

Лекин, айрим истеъмолчилар учун товарнинг қиймати унинг бозор нархидан кўра юқорироқ. Шунинг учун хам у товарни бозор нархидан юқорирок нархда хам сотиб олиши мумкин.

**Истеъмолчи ортикчалиги** - истеъмолчи томонидан товарга тўлаши мумкин бўлган максимал нарх билан товарнинг хакикий нархи ўртасидаги фаркни билдиради. Аниқрок қилиб айтадиган бўлсак, истеъмолчининг товар учун бериши мумкин бўлган максимал нархдан товарни сотиб олишда тўланадиган хакикий нархнинг айирмасига тенг.

Истеъмолчи ортикчалиги (қўшимча наф) алохида инсоннинг қанчалик ўртача яхши яшаётганлигини кўрсатади.

Истеъмолчининг умумий ортикчалиги бу талаб чизиғи билан бозор нархи чизиғи ўртасида жойлашган соха (1-расмда штрихланган соха).




1-расм. Истеъмолчи ортикчалиги.

Истеъмолчи ортикчалиги барча истеъмолчиларнинг умумий соф нафини ўлчашга ёрдам беради ва бунда биз бозорни давлат томонидан мувофиқлаштирилиши самарадорлигини, истеъмолчи ортикчалигини умумий натижасининг ўзгаришини ўлчаш асосида аниқлашимиз мумкин.

Мисол. Фараз қилайлик бир дона апельсиннинг бозор нархи 5 сўм дейлик, лекин истеъмолчи ушбу бир дона апельсин учун 10 сўм беришга тайёр, яъни апельсиннинг истеъмолчи учун қиймати 10 сўмга тенг.

Истеъмолчи ушбу бир дона апельсинни бозор нархида, яъни 5 сўмга олади ва у иқтисод қилган 10-5=5 сум истеъмолчи ортикчалигини билдиради, истеъмолчи қўшимча 5 сумлик наф олади (2-расм).

Истеъмолчи иккинчи апелсинни хам сотиб олади, нима учун деганда, у иккинчи апельсин учун бериши мумкин бўлган максимал нарх 9 сум, истеъмолчи ортикчалиги 4 сумга тенг. Худди шундай давом этсак 4-апельсин учун истеъмолчи ортикчалиги 1 сумга

тенг, бешинчи апельсинни сотиб олишга истеъмолчи бефарк карайди, нима учун деганда у истеъмолчининг умумий ортикчалигини оширмайди.




2-расм. Умумий истеъмолчи ортикчалигини графикда аниқлаш.

Шундай қилиб, истеъмолчининг истеъмолчи орикчалиги 5+4+3+2+1=15 сумга тенг. Истеъмолчининг сарфи 25 га тенг.

**Ишлаб чиқарувчи ортикчалиги** ишлаб чиқарувчи томонидан олинган умумий манфаатни билдиради.

Бир хил ишлаб чиқарувчилар учун бир бирлик маҳсулот ҳаражатлари бозор нархига тенг бўлса, бошқа ишлаб чиқарувчи учун ушбу ҳаражатлар бозор нархидан кичикдир. Демак, ишлаб чиқарувчилар ушбу товарни сотишдан фойда, яъни ортикча манфаат оладилар. Хар бир товар учун ушбу ортикча манфаат товарнинг бозор нархи билан уни ишлаб чиқаришдаги чекли ҳаражати ўртасидаги фаркга тенг булиб, уни ишлаб чиқарувчи олади.

Бу фарк бир бирлик маҳсулотдан оладиган фойда билан ишлаб чиқаришдаги хар қандай рентани кўшилганига тенг.

Умуман ишлаб чиқарувчи ортикчалиги бу барча ишлаб чиқарувчилар томонидан олинадиган фойдаларнинг умумий йиғиндисидир.

Бозор учун умумий ишлаб чиқарувчи ортикчалиги таклиф чизиғидан тортиб то бозор нархи чизиғигача бўлган ораликдаги юзага тенг (3-расм).




3-расм. Ишлаб чиқарувчи ортикчалигининг графикдаги тасвири.

Расмдаги штирхланган учбурчак истеъмолчи ортикчалигини ифодалайди. Истеъмолчи ортикчалиги ишлаб чиқарувчиларнинг умумий соф фойдасини ўлчашга ёрдам беришини эътиборга олсак, биз бу кусаткич ёрдамида давлатнинг бозорга аралашувидан олинадиган қўшимча фойда ёки зарарни истеъмолчи ортикчалигининг натижавий ўзгаришни улчаш ёрдамида аниқлашимиз мумкин.

## 2. Истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ортикчалигидан фойдаланиш

Истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ортикчалиги ёрдамида давлатнинг иқтисодий сиёсатини баҳолаш мумкин. Биз олдинги маърузаларнинг бирида нархларни давлат томонидан назорат қилиниши, яъни давлат томонидан ўрнатиладиган максимал ва минимал нархлар ва бу сиёсатнинг иқтисодий окибатлари тўғрисида гапирган эдик.

Фараз қилайлик, товарга давлат томонидан максимал нарх $P*$ ўрнатилди дейлик, яъни $P^* < P_e$ ($P_e$ мувозанат нарх) (4-расм).




4-расм. Нарх давлат томонидан назорат қилинганда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ортикчалигининг графикдаги тасвири.

Максимал нарх ўрнатилганда бир катор ишлаб чиқарувчилар (ҳаражатларини максимал нархда коплай олмагани учун) бозордан сиқиб чикарилади ва ишлаб чикариладиган ва сотиладиган маҳсулот хажми $Q_e$ дан $Q_1$ гача камаяди. Товарни сотиб олишни давом эттираётган истеъмолчилар товарни паст нархда сотиб оладилар ва уларнинг истеъмол ортикчалиги ошади. Ушбу ошган ортикчалик графикда кушштрихланган $A$ туртбурчак юзи билан ифодаланган. Лекин бир катор истеъмолчилар товар хажми қисқаргани учун уни сотиб ололмайдилар. Уларнинг истеъмол ортикчалигининг қисқарганлиги штрихланган $B$ учбурчак юзига тенг. Демак, истеъмолчи ортикчалигининг соф ўзгаришини қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$\Delta\text{ист.} = A - B, \qquad (1)$$

бу ерда, $\Delta$ист. - истеъмолчи ортикчалигининг соф ўзгариши.

Расмдан кўриниб турибдики, $A > B$ бўлгани учун соф истеъмолчи ортикчалиги мусбат $\Delta\text{ист.} > 0$.

Энди ишлаб чиқарувчи ортикчалигини караймиз. Бозорда қолиб ишлаб чиқаришни давом эттираётган ишлаб чиқарувчилар бозор нархидан паст нархда $Q_1$ хажмда маҳсулот ишлаб чикаради. Ишлаб чиқарувчилар графикда кўрсатилган $A$ тўртбурчак юзига тенг бўлган истеъмолчи ортикчалигини йукотадилар.

Бозордан сиқиб чикарилган ишлаб чиқарувчилар томонидан йўқотилган ишлаб чиқарувчи ортикчалиги эса $C$ учбурчак юзи билан ифодаланган. Демак, ишлаб чиқарувчи ортикчалигининг умумий ўзгариши тенг:

$$\Delta\text{и/ч} = -A - C, \qquad (2)$$

бу ерда, $\Delta$и/ч - ишлаб чиқарувчи ортикчалигининг соф ўзгариши.

Максимал нарх урнатилганда асосий йўқотишлар ишлаб чиқарувчилар зиммасига тўғри келади.

Расмдан кўриниб турибдики, нархни назорат қилиш умумий ялпи ортикчаликнинг маълум кисмини йўқотишга олиб келади ва ушбу йўқотишга тўлиқ йўқотиш дейилади.

Ортиқчаликларнинг умумий ўзгаришини аниқлаш учун биз истеъмочи ортикчалиги ўзгариши (Δист.) ва ишлаб чиқарувчи ортикчалиги ўзгариши (Δи/ч)ни кўшамиз.

$$\Delta = \Delta\text{ист.} + \Delta\text{и/ч} = A - B + (-A - C) = A - B - A - C = -B - C. \qquad (3)$$

Шундай қилиб, биз *B* ва *C* учбурчакларнинг юзига тенг бўлган тўлик йўқотишни оламиз. Бу тўлик йўқотиш нархларни назорат қилиш билан боғлиқ давлатнинг иқтисодий сиёсатининг самарасиз эканлигини кўрсатади.




5-расм. Нарх давлат томонидан назорат қилинганда эластик бўлмаган талабдаги йўқотишлар.

Бу ерда ишлаб чиқарувчилар томонидан йўқотилган ортиқчаликнинг истеъмолчилар ютиб олган ортиқчаликдан катта эканлигини кўриш мумкин.

Агар талаб чизиғи жуда хам эластик бўлмаганда нархларни назорат қилиш хам жуда катта йўқотишга олиб келиши мумкин (5-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, В учбурчак юзи бозордан сиқиб чиқарилган истеъмолчиларнинг йўқотишлари булиб, бу бозорда қолиб товарни сотиб олиш хукукига эга бўлган истеъмолчиларнинг ютуғини ифодаловчи А тўртбурчак юзасидан катта. Бу ерда бозордан сиқиб чиқарилган истеъмолчилар катта йўқотишга эга.

Энди фараз қилайлик давлат томонидан минимал нарх $P'$ урнатилди дейлик ($P_{\min} > P_e$, $P_e$- мувозанат нарх), яъни давлат нархни мувозанат нархидан юқори қилиб белгиланади (6-расм).

Расмдан кўриш мумкинки ишлаб чиқарувчилар нарх ошганда $Q_e$ нисбатан кўпрок $Q_1$ маҳсулотни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Истеъмолчилар камрок ($Q_e$ ўрнига $Q_2$ миқдорда) маҳсулот сотиб олишга ҳаракат қилади.



6-расм. Нарх мувозанат нархидан юқори белгилангандаги ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг йўқотишлари.

Агар биз ишлаб чиқарувчилар бозорда қанча маҳсулот сотилса шунча маҳсулот ишлаб чикаради, деб фараз қилсак, бозорга ишлаб чикарилган маҳсулот миқдори $Q_2$ га тенг бўлади ва бу ерда хам ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ортикчалиги йўқотилади. Бу ерда $A$ тўртбурчакнинг юзи ишлаб чиқарувчиларнинг олган қўшимча ортикчалигини ифодалайди. Лекин, минимал ($P_{\min}$) нархда маҳсулотни хажми $Q_e$ миқдордан $Q_2$ га қисқаргани учун ишлаб чиқарувчи ортикчалигининг бир кисми йўқотилади. Натижада ишлаб чиқарувчи ортикчалигининг ўзгарган кисми қуйидагига тенг:

$$\Delta\text{и/ч.} = A - C. \qquad (4)$$

Истеъмолчилар минимал ($P_{\min}$) нархда хар бир маҳсулот учун мувозанат нархдан юқори нарх тўлайди ва натижада уларнинг истеъмол ортикчалигига расмдаги $A$ тўртбурчак юзига тенг бўлган миқдорда камаяди. Нарх ошганлиги муносабати билан баъзи бир истеъмолчилар ушбу бозордан чикиб кетади ва товарни сотиб ололмайдилар ва бунга мос бўлган ортикчаликни йўқотади. Бу йўқотиш расмда $B$ учбурчак билан ифодаланган. Демак, истеъмолчиларнинг ортикчалигининг умумий ўзгариши қуйидагини ташкил қилади:

$$\Delta\text{ист.} = -A - B. \qquad (5)$$

Кўриниб турибдики, бундай сиёсат истеъмолчиларнинг турмуш даражасини тушуриб юборади.

(4)- ва (5)- ифодаларни қўшиб умумий ортикчаликдаги ўзгаришни аниқлаймиз:

$$\Delta = \Delta\text{и/ч} + \Delta\text{ист.} = \Delta\text{=и/ч.+}\Delta\text{ист.=A-C+(-A-B)=-C-B} \qquad (6)$$

Демак, давлат томонидан минимал нарх ўрнатилганда умумий тўлиқ йўқотиш вужудга келади ва у иккита $C$ ва $B$ учбурчаклар юзаларининг йиғиндиси билан ифодаланади.

Энди биз ишлаб чиқарувчилар ортикчалигини ишлаб чиқариш $Q_e$ миқдордан $Q_1$ миқдорга кенгайтирилганда караб чикамиз. Хақиқатдан хам минимал нарх мувозанат нархдан юқори бўлганда у ишлаб чиқарувчиларни $Q_1$ миқдорга маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Лекин, улар бозорда фақат $Q_2$ хажмдаги маҳсулотни сотиш мумкин холос. Улар $\Delta 0 = Q_1 - Q_2$ миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга кетган ҳаражатларни коплайдиган даромадни олаолмайди (7-расм).

Расмда ушбу ҳаражатлар штрихланган $D$ трапеция юзи билан ифодаланган.

Натижада ишлаб чиқарувчиларнинг ортикчалиги ўзгариши қуйидагига тенг:

$$\Delta\text{и/ч.} = A - C - D.$$



7-расм. Минимал нарх ўрнатилиши натижасидаги йўқотишлар графиги.

Бундай ҳолда хар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотининг хаммаси юқори нархда сотаман деб уйлайди. Пировардида давлат томонидан ўрнатилган минимал нарх сиёсати ортикча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари хисобидан ишлаб чиқарувчиларнинг фойдасини анча қисқартириб юбориши мумкин.

Яна битта мисол тарикасида мехнат (ишчи кучи) бозорини карайлик.

Маълум мехнат бозорида ишчи кучи баҳоси бу иш хакидир. Давлат томонидан минимал иш хаки ($W_{\min}$) белгиланди дейлик.




8-расм. Минимал иш хаки графиги.

8-расмда таклиф чизиғи ишчи кучи таклифини, талаб чизиғи - ишчи кучига талабни ифодалайди. Давлат томонидан урнатилган минимал иш хаки $W_{\min}$ мехнат ресурслари бозоридаги мувозанат иш хаки $W_e$ дан катта, яъни $W_{\min} > W_e$.

Ушбу сиёсат натижасида иш жойи топган ишчилар (расмда $L_1$ ишчи) юқори иш хаки олади. Лекин, $\Delta L = L_2 - L_1$ ìèкдоридаги ишчилар иш топа олмайдилар ва ишсиз коладилар. Демак, бундай сиёсат ишсизликка олиб келиши мумкин.

**Барқарор нархларни ушлаб туриш**. Ривожланган давлатларда барқарор нарх кўпинча сутга, тамаки ва донга қўлланилади, бундан мақсад, ушбу товарларни ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини етарли даражада бўлишини таъминлаш.

Бундай сиёсатда давлат маҳсулотга нархни $P$* даражада белгилаб, уни шу даражада бўлишини таьминлаш учун керакли хажмдаги маҳсулотни сотиб олади. Ушбу холат 9-расмда кўрсатилган. Бу холатда давлатнинг, истеъмолчиларнинг ва ишлаб чиқарувчиларнинг ютук ва йўқотишларни таҳлил қилиб чикамиз.

Нарх $P_*$ даражада ўрнатиладигандан кейин истеъмол талаби $Q_0$ дан $Q_1$ га пасаяди, таклиф эса $Q_2$ га кадар ошади. $P_*$ нархни ушлаб туриш учун ва омборларда товар

захираларни тўпланишини олдини олиш учун давлат ортикча $\Delta Q = Q_2 - Q_1$ миқдордаги товарни сотиб олиши керақ Истеъмол талабига давлат талаби $\Delta Q$ кўшилади ва ишлаб чиқарувчилар барча маҳсулотни $P_*$ нархда сотиши мумкин бўлади.




9-расм. Нархни барқарор бўлишини таъминлаш.

Товарни сотиб олувчи истеъмолчилар товарни $P_0$ га нисбатан кимматрок $P_*$ нархда сотиб оладилар ва улар ўзларининг истеъмолчи ортикчалигини $A$ тўртбурчак юзига тенг бўлган кисмини йўқотадилар (9-расм). Истеъмолчиларнинг бошқа бир кисми товарни сотиб олаолмайдилар ва уларнинг йўқотиши $B$ учбурчак юзи билан ифодаланади, натижада истеъмолчиларнинг умумий йўқотиши $\Delta$ист. қуйидагига тенг бўлади:

$$\Delta\text{ист.} = -A - B$$

Бошқа томондан караганда, ишлаб чиқарувчилар ютиб чиқади. Сиёсатнинг мақсади хам шундан иборат эди. Ишлаб чиқарувчилар $Q_0$ га нисбатан кўпрок, яъни $Q_2$ миқдордаги маҳсулотни юқорирок бўлган $P_*$ нархда сотадилар. Ишлаб чиқарувчиларнинг ортикчалиги ( $\Delta$и/ч ) қуйидаги миқдорга ошади:

$$\Delta\text{и/ч} = A + B + E$$

Энди давлатнинг ҳаражатлари $(Q_2 - Q_1)\cdot P_*$ га тенг, яъни бу давлат томонидан сотиб олинган товар суммаси. Бу ҳаражат хам пировардида истеъмолчи йўқотишига қўшилади, нима учун деганда у соликлар хисобидан туланади. 9-расмда давлатнинг ҳаражати $Q_0Q_2F_2F_1$ катта тўртбурчак билан ифодаланган. Давлатнинг ушбу ҳаражатлари камайиши мумкин, агар у сотиб олган маҳсулотининг бир кисмини четга (одатда паст нархда) сотса. Лекин, бу давлат ичидаги ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотини четга чикариб сотиш имкониятини чеклайди.

Бундай сиёсатнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини баҳолаш учун биз истеъмолчи ортикчалигидаги ва ишлаб чиқарувчи ортикчалигидаги натижавий ўзгаришларни кушиб, ундан давлат ҳаражатини айирамиз:

$$\Delta\text{ист} + \Delta\text{и/ч} - (Q_2 - Q_1)\cdot P_* = -A - B + A + B + E - (Q_2 - Q_1)\cdot P_* = E - (Q_2 - Q_1)\cdot P_*,$$

ёки

$$E - S_{Q_1Q_2F_2F_1}$$

Демак, бундай сиёсатда жамият ўз фаравонлигининг бир кисмини йўқотади. 9-расмда ушбу йўқотиш штрихланган соха юзаси билан ифодаланади. Кўриниб турибдики, бундай сиёсат жуда катта жамият йўқотишлари билан боғлиқ.

Сиёсатнинг асосий мақсади фермерлар даромадини ошириш бўлса, бундан самаралирок йўл борми, деган саволни қўядиган бўлсак, унга бор, деб жавоб бериш мумкин.

Фермерланинг даромадини *A+B+E* миқдорга оширишни жамиятни камрок йўқотиши оркали амалга ошириш йули бу ушбу *A+B+E* пулни тўғридан-тўғри фермерларнинг ўзига беришдир. Истеъмолчиларнинг нархни барқарорлаштиришдаги йўқотиши бари бир *A+B* га тенг бўлгани учун, фермерларга ушбу пул бевосита берилса, жамият 9-расмда штрихланган юзага тенг бўлган маблагни иқтисод қилиши мумкин.

**Ишлаб чиқаришни чеклаш (ишлаб чиқариш квотаси).** Давлатнинг бозор нархига таъсир қилиш сиёсатидан бири бу - маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини чеклаш оркали маҳсулот нархини керакли даражагача кўтариш мумкин. Давлат хар бир фирманинг маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини қонун чиқариш оркали белгилаши (квоталаши) мумкин. Бирор маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки сотиш буйича лицензиянинг давлат томонидан берилиши, шундай сиёсатни юритишга мисол бўлиши мумкин. Масалан, спиртли ичимликларни сотишга бериладиган лицензияларни кўпайтириш ёки камайтириш оркали спиртли ичимликни сотиш хажмини ошириш ёки қисқартириш мумкин. Сотиш хажмининг қисқариши товар нархини керакли даражага ошириш имконини беради.

Яна АКШ давлатининг қишлоқ хўжалиги сиёсати караймиз. АКШ давлатининг қишлоқ хўжалиги сиёсати кўпрок маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартиришни рагбатлантиришга каратилган. Фермерлар экин экиш майдонининг қисқатирсалар, яъни экин майдонларининг бир кисми эқилмасдан колдирилса, шунга яраша пул компенсациясини оладилар. Экин майдонларини қисқартириш хисобидан нархни ошириш механизмини қуйидаги 10-расмда келтирилган.

Шуни таъкидлаш мумкинки экин майдонлари чекланганда таклиф чизиғи абсолют эластик бўлмай колади, яъни таклиф $Q_1$ га тенг бўлиб, у ўзгармайди, маҳсулотнинг бозор нархи эса $P_e$ дан $P_*$ га кўтарилади.

Бундай сиёсатда истеъмолчи ортикчалигининг ўзгариши қуйидагича тенг.

$$\Delta\text{ист.} = -A - B.$$

Фермерлар $Q_1$ миқдорда маҳсулот ишлаб чикариб, уни юқори $P_*$ нархда сотади. Натижада фермерлар ортикчалиги *A* тўртбурчак юзига тенг миқдорда ошади. Лекин, ишлаб чиқариш хажми $Q_e$ дан $Q_1$ га қисқаргани учун фермерлар *C* учбурчак юзига тенг бўлган ортикчаликни йўқотади. Булардан ташқари, фермерлар экин майдонини (ишлаб чикари хажмини $Q_1$ га) қисқаргани учун давлатдан пул компенсацияси олади. Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчилар ортикчалигининг умумий ўзгаришини қуйидагича аниқлаш мумкин:

Δи/ч = *A* - C + пул компенсацияси



10-расм. Экин майдонлари чекланганда таклиф чизиғи (таклиф чизиғи $S_1$ эластик эмас бўлгани учун у горизотал кўринишда).

Давлат ҳаражатлари, яъни фемерларга тўланадиган рагбатлантириш (компенсация) пули камида $B+C+E$ га тенг бўлиши керак. Бу ерда $B+C+E$ фермерлар экин ерларини қисқартирмаганда қўшимча маҳсулот ишлаб чикариб, уни юқори $P_*$ нархда сотиши натижасида олиш мумкин бўлган қўшимча фойдага тенг. Шунинг учун хам давлат ҳаражатлари камида $B+C+E$ ни ташкил қилади ва у фермерларга пул компенсацияси тарикасида берилгани учун ишлаб чиқарувчилар ортикчалиги қуйидагича бўлади:

$$\Delta \text{и/ч} = -A - C + B + C + E = A + B + E.$$

Ушбу ишлаб чиқарувчи ортикчалигининг ўзгариши давлатнинг нархларни маҳсулотнинг бир кисмини сотиб олиш хисобидан барқарор бўлишини таъминлаш сиёсатидаги ортикчалик ўзгаришининг ўзи. Фермерларга давлат юқоридаги сиёсатларидан кайси бирини қўллаши фарк қилмайди, иккаласи хам фермерларга бир хил фойда олишга олиб келади.

Истеъмолчиларга хам буни фарки йук, нима учун деганда, улар иккала сиёсатда хам бир хил йўқотишга эга. У иккала сиёсатдан кайси бири давлат учун қимматроқ бўлишига қараймиз. Бу ерда 10-расмдаги учбурчаклар юзалари йиғиндиси $BKCKE$ 9-расмдаги $\left[(Q_2 - Q_1)\cdot P_* - E\right]$ юзадан кичик бўлгани учун хам давлатнинг экин эқиладиган ерларни чеклаш сиёсати, ортикча маҳсулот сотиб олиш асосида нархлар барқарорлигини таъмирлаш сиёсатидан эканлиги келиб чиқади. Аммо давлатнинг экин эқиладиган ерларни чеклаш сиёсати жамият учун фермерларга пул компенсациясини бериш сиёсатига кўра қимматроққа тушади.

Эқиладиган ерларни чеклаш сиёсатидаги жамият фаровонлигининг ўзгариши қуйидагига тенг:

$$\Delta \text{ жамият фаровонлигининг ўзгариши} = \Delta \text{ ист} + \Delta \text{ и/ч - давлат ҳаражатлари} = -A-$$

$$B+A+B+E-B-C-E=-B-C,$$

бу ерда

$$\text{давлат ҳаражати} = B+C+E$$

Агар давлат фермерларга $A+B+E$ пулни бевосита бериб нарх ва ишлаб чиқариш хажмига таъсир қилмаса, жамият бундай сиёсатдан аниқ ютади. Бундай холатда фермерлар $A+B+E$ фойдани олади, давлат $A+B+E$ миқдорда йўқотади ва жамиятнинг умумий фаровонлиги ўзгариши нолга тенг бўлади. Лекин, баъзи холларда сиёсат иқтисодиётдан устун келади.

## 2. Соликни узоқ ва қисқа муддатли таъсири

Соликни алохида фирма фаолиятига таъсирини караймиз. Фараз қилайлик, солик фирманинг ишлаб чиқариш хажмидан олинади ва у маҳсулот нархига таъсир қилмайди.

Биз кўрамизки, ишлаб чиқариш хажмига қўйилган солик фирмани ишлаб чиқариш хажмини қисқартиришга ундайди (11-расм).




11-расм. Рақобатлашувчи фирманинг ишлаб чиқариш хажмига соликнинг таъсири.

Расмдан кўриш мумкинки, қисқа муддатли оралиқда мусбат иқтисодий фойда билан ишлаётган фирма $q_1$ хажмда маҳсулот ишлаб чикариб $P_1$ бозор нархида сотади. Солик хар бир ишлаб чикарилган маҳсулот бирлигига қўйилганлиги учун, у фирманинг чекли ҳаражатини $MC_1$ дан $MC_2 = MC_1 + t$ ($t$ - бир бирлик маҳсулотга қўйилган солик) холатга силжитади. Солик худди шундай ўртача ўзгарувчан ҳаражатни хам $t$ миқдорга юқорига силжитади.

Энди фараз қилайлик, тармоқдаги барча фирмалар солиққа тортилган. Мавжуд бозор нархида хар бир фирма ўз ишлаб чиқариш хажмини қисқартиргани учун тармоқнинг хам ялпи маҳсулоти қисқаради ва бу бозор нархининг ошишига сабаб бўлади (12-расм).




12-расм. Соликни тармоқ ишлаб чиқариш хажмига таъсири.

Расмдан кўриш мумкинки, тармоқнинг умумий таклифини $S_1$ äàí $S_2 = S_1 + t$ холатга силжиши бозор нархини $P_1$ дан $P_2$ га ўстиради. Нархнинг ошиши, фирмаларни ишлаб чиқариш хажмини нарх ўзгармагандагига нисбатан камрок қисқартиришга ундайди.

Узоқ муддатли оралиқни қарайдиган бўлсак, ишлаб чиқариш хажмига қўйилган солик баъзи бир фирмаларни бизнесдан чикишга мажбур қилади.

13-расмда соликни узоқ муддатли оралиқдаги таъсири акс эттирилган.



13-расм. Тармоқ ишлаб чиқариш хажмига соликнинг узоқ муддатли таъсири.

а) расмдан кўриш мумкинки, солик хар бир фирманинг узоқ муддатли оралиқдаги ўртача ҳаражатини силжишга олиб келади. Бу ўз навбатида баъзи бир ҳаражатлари юқори бўлган фирмалар фойдасини қисқартириб нолга тенглаштиради. Улар бу тармоқдан чикиб бошқа, кўпрок фойда оладиган тармоқларга ўта бошлайди. Натижада бу бозор таклифи чизиғини чапга (б расм) юқорига силжитади ( $S_1$ дан $S_2$ холатга) ва ҳаражатлар ошганини кўрсатади. Бозор нархи $P_1$ дан $P_2$ га ўсади, бозор таклифи эса $Q_1$ дан $Q_2$ га камаяди. Солик таъсири тугагандан кейин, яъни тармоқда янги узоқ муддатли мувозанат ($E_2$ нукта) вужудга келганда тармоқда камрок маҳсулот ишлаб чиқарувчи камрок фирма колади.

## 4.Рақобатлашган бозор самарадорлиги

Биз кўрдикки, давлатнинг бозор механизмига аралашуви жамиятда тўлиқ йўқотишга олиб келади. Шунинг учун хам давлат ўзининг иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқганда тўлиқ йўқотишларни хисоб-китобдан четда қолдирмаслиги керак. Лекин, бундан давлатнинг рақобатлашган бозорга аралашуви хар доим хам йўқотишларга олиб келаверади, деб бўлмайди. Қуйидаги икки ҳолда давлатнинг аралашуви рақобатлашган бозорда истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг турмуш даражасини ўсишга олиб келади.

**Биринчидан**, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаракати натижасида вужудга келадиган ютук ёки йўқотиш бозор нархида ўз ифодасини топмаса. Бундай йўқотиш ёки ютуклар бозорга нисбатан ташки самара дейилади, нима учун деганда, улар бозорга нисбатан ташқарида руй беради. Бозорга нисбатан ташки самарага мисол қилиб ишлаб чиқарувчилар томонидан атроф-мухитни захарлаш натижасида вужудга келадиган жамият ҳаражатларини келтириш мумкин. Ушбу ҳаражатларни фақат давлатнинг аралашуви оркали бартараф қилиш мумкин.

**Иккинчидан** «бозор қийинчилиги» - бу ерда маҳсулотнинг сифати, ким томонидан, качон ишлаб чикарилганлиги тўғрисида ахборотнинг тўлиқ бўлмаслиги, истеъмолчиларни ортикча йўқотишларга олиб келиши мумкин, яъни истеъмолчи нафликни максималлаштирадиган товарларни сотиб олиш бўйича тўғри қарор қилолмаслиги мумкин. Бундай ҳолда давлатнинг аралашувини (товарлар ярлигида товар тўғрисида тулик ахборот булишни давлат томонидан талаб қилиниши) самарали деб караш мумкин.

Рақобатлашган бозорнинг мувозанат холатда ишлаши истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ортикчалигини максимал бўлишини таъминлайди, демак, мувозанат холатда истеъмолчилр ўз талабини мавжуд ишлаб чиқариш ҳаражатларида мумкин бўлган энг паст нархда қондиради. Рақобатлашган бозор самарадорлиги ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Узоқ муддатли оралиқда рақобатлашган бозорнинг мувозанат холати шарти қуйидагича тенглик билан ифодаланади:

$$MR = MC = AC = P\,. \qquad \text{(13-расм)}$$

Маълумки қисқа муддатли оралиқда, рақобатлашган бозор шароитида фирма ортикча фойда олиши ёки зарар кўриши мумкин. Лекин, узоқ муддатли оралиқда бундай холат истисно қилинади, нима учун деганда, тармоққа кириш, ундан чикиш эркин бўлганда, тармоқдаги юқори фойда бошқа фирмаларни ўзига жалб қилади, тармоқдаги зарар билан ишлайдиган фирмалар бошқа тармоққа ўтадилар.



13-расм. Рақобатлашган фирманинг узоқ муддатли ораликдаги мувозанат холати.

Рақобатлашган бозор чекланган ресурсларни оптимал тақсимлашга ёрдам беради ва натижада истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга эришилади. Бундай таксимланиш $P = MC$ шартида таъминланади. Фирмалар ушбу шартга кўра ишлаб чиқаришни нарх чекли ҳаражатга тенг бўлганча кадар мумкин даражада максималлаштирадилар. Ушбу шарт бажарилганда нафақат ресурсларни самарали тақсимлашга эришилади, балки максимал ишлаб чиқариш самарадорлигига хам эришилади. Рақобатлашган бозор фирмаларни минимал ҳаражатларда маҳсулот ишлаб чиқаришга ва уни ушбу ҳаражатларга мос бўлган нархда сотишга мажбур қилади.

Агар $AC > P$ бўлса, фирма зарар кўради ва тармоқдан кетишга мажбур бўлади. Агар $AC < P$ бўлса, бозорда қисқа муддатли ораликда ортикча фойда олиш иконияти туғилади. Лекин, бу ортикча фойда тармоққа бошқа фирмаларни кириб келишига сабаб бўлади. Бошқа фирмаларнинг кириб келиши ортикча фойдани нолга туширади. Бу ўз навбатида мувозанат холатни узоқ муддатгача турғун сакланишидан далолат беради.

Рақобатлашган бозорда ва мувозанат холат шароитида рақобатлашувчи тармоққа карашли фирмалар ҳаражатлари бир хил деб каралади. Лекин, биз биламизки, баъзи бир фирмалар сифатли хом ашёда ишлайди, бошқалари замонавийрок ва самаралирок ускунада ва технологияда ишлайди, яна бошқаси юқори малакали кадрлар билан ишлайди. Умуман олганда иккита бир хил фирманинг ўзи бўлмайди. Ўз ўзидан равшанки, сифатли ресурслар билан ишлайдиган фирмаларнинг ҳаражатлари бошқаларникига караганда кам бўлади.

Бу холатни рақобатлашган бозордаги фирмаларнинг ўртача ҳаражатлари бир хил бўлади, деган шарт билан мос келишини иқтисодда қуйидагича тушунтиради: яъни сифатли ресурс эгалари ўз ресурслари учун кўпрок иш хаки олади, мукаммаллашган самарали ускуналарнинг ижара хаки хам юқори бўлади. Самарали ресурс эгалари олинадиган қўшимча фойдага ***иқтисодий рента*** дейилади. Иқтисодий рента - бу рақобатлашган бозорда керакли ресурс учун фирма тўлаши мумкин бўлган нарх билан ушбу ресурснинг минимал нархи ўртасидаги фарқ. Масалан, ўртача хом ашёдан фойдаланиб ишлаб чикарилган хар бир маҳсулот 10 сўм келтирсин, чекланган сифатли хом ашёдан фойдаланиб ушбу маҳсулотни ишлаб чикарганда (ҳаражатларнинг камайиши ва маҳсулот сифатини ошиши хисобига) хар бир маҳсулотдан оладиган фойда 20 сўмни ташкил қилсин, дейлик. Сифатли ресурсни хамма фирмалар хам сотиб олишга ҳаракат қилади. Лекин, сифатли ресурс чекланган бўлгани учун хамма фирмалар сотиб ола олмайди. Агар сифатли хом ашё рақобатлашган бозорда сотилса, унинг нархи ўртача хом ашё нархидан албатта юқори бўлади. Агар ўртача хом ашё нархи $P_1$ ва сифатли хом ашё нархи $P_2$ ($P_2 > P_1$) бўлса сифатли хом ашё эгаси $\Delta P = P_2 - P_1$ га тенг бўлган иқтисодий рента олади. Натижада маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг ўртача ҳаражати бир-бирига тенг бўлади.

Шундай қилиб, самарали ресурслардан фойдаланиб олинган барча фойда ушбу ресурсларни сотиб олишга сарфланади. Ушбу холат рақобатлашган бозордаги фирмаларнинг ўртача ҳаражатлари тенглашиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Давлатнинг иқтисодий сиёсати деганда нимани тушунасиз?
2. Давлатнинг иқтисодий сиёсатини баҳолашда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ортикчалигидан қандай фойдаланиш мумкин?
3. Ишлаб чиқариш хажмини чеклаш қандай окибатларга олиб келади?
4. Ишлаб чиқаришга соликни узоқ ва қисқа муддатли таъсирини изохлаб беринг.
5. Бозор кайси холатда самарали фаолият кўрсатади?

# «MIKROIQTISODIYOT» FANIDAN

# 14.ХОРИЖИЙ МАНБАLAR


- Максимова В.Ф. Микроэкономика: учебник. М.: Маркет ДС, 2010. – 368 с.
- Баринов В.А. Организационное проектирование. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 384 с.
- Микроэкономика: практический подход (Managerial Ekonomics): учебник / кол. авторов; под ред. А.Г.Грязновой и А.Ю.Юданова. – 5-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2009. – 704 с.
- Самуэльсон П.Э, Нордхаус В.Д. Экономика, 18-е издание: Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 с.

– Нуриев Р.М. Курс микроэкономики. Учебник для вузов, 3-е издание, М.: НОРМА - Инфра, 2007.- 361 с.
– Гальперин В.М. и другие. Микроэкономика. В 2-х т.- СПб.: Экономическая школа, 2003. – 378 с.
– Пиндайк Р., Д. Рубинфельд. Микроэкономика. 5-е международное изд.- СПб.: Питер, 2003. – 350 с.
– Роберт Х. Франк. Микроэкономика и поведение. - М.: ИНФРА, 2003.- 189 с.
– Симкина Л.Г. и другие. Микроэкономика.- СПб.: Питер, 2003.- 198 с.
– Тарасевич Д.С. Гребенников Т.И. Леусский Д.И. Микроэкономика: Учебник. - М.: ЮРАЙТ,. 2003. -375с.
– Фальцман В.К. Основы микроэкономики. - М.: ТЕИС, 2003. – 310 с

## – VI. Ўқув қўлланмалар

– Просветов Г.И. Стратегия предприятии. Учеб. практическое пособ. – М.: «Альфа-Пресс», 2010. – 184 с.
– Голубев М.П. Методология создания эффективных вертикально интегрированных холдингов. Учеб. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 521 с.
– Дресвянников В.А. Управление знаниями организации. Учеб. пособ. – М.: КНОРУС, 2010. – 344 с.
– Апалькова Т.Г. Микроэкономика: Учеб. пособие для вузов – М.: Изд-во МГОУ, 2009.- 81 с.
– Маховикова Г.А. Микроэкономика: Учеб. пособие – М.: Эксмо, 2009. – 224 с.
– Дорохина Е.Ю. Моделирование микроэкономики: Учебное пособие для вузов / Е.Ю.Дорохина, М.А.Халилов: Под общ ред. Н.П.Тихомирова. – М.:Экзамен, 2003. – 224 с.
– Климов С.М. Микроэкономика: Учебное пособие // С.М.Климов, А.П.Семин, Т.А.Федорова. – СПб.: ИВЭСЭП , Знание, 2003. – 350 с.
– Чеканский А.Н., Фролова Н.Л. Микроэкономика-2: Учебное пособие. - М.: ТЕИС, 2003.- 245 с.

## – VII. Статистика тўпламлари маълумотлари

– Инвестиции республики Узбекистан 2010. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 148 с
– Промышленность республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 156 с.
– Сельское хозяйство Узбекистана 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009. – 160 с

## – VIII. Интернет сайтлари

– Микроэкономика. Курс лекций. Задачник. Опорный конспект. Методические указания. http://www.iet.ru/mipt/2/text/curs_micro_lect.htm

- Курс Микроэкономики 1 в "Микроэкономике промежуточного уровня". Особое внимание уделяется производству, теории фирмы и структурам рынка. - http://www.nes.ru/Acad_year_2011/Micro2-rus.htm
- Учебные материалы по Микроэкономике. On-line http://www.ic.omskreg.ru/econrus/win/library/3/37/371/3713/table.htm
- Игнатьева, Моргунова. Микроэкономика. "http://www.economics.ru"
- Экономики России. "http://www.imce.ru"
- www. norma.uz.
- www.gov.uz

# «MIKROIQTISODIYOT» FANIDAN
# 15. KURS ISHI MAVZULARI

| 15. | МИКРОИҚТИСОДИЁТ ФАНИДАН КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ |
|---|---|

## 1. КУРС ИШЛАРИ (ЛОЙИҲАЛАРИ) БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

Замоновий иқтисодчи кенг қамровли билимларга эга бўлиши, назарий билимларни амалий вазифалар билан боғлай олиши лозим. Бу мақсадга эришиш, яъни талабадан ўз устида тинмай ишлаши, назарий ва амалий билимларини доимий равишда бойитиб бориши ҳамда чуқурлаштириши учун мазкур фандан курс ишини бажариш талаб этилади.

Курс ишида талабанинг олий ўқув юртида таҳсил олиши давомида тўплаган назарий ва амалий билимлари юзага чиқади, талабанинг назарий билимлар билан қуролланиш даражаси, малака ва кўникмаси илмий-ишлаб чиқариш вазифаларини ечишга қай даражада қўллай олиши орқали намоён бўлади.

Курс ишида аниқ бир амалий вазифани ечиш вазифаси қўйилиши муҳимдир. Тадқиқот объекти сифатида муайян бир бозор объекти ёки фирмалар олиниши мумкин. Курс ишида бир ёки бир-бири билан боғланган бир нечта масалаларни назарий ва амалий чуқур таҳлил этилиши талабанинг муаммони мустақил англай билишига ва сабабий боғлиқликда мантиқий хулосалар ясай олиш маҳоратининг шаклланишига олиб келади.

Курс ишлари муваффақиятини аниқлайдиган муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири – тадқиқот мавзусини танлашдир. Мавзуларга қўйиладиган умумий талаб – уларнинг долзарблиги, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва муаммолари билан боғлиқлигидир. Улар ҳозирги замон талаблари, Ўзбекистонинг танлаб олган йўли ва давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор ижтимоий-иқтисодий йўналишлари ҳамда иқтисодий сиёсатининг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиқиши зарур.

Курс иш мавзуси кенг қамровли назарий ва амалий хусусиятга эга бўлиши ва объект тўғрисида энг муҳим вазифаларини қамраб олиши ва сабабий боғлиқликда амалий таҳлил қилинишини назарда тутиши лозим. Курс иши мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, бизнес, ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболли ривожланишини акс эттириши керак.

Курс ишини бажариш қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Курс иши мавзусини танлаш. Мавзуларга қўйиладиган умумий талаб – уларнинг долзарблиги, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва муаммолари билан боғлиқлигидир. Улар ҳозирги замон талаблари ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари истиқболларидан келиб чиқиши зарур.

2. Мавзуга доир библиография ва меъёрий, қонуний хужжатлар, йўриқномалар йиғиш.

3. Курс ишининг режасини тузиш.

4. Курс ишига раҳбарлик қилувчи профессор-ўқитувчи билан ишлаб чиқилган режани келишиш.

5. Курс ишини белгиланган талабларга мос равишда расмийлаштириш.

6. Курс ишини ҳимояга тайёрлаш.

## КУРС ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ:

1. Iqtisodiy bazis tushunchalar va kategoriyalar.
7. Resurslarning cheklanganligi sharoitida cheksiz ehtiyojni oqilona qondirish.
8. Iqtisodiy ne’matlar va ularning xususiyatlari.
9. Iqtisodiy resurslar va ularning turlari.
10. Ishlab chiqarish imkoniyatlari va uning ahamiyati.
11. Talab va taklif tahlili asoslari.
12. Bozor muvozanati, bozor muvozanatining o‘zgarishi va unga ta’sir qiluvchi omillar.
13. Davlat tomonidan minimal va maksimal narxlarning o‘rnatilishi.

9/ Iste’molchi yutug‘i va ishlab chiqaruvchi yutug‘i.

10. Talab va taklif elastikligi.
11. Talabning iste’molchi daromadiga ko‘ra elastikligi.
12. Elastiklik nazariyasining amaliyotda qo‘llanilishi.
13. Bozor sharoiti o‘zgarishi oqibatlarini bashorat qilish va baholash.
14. Iste’molchi tanlovi va iste’molchi muvozanati.
15. Befarqlik chiziqlari kartasi va uning xususiyatlari.
16. Daromad samarasi va almashtiri samarasi.
17. Normal va past sifatli tovarlar.
18. O‘rnini bosuvchi to‘ldiruvchi tovarlar.
19. Ehtimol tushunchasi va uning turlari.
20. Tavakkalchilikni vujudga kelishi va uni o‘lchash.
21. Korxonalarning faoliyat soxalarini va ishlab chiqaradigan mahsulotlar turini kengaytirish(diversifikatsiya).
22. Asimmetrik axborotlar va ularni yo‘qotish yo‘llari.
23. Opsion va xedjirlashtirish.
24. Firma va ularning tashkiliy iqtisodiy asoslari.
25. Aktivlar tushunchasi va ulardan olinadigan foyda.
26. Xususiy firmalarning ustun va zaif tomonlari.
27. Aksionerlik jamiyatlari va ularning xususiyatlari.
28. O‘zbekiston Respublikasida “Mulk to‘g‘risidagi” Qonuniga ko‘ra faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalar turi va ularning tasnifi.
29. Kooperativlar va foyda olmaydigan tashkilotlar.
30. Ishlab chiqarish nazariyasi.
31. Ishlab chiqarish omillari sarfini minimallashtirish.
32. Masshtab samaradorligi.
33. Qisqa va o‘zoq muddatlarda ishlab chiqarish.
34. Korxonaning qisqa muddatli va o‘zoq muddatli oraliqdagi faoliyati.
35. Boy berilgan imkoniyatlar harajatlari.
36. Firma harajatlarini minimallashtiradigan holat va firmaning yopilish nuqtasi.
37. Qisqa va o‘zoq muddatli harajatlarning o‘zaro bog‘liqligi.
38. Raqobatlashgan bozor va uning shartlari.
39. Firma foydasini maksimallashtirishning umumiy sharti.
40. Firmaning o‘zoq muddatli o‘rtacha harajatining kamayishiga va o‘sishiga ta’sir qiluvchi omillar.
41. Raqobatlashmagan bozor turlari.
42. Monopol xokimiyat va monopol xokimiyat ko‘rsatkichlari.
43. Bozor xokimiyati sharoitida narx belgilash tamoyillari.
44. Monopoliyaning salbiy va ijobiy tomonlari.
45. Raqobat va yakkaxokimlik.
46. Narx belgilashda iste’molchi ortiqchaligini egallash.
47. Iste’molchilar daromadiga ko‘ra narxlarni belgilash.
48. Bozor sharoitida amal qiluvchi narx turlari.
49. Tovarlar kategoriyasiga ko‘ra narx differensiatsiyasi.
50. Mehnat bozori va korxonalarda mehnat resurslaridan foydalanish.
51. Mehnat unumdorligining kamayish qonuni.
52. Mehnat qilish va dam olish o‘rtasidagi bog‘liqlik.

53. Mexnat bozoriga kasaba uyushmalarining ta’siri.
54. Mehnat bozorida ikki tomonlama monopoliya.
55. Ish xaqi va mehnat unumdorligi.
56. Mehnat bozorida monopsoniya bo‘lgan hol.
57. Minimal ish xaqi va muvozanat ish xaqi.
58. Korxonada mehnatni tashkil etishning ilg‘or shakllari.
59. Asosiy va aylanma kapital mablag‘lar.
60. Investitsiya va investitsiyalash.
61. Investitsiyani hisoblashda diskontirlangan qiymat.
62. Asosiy fondlarning joriy harajatlarini va istiqboldagi daromadni aniqlash.
63. Obligatsiya qiymati va undan keladigan daromad.
64. Korxonalar faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish.
65. Davlatni atrof-muhitni muxofaza qilish siyosati.
66. Bozorning davlat tomonidan boshqarilishi va uning zaruriyati.
67. Bozor mexanizmiga davlatning aralushuvi me’yori.
68. Bozor muvozanatining buzilish oqibatlari.
69. Ichki bozorni davlat tomonidan himoya qilish siyosati.

# «MIKROIQTISODIYOT» FANIDAN

# 16.АННОТАЦИЯ

«Mikroiqtisodiyot» fanidan tajriba-sinov o‘quv-uslubiy majmuasi Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti «Tarmoqlar iqtisodiyoti» va Samarkand iktisodiyot va servis instituti «Kasb-xunar ta’limi» kafedrasi bilan hamkorlikda tayyorlangan. Ushbu majmua o‘quv-uslubiy va ma’lumotli hujjatlardan iborat bo‘lib, talabalarni ma’ruza va amaliy mashg‘ulotlarni mustaqil o‘rganish, mushohoda yuritish hamda o‘zlashtirish sifatini oshirishga xizmat qiladi. Mazkur o‘quv-uslubiy majmua «Mikroiqtisodiyot» fani bo‘yicha bakalavriat bosqichi talabalari uchun mo‘ljallangan.

Iqtisodiyotning bozor munosabatlariga o‘tishi bilan jamiyatda bozor iqtisodiyotining amal qilish mexanizmini, turli mulkchilikka asoslangan korxonalarning xo‘jalik yuritish faoliyatini, ularning bozor sharoitdagi harakatini, cheklangan ishlab chiqarish resurslaridan oqilona foydalanish yo‘llarini va shu asosda samarali faoliyat yuritishlarini tadqiqi qilish fanninig dolzarbligini belgilaydi. Demak, yuqorida ta’kidlangan masalalarni hal etishda hamda iqtisodiyotda tarkibiy islohotlar va iqtisodiyotni modernizatsiyalashni yanada chuqurlashtirish, uning ko‘lamini kengaytirish bilan bog‘liq masalalarning nazariy va amaliy tomonlarini

o‘rganishda “Mikroiqtisodiyot” fanining ahamiyati beqiyosdir. Bu fan iqtisodiyot fanining tarkibiy qismi bo‘lib, u firmalar, uy xo‘jaliklari va bozor iqtisodiyotining quyi qismida harakat qilayotgan barcha iqtisodiy sub’ektlarning faoliyatini keng miqyosda tahlil etish asosida tegishli xulosalar chiqarib, asosli qarorlar qabul qilish imkonini yaratadi.

“Mikroiqtisodiyot” ayrim firmalar va iste’molchilar faoliyatini o‘rgangan holda, sanoat tarmoqlari va bozorlar qanday faoliyat ko‘rsatishini, bularning faoliyatiga boshqa mamlakatlardagi iqtisodiy sharoit va xukumat siyosati qay yo‘sinda ta’sir etishini ochib beradi. Bozor iqtisodiyoti sub’ektlari faoliyatini tahlil etishda ularning faoliyatiga bevosita ta’sir etuvchi talab va taklif, foydalilik va iste’molchilarning bozordagi narxlarga munosabati, ishlab chiqarish omillari va ulardan oqilona foydalanish yo‘llari, umumiy muvozanat masalalarini o‘rganishni istayotgan talabalar uchun ushbu fan juda ko‘l keladi. Biz bu qo‘llanmani mikroiqtisodiyotning tobora yetakchi o‘rin egallab borayotgan sohalariga talabalarda qiziqish uyg‘otishga ishongan holda yozdik.

Mikroiqtisodiyot rivojlanib boruvchi va o‘rganishga arzigulik fan ekanligini talabalarga ko‘rsata bilish zarur, zero talabalar mikroiqtisodiyot xulosalarini o‘zlashtirib, ularni hayotga tadbiq etishni bilishlari lozim.

Toshkent davlat iqtisodiyot universitetining “Tarmoqlar iqtisodi” kafedrasi professor-o‘qituvchilari bu o‘quv kursining nazariy va amaliy ahamiyatidan kelib chiqqan holda uning dasturini ishlab chiqdilar, ilmiy maqolalar va ilmiy ommabop asarlarni e’lon qildilar. Shuning bilan bir qatorda, to‘plangan tajribalarni umumlashtirib borish asosida dasturni mamlakatimiz taraqqiyoti va o‘quv ishlarni rivojlantirib borish zaruriyatidan kelib chiqqan holda kuchaytirib borish, uni takomillashtirishga ehtiyoj ham ortib bormoqda.

“Ta’lim to‘g‘risida” va “Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi” qonunlarini ta’lim tizimlariga to‘la joriy etishni ta’minlash, zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali mutaxassis kadrlarni tayyorlashda “Mikroiqtisodiyot” fanining ham fundamental fan sifatida o‘rni benazirdir. Prezidentimiz I.A.Karimov ta’kidlaganidek, “Barchamiz yaxshi anglab olishimiz kerakki, hayotimizning boshqa sohalaridagi ahvol amalga oshirilayotgan islohorlarimizning samaradorligi avvalo xalq ma’naviyatining tiklanishi, boy tarixiy merosimizning keng o‘rganilishi, an’analarimizning saqlanishi, madaniyat va san’at, fan va ta’lim rivoji bilan uzviy bog‘liqdir”.

«Mikroiqtisodiyot» fanini o‘qitishdan asosiy *maqsad* – talabalarda iqtisodiy sub’ektlarning bozordagi xatti-harakati va ishlab chiqarish resurslaridan oqilona foydalanish hamda firma foydasini maksimallashtiruvchi ishlab chiqarish xajmini tanlash bo‘yicha nazariy va amaliy tushunchalarni hosil qilishdan iboratdir. «Mikroiqtisodiyot» kursini o‘rganishning quyidagi asosiy *vazifalari* mavjud:

- bozor iqtisodiyoti qonunlari va bozor sub’ektlarining har- xil bozor tuzilmalaridagi harakat faoliyati hamda ularning faoliyatiga ta’sir qiluvchi omillarni o‘rganish;
- bozordagi talab va taklif to‘g‘risidagi statistik ma’lumotlar asosida bozorni taxlil kilish va xulosalar chikarish;

- davlatning bozor iqtisodiyotiga aralashuvi oqibatlarini tahlil qilish asosida xulosalar chiqarish;
- iste'molchining bozordagi xatti-harakati va ishlab chiqaruvchi firmalarning iqtisodiy resurslardan oqilona foydalanish yo'llarini;
- Bozor muvozanatining o'zgarishi va unga ta'sir qiluvchi omillarni tadqiq qilish;
- Elastiklik nazariyasining amalda qo'llanilishini va soliq yukining taqsimlanishini tahlil qilish;
- Bozor sharoiti o'zgarishi oqibatlarini prognoz qilish va baholash.

«Mikroiqtisodiyot» o'quv fani bir qator ijtimoiy va iqtisodiy fanlar bilan o'zaro bog'liqdir. Ular jumlasiga: «Iqtisodiy nazariya», «Makroiqtisodiyot», «Mehnat iqtisodiyoti», «Korxona iqtisodiyoti», «Statistika», «Menejment» kabilar kiradi.

***1.1. «Mikroiqtisodiyot» fanining boshqa fanlar bilan aloqasi***




**1.2.**

| | |
|---|---|
| ***«Микроиқтисодиёт» фанидан ўрганилиши лозим бўлган муаммолар*** | Фаннинг предмети, мазмуни ва асосий вазифалари |
| | Талаб ва таклиф таҳлили ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар |
| | Талаб ва таклиф эластиклиги, эластиклик назарияси асосида солиқ юкининг истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида тақсимланиши |
| | Истеъмолчиларнинг бозордаги хатти харакати ва эхтиёжларини қондириш учун даромадларининг тақсимланиши |
| | Фирмаларнинг ишлаб чиқариш хажмини максималлаштириш ва фирманинг оптимал размери |
| | Рақобатлашган бозор шароитида фирма фойдасини максималлаштириш |
| | Рақобатлашувчи фирма ва тармоқнинг узоқ муддатли оралиқдаги мувозанати ва тармоқнинг таклифи |
| | Бозор турлари, рақобат ва яккаҳокимлик |
| | Бозор ҳокимияти шароитида нарх белгилаш тамойиллари |
| | Меҳнат бозори ва корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш |

**1.3.**

«Микроиқтисодиёт» фани олдида турган вазифалар
Иқтисодий субъектларнинг бозор иқтисодиёти шароитида қарор қабул қилишлари ва эхтиёжларини максимал қондиришларини ўрганиш
Ишлаб чиқариш имконияти чегараси ва алтернатив харажатлар мохиятини англаб етиш
Талаб ва таклиф эластиклиги мохиятини тушуниб етиш ҳамда эластик назариясига асосланиб солиқ миқдорини истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида тақсимланиши тўғрисида назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиш
Истеъмолчилар нафлилиги ва ўз нафлиликларини максимал қондириш йўлларини бефарқлик ва бюджет чизиқлари орқали изохлаш
Ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш ва уни хисоблаш йўлларини кўрсатиш
Рақобатлашган бозор шаротида фирма фойдасини максималлаштириш ва фирманинг самарали размерини аниқлаш
Рақобатлашмаган бозорларда нарх ва ишлаб чиқариш хажмини изохлаш
Монополиянинг жамият учун фойдали ва зарарли томонларини кўрсатиб бериш
Давлатнинг бозорни тартибга солишда қўллайдиган усуллари ва унинг оқибатлари тахлилини сабабий боғлиқликда қараб чиқиш
Меҳнат қилиш ва дам олиш ўртасидаги боғлиқликни изохлаш ва меҳнат бозорига касаба уюшмалари қандай таъсир кўрсатишини гарафиклар орқали фахмлаш

**1.4.**

## Reyting baholash ballari




## Fan bo‘yicha talabalarning o‘zlashtirishlarini baholash mezonlari

**Fan bo‘yicha talabalar bilimini baholashning reyting mezonlari**

| | |
|---|---|
| **JN (Joriy nazorat): 45 ball (%)** | **ON (Oraliq nazorat): 40 ball (%)** |
| **YAN (Yakuniy nazorat): 15 ball (%)** | **M.B. 100 ball(%), S.B. 55 ball (%)** |

**FAN BO‘YICHA UMUMIY BAHOLASH**

| | |
|---|---|
| **86-100 ball- 5 (a’lo)** | **71-85 ball- 4 (yax’shi)** |
| **55-70 ball- 3 (o‘rta)** | **55 ballgacha- 2 (qoniqarsiz)** |

**ORALIQ NAZORAT: 40 ball**

| | |
|---|---|
| **34- 40 ball- 5 (a’lo)** | **28-33 ball- 4 (yax’shi)** |
| **22-27 ball- 3 (o‘rta)** | **21 ballgacha- 2 (qoniqarsiz)** |

| **1- oraliq: 20 ball** | **2-oraliq: 20 ball** |
|---|---|
| **17-20- 5 (a’lo)**<br>**14-16.5- 4 (yax’shi)**<br>**11-13.5- 3 (o‘rta)**<br>**10- 2 (qoniqarsiz)** | **17-20- 5 (a’lo)**<br>**14-16.5- 4 (yax’shi)**<br>**11-13.5- 3 (o‘rta)**<br>**10- 2 (qoniqarsiz)** |

**YAKUNIY BAHOLASH**

**12.9-15 ball- 5 (a’lo)**
**10.6-12.7 ball- 4 (yax’shi)**
**8.2-10.5 ball- 3 (o‘rta)**
**8.1 ballgacha- 2 (qoniqarsiz)**

**1.5.**

**Bozor turlari.**




**1.6.**

Agar ne'mat noyob bo'ladigan bo'lsa, u holda cheklangan ne'matlarni qanday qilib iqtisodiy sub'ektlar o'rtasida ratsional taqsimlashni amalga oshirish muammosi - bu markaziy iqtisodiy muammo hisoblanadi. Bu muammoni yechish uchun har qanday jamiyat quyidagi uchta iqtisodiy savolga javob berishi kerak:

**Nima ishlab chiqarish kerak?**

**Qanday ishlab chiqarish kerak?**

**Kimga ishlab chiqarish kerak?**

Yuqoridagi savollardan ikkitasi, ya'ni nima ishlab chiqarish kerak? va qanday ishlab chiqarish kerak? degan savollar - resurslardan mahsulot ishlab chiqarishda foydalaniladigan va ishlab chiqariladigan mahsulot tarkibining juda ko'p alternativ variantlari mavjudligini taqozo qiladi.

**1.7.**

**Muvofiqlashtirishning bozor mexanizmi**




## II. O'QUV TOPSHIRIQLAR

## *2.1. Mustakil ish uchun vazifa*

1. Berilgan sxemani fanning strukturasi va boshqa fanlar bilan aloqasini ko‘rsatib, to‘ldiring.




**2.2.**

## Diqqatni jalb qiluvchi va muhokama uchun savollar

6. Mikroiqtisodiyot fani nimani o‘rgatadi?
7. Makroiqtisodiyot va mikroiqtisodiyot o‘rtasidagi farq nimadan iborat?
8. Alternativ harajatlar deganda nimani tushunasiz?
9. Mikroiqtisodiyot iqtisodiy sub’ektlarni nechaga bo‘lib qaraydi?
10. Jamiyat oldida turgan fundamental savollar nimadan iborat?

**2.3.**

**Aqliy xujum qoidalari:**

- Bayon etilayotgan fikrlarni inkor etmaslik;
- Bildirilayotgan fikrlarga rad javobi bermaslik va tanqidga olmaslik;
- So‘zlovchi fikrini to‘liq eshitish va uni bo‘lmaslik;
- E’tiroz bildirishdan o‘zni tiyish;
- G‘oyalar qayta-qayta bildirilishidan ranjimaslik;
- So‘zlovchini ehtiroslarga berilishiga yo‘l qo‘yib berish;
- Ko‘rilayotgan masala oddiy yechimdan boshlanadi;
- Qanchalik ko‘p fikr va g‘oyalar bildirilsa, shunchalik yaxshi. Yangi va bebaxo fikr va g‘oyaning paydo bo‘lish ehtimoli paydo bo‘ladi;
- Bu muammo faqatgina ma’lum usullar yordamidagina hal bo‘lishi mumkin, deb o‘ylamang.

# 17. МУАЛЛИФ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.

**ШАКАРОВ АЛЛАЁР БАРАТОВИЧ –** САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИДА ДОЦЕНТ ЛАВОЗИМИДА ИШЛАБ КЕЛМОҚДА**.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# 18. ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

*Ҳар қандай мамлакатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир.*

**Ислом Каримов**

“Биз ҳаётимизнинг турли жабҳаларида, халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошириб, янгиланиш сари борар эканмиз, ушбу ислоҳотларнинг ижобий томонга ўзгариши, маънавий юксалишимизга кўмак бериши ҳамда миллий ғурур ва ифтихоримизни кучайтириши кўп жиҳатдан ҳар томонлама етук кадрларга боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Республикамизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама равнақ топишида, бу соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишимизда ҳам миллий кадрлар бош омиллардан бири бўлади”. – дея таъкидлайди Президентимиз ўзининг “Замонавий кадрлар тайёрлаш – ислоҳотлар муваффақиятининг асоси” номли маърузасида.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аксарияти биз ёшларни чуқур билим олишимиз, касб-ҳунар сирларини мукаммал ўзлаштиришимиз учун етарли шарт-шароитлар яратишни таъминлашга қаратилган. Шундай экан, биз ёшлар ўзимиз учун яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ўз билимимизни оширишимиз ва олган билимларимиздан ватанимиз равнақи йўлида фойдаланишимиз лозим.

*Бизнинг мақсадимиз-*
*инсонлар ҳамжиҳатлиги ва*
*тараққиётига хизмат*
*қилувчи энг яхши таълим ва*
*илғор илмий тадқиқотларни*
*олиб боришдан иборатдир.*

Қудратов Ғайрат ҳикматович
иқтисод фанлари доктори, профессор
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Ректори

Биринчи курсга қабул қилинган азиз талаба ёшлар, барчаларингизни энг азиз, энг улуғ байрам мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан муборакбод этаман.

Олтин даврнинг илк кунларини бошлаётган қалби қувноқ, иқтидори сар баланд ёшлар! Сизларга ўзининг бой анаънаси, тарихи, таълим ва илмий тадқиқот соҳасидаги ўрни бўйича Марказий Осиёда энг етакчи ҳисобланган Самарқанд Давлат иқтисодиёт институтини таништиришга рухсат берсангиз.

Бизнинг институт илғор касбий таълим, натижавий фундаментал ва амалий илмий тадқиқотни таъминлашни мақсад қилган ва ўзаро бир-бирини тушуниб, қўллаб қувватлайдиган минглаб ўқитувчи-устозлар, хизматчи-ходимлар ва талабаларни бирлаштирган. Самарқанд Давлат иқтисодиёт институти ўзининг 75 йилдан зиёд тарихи давомида халқаро талабларга жавоб берадиган таълим тизимига эга бўлганлиги сабабли, мамлакатимизда энг кучли иқтисодий таянч ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Биз мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлари учун иқтисодчи кадрлар тайёрлашга мўлжалланган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқамиз. Бизнинг институт академик ва касбий йўналишдаги бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича таълим дастурлари ҳамда фан номзоди ва фан доктори илмий даражасини олиш учун илмий-тадқиқот дастурларини таклиф этади. Бакалавриатда 23 та таълим йўналиши, магистратурада 23 та мутахассислик ҳамда аспирантура бўйича 16 та, докторантурада 9 та ва мустақил тадқиқотчилик бўйича 20 дан ортиқ мутахассисликлар мавжуд.

Бугун институтимизда 200 га яқин профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқда; уларнинг 3таси республика Фан Академияси академиги, 72 таси фан доктори ва профессорлар, 240 таси фан номзоди ва доцентлардир.

Олдинда сизни қизиқарли лойиҳа ва дастурлар кутмоқда. Биз Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини дунёнинг энг зўр таълим марказларидан бирига айлантиришга бор куч-ғайратимиз билан ҳаракат қиламиз. Умид қиламизки, сиз бизнинг институтимиз Самарқанд Давлат иқтисодиёт институти оиласининг аъзосига айланасиз!

Шу билан бирга талабаларимиз ичидан ўзининг изланувчанлиги ва ҳаракатчанлиги билан кўпгина номдор давлат стипендияларига сазовор бўлаётганлари ҳам кўплаб топилади. Биргина 2010/2011 ўқув йили бўйича қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

2010 йилда институтда “Талабаларнинг энг яхши илмий-амалий ғояси”

деб номланган танловда 100 дан ортиқ талабалар иштирок этишиб, уларнинг 12 таси ғолиб сифатида қимматли совға ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Республика Фан олимпиадаларида Касб-ҳунар таълими кафедрамизда таълим олаётган талабалар фаол иштирок этишиб қуйидаги натижаларга эришдилар;

3-ўрин: 1. Баратова У.Н.- Мк-108 гуруҳ талабаси «Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт";

2010-2011 ўқув йилида

4-ўрин: 1.БОЗОРОВ Азим Си-109 толиби «Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт";

Ҳар йили институтимиз талабалари Президент ва номдор Давлат степендиялари: Беруний, Навоий номли стипендиялари танловларида фаол иштирок этишиб ғолиб бўлишмоқда.

СамИСИ касб-ҳунар таълими кафедраси нафақат таълим соҳасида бой тажрибага эга, балки талаба-ёшлар тарбиясини яхшилаш ва маънавиятини ўстиришга қаратилган бир қанча тадбирларни ўтказишда ҳам кўп йиллик анъанага эга.

Энг аввало, институтда 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб, айнан биринчи курс талабаларининг маънавий-аҳлоқий тарбиясини яхшилашга, уларнинг институтга мослашувини тезлаштиришга қаратилган "Устоз-шогирд" тизимига мувофиқ амал қилувчи Таълим-тарбия маслаҳатчилари мактабининг фаолияти ҳақида қисқача ёритиб ўтишни лозим деб топдик.

Биринчи курсга қабул қилинган талабалар маълум гуруҳларга бирлаштирилгандан сўнг гуруҳларга маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар услубияти ва амалиётини чуқур англаб етган профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар ичидан танлаб олинган Таълим-тарбия маслаҳатчилари бириктирилади. Улар ўқув ва ўқув-услубий соҳада, маънавий-аҳлоқий тарбия соҳасида ҳамда илм-фан ва тадқиқотлар соҳасида биринчи курс талабаларига яқин маслаҳатдош сифатида ёрдамлашадилар. Институтда ўтказиладиган барча маънавий-маърифий тадбирлар Таълим-тарбия маслаҳатчилари кўмагида ташкиллаштирилади. Бакалавриятнинг 2-босқичидан бошлаб Таълим-тарбия маслаҳатчиси мактаби аста-секин тўлақонли "Устоз-шогирд" тизимига ўта бошлайди. Учинчи босқичдан бошлаб ушуб тизимга ўтишнинг имконияти ва ижтимоий зарурияти туғилади. Устозлар битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиш билан бирга бўлажак кадрнинг мутахассислиги, унинг илмий-услубий даражаси, маънавий-ахлоқий қиёфаси, касбий маҳорати ва касб этикаси учун ҳам масъул бўладилар.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида қуйидаги тадбирлар анъанавий тарзда ва кенг миқёсда нишонланади:

Билимлар куни;

Ўқитувчи ва мураббийлар куни;

Биринчи курс талабаларига талабалик гувоҳномасини тантанали топшириш маросими;

Янги йил байрами;

Халқаро хотин-қизлар куни;
Наврўз баҳор байрами;
Хотира ва қадрлаш куни.

Бундан ташқари институтда турли мавзуларга бағишланган давра суҳбатлари ва турли спорт мусобақаларини ўтказиш урфга айланган. 9-Май – Хотира ва қадрлаш кунида уруш фахрийлари ва меҳнат қаҳрамонлари, кекса ёшли профессор-ўқитувчиларнинг хонадонларига турли ҳадялар билан ташриф буюриб уларнинг кўнглини кўтариш, институт оталиғидаги “22-сонли Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиларига мунтазам меҳр-мурувват улашиш одатга айланган.

| | |
|---|---|
| **Илмий кенгаш мажлислар зали** | **Ректорат жойлашган бино 2-қават кичик мажлислар зали** |
| **Фаоллар зали** | **3-қават катта мажлислар зали** |
| | |
| | **Ректорат биносида** |
| **Спорт зал** | **Институт ҳовлисида** |
| **Музей** | **Ректорат биноси 2-қават** |
| **Саломатлаштириш маркази** | **Институт ҳисобхонаси ортида талабалар ётоқхонаси 1-қават** |
| **Талабалар ошхонаси ва буфет** | **Институт ҳовлисида 2 қаватли бино** |
| | **1-қават** |
| **Ксерекопия** | **Институт ҳовлисида** |
| **Типография (Ксеракопия)** | **СамИСИ АРМ ҳовлисида** |
| **Архив** | **Сервис ва туризм факултети 1-қавтида 130 ауд. ёнида** |

**институтда талабалар:**

- таълим дастурларида назарда тутилган, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг ҳозирги замон тараққиёти даражасига мос келадиган билимлар олиш;
- институт фаолиятининг ҳамма томонларига даҳлдор ўта муҳим масалаларнинг ҳал этилишида иштирок этиш, таълим жараёнининг бошқа иштирокчиларииг қадр-қимматини камситмаган ҳолда ўз фикр- мулоҳазаларини эркин ва ошкора ифода этиш;
- ўзининг инсоний қадр-қимматини ҳурмат қилинишини талаб этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида, институтнинг ички норматив ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш;
- ўқув фанларини ўзлаштириш жараёнида турли хил қийинчиликлар юзага келса,

профессор-ўқитувчилардан ёрдам олиш;

- институтнинг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда билим олиш ва кўникмалар ҳосил қилиш учун турли шаклларда фаоллик кўрсатиш;
- спорт билан шуғулланиш, Институтнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

## Талабалар мажбуриятлари

**Институтда талабалар:**

- ҳар қандай вазиятда ҳам Институт манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиши, Институт шаъни ва унинг шонли анъаналари, қарор топган нуфузи тўғрисида жонкуярлик қилиши;
- "Самарқанд Давлат иқтисодиёт институтининг талабаси" деган шарафли номга муносиб равишда ўқиши ва ишлаши;
- ўзиниг барча хатти-ҳаракатларини назорат қилиб бориши ва ўз фаолияти давомида доимо яхшиликни ёмонликдан, ҳалолликни виждонсизликдан, қонунийликни ҳуқуқбузарликдан фарқлай олиши кераклигини унутмаслиги:
- ўз виждонига қулоқ тутган ҳолда ўз шаънига доғ тушириши мумкин бўлган ва ўз аҳлоқий принципларига шубҳа соладиган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши;
- институт талабаси давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда тузилмаларида амалиёт ўтар экан, у ўз хулқ-атвори билан Институт ҳақида, унда тайёрланаётган мутахассислар сифати тўғрисида юксак ижобий таассурот ҳосил қилиши кераклигини англаб етиши;
- институт ҳудудида наркотик ва психотроп моддалар, алкоголли маҳсулотлар (шу жумладан пиво) истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига ҳар томонлама тўсиқ қўйиши;
- институт мол-мулкига зарар етказмаслиги ва уни кўз қорачиғидек асраши;
- талабалар ётоқхонасида ички тартиб қоидаларига қатъий риоя қилиши ҳамда газ, сув ва электр энергиясини тежамкорлик билан сарфлаши шарт.
- талабалар институтда таркиб топган анъаналар сақлаб қолиниши
- тўғрисида ҳар томонлама жонкуярлик қилишлари, қуйи курс талабаларини тарбиялаш ва уларга таълим беришда, уларни ножўя хатти-ҳаракатлардан асраб қолишга кўмаклашишлари шарт. Қуйи курсдаги талабалар юқори курсдагиларнинг маслаҳатларига қулоқ тутиши ва ҳурмат билан муносабатда бўлишлари;
- талабалар билан институт ҳамда бошқа олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ўртасидаги муносабатлар асосини ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамкорлик ташкил этишлари;
- институтда талабалар институт профессор-ўқитувчилари ва ходимлари билан ўзаро муносабатларда субординацияга риоя этишлари, ўз мулоҳазаларини ва баҳоларини беришда аҳлоқ нормаларига амал қилишлари;
- институтда талабалар агар институт профессор-ўқитувчилари ва бошқа ходимлари мурожаат қилсалар уларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишлари лозим. (Самарқанд Давлат иқтисодиёт институти корпоратив одоб-аҳлоқ кодексидан).

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти кутубхонаси Республика Олий ўқув юртлари кутубхоналарининг энг бой фондига эга бўлган кутубхоналардан биридир. Кутубхона фондида минглаб нусха китоблар сақланади ва 140 номдаги газета ва журналлар мунтазам янгиланиб турилади.

Кутубхонада 34 та компьютер бўлиб, улардан 30 таси кутубхона ўқув залида жойлашган. Иккита компьтерга энг янги автореферatлар, ўқув адабиётлари билан таъминланганлик, давлат стандартлари ва обуналар бўйича маълумотлар базаси киритилган. Бундан ташқари кутубхонада электрон кутубхона ташкил этилган бўлиб, у ерда 346 та фандан электрон маърузалар матнлари, 700 яқин фанга электрон дарсликлар ва ўқув адабиётлари жойлаштирилган. Кутубхона компьютерлари Интернет тармоғига уланган.

Кутубхона иш вақти 8.00 дан - 20.00 гача.

Кутубхонага аъзо бўлиш учун китобхондан паспорт ва иккита фотосурат талаб қилинади. Шу асосда китобхонга китобхонлик гувоҳномаси берилади.

Китобхон адабиёт олиш учун китобхонлик гувоҳномасини кўрсатиши керак, ундан кейин китобхон талабномасини тўлдириб китобни ҳар бир тавсиф варақчаси (китоб формуляри)да ўз имзосини қўйиш лозим.

Китобхонлар кутубхона жамғармасидан китобхон гувоҳномаси билан ўқув зали ва илмий абонементлардан китобларни ва бошқа матбуот асарларини уйга белгиланган муддатда олиб кетиб фойдаланиш ҳуқуқига эга. Зарурий пайтларда китобхонлар кутубхонанинг бошқа бўлимларидан шахсни тасдиқловчи ҳужжат орқали ҳам фойдаланиш имконига эгадирлар.

Илмий абонементдаги адабиётлар бир ой муддатга, ўқув абонементдаги адабиётлар бир ўқув йили ёки бир семестр муддатга, бадиий адабиётлар эса (3 нусхагача) 15 кун муддатга берилади.

# TURIZM TO’G’RISIDA QONUNI

## O’zbekiston Respublikasining qonuni 20.08.1999 y. № 830-I "Turizm to’g’risida"


**1-modda.** Ushbu Qonunning maqsadi
**2-modda.** Turizm to’g’risidagi qonun hujjatlari
**3-modda.** Asosiy tushunchalar
**4-modda.** Turizm sohasidagi davlat siyosatining asosiy yo’nalishlari
**5-modda.** O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining turizm sohasidagi vakolatlari
**6-modda.** Vakolatli davlat organining turizm sohasidagi vakolatlari
**7-modda.** Mahalliy davlat hokimiyati organlarining turizm sohasidagi vakolatlari
**8-modda.** Turistik faoliyatni litsenziyalash
**9-modda.** Turistik faoliyatni moliyalash manbalari
**10-modda.** Turistik xizmatlarni sertifikatlashtirish
**11-modda.** Turistik sayohat va turistik xizmatlar majmui
**12-modda.** Turistik xizmatlar ko’rsatish shartnomasi
**13-modda.** Turistik yo’llanma (vaucher)
**14-modda.** Turistning huquqlari
**15-modda.** Turistning majburiyatlari
**16-modda.** Turistik faoliyat sub’ektining huquqlari
**17-modda.** Turistik faoliyat sub’ektining majburiyatlari
**18-modda.** Turistlarning xavfsizligi kafolati
**19-modda.** Turistlarning xavfsizligini ta’minlash chora-tadbirlari
**20-modda.** Turistlarni sug’urta qilish
**21-modda.** Nizolarni hal etish
**22-modda.** Turizm to’g’risidagi qonun hujjatlarini buzganlik uchun javobgarlik


### 1-modda. Ushbu Qonunning maqsadi

Ushbu Qonunning maqsadi turizm sohasidagi munosabatlarni huquqiy jihatdan tartibga solish, turistik xizmatlar bozorini rivojlantirish, shuningdek turistlar va turistik faoliyat sub’ektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishdan iborat.

### 2-modda. Turizm to’g’risidagi qonun hujjatlari

O’zbekiston Respublikasining turizm to’g’risidagi qonun hujjatlari ushbu Qonundan va boshqa qonun hujjatlaridan iborat.

Qoraqalpog’iston Respublikasida turizm sohasidagi munosabatlar Qoraqalpog’iston Respublikasining qonun hujjatlari bilan ham tartibga solinadi.
Agar O’zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomasida O’zbekiston Respublikasining turizm to’g’risidagi qonun hujjatlarida nazarda tutilganidan boshqacha qoidalar belgilangan bo’lsa, xalqaro shartnoma qoidalari qo’llaniladi.

**3-modda. Asosiy tushunchalar**

Ushbu Qonunda quyidagi asosiy tushunchalar qo’llaniladi:
**turizm** - jismoniy shaxsning doimiy istiqomat joyidan sog’lomlashtirish, ma’rifiy, kasbiy-amaliy yoki boshqa maqsadlarda borilgan joyda (mamlakatda) haq to’lanadigan faoliyat bilan shug’ullanmagan holda uzog’i bilan bir yil muddatga jo’nab ketishi (sayohat qilishi);
**turist** - O’zbekiston Respublikasi hududi bo’ylab yoki boshqa mamlakatga sayohat qiluvchi (doimiy istiqomat joyidan turizm maqsadida jo’nab ketgan) jismoniy shaxs;
**turistik faoliyat** - ushbu Qonun va boshqa qonun hujjatlari talablariga muvofiq sayohatlarni va ular bilan bog’liq xizmatlarni tashkil etish borasidagi faoliyat;
**ekskursiya faoliyati** - turistik faoliyatning tarixiy yodgorliklar, diqqatga sazovor joylar va boshqa ob’ektlar bilan tanishtirish maqsadida oldindan tuzilgan yo’nalishlar bo’yicha ekskursiya yetakchisi hamrohligidagi 24 soatdan oshmaydigan ekskursiyalarni tashkil etishga doir qismi;
**turistik resurslar** - tegishli hududning tabiiy-iqlim, sog’lomlashtirish, tarixiy-madaniy, ma’rifiy va ijtimoiy-maishiy ob’ektlari majmui;
**turistik faoliyat sub’ektlari** - belgilangan tartibda ro’yxatga olingan va turistik xizmatlar ko’rsatish bilan bog’liq faoliyatni amalga oshirish uchun litsenziyasi bo’lgan korxonalar, muassasalar, tashkilotlar;
**turistik industriya** - turistik faoliyatning turistlarga xizmat ko’rsatishni ta’minlovchi turli sub’ektlari (mehmonxonalar, turistik komplekslar, kempinglar, motellar, pansionatlar, umumiy ovqatlanish, transport korxonalari, madaniyat, sport muassasalari va boshqalar) majmui;
**tur** - muayyan yo’nalish bo’yicha turistik xizmatlar majmui (joy bandlash, joylashtirish, ovqatlantirish, transport, rekreatsiya, ekskursiya xizmatlari va boshqa xizmatlar) bilan ta’minlangan aniq muddatlardagi turistik sayohat;
**turistik xizmatlar** - turistik faoliyat sub’ektlarining joylashtirish, ovqatlantirish, transport, axborot-reklama xizmatlari ko’rsatish borasidagi, shuningdek turistlarning ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan boshqa xizmatlari;
**turistik guruh rahbari** - turistik faoliyat sub’ektining vakili bo’lgan va uning nomidan ish ko’rib, turistlarga hamrohlik qiluvchi, turistik xizmatlar ko’rsatish shartnomasi shartlarining bajarilishini ta’minlovchi jismoniy shaxs;
**gid (ekskursiya yetakchisi)** - tur qatnashchilariga turistik xizmatlar ko’rsatish shartnomasi doirasida ekskursiya-axborot, tashkiliy yo’sindagi xizmatlar va malakali yordam ko’rsatuvchi jismoniy shaxs;
**turistik faoliyatni amalga oshirish uchun litsenziya** - turistik faoliyatni amalga oshirishga bo’lgan huquqni tasdiqlovchi maxsus ruxsatnoma;
**sertifikat** - turistik xizmatlar sifatini va ularning muayyan standartga yoki boshqa normativ hujjatga muvofiqligini tasdiqlovchi hujjat.

**4-modda. Turizm sohasidagi davlat siyosatining asosiy yo’nalishlari**

Turizm sohasidagi davlat siyosatining asosiy yo’nalishlari quyidagilardan iborat:

- turizm va turistik industriyani rivojlantirish;
- fuqarolarning sayohat qilish paytidagi dam olish, erkin harakatlanish va boshqa huquqlarini ta’minlash;
- turistik resurslardan oqilona foydalanish va ularni saqlash;
- turizm sohasidagi normativ bazani takomillashtirish;
- bolalar, yoshlar, nogironlar va aholining kam ta’minlangan qatlamlari turizmi (ekskursiyalari) uchun sharoit yaratish;
- turistik industriyani rivojlantirish uchun investitsiyalar jalb etish;
- tadbirkorlik faoliyati sub’ektlari uchun turistik xizmatlar bozorida teng imkoniyatlar yaratish;
- turistlarning xavfsizligini, ularning huquqlari, qonuniy manfaatlari va mol-mulki muhofaza qilinishini ta’minlash;
- turizm sohasining ilmiy ta’minotini tashkil etish va rivojlantirish;
- kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish;
- chet mamlakatlar va xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikni rivojlantirish.

**5-modda. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining turizm sohasidagi vakolatlari**

Turizm sohasida O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi:

- turizmni rivojlantirish davlat dasturini tasdiqlaydi;
- turistik faoliyatni litsenziyalash tartibini belgilaydi;
- turistlarning borishi taqiqlanadigan ob’ektlar va hududlarni belgilaydi;
- turistlarning ayrim toifalariga imtiyozlar berish tartibini belgilaydi;
- hukumatlararo shartnomalar tuzadi;
- qonun hujjatlariga muvofiq boshqa masalalarni hal qiladi.

**6-modda. Vakolatli davlat organining turizm sohasidagi vakolatlari**

Turizm sohasida vakolatli davlat organi:

- turizmni rivojlantirish davlat dasturlari amalga oshirilishini ta’minlaydi;
- turistik xizmatlar infratuzilmasini shakllantiradi;
- tarixiy-madaniy merosni targ’ib qilishni, turistik salohiyatni saqlash va rivojlantirishni tashkil etadi;
- O’zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalari bajarilishini ta’minlaydi;
- xalqaro turistik tashkilotlarda O’zbekiston Respublikasining manfaatlarini ifodalaydi;
- turistik faoliyat sub’ektlariga ularning faoliyatini tashkil etish bilan bog’liq masalalarda uslubiy va boshqa yo’sinda yordam ko’rsatadi;
- qonun hujjatlariga muvofiq boshqa masalalarni hal qiladi.

**7-modda. Mahalliy davlat hokimiyati organlarining turizm sohasidagi vakolatlari**

Mahalliy davlat hokimiyati organlari turizm sohasida turizmni rivojlantirishning mintaqaviy dasturlarini ishlab chiqadilar va amalga oshiradilar hamda qonun hujjatlariga muvofiq boshqa masalalarni hal qiladilar.

**8-modda. Turistik faoliyatni litsenziyalash**

Turistik faoliyat litsenziya asosida amalga oshiriladi. Turistik faoliyatni litsenziyalash tartibi O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilanadi.

**9-modda. Turistik faoliyatni moliyalash manbalari**

Turistik faoliyat:

- turistik faoliyat sub’ektlarining o’z mablag’lari;
- yuridik va jismoniy shaxslarning pul badallari;
- zayom mablag’lari (obligatsiya zayomlari va boshqa zayomlar, bank kreditlari va boshqa kreditlar);
- chet el investitsiyalari;
- qonun hujjatlarida taqiqlanmagan boshqa manbalar hisobidan amalga oshiriladi.

**10-modda. Turistik xizmatlarni sertifikatlashtirish**

Turistik xizmatlar majburiy sertifikatlashtirilishi lozim. Turistik xizmatlarni sertifikatlashtirish va sertifikat berish qonun hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

Turistik faoliyat sub’ektining turistik xizmatlarni majburiy sertifikatlashtirishdan bosh tortishi, turistik xizmatlarni sertifikatlashtirishning natijasi salbiy bo’lishi, shuningdek sertifikatning amal qilishini bekor qilish turistik faoliyatni amalga oshirish uchun berilgan litsenziyaning amal qilishini to’xtatib qo’yishga yoki litsenziyadan mahrum qilishga sabab bo’ladi.

**11-modda. Turistik sayohat va turistik xizmatlar majmui**

Turistik sayohat yakka tartibda yoki turistlar guruhi tarkibida amalga oshiriladi. Turistik xizmatlar majmui transport xizmati ko’rsatishni, yashash, ovqatlantirish, ekskursiya xizmati ko’rsatish, madaniy, sport dasturlarini tashkil etish va boshqa xizmatlarni o’z ichiga oladi.

**12-modda. Turistik xizmatlar ko’rsatish shartnomasi**

Turistik xizmatlar shartnoma asosida ko’rsatiladi. Shartnoma ko’rsatiladigan xizmatlarning ko’lami va sifatini, taraflarning huquqlari hamda majburiyatlarini, haq to’lash va hisob-kitoblar tartibini, shartnomaning amal qilish muddatini va uni bajarmaganlik yoki lozim darajada bajarmaganlik uchun javobgarlikni, shuningdek taraflarning kelishuviga ko’ra boshqa shartlarni belgilaydi.

**13-modda. Turistik yo’llanma (vaucher)**

**Turistik yo’llanma (vaucher)** - turistning yoki turistlar guruhining tur tarkibiga kiruvchi turistik xizmatlarga bo’lgan huquqini belgilovchi va bunday xizmatlar ko’rsatilganligini tasdiqlovchi hujjat.

Turistik yo’llanmaning (vaucherning) shakli turizm sohasidagi vakolatli davlat organi tomonidan tasdiqlanadi.

**14-modda. Turistning huquqlari**

Turist:

- shartnomada nazarda tutilgan turistik xizmatlar majmuidan to’la foydalanish;
- sayohatga taalluqli to’liq va ishonchli axborot olish;
- shaxsiy xavfsizlik, o’z huquqlarining himoya qilinishi, shuningdek o’z mol-mulkininig asralishi;
- shoshilinch tibbiy yordam olish;
- shartnoma bajarilmagan yoki lozim darajada bajarilmagan taqdirda moddiy zararning to’lanishi, shuningdek ma’naviy ziyonning o’rni qoplanishi;
- agar turning umumiy qiymati oshishi uning shartlashilgan qiymatidan ortib ketsa, shuningdek fors-major holatlari ro’y bergan taqdirda turistik faoliyat sub’ektiga yetkazilgan zararning o’rnini qoplamasdan shartnomani bekor qilish huquqiga ega.

Turist qonun hujjatlariga muvofiq boshqa huquqlarga ham ega bo’ladi.

**15-modda. Turistning majburiyatlari**

Turist:

- shartnoma shartlariga;
- bojxona va chegara nazorati qoidalariga;
- borilgan mamlakatning qonun hujjatlari talablariga rioya etishi shart;
- Turist qonun hujjatlariga muvofiq boshqa majburiyatlarga ham ega bo'ladi.

**16-modda. Turistik faoliyat sub'ektining huquqlari**

Turistik faoliyat sub'ekti O'zbekiston Respublikasi hududida turistlarga xizmatlar ko'rsatish paytida:

- turning muddati va yo'nalishini, xizmat ko'rsatish darajasini, transport xizmati ko'rsatish turini, turistning xavfsizligini ta'minlash va uning mol-mulkini qo'riqlash usulini turistning roziligi va xohishi bilangina o'zgartirish;
- turistning roziligi bilan hamda bu xususda tur bojlanishidan kamida yigirma kun oldin turistni xabardor qilish sharti bilan turning shartlashilgan qiymatini oshirish;
- xizmatlar ko'rsatish mujik bo'lmagan fors-major holatlari ro'y berganda, shuningdek guruhni tuzish uchun zarur miqdorda turistlar yig'ilmagan taqdirda turistlarni bu haqda tur boshlanishidan kamida yigirma kun oldin xabardor qilgan holda turistik xizmatlar ko'rsatish shartnomasini bekor qilish;
- turistlar yoki turistlarga xizmat ko'rsatishni tashkil etish bo'yicha sheriklar tomonidan yetkazilgan zararning o'rni qoplanishini qonun hujjatlarida belgilangan tartibda talab qilish huquqiga ega.

Turistik faoliyat sub'ekti qonun hujjatlariga muvofiq boshqa huquqlarga ham ega bo'ladi.

**17-modda. Turistik faoliyat sub'ektining majburiyatlari**

Turistik faoliyat sub'ekti:

- turistlarga shartnomada shartlashilgan xizmatlarni ko'rsatishi;
- turistik xizmatlar ko'rsatilmagan yoki to'la hajmda yoxud lozim darajada sifatli ko'rsatilmagan taqdirda turistlarga yetkazilgan zararning o'rnini qoplashi;
- turistlarga turni tashkil qilish, ularning huquqlari va majburiyatlari to'g'risida to'liq axborot berishi;
- turistik resurslar, ko'rsatiladigan ob'ektlarning (tarixiy-arxitektura yodgorliklari, tabiat ob'ektlari va boshqalarning) saqlanishiga ko'maklashishi;
- turistlarning borilgan joy (mamlakat) qonun hujjatlariga rioya etishlari ustidan nazoratni amalga oshirishi shart.

Turistik faoliyat sub'ekti qonun hujjatlariga muvofiq boshqa majburiyatlarga ham ega bo'ladi.

**18-modda. Turistlarning xavfsizligi kafolati**

O'zbekiston Respublikasi hududida turistlarning xavfsizligi davlat tomonidan kafolatlanadi.

Turizm sohasidagi vakolatli davlat organi manfaatdor vazirliklar va idoralar bilan birgalikda turistlarning himoya qilinishini hamda xavfsizligini ta'minlash dasturini ishlab chiqadi va uning bajarilishini tashkil etadi.

Mahalliy davlat hokimiyati organlari turizm sohasida barcha turistik yo'nalishlar bo'yicha turistlarning himoya qilinishini va xavfsizligini ta'minlash mintaqaviy dasturlarini ishlab chiqadilar va ularning bajarilishini tashkil etadilar.

Turistik faoliyat sub’ektlari turistlarning xavfsizligini ta’minlash, ular jarohatlanganda, kasallanganda va boshqa hollarda tibbiy va o’zga xil yordam ko’rsatish yuzasidan aniq chora-tadbirlar ishlab chiqadilar.

**19-modda. Turistlarning xavfsizligini ta’minlash chora-tadbirlari**

Turistik faoliyat sub’ektlari turistlarning xavfsizligini ta’minlash maqsadida:

- turistlarning safarda xavf-xatardan xoli bo’lishlari uchun shart-sharoitni, safar, sayr, ekskursiya yo’llari, musobaqalar o’tkaziladigan joylarning obodligini ta’minlashlari;
- turistlarga jarohatlanish va baxtsiz hodisalardan saqlanish hamda ularning oldini olish usullarini o’rgatishlari, birlamchi tibbiy yordam ko’rsatish yuzasidan yo’l-yo’riq berishlari, shuningdek belgilangan yo’nalishning xususiyati va turistlarning xatti-harakatiga bog’liq holda yuzaga kelishi mumkin bo’lgan xavf manbalari haqida ularning o’zini xabardor qilishlari;
- turistlarning sayohatlar, safarlar, musobaqalar, boshqa turistik tadbirlarga tayyorgarligi ustidan nazoratni amalga oshirishlari;
- falokatga uchragan turistlarga tezkor yordam ko’rsatishlari;
- avtomobil, tog, chang’i, velosiped, suv, mototsikl, piyoda safar, gor turizmi va turizmning boshqa maxsus turlarini tashkil etish va o’tkazishda xavfsizlikning alohida talablarini ishlab chiqishlari va amalga oshirishlari shart.

Turistik sayohatlarni turistlar harakatlanishining faol shakllaridan foydalangan holda tashkil etishga ixtisoslashgan turistik faoliyat sub’ektlari turistlarning xavfsizligini ta’minlash, ekstremal vaziyatlarda ularga yordam ko’rsatish va ularni himoya qilish maqsadida xizmat ko’rsatishni ko’zlab qidiruv-qutqaruv xizmatlari bilan shartnomalar tuzadilar. Qidiruv-qutqaruv xizmatlari qonun hujjatlarida belgilangan tartibda tashkil etiladi.

**20-modda. Turistlarni sug’urta qilish**

Turistlarni sug’urta qilish majburiydir va u turistik faoliyat sub’ektlari tomonidan sug’urta faoliyati olib borish huquqiga ega bo’lgan tegishli sug’urta tashkilotlari bilan tuziladigan bitimlar asosida amalga oshiriladi.

**21-modda. Nizolarni hal etish**

Turizm sohasida yuzaga keladigan nizolar qonun hujjatlarida belgilangan tartibda hal qilinadi.

**22-modda. Turizm to’g’risidagi qonun hujjatlarini buzganlik uchun javobgarlik**

Turizm to’g’risidagi qonun hujjatlarini buzganlikda aybdor shaxslar belgilangan tartibda javobgar bo’ladilar.

24.09.2005 Manba: *www.gov.uz*

# САЙЁҲЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛИШИ ВА КЕТИШИ ТАРТИБИ ТЎГРИСИДАГИ НИЗОМ

**"Ўзбектуризм" МК 13.09.2004 й. 23-сон,**
**МХХ 29.10.2004 й. 9/1005-сон,**
**ИИВ 27.09.2004 й. 7-сон,**
**ФВВ 15.09.2004 й. 1/5/4-622-сонли**
**қарори билан**
**ТАСДИҚЛАНГАН**

## Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Муқаддима
I. Чет эллик сайёҳларни қабул қилиш тартиби
II. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга сайёҳ сифатида юбориш тартиби
Илова. Маълумотнома

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги 360-сон қарорига мувофиқ, туризмга тааллуқли бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасида туристик экскурсияларни амалга ошириш вақтида кафолатланган хизматлар кўрсатиш ва сайёҳларни чет эл сафарига боришларини расмийлаштириш тартибини ҳамда чет эллик сайёҳларни қабул қилиш жараёнида ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл сафарларига бориши чоғида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсизликларини таъминлаш, турар жойларини кафолатланиши ҳамда чет эл сафаридан ўз вақтида қайтишлари мақсадида ишлаб чиқилган.

## I. ЧЕТ ЭЛЛИК САЙЁҲЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, туристик ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган чет эллик сайёҳлар ҳақидаги иловага мувофиқ маълумотномани улар кириб келишларидан 5 кун олдин "Ўзбектуризм" миллий компаниясига тақдим этадилар.

2. Маълумотномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) кириб келаётган сайёҳлар сони, улар қайси давлатдан келаётганлиги ва қабул қилаётган ташкилотдан ҳамроҳ бўлиб борувчи шахс тўғрисида маълумот;

б) транспорт воситасининг давлат рақами;

в) Ўзбекистон ҳудудида яшаш ва овқатланиш жойлари кўрсатилган ҳолда, сайёҳларнинг ҳаракат қилиш маршрут ва муддатлари.

3. Сайёҳларни қабул қилувчи туристик ташкилотлар сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш ва содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширади:

а) аэропорт, вокзал ва бошқа кириш жойларида чет эллик сайёҳларни кутиб олиш, маълумотномада кўрсатилган меҳонхоналарга жойлаштириш ва тегишли расмийлаштириш ишларини амалга ошириш;
б) барча йўналишларда саёҳат тугагунча сайёҳларни кузатиб бориш;
в) сайёҳларни республика ҳудудида белгиланган муддат давомида бўлиши ва белгиланган муддат тугагандан сўнг республика ҳудудидан ўз вақтида чиқиб кетишларини таъминлаш;
г) хавф-хатар манбалари бўлган ҳудудларга чет эллик сайёҳларни олиб чиқишларидан олдин, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли бошқармаларидан бахтсиз ҳодисалар ёки хавф-хатарлар келиб чиқиши мумкин бўлиши ёки бўлмаслиги юзасидан тегишли маълумотларни олиш;
д) рухсат этилган хавфсиз йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда белгиланган хавфсиз йўналиш бўйича саёҳат қилишни таъминлаш;
е) белгиланган йўналишнинг хусусияти ва сайёҳларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш;
ж) зарур ҳолларда, чет эллик сайёҳлар ҳақидаги маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш;
з) чет эллик сайёҳлар томонидан чегара ҳудудидан ўтиш вақтида белгиланган тартибга риоя қилинишида тегишли давлат органларига кўмаклашиш.

4. Қабул қилувчи туристик ташкилот чет эл сайёҳлари билан хавфсизлик чораларига риоя этишлари, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби, экологик хавфсизлик талаблари, миллий урф-одатларга ҳамда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари тўғрисида тегишли тушунтириш ишларини ўтказади.

## II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ЧЕТ ЭЛГА САЙЁҲ СИФАТИДА ЮБОРИШ ТАРТИБИ

5. Сайёҳларни чет эл сафарига юбориш "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан келишилгандан сўнг амалга оширилади. Туристик ташкилот томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
сайёҳлар рўйхати, гуруҳ раҳбари кўрсатилган ҳолда (рўйхат сайёҳларни жўнатиш вақтидан камида 3 иш куни олдин топширилиши лозим);
қабул қилаётган давлат визаси;
сайёҳларга тақдим этилган туристик йўлланма;
авиачипта;
сайёҳлар суғурта қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (суғурта полиси);
сайёҳларни чет эл сафарига юборувчи Ўзбекистон Республикаси туристик ташкилотининг чет элдаги ҳамроҳининг сайёҳларга кафолатланган хизмат кўрсатишини тасдиқловчи ҳужжат;
6. "Ўзбектуризм" миллий компанияси туристик ташкилот тақдим этган ҳужжатлар асосида ҳужжат топширилган кундан 2 кун муддатда ҳужжат

топширган туристик ташкилот сайёҳларни чет элга юборишига ўз розилигини ёки асослантирилган рад жавобини беради.
Қуйидаги ҳолларда туристик ташкилотларга рад жавоби берилиши мумкин:
туризм соҳасида фаолият кўрсатишга рухсат берувчи лицензияси мавжуд бўлмаса;
чет эллик ҳамкорлари билан имзоланган шартнома муддати тугаган ёки шартномаси бўлмаган тақдирда;
сохта ҳужжатлар тақдим этганда.
